

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ:

МУҲТАШАМ СОЛНОМА

I китоб

2020 йил



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ:

МУҲТАШАМ СОЛНОМА

**Тошкент
2025 йил**

Лойиҳа раҳбари: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси ташкил этилганига 5 йил тўлди. Ўтган беш йил давомида газетамиз саҳифаларида ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний, илмий-оммабоп мақолалар чоп этилди ва бу газетхонлар қалбидан чуқур жой олди. Газетада берилган айрим мақолалар нафақат юртимизда, балки чет давлатларда ҳам катта эътирофга сазавор бўлди. Ривожланган давлатларнинг энг машхур нашрлари газетамизда нашр этилган мақолалардан фойдаланди.

Шуларни инобатга олиб, таҳририят жамоаси газетада чоп этилган энг сара мақолалар, суҳбатлар, очеркларни битта тўпلامда жамлади ва бу беш жилддан иборат “Муҳташам солнома”га айланди.

Масъул муҳаррирлар

Абубакир Уразов
Улуғбек Асроров
Носир Жўраев

**“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ кутубхонаси**



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИГА

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиздаги барча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини “Янги Ўзбекистон” газетасининг илк сони билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу ижтимоий-сиёсий нашр ўз олдига қанчалик улкан мақсад ва режалар қўйгани унинг номидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг мутлақо янги, янада юксак босқичига қадам қўймоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишини тубдан такомиллаштириш, ошкоралик, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенг-лик муҳитини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли, очиқ ва амалий шериклик руҳидаги ташқи сиёсат олиб бориш каби йўналишларда амалга оширилаётган салмоқли ишларимиз моҳият эътибори билан

Ватанимизнинг бутунлай янгича қиёфасини яратишга хизмат қилаётгани барчамизга яхши маълум.

Ана шундай улуғвор ва тарихий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб майдонга чиқаётган газета юртимиздаги демократик ислохотлар, ҳудудлардаги беқиёс бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг аҳамияти ҳамда натижаларини холис ва ҳаққоний ёритишга, аҳоли вакиллари ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга, мавжуд муаммо ва камчиликларни таҳлилий материаллар орқали дадил кўтариб чиқиб, ахборот маконида муносиб ўрин эгаллашига ишончим комил.

Глобаллашув ва мафкуравий курашлар шиддатли кўриниш олган ҳозирги мураккаб даврда янги шакл ва мазмунда чоп этила бошлаган “Янги Ўзбекистон” газетаси саҳифаларидан ҳар бир ватандошимиз энг зарур маълумотларни олиши, шу билан бирга, ўзини ўйлантираётган саволларга тўлиқ жавоб топиши, бугунги замон нафасини чуқур ҳис этиши кўзлаган мақсадларимизга ҳамоҳанг бўлур эди.

Бунинг учун таҳририят жамоаси ҳаётдан доимо бир қадам олдинда юриши, респуб-ликамизда ва халқаро майдонда рўй бераётган энг долзарб воқеа ва мавзуларни замонавий ижодий услуб ва илғор ёндашувлар орқали ўз муштарийларига тезкор тарзда етказа олиши, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг чинакам маънавий-маърифий ҳамроҳига айланиши зарур.

Ана шундай масъулиятли ва залворли вазифани сидқидилдан ва фидойилик билан адо этишда “Янги Ўзбекистон” газетаси ўз номига муносиб ҳамда миллий матбуотимиз учун ўрнатилган ва намуна бўлади, деб қатъий ишонаман.

Жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглиги, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат тарғиботи борасидаги ғоятда шарафли йўлда таҳририят жамоасига улкан муваффақиятлар ва ижодий фаоллик доимо ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

ЭНГ БУЮК ИШОНЧ

Азиз газетхон, мухтарам ўқувчилар!

Қўлингиздаги ушбу китоб-тўпламни **“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ: МУХТАШАМ СОЛНОМА”** деб номладик.

Боиси, тўпламни варақлаб, мутолаа қилсангиз, 2020-2024 йилларда мамлакатимиз ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган кенг қамровли ишлар кўз олдингиздан бирма-бир ўта бошлайди.

Миллий жамиятимизда ва янги давлатчилигимиз ҳаётида бош сарлавҳага айланган “Янги Ўзбекистон” истилоҳи бир атама ўлароқ бошқа, биз кўрган сиёсий ва мафкуралашган шиор ва чақириқларга қараганда ҳаққоний ва чуқур маънога эга эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

“Янги Ўзбекистон” бўлиб барчамизнинг қалбимизга жойлашган Ватанимизнинг, ҳалқимиз тақдирининг беш йиллик даврини атрофлича ва теран идрок этиш, тафаккурлар силсиласи мақомида мулоҳаза юритишга ундайди мазкур рисола.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ: МУХТАШАМ СОЛНОМА”дан хулоса шуки, ўтган беш йилда амалга оширилган ишларни, ҳалқимиз кайфияти ва онгу шууридаги ўзгаришларни қадам бақадам ёритиб борган эканмиз. Китобдан ўрин олган мақолаларни Янги Ўзбекистонимиз имижига, ислохотлар шиддати бир зум ҳам тўхтамаган давр портретига, одамларнинг турмуш тарзида, дунёқарашида кузатилган оламшумул ўзгаришларнинг тасвирига қиёслагимиз келди.

Китобни йиллар кесимида сараладик ва умумий беш том бўлиб дунё юзини кўрди.

Мазкур, биринчи томда 2020 йилда газета саҳифаларидан ўрин олган энг сара мақолалар жамланган. Энг сара, дейишга ҳам бироз иккиланиб турибмиз. Сабаби ўша йиллари берилган мақолаларни бир бирида устун қўйиш, бирини иккинчисидан ажратиб кўрсатиш жуда қийин бўлди. Ҳар бири ўзгача иштиёқ, ўзгача шашт, ўзгача завқ билан битилгани шундоқ кўриниб турибди. Энг муҳими, мақолалар кетма кетлигида мамлакатимизнинг ўша даврдаги ижтимоий кайфияти акс этганига гувоҳ бўласиз.

Газетамизнинг илк сони давлатимиз раҳбарининг таҳририят жамоасига йўллаган табриги, Мурожаатномаси билан чоп этилган. Йил давомида эса зиёлилар, олимлар, профессору академиклар, оддий одамлардан тортиб чет эллик энг нуфузли экспертлар фикрлари ҳам бериб борилган. Мухташам солномага сиғдиришга интилган қамровимиз албатта бу ўлчам билан чегараланиб қолмайди.

Китобнинг кейинги томлари ҳам кетма кетликда – 2021, 2022, 2023, 2024 йиллар кесимида газетамизда чоп этилган энг сара мақолалар жамланмасидан ташкил топган.

Бир нарсадан ғурур ҳиссини туйдик: биз меҳнат қилиш билан бирга ўша Давр энциклопедиясини ҳам ярата олганимиздан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир натижага эришишда олдинга қўйилган мақсад ва билдирилган ишонч муҳим роль ўйнайди. Ишонч бу “ижтимоий капитал”дир. “Янги Ўзбекистон” ғоясига йўғрилган таҳририятимиз жамоаси, сиз, азиз муштарийлар ишончига муносиб бўлишга интилади. Зеро, энг юксак мукофот – билдирилган ишончдир!

**Салим ДОНИЁРОВ,
“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари бош муҳаррири**

МАЪНАВИЯТ ХИЁБОНИ

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**



Хушxabар. Телефон мусиқасини чалди. Уни қулоққа тутдим. Умр бўйи журналистлик заҳматини чеккан, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Саъдулла ота Хўжаниёзов.

Салом-алиқдан сўнг:

— Телевизорда Адиблар хиёбонини кўрдим. Қанотим бўлса, ҳозирок Тошкентга учиб борардим, боғни қадам-бақадам сайр қилардим! Хўп ажойиб маскан бўлибди!

Кекса ҳамкасбимизнинг ҳаяжонли ва эҳтиросларга тўла сўзлари илҳом бағишлади.

Дарҳақиқат, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлса, ҳар ким ўз жойида, касб-корида қўлидан келган хизматини адо этса, халқимиз озмунча бунёдкорлик ишларига қодирми?! Маблағ етарли, қурилиш моллари-анжомлари бадастир, бинокорларимизнинг ғайратига, дидига гап йўқ, энг муҳими, ният яхши, ният улуғ, демак, битмайдиган иш йўқ. Меъморлар, муҳандислар, ҳайкалтарошлар, дизайн усталари, бинокорлар... бугун бу борада миллий салоҳиятимиз истаганча ижодий маҳорат намойиш этишга қодир.

Яна қандай пайтда эканини айтмайсизми! Дунё кўзга кўринмас, қўлга тушмас балои офат билан қурашаётган, барча саъй-ҳаракатлар тождор касофатнинг пайини қирқишга қаратилган, Ўзбекистон ҳам ўша ҳаракатлардан четда қолмаётган айни кунларда бу каби хиёбонлар, қадамжолар бунёд этилаётгани кишиларимизнинг матонатидан, яратувчиликка бўлган иштиёқидан, ишчанлигидан далолат беради.

Яхлитлик. Хиёбонни айланар экансиз, унинг аввалги қиёфаси хотирангизда гавдаланади ва беихтиёр икки хил манзарани қиёслай бошлаганингизни сезмай қоласиз. Дастлабки ҳолатда ҳазрат Алишер Навоий ёдгорлиги боққа нисбатан деярли орқа ўгириб турганди, боғ қўйнида қад ростлаган бир неча адибларга қўйилган ҳайкаллар эса турли ҳолатда тарқок жойлаштирилган эди. Ҳозирги ечимда эса Алишер Навоий ўзининг шеърият чўққисидан туриб, боғнинг ҳар қаричини муборак нигоҳлари билан қамраб олган. Йигирмадан ортиб бораётган ҳайкалнинг ҳар бири ўз турган жойидан Ҳазрат томонга кўз тиккан!

Шеъриятимиз султонининг ҳар сўзи, ҳар лутфини жон қулоқлари билан тингламоқдалар! Шу тариқа ҳозирги ечимда яхлитлик пайдо бўлган. Адабиёт тили билан айтганда, композицион бутунлик хиёбонни ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитган. Мазкур бутунлик миллий бадиий ижоднинг яхлит жараён сифатидаги мавжудлиги тимсолига айланган.

Ҳайкалтарошлик. Адаб дунёсининг ҳар бир сиймоси ўзича бир олам! Ҳар бир ижод аҳлининг турмуш тарзи, дунёқараши, мезонлари, услуби, хати... қисмати ўзгача. Ҳайкалтарошларимиз ана шу -ўзига хосликларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Қисқа муддатларда қад ростлаган ҳайкалларнинг шакл-шамойили, топилган ечимлари, қиёфалар миллий ҳайкалтарошлик санъатимиз майдонида ижодий изланишлар қизгин давом этаётганидан, яъни жараён ҳаракатда эканидан далолат бериб турибди.

Муҳит. Бадиий ижод, аввало, руҳий-ботиний ҳодиса эканини ҳеч ким инкор этмайди, албатта. Шу билан бирга, у соғлом ташқи муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Хусусан, адабиёт даргоҳига энди-энди одим ташлаб кириб келаётган ёш ижодкорлар учун ғоятда зарур. Ватанимиз Ёзувчилар уюшмасининг муҳташам биноси қад ростлаган, унинг нурли хона ва заллари кўлига қалам тутган ижодкорларга ҳамиша мунтазир. Мушоира ўтказасизми, учрашувлар ташкил этасизми, давра суҳбатлари бўладими, тақдиму то ҳоказо тадбирларми, марҳамат, ижодий кайфият бахш этувчи барча шарт-шароит муҳайё.

Уюшма саройи мантиқан Адиблар хиёбонига тутшиб кетмоқда. Демак, муҳит очик осмон остида давом этади. Чаппар уриб очилган гуллар, Ҳамид Олимжон куйлаганидек, кўм-кўк, кўм-кўк майсазорлар, соя-салқин йўлка ва майдончалар ижодкорлар хизматига шай.

Микёс. Адиблар хиёбонида меъморчилик санъатининг имкониятлари кўзга ташланади. Қаранг, жилд-жилд китоблар бағрига сиғмаган ўзбек адабиётининг муаззам тарихи “кафт”дек майдонда мужассам. Алишер Навоидан тортиб, то XX аср бошларига қадар яшаб, ижод қилган шоиру адибларимиз — Бобур, Фурқат, Муқимий, Бердақ сиймосига юзма-юз келасиз. Ўтган асрнинг аввалида — эндиликда биз учун мозийга айланган энг мураккаб ва мудҳиш замонларда ижод “дастгоҳи”ни азиз билган мунаввар сиймоларимиз — Абдулла Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Абдулла Авлоний, улардан кейинги авлод вакиллари — Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ойбек, Ғафур Ғулом, Қаҳҳор, сўнгра Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, яна бир қанотда Тўлепберген Қаипбергенов, Иброҳим Юсупов, то Муҳаммад Юсуф ва Александр Файнбергга қадар адабиётимиз дарғаларининг сиймолари бир асрлик адабиётимиз солномасини ёдга солмоқдалар. Ҳар бир ёдгорлик тарихга айланган юз йилликнинг “кеча ва кундуз”лари ҳақида ҳикоя қилмоқдалар. Бадиий ижод завқи, сурури ва таассуфлар бўлсинким... машаққатларидан ҳикоя қилмоқдалар бамисоли!

Янги боғнинг бағри кенг, чунончи, Машраб, Мунаввар қори, Фитрат сингари сиймоларимиз мунаввар сафдан ўзларининг муносиб ўринларини олишлари боғнинг сермазмун микёсига-микёс кўшиши табиий.

Мазмун. Шаксиз, Адиблар хиёбони барча-барча ижодкорларнинг севиқли масканига айланади. Шоир шеър ўқиса, адиб ўйга толади, бастакор куй басталаса, мусаввир ранг танлайди, мунаққид тадқиқ этса, кино-театр намояндалари янгидан-янги сахна кўринишларини кашф этадилар. Бу тарз ижод қайнаган гўшани мухлисларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта!

Зеро, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимиз мухлислари билан
боғнинг файзига-файз, кўркига-кўрк қўшилади.

Хуррият — байроғимиз,

Адолат — ўртоғимиз,

Хурсанд бўлган чоғимиз

Мевалансун боғимиз!

Юз йил муқаддам Чўлпоннинг армонига айланган тотли орзу, мана,
Адиблар хиёбонида меваланиб турибди. Бу маънавият, маърифат, тозариш,
хуррият, адолат ва хурсандчилик-шодлик меваси ўлароқ ҳосилини тақдим
этмоқда, ҳади этмоқда!

Адиблар хиёбони — маънавият хиёбонига марҳабо!

ЎЗБЕК ДИЁРИНИНГ ЗАБАРДАСТ КУЙЧИСИ

Наим КАРИМОВ,
академик



Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонига қадам кўйишингиз билан бошқа ҳаводан нафас олаётгандек бўласиз. Бу неча асрлардан бери инсониятнинг руҳий оламини мусаффо ҳис-туйғулар, орзу ва интилишлар билан мунаввар этиб келаётган адабиёт гулшанининг ҳаётбахш ҳавосидир. Адабиётга муҳаббат кўйган, Гомердан тортиб Фирдавсийгача, Навоидан тортиб Пушкингача, Чўлпондан тортиб Абдулла Ориповгача бўлган адабиётни хуш кўрган киши борки, бу ҳавони малҳам ўрнида қабул қилади.

Камина ҳам шундай кишилардан бири бўлганим учун, бу ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишни севаман.

Мени сархуш қилган бу ҳаво Навоий гулшанидан эсиб турибди... Бу ҳавони она юртини соғинган Бобур қалбининг таманнолари мавжлантириб турибди... Бу ҳаводан Абдулла Қодирий кўкрагида қолган мошдек кўрғошиннинг ҳиди анкиб турибди...

Адиблар хиёбонидаги XX аср ўзбек шеърятининг эрта сўнган юлдузларидан бири Ҳамид Олимжон қад кўтарган манзилга яқинлашганингизда эса қулоғингизда: “Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон, Достонларда битган гулистон...” сатрлари жаранглаб, “гул водийлар”нинг хушбўй уфори келгандек бўлади...

Ҳамид Олимжон...

Биз ғаройиб бир даврда яшадик

Бир қарасак, Ҳамид Олимжон эъзозланиб, республикада унинг ҳайкаллари ўрнатилмаган шаҳарлар, унинг номи билан аталган кўчаю мактаблар қолмагандек. Бир қарасак, бу ҳайкаллар бузилиб, номи олиниб, ҳатто айрим кишилар Ҳамид Олимжон номини тилга олишдан чўчиб юрган пайтлар ҳам бўлган...

Мамлакатимизда сиёсий, маданий ва маънавий иқлим мўътадиллашган бугунги кунда бу воқеалар худди тушда бўлиб ўтгандек, саробдек туюлади. XX асрнинг 20-йилларида совет давлати жадид зиёлиларини қувғин қилиб, ўзбек зиёлиларининг янги авлодини яратишга киришди. Нафақат мактаблар, балки завод ва фабрикаларда ҳам адабиёт тўғараклари ташкил этилди. Шу тўғаракларда адабиёт “илм”ини ўрганган ёшлардан иборат янги адабиёт — “совет адабиёти”ни барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳамид Олимжон ижоди баҳори шундай бир даврга тўғри келди ва тенгдошлари қатори совет даври ғояларини жўшиб куйлади. Шу даврда рўй берган Катта Фарғона каналидек улкан қурилишларни олқишлади. Шу даврда фидойиларча меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонган кишиларни янги тарихий даврнинг

кахрамонлари сифатида адабиёт оламига олиб кирди. Ҳамид Олимжон бу ижодий ишларини шундай катта илҳом ва истеъдод билан амалга оширдики, улар “Ўзбек совет адабиёти”нинг темир чегараларини ёриб, унинг номини сиёсий ақидалар, меъёр ва мезонлар ҳукмронлик қилмаган умуминсоний адабиётнинг намоёндаси сифатида тилга олишимизга тўла ҳуқуқ беради.

Ҳамид Олимжон туғма шоир эди. Шоирнинг шеърларини ўқиганингизда уларнинг бир нафасда ёзилгани, бирор сўзи ўчирилмай ёки ахтарилмай қоғозга тушганини кўриб-сезиб, ҳайратга тушасиз. Бу Ҳамид Олимжонга хос нафақат катта истеъдод ва маҳорат самараси, балки шоирнинг шеър ёзилган пайтда чин маънода илоҳий ҳолатда бўлганининг натижасидир. Шундай шеърларни ўқиган пайтингизда айрим шоирларнинг: “Ҳақиқий шеър шоир билан Аллоҳ ўртасида руҳий алоқа ўрнатилган дақиқаларда туғилади”, деган фикрларига ишонгинг келади, киши. Яна шу нарсани ёдда тутиш керакки, Ҳамид Олимжон она Ватанининг поэтик образини яратишга, қалбидаги она Ватанга бўлган муҳаббат оловини ифодалашга аҳд қилганида, унинг қаламидан қуйма, жўшқин ва самимийлик балқиб турган шеърлар отилиб чиқади. Бу ҳам бежиз эмас.

Ҳамид Олимжон ижодида она Ватан мавзуси устуворлик қилади. Шу мавзудаги ўнга яқин шеър орасида “Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди манда...” сатрлари билан бошланган, 1939 йилда ёзилган бу шеър нафақат қуймалиги, лирик ҳароратнинг бетакрорлиги, балки лирик сюжетнинг сатрдан-сатрга Ўзбекистоннинг турли фасллардаги турфа ранглари товланиб-бойиб-ривожланиб бориши, шеърнинг мусиқий қурилишида ўқтин-ўқтин патетик садоларнинг янграб туриши билан алоҳида ажралиб туради. Бу шеърни ўқиш жараёнида Ўзбекистонда туғилган, ўзини шу муборак заминнинг фарзанди ҳисоблаган ҳар бир кишининг қалбида миллий ифтихор туйғуси уйғониб-алангаланиб боради. Шу ҳол бу ўлмас шеърнинг бадиий қиммати ва ғоявий аҳамиятини белгилаб беради.

Ҳамид Олимжоннинг шеърӣ ижодида ватанпарварлик ва миллатпарварлик ғояларининг устуворлик қилишида унинг болалик ва ёшлик йилларида онасидан ўзбек халқ эртақларини, Фозил Йўлдош ўғли каби халқ бахшиларидан эса “Гўрўғли” туркумидаги халқ достонларини тинглаб ўсганлиги муҳим аҳамиятга молик бўлган. Унинг кейинчалик “Алпомиш” эпосини ўрганиши ва нашрга тайёрлаши, Фозил Йўлдош ва Ислом шоирларга катта иззат ва икром кўрсатиши ҳам болалик чоғида халқ ижоди чашмасига қўйган муҳаббатининг таъсиридир.

Ҳамид Олимжоннинг шеърӣяти тўғрисида сўз борганда, бу шеърӣятнинг мавзу ва мазмун доираси қанча кенг бўлса, шакл жиҳатидан ҳам шунча бой ва ранг-баранг эканини айтмай илож йўқ. Ҳамид Олимжон бармоқ вазнида, айниқса, бу вазннинг 9 ва 11 хижоли турларида шундай шеърӣ дурдоналарни яратдики, бу вазн кўринишлари Ҳамид Олимжон туфайли ўзининг барча бадиий имкониятларини тўла намойиш этди, десак хато бўлмайди. Ҳамид Олимжон эркин вазннинг ҳам, арузнинг ҳам, “оқ шеър”нинг барча бадиий имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиб, ўзбек адабиёти

ҳазинасидан ўрин эгаллаган шеърлар, дostonлар ва пьесаларни яратди. Хуллас, Ҳамид Олимжон шеъриятининг шундай қирраларини қадрлаган Асқад Мухтор ёзганидек, “Ҳамид Олимжон Шарқнинг энг йирик лирикларидан. У лириканинг кучига чуқур ишонч билан қараб, ўзининг барча жанрлардаги асарларини лириканинг нафис сеҳри билан суғорди”.

Ҳамид Олимжон нафақат забардаст шоир, балки билимдон адабиётшунос олим ҳам эди. У 1932 йилдан 1937 йилгача бўлган даврда Маданий қурилиш институтида, шу институт заминида ташкил этилган Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим ва бўлим мудири лавозимларида хизмат қилди. Ижтимоий фаолиятидаги шу воқеа унинг 1938 йилда Навоий юбилей комитетининг илмий котиби, кейинчалик эса раис ўринбосари этиб тайинланишига сабаб бўлди. (Ҳамид Олимжон шу йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига масъул котиб этиб ҳам тасдиқланган эди). Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан тузилган юбилей комитетида ишлаш жараёнида Ҳамид Олимжон истеъдодининг яна бир қирраси порлади. У Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга завқ билан киришиб, улуғ шоир ҳақидаги манбаларни чуқур ўргана бошлади. Архив хужжатларига қараганда, у қисқа муддатда Навоий ҳаёти ва ижодини шу қадар мукамал ўрганишга муваффақ бўлдики, ҳатто Ёзувчилар уюшмасида Навоийга бағишланган курс-конференцияни ташкил этиб, шу курс-конференция йиғилишларида Навоий ва унинг ижоди ҳақида маърузалар ўқиди, шу маърузалари орасида улуғ шоир дostonларидан ёдлаб олган катта-катта парчаларни ўқиб, йиғилиш аҳлини ҳайратга солди. Ҳамид Олимжон айна пайтда биринчилардан бўлиб, ўзбек ва рус тилларида Навоий ижодига бағишланган қатор мақолаларини эълон қилди. У бу мақолаларида Навоийнинг ўзбек адабий тилининг асосчиси, Шарқ мумтоз адабиётининг буюк вакили сифатидаги хизматларини унинг ўлмас асарларини чуқур таҳлил қилиш асосида очиб берди.

Ҳамид Олимжон рус тилида ёзилган “Параллеллар” (1939) сарлавҳали мақоласида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonини арманларнинг бундан минг йил илгари яратилган “Довуд Сосуний” эпоси билан қиёслаб, бу ҳар иккала асардаги муштарак образлар ва мотивларга биринчи бўлиб эътибор қаратди. “Арман халқ шоирлари, — деб ёзди Ҳамид Олимжон, — сосунлик қаҳрамонларнинг тўрт авлоди ҳақида кўшиқ яратганлар. Ўзбек халқининг даҳоси эса бешинчи авлод — янги авлоднинг кураши ва қаҳрамонлигини куйлади. Бу Навоийнинг улуғвор дostonидаги севимли қаҳрамонларимиз Меҳинбону ва Шириндир. Буюк Навоий Шириннинг мамлакати, Ширин билан Фарҳод ўртасидаги қаҳрамонона дўстлигини ва уларнинг четдан келган зулмга — эронлик золим Ҳусайнга қарши курашини куйлади”.

Ҳамид Олимжон Навоий юбилей комитети раисининг ўринбосари сифатида шоир таваллудининг барча иттифоқдош республикаларда адабиёт байрами сифатида ўтиши, Навоий асарлари ва Навоий ҳақидаги мақолаларнинг рус ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилиниши ҳамда чоп этилиши лозимлиги масаласида тинмай куюнди. У СССР Фанлар

академияси Тил ва адабиёт бўлимининг 1939 йил 27 июнда бўлиб ўтган сессиясида Навоий юбилейига Ўзбекистонда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари тўғрисида батафсил ҳисобот бериб, СССР Фанлар академиясининг иттифоқ миқёсидаги тайёргарлик ишларига жиддий раҳбарлик қилиши лозимлигини таъкидлади. Шу сессия таассуротлари асосида рус тилида ёзган “Навоийнинг ўрганилиши ва ўзлаштирилиши” мақоласида эса рус ва европалик шарқшунос олимларнинг Навоий ижодини биринчи манбалар асосида ўрганмай туриб, форс классикларининг тақлидчиси сифатида талқин этиб келганларини кескин қоралади. Навоий адабий меросининг илмий асосда ўрганилиши бошқа миллий маданиятларнинг ҳам тараққий этишига таъсир кўрсатади, деб умид билдирди.

Ҳамид Олимжон “Правда Востока” газетасининг 1941 йил 9 ва 17 февраль сонларида эълон қилинган “Навоий ижоди — умумхалқ мулки” ва “Алишер Навоий юбилейи олдидан” мақолаларида Навоий ижоди намуналарини халққа тақдим этиш ва шоир хотирасини абадийлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Афсуски, 1941 йилнинг февраль ойида нишонланиши лозим бўлган Навоий юбилейи Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан дориламон кунларга кўчирилди.

Ҳамид Олимжон Навоий юбилейини ўтказиш комитети раисининг ўринбосари сифатида бу қутлуғ ишга Ўзбекистондаги илмий ва ижодий кучларни сафарбар этибгина қолмай, Москвадаги таниқли ёзувчилар ва жамоат арбобларини ҳам жалб этди. Шунчаки жалб этибгина қолмай, улардан амалий ишни талаб ҳам қилди. Мана, унинг москвалик таниқли жамоат арбобларига йўллаган телеграммаларидан баъзи бир намуналар:

“1938 йил 23 ноябрь.

Юбилей комитети аъзоси А.Н.Толстойга.

Сизга Навоий юбилейи комитети йиғилиши қайдномасини танишиш учун юбормоқдамиз. СССР Ёзувчилар союзи қошида шу вақтгача Навоий юбилейи комиссияси тузилмаганлиги ва бу ҳол бошқа республикларда ҳам юбилей комиссияларининг ташкил этилишига таъсир кўрсатаётганига, шунингдек, марказий матбуот – “Правда” ва “Известия” газеталарида шу вақтга қадар Алишер Навоий тўғрисида бирор нарса чикмаганлигига Сизнинг эътиборингизни қаратамиз. Навоийни матбуот орқали оммалаштириш ишига ёрдам беришингизни сўраймиз.

Сизнинг юбилей комитетининг режаси ҳақидаги фикрингизни кутаамиз.

Ҳамид Олимжон”.

“1939 йил 14 февраль.

Ҳурматли Александр Александрович!

Сизга Навоий юбилейи комитети раиси Николай Семёнович Тихоновга ёзилган хатимиз нусхасини юбормоқдаман.

Шу нарсани илова қилиш лозимки, Ўзбекистон КП(б) МК котиби ўр. Юсупов бизга партия ва ҳукумат раҳбарлари билан бўлган суҳбати пайтида

юбилей тантаналарини кенг миқёсда, ўзбек халқининг байрами сифатида ўтказилиши лозимлиги ҳақида махсус кўрсатма олганини маълум қилди.

Навоий юбилейи комитети илмий котиби

Ҳамид Олимжон”.

“1940 йил 29 февраль.

Ҳурматли ўр. Скосирев!

...Кеча биз Сизга телеграмма юбордик, ўйлайманки, олиб, тегишли чораларни кўрдингиз. Сиз ҳукумат қарори билан Москва, Ленин-град ва миллий республикалардаги юбилейга тайёргарлик масаласига бағишланган йиғилишларда маърузачи этиб тасдиқландингиз, шу ҳол Сизнинг яқин кунларда Тошкентга келишингизни тақозо қилади.

Пленумга Навоий юбилейига озми-кўпми алоқадор бўлган барча кишилар келишлари лозим.

Бундан ташқари, Сизга ўзингиз билан келажак ишимизда ёрдам бера оладиган ёзувчи ва танқидчилардан икки кишини олиб келиш ҳуқуқи берилади. Барча миллий республикалардан, Қрим ва Татаристондан одамлар таклиф қилинган... Пленумнинг кун тартибига 12 та маъруза қўйилган. Биз Навоий ва унинг ижоди ҳақида муайян тасаввур беришни хоҳладик.

Хайр. А.А.Фадеев, Л.М.Пеньковский ўртоқларга салом.

Ҳамид Олимжон”.

Ҳамид Олимжон уруш бошлангандан кейин ҳам Навоий ижодини ўрганиш, асарларини рус тилига таржима қилиш, юбилейини ўтказиш масалалари билан шуғулланишда давом этди. У турли миллатларга мансуб ижодкорларнинг Тошкентда бўлишидан Навоий асарларининг, айниқса, рус тилига таржима қилинишида унумли фойдаланди.

Камина 80-йилларда атоқли ёзувчи ва жамот арбоби Комил Яшин билан бир неча бор суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганман. Шундай кунларнинг бирида Яшин ака бироз хаёл суриб, сўнг кўққисдан бундай деб қолди: “Ҳамид Олимжонга ҳайронман. Қандай одам бўлган экан-а!..” Мен суҳбат мавзусига алоқаси бўлмаган Яшин аканинг бу “лирик чекиниши” нима билан тугашини кутдим. У яна бироз хаёллангач: “Ёзувчилар уюшмаси янги бинога кўчиши кунларида уюшма кутубхонасидан Навоий асарлари русча сўзма-сўз таржималарининг қўлёзмаси топилди! Ўнлаб папкалар шундай қўлёзмалар билан тўла экан. Папкаларни оча бошласам — Навоий асарлари! Ҳамид Олимжон Навоийнинг барча муҳим ва асосий асарларини сўзма-сўз таржима қилдириб қўйган экан! Агар у ўлмаганида Навоийнинг бу асарларининг рус тилига бадиий таржимасини ҳам амалга оширган, Навоийнинг 500 йиллигини бошқача ўтказган бўларди!..”

Яшин ака ҳаяжонини анчагача боса олмади. Мен ҳам ҳозир унинг бу хотирасини ҳаяжон билан қоғозга туширяпман...

Ҳамид Олимжоннинг ён дафтарларидан бирида рус тилида бундай сўзлар битилган:

«Подготовка к юбилею: Издание, сбор рукописей. Выставка. Портрет. Памятник. Переводы.

1. На русский, грузинский, украинский, армянский таджикский, туркменский, татарский. 2. Латышский, эстонский. 3. Немецкий, английский, индийский.

Юбилей приобретет мировое значение».

Бу сўзларни изоҳламаса ҳам бўлади. Ҳамид Олимжон шу рўйхат-режадаги ишларни амалга оширмакчи, Навоий асарларини шу қайд этилган тилларга таржима қилдирмакчи бўлган. У ўйлаган, режаллаган ишини, албатта, амалга ошира олувчи кучли, иродали шахс эди.

1948 йили улуғ шоир таваллудининг 500 йиллиги миллий байрам сифатида нишонланганида шу кунлар келишини орзиқиб кутган, ўзбек халқи Навоийни яқиндан билиши, асарларини кўзга суртиб ўқиши ва севиши учун қора тунларни оқартирган Ҳамид Олимжон, тақдирнинг ўйинини қарангки, Биродарлар қабристонидан ётган эди...

Биз юқорида шоирнинг ўзбек халқ -оғзаки ижоди намояндаларига муносабати ҳақида ҳам сўзлаб ўтишга ваъда берган эдик. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, Ўзбекистонда фольклор асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари бошланди. Фан ва маданиятнинг бу муҳим соҳаси билан шуғулланувчи олимлар майдонга кела бошладилар. Болалик чоғларидаёқ халқ ижодига меҳр қўйган Ҳамид Олимжон ҳам бу ишга бел боғлаб киришди. У 1937-1938 йилларда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган ўзбек халқ ижодининг муҳташам обидаси – “Алпомиш” достонини кунт билан ўрганиб, нашрга тайёрлади. Бу ўзбек маданияти тарихида илк бор нашр этилган ўзбек халқ достони эди.

Халқ достони бир неча соат, ҳатто бир неча кун давомида ижро этиб келинган. Унинг тўла ва илҳом билан ижро этилиши бир неча омилларга, шу жумладан, бахшининг ёши, соғлиғи, кайфияти, қаерда ва кимлар даврасида ижро этиши кабиларга боғлиқ. Унинг ёзиб олинган жараёни ҳам мураккаб. Ёзиб олинган достонни нашрга тайёрлаш эса ундан ҳам мураккаб. Ҳамид Олимжон “Алпомиш” достонини нашрга тайёрлаш жараёнида унинг қачон, қайси тарихий даврда яратилгани, шу тарихий давр колоритини ва бахшининг ижро этиш услубидаги ўзига хосликни сақлабгина қолмай, асарга турли омиллар таъсирида киритилган, аммо ғоявий ва бадиий мукамаллигига шикаст келтирган сатрлар ёки парчаларни олиб ташлаш лозимлигини ҳам яхши билган. Хуллас, “Алпомиш”нинг Ҳамид Олимжон таҳририда нашр этилиши 30-йилларнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган.

Ҳамид Олимжон достонга ёзган сўзбоши-мақоласида “Алпомиш”нинг минг йил аввал яратилганлиги ҳақидаги қарашларга қўшилиб, бундай дейди: “... “Алпомиш”да ўзбек халқининг қабилчиликдан феодализмга кўчиш, феодализмнинг дастлабки кунлари тасвир этилганлигини кўрамай. Бу қабилавий ҳаётнинг энг сўнгги давридир. Ҳаттоки қалмоқлар билан солиштирилган тақдирда ҳам бундаги кўнғиротлар ўз бошидан ҳали ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий кунларини кечирар эди...” “Алпомиш”да кўнғирот уруғи мисолида ўзбек халқи тарихининг ибтидоий даври, шу даврдаги халқнинг ижтимоий, маиший ва руҳий ҳаёти акс этган. Халқ шу даврдаёқ

хақиқат ва адолат, мардлик ва жасорат, дўстлик ва садоқат, муҳаббат сингари умуминсоний қадриятларни билган ва эъзозлаган. Достонда ана шу қадриятлар ибтидоий даврда яшаган асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари, меҳнати ва кураши фонида маҳорат билан тасвирланган.

Ҳамид Олимжон бу хайрли ишга киришганида унинг ихтиёрида асарнинг Пўлкан ва Берди бахши оғзидан ёзиб олинган нусхалари ҳам бўлган. Аммо Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган 15 минг сатрдан иборат нусха — “ўзбек халқининг тил бойлигини ўзида акс эттирган”, атоқли бахшининг “шоирлик бешиги” бўлган “Алпомиш” уни бадиий мукамаллиги билан мафтун этди.

Ҳамид Олимжон достонни нашрга тай-ёрлаш жараёнида шундай хулосага келдики, “Алпомиш”дай гўзал асарлар безаб турган халқ ижоди хазинасини ўрганмай туриб, “ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш” мумкин эмас. Шундай қарорга келган Ҳамид Олимжон нафақат Фозил Йўлдош ўғли, балки Ислом шоир, Пўлкан бахши, Абдулла шоир, Бола бахши каби халқ ижодкорларига катта -эътибор билан қаради, Фозил Йўлдош ўғли билан Ислом шоирни Тошкентга чақириб, уларга котиб ва маош тайинлади, уларни халқ руҳини кўтарувчи терма ва достонлар яратишга илҳомлантирди.

Миртемир уруш йилларида Ҳамид Олимжон билан халқ бахшилари ўртасида бўлиб ўтган гурунглари эслаб, ёзган эди: “Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулوم, Комил Нўмон, Ҳоди Зариф ва қатордош бахшилар даврасида энг қувноғи ва топқир, ҳозиржавоби Ислом ота эди... Бахшилар ичида босиқ ва салобатли ўқийдиргани, одатда паузаси кўп шоир Фозил ота эди. Ислом ота шўх чалар, шўх ўқир эди ва ҳамиша кўзларида сузгинлик ва қувноқ учқунлар сачраб турар эди...”

Ҳамид Олимжон пойтахтдан олисда туғилган, муҳофазасидаги халқ ижоди дурдоналаридан бир-икки қишлоқ аҳлигина баҳраманд бўлган бахшиларга катта ҳурмат ва иззат кўрсатибгина қолмай, улар репертуарларидаги ўлмас асарларнинг халқ ва адабиёт мулкига айланишига ҳам катта ҳисса қўшди.

Унинг таржимонлик фаолияти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари сифатидаги улкан хизматлари эса бошқа мақоланинг мавзусидир.

АЁЛ БАХТИ ЖАМИЯТНИНГ БАХТИДИР

**Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
федерацияси раиси, Хотин-қизлар
муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш
бўйича республика ишчи гуруҳи раҳбари**



Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Биз аёлни қанчалик улуғласак, унга қанчалик ғамхўрлик қилсак, миллат, давлат, эртанги кун ва келажак авлодга шунчалик ғамхўрлик қилган бўламиз.

Шу боис, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бугунги куннинг долзарб масаласига айланган. Жамиятимизнинг ривожини, нурли истиқболи учун жисмонан, маънан, руҳан кучли аёллар — оналар керак. Зеро, шахсни она яратади, фарзанднинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари она тарбияси билан шаклланади!

Мафкуравий урушлар, маънавиятга таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда жамиятни асрашни оилалардан бошлаш кераклиги ойдинлашиб бормоқда. Шу жиҳатдан, оналаримиз ва аёлларимизни Ватан, миллат ҳимоячилари, десак адашмаган бўламиз. Ҳаётдан рози, келажакка умид кўзи билан қараётган аёлларгина Ватанига садоқатли, меҳнаткаш, фидойи фарзандларни тарбиялай олади.

Ҳеч кимга сир эмас, оиладаги муаммолар юки, асосан, уй бекасининг нозик елкасига тушади. Эр ишсиз, оилада етишмовчилик бўлса, биринчи навбатда, аёл қийналади. Ота ишда бўлса ҳам болалар тарбияси билан она шуғулланади. Боласини боғчага жойлаштира олмаса, мактабдаги таълим-тарбия сифатсиз бўлса, онанинг ташвишига яна бир ташвиш қўшилади. Сув, газ, электр таъминоти яхши бўлмаса, яна қийналадиган — аёл!

Афсуски, узоқ йиллар хотин-қизларнинг кадр-қимматини жойига қўя олмадик, уларнинг жамиятдаги ўрнини ҳис этмадик. Мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аксар аёлларимиз ўз муаммо ва ташвишлари билан ёлғиз қолганини, ҳаётнинг моддий ва маънавий қийинчиликлари остида эзилиб кетганини билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, мамлакатимизда ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизларнинг дардини эшитиш учун шу чоққача ҳеч ким уларнинг эшигини тақиллатиб келган эмас.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу воқеликка теран назар солиб: “Шундай оилалар борки, уйда ўтиришга гилами йўқ, дори-дармон олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёши йўқ. Бундай шароитда яшаётган аёлларнинг аҳволини ким тасаввур этади? Биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз”, деган ташаббуси бу борадаги барча стереотиплар, қарашлар, ёндашувларга кескин ўзгартириш киритди.

Айнан Президентимизнинг топшириғи билан ташкил этилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича республика ишчи гуруҳи фаолияти орқали хотин-қизларимизнинг кўпгина муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳ ўз фаолиятини илгариги турли ўхшаш гуруҳлар, комиссиялар, мониторинг, кузатув, назорат жамоаларининг тартиб-тамоийилларидан фарқли равишда бевосита ҳаёт реалликларидан келиб чиқиб иш тутишга қаратди.

Бош масала — ишсизлик!

Биз ўзимиз учун биринчи масала сифатида жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида ижро механизминини ишлаб чиқишни белгилаб олдик.

Ишчи гуруҳ аъзолари етти ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳар бир маҳаллада уйма-уй юриб, муаммоларни аниқлади. Дастлаб ҳар бир ҳудуддан битта туман намуна сифатида олиниб, хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида аниқ манзилли ва муддатли чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда бу тажриба ҳар бир туман ва маҳалла кесимида амалга оширилди.

Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида уларнинг 200 мингдан ортиқ муаммоси рўйхатга олинди.

Ўрганишлар якуни бўйича барча вилоятларнинг туман ва шаҳарлари кесимида 7 йўналишдаги чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди, сектор раҳбарлари томонидан имзоланди ҳамда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси раислари томонидан тасдиқланди ва ижрога йўналтирилди.

Таҳлиллар, энг аввало, оиланинг моддий аҳволи кўп нарсани белгилашини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, бош масала — ишсизлик! Ишчи гуруҳ жойларда аёлларнинг иш билан таъминланиш даражаси ва бу кўрсаткичларни яхшилаш истиқболларини таҳлил қилди. Нафсиламбрини айтганда, менга иш беринг, мен тадбиркорлик қила оламан, менинг ҳунарим бор, озгина оёққа туришимга кўмак керак, дейдиган хотин-қизларга таъзим қилиш керак. Негаки, улар жамиятдан кўр-кўрона таъма қилмаяпти, улар бутун оғирлигини давлат зиммасига ортиб қўймоқчи ҳам эмас, қолаверса, жамият боқимандаликдан халос бўла бошлаганининг далили ҳам шу. Шу маънода, ҳар бир ҳудудда бўш турган, ишлаб кетишига банк кредити, ҳокимлик мадади, бошқа яна қайсидир маъмурий тузилманинг бир имдоди етмай турган кўплаб ишлаб чиқариш нуқталари чуқур ўрганилди. Биласизми, баъзида маҳаллий ҳокимликларнинг бир оғиз сўзига маҳтал бўлиб иш бошлай олмай юрганларни кўриб ачиниб кетасан киши.

Ишчи гуруҳ айти мана шундай объектларни ишга тушириш борасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш йўлини тутди. Мана, натижалар...

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида “Қасаба ҳамкор” тўқимачилик корхонасининг бизнес лойиҳасини амалга ошириш натижасида

хар бир сменада 300 нафардан, жами 2 сменада 600 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Мазкур мақсадлар учун 1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги “Юқориқишлоқ” маҳалласида Хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилди. Бунинг учун 1 та трактор ажратилди, қудуқ, замонавий дала шийпони қуриб берилди. Натижада 40 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Ушбу ишлар учун 700 млн. сўм сарфланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида “Дока нон” цехи, Шуманай туманида “Шоманай Шаменай” ва “Ишбилармон хотин-қиз” масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Натижада 55 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, Мўйноқ туманида замонавий иссиқхона қурилиб, 110 та оиланинг уй шароитида бандлиги таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 400 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Навоий вилояти Навбахор тумани “Кўҳрон” маҳалласида “Имаха касабга гранд АРТ” чинни буюмлар цехи бизнес лойиҳаси орқали ижтимоий ёрдамга муҳтож 100 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Мазкур бизнес лойиҳага 1 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида “Зиф текстиль” корхонасига 100 та ишлаб чиқариш дастгоҳи олиб берилди ва 300 та янги иш ўрни яратилди. Мазкур мақсадлар учун 1 млрд. 500 млн. сўм сарф этилди.

Эътиборли жиҳати, юқоридаги мақсадлар учун йўналтирилган маблағлар тадбиркорлар томонидан қарз сифатида олинди, яъни муайян вақт ўтгач, даромадлар эвазига бу маблағлар қайтарилади.

Реал ёрдамлар...

Юқоридаги ўрганишлар, қолаверса, ҳокимликлар билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида бугунги кунгача 117 минг 306 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Шунда 94 минг 150 нафари бандлик дастурлари, 17 минг 628 нафари банк кредитлари, 5 минг 528 нафари Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси лойиҳалари асосида ишли бўлди.

Ишчи гуруҳ ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йил охирига қадар республикаимиз бўйича жами 149 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

Бевосита Президентимиз топшириғига кўра, ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш мақсадлари учун йўналтирилган маблағлар ҳисобидан:

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ночор, ўта муҳтож 74 нафар аёлнинг уй-жойи учун бошланғич тўлови қопланиб берилди;

яшаш шароити оғир, уй-жойи таъмирталаб, авария ҳолатидаги 446 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди;

ижтимоий аҳволи оғир ва саломатлигини йўқотган, ногирон, муҳтож оилалардаги 3 минг 235 нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди.

Натижада республика бўйича эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг жами 3 минг 755 нафарига 15 млрд. 342 млн. сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

Тасаввур қилинг, буларнинг барчаси дунёда кечаётган пандемия даврида, бунинг натижасида қудратли давлатларда ҳам иқтисодий танглик бўй кўрсатаётган бир пайтда амалга оширилмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбарининг аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами ҳаётини яхшилашга қаратаётган эътибори, юрт отаси сифатидаги масъулиятининг яққол ифодасидир.

Ҳар бир дастур ва уларнинг ижро механизми ҳар бир ҳудуднинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ижро механизми борми?

Албатта, ишчи гуруҳ республика ҳудудларида биринчи давра ўрганишларни яқунлади ва бу мамлакатдаги хотин-қизлар муаммолари бирваракайига ечим топди, дегани эмас.

Очиғини айтиш керакки, ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида бошлаган иш тартибида асосий бўғин сифатида ижро механизмини ҳам йўлга қўйишни назарда тутган эди. Биз яқин йиллар тажрибаларидан қабул қилинган кўплаб дастурларнинг аксарияти назоратсиз, фақат қоғозлардагина қолиб кетганини ҳам яхши биламиз. Шу нуқтаи назардан қабул қилинган ҳар бир ҳудудий дастурни тумanning тўрт сектори раҳбари, вилоят раҳбари, ишчи гуруҳ раҳбари ва Олий Мажлис Сенати раиси томонидан тасдиқлатдик. Бу эса ўрганиб, чора кўриш учун белгилаб олинган ҳар бир масаланинг ўз эгаси борлиги ва масаланинг ечими тегишлича назоратда ушлаб турилишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳнинг тезкор гуруҳлари ижро муддати келган ҳар бир масаланинг ҳал этилишини ўрганиб бориши ҳам йўлга қўйилди.

Республика ишчи гуруҳи дастурлар ижроси бўйича ҳар ойлик маълумотларни таҳлил қилмоқда ва улар бўйича юқори идораларга ахборот ҳам киритиб бормоқда. Жамоатчилик назорати шакли сифатида ушбу масалалар ижроси жойларда маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилиб борилиши ҳам йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, бу маҳаллий депутатлар масъулияти ва ватанпарварлигини намоён қилиши учун алоҳида имконият бўлади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудларда масалалар ечими ҳокимлик соатларида кўриб борилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

“Ишонч телефони” ишонч қозонмоқда!

Хотин-қизлар муаммолари билан тизимли шуғулланиш масаласи касаба уюшмалари федерацияси зиммасига юкланиши баробарида Президентимиз топшириғи Касаба уюшмалари федерацияси қошида хотин-қизларнинг муаммолари бўйича туну кун ишлайдиган “1211” қисқа рақамли “ишонч

телефони” ташкил этилди ва юртимиздаги хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишнинг янги механизмига айланди. “Ишонч телефони”га шу кунга қадар 30 022 та мурожаат келиб тушди.

Жами мурожаатларнинг 10 420 таси, яъни 35 фоизи вазирлик ва идораларга, 19 602 таси, яъни 65 фоизи ҳудудий ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига юборилган.

Ушбу мурожаатларнинг 9 750 таси ижтимоий масалаларни (32,5 фоиз) 5 978 таси уй-жой (19,9 фоиз), 3 022 таси бандлик (10,1 фоиз), 2 891 таси карантин муносабати билан ёрдам кўрсатиш (9,6 фоиз), 1 443 таси алимент ундириш (4,8 фоиз), 1 409 таси ҳуқуқий масалалар (4,7 фоиз), 1 328 таси оилавий муносабатлар (4,4 фоиз)га тегишли. Қолган мурожаатлар кредит, тадбиркорлик, коммунал хизмат, ер ажратиш ва бошқа йўналишларга тааллуқлидир

Шуниси эътиборга моликки, бугунги пандемия шароитида давлат у ёки бу тизим орқали ўз аҳолиси, айниқса, хотин-қизларнинг шикоят ва арзлари, муаммоларини эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Эътиборли жиҳати, ушбу тармоққа туну кун мурожаатлар тинмайди. Улар орасида бугунги карантин шароитида оғир аҳволда қолганларнинг оддий маиший масалалари ҳам учрайди ва, табиийки, уларнинг бирортаси эътиборсиз қолаётгани йўқ.

Вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри (4 366 та, 14,5 фоиз), Самарқанд (3 274 та, 11,9 фоиз), Қашқадарё (3 217 та, 10,7 фоиз) ва Тошкент (2 930 та, 9,8 фоиз) вилоятларидан мурожаатлар нисбатан кўпроқ келиб тушмоқда.

Ҳозиргача мурожаатларнинг қарийб 78 фоизи ҳал этилди, 22 фоизга яқини назоратга олинди. Мазкур тизим мамлакатнинг олис қишлоқларидаги хотин-қизлар учун ҳам қулай эканини инобатга олиб, уни кенгроқ тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон-24” телеканали орқали “Аёл рози бўлса...” кўрсатуви ташкил этилди. Унда “ишонч телефони”га келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш билан боғлиқ ишлар, хусусан, намунали ҳудудлар билан бирга масалага панжа орасидан қараётган раҳбарлар фаолияти таҳлил қилинмоқда.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Шодмонов) аҳоли мурожаатларининг 42 фоизи, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ (Б.Эшмуротов)

16 фоизи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Ҳусанов) 11 фоизи, Навоий вилояти ҳокимлиги (Қ.Турсунов) 24 фоизи, Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Холматов) 15 фоизини ўз вақтида ҳал этмаганлиги бизни ташвишга солади. Бу борада изчил назорат йўлга қўйилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Ҳар биримиз ўз иш услубимизни ўзгартириб, оддий одамларнинг имконияти ва кўникмаларини инобатга олиб, амалий лойиҳаларни амалга оширсаккина, тезроқ натижа бўлиши, қишлоқда, маҳаллада ўзгариш бўлса, иқтисодийнинг ҳам ривожланишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз, ҳалқимизнинг бизга

бўлган ишончи ортади”, деган гаплари бугун ҳар бир раҳбарнинг дастуруламалига айланган.

Ишчи гуруҳ мамлакатни бир марта тўлиқ ўрганиб чиқди, биз иккинчи даврага тайёргарлик кўрмоқдамиз. Энди режалаштирилган ишларнинг ижроси изчил таҳлил қилинади, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш давом эттирилади.

Бизнинг олдимизга мамлакатимизнинг заҳматкаш аёллари, мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимизни рози қилишдек шарафли вазифа қўйилди. Бу вазифа биз учун катта ишонч ва масъулиятдир. Биз учун юрт корига ярашдан буюкроқ саодат йўқдир!

БИЗ ҒАЛАБА НИЯТИДА ЙЎЛГА ЧИҚДИК

Илм-маърифат бизни юксалтирган, яна юксалтиради

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор**



Азалдан бизда илм-маърифат молу давлатдан азиз тутилган.

Ёш олимни кекса ўзбек ўзидан тўрда ўтказган. У қаршилиқ қилган. Шунда “Ўтинг, ука, илмингизнинг ҳурмати бор”, дейишган. Олим — ойга, обид — юлдузга ўхшатишган.

“Гап ёшда эмас, бошда” деган мард мақол ҳам бизники. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилни Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб аташ ташаббуси халқимиз томонидан ўзгача ҳурмат, иззат билан кутиб олинди.

Кейинги уч йилда китобхонликнинг миллий ҳаракатга айланиб кетганини қаранг. Бу бежиз эмас. Ўзбек ерда ётган пулни олмаслиги мумкин, лекин ерда ётган китобни олади. Олиб varaқлайди, ўқийди. Чунки китобда илм бор. Китобхон одам, миллат ҳеч қачон кам бўлмаган. Буни замон олимлари ҳам тасдиқлайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, китоб ўқимаганларнинг 43 фоизи, китоб ўқиганларнинг эса атиги 4 фоизи камбағал бўлади.

Рақамли иқтисодиётнинг илмий асосини бобокалонимиз Ал-Хоразмий асослаб, “Мана, қўлланг, барака топинг”, деб инсониятга тутди. Бу соҳа дарахтининг минг йиллик илдизлари Ўзбекистондан бошланган. Шунинг учун Президент мактабларига юзлаб ниҳоллар экилди. Биз уларни ватанпарварлар қилиб тарбияласак, ҳадемай Ўзбекистонни дунёнинг ИТ пойтахтига айлантиришади. Боболаримизнинг илми туфайли Бухоро ислом маданияти пойтахти, Хива туркий давлатлар маданияти пойтахти бўлиб тургани каби.

Йил номида илм билан маърифат бирга келди. Бунда ҳам катта ҳикмат бор. Нега десангиз, илм бўлсаю маърифат бўлмаса, илм кутубхоналарда, олимларнинг бошларида қолиб кетаверади. Одамлар қаерда қандай илмлар борлигини, улардан қандай фойдаланишни билишмайди. Илм инновациянинг онаси. Аммо маърифат орқали тарғиб, таклиф қилинмаса, жамият, инноватор уни қаердан билсин? Қандай жорий қилсин?

Илм соҳиби маърифатсиз бўлса нима бўлади? Бунда илм яхшиликка ярамайди. Бу ҳақда мутафаккир Д.Фонвизин “Маърифат одамни фазилатли қилади, илм ёмон одамнинг қўлида ёвузлик қуролига айланади”, деган эди.

Биз узок йиллар билим — билим учун, деб келдик. Билимдан фойдаланишга эътибор қаратмадик. Аксинча, билим билан фойдани, илм билан капитални қарши қўйдик. Дунёда эса илм-фан тобора капиталлаша

борди. Бундан инновация туғилди. Ишлаб чиқариш, саноат ривожланди. Демак, диёримизда 2020 йилда илмий кашфиётлар ва уларнинг капиталлашуви, ижтимоий ва иқтисодий фойда келтириши жадаллашади. Бунинг учун илм тарғиботи — маърифат -кучаяди.

Илм маърифати фақат аниқ, техник, табиий фанлар ютуқларини эмас, ижтимоий-гуманитар илмлар тарғиботини ҳам тақозо қилади. Бир пайтлар “Ижтимоий-сиёсий билимлардан нима фойда”, деган технократик иллат бор эди. Бу фикрга эргашган мамлакатларда иқтисодий бойликларга эришилди ҳам. Одам моддий озик истеъмолчисига айланди. Маънавий озикланмаган одамлар бой бўлишди, лекин бахтли бўлишмади. Одамлар тўқ, меҳр-оқибат йўқ. Бир-биридан бегоналаша бошлади. Бир-бирига кераги бўлмай қолди. Чунки Ҳазрат Навоий ҳайқириб айтган

Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила одам элини шод қил,
деган ўғит уларга қор қилмади.

Эътибор берсак, аниқ фанлар асосида одам ўзини, оламни обод, фаровон қилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар эса одамнинг ниятларини, хулқини гўзал қилади. Натижада улар бир-бирларига иззатдан шод яшайдилар. Агар шундай бўлмаса, бахтнинг ярмига эришилади. Яъни одамлар хулқ ила бир-бирларини шод қилмай қўйишади.

Шукрларки, биз истеъмолчиликда ҳам кам эмасмиз, хулқ ила одам элини шод қилишнинг роҳатини унутганимиз йўқ, унутмаймиз ҳам. Чунки бир палласига моддий, иккинчисига маънавий бойликнинг тенглигини кўрсатиб турадиган қадимий, шарқона ахлоқ кодексимиз, тарозимиз бор.

“Ҳар бир соҳанинг илми бор”, дейди Президентимиз. Мана шу фикр билан ортга қарасак, бунинг бой тарихини кўрамиз. Одамзод ўз тарихида минг муаммо, бало-қазоларга дуч келди. Илмга суяниб, чорасини топди. Очарчилик, уруш, касалликлардан кутулиш, иссиқ-совуқ, ер усти-ер ости бойликларини ўзлаштириш, таомлар тайёрлаш, кийиниш, масофадан кўриш, гаплашиш — ҳаммаси илмга амал туфайли бўлди.

Биз кундалик иш-юмушларимизни илм туфайли ҳал қиляпмиз. Математика бизга дўкону бозорларда қилган харидимиз ҳисоб-китобини, кимё кир ювиш кукунларини, физика смартфонларни берди. Илмга амал қилган одам бугун қушдан тез учяпти, балиқдан тез сузаяпти. Бугун илм шу даражага етдики, одам касал аъзоларини ўзи ясаб, алмаштиряпти.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили ҳар бир соҳада ишни илмий асосда ташкил этишни талаб қилмоқда. Чунки бугун ҳам, эртага ҳам яхши яшашимиз учун қўлимиздан олдин ақлимизга иш буюришимиз керак. Ана шунда ҳар бир одам ақл билан ўзининг, хулқ билан юртдошларининг ҳаётини безайди.

Бош юракни тарбиялаши керак

Маърифат — Европа ва Шимолий Америкада XVII-XVIII асрлардаги кенг тарқалган ижтимоий ҳаракатнинг номи. Бу ҳаракат ўз олдига илмий билимларни, ижтимоий тараққиётни, демократик кадриятларни тарғиб этишни мақсад қилиб қўйди. Франция, Англия ва Германия маърифат ҳаракатининг маънавий-маърифий марказларига айланди. Туйғулар билан яшаган Европани ақл билан яшашга ўргатди. “Маърифатли ақл ахлоқий туйғуларни юксалтиради. Бош юракни тарбиялаши керак”, деган эди бу ҳақда немис маърифатпарвари Фридрих Шиллер.

Шундай бўлди ҳам. Илмий маърифатчилик ҳаракати Францияда Машъалалар асри (siecle des lumieres), деган ном олди. Жаҳолат ва хурофотни фoш қилди. Файласуф Иммануэл Кант маърифатни “ўз миясини ишлатиш жасорати”, деб атади. Шундан бошлаб ақл Европада олий кадриятга, мустақил фикрлаш маърифатли фуқароларнинг ахлоқий масъулиятига айланди.

Европани ёритган маърифат ҳаракати тарихига қарасак, буюк алломамиз Абу Наср Форобийнинг X асрда ёзган “Фозил одамлар шаҳри” шоҳ асари ёдга тушади. Маърифат асри арафасида боболаримиз асарлари Ғарбда жуда машҳур бўлган. Демак, Европани ёритган, жаҳолат ва хурофотдан аритган машъалалар қадимий Ўзбекистонда тайёрлангани маълум бўлади. Шу маънода Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили боболаримиз назарий асослаган, Ғарбни юксалтирган машъал — илм ва маърифат асосида юксалишга даъват бўлиб янгради.

Президентимизнинг Мурожаатномасида 2020 йилдан бошлаб ҳаётимизни тубдан ўзгартирадиган янги ғоялар ўртага ташланди. Улардан айримларига тўхталамиз.

“Жамият — ислохотлар ташаббускори”

2020 йил 24 январь куни бу хайрли ташаббус тик туриб, олқишлар билан кутиб олингани бежиз эмас. Бу жуда катта янгилик. Бу тамойил бизнинг 2030 йилда демократик давлатлар қаторига кирамиз, деган мақсадимизга элтувчи катта йўлни очиб берди. Чунки ислохот ким учун керак? Ким учун қилинади? Нимани ислоҳ қилиш кераклигини ким яхши билади? Халқ. Биз узоқ йиллар бу саволларга “давлат”, деб жавоб бериб келдик. Бу беморни “Қаерингиз, қандай оғрияпти”, деб сўрамай даволашга ўхшамайдими? Президентимиз мантиқни тиклади. Энди “Ислохотлар ташаббускори — халқ” деган ҳақиқий демократик тамойил устувор туради.

Ўйлаб қарасак, бу демократик тамойилга бундан уч йил олдин келинганига амин бўламиз. Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси бу демократик ташаббуснинг амалда бошланиши эди. Мурожаатномада 2019 йилда халқимиздан 1 миллиондан ортиқ мурожаат тушганлиги айтилди. Бу мурожаатлар қаерда қандай муаммо борлиги, қаерда нима қилиш кераклиги борасида халқ томонидан тушган таклиф-ташаббуслар бўлди. Муаммолар ҳал қилиб келинмоқда. Бу йўналиш энди депутат,

сенаторларимиз, жамоатчиликнинг қаттиқ назоратида бўлади. “Жамият — ислохотлар ташаббускори” шиори шунга тақозо қилмоқда. Бунинг учун ҳар-биримиз фаол фуқаро бўлишимиз керак. Энг аввало, муаммоларнинг олдини олишда ҳафсалали бўлишимиз шарт. Ана шунда муаммонинг сабаби йўқолади. Сабаб бўлмаса, муаммо ҳам бўлмайди.

“Олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди”

Уинстон Черчилль ҳам Англияни юксалтиришдан олдин шунга яқин фикр айтган эди. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тарихида қаерда, қачон масала мана шундай очиқ ва мардона қўйилган бўлса, натижалар юксак бўлган. Халқ узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишга ўзида бурч, куч, ирода тошган.

Рақобат шафқатсиз. Орқада қолган мамлакат кучлиларга ем, хизматкор бўлади. Бунга сабаб унга мустақиллик, ривожланиш ҳуқуқи берилгани, бироқ бундан фойдаланмагани бўлади. Меҳнат ўрнига роҳатни танлагани бўлади. Шунинг учун олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Марра жуда-баланд. Аввало, ўзимиз тайёр бўлишимиз керак. Шунга тайёرمизми, деган савол-даъват ўртага ташланди. Мурожаатномани Конгресс холлда, миллионлаб телеэкранлар қаршисида ўтириб online кузатаётган ватандошларимиз — ҳамма қалбан “Тайёرمиз!” деб олқишладилар.

Ҳозир секин юриш, секин ривож-ланиш — тўхташга, тўхташ — ортга кетишга тенг. Ортда қолган миллатнинг ўнгу сўлидан саъй-ҳаракатли мамлакатлар югуриб ўтиб кетаверишади. Миллий юксалиш йўли текис асфальт эмас. Бу ҳам олға, ҳам юқорига юриш, чўққига чиқиш дегани. Президентимиз бизни охири роҳат-фароғат билан тугайдиган, лекин бунинг учун узоқ ва машаққатли йўлга тайёрлади. Биз ғалаба ниятида йўлга чиқдик. Биз бирлашсак — қоямиз, бирлашмасак — соямиз.

Маънавият бизга ҳаводек керак

Ҳар биримизнинг шахсий маънавиятимиз бор. У уйғонганимиздан ухлагунимизгача -тилимизни, хулқимизни бошқаради. Кун бўйи яхшиликка йўллайди. Маънавиятимиз ожиз бўлса, адашиб, ижтимоий тармоқлардаги овчиларга алданамиз. “Оммавий маданият”, турли ғоявий бузғунчилар бизни Ватанимиз, аждодларимиз, ота-онамиз, ўзбеклигимиздан бегона қилиш пайида. Улар ўз ишларини битириб олишда содда ёшларимиздан хом-ашё сифатида фойдаланишмоқчи. Илм, маърифат йили бизни ана шу хатарлардан огоҳ бўлишга ўргатади. Комил миллий маънавият бизни хатолардан -асрайди.

Айрим кишилар маънавият ҳақида билиб-билмай, ўзларининг популистик фикрларини ҳам билдиришмоқда. Аммо бир нарса аниқ: маънавият ҳақида ким нима деса, бу унинг маънавиятини кўрсатади.

2019 йил 31 декабрь

Узоқ йиллар тарбия, таълимга ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ, фойда келтирмайдиган, фақат чиқимдор соҳа, деб келинди. Инсон капитали иқтисодий юксалиш омили эканлиги тушунилмади. Ривожланган давлатлар тарихига қарасак, айнан таълим-тарбия ва фанга инвестиция киритиш Ғарб цивилизациясини кескин иқтисодий гуллаб-яшнатганини кўрамиз.

Тарбия-таълим — инсон капиталига киритиладиган педагогик инвестиция. Педагогик инвестиция инсонга бир марта эмас, бир умр фойда келтиради. Ҳар бир йигит-қизга ҳаётда ўз ўрнини топишни, ўзини ўзи бахтли қилишни ўргатади. Бунинг учун янги йил арафасида — 2019 йил 31 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу — келажакка педагогик инвестиция болаларимизнинг инсон капитали туғилмасиданок лойиҳалаштирилади, йилма-йил ёшига мос бойитиб борилади, демак.

Натижада ота-она ҳам, болалари ҳам бахтли, иқтисодий бақувват, фаровон бўлишади. Хуллас, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили миллий юксалишимиз учун бой имкониятлар йили бўлади.

УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЯҚИН, АНЪАНАЛАРИМИЗ УЙҒУН

**Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**



Шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро тили, дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз уйи — жонажон Ватани деб билади. Турли миллат вакилларининг бир оила фарзандидек аҳил-тотув яшаши, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусининг юрагимиз туб-тубидан ўрин олиши муносиб ҳаёт кечиримизда мустаҳкам заминдир.

— Ўзбекистон фарзанди эканимдан бахтиёрман, — дейди тарихшунос олим, турк-ман миллатига мансуб Аваз Бектурдиев. — Жаҳонни хайратга солган цивилизация илдизлари бизнинг диёрда вужудга келгани башариятга маълум. Файласуф Гераклит қадим замондаёқ бу юртни “фалсафий тафаккур бешиги”, деб бекорга таърифламаган. Буюк аждодларимиз инсонлараро келишмовчилик, жабр-зулм ва ноҳақликка қарши туриб, одамларга бирдам ва ҳамжихат бўлиб яшашни тавсия қилган. Ҳар бир инсон, у қайси қавм ва миллатга мансуб бўлмасин, бир-бирига қариндош ва қондош қаторидадир, деган эди буюк бобокалонимиз Мир -Алишер Навоий.

... Кўп қаватли уйимизда ўндан ортиқ миллатга мансуб одамлар яшайди. Бир-биримизнинг урф-одатларимизни ҳурмат қиламиз. Тозалик ва озодаликни хуш кўрадиган баҳорой ҳам келди. Турли миллат аёллари умумий уй ҳовлисини тартибга келтиради. Сумалак тадориғи бошланади. Саҳарда ҳаммамизни ўчоқ бошидан таралган ёқимли ҳид уйғотади. Кўпчиликнинг қўли билан тайёрланган таом кўпга -тарқатилади.

— Йигирма беш йилдан бери ўзбек дугоналарим даврасида яхши ниятлар қиламан, омонлик тилайман, сумалак таъмидан баҳраманд бўлиб, яна бир кўкламга эсон--омон етганимизга шукр қиламан, — дей-ди мамнунлик билан қўшни аёл Нона Раҳматуллина. — Бир-бирларини яхши тушуниб бирлашган турли миллатлар қуда-анда бўлиб, дўстликни қон-қариндош-лик ришталари билан боғляпти.

— Яқиндагина қиз узатдик, — дея суҳбатга қўшилади арман миллати вакиласи Ануш Малян. — Бир неча тилда қўшиқлар, табрик сўзлари янгради. Айтилган ҳар маъноли ва равшан фикр, жўяли сўзлар иштиёқ билан эшитилди.

— Бу заминда оила деб аталган муқаддас даргоҳни сақлаб қолиш учун курашмаслик, унга беписанд бўлиш гуноҳи азим, — дейди юзидан нур ёғилиб турган Ачилхон ота. Келиб чиқиши мўғил бўлса-да, ўзбекона лутфи барчани лол қолдиради. Каломининг сершира-жозибадорлиги-чи.

Озарбайжон кизи Холида ҳеч қаерда қайд этилмаган баъзи қонунлар — иззат, эҳтиром, ҳурмат, хокисорлик таомилларига амал қилиш, миллий удумларни кадрлаш сингари одамийлик шартлари тўғрисида фикр юритаркан, тарбия ва одоб-ахлоққа боғлиқ масъулиятли тадбирларга таянган миллат асло кам бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

— Пойтахтимизда “Файзли Тошкент” акцияси ўтказилмоқда, — дейди Юнусобод тумани “Ахил-обод” маҳалласи мутахассиси Қундузой Бобомуродова. — Шу муносабат билан маҳалла ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, бетартиб қўйилган гаражлар тўлиқ олиб ташланди, анчадан буён аҳолини қийнаб келаётган иссиқлик қувурлари таъмирланиб, янги насос ўрнатилди, иситиш тизими яхшиланди. Ҳудудимизда истиқомат қилаётган 5795 нафар фуқаронинг 24 миллатга мансублиги, уларнинг аҳил, баҳамжихат яшаб келаётганини алоҳида айтиб ўтишни истардим. Наврўз байрамига тайёргарлик ҳар йилгидан-да бошқачароқ. Шундан бу йилги навбахор шодиёналари ўзгача бўлиши кутилмоқда. Байрам-байрамларга уланиб кетиши, сумалак сайиллари ташкил этилиши, шу баҳона турли халқ вакилларининг бир дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуриши, ҳордик чиқаришию шукроналар келтириши тайин.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким 2006 йилдан буён шу тизимда ишлайди. Мутахассислиги рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган Вячеслав ўзбек тилини яхши билади, урф-одатларимизнинг нозик жиҳатларидан яхшигина хабардор. Қадриятларни кадрлайди.

— Ўзбек ва корейс халқларининг урф-одатлари бир-бирига яқин, — дейди маҳалла раиси. — Ўхшаш жиҳатлар, хусусан, ота-онага бўлган ҳурматда, аёлларимизнинг ҳаё-ибосида, оила муқаддаслиги, фарзанд тарбиясида яққол кўринади. 2014 йили Корея Республикасида бўлиб, у ердаги миллатдошларимнинг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишганимда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдим. Ўзбекистондаги маҳалла ишига корейлик-ларнинг қизиқиши кучли. Маҳалла институти тажрибаларини ўрганиш мақсадида улар бизни таклиф қилди, бордик, улар ҳам юртимизда бўлди. Эндиликда Жанубий Кореяда ҳам ўзига хос маҳаллалар -мавжуд.

Раиснинг режалари бисёр. “Ахил-обод” маҳалласи 2020 йилги “Обод маҳалла” дас-гурига киритилган. Маҳалла гузарини барпо этиш, ҳудуддаги ички йўлларга асфальт ётқизиш, болалар майдончаси қуриш, замонавий автотураргоҳ барпо этиш, кўзга кўринадиган бўш жойларга гул ва буталар экиш, хуллас, ободончилик ишларини янада жадаллаштириш кўзланмоқда.

— Жамиятимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мус-таҳкамлаш борасида изчил ишлар давом этяпти, — дейди

В.Ким. — 30 июль — Халқаро дўстлик куни жорий йилда ўзгача нишонланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда биринчи марта “Дўстлик ҳафталиги” ва “Дўстлик” халқаро форум-фестивали ўтказилади. Турли халқ ва миллатлар дийдорлашаркан, гуллаётган дўстлик дарахти чуқурроқ илдиз отади. Дўстлик бор жойда бир-бирини

тушунмасликка ўрин қолмайди. Дарвоқе, маҳалла ҳудудида мўъжазгина “Дўстлик боғи” барпо этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Ватанпарварлик, фидойилик ўз ўрнида, миллатлараро муносабат беғараз, самимий бўлса, дўстлик дарахти гуллаб-яшнайверади.

БУ ЕРЛАРДА ОСМОН ЙЎҚ ЭДИ...

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ёзувчи**



— Тошкент ажойиб шаҳар, чиндан ҳам нон ва қуёш шаҳри.

— Биринчи бор бўлишингизми?

— Э-е, йўқ, шаҳрингизда кўп бўлганман. Ахир, ота-онаминг болалиги шу ерда кечган. Мактабни ҳам Тошкентда битиришган. Кейин уларнинг бири Воронежга, иккинчиси эса Минскка йўл олган. Тақдир экан, Москвада танишишган, институтда битта факультетда ўқишган. Ота-онам уруш болалари, Тошкент уларга бошпана бўлган, уларни асраб қолган, ўзбеклар уларни ўз боласидай ардоқлаб парвариш қилишган. Ота-онам кейинчалик Тошкентдаги шифохонада ишлашди. Улар Минскка қайтишганда, умрининг сўнгги йиллари Ўзбекистон ҳақида кўп гапиришди, умрининг бир қисми ўтган тупроқ ҳақида, очиқдил, болақалб ўзбеклар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашарди. Шундай экан, мени ҳам ярим тошкентлик деяверинг.

Жиккакжусса бу аёлнинг самимияти кўнглимга янада илиқлик бахш этади. Минск осмони узра айланиб кўним истаётган ҳаво лайнери даричасидан пастликда ястанган ўрмонга кўзим тушади. Хаёлимдан: “Менинг ўзбекларим ҳам шу ўрмонларда жанг қилишган...”, — деган ўй кечди.

— Худо хоҳласа, хизмат сафарим тугагунга қадар мен сиз билан учрашаман. Менга манзилингиз ва телефон рақамингизни берсангиз, — дейман аёлга. Шу билан бирга биринчи бор келаётганим катта шаҳарда ўзимга яқин таниш топиб олганимдан кўнглимда хотиржамлик туяман.

— Албатта, мен сизни кутаман. Истасангиз ўғлим иккимиз сизни Брестга бирга олиб борамиз. Сиз ўзингиз излаётган жанг майдонларини, албатта, топасиз, мен сизга ёрдам бераман, — дейди аёл.

Самолёт Минск аэропортига қўнди. Аёл мени шаҳарга чиқиш йўлагига бошлаб келди, боришим лозим манзилни обдон тушунтирди. Унинг исми Раяхон (аслида Райхон) эканлигини билиб юрагим ғалати бўлиб кетди. “Онамни Райхон исмли аёл боқиб катта қилган. Исминни ўша ўзбек аёлининг шарафига Райхон деб қўйишган. Сиз мени Райхон хола деб айтаверинг...” Мен Райхон деган гўзал исмини Раяхон деб ёзган кўрсавод “загисчи”дан ич-ичимдан хафа бўламан. Райхон хола билан хайрлашдим.

Маҳаллий вақт бўйича соат ўн биру йигирма. Ҳаво салқин. Осмон булут. Шабада. Аэропортдан чиқишингиз ҳамано ажойиб манзарага дуч келасиз – ойнадай текис йўл ўрмонни ёриб киради. Беларусь замани сизга шундай бағир очади. Албатта, аввал бундай оҳангжамани кўрмаган бўлсангиз хайратланасиз, ҳаяжонланасиз.

— Қандай чиройли жойлар-а?

— Беларусь ўрмон ва кўллар, ботқоқликлар ўлкаси, — дейди ҳайдовчи бепарвогина, — биринчи марта келишингми?

— Ҳмм. Барибир чиройли экан.

— Ўрмонни яхши кўрасанми?

— Билмасам, умримда ҳақиқий ўрмонга энди дуч келишим.

Ҳайдовчи менга анграйиб қараб қўяди. Мен йўл чети – ўрмондан кўз узмай мум тишлайман.

— Нега жим қолдинг?

— Беларусни шу ўрмонлар асраб қолган, — дейман бехосдан.

Ҳайдовчи энди таажжубини яширолмайди.

— Нега бундай деяпсан? Кимдан, нимадан асраб қолган?

— Фашистдан... Бунда ҳар бир дарахт фашистга қарши курашган. Ҳар бир дарахт аскарнинг, партизаннинг жонига ора кирган. Ўрмонлар бўлмаганда партизанлар бўлмас эди. Ўрмонлар жасур партизанлар тимсолида фашистнинг кўзидан ўтини олган, тинкасини қуритган. Йўқса, ит эмган газанда аллақачон Москванинг тумшуғи тагига бориб турарди.

Ҳамроҳим елкамга қоқиб қўяди:

— Ух, сени қара-ю, юз фоиз қўшиламан. Топиб гапирдинг. Ўрмонлар ҳам жанг қилган. Менинг бобом, икки амаким урушнинг дастлабки кунлари ўрмонга қочиб киришган. Партизанлар отрядига қўшилишган. Қирқ тўртинчи йилгача босқинчиларнинг додини беришган. Эх, нимасини айтасан, белорусларда бир гап бор: “Ҳеч бир хонадон эшиги йўқки, уруш тепиб очмаган бўлса...”

Мен ўйга чўмаман. Кўз ўнгимда киноларда кўрганим, китобларда ўқиганим уруш даҳшатлари, ўрмон ичидан гуррос-гуррос ўтаётган партизанлар сафи, озиқ-овқат, ўқ-дори ортилган аравалар, ертўлаларда инграган ярадорлар тепасида мижжа қоқмаган ҳамшираларнинг сўник қиёфаси намоён бўлади.

Туйқус... туйқус... Йўл ёқаси — ўрмон четидаги осмонмонанд қарағай ортида кўксига қурол, елкасида жангтўрва осган қоракўз, қорақош, -қорамағиз ўзбек ўғлони қараб турганини кўраман.

Ҳа, мен аниқ кўраман.

У жилмайиб қўяди. Юрагим -увишади.

“Планета” деган меҳмонхонага жойлашдим. Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонасига, элчимизга, элчихона вакили Дониёр акага ташаккур айтаман. Уруш ҳақида китоб ёзаётганимни билишгач, ишлари қанчалик кўп ва тиғиз бўлишига қарамай менга катта ёрдам беришди. Расмиятчиликдан холи, самимий ёрдам. Баённома-ю хат-қоғоз аралашмади. Худди ўз ватанимда юргандай эдим. Мени Беларусь Республикаси Ахборот вазири, таниқли ёзувчи ва арбоб Алесь Карлюкевич билан таништириб қўйишди. Алесь ака билан суҳбат аввалидаёқ юлдузимиз тўқнашди – бир-

биримизни тушундик, ёзувчилик яхши-да, унинг самимияти арбоблик сарҳадларини бузиб ўтди. Карлюкевич қаерга боришим, кимларга учрашишим, қайси жойлардан манба йиғишим мумкинлигини зумда ҳал этди, ҳар бир куним режага тушди. Улов ажратди. Меҳмонхонага бир қучоқ китоб олиб келиб беришди. Ҳар замонда кўнғироқ қилиб туришди, гоҳ вазирликдан, гоҳ элчихонамиздан: “чарчамадингизми, зерикмаяпсизми?” “Йўқ, ҳаммаси яхши: ёзаяпман, ёзаяпман!”

Уруш музейига бордим. Анча пайт ташқарида туриб қолдим. Ичкарига кириш олдидан ботиний бир тайёргарлик онларини бошдан кечирдим, негадир оёқларим зил-замбил эди, юрагимда алланечук оғриқ чўкиб ётгандай. Мен бу даргоҳ қаърида киши кўнглини остин-устун қиладиган, ларзага соладиган даҳшату кўргуликлар жо эканлигини билардим; бу жой ҳақида интернет орқали маълумотга эга бўлгандим. Сафар олдидан уюшмамиз раҳбари Сирожиддин Саййид ҳам: “Энг аввало, сен уруш музейига киргин, айтишга тил ожиз мусибатларни ўз кўзинг билан кўриб, йиғлайсан...”, деганди. Хуллас, мен рўпарамдаги даҳшат олдида ўзимни бир пас чоғлаб, ўзимда совуққонлик туйғусини уйғотишга уриниб гўё бепарволик билан қадам ташлайман, қаёқда дейсиз, юрагимда алланечук безовталиқ ҳисси тўлқин уради. Музейдан чиқаётганларни кузатаман, барчасининг қадам олиши оғир, барчасининг нигоҳи маҳзун, худди оғир жанг ичидан мағлуб чиққан каби бош-лари ҳам, айримларининг кўзларида ёш. Эшикка тиркалган ўриндикда кепкасини қошигача бостириб олган жиккактутамгина, озғин бир чол ўтирибди. У менга қизиқсиниб қарайди:

— Нега ҳалидан бери жойингда депсиңасан, кирмайсанми? Ке, ўтир.

Қизиқ чол экан-ку. Бунинг нима иши бор экан, кираманми, йўқми...

— Ўзим шунчаки, — чолнинг ёнига чўкаман, — Сиз кириб-чиқдингизми, қандай бўлди? — дейман дабдурустдан.

Чол синчков назар ташлайди:

— Нимаиди? Мен кирмайман. Ўғлим билан набирам кириб кетишди, хозир чиқиб қолишади.

— Сиз нега кирмадингиз?

Сизга инсоният тарихининг қизиғи йўқми, деган иддаомни пайқаб қолган чол хўмрайди:

— Бундан ўттиз йил аввал бир кирганман, бу музейга. Мен бу ердаги даҳшатларни, мана бу жойга, кўксимга, юрагимга жойлаганман. Мен бу кўргуликларни болалигимда, олти ёшимда ўз бошимдан кечирганман. Менинг мана бу ерим (чол ўз кўксига кўрсаткич бармоғини ниқтайди) тирик музей. Унинг қопқоғини ҳар куни зичлаш билан овораман. Қаёқда дейсан, ичингда, қалбингда кўмилган хотира бўрони барибир қайта-қайта хаёлингда тирилавэрар экан. Энди тушунгандирсан, менинг ўзим музейман-ку, ўғлим...

— Ноўрин гапларим учун кечиринг, ота, — дейман мулзам бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ. Бор энди, бора қол.

Мен музей эшигини очиб ичкарига кираман. Қайғу-мусибатнинг чеки йўқ. Елкангдан босган дард вужудингни зирқиратади. Тананга оғирлик килади. Уруш билан юзма-юз келасан. Ҳаёт ва ўлим оралиғида тош қотасан...

Пуховичи тумани маркази Марьяна-Горкадамиз. Журналист Анотолій амаки иккимизни кекса Александр Александрович кутиб олди. У етмиш ёшда. Ўқитувчилик қилган, ҳозир нафақада. Пуховичи тарих музейида ишларкан. Йўл-йўлакай Анотолій амаки иккиси беларусларда туғилиш ҳаддан зиёд камайиб кетаётгани, қишлоқлар ҳувиллаб қолгани ҳақида куйиниб гаплашишди. Мен томоқ кирдим, уларнинг ўзларига тегишли оғриқли суҳбатини эшитиб бораётганимдан хижолат тортиб шундай қилдим.

— Бунинг ҳеч қандай сирлиги йўқ. Ёш авлод сони бу кетишда қари-картанг, пенсионерларга тенг бўлиб қолади, — дейди Александр Александрович.

— Ҳозир мамлакатда аҳоли сони қанча?

— Тўққиз ярим миллион. Тасаввур қилинг, шунинг ярми кексалар. Аҳоли камайиб бормоқда, — деди қария.

— Сизлар урушда қирилиб кетгансизлар, — дейман оғир тин олиб.

— Нимасини айтасиз. Уч миллионга яқин белоруснинг ёстиғини қуритди уруш. 433 та қишлоқни фашистлар ёқиб, кулини кўкка совурди, одамларини қириб ташлади.

Машина ойнасидан ташқарига қарайман, кичик, ёғоч уйлар мунғайиб турган қишлоқнинг олов ичида кунпаякун бўлиб, минг-минглаб одамларнинг борлиқни ларзага солиб дод-фарёд солишини тасаввур қиламан. Кўз олдим қоронғулашади.

— Биз ҳозир ўрмонга кирамиз. Партизанлар жанг қилган ҳудудга яқинлашаяпмиз, — дейди Александр Александрович.

Уловимиз тор, лекин равон асфальт йўлда бепоён ўрмон оралаб юради. Борлиқ жимжит. Бироз ваҳимали. Атрофда на бирор техника, на бирор тирик жон кўзга чалинмайди.

— Бу йўлдан фашистлар ҳам юрганми? — сўрайман ҳамроҳларимдан.

— Бе, қаёқда. Улар бу ерга киришолмаган. Партизанлар қўл остида бўлган бу жойлар. Газандалар партизанлардан ўлгудай кўрқишган. Адашиб-нетиб кирса ҳам фашистни бу ерга ажал ҳайдаб келган...

— Партизанлар ичида ўзбеклар ҳам кўп бўлган дейишади? — билгим келади.

— Албатта. Ўзбеклар ҳам жанг қилган.

— Шулардан бири Мамадали Топиболдиев. Жудаям мард, ёвқур жангчи бўлган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Эшитганмисизлар?

— Адашмасам, Герасим Кирпичь бошчилигидаги “Чекисть” деб номланган партизанлар бригадасида жанг қилган, — дейди Александр

Александрович. — Бу бригада ҳақида бизнинг музейимизда етарли маълумот ва фотолар бор.

Александр Александрович йўл-йўлакай фашистлар қирғинбарот қилган қишлоқлар ҳақида гапириб беради. Пуховичи туманига қайтиш йўлида тўхтаимиз. Машинани қолдириб ўрмон четига ўтамиз. Ёдгорлик ўрнатилган. Фашистлар бу ерда 1 203 нафар одамни отиб ўлдиришган. Улар асосан кексалар, аёллару болалар эди...

— Болалигим шу ерларда кўзиқорин териб ўтган. Онам менга у ёқларга борма, деб кўп тайинларди. Онам-нинг айтишича, бу ерда бир неча кун ер остидан ихроқли нола эшитилиб, умумқабр силтаниб турган, — дейди Ольга Васильевна. — Болаларни бу ерга урушнинг даҳшатларини ўз кўзи билан кўришсин, тинчликнинг қадрига етишсин, тўқликка-шўхлик қилиб кечаги тарихимизни унутиб юборишмасин, деган мақсадда тез-тез олиб келамиз.

Александр Александрович мени ўрмон ичкарасига бошлаб киради. Шу ҳудудда жанг қилиб ҳалок бўлган партизанларга ўрнатилган рамзий ёдгорлик ва қабр қаршисидан чиқамиз. Бошимизда, осмонўпар дарахтлар тепасидан бизни минг-минглаб нигоҳлар, жасур жангчилар руҳи кузатиб тургандай туюлади.

Фашист-газандалари шўрлик беларусь халқини кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқларда азоблагани, ўлдиргани, қиргани ҳақида шундай тафсилоту маълумотлар борки, уларни кўрган, кузатган киши ақлдан озиши, жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳамроҳим Александр Александрович айтиб берган айрим даҳшатли воқеаларни кўз ўнгимда жонлантириб вужудимга минг-миллион игна санчилгандай сес-канаман, бошимга оғриқ киради. Шу пайтгача биз кўрган фильмлар, ўқиган китобларимизда бу даражадаги ваҳшийликлар тўлиқ акс этмаганини англайман. Эҳтимол, бу ҳодисалар фильм ва китобларга сиғмас, улар буларни кўтара олмас, эҳтимол, улар бизни аяшгандир, эҳтимол, шундай бўлгани ҳам бир ҳисобдан тўғридир. Ён дафтаримда қайд этилган айрим хунрезликларга сиз ҳам кўз югуртиринг:

1942-1944 йиллар немис-фашистлари белорусь халқидан ўч олиш мақсадида Могилёв, Минск, Витебск ва Гродненск вилоятларида 200 га яқин қишлоқларни ёқиб юборишди ва юз мингдан ортиқ одамни қириб ташлашди.

Хатинь қишлоғидаги фожиани ўз кўзи билан кўрган, тасодиф туфайли омон қолган темирчи Иосиф Каменский шундай эслайди: “Мени ҳам шу бостирмага олиб келиб қамашди. Қизчам, ўғлим ва хотиним ҳам шу ерда. Одам тиқилиб кетган. Мен қизалоғимдан сўрадим:

— Нега кийиниб олмадинг?

У жавоб берди:

— Бизни бу ерга ҳайдаб киритишаётиб кийимларимизни йиртиб ташлашди...

Одамларни дам-бадам ҳайдаб киришаверди. Кейин бостирма ичи лик тўлиб қимирлашнинг иложи қолмади. Ҳаво етишмасди. Шу пайт эшикларни зичлаб ёпишди. Бостирма тоmidан ўт қўйишди. Борлиқ одамларнинг оҳ-фарёдига тўлиб кетди. Мен ўғлимни елкамга олиб “тепага интил”, деб кичқирдим, томнинг ёриғидан чиқиб қочиш мумкин эди. Ўғлим томга тармашди. Изидан мен. У беш метрлар чамаси юрган ҳам эдики, ўққа учди, пулемётдан отиб ўлдиришди. Бундай даҳшатли манзара, дод-фарёдни ҳеч бир инсон кўрмасин...”

Хатинь қишлоғида ўша куни, ўша саройда 149 нафар киши ўлдирилди ёки тириклайин ёниб кетди. Шулардан 75 нафари болалар эди...

Азиз ўқувчи! Мен ён дафтаримда қайд этилган урушнинг жирканч қиёфасидан айрим лавҳаларнигина келтириб ўтдим. Инсоният бошига мисл-сиз кулфат келтирган бу урушнинг ҳасратлари эса беадокдир. Мақолам сўнгида, мен билан самолётда танишган Райҳон холамнинг манзилини топиб борганим, ул муҳтарама зотнинг хонадонида бир кун меҳмон бўлганим, холанинг ота-онасидан қолган эски альбомда акс этган Ўзбекистоним манзаралари, нон шаҳри Тошкент билан боғлиқ болалик фотолавҳаларини кўриб кўзларимга ёш келганини айтиб ўтай. Айниқса, айти ёз палласи мўъжаз ҳовли адоғидаги ўрик дарахти ёнида муштипар ўзбек аёли ва патиласоч рус қизалоқ акс этган сувратга термулиб қолганимни, қизалоқнинг жажжи қўлчаси сиқиб ушлаган нарсани нима эканлигини англай олмай термулаётганимни сезган Райҳон холам изоҳ беради: “Онамнинг болалиги бу. Манови аёл уни боқиб катта қилган иккинчи онаси. Онамнинг қўлида бир бурдагина зоғора нон ушоғи бор... Онамдан сўраганимда: “Бу, ўзбекларнинг энг ширин нони эди...”, деб жавоб берган. Нимасини айтасиз, ланъати уруш йиллари ота-онамга, кўпчиликка Тошкент, Ўзбекистоннинг осмони бош-пана бўлган. Бу ерларда.... бу ерларда эса осмон йўқ эди...”

Мен титраб кетаман. Тошкентга қайтганимга қадар унинг “Бу ерларда осмон йўқ эди...” деган гапи қулоқларим остида жаранглаб турди. Мана, бугун ҳам жаранглапти.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ БАҲОРИ

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
академиги,
Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт
университетининг Тошкент шаҳар филиали
ректори



Мажозий айтганда, бугунги кунда янги Ўзбекистон иқтисодиётининг баҳори бошланди. Яъни унинг барча тармоқ ва жабҳаларида янгиланиш, яшариш жараёнлари кечмоқда. Рақобатдош иқтисодиётни яратиш, унинг экспорт ва инвестициявий салоҳиятини ошириш, пировардида халқимизнинг тўқ ва фаровон яшаши учун қилинаётган сабъ-ҳаракатлар, ҳаётий чора-тадбирлар соҳага янги ҳаво олиб киряпти. Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширилаётган давлат дастури бундай сифат ўзгаришларини янада жадаллаштириб юбориши, шубҳасиз.

Бинобарин, дастур ўзида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда инқилобий ўзгаришларга сабаб бўладиган устувор мақсад ва вазифаларни қамраб олган. Буни иқтисодиётни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳаси мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, олдимизга қўйилаётган мақсад ҳам шунга яраша улкан — 2025 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш. Шундан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмоқдаки, бунинг самараси узоқ куттирмаслиги аниқ.

Режанинг ортидан қувишга бутунлай чек қўйилади

Давлат дастурига мувофиқ, энг катта бурилиш, айтиш мумкинки, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалигида юз бермоқда. Бу ерда гап 2020 йилдан эътиборан пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режаси бекор қилинаётгани ҳақида кетмоқда. Эндиликда унинг нархини белгилашда ҳам давлат иштирок этмайди. Давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми эса 25 фоиз камайтириляпти.

Хўш, бу амалда қандай самаралар беради?

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада айтилган сўзларига эътибор қаратсак:

“Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот

етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, хокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”.

Дарҳақиқат, соҳада давлат аралашувининг кескин камайиши режа ортидан қувиш ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўяди. Энг асосийси, сифатли ва харидоргир маҳсулот етиштириш орқали кўпроқ фойда олишга интилиш кучайди. Бу, ўз навбатида, ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш, ирригация тармоқларини таъмирлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилишга ундайди.

Аграр жабҳада бозор тамойилларига ўтиш амалиётида кластер тизимига катта ишонч билдирилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан дастлаб пахтачилик тармоғида асос солинган ушбу янги тузилма бозор тамойилларини жорий этишни тезлаштириш, чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш, энг асосийси, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда катта куч сифатида ўзини намоён қилмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган бўлса, ўтган йили ялпи пахта ҳосилининг 73 фоизи улар томонидан етиштирилди. Ҳосилдорлик эса кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олингани диққатга сазовор.

Кластерларнинг афзаликлари ҳақида гап кетганда, ушбу йўналишдаги қалдирғоч корхона — Бухоро вилоятидаги “VCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластери ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки бу ерда кластернинг асосий талаби бўлган занжирли ишлаб чиқариш тизими тўлиқ йўлга қўйилган. Яъни чигит қадашдан тортиб, тола олиш, ип йигириш, бўяш, мато тўқиш, хатто жаҳон бренди даражасида тайёр маҳсулот чиқариш тўлиқ ўзлаштирилган. Бунда қиймати 62,6 миллион АҚШ долларилик инновацион лойиҳа — йирик тўқимачилик корхонаси тўлиқ фойдаланишга топширилгани қўл келган.

Ушбу корхона таркибидаги фабрикалар Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Бельгия, Япония сингари давлатларнинг дунёда етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг илғор ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бу ерда пахта толаси чуқур қайта ишланади. Яъни шу ернинг ўзида “Деним классик” ва “Деним стрейч” матолари тўқилиб, ундан йилига 1,5 миллионга эркаклар жинси шими тикиляпти. Маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилиниши кутилаётгани пахтачиликда бозор тамойилларини жорий қилишнинг аҳамияти нақадар катталигини яққол кўрсатиб турибди.

Камбағал ва ишсизлар бўлмаслиги керак

Ислохотларни амалга оширишда очикликни таъминлаш, шаффофликка эришишга устувор аҳамият қаратиляпти. Масалан, бюджет, пул муомаласи ва олтин-валюта захиралари ҳолати тўғрисидаги статистик ва таҳлилий маълумотларни доимий равишда эълон қилиш изчиллик касб этди. Шу пайтгача “ёпиқ мавзу” бўлиб келган камбағаллик борасидаги маълумотлар ҳам ошкор қилинди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 4-5 миллион киши камбағал бўлиб, мамлакатимизнинг 12-15 фоизини ташкил этмоқда. Уларнинг бир кунлик ўртача даромади 10-13 минг сўмдан ошмайди. Бугунги кунда бу рақам очиқ-ойдин айтилиши билан чекланиб қолмасдан, камбағалликни қисқартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, давлат дастурида бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Икки ой ичида ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича “йўл харита”си тасдиқланиши кутилаётгани бунга мисолдир. Бу курсларга аҳоли шунчаки жалб қилинмайди. Муҳими, натижа! Тадбиркорлик сирларини ўргатиш, бу соҳани ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш бош мақсад қилинган. Шу боис, курсларнинг битирувчиларига энг илғор лойиҳа учун грантлар ажратилади.

Табиий савол туғилиши мумкин: аҳоли бундай курсларга қандай қамраб олинади?

Айтиш жоизки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан “Ишга марҳамат!” моно ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилади. Уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касб-ҳунарга ўқитилиши таъминланади. Келгусида эса бундай марказлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилади. Касбга ўқитиш курсларига ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсиз ёшларни жалб этиб, улар тикувчилик, пазандалик, сартарошлик каби кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича ўқитилиши назарда тутилгани қувонарлидир. Бугунги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ишсизликни ва камбағалликни кескин камайтиришдир.

Аҳолида тадбиркорлик руҳи уйғонмоқда

Айни пайтда юртимизда бизнеснинг том маънода ўчоғи бўлган 143 та кичик саноат зонаси, 22 та эркин иқтисодий зона фаолият юритаётган бўлса, эндиликда улар сони ой сайин кўпаяди. Сабаби, давлат дастури доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонлари негизида кичик саноат зоналари ташкил этилиб, улар зарур инфратузилма билан тўлиқ таъминланади. Бунинг учун Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир эътиборли томони, янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга хусусийлаштирилиб берилади. Бундан тушган маблағлар эса “Кичик саноат зоналари”ни бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳолиси орасидан деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, уларга

қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерлар берилди. Худудларда бу жараёнга аллақачон киришилгани қувонарли ҳол, албатта. Жумладан, Чироқчи туманида “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳасида Кўкдала худудида ер ажратиб берилди. Лойиҳа доирасида ҳозиргача 2 минг нафардан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. Бу ёшлар тарвуз, қовун каби полиз маҳсулотлари етиштириш учун экин-тикин ишларини ҳам бошлаб юбордилар.

Умуман олганда, чироқчиликлар кейинги пайтда эртапишар полиз маҳсулотлари етиштириш борасида ўзига хос мактаб яратди. Айниқса, Кўкдала худудида бу тармоқ аҳолининг муҳим даромад манбаига айланди. Худудда жорий йилда 14 000 гектар ерда тарвуз экилиши режалаштирилган бўлса, шунинг 4 700 гектари аҳоли томорқалари улушига тўғри келади.

Ҳаётга татбиқ қилинаётган шу каби лойиҳалар шарофати билан аҳолида тадбиркорлик руҳи қайта уйғонмоқда. Буни охириги уч йилги натижалар яққол кўрсатиб турибди. Эътибор қилинг, агар 2017 йилда 300,2 мингта тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 339 мингтани, 2019 йилда эса 419,5 мингтани ташкил этган. Бу борада жадал ўсиш суръати кузатилиб, рақамлар тегишли равишда 24,5 фоиз, 34,1 фоиз, 75,8 фоизга ошгани кўп нарсани англатади.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида бу борада янада юқори ўсиш суръатлари қайд этилиши кутилмоқда. Чунки оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди.

Энди олдимизда давлат дастурини ижро этиш вазифаси турибди. Улар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, кўзланган барча мақсад-муддаоларга эришамиз, ишбилармонлик ривож топади, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ

Тўғри таълим ва тарбияда намоён бўлади

Отабек ҲАСАНОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори



Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини, ҳеч иккиланмасдан, мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик ривожланиш дастури, деб қабул қилишимиз мумкин. Бугун олдимизда 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, ялпи ички маҳсулотни қарийб 2 баробарга ошириш, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини ишлаб чиқиш, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш каби кўплаб вазифалар турибди.

Ушбу вазифаларнинг барчасини кадрлар амалга оширади, албатта. Бугун бизга замонавий фикрлайдиган, ўз устида доимий ишлайдиган лидерлар керак.

XXI асрга келиб биз ҳам “лидер” атамасини ишлата бошладик. Лидер фақатгина натижа учун ишlamасдан, балки ўша ташкилотда хизмат қилаётган давлат хизматчисини ҳам, ташкилотнинг хизматидан фойдаланаётган халқни ҳам мамнун қиладиган шахсдир. Масалан, туманда ҳоким лидер бўлса, у ўз худудида шундай шароит яратиши керакки, бундан хизмат кўрсатаётганлар ҳам, ундан фойдаланаётганлар ҳам қулайлик сезсин.

Бугун бир нарсани аниқ тушундикки, XXI аср фуқароларини XX аср бошқарув усуллари билан бошқариб бўлмайди. Чунки бугун ўз ҳақ-хуқуқларини яхши биладиган, ОАВ фаол бўлган ва, энг муҳими, жамоатчилик назорати ишлаётган жамиятда яшамокдамиз.

Хўш, қачон фуқаро давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатдан миннатдор бўлади? Қачонки, у амалга оширилаётган ислохотларда иштирокчи эканини ҳис қилса. Қачон фуқаро дахлдорлигини ҳис қилади? Қачонки, унинг хоҳиш-иродаси ўша ислохотларда акс этса. Шу ўринда бир савол туғилади: ушбу вазифаларни ким амалиётга жорий этади? Албатта, кадрлар.

Кадрлар тайёрлаш тизими — даврга мос бўлиши керак. Бугунги тез ўзгараётган жамиятда, баъзида ёшларимиз олий таълим муассасаларини битириб, яъни дипломини кўлига олган куни у олган айрим билимлар эскирмоқда.

Таълим тизимимизнинг бошқа давлатларникидан энг асосий фарқи таълим ва тарбиянинг ёнма-ён юришидир. Бунинг муҳимлигини бобомиз Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” дея таъкидлаган. Ривожланган мамлакатлар тараққиёт йўлига назар солсак, хоҳ Жанубий Корея, хоҳ Сингапур ёки Малайзия бўлсин, ҳозирги ҳолатига етиб келишига кадрлар сиёсати сабаб бўлган. Кадр ислохотларни фақатгина пастга етказувчи эмас. Унга нимадир

кўшиб, ечим таклиф этиб, ечмаганини юқорига тўғри талқин қилиб бера оладиган шахсдир. Шунда у раҳбарият билан халқ ўртасида кўприк вазифасини бажарган бўлади.

Бугун халқимизнинг дунёқараши тўрт йил аввалгисидан кескин фарқ қилади. Уларнинг талаби, эҳтиёжи ўзгаришти. Демак, ҳар бир кадрнинг иш услуби шундан келиб чиқиб ўзгариши керак. Тўрт йил аввалги давлат хизматчиси ўша вақтдаги билими ва кўникмаси билан ҳозир ишлай олмайди. Бунга, биринчидан, раҳбарият, иккинчидан, халқ, учинчидан, ОАВ йўл қўймайди.

Одамлар бугун натижа кўриши учун биздан ностандарт фикрлаш, креативлик, масалага ўзгача ёндашиш талаб этилади. Бунинг учун кадрлар тайёрлаш тизимимиз ҳам ўзгариши лозим. Ўзгариш нимадан бошланади? Ўзгариш, авваламбор, фикрлашимиздан бошланади. Фикрлашни, ишга муносабатни ўзгартирсак, натижа ўз-ўзидан бўлади.

Ҳозирги кунда ҳар бир иш берувчи, у давлат ташкилоти бўладими ёки хусусий секторми, малакали ходимларни ишга олишга ҳаракат қилади. Ривожланган мамлакатлар сўнгги 20 йилда кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланмоқда. Компетенция бу — шахснинг хулқ-атвори, назарий билими ва амалий кўникмаларининг мажмуасидир. Шахсни тайёрлашда унинг учта асосий компонентларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим.

Бугун жамиятимизда энг кўп учраётган муаммолардан бири маънавияти юксак, хорижий тилларни биладиган, фундаментал билимга ва кўникмаларга эга кадрларни топишдир. Бундай кадрлар тайёрлашда олий таълим, мактаб, боғча ва оила тизими ўзаро ҳамкорликда ва энг муҳими, барчаси қаерда, ким, нима учун масъуллигини билиши лозим.

Мактаб, институт ва ишда кадрга учта нарса ўргатилади. Бу билим, тарбия ва кўникма. Бу учала тушунчани ўргатиш даври ва ўрни бўлиши керак. Бизда эса уларнинг ўрни ўзгариб қолган. Шу сабабли университетлар баъзида фақат тарбия бериш билан шуғулланиб қолмоқда. Демак, биз ёшларга тарбия ва таълим беришнинг аниқ мақсади, механизми ва масъулларни аниқлаб олишимиз зарур.

Ёшларга бериладиган тарбия ва таълимнинг ҳар бир босқичида унинг масъуллари бўлиши керак. Биринчи босқич, 0-3 ёш, яъни бола туғилгандан 3 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу пайтда тарбия билан бирга, аста-секин дастлабки таълимни ҳам бериш мумкин. Иккинчи босқич, бу 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Олимларнинг тадқиқотида кўра, айнан шу даврда болаларда шахснинг 70 фоиз характери, тарбияси, ҳалоллиги, лидерлик аломатлари шаклланади экан. Шунинг учун бу даврда айнан тарбияни мустаҳкам ва тўғри берилишига асосий эътибор қаратилиши шарт. Агар шу вақтда биз унга етарлича эътибор қаратмасак, умр бўйи оилага, маҳаллага, ички ишлар ходимларига қўшимча иш топиб берган бўламиз.

Президентимиз томонидан 2016 йилдан бошлаб айнан мактабгача таълимни ривожлантириш учун кўп ислоҳотлар амалга оширилди. Масалан,

Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил давомида 27 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. Сабаби, айнан боғчада болаларда коммуникативлик, лидерлик, жамоавийлик, креативлик каби компетенцияларнинг дастлабки элементлари шаклланади. Аслида барча болалар дунёга келганда яширин қобилият билан туғилади. Фақат уни қайси соҳага истеъдоди борлигини аниқлашга ҳаракат қилмаймиз ва туғма рассомни ҳарбийга йўналтирамиз ёки санъат соҳасида истеъдоди бор болани техника билан шуғуллантирамиз. Япония ва Жанубий Кореяда ҳар бир 6-7 ёшли бола билан руҳшунослар алоҳида ишлаб, уларнинг ота-онасига боласини қайси соҳага йўналтириши мақсадга мувофиқлиги бўйича тавсиялар беради.

Учинчи босқич, бу 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврдир. Бу умумий ўрта таълим, яъни мактаб даврига тўғри келади. Бундай ёшда болаларнинг қабул қилиш қобилияти юқори бўлганлиги учун уларга айнан фундаментал билимлар, хорижий тилларни чуқурлашган ҳолда, мукамал ўргатиш лозим. Мактабларнинг 9-, 10- ва 11-синф ўқувчиларида тадбиркорлик, соҳавий йўналишлар бўйича кўникмаларни шакллантириш керак. Ривожланган мамлакатларнинг юқори синф ўқувчиларига “Келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчисиз?” деган савол билан мурожаат қилинганда, аксарияти тадбиркор, янги стартаплар очиб, ўз бизнесига эга бўлмоқчилигини таъкидлаган.

Япония, Жанубий Корея, Германия ва Сингапурнинг ривожланиш тарихига назар солсак, айнан таълимга, математика, физика ва химия фанларининг сифатли ўқитилишига катта эътибор берилганини кўрамиз.

Тўртинчи босқич, 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган даврдир. Бу олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобланади. Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда айнан олий таълим соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Масалан, 2019 йили олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп абитуриент ўқишга қабул қилинди. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетлар филиали очилди. Айнан шахснинг кадр сифатида шаклланишига олий таълим тизими асос бўлади. Бироқ бизда ҳали ҳам диплом учун ўқиш ёки ўтиш бали паст бўлган, олий ўқув юртига ўқишга кириш ҳолатлари учраб туради. Бу босқичда шахсда кўникма ҳосил қилишга кўпроқ эътибор бериш лозим. Сабаби, Конфуций айтганидек “Мен ниманики эшитсам, унутаман, ниманики кўрсам, эслаб қоламан ва ниманики бажарсам, тушунаман”. Топ 1000 таликка кирган университетларда, деярли анъанавий маърузалардан воз кечилган. Барча маърузалар видеомарузаларга айланган. Талабаларда кўпроқ тренинг шаклда кўникмалар ривожлантирилади.

Бешинчи босқич, бу 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу тўртта босқични қанчалик самарали босиб ўтилганини таҳлил қилиб оладиган давр ҳисобланади. Бу даврда давлат янги кадрларни иш билан таъминлаши ёки уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имконият яратиши лозим.

Биз дунёга эшикларимизни очдик, инвесторлар билан ишламоқчимиз. Хўш, инвесторлар қаердан келяпти? АҚШдан, ривожланган мамлакатлардан. Улар топ 500 таликка кирадиган таълим муассасаларида ўқиган. Чет эллик ҳамкорларимиз баъзан биз билан беш дақиқа гаплашганда XXI асрда XX аср одамидек фикрлашимизни кўриб, ҳайрон қоляпти. Баъзида эса “Ўзбекистонда шундай ақли одамлар борми?” дея ҳайратланмоқда. Демак, таълим тизимимиз, ўзимиз замонга мослашишимиз, давр билан тенг қадам ташлашимиз шарт. Шундагина биз замонавий фикрлайдиган, шу билан бирга, миллийлигимизга хос тарбияни сақлаб қолган янги авлод кадрларини тарбиялашимиз мумкин.

МЎЙНОҚ:
Ҳаёт яна қайтмоқда

Дилфуза ҒУЛОМОВА
“Правда Востока” мухбири



“Орол фожиясидан энг кўп зарар кўрган асли шу — Мўйноқ аҳолиси. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнаткашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак”.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Тобора йўқолиб бораётган Оролни ўз-ўзидан унутиб бўлмайди. Айтишларича, ўн минг йил мобайнида у чегарасини тўққиз марта ўзгартирган экан. IV асрда ҳам денгиз йўқолган, бироқ орадан ўн бир аср ўтиб, у яна қайтган. Эҳтимол, қачонлардир яна унинг сувлари Оролнинг мангу ёдгорлигига, унинг фожияси рамзига айланган Мўйноқ қирғоқларини ювар, дейишади олимлар.

Ҳозир бунга ишониш қийин, бироқ юз йиллар муқаддам Мўйноқ балиқчилик саноати базаси ҳисобланган, балиқ овлаш ҳажми катталиги сабаб, уни балиқ манбаи ҳам дейишган. Шовқин-суронли порт шаҳарга йирик кемалар келиб тўхтаган. 1960 йилдан Орол секин-аста қуриб бошлади. Сўнгги ярим аср давомида сув сатҳи 30 метргача пасайиб кетди, бу 10 қаватли бино баландлигига тенг дегани. Сув бу ердан 200 километрга узоклашган, унинг ўрнида эса беш -миллион гектар майдонда қум-тузли Оролқум саҳроси пайдо бўлган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Оролбўйи минтақасидаги муаммолардан қайғуриб, бундан уч йил муқаддам, яъни 2017 йил 2 март куни Мўйноқни ривожлантириш бўйича комплекс дастурни тасдиқлади. Шу сабаб собиқ порт шаҳар иккинчи ҳаётни бошидан кечира бошлади. Хусусан, Президентимиз Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қуриш, шаҳарсозликнинг барча ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги замонавий шаҳарча барпо этиш, намунавий инфратузилма яратиш борасида топшириқ берди. Қисқа вақт ичида бу ерда бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

Кенг кўламли қурилиш доирасида маҳаллий экология музейи, маданият маркази ва стадион, Бозатау овул фуқаролар йиғинидаги оилавий поликлиника тўлиқ реконструкция қилинди, 800 ўринли амфитеатр ва давлат хизматлари маркази, хостел, болалар боғчаси қурилди. Ўзбекистоннинг энг шимолий нуқтасида жойлашган, сув танқислигидан азият чекаётган шаҳарга 101 километрлик сув қувурлари тортиб келтирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Мўйноққа қайта ҳаёт бағишлаш, жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида ихота ўрмонларини босқичма-босқич барпо этиш бўйича бошланган концепция давом эттирилиб, ўтган йилнинг декабрь ойида шу йўналишдаги қўшимча чора-тадбирларни белгилаб берувчи кенг кўламли дастурга старт берилди. Жумладан, экологик муҳитни барқарорлаштириш ва табиий мувозанатни тиклаш мақсадида қуриган денгиз туби ҳудудларини кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган. 2020 йил охирига бориб, яшил қопламалар 700 минг гектар майдонни қамраб олади.

Республика раҳбарияти ташаббусини Навоий вилояти жамоатчилиги ҳам қўллаб-қувватлади. 2020 йилнинг 20 февralида бу ерда тўрт гектар майдонда “Навоий ташаббус боғи” номдош парки барпо этилди. Бу ерда сўнгги икки ой мобайнида бир-бирини алмаштириб, ишчилар гуруҳлари келмоқда. Жумладан, Навоий шаҳри ҳокими Муҳиддин Бозоров ва Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти Кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Жамшид Ходжаев раҳбарлигидаги делегациянинг Мўйноққа сафари натижасида Навоий шаҳри ва Мўйноқ тумани ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Навоий ёшларининг қўшган биринчи улкан ҳиссаси тўрт ярим минг дона кўчат экиш бўлди.

Адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган навбатдаги делегация таркиби вилоят нодавлат сектори ва ОАВнинг энг фаол вакилларида иборат бўлди. “Денгиз чекинса ҳам инсон чекинмайди” шиори остида ўтказилган икки кунлик экотур ташаббускорлари ҳудуд аҳолисини Мўйноқда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништириш ва муҳим умумхалқ ишига ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилган эди.

Биринчи манзилимиз Мўйноқ тумани ёшларига бепул фойдаланишга берилган “Мўйноқ келажаги” (“Future Muynak”) IT-маркази ва “Booksafe” бўлди. Техник жиҳозланиш жиҳатидан бундай муассаса ҳали республикада ягона. Бу ерда ўсиб келаётган ёш авлод 2 ва 3D моделлаш, анимация, веб-дизайн, дастурлаш ва расмларга ишлов бериш бўйича таҳсил олади. Марказ вакили Бобур Аспетуллаевнинг айтишича, ТАТУ Нукус филиали тренерлар учун ўқув-семинарларини ташкил этмоқда. “Мўйноқ келажаги” давлатимиз раҳбарининг “Агар кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин”, деган сўзини яна бир бор ёдга солади.

“Booksafe”да эса бадиий ва илмий адабиётларни ўқиш ва улардан фойдаланиш учун шароитлар яратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи филиали бўлган экология музейи очилганидан бери қарийб қирқ йил ўтиб, деярли қайта қурилди. Музей мажмуасига миллий услубда бунёд этилган, кўргазма павильонларини ифодаловчи Ҳунармандлар хиёбони ҳам қиради.

Музейдаги 350 та экспонат маҳаллий аҳолининг маданий ҳаёти ва Мўйноқ тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Музей ўртасидан эса Орол денгизининг ўн йиллар давомидаги ва бугунги ҳолати батафсил ифодасини топган сунъий йўлдошдан олинган харита жой олган. Бу ерда қадимий миллий безакларнинг, спиртда сақланаётган балиқларнинг (қачонлардир Оролдан ва унинг

атрофидаги чучук сувли кўллардан тutilган) ва балиқчилик комбинатида улардан тайёрланган консерваларнинг коллекцияси мавжуд.

Навоийликлар муаллифлари танловда ғолиб бўлган Навоий педагогика институти талабаларининг ижодий ишларини муассаса директори Наргиза Жаксимуратовага тақдим этди.

— Навоий давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси билан биргаликда талабалар ўртасида “Денгиз чекинса ҳам инсон чекинмайди” мавзусида ижодий танлов ўтказдик, — дейди “Экотуризм ва экоҳуқуқ” ННТ раҳбари Зокир Тоғаев. — Унда иштирок этган юздан ортиқ йигит-қизлар икки кун давомида Орол денгизига бағишланган суратлар чизди. Уларнинг кўпчилиги китобларда ўқиганларини ўз кўзлари билан кўриш учун Мўйноққа бориш истагини билдирди. Музей учун ўнта энг яхши сурат танлаб олинди.

Мўйноқликларга Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Навоий вилоят бўлими, шунингдек, “Жонли табиат” биоэкологик жамоат маркази вакиллари томонидан рамзий совға — елканли кема ҳадя этилди.

Экотур иштирокчилари “Навоий ташаббус боғи” ҳудудида маҳаллий шароитга мослаштирилган 40 дан зиёд кўчат экиди. Бу пайтда маҳаллий болалар муסיқа ва санъат мактабида маданият бошқармаси қошидаги мақом ансамблининг чиқиши учун сўнгги тайёргарлик кетаётган эди.

Одамлар минглаб километр йўл босиб, қандай ниятда машхур “кемалар қабристон”ни кўриш учун Мўйноққа ташриф буюрмоқда? Ҳувиллаб қолган денгиз туби — ўта оғир экологик муаммо. Шўр, қуруқ чўлда ҳам яшай оладиган ягона ўсимлик — саксовул — қутқарувчи вазифасини ўтамоқда. Денгиз тубининг қуриган қисмига туз ва тупроқ эрозиясини тутиб турадиган саксовул экиш учун анча машаққат чекишга тўғри келди. Саксовуллар дастлаб самолётлардан, кейин ерда туриб экилди.

Кузатиш майдончасидан Оролқумнинг чексиз уфқи ястаниб ётганини кўриш мумкин. Бир пайтлар Орол денгизи қирғоғи бўлган хийла олис пастликда эса, энди ҳеч қачон бепоён денгиз сувларида суза олмайдиган турли ўлчамдаги кемаларнинг занглаб кетган қобирғалари кўзга ташланади. Аммо қачонлардир бу ерда чинданам денгиз бўлганини чиғаноклар эслатиб туради. Биз уларни Бухоро давлат университетининг бир гуруҳ талаба қизлари билан биргаликда тердик ҳам.

Экотур доирасида навоийликлар кўплаб ўсимликлар экиб, баҳор келиши ва янги ҳаёт бошланишидан дарак бергандек жўшиб сайраётган ўн жуфт какликни ҳам озодликка учуриб юборишди.

Мўйноқ бу ердаги одамларнинг мустаҳкам иродали ва меҳнатсеварлиги сабаб, янги ҳаётни бошдан кечирмоқда. Собиқ порт шаҳар тарихи Орол денгизи музейи деворларида ҳам ўз ифодасини топган.

Имкон бўлиб, маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари ва замонавий усталарнинг миллий буюмлари ярмаркасида қизил бахмалдан қилинган ва қорақалпоқча нақш солинган учбурчак тумор сотиб олдим. Шаҳарнинг

кўпгина бинолари кираверишига ана шундай тумор осиб қўйилган.. Бу Мўйноққа қут-барака келиши ва янада равнақ топишининг рамзи бўлиб туюлади.

ПАХТАЧИЛИКДА ТАРИХИЙ БУРИЛИШ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



Иқтисодиётимиз ривожини, аҳолининг бандлигини ва даромадлари ўсишида қишлоқ хўжалигини муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан, бугунги кунда тармоқни стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш давр талабига айланди. Чунки унинг ҳозирги ўсиш суръатлари ва даромадлари етиштирувчини ҳам, қайта ишловчини ҳам мутлақо қониқтирмапти. Тажриба ва таҳлиллар бу борада кутилаётган мақсад ўзгаришларга бозор механизмларини кенг жорий этиш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш орқали эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни таҳлил этиб, тармоқ олдида турган вазифалар моҳиятини шундай белгилаб берди: “Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди”.

Мазкур фикрлар Президентимизнинг ОАВда кеча эълон қилинган “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Фермер, мутахассислар ва хорижий нашрларнинг экспертлари ҳам мазкур қарорлар қишлоқ хўжалигида тарихий бурилиш даврини бошлаб берганини эътироф этмоқда. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг техникавий масалалар бўйича маслаҳатчиси Йонас Аструп “Twitter”даги саҳифасида пахтага давлат буюртмасининг бекор қилинишини “тарихий воқеа” деб ёзади. “CentralAsia”, “Яндекс” “Вестник-Кавказ” ва бошқа электрон нашрларда ҳам шунга ўхшаш қайдларни ўқиш мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш учун тамал тоши қўйилган эди. Давлатимиз раҳбарининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан пахта етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига

қўшимча иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар аниқ-равшан белгилаб берилди.

— Қарорга кўра, 2020 йил ҳосилидан бошлаб, пахта хомашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилади, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи Акмал Шамсиев. — Шу пайтгача давлат харидларининг мавжудлиги, пахта хомашёсини етиштирувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги инobatга олинмасдан, барча маҳаллий ҳокимият органлари жалб этилиши иш самарадорлигининг пасайишига, ҳажм ортидан қўшиб ёзишлар ва ажратилаётган ресурслардан мақсадсиз фойдаланишга олиб келар эди.

Жорий йилда пахта хомашёсини етиштириш ва чуқур қайта ишлаш жараёнини пахта-тўқимачилик кластерлари қамраб олади. Бу усулнинг жорий этилиши хусусий секторнинг ривожланишига асос бўлиб, давлат буюртмасига эҳтиёж қолмайди. Кластерлар ўз эҳтиёжлари асосида пахта хомашёси ҳажмини мустақил белгилайди.

Шунингдек, эндиликда республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, пахта хомашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар районлаштирилган ғўза навларини эркин жойлаштиради. Бозор-тамойилларидан келиб чиққан ҳолда муайян минтақа тупроқ-иқлим шароитларига мос, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори, тўқимачилик -саноати талабларига жавоб берадиган, турли стресс омилларга чидамли ҳосилдор навларни танлаш ва оқилона жойлаштиришга имкон яратилади.

Сара уруғ — ҳосил бўлик, деган ҳаётий ибора бор. Айтайлик, эркин фаолият юритаётган фермерларга уруғ қандай тартибда етказиб берилади?

Бу борада сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинапти. Босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик ҳамда пахтачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

Қарорга биноан, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий кооперациялари ташкил этилиши назарда тутилмоқда. Чунки фермер хўжаликлари томонидан агротехника тадбирларини ўтказиш, шартномаларни расмийлаштириш, банк ва бошқа хизматлар бўйича билим ва кўникмаларни янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг кооперацияга бирлашуви орқали юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Хорижий тажрибада ҳам пахта етиштиришда кооперация усулида ишлаш туфайли юқори натижаларга эришиб келинмоқда. Хусусан, Туркияда бу тажриба ўзини оқлаган. Ушбу тизимнинг энг муҳим жиҳати — фермерлар нафақат пахта хомашёсини, балки уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни (тола, чигит, шрот, шелуха) сотишдан ҳам манфаатдор бўлади. Яна бир аҳамияти, пахта етиштиришда рақобат шаклланади. Кластерлар ва

кооперативлар ўртасида рақобат бўлса, бундан фақатгина фермерлар, яъни ер эгалари — деҳқонлар манфаатдор бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ, ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади. Жумладан, ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошланғич нарх шаклланишида амалда қўлланаётган 10 фоиз миқдоридаги чегирма бекор қилинмоқда.

— Яна бир янгилик шуки, номи йиллар давомида бир неча бор ўзгарган бўлса-да, ҳар сафар пахта сўзи қолган “Пахтасаноат” уюшмаси тугатилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Ҳайитов. — Энди мавжуд 25 мингга яқин пахтачилик фермер хўжаликлари шартнома асосида пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперацияларга маҳсулот етиштириб беради. Кооперациялар ва кластерлар ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашмаси ташкил этилади.

Ўрнатилган тартибга кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлили асосида ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун пахта хомашёсига кутилаётган минимал нархларни эълон қилиб боради.

Мутахассисларнинг фикрича, амалдаги кредитлаш тизими фермерлар ва маҳсулот етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳосил бўлишига, маҳсулот ва хизматларнинг сифат даражаси пасайишига, нархларнинг сунъий ошишига сабаб бўлиб келаётган бўлса, кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкасида ажратилгани уларни мақсадсиз фойдаланишига ҳамда белгиланган муддатда қайтармаслик ҳолларини юзага келтираётган эди.

Президентимизнинг "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2020 йил 15 мартдан бошлаб, тижорат банклари томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача етиштириладиган пахта хомашёси умумий қийматининг 50 фоизигача миқдорда молиялаштирилганда йиллик 8 фоиз, 60 фоизигача миқдорда йиллик 10 фоиз ставкадан ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бундай тизим фермер хўжаликлари томонидан кредитларни эркин тасарруф этиш ҳамда моддий-техник ресурслар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни эркин танлаш имкониятини беради, — дейди Акмал Шамсиев. — Маҳсулот сифатини яхшилайти, корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги оширилишига замин яратади. Пахта хомашёсини етиштирувчилар ва кластерлар ўртасида қарздорликлар камайти, фермерларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ошади.

Жамғарма маблағлари нафақат пахта хомашёси ва бошоқли дон, балки мева-сабзавот етиштириш, чорвачиликда озуқа базасини ривожлантиришга ҳам йўналтирилади. Қишлоқ хўжалиги харажатлари таркиби диверсификация қилинади. Пахта хомашёсини етиштириш харажатлари камайтирилиб, асосий эътибор илм-фан, уруғ етиштириш каби соҳаларга қаратилади.

Актам Ҳайитовнинг фикрига кўра, пахтачилик соҳасини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш мавжуд меҳнат, ер, сув ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, аграр соҳада барқарор ўсишни таъминлашга шароит яратади. Энг муҳими, пахтачиликда чуқур қайта ишлаш орқали қатор ижтимоий масалалар ҳам ечим топади, қишлоқда кўплаб иш жойлари очилади, экспорт салоҳияти ошади. Шунингдек, тармоқдаги туб ўзгаришлар пахта етиштирувчи фермерлар, агрокластерлар ва кооперацияларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

ОТ ЧОПТИРСА ГУМБУРЛАЙДИ ТОҒНИНГ ДАРАСИ

**Собир ЎНАР,
ёзувчи**



Қишлоғимиздаги сойнинг бошида йилқичилик-наслчиликка ихтисослашган биопункт бўларди, ҳозир ҳам бор. Илгари 150–200 га яқин йилқининг ичига алоҳида наслдаги айғирлар қўйиб юбориларди. Шуларнинг ичида Қора от дегани бор эдики, гавдаси ҳам бошқа отлардан нақ бир ярим барабар узун ва ўмровли эди. Кўпкарининг жонқуяри Муҳаммад оқсоқол Ғаниев бу отни уюрга қўйиб юбормас, миниб юрар, ўғли Мустафо полвонга бериб кўпқари чоптирарди. Мустафо билан Исмат полвонни элга шу Қора от танитди. Шу боис, отнинг ўзи ҳам йилқибоқарлар Муҳаммад бобо билан Ҳамро боболарнинг парваришида эди.

Отнинг элиси бўларкан. Қора от эсли, ақлли эди. Устидаги чавандознинг “хайт-хуйт!”, “ҳажаҳа-ҳажаҳа”, “торт, жонивор!” деган хайқириғига ҳамоҳанг тўдани иккига ажратиб бўлиб ташларди. Тасаввур қилинг: устидаги полвон улоқни олиб тақимга босгач, бошқа чавандозлар улоқнинг пойчасига ёпишади, тақими бўш полвон бўлса, пастга босиб тортган чавандозга улоқни бериб қўяди. Исмат полвонга ўхшаган қўли бакуват бўлса, улоқни олиб бу ёнбошдан у ёнбошга, у ёнбошдан бу ёнбошга ўйнатади. Лекин тўда барибир — тўда-да. Қора от шунда ўнг биқинидан келган отниям, сўл томонидан келганиниям атайлаб уриб-суриб юборар, сўнгра ҳисобидан адашган чавандозлар доғда қолар эди. Ақлли зот маррага тўғри келиб бир тўхтаб, улоқ ташлангач, чавандознинг хайқириғига монанд ёлларини силкитганча даранинг нариги бетқайиғача пишқириб, кўпириб чопиб кетарди. Гўё чавандоз билан бирга шавқу завққа тўлиб, ғалабани тантана қилар эди.

Исматни — Исмат, Мустафони — Мустафо қилиб танитган шу тулпор эди.

Болалигимдан бир мисол айтай. У вақтлар Муҳаммад бобо тоғнинг нарёғидаги, берёғидаги от ўйинларга ҳам ўзи баковуллик қиларди. Қишнинг изғиринида нарёқдаги хешларда бир кўпқари бўлди. “Бақиришиб, чувлашиб турасан, чавандозга далда!” деб бизга ўхшаган бурни оққан чурвақаларни ҳам мингаштириб олиб кетди. Икки кунлик кўпқари. Биринчи куни тушгача Исмат, тушдан кейин Мустафо полвон Қора от билан яроқли совриннинг барини тортиб олди-қўйди. Мол, туя деганлари иккинчи куни, тушдан кейин қўйилди. Мустафо полвон ичи тузга тўлдирилган тўрт яшар такани оғирлигидан тақимга босиб, тушириб қўймаслик учун орқага чалқайганча икки қўллаб орқа оёғидан ушлаб, қамчини тишлаб, “хайт-хайт!” деб маррага чоптириб келяпти. Мезбон жамоатнинг ори кўзиди. Чўбир-чўлтоқ миниб юрганлар ҳам “ғов кун, ҳей, ғов кун!” дея бақиришади. Қора тулпор бўлса

тўдани ёриб, бузиб, сувлиғидан кўпик сачратиб олдинга силтаниб-силтаниб, атай оёқларини кериб-кериб чопаётир. Биз ҳам ўзимизча чувлашамиз. Ҳамро отам, Омон акам отнинг орқасида, чўбирда, етса Қоранинг орқа сағринига бир камчи-икки камчи уриб қолади. “Ҳа, де! Ҳа, де! Жонинг борми, Мустафо!” деб чавандозни уришади. Қора ўзи билганидай, бошқа отларни писанд қилмай, нари-бери суриб маррага келди, сомон чизикни ёнлаб ўтаётиб бир гидирди. Така ерга тушиб, думалаб бориб нақ чортоқнинг ўртасида тўхтади.

Чавандознинг зўри – зўр бўлади.

Отнинг ҳам зўри – зўр бўлади.

Биргина одам баланд овозда ҳайқирди:

— Эй, ғов қилмасанг, тов қилмайсанми? Зўр опчиқади! Тан бердингми энди!

Бу Муҳаммад оқсоқолнинг овози эди.

Бобо чарс эди. Кечки аёзда кўноққаям қолмай, тоғ ошиб кеп кўйганмиз ўшанда.

Одамнинг ғурурини кўзитадиган шунақа ғаройиб ўйин бу кўпкари.

Азалий ўйин. Юз эллик йилнинг нарисидаги гаплар ҳам бор. Тўртинчи отам Хидир чавандоз бўлган. Тақимига такани босса, ёпишган полвон унинг бутидан обдон тармашиб торта берса, улоқнинг бутлари айрилиб кетар экан, лекин тақимини бўшатмас экан.

Чавандоз насли узилиб қолмайди.

Хидир бобомнинг касми Исмат полвонга чирмашган эди. Исматнинг умри қисқа бўлди — ўттиз саккиз ёшда кўзикди — чин дунёга кетди. Лекин ўғиллари Низом полвон, Жалол полвон бўлиб доврўқ қозонди. Шундай қилиб, Исмат полвоннинг фарзандлари отасининг изидан катта полвон бўлиб етишди. -Исмат полвоннинг биргина фарзандлари эмас, шогирдлари ҳам талайгина бўлган. Шулардан Жозил полвон эл ичра донғи кетган чавандоз бўлиб етишган. Беркин полвоннинг Ҳасан, Шерали деган ўғиллари ўзидан ўтиб тушди.

Элибек полвонга ҳалиям газ берсангиз, даврани ҳайқирган кўйи бир тирқиратиб қайтади. Олтмишдан ошсаям “энди бизники бўлди”, деб кўяқолмайди. Момоларимиз айтганлари сингари: “Жигитдинг касми-да!”.

Полвон нега полвон?

Элнинг орини кўтаргани учун. Асло билаги зўрлиги учун эмас!

Юртимизда бугун кўпкари спортга алоҳида эътибор қаратилиб, федерация ташкил этилди. У ташкилот бу спорт туридаги ишларни мувофиқлаштиради, полвонларни саралаб, халқаро мусобақаларга жўнатади.

Кўшработ, Фориш қиру адирларида бугун кўпкари авжида. “Ол, Жалол полвон, қамчи бос, ке-етди, ҳало-ол! Отанга раҳмат, жиловни ол!..”.

Бу полвонлар... Ҳа, нимасини айтасиз: от чоптирса гумбурлайди тоғнинг дараси!..

Ҳар даврнинг ўз матали, ўз кўшиғи бор. Кечаги одам кечаги кунда яшади — ўз кунида ботир бўлди. Шоир айтгани каби “келди ўзга замонлар”. Бугуннинг ботири бугун от суряпти. Исмат полвоннинг икки ўғли — Низом

полвон билан Жалол полвон, Беркин полвоннинг икки ўғли — Хусан полвон билан Шерали полвон ҳозир кенг давранинг гуллари. Улоқ буларсиз ўтмайди. Айни кезде 500–600 от йиғилган издиҳомда уларнинг номлари бот-бот янграйди: “Ол-ҳа, олдини тўсма, фирромлик қилма, Шерали полвон митанлик меҳмон Қахрамон аканинг кўк тулпориди келяпти! Ҳа, де, Шерали, жаловни кўй, қамчини бос! Бўшашма, полвон!”

Кўк тулпор бугуннинг тулпори, кўйиб берсанг кўкка сапчийди, қанот чиқариб учади!

Бир эртак ҳам кўшиб кўяй: юз ёшни қоралаган Хидир бобом бугун тирик бўлганида баъзи полвонларнинг гуруҳбозлиги, чилвир ўраши, жониворни аямай уришини кўриб, бир замон тонг қолар эди. “Э, от тепкур бола, бу нима қилганинг! Кучинг етса — чоп, бўлмаса оринг йўкми? Кунинг чилвирга қолдими? Ҳай аттанг-а! Ҳайф, ҳайф!”

Лекин бугунги оқсоқол Қобил дўм бундай қилмайди. Кенг майдон узра карнайдан баралла полвонни олқишлар экан, “Ҳалол, полвонники ҳалол, оғайнилар! Чортоққа келинг, бир той, бир милён пул, бир Хива гилами! Ҳалолнинг бўлсин, Шерали! Навбатдаги жалов тўйхона эгасининг китоблик ошнаси Чори полвондан! Икки ўрқачли бир туя, икки яшар хўкизча, уч милён пул! Ана, зўринг келабер, майдон кенг, ҳалолнинг бўлсин, халойиқ! Иккинчи маррага от сур! Бир той, икки бўрдоқи кўй, икки милён сўм, кўлтўсинлик Ражаб қуданинг кўшгани! Ҳайда, жонинг бўлса ҳайда-а-а!”.

Албатта, ҳеч бир тараф йўқ. Кечанинг кўшиғи бугунга, бугуннинг оҳанги эртангисига тўғри келмай қолади.

Бироқ нима бўлганда ҳам, кечаги майдонлар бугун ҳам тўлиб гувиллайди, улоқ майдони кечагидан кенгроқ. Тантанаси, доврўғи эса оламларча бор.

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ — БУГУН ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ

Аббосхон ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик
кимё институти директори ўринбосари, кимё
фанлари доктори, академик



“...Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз... Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашишоқлик — бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириши, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган бу сўзлар илм-фан тараққиётига қаратилган юксак эътибордан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 январь куни олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашувида соҳадаги -долзарб масалалар ечими, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги илмий муассаса ва йўналишларни ташкил этиш хусусида сўз юритилди. Бу олимлар зиммасига улкан масъулият ва қатор вазифалар юклади.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда илмга эътибор сусайиб, бутун бошли академиклар мактаби деярли йўқолиб кета бошлаганди. Илмий тадқиқот олиб бораётган ёшларга қўйилган ҳаддан ташқари талаблар, бюрократик тўсиқлар уларни бездирган эди. ЎзФА тизимидаги юқори салоҳиятли, дунёда ўз мавқеига эга илмий институтлар олий таълим тизими тасарруфига ўтиб кетиб, баъзилари фаолиятини буткул тўхтатганди. Айни ҳолатлар илм-фан ривожига кескин узилишларга сабаб бўлди. Натижада ўзбек олимларининг илмий изланишлари дунё илм-фани ривожига номуносиб олиб борилди. Айниқса, изланишлар натижалари, уларни амалиётда қўллаш, тармоқ, соҳаларга татбиқ этиш бўйича мураккабликлар юзага келди. 2017 йилда давлатимиз раҳбарининг илм аҳли билан учрашувидан сўнг олимларнинг жамиятдаги нуфузи бир қадар юксалди. Уларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш, маошини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан соҳасини молиялаштириш тўрт карра кўпайди. Илмий ходимларни моддий

рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақи уч баробар оширилди. Фан доктори ва фан номзодлари учун алоҳида устама белгиланди.

Ўша йили Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди. ЎзФА тизимида фаолиятини тўхтатган кўплаб институтлар 2016-2017 йилларда қайта тикланди. Бугунги кун талабига жавоб берадиган илмий даргоҳлар ташкил этилди. Айни пайтда ЎзФА таркибидаги ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот институтида турли соҳаларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Уни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий платформасини яратиш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилгани олимларимизга дунё илм-фани билан ҳамқадам бўлиш учун муайян шарт-шароитлар яратди.

Айни пайтда олиб борилаётган илмий изланишлар натижаси, албатта, қачондир мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз хиссасини қўшиши лозим. Аммо кўп йиллар давомида илм аҳлининг ўзи яратган маҳсулотни бирор соҳа ёки тармоққа қўллаши жуда катта машаққат бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мана шу йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлашда муҳим асос бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир илмий ходим ёки илмий-тадқиқот институтининг ўзи яратган илмий-ишланмани тижорийлаштириш мақсадида бирор корхонага бериши учун имкон яратилди.

Илмий-тадқиқот институтлари, айниқса, табиий фанлар йўналишидаги илм даргоҳлари фаолиятини ривожлантиришда тажриба-синов базасини ташкил қилиш, ишланмалар натижаларини шу базаларда тўлиқ синовдан ўтказиш, уларнинг технологиясини яратиш ва тижорийлаштиришгача олиб бориш керак. Акс ҳолда, илмий ишланмалар самарадорлигини кўрсата олмайди. Тўғри, илмий изланишларни соҳа ёки тармоққа жорий қилиш бўйича келишувлар олиб борилмоқда. Аммо бу мулоқотлар бугунги кун талабига тўла жавоб беради, деёлмайман. Масалан, кимё фанининг ривожланиши фақат ўғит билан боғлиқ эмас. Кимё-биология фанининг озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, геология ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз ўрни бор. Ҳозирги илм аҳли олдида турган вазифа ҳам шу — амалиётда ўз ўрнини топиш. Ана шундагина муайян ютуқларга эришамиз ва изланишларимиз орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшамиз.

Навқирон авлод вакиллари илмга кенг жалб қилиш мақсадида истеъдодлиларни аниқлаш, танлаш, тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилган. Академия илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиши юқори бўлган ёш тадқиқотчиларни илм-фанга жалб қилиш, илмий тадқиқот фаолияти кўрсаткичлари ва ишланмалар натижаларининг жаҳон бозорида

рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакат илм-фани салоҳиятини ошириш мақсадини кўзда тутди. Ёш изланувчиларни докторантурага қабул қилиш квотаси оширилди. Уларни уй-жой билан таъминлаш, пропискага қўйиш каби масалалар ҳам ечилди. Энди ёшларимиз фикрини чалғитмай, катта илмий изланишлар қилиши мумкин.

Бу йил Фанлар академияси институтларига стажёр-тадқиқотчи сифатида етмишдан зиёд йигит-қизни қабул қилдик. Стажёр тадқиқотчилик институтининг Президентимиз томонидан қайта тикланиши ёшларнинг илмга интилишини кўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Биоорганик кимё институтининг асосий вазифаси ўсимлик, ҳайвонот оламида мавжуд биологик фаол бирикмаларнинг функциясини ўрганишдан иборат. Қишлоқ хўжалиги учун янги биостимулятор, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун махсус перепаратлар, тиббиётда янги оригинал дори воситаларини яратиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа кўплаб соҳаларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Биринчи маротаба, шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида шўрни ювиш самарадорлигини ошириш учун янги препарат яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Яна бир ишланма ДАГ препарати бўлиб, чигитни экишдан олдин у билан ишлов бериш ҳосилдорликни 10 центнер оширади. Касалликка, табиатда учрайдиган ҳар хил салбий ҳолатларга ўсимликни чидамли қилади. ДАГ препарати Сирдарёда “Бек кластер” корхонасида кенг миқёсда қўлланмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимида вирусга қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш борасида ҳам изланишлар олиб бордик. Ҳозирги кунда институт томонидан ўндан ортиқ дори воситаси тиббий амалиётда қўлланмоқда.

Шундай дори воситаларидан бири — гриппга қарши рутан препаратини яратишга эришдик. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтган бу дори таблетка шаклида ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда Эронга хайрия ёрдами сифатида 11 минг 750 та рутан препарати жўнатилди. У бир пайтнинг ўзида инсоннинг иммун тизимига таъсир этиб, вирусларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Шу билан бирга, вирусни жиловлаш хусусиятига эга.

Герпес, хламидия инфекцияси, гепатит, ОИТСга қарши, қон тўхтатувчи, яраларни тез битириш хусусиятига эга кўплаб дори воситалари айни пайтда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. Улар тиббиётда қўлланмоқда.

Халқаро алоқаларни мустаҳкамламасдан туриб, илмни ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бутун дунё олимлари Хитой Фанлар академиясининг Шанхай тиббий материя институтида ўзи ажратиб олган биологик фаол бирикмалар скринингини амалга оширишга қизиқади. Чунки ушбу илмий муассасада биоскрининг ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Институтимизда эса биологик фаол табиий бирикмаларни ажратиб олиш ва уларни кимёвий модификациялаш орқали йўналтирилган фармакологик хусусиятлар бериш каби илмий изланишлар юқори даражада олиб борилади. Шу сабабли Шанхай тиббий

материя институти директори бошчилигида лаборатория мудирлари институтимизга келиб, изланишларимиз билан танишди. Улар биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди ва бу борада меморандум имзоланди.

Айни пайтда Шанхай тиббий материк институтида ўзимиз олган биологик фаол бирикмалар скринингини амалга оширишимиз мумкин. Бир вақтнинг ўзида улар ҳам ходимларини юбориб, биз билан тажриба алмашмоқчи. Қолаверса, рутан препаратини рўйхатдан ўтказиб, ишлаб чиқариш ниятида. Яқинда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ўзбекистон — Хитой қўшма лойиҳалари эълон қилинди. Унда тўртта лойиҳа билан иштирок этилди. Бундай лойиҳалар Россия, Туркия билан ҳамкорликда ҳам амалга оширилади. Бу илмий изланишлар ўзбек илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

ВАТАНГА ЭҲТИРОМ ВА САДОҚАТ ИФОДАСИ

**Қулман ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов
комиссияси раисининг маънавий-маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги
қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш
масалалари бўйича маслаҳатчиси**



Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинган кун — 21 октябрь санасининг “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган буюк ислоҳотларнинг юксак самараси, мустақил Ватанамиз ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маданий, маънавий ҳаётидаги улкан воқеадир.

Ушбу муҳим ташаббус давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўз ифодасини топган эди.

Ўзбек тили ўзининг қадимий ва бой тарихида ҳеч қачон давлат ва жамиятнинг бугунгидек юксак эъзоз-эътибори ва ғамхўрлигига сазовор бўлмаган. Бу “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” дадил қадам қўйган Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг юксак самарасидир.

Ушбу фармонга биноан, она тилимизнинг истиқболдаги тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида, Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида департамент, бу янги тузилма ташаббуси билан эса Атамалар комиссияси ташкил этилганининг ўзи фикримизнинг яққол далили.

Фаолияти миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, барча соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш, бир хил қўлланишини таъминлашга доир ғоят долзарб вазифаларга қаратилган мазкур комиссия ўз ишини жадал бошлаб юборгани сезилди.

Айни пайтда, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори билан барча давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил қилинди. Бошқача айтганда, энди давлатимизнинг қуйи ташкилотларда ҳам давлат тилига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича масъул ваколатли вакиллари бор. Уларнинг зиммасига кўплаб юксак вазифалар қаторида, жумладан, жойларда “Ўзбек тили байрами куни” айёмини юксак савияда ташкил этиш ҳам

юклатилган. Бундай ташкилий, ҳуқуқий ва илмий-ижодий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бир мисол. Илгари оммавий ахборот воситаларида давлат тилига оид материаллар — мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар онда-сонда, кўпинча 21 октябрь арафасида пайдо бўлиб қолар, кейин йил-ўн икки ой гўё унутилар эди.

Энди бу иш ҳам мунтазамлик касб этаётгани яққол сезилмоқда. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” газетасида махсус рукн очилиб, ранг-баранг мақолалар мунтазам бериб борилаётгани ва улар қўлма-қўл ўқиладигани, бошқа кўплаб нашрларда, ижтимоий тармоқларда кўчириб босилаётгани, баҳс-мунозаралар кўзгатаётгани, жамоатчиликнинг кенг эътирофига сазовор бўлаётгани қандай яхши!

Мустақил мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида “Ўзбек тилининг дўстлари” клубларини ташкил этишга киришилгани ҳам давлат тилини ривожлантириш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш масалаларига юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

“Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуннинг айнан 10 апрель — халқимиз эрки ва озодлиги йўлида жон фидо этган буюк адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий туғилган кунда имзоланишида ҳам катта ҳикмат ва маъно бор. Бу — она тилимизнинг имкониятларини осмон қадар -юксалтирган сўз санъаткорига юксак эҳтиром белгисидир.

Ўзбек тили байрами она тилимизни шарафлаш, унинг қаддини ва қадрини янада юксалтириш айёмидир. Айни пайтда ушбу байрам ўзбек тилини ўқиб ўрганиш, тарғиб қилишдан чарчамайдиган, унинг софлиги, бойлиги ва нуфузини янада юксалтириш учун қайғурадиган, курашадиган ҳар бир инсоннинг байрамидир. Ер юзиде ўзбек тилида сўзлашадиган қарийб 50 миллион кишининг байрамидир.

Янги байрамимиз давлат тилининг Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг севимли тилига, маънавий эҳтиёжига, фахр-ифтихорига, Мустақиллик, Наврўз айёмлари сингари умумхалқ байрамига айланишига шубҳа йўқ.

Фармонда таъкидланганидек, истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди. Мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган, бирлаштирадиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Давлат тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланмоқда. Эндиги масала унинг қўлланиш кўламини кенгайтириш, халқаро нуфузини янада оширишдан иборат.

Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқида таъкидлаганидек, “Бунинг учун ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она

Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак”.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган улуғвор ишлар нафақат юртимиз, балки халқаро ҳамжамятнинг ҳам кенг эътибор ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

Буни Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимида давлат тилини кенг ва фаол жорий этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2019 йили сайловларни ўтказиш борасида истиқлол йилларида орттирилган бой миллий тажриба, халқаро меъёр ва андазалар асосида ишлаб чиқилиб, умум-эътироф этилган халқаро сайлов стандартларига мос, лисоний жиҳатдан пишиқ-пухта, ихчам ва яхлит шаклда қабул қилинган Сайлов кодекси бунинг -ёрқин далилдир.

2019 йилнинг 22 декабрида “Янги -Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида ўтган Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида бу ўзининг -яққол ифодасини топди.

“Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши тарихий адолатнинг тикланиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

МУДРОҚ ТАФАККУРЛАР УЙҒОНМОҒИ КЕРАК

Нурбой ЖАББОРОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети кафедра мудири, филология
фанлари доктори, профессор



Эл бошига иш тушган, бутун башарият кўринмас вабо билан курашаётган, одамлар тинчлик ва хотиржамлик нечоғлиқ улуғ неъмат эканини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ҳис этиб турган таҳликали вазиятда Президентимиз Шавкат Мирзиёев тарихий аҳамиятга молик қонунни имзолади. “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги бу қонун миллатимиз учун ҳаёт-мамот масаласи ҳисобланган она тилимизга бўлган юксак эҳтиромнинг яна бир намунасидир. Зеро, миллий тил миллатнинг руҳидир, унинг тириклик шартидир.

Ҳар қандай вабо муайян қатлам ҳаётига хавф солса, “миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмақдир” (Абдулла Авлоний таъбири — Н.Ж.). Шу жиҳатдан қаралса, ушбу қонуннинг аҳамияти Ватанимиз, миллатимиз учун қанчалик қадрли эканида аён бўлади.

Тангри давлат куёшини миллатимиз кўрғонларидан кўкка чиқариб, уни барчадан устун ва ер юзига ҳоким қилгани, унга ҳақиқат йўлида курашмоқ учун куч бергани, унинг ҳамкорлари ҳамда тарафдорларини азиз ва муқаррам этгани ҳақида ёзган буюк Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк” орқали она тилимизга тенгсиз обида бунёд этган, унинг шуҳратини оламга ёйган эди. Ҳазрат Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида бу тил “асл тилларнинг маншаъи”, яъни дунёдаги асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлганини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлагани тафаккур аҳлига кундай аён. Миллатимиздан етишган не-не улуғ мутафаккирлар беназир асарлари билан тилимизнинг нақадар бой ва ифода имконияти қанчалик кенг эканини дунё халқлари кўз ўнгида яққол намоён этган эдилар. Лекин таассуфлар бўлсинки, тарихий илдизлари қадимият булоқларидан сув ичган, дунё тамаддунининг чорраҳасида келган, инсониятнинг илму урфон бешигини тебратган она халқимиз қисматида оғир синовлар ҳам бўлди. Миллатнинг истибдод исқанжасига тушиши, тараққиёт ўрнини таназзул эгаллаши она тилимиз ривожига ҳам акс таъсирини кўрсатмай қолмади. Бунинг салбий оқибатларини ҳатто бугунги кунда ҳам сезиб-кўриб турибмиз.

“Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳаққи ҳаёти йўқдир”. Бундан роппа-роса бир юзу беш йил олдин “Ойна” журналида босилган мақоласига улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ана шундай сарлавҳа қўйган эди. Ҳиммат — Ватан ва миллат равнақи учун, миллий тил тараққиёти учун зарур бўлганда, молу жонни нисор эта олмақ. Сабот — миллатнинг шаъни-шарафи, ори-номуси тимсоли бўлган она тили ривожини йўлида метин иродани намоён

қила билмоқдир. Башариятга маърифат ва ахлоқдан, ҳиммат ва саботдан дарс берган буюк мутафаккирлар вориси эканимиз аён. Лекин ворислик ҳақи бу ҳақда жар солиш билангина адо этилмас. Ворислик ҳуқуқига қуруқ даъволар билан эришилмас. Бунинг учун аждодлар меросини қунт билан ўрганмоқ, тафаккур этмоқ, илму урфонда улар эришган оламшумул ютуқларни янгилари билан муттасил суратда бойитмоқ зарур. Президентимиз имзолаган мазкур қонун шу йўлдаги яна бир залворли қадамдир.

Тўғри, она тилимиз мавқеини юксалтириш йўлида қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Тилимизнинг бугунги замон билан ҳамқадам ривожланиши учун камида қуйидаги тўрт омил талаб этилади:

1) она тили тақдири учун қуйиниш ҳисси миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчиши;

2) тил илмининг миллий негизда ривожланиши;

3) замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши;

4) миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнақи.

Энг аянчлиси, мустамлака замонларидан бизга ўта ёмон бир иллат мерос қолди: ўзга тилда фикрлаб, ўша тил қолипида сўзлайдиган, ташқаридан қараганда, ўзбекчага ўхшаса ҳам аслида миллатнинг руҳига ёт нутқда сўзлайдиган “зиёли”лар (аслида “зиёнчилар”) қатлами шаклланди. Ўзбек тили илмини хорижий тилшунослик андозаларига солиб, улардаги тайёр назарий қолипларга ўзбекча мисоллар топиб, илмий даража даъво қиладиганлар пайдо бўлди. Тилимизнинг ахборот дастурини яратиш йўлида энди-энди дастлабки қадамлар ташланяпти, холос. Президентимиз раҳнамолигида улкан ислохотлар амалга оширилаётганига қарамай, муаммолар кўп эканига бошқа сабаблар ҳам топилади...

Миллат тарқоқ ҳолда тараққий эта олмайди. Глобал дунёдаги бугунги шароит замон билан ҳамқадам юрмоқни, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни, буюк мақсадлар йўлида тараққиёт суръатига мос сафарбар бўла билмоқ салоҳиятини тақозо этади. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси ҳам бор, деганларидек, бугун жаҳонни ларзага солиб турган даҳшатли вабо аксар одамларнинг занг босган ақл кўзларини очиб юборди. Мудроқ тафаккурлар уйғоняпти. Миллат яхлит организм сифатида бирлашмоқда. Мамлакат парламенти ишлаб чиққан “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун давлатимиз раҳбари томонидан ана шундай тарихий шароитда имзоланди. Умид қиламизки, бу қонун она тилимиз тараққиёти йўлидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда мустаҳкам ҳуқуқий замин вазифасини ўтайди. Миллатнинг нурли келажаги йўлида барчамизни бирлаштиради.

ҒОЯТ КЎХНА ВА БАРҲАЁТ ТИЛИМИЗ ТАНТАНАСИ

**Исажон СУЛТОН,
Инновацион ривожланиш вазирининг
маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини
ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун
ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш
масалалари бўйича маслаҳатчиси**



Миллатимиз фидойиси Абдулла Қодирий бобомизнинг таваллуд кунларида “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Унга кўра, 21 октябрь санаси Ўзбек тили байрами кунини этиб белгиланди. Эндиликда у Мустақиллик байрами каби залворли, нодир ва жонбахш, халқнинг ва давлатнинг қонуний байрамига айланди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида унинг кенг кўламда, тантанали нишонланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Буни она тилимизнинг ҳаққоний тантанаси, давлатчилик анъаналаримизнинг юксак тараннуми, десак арзийди.

Ғоят кўхна ва барҳаёт тилимизнинг қудратини халқ дostonларимиз баралла куйлаган, Маҳмуд Кошғарий бобомиз сўзма-сўз кўрсатган ва ҳазрат Алишер Навоий уни энг юксак санъат даражасига кўтарган бўлса, ўтган аср бошларида, қутлуғ Туркистон тупроқлари мустамлака зулматига чўмар экан, ватанпарвар зиёли боболаримиздан Элбек алам ва изтироб билан мана бу сатрларни битган эди:

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англлат,
Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?
Булбул каби сайраб турган бу тилни
Уялмайин бу ўлкадан отғучи?
Болдай тотли, жондан азиз туркчани
Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

Жадид боболаримиз мустамлака билан бирга бу элнинг ақлу тафаккурига, маънавиятига ва она тилига келадиган зулму ситамларни ақл кўзи билан кўра туриб, шундай ўтли сатрларни битган.

Нега ўзбек тили эмас, турк тили деб хайрон бўлманг. Амир Темур бобомиз “Бизким, мулки Турон -амири Туркистонмиз. Миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз” деб, халқимизни туркийларнинг бош бўғини деб атагани бежиз эмас, чунки шу қутлуғ тупроқ

аксарият туркий халқларнинг ота юрти, тилимиз эса ота тили ҳисобланиб келган.

Афсуски, мустамлака даврида гоҳ ўзгалар, гоҳ ўз кишиларимиз камситиб, менсимай келган шу жонажон ва ўлмас тил янгиланаётган Ўзбекистоннинг кун талабларидан ортда қола бошлаган эди. Миллат қандай кун кўрган бўлса, бу унинг тилида акс этади, деган гап бор. Ўзбек тилимизнинг бугунги ҳолатига қарасак, гўё тарихга ва муайян давр кишиларининг ўй-тафаккурига назар ташлагандек бўламиз. Кейинги асрлардаги илм-фан ва технологиялардаги ўзгаришлар бизда содир бўлмагани учун ёт терминлар ва атамалар тилимизга кириб келди, деб ҳисоблайдиганлар ҳам анчагина. Бу гапда бир ҳисобдан жон бор, чунки нафақат ўзбек тили, балки бошқа халқлар ҳам ривожланган мамлакатлар фанидаги атамаларни олишга мажбур бўлгани ҳақиқат. Қаранг, илм-фан бир мамлакатни қанчалар юксалтириб кўяр экан! Мисол учун, замонавий технологиялардаги, хусусан, компьютер дастурларидаги барча сўзлар инглиз тилида ва бошқа тилларга ҳам шундайича кўчиб ўтган. Тил ҳам тарих сингари мамлакат ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини намоён қилиб туради.

Ўзга тиллардан сўз кириб келиши бир ёнга-ю, бироқ ўзимиз-чи? Ота-онамиз, суюкли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, “етмиш етти пуштимиз” сўзлашган шу гўзал тилга муносабатимиз қай даражада? Уни асраб-авайлаб, шаъну хурматини ўз ўрнига қўйяпмизми ёки замонавий тўс-тўполонлар забтида эътиборсиз қолдирыпмизми? Афсуски, маънавий-миллий ўзликни асраш ва юксалтириш борасида бонг урилаётган бир пайтда унга эътиборсиз муносабатда бўлиш ҳоллари талайгина. Аслида муаззам бу бойлигимизнинг чек-чегараси йўқ, лаҳжалару шеваларимизда, маданий-илмий меросимизда қанчадан-қанча сўзларимиз ўз рўёбини кутиб турибди. Мазмунни ҳақиқий воқеликка боғлайдиган бундай тиллар дунёда жуда оз учрайди. Тилимиз тартиб-қоидаларига, сўз ясалиш ҳолатларига разм солсангиз, халқимизнинг жуда ажойиб бир хусусиятини намоён қилиб турганини кўрасиз. Ўзбек халқи сўзларни ҳеч қачон хавойи, хаёлий воқеаларга боғламайди, балки теварақда кечаётган воқелик билан бирга тасаввур қилади ва бу хусусият тилимизда жуда чиройли тарзда акс этади. Мисол учун, “қалбимда қуёш чарақлади”, “ҳаётимга баҳордай бўлиб келдингиз”, “қулун бўлиб елди”, “осмонимда ойдай балқдинг” каби иборалар бағридаги ҳам мазмунга, ҳам манзарага маҳлиё бўлмай илож йўқ. Бундай мисоллар бениҳоя кўп ва шаҳар-қишлоқларимиздаги оддий сўзлашув тилида ҳазиналар мисоли яшириниб ётибди. Шу маънода, давлат миқёсидаги мазкур эътибор тилимизга қайта жон бахш этиши, гуллаб-яшнашига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ. Шунини ҳам қайд этиш керакки, тарихимизда она тилини давлат миқёсида байрам қилиш ва уни қонун билан белгилаш биринчи бор рўй бераётган кўламли ҳодисадир.

Тараққиёт технологиялари дейилганида, Ўзбекистонда илм-фан ривожига жуда катта эътибор берилаётгани улуғ жараён. Илм-фанимиз ривожлангани сайин мамлакатимиз обрў-эътибори, тилимиз равнақи ошиб

боради, албатта. Масалан, сўнгги технологиялар асосида олимларимиз яратган “Равнақ”, “Порлоқ”, “Барака”, “Саховат” пахта навларига Ҳиндистон, Миср ҳамда кўшни давлатлар қизиқиш билдирмоқда, бу ихтиролар олимларимиз ютуғи билан бир қаторда тилимизни ҳам кўз-кўз қилмоқда. Шундай эзгуликларнинг барчаси “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш шиор остида амалга ошаётгани ғурур уйғотади. “Тикланиш” сўзи, муайян сабабларга кўра, қадди эгилиб қолган кишининг қад ростлашини, куч-қудратини тиклашини билдирса, “юксалиш” улуғ марраларни забт этиш маъносини англатиши ҳаммага аён. Янгиланишлар шиддати ва улуғ мақсадларга шайланиш жараёнлари аро маънавиятимизнинг, маърифатимизнинг қони-жони бўлмиш она тилимиз эъзозланиб, Ўзбек тили байрами куни эълон қилинишининг ўзиёқ катта бир тантанадир.

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ БОЛАЛАРГА ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

Бутун дунёда болалар ҳимояси, парваришига алоҳида эътибор қаратилиб, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни катта шодиёна сифатида нишонланади. Аммо бир пайтлар — инсоният бошига оғир кулфатлар солган Иккинчи жаҳон урушида мурғак жонларни ҳимоя қиладиган кишилар ниҳоятда санокли эди.

Даҳшатли уруш оқибатида етим қолган миллионлаб болаларнинг аксарияти кўчада яшашга, омон қолиш учун тиланчилик ва ўғрилик қилишга мажбур бўлди. Ҳатто иқтисодий фаровонлигини нисбатан сақлаб қолган мамлакатларда ҳам қанчадан-қанча болалар кўча-кўйда тентираб, очлик ва касалликдан ҳалок бўлди. Бундай оғир вазиятга бефарқ қараб туролмаган БМТ ёрдамга муҳтож болаларга кўмак бериш мақсадида 1946 йил

11 декабрда Халқаро фавқулодда болалар жамғармаси — ЮНИСЕФга асос солди. Зарурат юзасидан фавқулодда тузилган ташкилот кейинчалик доимий фаолият юрита бошлади ва йиллар давомида миллионлаб болаларга ёрдам кўлини чўзаётган “дунёнинг виждони”га айланди. Ҳозирги кунда ЮНИСЕФ 190 дан ортиқ мамлакатда ҳар бир бола учун яхшироқ дунёни қуришга қаратилган мақсадлар асосида иш олиб борилмоқда.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1994 йилдан буён мамлакатимизнинг ёш фуқаролари ғамхўр ва дўстона жамиятда вояга етиши, соғлом ривожланишини таъминлашга қаратилган дастурлар асосида фаолият юритмоқда. Бутун саъй-ҳаракати БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ижросига асосланган мазкур ташкилот юртимиз болаларининг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси, саломатлиги, бепул ва сифатли таълим олиши каби масалаларда ҳуқумат билан ҳамкорлик олиб боради.

— Жаҳонда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганидан буён кўп вақт ўтди. Бу давр оралиғида кўплаб давлатлар ҳар жиҳатдан тараққий этганига қарамай, минг афсуски, ҳамон ҳимояга муҳтож болалар эътибордан четда қолаётганига гувоҳ бўляпмиз, — дейди **ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари, жаноб Саша ГРАУМАНН**. — Бунга дунёда кам таъминланган оилалардаги болалар ўлимининг юқорилиги, бошланғич ва ўрта мактабларда қамров даражаси катта бўлишига қарамай, ногиронлиги бўлган болалар оддий мактабларда таълим ололмаслиги ёки қизларнинг олий таълимдаги улуши нисбатан камлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, жаҳон миқёсида махсус муассасаларда тарбияланаётган болалар сони ҳам оз эмас. Расмий маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар 100 минг боладан 120 нафари, алоҳида олиб қаралганда, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида 100 минг боладан 666 нафари шундай муассасаларда тарбияланади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич нисбатан камроқ — 100 минг боладан 255 нафари.

Ўзбекистонда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши мақтовга сазовор. Амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида иқтисодий масалаларга эътибор қаратилиши баробарида ижтимоий ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига кўмак бериш тизимининг йўлга қўйилгани давлатнинг кичик фуқароларига бўлган ғамхўрлиги белгисидир.

— **Болалар ижтимоий ҳимоясининг энг асосий жиҳатларидан бири саломатлик билан боғлиқ масалалардир. Бу соҳадаги ишлар, айниқса, дунёда кенг тарқалаётган коронавирус пандемияси даврида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, ЮНИСЕФнинг болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталсангиз.**

— ЮНИСЕФ ўз фаолияти доирасида болалар саломатлигини сақлаш, уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан доимий ҳамкорлик олиб боради. Ана шу ҳамкорлик доирасида вакциналар ишлаб чиқарувчидан ҳар бир болага етиб боргунига қадар унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган янги занжир — инфратузилма тармоғи яратилди. Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс (GAVI) кўмаги билан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида вакциналарни сақлаш учун янги совиткичли омборхоналар қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Мазкур ускуна ва технологиялардан фойдаланиш бўйича мутахассислар махсус курсларда ўқитилди. Айни пайтда ЮНИСЕФ вакциналарни омборлардан туманлар ва чекка аҳоли пунктларидаги поликлиникаларга сифатли етказиш учун барча вилоятларга музлаткичли автомобиллар харид қилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатда эмлаш қамровини юқори даражада сақлаб туришга ёрдам беради.

Ҳамкорлигимизнинг яна бир йўналиши туғилиш ва ўлим ҳолатларини электрон рўйхатга олиш тизимини жорий этишдир. Бу мутасадди вазирлик ва идоралар ўртасида самарали ва тезкор маълумотлар алмашинувини таъминлайди. Шунингдек, мазкур тизим маълумотларни йиғиш ва уларни тўғри таҳлил қилиш асосида қарорлар қабул қилишга йўл очади.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда она ва бола саломатлигига қаратилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида мамлакатда болаларнинг омон қолиши ва соғлом ривожланиши бўйича юқори натижалар қайд этилмоқда. Аммо айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 50 фоизи улар ҳаётининг дастлабки 28 кунда рўй беради.

ЮНИСЕФ янги туғилган чақалоқлар ўлимининг олдини олишда Соғлиқни сақлаш вазирлигини перинатал ўлимлар аудитини ўтказиш, янги туғилган чақалоқларда тиббий ёрдам стандартларини янгилаш, перинатал хизматлар сифатини оширишнинг илғор услубларини жорий этиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Сўнгги йилларда ЮНИСЕФ Соғлиқни сақлаш вазирлигига Хоразм, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги саккизта бирламчи тиббий-профилактика муассасасида уйга ташриф буюришнинг универсал-прогрессив тизимини моделлаштиришда ёрдам берди. Бундай ёндашув тиббиёт ҳамшираларига касалликнинг хавфли белгиларини вақтида аниқлаш, оналарга болани парваришлаш бўйича фойдали маслаҳатлар бериш, ижобий амалиётни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бола саломатлигини таъминлашда соғлом овқатланиш муҳим ўрин тутади. Бу, айниқса, бола ривожланишининг дастлабки босқичларида жуда муҳим. Шу боис, ЮНИСЕФ ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида озиқланиш бўйича миллий тадқиқот ўтказилди. Унда сўнгги йилларда аёллар ва болаларнинг овқатланишида эришилган ютуқлар кўрсатиб берилди. Масалан, боланинг ўз ёшига нисбатан бўйи меъёрдан паст бўлиши ҳолатларини камайтириш борасида Ўзбекистон сезиларли ютуқларга эришди. Гўдакларни кўкрак сути билан озиқлантиришни эрта бошлаш амалиётини жорий қилиш бўйича ҳам яхши натижалар қайд этилмоқда. Бироқ тадқиқот давомида болалар ва репродуктив ёшдаги аёлларда микроэлементлар етишмовчилиги ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар сирасига кириши аниқланди. ЮНИСЕФ кўмагидаги тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш натижасида ҳукумат мамлакатда озиқланиш стратегияси ва микроэлементлар етишмаслигини камайтириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишга қарор қилди. Умид қиламизки, бу каби сабъ-ҳаракатлар болалар ўлими ҳолатини камайтириб, она ва бола саломатлиги борасида янги ютуқларга эришишни таъминлайди.

— ЮНИСЕФ Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини янада яхшилаш учун нималарни тавсия қилади?

— Келажакда янада барқарор ва адолатли ривожланишга хизмат қиладиган пойдевор яратиш учун она ва бола саломатлиги, айниқса, кам таъминланган, алоҳида эътиборга муҳтож болаларга кўпроқ сармоя йўналтириш зарур.

Бугун Ўзбекистонда мактаб ёшидаги ногирон болалар 1 фоизни ташкил этади. Ҳомилдорликнинг эрта босқичи, туғилиш жараёни ёки бола ҳаётининг биринчи йилида мазкур муаммони бартараф этишга жиддий қараш орқали юқоридаги кўрсаткични янада қисқартириш мумкин.

Болалар саломатлигини таъминлашда эмлаш қамровининг юқори даражасини сақлаб қолишда миллий иммунизация дастурининг таъминот ва совуқлик занжири тизимларини янада кучайтириш яхши самара беради.

Бундан ташқари, бола ҳаётининг дастлабки 1000 кунига сармоя йўналтириш узоқ муддатга қаратилган самарали сармоядир. Боиси, дастлабки 1000 кун — бу улкан салоҳият, шу билан бирга, заифлик даври ҳамдир. Жаҳон миқёсидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу бола мияси ўсиб ривожланадиган ва ҳаёти давомидаги саломатлиги учун зарур пойдевор қўйиладиган даврдир.

Бир сўз билан айтганда, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида она ва бола саломатлиги давлатнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. ЮНИСЕФ соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга қаратилган энг илғор халқаро ёндашувларни жорий этиш ва тарқатишда Ўзбекистон ҳукуматига ёрдам беришга доим тайёр.

— Ҳар бир бола бепул ва сифатли таълим олиш ҳуқуқига эга. ЮНИСЕФнинг бу борадаги дастурларида қайси масалалар устуворлик касб этади?

— Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-йўналишига биноан, ҳар бир бола сифатли таълим олиш ва ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қилишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлигига алоҳида урғу берилмоқда.

ЮНИСЕФ ҳукуматнинг барча, айниқса, мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида болаларни сифатли таълим билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ташкилотнинг бу борадаги фаолияти таълим соҳасидаги қонунлар, сиёсат ва режаларни ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига инновацион моделларни жорий қилиш, таълим соҳасидаги мониторинг, тадқиқотлар ва баҳолашни қўллаб-қувватлаш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Бундан бор-йўғи икки йил муқаддам 3-6 ёшдаги болаларнинг бешдан бир қисмигина мактабгача таълим дастури билан қамраб олинган эди. Сўнгги икки йилда бу тизимга қаратилган эътибор натижасида мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони сезиларли даражада ошди. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу муассасалардаги сифатли таълим боланинг мактабга яхшироқ -тайёрланиши ва кейинчалик дарсларни пухта ўзлаштиришига ёрдам беради.

ЮНИСЕФ ҳукумат билан ҳамкорликда мактабгача таълим тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқишда ва таълим тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқишда катта техник ёрдам кўрсатди. Сенат томонидан 2019 йил декабрь ойида қабул қилинган “Мактабгача таълим тўғрисида”ги қонун ёш болаларнинг эрта ёшдан бошлаб таълим олиш ҳуқуқи ва бу борадаги давлат сиёсатининг йўналишларини белгилайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан

2020 йил 19 майда тасдиқланган таълим тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририда эса ҳар бир боланинг сифатли ва замонавий умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқига урғу берилди.

Ўзбекистон таълим секторининг 2019 – 2023 йилларга мўлжалланган иккинчи режаси ҳам ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Таълим бўйича глобал шериклик (GPE) томонидан 2019 йилда тасдиқланган таълим сектори режаси Мактабгача таълим вазирлигига 70 миллион АҚШ долларидан кўпроқ ташқи ёрдам олиш имкониятини берди. Бунда GPEнинг 10 миллион АҚШ долларига тенг гранти Жаҳон банкининг 60 миллион АҚШ долларидан ортиқ лойиҳаси билан тўлдирилди.

Сўнгги йилларда ЮНИСЕФ ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширган йирик лойиҳалардан яна бири эрта таълимни ривожлантириш

стандартлари ва “Илк қадам” янги мактабгача ўқув дастурини ишлаб чиқиш бўлди. Шунингдек, ташкилотимиз мактабгача таълимнинг муқобил моделларини ишлаб чиқиш, жумладан, давлат-хусусий шериклик моделлари ва бир йиллик бепул ва мажбурий мактабгача таълимни моделлаштиришда иштирок этмоқда. Ҳозир ушбу моделлар давлат томонидан мамлакатнинг бир неча ҳудудларида жорий қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг карантин даврида тезкор чоралар кўриб, таълимнинг узлуксизлиги ва масофадан туриб ўқитишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу амалий чоралар ҳукуматнинг COVID-19 пандемияси даврида ҳам боланинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш мажбуриятини адо этишдаги қатъиятини намойиш этди.

Расмий маълумотларга кўра, мактабларнинг ёпилиши 8 миллиондан ортиқ боланинг таълим жараёнига таъсир қилди. Шундай шароитда ҳукумат жуда қисқа вақт ичида телевизион дарсларни ўқув дастурига мувофиқ тарзда ташкил этганини юқори баҳолаймиз.

Сўнгги икки ой ичида 4500 га яқин телевизион дарс рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ташкил этилиб, тўртта телеканал орқали намойиш этилди. Телевизион дарслар масофавий ўқитиш режимида 3400 соатлик дарсларни ўз ичига олади. Бу катта ютуқ ва бошқа давлатлар учун намунадир.

Мазкур жараёнларда ЮНИСЕФ ҳам Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликларига болаларнинг таълим олишини таъминлаш учун масофавий ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда кўмак берди. Бунга кўшимча равишда ота-оналар учун масофавий ўқишда болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳатларни ўз ичига олган видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилди.

Айни кунларда ЮНИСЕФ ҳукуматнинг масофавий ўқитиш дастурининг қамрови ва самарадорлигини тезкор баҳолашни амалга ошириб, мамлакатнинг бу борадаги ютуқларини дунёга намойиш этишни ва ушбу тажрибадан сабоқ олишлари учун уни бошқа давлатлар билан ўртоқлашни режалаштирмоқда.

Ҳозир ҳукумат билан ҳамкорликда мактабларни қайта очиш стратегияси устида иш олиб бораёмиз. Соғлиқни сақлаш ва гигиена қоидаларига эътиборни қаратган ҳолда хавфсиз мактаб фаолиятини амалга ошириш бўйича баённомалар ишлаб чиқилиб, масофавий ўқитишни таълим олишнинг кўшимча механизми сифатида татбиқ этиш режалари тайёрланмоқда.

Умуман, Ўзбекистон 2030 йилга қадар бўлган давр учун ўз олдига улкан мақсадлар қўйган. Уларга эришишда нафақат ҳукумат, балки ҳамма фаол бўлиши керак. Хусусий сектор, таълим соҳаси вакиллари, тадқиқотчилар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари — барча болалар ва ёшлар учун муносиб келажакни шакллантириш йўлида бирлашмоғи зарур.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА суҳбатлашди.**

ИНСОН ЭРТАГА ЭМАС, УЗОҚ КЕЛАЖАКДА ЭМАС, АЙНАН БУГУН ЎЗ ҲАЁТИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Лутфулла Сувонов,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Сўнги уч йилда Сергели туманида жами 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 26 та намунавий типдаги маҳалла гузари бунёд этилди. Болалар боғчалари, мактаблар, поликлиника ва бошқа объектлар қурилиб, аҳолига муносиб шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини юксалтириш мамлакатимиз халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигида халқ таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар яқин келажақда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Таълим соҳасига кўрсатилаётган эътибор туфайли юртимизда янги турдаги умумтаълим муассасалари барпо этилиб, аввал қурилган бинолар босқичма-босқич замон талабларига мослаштирилмоқда.

Сергели туманида бунёд этилган кўп қаватли уй-жойлар сабаб, аҳоли сони ошиб бормоқда. Ўтган йили бу ерда тўртта янги мактабни барпо этиш ишлари бошланган эди. Айни пайтда уларнинг иккитаси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели туманига ташрифи чоғида туманнинг 5А мавзесида қад ростлаган 1680 ўринли тўрт қаватли 329-умумий ўрта таълим мактабида бўлди. Замон талаблари асосида барпо этилган мазкур таълим маскани 48 та ўқув хонасидан иборат, шундан 20 таси фан кабинети, 14таси бошланғич синф хонаси ва яна 14таси хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда лаборатория ва тўгарак хоналари, электрон кутубхона, тиббиёт пункти, ошхона, фаоллар зали, спорт майдонларида замонавий шароитлар яратилган.

— Давлатимиз раҳбари мактабимизга ташриф буюриб, ўзларининг бир қатор тавсияларини берди, — дейди мазкур таълим маскани директори Умида Орипова. — Жумладан, мактаб дарсликлари савияси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги, ўқув дастурларини илғор хорижий билимлар асосида

такомиллаштириш зарурлигини билдирди. Шу билан бирга, 7-синфдан бошлаб касбга йўналтириш бўйича берган кўрсатмалари асосида болаларда ҳозирданок муайян ҳунарларга меҳр уйғотиш учун махсус хоналар ташкил этилди. Улар керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, мато ва материаллар билан таъминланган.

Таълим сифатини ошириш мақсадида мактаб раҳбарияти танлов асосида, ўқитувчилар эса тест синовлари натижасида ишга қабул қилинди. Айти пайтда 61 нафар педагог тест синовлари орқали саралаб олинди.

Бугун Сергели туманида катта, замонавий мавзе пайдо бўлди. Охириги 3 йилда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, улар сони 276 минг нафардан ошди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва тегишли қарорлари билан республикаимизнинг барча ҳудудларида арзон уй-жойлар қурилаётгани аҳолининг уй-жойга муҳтож, кам таъминланган қатламнинг мушкулини осон қилмоқда. Давлат томонидан аҳолига қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилгани натижасида юзлаб оилаларнинг неча йиллик орзуси ушалиб, уйли -бўляпти.

Яқинда бу ерда яна бир ўн олти қаватли уй фойдаланишга топширилди. Ташқи кўриниши билан ажралиб турган бу иморат замонавий стандартлар асосида зилзилага бардошли қилиб қурилди. Деворларида энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Интернет тармоғи, видеокузатув ва ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланди. Уй 2-3 хонали 80 та хонадондан иборат бўлиб, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга топширилган.

— Иккита фарзандим билан 14 йилдан бери ижарада яшаб келаётган эдик, — дейди ана шу уйдаги хонадонлардан бири соҳиби Шахноза Жўрабоева. — Ушалмас орзу бўлган ниятимиз Президентимизнинг ғамхўрлиги боис, амалга ошди. Хонадонимиз миллий, ўзбекона услубда барча зарур эҳтиёжлар пухта ҳисобга олиниб қурилган. Айтқанда, болаларимизни дарс қилиши, дам олиши, ўйнаши учун яратилган шароитлар бизни хурсанд қилди.

— Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Агрегат” заводида узоқ йиллар меҳнат қилдим, — дейди Сергели тумани “Ташаббус” маҳалласида истиқомат қилувчи пенсионер Юсуфжон Идиямов. — Ҳозир ёшим 63 да, тўрт нафар фарзандим бор. Энг ачинарлиси, шу заводда 31 йил меҳнат қилиб, 30 йил унинг оилавий ётоқхонасида яшадим. Фарзандларимни шу ерда катта қилдим. Тўғриси айтсам, ўтган йиллар давомида болаларимни кўзига қарашга уялардим. Чунки уларга ота бўлиб етарли шароит қилиб беролмаганимдан ўксинардим. Бошпанам йўқлигидан неча тонгларни йиғлаб оттирганим ўзимга аён. Ҳамма ҳам ўз уй-жойи, бошпанаси бўлишини хоҳлайди. Лекин беш қўл баробар эмас, деганидек, ҳаммада ҳам бунинг учун моддий жиҳатдан имконият йўқ. Шу боис, айрим оилалар, йиллаб бизга ўхшаб оилавий ётоқхонада ёки ижарада туради. Бугун ана шундай оилалар оғирини енгил қилган инсонлар қатори бизнинг оиламиз ҳам Президентимиздан жуда миннатдор. Аллоҳга шукрки, давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, ҳукуматимизнинг ёрдами билан янги уйда тўй қилдим, набирали бўлдим.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли сони ўсиши билан, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ҳам ортади. Ана шу мақсадда пойтахт аҳолисига кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Тумандаги “Ташаббус” маҳалласида беш ярим минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда иккита мактаб,

2 та мактабгача таълим маскани бор. Аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Президентимиз яқинда туманимизга ташрифи чоғида маҳалламиз худудидаги “Дала дўкони”да бўлиб, унинг иш фаолияти билан танишди, — дейди “Ташаббус” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодир Расулов. — Туманимизга Қашқадарё вилояти фермерлари ўз маҳсулотларини олиб келган. Маҳалламизда ташкил этилган “Дала дўкони”да 30 хилга яқин кишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархларда сотилмоқда. Энг асосийси, 10 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган ихчам, совуткичли бу шохобчанинг маҳсулотлари арзон ва юқори сифати билан манзур бўлмоқда.

Мазкур маҳалла худудида жойлашган “MADENA COLLECTION” масъулияти чекланган жамиятида яқин-атрофдаги 100 нафар хотин-қиз ишлайди. Улар учун барча шароитлар яратилган. Корхона карантин талаб-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Бундан бир йил олдин ўз фаолиятини бошлаган тикувчилик корхонасида тиббиёт ходимлари учун йилига 150 минг дона маҳсус кийимлар ишлаб чиқарилади.

— Иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлмаса-да, маҳсулотларимизни кўшни республикаларга ҳам экспорт қилишни бошладик, — дейди корхона раҳбари Бобур Ҳасанов. — Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда маҳсулотларимизга бўлган талабни эътиборга олиб, барча зарур чора-тадбирларни амалга оширяпмиз.

— Уйимиз яқинидаги мазкур тикувчилик цехида барча шароитлар бор, — дейди корхона ишчиси Феруза Юсупова. — Ойлик маошим яхши. Ишга келиб-кетишни ўйламайсиз. Энг асосийси, бу ерда кўшимча касб-хунар ўргандим, оиламиз бюджетига ўз ҳиссамни қўшяпман.

Юртимизда истироҳат боғлари ташкил этилиб, аҳолининг мароқли дам олиши учун шароитларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сергели туманида 5 гектар ҳудудда сайилгоҳ (парк) ташкил этилди. 2020 йил январь ойида ишга туширилган умумий майдони 10 гектар бўлган “Flowers Garden Park” сайилгоҳи бугун аҳоли хизматида.

— Мазкур сайилгоҳнинг 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидан иборат, — дейди сайилгоҳ иш бошқарувчиси Нурулла Абдуллаев. — Бокқа йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора сосна, игна баргли арча, “Кримсон кинг” чинори каби 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дарахт ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд бута олиб келиб экилган.

Аҳолининг кўнгилли ҳордик чиқариши учун сайилгоҳ ҳудудига ресторан, кўнгилочар дастурлар ўтказишга мўлжалланган очиқ сахна, болалар ўйингоҳи спорт майдончаси, 5 та фаввора барпо қилинган.

Туркиянинг “Natural Peyzaj” ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 150 та иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун Сергели тумани бутунлай ўзгача қиёфа касб этмоқда. Бу ерда амалга оширилаётган барча ишлар Президентимизнинг “Инсон қадри — улуғ. У эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак” деган гапларининг амалдаги ифодасидир.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ВАТАНИ БЎЛСИН

**Фахриддин ҲАЙИТ,
“Yoshlik” журнали Бош муҳаррири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир**



Бошпананинг қадрини илк бор абитуриентлигимда англаганман. Олийгоҳга киришга иккинчи бора уриниб, пойтахтга келдим. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) га ҳужжат топширдим. Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида ойлик ижара ҳақини тўлаб, абитуриентликнинг беҳузур палласини бошдан кечирдим.

Ой оралади, ётоқxonанинг “эшик она”лари энамдек меҳрибон бўлиб қолди. Синовни топшириб, қишлоққа қайтиб кетдим. Имтиҳон жавоблари чиқадиган паллани интизорлик билан кутиб, вақти-соати келди-ю, синфдошим Қудратни етовга олиб, Тошкентга жўнадик. Келганимизда ёзнинг узун кунлари ҳам зимистон домига чўкиб кетган, аксига олиб, офтоб урган юзимиз қишлоқдан келганимизни фош қилиб, метродан чиқаверишда, чамаси, бир соат милиция ходимиغا ҳисобот бериб, яна вақтни бой бердик...

Талабалар шаҳарчасини оралаб, аввал мен яшаган ётоқхона эшигини кўнгилда юксак ишонч билан чертдик. Анчадан кейин деразадан бир ойда энамдек азиз бўлиб қолган Лена опа мўралади:

- Нима керак сизларга?
- Лена опа, мен Фахриддинман.
- Нима қилай? Танимайман... кетинглар...
- Бир кеча қолсак...
- Кетинглар, ҳозир милиция чақираман...

Ичим музлаб қолди. Наҳотки, танимади, наҳотки, унутиб юборди... Юзимга тарсаки урилгандек бўлди. Айниқса, Қудратнинг ёнида ўзимни ноқулай ҳис этдим.

- Майли, қўявер, — деди содда дўстим. — Кетдик. Амаллармиз.

Ўша куни университет қаршисидаги улкан эманлар боғида, хас-хашақлар устида сочикни ёйиб, илдизга бошни тираб ухлаганмиз... Ҳаётнинг шафқатсиз зарбаларини ҳис эта бошлаганман ўшанда: бу улкан шаҳарда янада яққол кўзга ташланади...

Университетга учинчи уринишда ўқишга кирдим. Иккинчи курсда ўқиб юрганимда отам вафот этди... Аммо Талабалар шаҳарчаси ўзимизники бўлиб қолди. Ўқишни тамомладиг-у, у яна бизни итқитди:

- Қайдасан, ижара уй! Салом, ижарачи!

Аввал икки-уч киши бир уйни ижарага олиб яшаб юрдик... Энди таҳририятга ишга кирган кезлар, ойликни сўрашга ҳам киши ийманади. Ҳозир бўлса, аксинча, ишга келган ёш ходим аввал маошнинг қанчалиги билан

кизиқади. Ойлик ҳам ҳаминқадар бўлган-да — еб-ичарга десак, ижара ҳақиға етмайди, ижара ҳақи десак, уст-бошга... Бироқ ижодга, адабиётга, журналистика соҳасига бўлган меҳр ҳаммасидан устун келади, боримизни бахш этиб ишлайверади. Қани энди, чўнтакнинг тубида қолиб, бир-икки сўм ортса...

Бу орада айрим дўстларнинг имкон топган ота-онаси фарзанди учун 1-2 хонали уй сотиб олиб берди. Мен “Равот” маҳалласидаги собиқ тўқимачилик комбинатининг аллақачон енгил саноатчиларга хатлаб берилган оилавий ётоқхонасидан арзон-гаровга хона олдим-да, яшаб юрдим. Вақтни қозикқа боғлаб бўлса экан, бир ерда тутиб турсак — бунинг асло иложи йўқ, у ҳаётни ўз измига солиб одимлайверади. Эшик тақиллайди, баъзан юрак ҳовучлаб қолади одам.

— Қани, ҳужжатларни чиқаринг, бир кўриб қўяйлик, — ўғрини тутган изкувардек кўзларимга нигоҳини ботиради ички ишлар ходими.

Тамом. Ялинишларим зое кетади, автобуснинг энг орқа ўриндиқларидан бирида қилмишига пушаймон маҳбуслардек ўтириб оламан... Бир кун андармон ходимнинг кодексдаги далилларига итоат қилиб, қўналғамга, қўналғамда ишга қайтаман. Ё маҳалла нозири ҳужжатни расмийлаштириб жарима ёзиб беради. Ижарачининг пўписаси — ҳолва, уни кечиктириб жаримани тўлаб қўясиз...

Шу зайлда кунлар ўтаверади. Чиқаётган мақолаларимиз, чоп этилаётган шеърларимизнинг завқи бу икир-чикир муаммоларга зумда барҳам беради. Бўйинда бўйинбоғни ҳилпиратиб, ишга шошиб кетаверамиз.

— Ўғлим, уйланиш керак, — дейди энам қишлоққа бориб қолсам.

Тўғриси, ўзимга ҳам ёқади бу таклиф, қизаринқираб ерга қарайман. Тенгқурлар эстафетани бир-бирига тутқазиб турибди. Қолаверса, университетга киришдан олдин ҳам бир-икки йилни бой берганмиз... Тўйни-ку, энам, акаларим амаллаб беради, уйни-чи?! Бир гап бўлар?!

Энам келин қидириш тараддудига тушади:

— Тошкентда уй-жойи борми? — сўрайди остонаси супурилган ҳовлидагилар.

— Йигитнинг моли олдида, — энам гапни бой бермайди...

У эмас, бу эмас, юлдуз юлдузга тўғри келмайди. Худойим оламини жуфт яратган, жумладан, одамни ҳам...

Тўйдан кейин тўнғич фарзандим туғилгунга қадар икки уйга кўчиб ўтдим. Ижарачилар ҳам турфа феълли бўлади. Олдиндан дев чиқса, унча ҳадиксирамайсан, ижарачини кўрсанг, оёқ-қўлинг қалтирайди. Муддат курғур, у ёғиндан бу ёғинга қарагунча етиб -келади...

“Соғлом авлод” газетасида илк иш бошлаган кезларим хизмат сафари билан Қорақалпоғистонга кетдим. Ўша кунлар аввалида ижарачи “уйни бўшатиб қўй”, деб тихирлик қилиб юрганди. Уй қидиришга, даллолу ижарачи билан мураса қилиш вақт талаб қилади, ундан кейин ҳамённинг туби бўм-бўш бўлса, ижара пулиям ҳаяллайди-да...

Ижарачи бесабрлик қилибди. Тугун-терсакни, хотинни бешикдаги бола билан уй олдидаги бекатга чиқариб қўйибди... “Вой-ей, шарманда”, дедим. Хотин ранжиган. Йўл узоқ, манзил олис... Кайфиятим тушиб, мақсадимдан чалкашдим. Мезбонлар ҳам ҳайрон... Қани энди уларга вазиятни айта олсам?! Яхшиям дўстлар бор, телефонда боғланиб, уларга бу ҳолатни тушунтирдим, кадрдонларим йиғиштириб, уйига олиб кетибди. Сафардан қайтиб, бир-икки кун хотиннинг кўзига қаролмай юрдим. Кейин-кейин кулиб эслайдиган бўлдик.

Қизнинг орқасидан ўғилли бўлдик, унгача яна уч уйни кездик. “Камбағални кўчганда кўр”... Рўзгоринг катталашгани сари юк-ёвинг ортиб боради. Ҳар ҳолда бизнинг мўлжалдаги уйларнинг ҳолати ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди: гоҳ томдан сув сизади, гоҳ захдан товонинг қақшайди... Аммо қаноат қиламиз, хотинни мен, мени адабиёт, шеърят овутади...

Баъзан дўстларга дардим очилиб қолса, аста гап ташлайман:

— Ўз уйида яшашнинг завқи қандай бўлар экан-а?!

Кунлардан бир куни ўша завқни туйдим. Фақат ўн беш йиллик саргардонликдан кейин...

Унгача қалбимизни тўқ қилиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев барча соҳалар қаторида адабиёт соҳасини ҳам ривожлантириш, шоир-ёзувчиларнинг турмуш тарзи, ҳаёт сифатини яхшилаш, ижодкорни қўллаб-қувватлаш борасида учрашувлар ўтказган, ҳукумат ва идораларга бу борада кўрсатмалар берган эди. Ушбу хайрли ишларнинг расмий асоси сифатида 2018 йилда Президентимизнинг “Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳани ривожлантириш билан бир қаторда ёзувчи-шоирлар учун пойтахт марказидан кўп қаватли уйлар қуриб, ижодкорларга арзон ипотека кредитлари асосида бериш кўзда -тутилган.

Президентимизнинг бир гуруҳ ижодкорлар, адабиётшунос олимлар билан навбатдаги учрашуви замонавий услубда барпо этилаётган ана шу кўркам кўп қаватли уйлар қаршисида бўлиб ўтди. Мамлакат ёшлари адабий-ижтимоий нашри бош муҳаррири ва ёш ижодкор сифатида мазкур учрашувда иштирок этдим.

Сухбат қизгин кечди, баъзан биргина сухбатда мақсадингни аниқлаб, масъулиятингни англаб оласан.

Юрт олдида, халқ ва миллат олдида ҳар бир инсоннинг бурчи бўлади, шоир-ёзувчининг, зиёли-олимларнинг бурч-вазифаси улканроқ эканини тушуниб етдим. Айнан ўша куни инсоннинг ватани ичра ватани — ўз уйи бўлишининг завқини ҳис қилдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир-ёзувчилар учун барпо қилинган кўп қаватли уйлардан уч хонали хонадон Президент тухфаси сифатида оилам учун ҳадя қилинди, бошимиз кўкка етди...

Мен энамнинг бир кун-ярим кунлик меҳмондорчиликдан ҳориб қайтганда, тўшакда оёғини ёзиб ўтириб, доим айтадиган “ўз уйинг — ўлан

тўшагинг”, деган иқрорини англаб етдим... Кейин қалбимни тўлдириб турган сўзлар қоғозга тўкилиб сатрларга айланди...

Ҳар ниҳолнинг илдизин ёйиб
Унарга ўз ватани бўлсин!
Ҳар қушнинг кенг қанотин ёзиб
Қўнарга ўз ватани бўлсин!

Ўчоғидан ўрласин тутун,
Насибаси бўлсин бус-бутун.
Ҳар одамнинг осойишта кун
Кўрарга ўз ватани бўлсин!

Кулиб чиқсин субҳидам қуёш,
Нурдан яшнаб кетсин тоғу тош,
Оқшом хориб, қўяй, деса бош,
Тунарга ўз ватани бўлсин!

Беватанда ловиллайди тан,
Қумғон қайнар ҳасрат-дардидан.
Йўл олган ҳар зотнинг ортидан
Сўрарга ўз ватани бўлсин!

Бир куни тор келганда олам,
Қилса жонни азиз, мукаррам.
Ёғоч отга миниб сўнгги дам
Жўнарга ўз ватани бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА:

Ҳамкорликнинг янги даври бошланди

Мамлакатимиз кейинги йилларда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, Европанинг бир қатор давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Шерзод АСАДОВ билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Шерзод Икромович, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда қандай янги тенденциялар кўзга ташланмоқда? Пандемия шароитида бу алоқалар қайси соҳаларда кўпроқ намоён бўлмоқда?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва Европа давлатлари билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб билади. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан барча жабҳалардаги муносабатлари жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошланди, деб айтсак бўлади.

Биргина мисол. Президентимизнинг Франция (2018 йил октябрь), Германия (2019 йил январь) ва Туркияга (2017 йил октябрь ва 2020 йил февраль) расмий ташрифлари ташкил этилиб, уларнинг натижалари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли келишувларга эришилди. Ўз навбатида, ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер (2019 йил май) ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған (2018 йил апрель) мамлакатимизга жавоб ташрифини амалга оширганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳозирги вақтда Венгрия, Италия, Бельгия, Буюк Британия ва Чехия каби давлатлар билан олиёй даражадаги ташрифларни ташкил этиш юзасидан ҳар томонлама ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги бир йил давомида Европанинг Австрия, Германия, Буюк Британия, Словакия, Словения, Испания, Италия, Туркия, Франция, Швейцария, Чехия, Норвегия, Финляндия, Латвия, Литва каби мамлакатлари Ташқи ишлар вазирликлари билан 20 дан зиёд сиёсий маслаҳатлашув ўтказилди.

Биз сўнгги вақтларда Европа Иттифоқи билан энг юқори ва олиёй даражадаги мулоқот илгари кузатилмаган даражада фаоллашаётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, 2019 йил май ойида Европа Кенгаши раҳбари Дональд Туск илк маротаба Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бундан ташқари, ЕИнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича эндиликда собиқ олиёй вакили Федерика

Могерини икки марта (2017 йил ноябрь ва 2018 йил март ойлари) республикамизга ташриф буюрди.

2020 йилнинг апрель ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши раҳбари Шарль Мишель ўртасида телефон мулоқоти ўтказилди. Ташқи ишлар вазири А.Комилов ЕИнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Европа Иттифоқи Комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель (2020 йил январь ойида Берлин шаҳрида ва май ойида телефон орқали) билан икки марта суҳбатлашди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур музокаралар чоғида Европа томони иқтисодиёт, савдо, инновация ва инвестиция, транспорт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Шу ўринда Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий йўналишда ҳамкорликни сезиларли тарзда ўсиб, ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, 2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми 2016 йил билан таққослаганда деярли 60 фоиз ўсиб, 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Европага экспорт қилиш 1,5 баравар ортган ҳолда 580 миллион АҚШ доллари миқдорига етган бўлса, бу даврда импорт ҳажми 1,5 баробар ошди ва 3,42 миллиард долларни ташкил этди.

Жорий йил январь-май ойларида товар айирбошлаш ҳажми 1,315 миллиард долларни, шу жумладан, экспорт 196,6 миллион долларни, импорт 1,11 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги ва юқори даражага кўтариш мақсадида расмий Тошкент ва Брюссель ўртасида янги кенг қамровли икки томонлама ҳужжат — Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тузиш бўйича 2019 йилдан бошлаб фаол музокаралар ўтказилмоқда.

Европа Иттифоқи билан кўп жабҳали мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилаётган мазкур йўналишга, асосан,

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар туфайли эришилди.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда кузатилаётган ҳамкорликнинг ижобий динамикаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақа давлатларига нисбатан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва конструктив мулоқот орқали барча масалаларни ҳал этишга қаратилган янги сиёсати асосида Брюссель минтақага нисбатан сиёсатини минтақалараро алоқаларни ривожлантириш сари тубдан қайта кўриб чиқди.

Буларнинг барчаси Брюссель томонидан Марказий Осиё учун тасдиқланган (2019 йил июнь ойида) янги стратегияда яққол намоён бўлди.

Европа томонининг позициясига кўра, Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар Марказий Осиёнинг сиёсий барқарорлиги ва изчил ривожланишидан, шунингдек, икки минтақа ўртасидаги интеграция алоқаларини фаол ривожлантиришдан манфаатдордир.

Минтақамиздаги барқарор вазиятни эътироф этган ҳолда, расмий Тошкент томонидан илгари сурилган яхши қўшничилик сиёсати туфайли расмий Рим илк марта “Италия — Марказий Осиё” форматидаги вазирлар учрашувини (2019 йил декабрь) ўтказди. Ўз навбатида, Марказий Осиё билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида расмий Париж ҳам шу сингари мулоқотнинг иккинчи босқичини давом эттиришга қарор қилди.

2020 йилнинг апрель ва июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов Европа Иттифоқи савдо комиссари Ф.Хоган билан икки маротаба видеоконференция шаклида учрашувлар ўтказди. Музокаралар давомида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида кенгайтирилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойиҳаси бўйича келишиш жараёнини фаоллаштириш борасида келишувга эришилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳнинг 4-йиғилишига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЕИ “ПБТ+” имтиёз тизимида бенефициар мамлакат мақомини олиши жараёнига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда COVID-19нинг глобал миқёсда тарқалиши ва бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсири шароитида Европа Иттифоқи унинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистонга 30 миллион евродан кўпроқ маблағ ажратишга қарор қилди.

Бундан ташқари, БМТ шафелигида Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фондига Европа Иттифоқи 5 миллион евро, Норвегия 1,1 миллион АҚШ доллари ва Финляндия 1 миллион евро миқдорида маблағ ажратди.

Фурсатдан фойдаланиб, Европадаги ҳамкорларимизга Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда республиканинг “GSP+” тизими доирасида бенефициар мақомини олиши бўйича саъй-ҳаракатлари, шунингдек, кенг қамровли ўзгаришлар шароитида мамлакатимизга кўрсатаётган молиявий ва техник кўмаги учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси учун 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган беғараз ёрдами тўғрисидаги кўп йиллик индикатив дастури доирасида республикадаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун қарийб 168 миллион евро маблағ ажратилди.

Шу билан бирга, биз Европа Иттифоқи мамлакатларидан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Афғонистондаги мавжуд вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича олиб бораётган халқаро майдондаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани учун миннатдормиз. Ўзбекистон учун кўшни давлатда узоқ кутилган тинчликни ўрнатиш устувор аҳамиятга эгадир.

Биз Европа билан икки ва кўп томонлама истиқболли муносабатларни давом эттираемиз. Савдо-сотик, инвестиция ва молия, юқори технологиялар трансфери, илм-фан, техника, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон — Европа муносабатларининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

— **Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиги бугунги глобал пандемияга қарши курашда қандай самаралар бермоқда?**

— Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ ва унинг ихтисослашган агентликлари билан самарали ҳамкорлиги пандемия даврида ҳам сусайгани йўқ.

Жорий йилнинг июнь ойида Президентимиз таклифи билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) фикримизнинг яққол исботидир. Мазкур ҳужжат давлатимиз раҳбари ташаббусларини БМТ доирасида илгари суриш, республика ва унинг вакиллари номзодларини БМТнинг сайлов органлари аъзолигига илгари суриш ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини оширишга қаратилган сиёсий-дипломатик тадбирларни ташкил этиш бўйича халқаро майдондаги фаолиятни жадаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кўзда тутди. Тадбирлар режаси сайёрамиздаги энг универсал халқаро ташкилот — БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан бундан кейинги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизда коронавируснинг кириб келиши ва уни республика ҳудудида тарқалишига қарши биргаликда курашишда БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

8 июль куни Женева шаҳрида дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакати давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат соҳасида COVID-19га қарши кураш масалалари бўйича глобал виртуал саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур тадбир иштирокчиларига йўллаган мурожаатномаси мамлакатимизда пандемия шароитида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганидан далолат беради.

БМТ Тараққиёт дастури биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш учун 250 минг доллар миқдоридаги молиявий-техник ёрдамни ажратди. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини юмшатиш борасида Ўзбекистон ҳукуматига кўмак бериш мақсадида қўшимча равишда 1 миллион доллар миқдоридаги грант маблағлари ажратиши масаласи ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, БМТнинг Тошкентдаги тегишли агентликлари томонидан COVID-19 билан боғлиқ вазиятни баҳолаш ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларни ўз ичига олган “Ижтимоий-иқтисодий чоралар бўйича умумлаштирилган кўп томонлама таклиф” деб номланган таҳлилий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Ҳужжатда коронавирус пандемияси шароитида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб ижтимоий, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига оид масалалар билан бир қаторда, БМТ ва унинг республикада фаолият юритаётган агентликларининг Ўзбекистон ҳукуматига кечиктириб бўлмайдиган макроиқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтисодиётни тиклаш, хусусан, маҳсулот экспортининг камайишига, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ёпилишига ва тегишли иш жойларининг қисқаришига йўл қўймаслик борасида яқиндан кўмак бериш бўйича таклиф ва тавсиялари ўз аксини топган.

Ўз вақтида ишлаб чиқилган ушбу таҳлилий ҳужжат ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, республикада пандемияга қарши жадал олиб борилаётган тадбирларни БМТ ва унинг ихтисослашган агентликлари тажрибаси ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда манзилли йўналтириш имкониятини беради. Ўзбекистон томони, албатта, БМТнинг мазкур ҳужжатни тайёрлаш борасидаги фаолиятини юқори баҳолайди ва шу каби масалаларда бундан кейин ҳам ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тай-ёрлигини билдиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонга лаборатория ва синов тўпламларини сотиб олишда, инфекция тарқалишини назорат қилишда, халқаро соғлиқни сақлаш қоидалари ва COVID-19 маълумотларини тўплашда ёрдам бермоқда.

БМТнинг болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ Осиё тараққиёт банкнинг молиявий кўмаги асосида республика учун 1,56 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилди. Дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа керакли анжомлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилмоқда. Бу мамлакатимизнинг эртанги тараққиёти учун қандай хизмат қилади?

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришда ҳамда уларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил саналади.

Ҳозирги кунда дунёнинг 164 та мамлакатини ўз таркибига олган йирик иқтисодий интеграциялардан бири Жаҳон савдо ташкилотидир. Ташкилот алоҳида низомга эга бўлмай, шартнома ва музокараларга таянган ҳолда ташкил этилгани ва ҳозирги кунга қадар фаолият юритиб келаётгани унинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Мазкур ташкилотга аъзо бўлиш узок муддатли музокаралар ва турли йўналишларда комплекс ишларни амалга

оширишни тақозо этади. Бунда асосий эътибор аъзо давлатлар билан олиб бориладиган икки ва кўп томонлама музокараларга қаратилган.

Ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш ва уларнинг халқаро инфратузилмалар билан интеграциялашувига қаратилган тадбирлар доирасида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши учун салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов раҳбарлигида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди.

7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга қўшилиши бўйича ишчи гуруҳнинг 4-йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари, жумладан АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия, Япония, Канада, Бразилия, Панама, Парагвай, Уругвай, Никарагуа, Мўғулистон, Гондурас, Ҳиндистон ва бошқалар иштирок этдилар.

Йиғилиш давомида аъзо давлатларнинг саволларига ўзбек экспертлари томонидан батафсил жавоблар тақдим этилди.

Учрашув якунида Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши жараёнининг кейинги босқичлари, яъни фактологик резюме ишлаб чиқиш, икки томонлама учрашувларни ташкиллаштириш ва уларни ўтказиш, илгари тақдим этилган хужжатларни янгилаш каби муҳим масалалар юзасидан келишиб олинди.

Ҳозирги кунда ЖСТга аъзо давлатларнинг аксарияти, жумладан, Хитой, ЕИ, Туркия, Япония, Россия кабилар Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши учун амалга ошириладиган тадбирларда ҳар томонлама кўмак кўрсатишга тайёр эканликларини билдирди.

— Ўзбекистонда кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, сўз эркинлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар Европа мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қандай баҳоланмоқда?

— Юртимизда охириги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун” тамойили асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелетнинг 2019 йил якуни бўйича тақдим этган йиллик ҳисоботида илк бор Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида ижобий урғу берилган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг март ойида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистон Республикаси томонидан тақдим қилинган Бешинчи даврий ҳисоботни кўриб чиқиб, юртимизда коррупцияга қарши кураш, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасидаги ютуқларга ижобий баҳо берган. Ҳозирги кунда қўмитанинг бу борадаги тавсияларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Арлем Дезир Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш соҳасидаги ишларга юқори баҳо бермоқда. Жумладан, унинг офиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда қатор тадбир ва лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2020 йилда

ЕХҲТнинг Марказий Осиёда сўз эркинлиги халқаро форумини Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида янада кенг қўламли ислоҳотларни ва хорижий ҳамкорлар билан кенг қамровли ишлар қўзда тутилган.

Хорижий шерикларимиз ва халқаро ташкилотлар билан мулоқот жараёнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги ва давомийлигини алоҳида таъкидлаб келмоқдамиз. Мазкур соҳада мамлакатимизнинг нуфузини янада ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиши масаласи бўйича республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан изчил фаолият амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан муносабатларда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Республикамиз Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва алоқадор масалалар бўйича Ўзбекистон — Европа Иттифоқи қуйи қўмитаси доирасида “Инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот”ни ташкил этди. Бугунги кунга қадар томонлар ўртасида 12 раунд мулоқот бўлиб ўтди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида кўп қиррали ислоҳотлар бошланган пайтдан буён европалик ҳамкорларимиз жамиятни демократлаштириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чуқур ўзгаришларни қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнатга барҳам бериш, суд ислоҳотлари, қийноқларнинг олдини олиш ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасидаги ютуқларини Европа томони алоҳида таъкидлайди.

Ушбу соҳалардаги сезиларли ютуқлар туфайли 2019 йилда Европа Иттифоқи “индивидуал ҳолатлар” деб номланувчи рўйхатни биринчи марта тақдим этмади. Албатта, бу мамлакатимизда мазкур соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлардаги сезиларли ўзгаришлардан далолат беради.

Маълумот учун: “Ўзбекистон-ЕИ” қуйи қўмитасининг адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва алоқадор масалалар бўйича йиғилишлари доирасида Европа томони қамқондан озод қилиш талаби билан “сиёсий

махбуслар” деб аталувчи 10-15 кишининг рўйхатини анъанавий тарзда тақдим этар эди.

Бундан ташқари, Европа томонининг таъкидлашича, 2019-2020 йилларда оқланганларнинг ўтган йилларга нисбатан жуда кўплиги Ўзбекистон суд тизимидаги ислохотлар амалда ижобий натижаларни кўрсатаётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳада эришган ижобий натижалари Европа Иттифоқининг дунёда инсон ҳуқуқлари ва демократия бўйича йиллик ҳисоботида (2020 йил июнь ойида эълон қилинган) ҳам юқори баҳоланди. Ҳужжатда 2016 йилдан бошлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда жамиятни босқичма-босқич либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар дастури, шу жумладан, сиёсий дастурлар амалга оширилаётгани таъкидланган.

Алоҳида қайд этилишича, бу йўналишда жиддий ютуқларга 2019 йилда ва унинг якунида (22 декабрь) бўлиб ўтган парламент сайловида эришилди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз раҳбариятининг туб ўзгаришларни амалга оширишга бўлган интилишларини яққол намоён этди.

Бундан ташқари, ЕИ ҳисоботида сўз эркинлиги соҳасида эришилган ижобий ўзгаришларга эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги турли давлат идоралари билан ишлашда қийинчиликларга дуч келган ўзбекистонлик журналистларга жиддий ёрдам кўрсатгани қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон 2019 йилда “Чегарасиз ОАВ” таснифига кўра, “қора ҳудуд”дан чиқарилди.

Республиканинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларини инобатга олган ҳолда, ЕИ ва унга аъзо давлатларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг глобал сиёсий жараёнлар, жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлишидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватламоқда.

— Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш тобора жадал ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги ташаббусларини Жаҳон сайёҳлик ташкилоти қай даражада қўллаб-қувватламоқда?

— Албатта, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизга чет эллик сайёҳларни жалб қилиш, умуман, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимиз БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) томонидан ижобий қабул қилинмоқда.

Республикамиз вакиллари ЮНВТО шафелигида ташкил этиладиган йирик ва нуфузли туристик ярмаркалар — FITUR, ITB, JATA, World Travel Market, Top Resa ва шунга ўхшаш қатор халқаро тадбирларда ҳамда улар доирасида ўтказиладиган вазирлар даражасидаги анжуманларда доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бу эса ҳозирги кунда туризм

соҳасидаги муҳим масалалар юзасидан халқаро ҳамкорлар билан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ташкилот Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташаббусларини ҳар томонлама ва кенг қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, мамлакатимиз ташаббуси билан жорий йилнинг 1 июнь куни Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг “Тикланиш йўли” мавзусидаги халқаро анжумани ташкил этилди. Ушбу онлайн мулоқот жараёнида SAFE TRAVEL GUARANTEED ташаббуси, яъни Ўзбекистонда коронавирусуга қарши курашиш, хавфсиз туризмни жорий этиш, юртимизда хорижий сайёҳлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги янгилик ташкилот аъзо давлатлари ўртасида илгари сурилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 25 июнь куни Ўзбекистон раислигида ЮНВТОнинг Европа минтақавий комиссиясининг навбатдаги 65-сессияси видеомулоқот тарзида ташкил этилди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов 2023 йилда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Ижроия кенгашига 2021-2023 йиллар учун ва Бош ассамблеясининг 25-сессиясини ўтказишга Ўзбекистон номзодини илгари суриш ташаббусини эълон қилди ҳамда бу аъзо давлатлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Хуллас, Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигини халқимиз халқаро миқёсда эришилаётган ана шундай салмоқли натижалар, залворли ютуқлар билан қаршиламоқда. Ишончимиз комилки, бундай хайрли ишлар келгусида ҳам давом этади. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи мустакамланиб, Ватанимизнинг куч-қудрати юксалиб бораверади.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.**

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР

жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади, мавқеини мустаҳкамлайди, шаффофликни таъминлайди

Инсоният тараққиёти, барча соҳаларда кечаётган глобаллашув жараёнлар, сифат ва таркибий ўзгаришлар халқаро ҳамкорлик ва алоқаларни янги босқичга кўтариш баробарида ҳар бир мустақил мамлакатнинг ушбу ҳолатларга янгича қарашга, улар билан бирга одим ташлаш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бу эса, энг аввало, ўша мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни, халқаро рейтинг ва кўрсаткичларда тутган мавқеи билан белгиланади.

Бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида янгилик ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Табиийки, бундай янгиланишлар натижаси нафақат халқимиз ҳаётида, балки нуфузли халқаро рейтинг ва индекслар кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Айтиш керакки, халқаро рейтинг ва индекслар ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш жараёнини ўзида намоён этиб, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва -рақобатбардошлик каби муҳим жиҳатларнинг кўзгусидир. Бу жиҳатлар мамлакатимиздаги ислохотлар моҳиятида ҳам мужассам. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга, одамларнинг ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан янада теран мазмун касб этади.

Президентимизнинг шу йил 2 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги фармони юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди.

Мазкур фармонга мувофиқ, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши тузилиб, соҳада парламент назорати ўрнатилди. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила НАРБАЕВА** билан суҳбатимиз мазкур фармон ижросини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида бўлди.

— **Илгари устувор халқаро рейтинг ва индекслар бўйича ишларни ҳукуматнинг махсус комиссияси мувофиқлаштириб келар эди. Президентимиз фармони билан бу борада республика кенгаши тузилишига нима сабаб бўлди?**

— Халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолашда иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган воситадир. Улар нафақат

экспертлар, балки давлатлар даражасида ҳам ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат мезони сифатида қўлланиб келинади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз кўпгина устувор рейтингларда юқорилаб бораётгани юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятимизда очиқлик, ошкораликни таъминлаш борасида қилинаётган эзгу ишларнинг муҳим натижасидир.

Масалан, яқинда БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилотининг -(ЮНИДО) “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси” бўйича ҳисоботи чоп этилди. Унда мамлакатимиз илк мартаба акс эттирилиб, 152 та мамлакат орасида 92-ўринни, МДҲга аъзо давлатлар орасида 5-ўринни, Марказий Осиё мамлакатлари орасида 2-ўринни эгаллади.

Айтиш керакки, бугун жамиятимиздаги ислохотларнинг бош мақсади халқимизни рози қилишдек эзгу мақсадга йўналтирилмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ислохотларимиз, қабул қилаётган қонун ва қарорларимиз замирида ҳам ушбу мақсад мужассам. Аҳоли юритилаётган сиёсатдан қанчалик рози бўлса, турли рейтинг ва индекслардаги ўрнимиз ўз-ўзидан ошиб бораверади.

Хусусан, иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш истиқболларини яхшилашга қаратилган босқичма-босқич ислохотлар 2020 йилда Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” индексида 76-ўридан 69-ўринга кўтарилишимизга, “Transparency International”нинг Коррупцияни қабул қилиш индекси ҳамда “World Justice Project”нинг Қонун устуворлиги индексида мамлакатимиз ўрни яхшиланишига олиб келди.

Шу билан бирга, бу йўналишда ҳали қилиниши керак бўлган вазифалар талайгина. Президентимиз фармони асосида давлат органлари фаолияти натижадорлигини олий, яъни парламент даражасида назорат қилиш белгиланганидан мақсад — бу борада вазирлик ва идоралар раҳбарларининг масъулиятини оширишдир. Шу боис, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларининг халқ томонидан сайланишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур механизм соҳадаги чора-тадбирлар ижроси устидан халқ назорати ўрнатилганлигини аниқлатади.

Эндиликда вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўзлари масъул бўлган рейтинг ва индексларда кўрсаткичларни яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар ва белгиланган вазифалар ижроси юзасидан республика кенгашида ҳисобот бериб борадилар.

Халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатимиз ўрнининг яхшиланиши кўп жиҳатдан қабул қилаётган қонунларимизнинг жойлардаги ижросига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кенгаш таркибига маҳаллий ҳокимлар киритилди. Бу эса қонун талабларининг жойлардаги ижроси юзасидан муаммоларни вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Шу орқали бу йўналишдаги ишларда парламент, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланади,

сансалорлик ҳолатларининг олди олинади, барча ишлар мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилади.

— **Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш мамлакатимиз учун буткул янги йўналиш ҳисобланади. Шу маънода вазирлик ва идоралар, суд ва прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимликлар бунга қай даражада тайёр?**

— Албатта, бу кўп вақт сарфланадиган, прогрессив билимларни талаб этувчи янги жараёнлардан бири. Бу, шубҳасиз, масъул давлат органларининг ўзларига бириктирилган халқаро рейтинг ва индекслар методологиясини изчиллик билан ўрганиш, уни тўғри талқин қила олган ҳолда амалиётга татбиқ эта олиш, халқаро рейтинг ва индексни берувчи ташкилот билан алоқаларни ўрната олиш билан боғлиқдир.

Очиғи, барча вазирлик ва идоралар, айниқса, жойлардаги ҳокимликлар ёки парламент аъзоларининг барчаси ҳам масаланинг туб моҳиятини тўла англаб етди, деб айтиш мушкул. Юқорида айтганимдек, рейтинг ва индекслар жойлардаги вазиятга боғлиқ, қонунларнинг ижросига боғлиқ. Минг афсуски, жойлардаги ҳокимликлар ёки давлат органлари вакилларининг баъзида билиб-билмай айтган гап-сўзлари ёки хатти-ҳаракатлари рейтинг ва индекслардаги ўрнимизга салбий таъсир қилади.

Шу ўринда барча раҳбарлар, улар қайси даражадаги раҳбар бўлишидан қатъи назар, ўз ҳаракатларини қонунларда белгиланган тартибда амалга оширишлари зарур эканини яна бир қарра таъкидламоқчиман. Одамлар билан мулоқотларда эса инсон шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши шарт.

Ҳар бир тизимда ишларимизни самарали ташкил этиш мақсадида барча вазирлик ва идораларда халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмалар ташкил этилишига эришдик. Бу эса ишимизни анча осонлаштиради. Ажратилган алоҳида ходимлар доимий равишда ўзларининг вазирлиги ёки идораси масъул бўлган халқаро рейтинг ва индекс бўйича иш олиб боради.

Халқаро рейтинг ва индексларнинг аҳамияти, олдимизда турган устувор вазибаларни белгилаш, рейтинг агентликларининг методологияларини ўрганиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ҳамда вазирлик ва идоралар масъуллари учун махсус тренинглари бошладик.

Шу билан бирга, энг асосий ишимиз қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини, бир сўз билан айтганда, қонун устуворлигини таъминлашдир. Бу борада биз парламент ва жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйишга киришдик ва, албатта, ижобий натижаларга эришамиз.

— **Бугунги кунда халқаро миқёсда устувор ҳисобланган тўртта халқаро рейтинг ва индексда Ўзбекистон ҳали эътироф этилмаган. Бунинг сабаби нимада? Ушбу рейтингларда мамлакатимиз ўрнини акс эттириш бўйича қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Ўзбекистоннинг ушбу халқаро индексларда эътироф этилмаганига бир неча сабаблар бор. Масалан, Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал

рақобатбардошлик индекси”га мамлакатимизни киритиш масаласи юзасидан Молия вазирлиги олиб борган музокаралар натижасида индексга кириш жараёни 2 йил муддатни талаб этиши маълум бўлди.

Биринчи йилда ташкилот томонидан Ўзбекистонда расмий сўровнома ўтказиш учун ҳамкор, яъни нодавлат ноижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари танлаб олинади ва сўровнома ўтказилади. Иккинчи йилда сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг индексдаги норасмий ўрни белгиланади ҳамда уларнинг Ўзбекистон кўрсаткичларининг ҳақиқий тенденциялари билан қай даражада мос келиши текшириб кўрилади. Тенденциялар махсус экспертлар томонидан 2 йил мобайнида мунтазам кузатилиб борилади ва таҳлил қилинади.

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг “Бюджет очиклиги индекси”га кириш масаласига тўхталадиган бўлсак, индекс бўйича мамлакатда тадқиқот ўтказиш учун зарур ресурслар (жумладан, маблағлар) фақатгина халқаро нодавлат ташкилотлар ва институтлар (донорлар) ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳамжамиятнинг асосий талабларидан бири — тадқиқот ўтказишдаги маҳаллий ҳамкор сифатида мустақил фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат ноижорат ташкилотлар) бўлиши зарур. Мазкур индекс ҳисоботида мамлакатимизни акс эттириш бўйича якуний қарор ташкилотнинг жорий йил август ойидаги йиғилишида кўриб чиқилишига келишилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси”да Ўзбекистонни эътироф этиш мақсадида тузилма масъул раҳбарлари билан музокаралар ўтказилди. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан биргаликда “Инвестицион сиёсат шарҳи — Ўзбекистон” номли ҳисоботни ишлаб чиқиш ва бу орқали индексда мамлакат ўрнини акс эттириш имкониятларини кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Корнелл университети, Халқаро интеллектуал мулк ташкилотининг “Глобал инновациялар индекси”да мамлакатимиз ўрнини акс эттириш масаласида Инновацион ривожланиш вазирлиги музокаралар ўтказмоқда. Ҳозир ушбу индексда талаб этилган зарур статистик маълумотларни жамлаш бўйича ҳамкорликда ишлар йўлга қўйилган.

— Халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни мамлакатимиздаги ислохотлар бўйича ҳолис ва зарур маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш масаласи ўз ечимини топганми?

— Албатта, бундай маълумотлар турли ахборотномалар шаклида тегишли ташкилотлар, хусусий инвесторлар ҳамда халқаро экспертларга жўнатилмоқда. Шунингдек, улар вазирликларнинг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ҳам кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб борилмоқда.

Бундан ташқари, айрим рейтинг ва индексларда талаб этилган статистик маълумотлар республикамизнинг давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан шакллантирилган статистик маълумотлар базасига асосланади.

Масалан, БМТнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”да жами 206 та миллий индикатор тасдиқланган. Давлат статистика қўмитаси томонидан яратилган махсус сайтга бу борадаги зарур маълумотлар доимий равишда жойлаштирилади. Шунингдек, халқаро рейтинг ва индекслар учун керакли маълумотлар давлат идоралари томонидан мунтазам янгиланиб борилади.

Мисол учун, ҳукумат портали доирасида “Очиқ маълумотлар портали” ишга туширилган. Мазкур портал Давлат статистика қўмитасининг давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар базаси юритилиши ва янгиланиши, шунингдек, тегишли ахборотларнинг ўз вақтида акс эттирилишини мувофиқлаштириб келмоқда.

Умуман олганда, халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотлар тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига, нодавлат нотижорат ташкилотлар маълумотларига ҳамда миллий ва хорижий экспертлар хулосаларига таянади. Бу эса, ўз навбатида, республика миқёсида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва уларнинг натижаларидан маҳаллий аҳоли ва тадбиркорлар қай даражада хабардор эканини кўрсатиб беради.

— Ҳозирги кунда мамлакатимиз қайси рейтинг ва индексларда қуйи поғоналарда қолмоқда ва бунинг асосий сабаблари нималардан иборат?

— Асосан, сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўринлари нисбатан қуйи поғоналарда. Масалан, Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик индексида 191-ўринда, Норматив сифат индексида 184-ўринда, Коррупцияни назорат қилиш индексида 183-ўринда, Қонун устуворлиги индексида 182-ўринда, Жаҳон матбуот эркинлиги индексида 156-ўринда турибмиз. Албатта, сўнгги 3-4 йил мобайнида ушбу соҳаларни тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди, турли институционал ўзгаришлар рўй берди.

Хусусан, мамлакатимизда сўз эркинлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларининг чеклов ва тўсиқларсиз фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари учун медиа бозорида тенг шароит яратиш ва уларни янада ривожлантириш ҳамда журналист ва блогерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Бу борадаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш, турли органлар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ташкил этилди. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини юритувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди.

Қатор соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонунчиликнинг жадал ривожланиши айрим ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган кўплаб нормаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам қонунчиликни тубдан қайта кўриб чиқиш, уни тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, ижроси мониторингини такомиллаштириш мақсадида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Бироқ шунча ишларга қарамай, индекслардаги кўрсаткичлар бу борада ҳали камчиликларимиз борлигини кўрсатиб турибди. Шу боис, қатор муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз. Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишимиз зарур бўлади.

Шунингдек, давлат органларида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш тартибини белгилаш ва давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича рейтингини шакллантиришни йўлга қўймоқчимиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг Коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (ГРЕКО) халқаро ташкилотига аъзо бўлиши ва бу ташкилотнинг коррупцияга қарши тегишли конвенциялари талабларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласини ҳам ўрганиб чиқишимиз лозим.

Оммавий ахборот воситалари, фикрлар хилма-хиллиги ва сўз эркинлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашимиз зарур. Айниқса, журналистнинг қонуний профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарликни белгилашимиз керак.

Республиканинг сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ва индексларда қуйи поғоналардан жой олганлигининг сабабларидан яна бири мазкур рейтинг ва индекслар, асосан, жамоатчилик фикри ва халқ-аро экспертлар хулосаси асосида шакллантирилишидир. Қолаверса, индекс юритувчи ташкилотлар сўровномалари фақатгина мустақил фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлар) билан ҳамкорликда ўтказилишини инобатга олиб, республика миқёсида бундай ташкилотлар камлиги ҳамда улар томонидан тадқиқот ишларини амалга ошириш салоҳияти чекланганлиги каби омиллар ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда алоҳида қайд этишимиз зарур, ҳар бир давлат органи, айниқса, республика даражасидаги вазирлик, идора, ташкилотлар ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларида иборат жамоатчилик кенгашлари тузилиб, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

— Яқинда БМТнинг “Рақамли ҳукуматни барқарор ривожланиши йўлидаги ўн йиллик ҳаракат” номли ҳисоботи эълон қилинди. 2020 йил учун дунёда электрон ҳукумат ривожланиши натижалари тақдим қилинган ушбу рейтингда Ўзбекистон 6 та поғонага тушиб, 87-ўринни

эгаллади. Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан мамлакатимиз аввалги ўрнини йўқотди?

— Албатта, Ўзбекистон умумий рейтингда 6 та поғонага пасайди. Лекин рейтингни шакллантирувчи компонентлар бўйича бирмунча ўсиш кузатилган. Масалан, ушбу рейтингнинг “Инсон капитали”, “Электрон иштирок” ва “Телекоммуникация инфратузилмаси” индекслари бўйича кўрсаткичлар 0,01 дан 0,14 пунктгача ошган.

“Электрон иштирок” индекси бўйича республикамиз ўзининг кўрсаткичини 0,80 пунктгача ошириб, умумий рейтингдаги ўрнини 13 поғонага кўтарди ва 46-ўринни эгаллаб, электрон иштирок индексининг жуда юқори ривожланиш даражасига эга мамлакатлар рўйхатига кирди. Ваҳоланки, 2018 йилда ушбу индекс бўйича мамлакатимиз 59-ўринда эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга очиқ маълумотлар бўйича энг юқори балл берилди. Албатта, “Электрон ҳукуматни ривожлантириш” рейтингдаги ўрнимиз пасайишига айрим омиллар таъсир қилди. Энг аввало, таъкидлаш жоизки, 2018 йилдан жорий йилнинг апрель ойига қадар республикамизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этишда ягона мувофиқлаштирувчи орган мавжуд бўлмаган. Натижада рейтингни ошириш бўйича аниқ белгиланган чора-тадбирлар режаси қабул қилинмаган ва тегишли ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Ҳозир Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу ишга масъул этиб белгиланган.

Шунингдек, миллий электрон хизматлар портали ҳамда таълим, меҳнат, ижтимоий хизматлар, соғлиқни сақлаш, молия ва атроф-муҳит соҳаларидаги тегишли вазирлик ва идораларнинг веб-сайтлари ҳам талабга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз. Ушбу сайтлар рейтингнинг “Электрон хизматлар” компонентида 148 та жиҳат бўйича баҳолаб борилади. Миллий онлайн хизматлар портали ва расмий веб-сайтларнинг мобиль қурилмалардан фойдаланиш учун мослашган шакллари етарли даражада жорий этилмаган.

Шунингдек, транзакция хизматлари даражасининг пастлиги, давлат боғлари, турли йиғимлар ва жарималарни тўлиқ электрон тарзда тўлаш ҳам охирига етмаганлиги рейтингдаги ўрнимизга салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Рейтингнинг “Инсон капитали” компоненти бўйича ҳам ишлашимиз керак бўлган айрим камчиликлар бор. Масалан, масофавий ўқитиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, олий маълумотга эга аҳоли қатлами бўйича аниқ маълумотлар етарли эмаслиги рейтингдаги ўрнимизга таъсир қилмоқда.

Мобиль алоқа абонентлари, интернет фойдаланувчилари улушини бегилайдиган “Телекоммуникация инфратузилмаси” компонентида эса республиканинг узоқ ҳудудларига юқори тезликдаги симли интернет тармоғи этиб бормаганлиги ҳам рейтингдаги ўрнимизга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бу камчиликларни тўғрилаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб олганмиз. Умид қиламизки, навбатдаги ҳисоботларда ушбу йўналишда мамлакатимиз ўрни янада яхшиланишига эришилади.

— **Коронавирус пандемияси кўп ислохотларимизга салбий таъсир қилди. Иқтисод дейсизми, саноатми, таълим ва бошқа соҳалар қийин рақобат муҳитида қолди. Нима деб ўйлайсиз, бу ҳолат рейтинг ва индексларда қандай баҳоланади?**

— Дарҳақиқат, бугунги кунда коронавирус пандемияси глобал миқёсда бутун инсониятга хавф солаётганига, барча соҳаларда турли қийинчиликларни келтириб чиқараётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Пандемия шароитида, албатта, биринчи зарба иқтисодиётга тушади, режалаштирилган кўплаб ислохотлар ижроси ортга сурилади, асосий эътибор соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилади.

Халқаро рейтинг агентликлари индексларни ҳисоблаб чиқишда ёки рейтингларни тузишда, асосан, мамлакатнинг турли статистик кўрсаткичларига таянади. Тан олиш лозим, пандемия сабабли статистик кўрсаткичларнинг яхши томонга ўзгаришига нисбатан уларнинг ёмонлашиш эҳтимоли юқорирак.

Шу сабабли кейинги йилларда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнимизнинг жорий ҳолатида сақлаб қолиниши ёки пастлашиши эҳтимолини назардан қочириб бўлмайди. Бироқ унутмаслик керакки, пандемия битта ёки бир нечта давлатда эмас, балки бутун дунё мамлакатларига бевосита салбий таъсирини ўтказмоқда.

Шу боис, балки бошқа давлатларнинг ҳам рейтинглардаги ўрни пастлашиши сабаб мамлакатимизнинг ўрни том маънода кўтарилиши ёки жорий ҳолатда сақланиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳар қандай вазиятда ҳам халқимизнинг азалий қадриятларидан келиб чиқиб ҳамиша яхши ният қилиш, эртанги кунга умид билан боқиш туйғуси дилимизда яшамокда. Ишончимиз комилки, барчамиз, бутун халқимиз бир жон, бир тан бўлиб баҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, бу синовларни албатта енгамиз. Пандемиядан тараққиётимизнинг эртанги йўналишларини белгилайдиган янги хулосалар, янги ғоялар, янги куч билан чиқиб, ривожланиш йўлини изчил давом эттираемиз.

Баҳор ХИДИРОВА
суҳбатлашди.

ҲАР БИР ЗАМОН ЎЗ ТАРИХИНИ ЯРАТАДИ

Носиржон ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир



Уч йил аввалги учрашув

Ҳар қандай янгиликни, аввало, эзгу ният, сўнгра муайян ҳаракат натижасидир. Яхшидан яхши орзу-истак қилаверсанг-у, унга мос ҳаракат бўлмаса ёки аниқ мақсад-муддаосиз кўр-кўрона югураверсанг, на самара бўлади, на янгилик. Ҳамма гап шу икки омилнинг уйғунлигида, ният ва ҳаракат бирлигида.

Бундан уч йил муқаддам, 2017 йилнинг 3 август куни Президентимиз самимий даврада халқимизнинг бир гуруҳ зиёлилари — шоиру ёзувчи, мусаввиру ҳайкалтарош, актёру режиссёр, бастакору хонанда — қўйингки, маданият, санъат ва адабиёт аҳли вакиллари билан дилдан суҳбатлашди, кечаги кун хулосалари, бугунги кун масалалари, эртанги кун режалари рўй-рост тилга олинди.

Ўшанда ёш ижодкор сифатида йиғилишда иштирок этиб, ён дафтаримни тифиз-муҳим ёзув-эслатмаларга тўлдириб чиқарканман, қайдларим сўнггига қўйидагича ёзиб қўйгандим:

“Мажлис 6 соат давом этди. Давлат раҳбари соҳага доир 30 дан ортик аниқ масалани кун тартибига қўйди. Муаммолар санаб ўтилди, уларнинг ечимига ҳам шу ернинг ўзида жавоб изланди. Бугун миллат маънавияти, адабиёти, санъати ривожини учун яхши ниятлар қилинди, эртадан эса жиддий ҳаракатлар бошланиши зарур!”

Орадан уч йил ўтди. Эҳтимол, маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларига менинг унчалик тишим ўтмас, уларда юз берган қатор ўзгариш ва ислохотларни ўрнига қўйиб шарҳлай олмасман. Аммо шоир сифатида, адабиёт вакили сифатида шу ўтган давр мобайнида қалам аҳлининг “бош идораси” ҳисобланган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятида, ижодкор қаламкашлар ҳаётида реал -воқеликка айланган янгиликларни айта оламан. Айтишим ҳам керак...

Бошпанасизликнинг 84-йилида...

Ҳар қандай фарзанд, қизми-ўғилми, кўнглида секин жўшганда ёки бошига синов тушганда, омади кулганда ёки ўпкаси тўлганда, биринчи бўлиб бош урар ери ота-онасининг уйи — бемалол, беминнат ҳадди сиғадиган даргоҳига боради. Аммо борганинда ота-онанинг ўзи сиғинди ўтирган, ўзиники бўлмаган жойда омонат яшаётган бўлса, у ерга на қувончингни, на қайғунгни олиб бороласан. Мум тишлаб бориб, тош тишлаб қайтасан...

Биз ёшлар ақл таниб, йўл топиб Ёзувчилар уюшмасига қатнай бошлаганимизда, уюшма худди шундай ғариб ота-онадек чорасиз эди. Гарчи улуғ аллома устозлар очик юз билан кутиб олса-да, уларнинг бағри кенг, аммо имкони танг эди.

Ижарада яшаганлар билади — ҳар ойлик ҳақини вақтида тўлаб турсанг ҳам негадир ҳеч чехранг очилиб яшаб бўлмайди, нимадир юрагингни ғашлаб тураверади. Ёзувчилар уюшмасининг ҳам 84 йил ўз уйи бўлмади. Гарчанд Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Зулфия даврасидан бошланган авлод ва ундан кейинги ҳамма ижодкорлар тақдирига тенг шерик бўлиб келса ҳам, минглаб адабиётлар туғилишига доялик қилган бўлса ҳам ўзининг “тўрт синчли, икки деразали” уйи бўлмади.

Таъбир жоиз бўлса, бошпана — ўзбек тилидаги энг “қора”, “хашаки” сўзлардан бири, аммо залвори, моҳияти, ҳаёт учун зарурати жиҳатдан энг кадрли каломдир. Чумоли ини, капалак ғумбагидан тортиб, то миллиардерларнинг бир неча юз миллион долларлик қасрларигача мана шу одми сўз — бошпана деб аталади.

1934 йилда ташкил этилган уюшмамиз эса сарсонликнинг, бошпанасизликнинг 84-йилида ўз азиз, беминнат уйига, эркин нафас оладиган биносига эга бўлди. Бугун пойтахт марказидаги Миллий боғ бағрида қўр тўкиб турган оппоқ кошона худди фарзандларини дуо қилиб, чорлаб турган ота уйдек кадрдон бошпанага айланди.

Бу уй айвонига қалдирғочдек чуғурлаб кириб-чикиб юрган ёш ижодкорларга қараб туриб эса ушбу муборак манзил ҳали қанча-қанча юксак парвозларга елка тутаяди, деб қувонади киши.

Қарор — муқаррарлик белгиси...

Ўша учрашувдан кейинги муҳим қадамлардан яна бири — 2018 йил 5 апрелда Президентимизнинг “Ўзбекистон- Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланиши бўлди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, учрашувда тилга олинган муаммолар, ёзувчи-шоирлар фаолияти ва ҳаётига дахлдор кўплаб масалалар шу ҳужжатда ўз аксини топди.

26 банддан иборат ушбу ҳужжатда қалам аҳлининг барча орзу-армони: ёзувчи-шоирларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш, фахрий ижодкорларнинг ижтимоий ҳимоясини мунтазам йўлга қўйиш, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг адабиётдаги тақдирига қайғуриш, нодир асарларимизни дунё тилларига таржима қилиш, уюшманинг худудий бўлимлари иш самарадорлиги ва ҳаётий аҳамиятини ошириш каби бир-биридан муҳим масалалар муҳрланган эди. Шунинг учун ҳам бу қарор Ёзувчилар уюшмасининг келгусидаги иш фаолияти учун аниқ ва очик харита бўлди.

Бугун истаган киши ўша қарорни қўлга олиб, унда белгиланган вазифалар ижросини бандма-банд солиштирса, ўтган давр ичида чоратадбирларнинг аксарияти қоғоздан ҳаётга кўчганига гувоҳ бўлади.

Тошкентнинг қоқ марказида ижодкорлар учун қурилган кўп қаватли уйлар шодаси, Зомин тоғлари орасида йирик марвариддек яркираб турган дам олиш маскани, очиқ осмон остидаги адабиёт музейига айланган Адиблар хиёбони, ҳар бир вилоятга борганинда худди Огаҳий, Ибрат, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуфнинг ўзи бўлиб ҳузуринга пешвоз чиқиб келаётган ижод мактаблари, Тошкентнинг файзи ва кўркига айланган Қодирий мактаби...

Буларнинг ҳаммаси дастлаб ўша тарихий учрашувда Президент томонидан эзгу режалар сифатида айтиб ўтилди, кейин қатъий қарор сифатида ҳужжатга муҳрланди, бугун эса муқаррар рўй берган ҳаёт ҳақиқатига айланди.

Тарихий ва ҳамнафас афсоналар

Инсон психологияси шундай — ўз кўзи билан кўрмаган кишилар, воқеалар ҳақидаги гапларга осонгина ишонади, тез кўникади. Шундоқ ёнидаги такрорланмас ажойиботларга эса негадир бефарқ яшайди.

Бизнинг авлод учун Қодирий, Чўлпон, Бехбудий кабилар тугул Қаҳҳор, Шайхзода, Ойбек, Миртемир сингари яқин ўтмишда яшаб ўтган устозлар номи ҳам жуда олисда кўринади. Сабаби, биз уларни китобларда, суратларда, ҳайкаллар шаклида кўрганмиз, холос. Уларнинг ҳар бири, шубҳасиз, бизнинг онгимизга чинакам афсона бўлиб нақшланган. Шунинг учун ҳам ҳар гал уларнинг тошсиймоси қаршида турганда, мана шу ҳайкалларни кўришга руҳан тайёр бўламиз.

Бироқ Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф... Булар куни кеча ёнимизда юрган, давраларга файз бериб ўтирган, бизга таълим берган, шеър ўқиган тирик афсоналар эди... Кимдир тушунган, кимдир тушунмаган, кимдир қадрига етган, кимдир менсимаган афсоналар эди улар...

2001 йилда ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида биринчи ва охириги марта кўрганим Муҳаммад ака, бир хонада бироз ишлаб бир умрлик эсдалик олганим Ҳалима опа, уларга неварадек эркалик қилиб юрганим Эркин ака ва Абдулла ака, қаҳқаҳасию фалсафасини ўз оғзидан эшитиб ўрганганим Саид Аҳмад ва Озод домлалар ҳайкалга айланганига кўникишим қийин, албатта.

Аммо мен бунда бошқа бир ҳикмат кўраман.

Президентимиз халқимиз ва адабиётимиз тарихида муҳим ўрин тутган бу улуғ номлар билан боғлиқ хотиралар парча-парча, узуқ-юлуқ бўлиб туришини истамади. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоий ҳузурда адабиётимизнинг бошқа қутлуғ сиймолари ҳам яхлит давра ясадилар, муҳташам гулдастага айландилар. Мана энди янгидан барпо этилган Адиблар хиёбони келажак авлодлар учун очиқ турган “Адабиёт китоби” вазифасини ўтайди, бу майдон 6 гектарлик “Адабиёт хонаси” бўлади, десам муболаға эмас.

Бир-икки аср ўтиб, худди Навоий каби Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар ҳам хаёлга яқин, ҳаётдан олис сиймоларга айланади. Ана ўшанда мазкур хиёбоннинг қадри ҳозиргидан ўн карра, юз карра ортади. Бу бор гап. Чунки инсон психологияси шундай — биз қанча кам кўрсак, шунча кўп соғинамиз.

Ҳақиқат кўрсатилмайди, кўрилади

Федерико Гарсиа Лорканинг “Энг қайғули шодлик” (Шавкат Раҳмон таржимаси) китобини ўқиб тугатган пайтим кундалигимга қуйидагича ёзиб қўйгандим: “Мени хайратга солган нарса шеърлар эмас, уларда очиқ турган ҳақиқатдир!”

Чиндан ҳам, менга ҳақиқатни кўрсатинг, деб талаб қўйиш нодоннинг иши. Ҳақни, ҳақиқатни, ҳақиқийликни кўнгиш ва ақл кўзи очиқ одамларгина кўра олади. Нафақат кўради, унинг сабабини, моҳиятини, куч-қудратини англайди.

Мен бу сатрларда бугун ўзбек адабиёти, ўзбек адиблари кўриб турган айни ҳақиқатларни қайд этдим. Зеро, бу ҳақиқатларни кимгадир кўрсатиш учун эмас, кўрганларим ҳақиқат эканини эътироф этиш учун ёздим.

Зеро...

Катта ғилдирак вазмин айланади, аммо чуқур из қолдиради. Бир ижодкор сифатида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар боришини кузатар эканман, ўта босиқлик ва узоқни кўзлаб қилинаётган барча эзгу ҳаракатлар жаҳон тарих китобида ҳам, миллий адабиётимизда ҳам, энг муҳими, ҳалқимиз ҳаётида ҳам ўчмас ва нурли битиклар бўлиб қолишига ишонаман. Чунки ҳар бир давр ўз таржимаи ҳолини ҳаёт деб аталган буюк асарга қўшиб бораверади.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ ТОНГ ЮЛДУЗИ

**Николай ИЛЬИН,
филология фанлари номзоди**



Миллат тарихидаги улуғвор ўзгаришлар, янгиланишлар даври, халқ ҳаётига дахлдор буюк воқеа-ҳодисалар бирданига кўзга ташланади, жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб тан олинади ва у вақт ўтгани сайин авлодлар томонидан эътироф этиб борилаверади. Бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон тарихида бундай улкан ҳодисалар ниҳоятда кўп. Ўзбек халқининг жаҳон тараққиётига қўшган иккита Уйғониш даврини мисол қилиб олайлик. Ал-Хоразмий, Беруний даври, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий даври... Мана, ниҳоят бугун миллат тараққиётининг яна бир юксалиш даври — учинчи Ренессансга пойдевор қўйилди, деб баҳоланмоқда. Айниқса, юртимизда адабиётга кўрсатилаётган юксак эътиборга бутун дунё тан бермоқда. Буни Ўзбекистон Миллий боғида янги барпо этилган Адиблар хиёбони мисолида яққол кўришимиз мумкин. Хиёбонда мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намояндалари қаторида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга ҳам ҳайкал қўйилган. Мана шу муҳим воқеаниннг ўзи янги Ўзбекистонда улуғ адабиёт яратган сиймоларнинг муносиб кадрланганини исботлаб турибди.

Атоқли ўзбек шоири Абдулҳамид Чўлпон ижоди русийзабон ўқувчига кўп-да таниш эмас. Адабиётшуносликда номи кўп марталаб тилга олинса-да, асарлари ўзбек ўқувчилари ўртасида жуда машҳур бўлса-да, шоир ўз она тили муҳитидан ташқарида фақат исми билангина таниш бўлиб қолмоқда. Шоир асарлари таржимасининг сони, кўпинча сифати мазкур шоирнинг ўзбек шеъриятидаги аҳамияти ва унинг истеъдоди кўламига умуман мос келмайди.

XX асрнинг 30-йилларида “буржуа миллатчиси” дея хужум ва таъналарга учраб, “халқ душмани” дея эълон қилиниб, “аксилинқилобий фаолияти учун” отишга ҳукм қилинган Чўлпон номи узоқ вақтгача адабий ҳаётдан ўчириб юборилди, ҳатто 1956 йилда оқлангандан кейин ҳам унинг асарлари босилмади, ўрганилмади. Фақат орадан 30 йилча вақт ўтиб, жўшқин сиёсий ўзгаришлар даври — 90-йилларга келиб, у яна Ўзбекистон адабиёти тарихидаги ўзининг қонуний ўрнини эгаллади. Лекин бу тарихий пайтга келиб, давлатлараро чегараланиш жараёни натижасида таржимачилик алоқалари кучсизланиб, шоирнинг адабий мероси муносиб таржима эътиборидан четда қолди. Энди бу аҳволни тузатиш ва русийзабон ўқувчига Чўлпон лирикасини рус тилида янада тўлиқ ва кўламдор намоён этиш вақти келди.

Шоирнинг адабий мероси унинг бетакрор бадиий “мен”и нуқтаи назаридан ҳам, унинг XX аср боши — кескин ўзгаришлар замонидаги ўзбек адабиёти ривожига тутган алоҳида ролни англаш жиҳатидан ҳам муҳим ва қизиқарлидир. Бу ролни тушунтирмасдан мумтоз ўзбек адабиётидан (шартли

ва умумлашган ҳолда бу адабий даврни Алишер Навоийдан то Фурқат ва Муқимийгача ҳисоблаганда) шеърятнинг жанр тизими, унинг образ тузилиши, адабий ижоднинг эстетик ва ижтимоий моҳиятини англаш, ниҳоят, адабий тил ўзининг лексик таркиби билан сезиларли даражада ўзгарган янги, замонавий адабиётга ўтишнинг моҳияти ва суръати ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш қийин. Чўлпон ижодининг таъсирини ҳисобга олмаса, бу ўтиш ақлбовар қилмас кескинликдек таассурот қолдиради, ахир форс-тожик шеърӣ жанр тизимининг беш юз йиллик ҳукмронлигидан кейин Фурқат ва Муқимийнинг новаторлиги (бу кўпроқ маърифий характердаги шеърларнинг ёзилишига тегишли, лекин лирик шеърятнинг образлари ва услубий қурилишига чуқур ўзгаришлар киритилмаган) кўринади ва бирдан Ҳамза сиймоси пайдо бўлади, унинг ортидан Чўлпон, кейин янги даврнинг қатор шоирлари (Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир ва бошқалар) янги турдаги шеърлари билан кириб келади. Қайд этиш керакки, ушбу янги давр шоирлари у ёки бу маънода Чўлпоннинг издошлари эди.

Чўлпон лирикасини ўрганаётиб, миллий ҳаётнинг ҳам фалсафий, ҳам бадий жабҳаларидаги ички жараёнлар моҳиятини кўриш мумкин. Яъни янги давр ўзбек маданияти арбоблари жадиҳчилик фалсафаси, ғоялари ва эстетикасида янгича миллий турмуш ва тарих даври етиб келганини ифодалаган, XIX аср охири — XX аср бошлари адабиёти нафақат рус ва Европа адабиёти таъсирига, шунингдек, бошқа Шарқ мамлакатлари, масалан, Эрон ва Туркиядаги эстетик изланишларга мувофиқ ривожланган, янги давр ижодкорлари ҳам Ғарб, ҳам Шарқ илғор тенденцияларини бирлаштирган ҳолда бадий изланишлар олиб борган, янгиликлар яратган.

Чўлпон таржимаи ҳоли, унинг шоир сифатида шаклланиш тарихи XX аср бошидаги тарихий ва маданий ҳодисалар ўша давр адабий муҳитини шакллантирганини, кейин унинг ижодида ўзига хос тарзда қандай акс этганини тушуниш учун бой материал беради.

Шоир 1897 йилда Андижонда туғилган. У турли шаклдаги таълим турлари воситасида таҳсил кўрган: анъанавий таълим, яъни маҳалладаги бошланғич мактаб, кейин Андижон ва Тошкент мадрасаларида форс, араб ва турк тилларини ўрганади, ушбу миллий адабиёт вакилларининг шеърларини ёд олиш унинг ҳаётӣ одатига айланади. Кейин у Андижонда очилган рус-тузем мактабига ўқишга кириб, рус тилини ўрганади, рус адабиёти билан танишади, дунёвий илмлардан баҳраманд бўлади. Рус тили воситасида Европа адабиётига мурожаат қилади (кейинчалик у Пушкиннинг “Дубровский” ва “Борис Годунов”, Горькийнинг “Она”, “Егор Буличёв” асарларини, шунингдек, рус тили воситасида Шекспирнинг “Гамлет” фожиасини, К.Гоцци, К.Гольдони пьесаларини ўзбек тилига таржима қилади). Шу ўринда шоирнинг Россияда бўлганини қайд этиш керак: у Оренбургда бўлган, бирмунча вақт Москвада Туркистон-Россия теле-граф агентлигида ишлаган. Йигирманчи йиллардаёқ шоирнинг шеърларини рус тилига таржима қилишга уринишлар бўлган. 1924 йилда таниқли турколог олим А.Самойлович биринчи марта

унинг бир неча шеърини таржима қилиб, Москвада қисқа, ҳаяжонли мақола билан биргаликда чоп эттирган.

Шу тариқа ёш Чўлпон Шарқ ва Европа таълимининг кўп қирраларини ўзида жамлаган таҳсилдан баҳра олиб, ўз шеърини мушоҳадасида турли маданий таъсирларни жамлаш имконига эга бўлган. Мана шундай маданий калейдоскопни ҳисобга олиш нафақат шоир шахсияти ва ижодига бўлган кизиқиш, шунингдек, маданий қатламларнинг бундай уйғунлашуви ўша пайтдаги Туркистон таълим ва фалсафий турмушининг ўзига хос омили бўлганини тушуниш учун муҳимдир.

Шоир ижодининг балоғат даври ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. 1920 йилда ўзбек шеърятининг дастлабки тўпламларидан бири — “Ёш ўзбек шоирлари” чоп этилди, унга Чўлпоннинг ўн учта шеъри киритилган эди. Кейин унинг учта шеърлар тўплами — “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1924), “Тонг сирлари” (1926) нашр этилди-ю, дарҳол ўқувчилар ва танқидчилар диққатини жалб қилди. Уларнинг бари Чўлпон шеърятининг мутлақо янги шеърият эканини таъкидлади. “Чўлпон ўзбекларнинг янги шоиридир, — деб ёзади улардан бири (В.Маҳмуд), —унинг шеърларида ўзбек тили, ўзбек куйи бор овози билан жаранглайди”.

Тақризлардан бирида “ўзбек шеърятига янги тўн кийдирган” ёш истеъдод ҳақидаги ажойиб сўзлар бор. Бу ифодали таъриф Чўлпон ўзбек шеърятига амалга оширган бадиий трансформацияни жуда тўғри тавсифлаб беради.

Албатта, инқилобий даврнинг жўшқин ижтимоий ўзгаришлари муаллифларнинг адабий мушоҳадасига катта таъсир кўрсатган. Чўлпон халқ ҳаракатини миллий янгиланишнинг муқаддимаси, миллий турмушнинг янги босқичи сифатида қабул қилади, бу босқичда маърифат ва ижтимоий адолатнинг барқарорлиги мамлакатни фаровонлик сари етаклайди. Жадидлар учун миллийлик гўёки иккинчи даражада кўринган ижтимоий-синфий ёндашувгина бўлиб қолмаган, айнан миллий ўз-ўзини ифодалашнинг тўла намоён бўлиши муҳим ҳисобланган. Бош масала таълим ва фан-техника соҳасидаги қоқликка барҳам беришдан иборат эди.

Шу замоннинг ижтимоий бўҳронларини поэтик мушоҳада қилиш, эрка интилиш унинг қатор шеърларида (“Бузилган ўлкага”, “Гўзал Фарғона” ва бошқалар) ўз ифодасини топган. Бу шеърлар ўзининг эҳтиросли оҳанги, жўшқинлиги, публицистик руҳи билан 20-йиллар Чўлпон шеърятига бадиий асосни белгилаб берибгина қолмади, балки муайян маънода совет даври шоирларининг ижтимоий лирикаси учун тимсол вазифасини ўтади. Бу шеърлар халқ ҳаракатини идеаллаштириш ва келажакдаги ижобий ўзгаришларни кутиш руҳини ўзига сингдирган. “Кишан”, “исён”, “эрк” каби сўзлар ушбу асарлардаги ўзига хос сўз образларидир. Халқ ҳаракатини денгиздаги тўфонга ўхшатиш, кишанларни рамзий ечиш Чўлпон учун ҳам, кейинги даврдаги шоирлар ижоди учун ҳам характерли қиёслашдир.

Халқ денгиздир,

Халқ тўлқиндир,
Халқ кучдир,
Халқ исёндир,
Халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ кўзғалса, куч йўқдирким,
тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.
Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.
(“Халқ”)

Икки сатрли бандлар, жўшқин оҳанг, образларнинг содда ва ёрқинлиги матнга жонлилик бағишлаган. Бу қадар исёнкор руҳдаги шеърларда нафақат ижтимоий мазмун, балки миллий ўз-ўзини англаш, халқ руҳи ва инсон шахсининг кишан ва тушовлардан халос бўлиш зарурияти ҳақидаги доимий ўйлар яшашини таъкидлаш керак:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..
(“Кўнгил”)

30-йилларда шоир учун оғир синовлар даври бошланади. У қандли диабет касаллигига чалинади, асарларини чоп этмай кўядилар, “буржуа миллатчиси” дея таъқиб остига оладилар. Чўлпон айнан ижоддан таскин топади, гўё ижодни ўз умидларини оқламаган ижтимоий воқеликка қарши кўяди:

Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман.
Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,
Оловимни алар учун ёқаман.
Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,
Маним истак-тилагимни эркалат!
(“Хаёл, хаёл...”)

Чўлпон шеърий меросида ижтимоийликдан ташқари табиат ва ишқ мавзуси каттагина ўрин эгаллайди. Тадқиқотчилар шоирни мумтоз адабиёт вакиллари, аввало, Алишер Навоий анъаналарига эргашган, табиат ҳодисаларининг реал тасвирини инсон туйғулари ва муносабатлари билан ўзаро бирликда беришдек анъаналарни янги босқичда давом эттирган, дея қайд этадилар (“Қаландар ишқи” шеъри). “Барг” шеърида ҳам худди шундай

руҳ бор, унда баҳорги табиат ва кундалик турмушнинг реал тасвирлари мавжуд:

Олтинли кўнғизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўкларга учириб ўйнайлар.
Қулликни севмаган йўқсилни кучлашиб,
Нимага ўзининг эркига қўймайлар.

Шеър якунида жонли табиат гўзаллигини Шарқ шеърятининг мумтоз образлари — парилар, хурлар гўзаллиги билан ғайриодатий бир тарзда таққослайди:

Кўклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар.
Яна мен ўтларни қўйнимга қўймаймен.
Қўйнимга тўлсалар,
қўйнимдан тошсалар
Гулларнинг ҳидлари...
Мен сира тўймаймен.
Ўпмаймен шу чоғда фаришта – малакни,
Ўпамен бутоқда титраган бир барғни...

Чўлпон бадий услубининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан икки дунё — ҳақиқий ва шартли-шеърый оламнинг мана шундай уйғунлигига асосланади, бундай боғлиқликда реал, ҳақиқий оламга нисбатан романтик бўёқлар ва нозик поэтизм -чизгилари кўринади. Бунда шеърый новаторлик бор, аммо у мумтоз меросни бузмайди, балки уни олға силжитади, янги эстетик воқелик шароитида ривожлантиради, аммо эклектикага туширмайди (яъни бир тузилма ичида ўтмиш ва замонавийликнинг турли, бир-бирига кўп-да мос келмайдиган бадий қирраларини бирлаштирмайди).

Анъанавий лирик вазиятларнинг мазмуни ҳам ўзгаради. Лирик қаҳрамоннинг ўзи (“Суйган чоқларда”) анъанавий гўзал (“Гўзалларнинг маликаси экансан, Буни сенинг кўзларингдан ўқидим...”) сифатида шеърга кириб келади, бунда анъанавий тарзда унинг гўзаллиги куйланади, кейин у мумтоз образ қобиғидан чиқиб, тамом бошқа қиёсларга эга бўлади. Қаҳрамон шеърый муқобиллардан ҳатто унсурий жиҳатдан ҳам ажралиб кетади, чунки рамзий шаклдан тирик инсонга айланади, унинг ўзи лирик қаҳрамон шеърларининг ўқувчиси бўлиб чиқади:

Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган
Парилари, хурларини кўрдингми?
Аламимдан гуллар эккан йўллардан
Коинотга ҳаёт сочиб юрдингми?
 (“Суйган чоқларда”)

Паридан фақат ташқи кўринишнинг ўхшашлиги қолади, холос, аммо ҳаётий севгининг чинлиги тасдиқ топади. Гуллар қўшиғи, булбуллар ноласи, асл гўзаллик олдида ўзининг номукамаллиги учун уят ҳисси каби анъанавий унсурлар — буларнинг бари шеърий идеаллашув сифатида қолаверади. Лекин буларнинг ортидан ҳақиқий инсоний ҳиссиётлар ва муносабатлар кўриниш беради. Лирик персонаж ҳаёлий ҳиссиётлар ва китобий эҳтирослар билан эмас, ҳақиқий туйғулар билан севади. Севикли ёр унга нафақат ғазаллар персонажларига ўхшайдиган илҳомбахш объект, балки ҳаётий реалликдир.

Чўлпон мумтоз меросни янги шаклга ўтказмайди, уни инкор қилмайди, бир чеккага йиғиштириб қўймайди, ундан романтиклаштириш ва юксак услуб унсури сифатида фойдаланади. Бу инқилоб эмас, балки ривожланиш, инкор эмас, балки ўтиш, эклектика эмас, балки янгича уйғунлашувдир. Мумтоз шеъриятнинг шартли образлари (изтироб чекувчи ва чин ишқни изловчи лирик қахрамон, ҳурлар ва парилар) ва вазиятлар — идеалга етиб бўлмаслик, илтифот, алдовчи яқинлик, гўзалнинг “раҳмсиз”лиги ва шу кабилар мумтоз шеъриятда инсон маънавий ҳаёти муаммоларининг рамзий ифодаси, инсоннинг моҳиятни излаши сифатида тақдим этиларди, энди эса улар кўтаринки, юксак қиёслаш ҳамда реал ҳаётий вазиятнинг мажозий ҳошияси бўлиб қолади.

Чўлпон истеъдодининг энг аҳамиятли сифатлари унинг мумтоз меросни бадиий жихатдан қайта идрок этишдан ташқари шеърларининг ҳайратомуз оҳангдорлиги, шеърий сатрларнинг кўламдорлиги ва танланган сўзларнинг гўзаллигидир. Бу шоирга анъанавий образлардан фойдаланишда ва мумтоз ўхшатишларни қутилмаганда оригинал ва янгича тарзда қўллашга имкон беради. Масалан, Чўлпоннинг энг машхур “Гўзал” шеърида матндаги жумлаларнинг ўта таъсирли тузилиши, оҳангдаги жарангдорлик, сатрлар қофиясидан ташқари, яна ички қофиядан моҳирона фойдаланишни кўрамыз.

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: Қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..

Бу каби шеърларнинг фазилати уларнинг янгича мазмун-моҳиятигина эмас, балки индивидуал-услубий ифодада, шеърий жумланинг нозик гўзаллигида, оҳангнинг лўнда ва жарангдорлигида, товушларнинг ажиб уйғунлашувида кўринади.

Чўлпон лирикасининг ўзига хослиги ва ҳайратомуз ноанъанавийлиги, ундаги ҳиссий бурилишларнинг қутилмаганда келиши, ҳиссий кўтаринкилик, жўшқинлик, лирик сюжетларнинг мумтоз шеърий меросни қайта идрок этиш билан уйғунликда қурилиши шоирни ўзбек адабиётининг машхур сиймоларидан бири даражасига кўтаради. Шоир XX аср ва янги юз йиллик

адабиётидаги кўплаб шеърӣ анъаналар ва оқимлар ўтмишдоши бўлиб, у ўзи танлаган тахаллус — Чўлпон, яъни тонг юлдузи деган номни тўла оқлади. У ҳақиқатан ҳам ўзбек адабиётининг тонг юлдузи бўлиб қолди.

Адиблар хиёбонида ҳайкали ўрнатилган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси масъул этиб белгиланган. Ўзбек тили ва адабиётини ўз бетакрор асарлари билан бойитган, миллат эрки ва юрт озодлиги ғояларини ўз ҳаёти билан ҳимоя қилган Чўлпонни ўрганиш ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқатли ватанпарвар шахс этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

**Рус тилидан
Рисолат ҲАЙДАРОВА таржимаси.**

ТИЗИМДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН КОНЦЕПЦИЯ

**Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли,
санъатшунослик фанлари номзоди,
киношунос**



Ҳар бир давлатнинг жаҳонда тутган ўрни унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий салоҳияти билан баҳоланади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг халқаро миқёсда эътироф этилиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Албатта, кўп мамлакатлар ҳавас қилишига арзийдиган бой маданий тарихга эгамиз. Юртимизда санъатнинг турли йўналишларида юқори савияда ўтказилаётган халқаро фестиваллар, анжуманлар миллий санъатимизнинг жаҳон миқёсида муносиб ўрин топиб бораётганидан далолатдир.

Шунингдек, санъатнинг барча турларига катта эътибор берилаётгани кувонарли. Бу ўринда биргина кинематографиянинг ривожланиш жараёнини кузатиш kifоядир. Сўнгги йилларда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ва республикада кинематографияни ривожлантиришга оид бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ўзбек кино саноатининг мустақкам қайта қурилишида муҳим омил бўлди.

“Мультипликацион фильмлар студияси” давлат унитар корхонаси (ДУК) ташкил этилиши, “Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси” МЧЖ “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” давлат унитар корхонасига айлантирилиши ҳамда “Ёшлар ижодий тажриба студияси” давлат унитар корхонасининг қайта ташкил этилгани соҳа ривожда ижобий ўзгаришлар бўлишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасининг низоми ва устави тасдиқланди. “Ўзбеккино” МА тизимида “Республика-кино-прокат маркази” давлат унитар корхонаси, Республика кино фонди ташкил этилди.

2018-2019 йилларда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилди. Жумладан, агентликда Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Япония, Туркия, Хитой, Россия, Польша, Чехия, Исроил, Словакиянинг Ўзбекистондаги элчилари ҳамда Европа Иттифоқи вакили билан учрашувлар, бир қанча мамлакатларда “Ўзбек киноси кунлари” ўтказилди.

2018-2019 йилларда Францияда ўтказилган нуфузли Канн халқаро кинофестивалида Ўзбекистон павильони ташкил этилди ва илк маротаба 20 дан ортиқ ўзбек фильми билан қатнашди, халқаро кино бозорида, бир қатор халқаро кинофестивалларда бир неча миллий фильмлар билан иштирок этилди.

Киношунослар томонидан ўзбек киносининг “янги даври” деб баҳоланган 2018 йилдаги фильмлар рўйхатини бадий-публицистик жанрда суратга олинган “Исломхўжа” бошлаб берди. Фильмда XX аср бошларида Хива хонлиги бош вазири, буюк ислохотчи Исломхўжа Иброҳимхўжа ўғлининг бун-ёдкорлик ишлари ва унинг фожиаси ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур фильм ҳақида турли муносабатлар, фикрлар бўлишига қарамай, у бу жанрда юқори савияда суратга олинган илк фильм сифатида тарихга кирди.

Орадан кўп вақт ўтмай “Ҳаёт” номли ўткир сюжетли ҳарбий-ватанпарварлик жанридаги фильм киномухлислар эътиборига ҳавола этилди. Режиссёр Ҳ.Насимов фильмларининг асосий йўналишига айланиб улгурган терроризм ва диний экстремизм мавзуси бу картинада конкрет воқеалар билан асосланган. Фильм воқеалари 2002 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида юзага келган таҳликали вазият ва ҳарбийларимизнинг кўрсатган жасорати билан боғлиқ.

Буюк ёзувчи Ч.Айтматовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган “Сарвқомат дилбарим” фильми қирғизистонлик киноижодкорлар билан биргаликда яратилиб, сўнгги йиллардаги илк ҳамкорлик картинаси сифатида эътироф этилди. Ёш режиссёр С.Каримов ёзувчининг машҳур қиссасини янгича талқин қилишга, замонавийлаштиришга интиланган.

“Иссиқ нон” фильми ўзининг тарбиявий-ахлоқий мавзуси билан ажралиб туради. Унда ота-онаси ажрашгач, на отасига, на онасига керак бўлмай қолган ўсмир қизнинг бувисиникига — қишлоққа келиши ва дунёқарашининг аста-секин ўзгара бориши ҳақида ҳикоя қилинади. Фильм Россияда ўтказилган халқаро кинофестивалнинг бош совринига лойиқ кўрилди.

“Берлин-Оққўрғон” фильмининг яратилиши ҳам ўзбек киноси ҳаётида катта воқеа бўлди. Таниқли режиссёр З.Мусоқов ўзининг 30 йиллик ижодий фаолияти давомида 20 дан ортиқ фильм суратга олиб, миллий киномизнинг энг сермахсул режиссёрига айланган. Шу маънода ҳам “Берлин-Оққўрғон” тақдим этилган фильмлар орасидаги энг салоҳиятли деб топилди. Фильмда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ўзига хос сиёсий ўйинлар фонида икки оилада – ўзбек ва яҳудий хонадонларида кечаётган воқеалар суратга олинган.

“Тинчлик ортида” номли яна бир ўткир сюжетли ҳарбий-ватанпарварлик жанридаги фильм ҳам томошабинлар томонидан илиқ қарши олинди. Тоғли қишлоқларнинг бирида содир бўлган воқеалардан сўзловчи “Парвоз” фильми эса бой йигит Нурбой, чўпоннинг қизи Гулойим, шаҳарлик Умид ўртасидаги севги учлигидан ҳикоя қилади.

“Одамлар орасида” фильми айни бугунги кундаги долзарб масалалардан бўлган мамлакатимиз ҳаётида маҳалланинг ўрни ва мавқеи, унинг фаолияти, маҳалла оқсоқолининг вазифаларини очиб беради.

Шунингдек, “Элпарвар” “Саид ва Саида” каби фильмлар ёшларда ватанпарварлик, садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

2020 йил ўзбек кинематографистлари учун масъулиятли бўлди. Хусусан, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида барча телеканалларда кенг намойиш

этилган “Илҳақ” фильми ўзбек киносини янги, юқори савия ва босқичга олиб чиқди. Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган матонатли, мард ўзбек аёли тимсолини тараннум этган бу фильм мутахассис ва томошабинлар томонидан юқори баҳоланди.

Жорий йилнинг июнь ойида “Ўзбеккино” томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мамлакатда кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг замонавий ва самарали усулларини жорий этиш, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий-техник база ва инфратузилмани яратиш, хусусий кино секторини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш, миллий кинопрокат тизимини жорий этиш, хорижий кинокомпания ва киностудияларни мамлакатга жалб қилиш, уларга инвестициялар киритиш учун шаффоф ва қулай шарт-шароитлар ҳамда кино соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизимларини жорий этиш, кинематография соҳасининг санъат ва саноат уйғунлигида ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Концепция беш боб, эллик беш бетдан иборат катта ҳужжат бўлиб, кинонинг барча соҳа ва йўналишларини қамраб олган. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали мамлакатда кинематография соҳасини 2025 йилгача ривожлантиришда қатор натижаларга эришиш назарда тутилмоқда. Жумладан, давлат буюртмаси асосида ҳар йили 30 та бадий фильм, 30 та ҳужжатли, хроникал, илмий-оммабоп ва бадий-публицистик фильм, 1000 та сериядан иборат миллий сериаллар, 50 та мультипликацион фильм, ёш кино мутахассислари томонидан суратга олинадиган 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлар, ҳар ҳафталик болалар ҳажвий киножурналлари, маҳаллий нодавлат киностудия ва кинокомпаниялар томонидан ҳар йили 40-50 тадан фильм ишлаб чиқарилишига эришилади.

Конкурс асосида ўтказиладиган бадий фильмлар халқаро фестивалида 3 та, ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар халқаро фестивалида 3 та соврин ажратилади. Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильмларни маҳаллий давлат ва нодавлат киностудиялар ўртасида тақсимлашнинг шаффоф ва очиқ механизмлари жорий этилади.

2025 йилга қадар 5 тагача миллий мультқаҳрамон образлари яратилиб, улар республикада ва қўшни мамлакатларда оммалаштирилади.

Нодавлат киностудияларга кино маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун имтиёзли кредитлар, ссудалар ва бошқа турдаги қайтариладиган молиявий маблағлар ажратиш орқали ишлаб чиқариладиган фильмлар сифати ҳамда сонини орттириш кўзда тутилган. Кино мутахассислари ва ижодкорларининг гонорарлари, ойлик маошлари ва пенсияларини ҳозирги жаҳон киноиндустрияси талаблари ва даражалари асосида қайтадан белгилаш орқали янги тизимнинг амалга татбиқ этилиши соҳа вакиллари рағбат бериши, иш сифати ва унумдорлигини ошириши аниқ.

Кино мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузурида

ихтисослаштирилган давлат институти ва академиясининг ташкил этилиши натижасида ўзбек киносининг бўлажак салоҳиятли кадрлари тарбия топиши тизимдаги энг катта ютуқлардан бўлади, дейиш мумкин.

Концепцияда, шунингдек, 2020 йилда “Ўзбекфильм” киностудиясини реконструкция қилиш ҳамда кино маҳсулотлари ишлаб чиқариш қурилмалари ва техникалари билан жиҳозлаш ишларини якунлаш, уни Марказий Осиёдаги энг йирик ишлаб чиқариш базасига айлантириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, концепциядан яна қатор муаммоларга ечим бўлувчи чора-тадбирлар ҳам ўрин олган, ўзбек киноси истиқболини таъминлаш учун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида кинематография соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида кинони ривожлантиришга асос бўладиган барча йўналиш ва соҳалар кенг қамраб олинган, галдаги мақсад ва вазифа эса белгиланган режаларни тўлақонли амалга оширишдан иборат.

ҲИДОЯТГА БОШЛОВЧИ ЯНГИ ИЛМУ УРФОН МАРКАЗИ

**Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий**



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳ таолога беадад ҳамду саноларимиз,
Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга беҳисоб салавоту саломларимиз бўлсин.

Тараққиётимизнинг янги даврида барча соҳалар қатори ислом динининг инсонпарварлик таълимотини пухта ўрганиш, улуғ алломаларнинг илмий асарларини чуқур тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буюк мутафаккир аждодларимизнинг ижод маҳсулини бутун дунёга кенг тараннум этиш ва илмий асарларидан унумли фойдаланиш борасида узоқни кўзлаб, тизимли ишлар амалга оширилаётгани нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам ҳайратга солмоқда.

Имом Бухорий ва Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби, ҳадис, калом, тасаввуф, ақида, фикҳ илмий мактаблари фаолияти ва уларнинг эришаётган ютуқлари фикримизни тасдиқлайди.

Куни кеча мана шундай тарихий ишларнинг узвий давоми сифатида Президентимизнинг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилиниши маърифатга ошно халқимизни, айниқса, ўзини илм йўлига бахшида этган зиё аҳлларини жуда ҳам мамнун этди.

Бундай илму урфон даргоҳларини ташкил этишдан бош мақсад Имом Мотуридий, Имом Насафий каби мутакаллим аждодларимиз меросини илмий ўрганишни янада фаоллаштириш, муборак динимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларни диний-миллий кадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Мовароуннаҳр заминидан етишиб чиққан Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Макҳул Насафий, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий, Абу Баракот Аҳмад ибн Аҳмад Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар Варроқ Термизий ва Абулқосим Исҳоқ ибн Муҳаммад Ҳаким Самарқандий каби алломалар калом илми мактаби равнақида улкан ҳисса қўшганлар. Янги ташкил этилган ушбу маърифат ва зиё маскани ҳам шу каби буюк сиймолар илмий меросини чуқур тадқиқ қилиш, умуман, калом илми ривожини йўлида беқиёс хизмат қилади.

Ушбу тарихий қарорда белгиланган асосий вазифалар калом илми шаклланишига бемисл ҳисса қўшган Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк ватандошларимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш,

ақида ва калом илми мактаби анъаналарини қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишда изланишлар олиб бораётган илмий ходимларга муносиб шарт-шароитлар яратиш кабиларни ўз ичига олади.

Шунингдек, мутакаллим алломанинг ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, аллома асарларидаги инсонпарварлик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги маълумотлардан фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига ҳам асосий фаолият тури сифатида алоҳида урғу берилган. Хусусан, аллома асарларини нашр этиш, уларда қайд этилган таълимотларни содда тилда ёшларга ўргатиш, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, махсус сайт ишга тушириб, аллома илмий мероси ва мотуридия таълимоти ҳақида маълумот бериб бориш кабилар ҳам мақсадлар бобида ўз ифодасини топган.

Жорий йил 3 март куни Самарқанд шаҳрида Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусидаги халқаро конференцияда Имом Мотуридийнинг муборак динимиз мусаффолигини ҳимоя қилиш йўлидаги кураши, мусулмоннинг одоб-ахлоқ қоидалари, жумладан, мўътадиллик, кечиримлилик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро тушуниб яшашга интилишдек олижаноб фазилатларни асраб-авайлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш билан шуғулланадиган алоҳида марказ таъсис этиш ҳақида сўз юритилган эди. Аллоҳга шукрки, ташкил этилган мазкур халқаро марказ ана шундай орзу-интилишларнинг амалдаги рўёби бўлди.

Ислом тарихидан маълум, ўтмишда турли адашган оқим ва фирқалар пайдо бўлдики, булар ислом бирлигига жиддий зарар келтирди, турли фитна ва бўлинишларга сабаб бўлди. Аллоҳ таолонинг иродаси ила ана шундай оғир бир пайтда соф ислом ақидасини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиладиган уламолар етишиб чиқди.

Мана шундай мутафаккирларнинг энг ёрқин намояндалари Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий эди. Бу икки имом ислом оламининг икки тарафида — Ашъарий басралик, Мотуридий самарқандлик бўлса ҳам ва бир-бирлари билан кўришмаган бўлсалар ҳам бир хил ишни бир хил вақтда, бир хил тарзда адо этганлари ҳамда икковларининг бирданига аҳли сунна вал жамоанинг имоми деб эътироф қилиниши бу йўналишнинг ақидаси доимо барча юртларда маълум ва машҳур эканига ёрқин далилдир.

Таъкидлаш жоизки, IX асрда Мовароуннаҳр ва ислом дини тарқалган ҳудудларда хорижийлар, муътазилийлар, жаҳмийлар, карромийлар, муржийлар каби бир қатор адашган оқимлар ўз таълимотини сингдиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда Абу Мансур Мотуридий уларга қарши Қуръони карим ва Ҳадиси шариф асосида аҳли сунна вал жамоа таълимоти ҳақ эканини ақл ва нақл асосида исботлашга бор куч-ғайратини сарфлаган.

Имом Мотуридий ривожлантирган калом илми ақоид илмининг энг машҳур номларидан. Ақоид илмининг асосий ғояси инсонларнинг динга бўлган ишончини, имон-эътиқодларини мустаҳкамлаш ҳамда улар тўғрисидаги барча шак-шубҳалардан муҳофаза қилиш, бошқа шаръий илмлар

каби бандаларни икки дунё саодатига мушарраф қилишдир. Шу сабабли соф исломий ақида, кишининг бу дунёда соғлом инсон табиатига хос ҳаёт кечириб, охиратда ҳам саодатманд бўлишига сабаб бўладиган асосий омил саналади. Бу хусусда улуғ мутасаввуф олим Сўфи Оллоёр:

Диёнат беҳидур (илдизидур) илми ақоид

Томурсиз шоҳа сув бермак на фоид,

дея ақоид илми динимизнинг асосий илдизи экани, бу илдиз асосида бажарилмаган амаллар бандага ҳеч қандай наф келтирмаслигини баён қилганлар.

Ислом ақидаси мусулмон инсонни муайян бир нарсалар билан маҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар мажмуасидир. Аслида бирор нарсага -эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада яхши билиш ўта муҳимдир.

Демакки, мотуридия таълимотини ўрганиш ва аллома ёзган асарларни таржима қилиш, уларнинг шарҳларини кенг ёйиш бугунги даврда юзага келган ва ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган турли мафкуравий хуружларга қарши кучли маънавий иммунитет бўлиб хизмат қилади.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши соф ислом таълимотини ўрганиш ва унинг асосларини халқчил тарзда кенг жамоатчиликка етказиш йўлидаги энг оқилона ташаббусдир. Ушбу халқаро марказ фаолияти йўлга қўйилиши муборак динимизнинг асл моҳиятини, илмий-маънавий асосларини, юртимиздан етишиб чиққан буюк мутакаллим алломалар ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, соф ислом эътиқодини кенг ёритиш ва ташвиқ қилиш ишларини янги босқичга кўтаради.

Аллоҳ таборака ва таоло ҳидоятга бошловчи ушбу янги илму урфон марказини халқимизга муборак айласин, иш фаолиятини муваффақиятли қилсин ва илмий-ижодий баркамоллик ато этсин.

ЕР, СУВ ВА ҚУЁШ

Сафар ОСТОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Ўзбекистонимиздан эса Яратган ўз марҳаматини аямаган, сахий еримиз, катта-кичик дарёларимиз бор, доим порлаб турувчи қуёшимиз бор. Бу уч неъмат, уч қудратли имконият, кўпларнинг ҳавасини келтиради. Одамларнинг ҳаёти, турмуши, бойлиги, давлатларнинг иқтисодий қуввати ҳам кўп жиҳатдан ана шу уч неъматга боғлиқ, десак хато бўлмайди. Аммо Яратганнинг ўзи берган бу имкониятлардан қандай фойдаланяпмиз? Бу савол — бош савол, катта савол, оғриқли савол...

Ер

Мақтанаман десак, асосларимиз етарли. Қадим-қадимдан, неча асрлардан буён деҳқончилик қиламиз. Деҳқончилик маданиятимиз эртақларда, дostonларда битилган, ҳикматли сўзлар айтилган. Кейин-кейин пахта етиштириш асосий вазифамиз бўлиб қолган. Бўш ер борки, пахта экиш буюрилган, “Пахта — миллий бойлигимиз!” деган шиорлар пайдо бўлган. Пахта нега миллий бойлик, нимаси миллий бойлик, ўйлаб ўтирилмаган.

Пахтанинг ўзи оқ, меҳнати қора, дейилган. Ана шу қора меҳнатни туну кун, йил-ўн икки ой қилган халқимизнинг косаси оқармаган, бири икки бўлмаган, инсон бўлиб инсондай яшамаган. Қайтага, пахта сиёсати кетидан қанча азоб-уқубатларни, қатағонларни бошдан кечирган. Собиқ иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун беаёв ишлатилган халқимизнинг ҳам, еримизнинг ҳам тинка-мадори қуриган. Ҳеч ким бизга ачинмаган, еримизга ачинмаган. Чунки қарам эдик, бошқаларга бўйин эгиб яшардик.

Мустақилликка эришилгач, биламиз, пахта яккаҳокимлигидан воз кечишга киришилди. Ерга муносабат ўзгарди, қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилинди. Ўзбекистоннинг ўзи ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, дон-нон билан таъминлай бошлади. Мустақил бўлсанг-у, ўз нонинг бўлмаса, бировнинг қўлига қараб қоласан, иқтисодий қарам бўласан. Бу хавф-хатарлар ҳисобга олиниб, кўп ишлар амалга оширилди.

Бироқ бу жараёнда хатолар оз бўлмади, баҳсли, мунозарали қарорлар ҳам қабул қилинди. Бунинг устига, қаерга нима экишни, олган ҳосилни кимга сотишни ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрмадик. Миллион-миллион сўм фойда кўриш мумкин бўлган ерлардан арзимаган даромад олиб юравердик. Баъзан эса эрта баҳордан кеч кузгача меҳнат қилиб, етиштирилган ҳосилни қаерга, кимга сотишни билмай чиритиб юбордик.

Фарғоналик деҳқонлар тадбиркорлиги ҳақида кўп гапирилди-ю, уларнинг тажрибасини кенг ёйиш бўйича ўз вақтида жиддий ишлар

килинмади. Ҳали-хануз томорқасидан фойдаланишни билмайдиганлар оз эмас.

Ёнма-ён икки қишлоқда, ҳатто икки қўшни томорқасида икки хил аҳволни кўп кўрганмиз. Аслида томорқаси бор одам камбағал бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳайҳотдек томорқаси бўла туриб, рўзгорини тебратолмай юрганлар бор. Бугунги синовли кунларда ижтимоий ёрдамга эҳтиёжмандлар кўпайиб қолди.

Яқинда узоқ туманларнинг бир қишлоғидан аёл киши кўнғироқ қилиб, маҳалла ёрдам бермаётганидан нолиди. Оилавий аҳволини сўрасам, эри, уч нафар вояга етмаган фарзанди бор экан. Ҳаммасининг етти мучаси соғ, фақат эри вақтинча ишсизлигини айтди. Беихтиёр томорқаси билан қизикдим: 12 сотих экан. Нима экилганини сўрасам, беда, деди. Ўйланиб қоласан, киши: ер, сув бор, қуёш бор, бироқ камбағал яшайди. Нега? Уқув йўқ, иштиёқ йўқ.

Астойдил интилган, қизикқан киши томорқасидан унумли фойдалана олади. Бир танишимнинг 5 сотих ерида помидор етиштирадиган иссиқхонаси бор. Оиласи билан ишлайди. Бир йилда 30-35 миллион сўм фойда олади. Яна денг, ҳовлисида мол-ҳоли, паррандалари бор. Ўз рўзгорини ўзи тебратади, боқиманда эмас. Тўғри, давлат ногиронларни, боқувчисини йўқотган оилаларни, ёлғиз кексаларни ўз ҳимоясига олади, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Аммо каттагина томорқаси бор, тани-жони соғ одамлар ўзи меҳнат қилмай, бировларнинг қўлига қараса, тўғри бўладими?

Қишлоқ хўжалигида кўп депсинишлар бўлди, ерга хўжасизларча муносабат давом этди. Буларнинг оқибатини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Агар қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиб, ишимизни дунёнинг илғор тажрибалари асосида ташкил эта олганимизда, мутасаддилар ерга хиёнат қилмаганда, ер билан боғлиқ коррупция авж олмаганида, бугун иқтисодиётимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам бошқача бўларди. Ҳозиргидан бир неча баробар юқори бўларди.

Бу аччиқ ҳақиқатлар бизга ҳар қандай ишни чуқур ўйлаб, ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб, бошқалар тажрибасини ўрганиб, сўнг бошлашдан сабоқ бермоқда. Буйруқ бериш осон, бир буйруқ билан қайси бир ишни бошқа ўзанга буриб юбориш ҳам қийин эмас. Аммо етарли илмий асосга эга бўлмаган буйруқлар оқибатини бартараф қилиш жуда мураккаб бўлишини ҳам кўрдик.

Бугун коронавирус пандемияси оқибатида дунё иқтисодиёти беҳисоб зиён кўрмоқда, озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммога айланиб бормоқда, бу масала ривожланган давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Юзага келган синовлардан ҳар ким мавжуд имконияти ва танлаган йўлига яраша чиқади, албатта. Аммо озиқ-овқат масаласи ерга, қишлоқ хўжалигига боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бу соҳадаги имкониятларимиздан самарали фойдаланишга қаратилган стратегия ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш йўлидан борилмоқда.

Яқинда, аниқроғи, 6 август куни давлатимиз раҳбари Жаҳон банки иштирокидаги “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини

амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилишида бундай деди: “Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга хизмат қилиши керак. Пировард маррамиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилади”.

Бу фикрлар замирида қишлоқ хўжалигидаги бугунги сиёсат, бугунги вазибалар ифодаланган.

Дарҳақиқат, илмий асосларга суянсак, хато қилмаймиз, ҳосилимиз мўл ва сифатли бўлади, экспортбоп бўлади, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади. Фермерми, деҳқон хўжалиги ёки томорқа эгасими, манфаат кўради. Бироқ буни ҳамма англаши ва бунга амал қилиши учун кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини, жойларда мутахассисларнинг амалий ёрдамини кучайтириш керак.

Ҳудудлар тупроғи, иқлим шароитига қараб муайян соҳаларга ихтисослаштирилмоқда. Қаердадир боғдорчилик, қаердадир полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича илмий ёндашувга киришилди. Шу пайтгача юқоридан берилган, бирор-бир илмий асосга таянмаган буйруқлар билан экин экиб келинди. Оқибати маълум...

Бугун, ниҳоят, ерга билим, ақл билан ёндашув бошланди. Қаерга нима экиш илмий хулосалар асосида йўлга қўйилмоқда. Бироқ бу жараён қандай кетиши, асосан, туманлар ҳокимлари қобилиятига, ташаббускорлиги ва фидойилигига боғлиқ.

Қаерда тўғри йўл танлай олинса, мутахассислар ва фаоллар бошини бириктириб, одамлар кайфиятини кўтаришга эришилса, янги ислоҳотларга улар ишонтира олинса, ўша жойда ривожланиш бўлади. Маҳаллий кенгашлар депутатларидан эса бу жараёнда ўз ўрнини билиши ва ўз сўзини айтиши талаб этилади. Аввало, бу ислоҳотлар аҳамиятини тушунтириш, иккинчидан, жойларда қишлоқ хўжалиги тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар билан чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ернинг эгаси кўп бўлса, талон-тарожлик, коррупция томир отишини кўрдик. Кўравериб-кўравериб, энди бир қарорга келдик. Ернинг эгаси қонун бўлиши керак. Ернинг тақдири қонун ҳимоясида бўлиши керак. Бу хулоса ер билан боғлиқ қонунларни ҳар томонлама такомиллаштириб боришни талаб этади, албатта.

Сув

Яқинда бир манбада ўқидим, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик суғориладиган майдонга эга мамлакат экан, 4,3 миллион гектар ерда деҳқончилик қиларканмиз.

Халқаро экспертлар фикрича, Ўзбекистон сув танқислиги хавфи бор 25 давлатдан биридир. Бу ҳолат бизни безовта қилиши, чуқур ўйлаб, сув захираларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришни талаб этади.

Тўғри, тоғларимиз, катта-кичик дарёларимиз, кўлларимиз бор. Аммо сувимиз ошиб-тошиб ётгани йўқ.

Ҳар йили қиш ҳар хил келади, баҳор ҳам. Тоғларимизга қор кўп ёғса, хурсанд бўламиз, сув сероб бўлади, худо хоҳласа, деб қувонамиз. Қор кам бўлса, бизни сув ташвиши босади. Шундай бўлса-да, сувни кўп исроф қилишга кўникиб қолганмиз. Қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар давомида сувга ибтидоий муносабатда бўлиб келинди. Кейин “сувнинг ҳар томчиси зар”, дея жамоатчиликка тушунтиришга ҳаракат қилдик. Афсуски, бу “зар” ариқлардан тошиб, кўчаларни босиб ётди, ғўза пайкаллари кўл бўлиб қолган пайтлар бўлди...

Бедазор ва шолиторларда сув ҳаддан ташқари кўп исроф қилинди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг чўл ҳудудларида лотоклар синиб, сув кечаю кундуз беҳуда оқиб ётган ҳолатларни кўрганмиз.

“Сувчи — заргар”, дедик, бу “заргар”ларнинг ҳаммаси ҳам сувнинг қадрига етмади, сувга бирининг юраги ачиса, бошқаси бепарво бўлди. Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишнинг аниқ механизми, стратегияси яратилмаганлиги сабабли сувни тежаш ҳақида айтилган гап-сўзлар ҳам оқар сувдек оқди-кетди, фойдаси деярли бўлмади.

Мамлакатимизда сув қанчалик исроф қилинаётганини қуйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турибди: Ўзбекистонда 1 гектар майдондаги экинлар учун 10,7 минг куб метр сув сарф қилинмоқда. Ривожланган мамлакатлар билан қиёсланганда 3,5-4 марта кўп. Энди 4,3 миллион гектар ерни суғориш учун қанча сув ортиқча сарфланишини ҳисоблаб кўрайлик. Дахшатли даражадаги баҳайбат рақам пайдо бўлади.

Сувни исроф қилишнинг турган-битгани, аввало, гуноҳ, иккинчидан, катта иқтисодий зиёндр. Ахир сув тоғлардан, дарёлардан сув омборларига, далаларимизга, томорқаларимизга ўзидан-ўзи чопқиллаб оқиб келмайди-ку. Насос станциялари, электр қуввати, ирригация тизимлари, ишчи кучи... Миллиард-миллиард сўм маблағ сарфланиб етказиб келинган сувни исроф қилишни, қадрламасликни қандай баҳолаш мумкин? Ношукрчиликми, боқибеғамликми, сувга нисбатан шафқатсизликми, маданиятсизликми?.. Йўқ, ўзимизга нисбатан шафқатсизлик, ўзимизга душманлик бу...

Ниҳоят, кейинги йилларда томчилатиб суғориш усули кенгроқ жорий этила бошланди, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга ўтилмоқда. Бугунга келиб бу масалада жиддий амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Аввалига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидан сув хўжалиги ажратилиб, алоҳида Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Бу қарор замирида сув билан боғлиқ жуда муҳим ва улкан юмушлар турибди, албатта. Вазирлик зиммасига сув хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш вазифаси юклатилган. Бунинг учун янги инновацион ғоялар, ташаббуслар керак бўлади, ривожланган давлатлар тажрибасини олиб келиш, кенг қўллаш учун шарт-шароит яратиш каби осон бўлмаган ишларни амалга ошириш керак.

Кунни кеча эса мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган бу борадаги тарихий воқеа бўлди. Халқаро экспертлар ҳам бу концепция Ўзбекистоннинг суғориш тизимларини модернизация қилиш ва улардан самарали фойдаланишни тўлиқ қамраб олганини эътироф этмоқда. Тўғриси, сувдан фойдаланишнинг бу стратегик дастури ижроси узок йиллардан буён тўпланиб қолган, оёғимизга тушов бўлиб келаётган кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этади. Ер ва сувдан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича ислохотларни амалга оширади.

Ушбу фармоннинг мақсади, маъно-мазмуни ва ҳаётимизда тутган аҳамиятидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сув билан боғлиқ кўпдан-кўп масалаларни тартибга солиш, айрим мураккаб, баҳсли ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш учун сувга муносабатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати борлиги аён бўлади. Ҳар қандай ислохот ёки янгилик эски қонун-қоидалар билан яшай олмайди. Янги қонунларни жорий қилиш ёки айрим қонунларга ўзгартиш киритилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда сув хўжалигини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқаётган эканмиз, эртага янги муаммолар юзага келиши мумкинлиги ва уларнинг ҳуқуқий ечимлари ҳақида вақтида ўйлаб кўриш керак.

Қуёш

Қуёш қачон пайдо бўлганини билиш қийин, аммо одамзод пайдо бўлганидан буён қуёшдан баҳраманд бўлиб келаётганини инкор этиб бўлмайди.

Аслида қуёш — ҳаёт манбаи, қуёш — чексиз куч-қудратга эга неъмат. Унинг имкониятларидан фойдаланишнинг алифбосини энди ўқиётгандекмиз.

Қуёшни ҳар томонлама ўрганиш, унинг имкониятларидан кенгрок фойдаланиш учун илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш долзарб масала экани тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Яратган бизга шундай катта имконият берган экан, ундан самарали фойдаланиш йўлларини кашф этишимиз зарур.

Қуёш — электр қуввати олинадиган беқиёс манба, илоҳий куч-қудратга эга. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда ҳам қуёш нурларидан фойдаланиш мумкин бўлган сир-асрорларнинг кўпидан ҳали беҳабармиз. Бир кун келиб, қуёш нуридан фойдаланишнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган янги-янги имкониятлари пайдо бўлса, ажаб эмас.

Чунки қишлоқда қуёш нуридан электр қуввати ҳосил қилиш мумкинлиги 30-40 йил олдин тушимизга ҳам кирмаган эди. Наманган вилоятининг Поп туманида фотоэлектр станциясини жанубий корейликлар ишга тушириб бергач, ишонмаган одамлар кўп бўлди: қандай қилиб, осмонга

қараган панеллар минглаб уйларни ёритади, уларнинг қозонини қайнатади? Мана, бир неча йилдан буён шундай, бошқа жойларда чироқ ўчсаям, қуёш станциясига уланган ҳовлилар чароғон бўлиб тураверади.

Бу дастлабки синов тажрибаси эди. Мана, энди йирик лойиҳалар кириб келяпти. БААнинг Masdar компанияси мамлакатимизда қуёш электр станцияси қуриш учун 100 миллион доллар инвестиция киритишга аҳд қилди. 2019 йил октябрда у мамлакатимиз тарихида қуёш энергиясидаги давлат-хусусий шериклик сармояларини жалб қилиш бўйича биринчи бўлиб очик тендер ғолиби деб топилди. Унинг фойдаланишга топширилиши 2021 йилнинг биринчи чорагига режалаштирилган. Бундан ҳам икки карра йирик — ҳар бири 200 МВт. гача бўлган шундай лойиҳалар Самарқанд ва Жиззах вилоятларида амалга оширилиши кутиляпти...

Қайта тикланувчи манбалар ишлаб чиқарган электр энергиясини сотиш, нархини белгилаш, инвесторлар ҳуқуқлари, кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда ҳам тажриба камлиги қатор муаммоларни юзага келтириб турган эди. Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юқоридаги муаммоларни бартараф этиш йўллариини белгилаб берди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фоизи биноларни иситиш ва ёритишга сарфланаётганини ҳисобга олсак, айнан қуёш энергиясидан фойдаланишни жорий қилиш қанчалик муҳимлигини англаймиз.

Қуёш энергияси халқаро институти маълумотларига қараганда, кейинги уч йилда мамлакатимизда 20 дан ортиқ миллий стандартлар ишлаб чиқилган. Энергетика вазирлиги маълум қилишича, намунали уйлар ва ижтимоий объектларда иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қуёш тизимларини ўрнатиш бўйича дастур тайёрланмоқда.

Бир мисол, агар 150 мингта хонадонга қуёш панеллари ва сув иситиш тизимлари ўрнатилса, йилига 319 миллион куб метр табиий газ тежаб қолинар экан.

Демак, бу борадаги ишлар такомиллаштирилиб борилишидан манфаатдормиз. Яқин-яқингача деҳқонларимиз ёғоч ёки темирдан оддий иссиқхона ясаб, устига плёнка тортиб, қуёш нуридан фойдаланиб, қишда ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб келаётганди. Бугун эса қуёш электр станциялари қурилмоқда, ундан фойдаланиш глобал тус олмоқда. Бу жараённинг қонуний асосларини ҳам тартибга солиш, мустаҳкамлаш талаб этилади.

Мақтанмайлик, ношукрлик ҳам қилмайлик, аммо қишлоқ хўжалиги соҳасида имкониятларимиз катталигига ишонайлик.

Дунёда озик-овқат хавфсизлиги ташвиши қалқиб турган бугунги шароитда ўз эҳтиёжимизни тўла таъминлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Бундай дейишга

асосларимиз етарли, чунки сахий еримиз, ариқларимиз тўла сувимиз, порлаб турган қуёшимиз бор. Меҳнаткаш халқимиз бор.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

Ҳар бир инсоннинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш — устувор вазифа

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири.**



Кўриб ҳавасим келди

Эрта тонгда телефоним жиринглади. Гўшакни кўтарсам, таниш овоз эшитилди. Дўстим Қувондиқ телефон қилаётган экан. У тўрт-беш йилдан буён Қозоғистонда яшаётган эди. Салом-алиқдан сўнг у кеча Нукусга келганини айтиб, вақтим бўлса, бугун шаҳарни бирга айланишни таклиф қилди. Гап орасида шаҳар жуда ўзгариб кетганидан хабардорлигини, шу боис, бирга айланмоқчи бўлганини таъкидлади.

Бир соатдан сўнг вокзал ёнида учрашдик ва шаҳар бўйлаб сайрни бошладик.

— Чап томондаги бино “Нукус полимер” масъулияти чекланган жамияти. Корхона хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган, — дея шаҳарни таништиришни бошладим мен. — Асосий хомашё полиэтилен ва полипропилен гранулалари Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуаларидан олиб келинади. Корхонада йилига диаметри 16 миллиметрдан 630 миллиметргача бўлган 12 турдаги, юқори босимга чидамли 8 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бу эса “Нукусэлектроаппарат” кўшма корхонаси. Бу ерда Италия, Германия, Швейцария, Хитой ва Россиядаги йирик компанияларнинг инновацион технологиялари ёрдамида замонавий турдаги юқори ва паст кучланувчи трансформатор, паст вольтли комплекс қурилмалар, аппаратуралар ва электромонтаж буюмлари, халқ истеъмол товарлари билан бирга металл мебеллар, шунингдек, металл конструкцияларнинг кенг тўплами ишлаб чиқарилади. Хусусан,

6-10 киловатт қувватга эга трансформатор подстанцияларига бўлган талаб халқ хўжалигининг барча тармоқларида юқори.

2020 йилнинг 7 ойи давомида 59 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада 231 нафар ишчи ишлайди.

Ўзбекистон кўчаси бўйлаб кетарканмиз, катта иморатга кўзи тушган дўстимнинг қувончини юзидан англадим.

Бу бинода “NUKUS MED TEX” масъулияти чекланган жамияти жойлашган. Корхона йилига 146 миллион дона бир марталик тиббий шприц ва инфузион система ишлаб чиқаради. Бугун бу ерда 230 киши доимий иш билан банд.

Аллаёр Досназаров кўчаси Нукус темир йўл вокзалидан бошланади. Кўча бўйлаб сайр қилар эканмиз, дўстимни атрофда қад ростлаган иншоотлар билан таништиришда давом этдим:

— Мана бу муҳташам бино -Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, -Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати, бу эса Амир Темур номидаги истироҳат боғи, ундаги турли-туман аттракционларда болаларимиз шодон ўйнапти. Ҳов анави бино — Имом Эшон Муҳаммад жоме масжиди. Ушбу масжид қайта реконструкция қилиниб, атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Масжиднинг биринчи қаватида Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийети ва Имом Эшон Муҳаммад жоме масжиди жойлашган, иккинчи қаватида ахборот-ресурс маркази, икки кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Масжид ёнидан минора, имом-хатиблар малакасини ошириш ўқув маркази, ҳовуз, новвойхона, фаввора, автомобиллар учун тўхташ жойи ўрин олган. Атрофдаги манзарали дарахт ва гулларни кўряпсанми, шаҳар кўркига-кўрк кўшиб турибди.

— Мана бу иморат жуда баланд ва чиройли экан, — деди дўстим хаяжонини яшира олмай.

— Бу “Мега Нукус” савдо мажмуаси. Бу томонда эса яна битта савдо маркази — “Медиа парк”. Ҳов анави, Нукус деҳқон бозори ёнидаги пиёдалар кўприги яқинда фойдаланишга топширилади.

— Кўзларимга ишонмаяпман. Барча кўчалардаги бир қаватли уйлар ўрнига кўп қаватли замонавий турар жойлар қад ростлабди. Биринчи қаватида эса савдо дўконлари. Қойил, Нукус қисқа фурсатда шунчалик даражада ўзгариб кетибди. Мўъжиза рўй бергандек гўё. Э, бу томонда нималар қуриляпти?

— 2 та 16 қаватли уй ва IT-парк қурилмоқда, — дея тушунтиришда давом этдим мен. — Ахборот технологиялари паркида ёш дастурчилар янги дастурлар ишлаб чиқади. Ўзинг биласан-ку, Нукусда шу пайтгача 16 қаватли уйлар йўқ эди. Ростини, тез орада ўша уйлар фойдаланишга топширилишини кутяпмиз.

Биласанми, бизда, шунингдек, бир қатор олий таълим муассасаларининг филиаллари ҳам очилди. Масалан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Навоий кон-металлургия институтининг филиалларида талабалар таҳсил олмақда.

Яқинда Президент мактаби фойдаланишга топширилди. Бу томонда қайта реконструкциядан чиққан киноконцерт зали, Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг янги биноси, халқаро стандартлар асосида қайта тикланган Нукус халқаро аэропорти, ёнидаги янги хиёбон.

Хуллас, Қорақалпоғистоннинг иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳалари ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ҳар бир ташрифи қорақалпоқ замини учун муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Булар бари Президентимизнинг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ халқига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолат, албатта.

— Бир олам таассуротлар олдим. Кўриб ҳавасим келди. Албатта, келаси сафар дўстларимни ҳам олиб келаман. Уларга юртимиздаги янгиликларни кўрсатаман. Илоҳим, кўз тегмасин, — дея хайрлашди мен билан дўстим.

Кундан-кунга янгича қиёфа касб этмоқда

Зерхан САИДБЕКОВА,

Мўйноқ туманидаги

“Оқ кема” болалар оромгоҳи директори:

— Мўйноқ тумани 1931 йили ташкил топган. Бир вақтлар катта қисмини денгиз сувлари эгаллаган ҳудуд, чўл ва ярим даштликлардан иборат бўлган. Сўнгги маълумотларга қараганда, Мўйноқда айни пайтда 32 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Янгиланаётган туманга Россия, Қозоғистон сингари давлатларга ишлаш учун кетган мўйноқликлар қайтиб келмоқда. Туманда 24 та кўшма корхона, 93 та кичик саноат корхонаси ва 400 га яқин кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Ўтган йили Мўйноқда салкам 11 миллион АҚШ долларлик инвестиция ўзлаштирилди.

“Қорақалпоғистонда ҳамма соҳада ўзгариш бўляпти. Бунинг замирида шу заминда яшаётган буюк халқнинг меҳнати, интилишлари мужассам. Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак... Мўйноқдаги ўзгаришларни, сизларнинг кўзларингиздаги қувончни кўриб жуда хурсандман. Бу — узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижаси. Агар кимдир бизнинг ислоҳотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин”, деган эди Президентимиз Мўйноқ ҳақида.

Айниқса, туманимиздаги “Бўзатов” овул фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган “Оқ кема” болалар соғломлаштириш маркази биз учун улкан совға бўлди. Ҳар томонлама пухта ўйланиб қурилган марказ катта кемани эслатади. Бунда Орол денгизига кемалар қайтди, ҳаёт қайта тикланди, деган рамзий маъно бор. 12 гектар майдонни эгаллаган соғломлаштириш марказига 42,8 миллиард сўм маблағ сарфланиб, барча шароитлар мужассам этилган. Бу марказни томоша қилар экансиз, олис болалик чоғларингизга қайтиб, шу ердаги болалар қаторида бўлишни истайсиз. Инсоннинг энг катта бойлиги — руҳияти, ички дунёси бўладиган бўлса, шу ички дунё гўзаллигини қайтаргани учун давлатимиз раҳбаридан жуда-жуда миннатдормиз.

Президентимизнинг ҳар галги ташрифи давомида Мўйноқ туманини ривожлантириш режаси алоҳида кун тартибида туради. Қисқа вақт ичида туманимиз бутунлай ўзгача қиёфага эга бўлди. Қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, 800 ўринли амфитеатр, давлат хизматлари ва ёшлар марказлари, ҳаттоки тушимизга кирмаган маданият маркази, стадион ҳам қурилди. Мўйноқнинг қоқ марказида ёшлар учун IT марказ хизмат кўрсатса, ёнидаги “Book kafe” доим ёшлар билан гавжум.

Бундан ташқари, “Қизил жар” маҳалласида 1,5 гектар жойга иссиқхона қурилиб, аҳолига арзон нарҳдаги маҳсулотлар сотилмоқда. Шу иссиқхона

туфайли “Қизил жар”, “Шеге” ва “Порлитов” овул фуқаролар йиғинларидаги 80 нафар ёш иш билан таъминланди.

Туманимиз марказида бассейн, спорт зали, мусиқа ҳамда санъат мактаби, тиббиёт маскани ва бошқа объектлар ҳам бунёд этилди. Шунингдек, ҳаттоки Нукусда ҳам бўлмаган инновацион телетиббиёт клиникаси қурилди. Клиника замонавий, сўнгги русумдаги зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморлар ташхисини шу жойнинг ўзида тўғридан-тўғри аниқлаш имкониятига эга. Эндиликда фуқароларимиз узоққа бормаи, катта харажат қилмай, бемалол шу ерда даво топади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Мўйноқни ривожлантириш борасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари, улар асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар барчамизнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Ушбу ишларнинг тизимли давоми сифатида Орол денгизи тубидаги суви қуриган майдонларда шамол таъсирида юзага келадиган кучли қум, туз ва чанг бўронлари таъсирини камайтириш, қум кўчишини бартараф этиш, минтақада экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилмоқда.

Ҳозир ушбу тадбир доирасида 2 та — Қораўзак туманидан Ақпеткей ҳамда Мўйноқ туманидан Сургул-Ахантай йўналишида саксовул экиш ишлари олиб борилмоқда.

Денгизнинг қуриган тубида чўл ўсимликларини экиб кўпайтириш ва янги яйловлар яратиш жуда ҳам муҳим масала. Албатта, ўрмонзор пайдо бўлса, биринчидан, тузли чанг кўтарилиши тўхтайдди. Ернинг намлик кўрсаткичи ортади, янги яйловлар пайдо бўлади. Ўрмонзор бўлганидан кейин ёввойи ҳайвонлар, қушлар ҳам кўпая бошлайди. 10-12 йил ичида катта ўрмонзор яратилади.

Янги туманда янгиликлар кўп

Махмуд ҚАЙПАНОВ,

Бўзатов тумани ҳокими:

— Президентимизнинг ташаббуси билан қайтадан тикланган туманимизда бугунги кунда 21571 нафар аҳоли истиқомат қилади. Туман ҳудудида тўртта овул фуқаролар ва битта посёлка фуқаролар йиғини, битта тиббиёт бирлашмаси ҳамда учта кишлоқ врачлик пункти бор.

Янги туман марказида сўнгги йилларда ёшлар маркази, 800 томошабин ўрнига эга амфитеатр, 1000 ўринли замонавий стадион қад ростлади. “Бўзтех” масъулияти чекланган жамияти туманда биринчи марта ташкил этилган йирик тўқимачилик корхонаси бўлиб, 300 та иш ўрнига мўлжалланган. Бу корхонада ҳозир 155 киши иш билан банд. Кунига 3-4 мингта, йилига эса 1,5 миллион дона, жами 2 миллиард 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш

мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кўпайтириш, ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитига хос бўлган чорвачилик, шолчилик, балиқчилик ҳамда қизилмия илдизини етиштириш ва чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган эди. Туман ҳудудида қизилмия ўсимлигини плантация усулида етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда “SAYAT ANGOR” масъулияти чекланган жамияти 140 минг долларлик 200 тонна, “MOHAMMAD LICORICE ROOTS” масъулияти чекланган жамияти 75 минг АҚШ долларлик 150 тонна қизилмия маҳсулотини экспортга чиқаришни йўлга қўйган.

Чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда кейинги йилларда хориждан зотдор молларни олиб келишда фермер хўжаликларига қулай имкониятлар яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолини арзон сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда қўл келяпти.

Туманда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш, аҳолига маиший, савдо, транспорт, тиббий ва бошқа турдаги замонавий хизматларни кўрсатиш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш борасида катта захиралар мавжуд бўлиб, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари меҳнаткаш халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Туман аҳли Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш мақсадида “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида янги марралар сари интиляпти.

Тупроғи олтинга тенг, меҳмондўст Эллиққалъа

Айша МАТНИЁЗОВА,

Маънавият ва маърифат маркази Эллиққалъа
тумани бўлими раҳбари:

— Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатидан янги ланишлар юз бермоқда. Эллиққалъа тумани деҳқонлари халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, дастурхони тўкин-сочин бўлишига эришиш, Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги кунда туманда 481 та фермер хўжалиги бор. Пахта ва ғаллачилик йўналишида 195 та, чорвачилик йўналишида 91 та, паррандачилик йўналишида 13 та, балиқчилик йўналишида 54 та, асаларичилик йўналишида 7 та, тутчилик йўналишида 8 та, боғдорчилик йўналишида 49 та, сабзавотчилик йўналишида 32 та, бошқа йўналишларда эса 30 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил асосий майдонларда ғалла ва пахта, 739 гектарда сабзавот, 350 гектарда картошка ва 413 гектар ерда полиз экинлари етиштирилди. Жорий йилда ғалладан бўшаган 3350 гектар майдоннинг 1770 гектарига такрорий экинлар экилди. Шундан 152,8 гектар ер кам таъминланган оилаларга 20 сотихдан ажратиб берилди. Албатта, бу кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Туризмни ривожлантиришда Эллиққалъа туманининг археологик салоҳияти жуда юқори. Тупроққалъа қадимги Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. Энг катта қалъалар мажмуаси сақланиб қолганидан фойдаланиб, бу ҳудудни алоҳида брендлаш орқали тарғиб қилиш мумкин.

Тупроққалъа, Аёзқалъа, Катта Гулдурсун тарихий қалъаларига чет давлатлардан сайёҳлар кўп келади. Уларнинг аксарияти Франция, Италия, Германия, Россия, Буюк Британия, Испания ва бошқа давлатлардан. Кечирмас ота ва Абдулла Норимжоний зиёратгоҳларига жорий йил бошидан республикамиз ҳудудларидан 48 мингдан зиёд ва қўшни давлатлардан 328 нафар сайёҳ ташриф буюрди.

Эллиққалъа тумани археология ва тарих музейини жорий йилнинг биринчи ярмида 1984 киши келиб кўрган. Уларнинг 86 нафари хорижликдир.

Сайёҳларга Эллиққалъа тумани бўйича “Buzton Turizm” ФХ, “Ayaz yurt”, “Tuproqqal’a”, “Katqal’a tur”, “Jahongashta-tur”, “Iskander tours”, “Nitsa Nukus”, “Qiyot Turkiston” МЧЖлар хизмат кўрсатиб келмоқда. 2019 йилда биргина “Buzton Turizm” ФХ томонидан 600 дан ортиқ чет эллик сайёҳга туроператорлик хизматлари кўрсатилган. Шунингдек, “Buston City” меҳмонхонаси маҳаллий ва чет эллик туристларни қабул қилмоқда.

Бугунги кунда ҳудудда 28 нафар ҳунарманд фаолият юритаётган бўлиб, улар, асосан, гул босилган газламалар, миллий либослар ва чокли буюмлар тайёрлаш, рангли ва оддий металлдан ясалган хилма-хил ашёлар, бошқа халқ ҳунармандчилиги буюмларини ясайди. Аҳолининг дала ва боғлари, тарихий қалъалар ҳудудига яқин жойларда ўтовли меҳмон уйлари ташкил қилиш орқали сайёҳларнинг шу ерда тунаб қолишларига шароит яратилмоқда. Хоразм вилоятига ташриф буюрувчи туристлар тарихий экскурсияни Эллиққалъадан бошлаб, Хива шаҳрида давом эттиришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ҳудуддаги Катта Гулдурсун, Катта Қаватқалъа, Аёзқалъа 1, Катта Қирққизқалъа, Кўрғошинқалъа, Жилдиққалъа, Тупроққалъа, Бургутқалъа, Кичик Қаватқалъа, Қумқалъа каби тарихий обидалар -сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади, албатта. Шунингдек, туман марказидаги Ботаника боғида айни пайтда 200 тупдан ортиқ манзарали дарахт-бута, 70 турдаги турли гуллар парваришланади. Ушбу боққа олий таълим муассасалари томонидан талабалар учун экскурсия ва саёҳатлар уюштирилади. Бу ерда, асосан, Қорақалпоғистонда учрамайдиган кўчатлар маҳаллий иқлимга мослаштирилиб, сўнг бошқа ҳудудларга экиш учун етказиб берилмоқда.

* * *

Ҳар бир инсоннинг ҳаёт даражасини янада яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш бугун Қорақалпоғистонда устувор вазифа этиб белгиланган. Бу вазифаларни бажариш учун қорақалпоқ халқи Президентимизнинг илиқ меҳрини туйган ҳолда садоқат, фидойилик, ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб яшамокда ва меҳнат қилмоқда.

МИЛЛАТ САРДОРНИНГ МУРОЖААТИ ЮРАКЛАРИМИЗДА АКС САДО БЕРДИ

**Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари**



Миллат тақдири ҳал этилаётган бир вақтда, айнан халқ ичидан юксак масъулиятни ўз зиммасига оладиган жамият етакчиси, сарбони пайдо бўлади. Айнан улар халқнинг бошини қовуштириб, оғир, мураккаб қарорларни қабул қилиш ва уларни қанчалик мушкул бўлмасин, ижросини таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига олмоқлари лозим. Бу эса миллат сардоридан қаҳрамонлик, чуқур идрок, сиёсий ирода, мардликни талаб этади.

Бугунги кунда бутун дунёда авж олган пандемия билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қиларканман, доимо ўйлайманки, агар ўз вақтида давлат бошқарув тизими тубдан такомиллаштирилмаганида, ҳудудлар раҳбарларига янги ваколатлар берилмаганида, парламент, фуқаролик жамияти, оммавий ахборот воситалари роли бу қадар кучайтирилмаганида, иқтисодий ислоҳотлар бошланмаганида, инсон ҳуқуқларини кафолатлашга янгича ёндашув бўлмаганида ва батамом янги ташқи сиёсат олиб борилмаганида, бугунги кунда мамлакатимиздаги вазият ниҳоятда оғир бўлар эди.

Ислоҳотлар ҳосиласи ўлароқ, бугунги кунда шаффофлик ҳамда ҳисобдорлик ҳокимиятнинг барча даражасига хос бўлмоқда. Унинг негизида вазиятга қўрқмасдан ҳолисона қараш, муаммоларни беркитмасдан, уларни ҳал қилиш йўлларини излаш, топиш ва ечишга интилиш мужассам. Шу жиҳатдан бугун бизнинг сиёсатимизга довжурлик хос бўлмоқда. Кўп йиллар мобайнида давом этган реал вазиятни очиқ айтишдан қўрқиш сиёсатига барҳам берилди. Буни дунё ҳамжамияти ҳам тан олмоқда, асосийси, халқимиз ҳам бу сиёсатни қўллаб-қувватламоқда.

Бу борада америкалик машҳур сиёсий арбоб Франклин Делано Рузвельт сўзларидан иқтибос келтирмоқчиман. АҚШ чуқур инқирозга тушган ва янги иқтисодий сиёсатни бошлаган бир пайтда у шундай муҳим сўзларни айтган эди: “Биз фақат бир нарсадан қўрқишимиз керак, у ҳам бўлса, қўрқишдан”.

Бу сўзларни биз бугунги ҳаётимизга ҳам татбиқ қилишимиз мумкин. Сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар айнан шу довжурликка хос бўлди.

Хусусан, тиббиёт тизими, унинг камчиликлари ҳақида биз кўп гапир-япмиз. Унга хос муаммолар таҳлил қилинмоқда. Лекин шуни эслашимиз керакки, Президентимиз бошлаб берган ислоҳотларнинг биринчи кундаёқ, тиббиёт тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги, уни тубдан ислоҳ қилишимиз кераклиги ҳақида гапирилди ва бу борада бир неча дастурлар амалга оширилди.

Бугун Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш бошқа давлатларга нисбатан бирмунча муваффақиятли кечаётгани ҳам кейинги уч йил давомида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирларнинг натижасидир. Масалан, мамлакатимизда охириги уч йил мобайнида фуқаролик жамияти пайдо бўлди. Ижтимоий ҳамкорлик, инқирозга қарши чоралар умуммиллий протоколини яратиш учун имкониятлар ишга солинди.

Пандемия даврида фуқаролик жамияти вакиллари фаол бўлиб, бевосита иштирок этиб, аҳолини хабардор қилиш ва уни жалб этишга катта улуш кўшди. Бунда, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ҳам роли катта бўлди. Ўйлайманки, шу ўринда биз яна бир иқтибосни ёдга олсак, арзийди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Тедрос Гебрейесус дунёнинг кўп ҳукуматлари вирусга қарши нотўғри сиёсат олиб борганларини қайд этиб, бунинг сабаби сифатида, биринчи навбатда, аҳолига пандемия вазиятида лозим бўлган талаблар ҳақида ахборот етишмаслигини кўрсатди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида ҳам илиқ фикр билдириш мумкин. Кейинги уч йил мобайнида амалга оширилган ўзгаришларнинг асосий натижалари бу “иқтисодий манёвр” учун, яъни иқтисодиётнинг талабларига қараб, ўзини ўзгартириш учун имкониятлар яратилди.

Айтиш керакки, дунёда бир неча мамлакат борки, уларда бугунгидек иқтисодий инқироз даврида наинки иқтисодий таназзулнинг олди олинди, балки оз бўлса ҳам иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Шу жумладан, юртимизда ҳам бу борада қатор муваффақиятлар қайд этилди. Масалан, Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қайд этилганидек, пандемия шароитига қарамасдан, Ўзбекистоннинг экспорти жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 9 миллиард долларни ташкил қилди. Бу ниҳоятда катта кўрсаткич, ҳаттоки илгари, яъни шароит меъёрий ҳолатда бўлган йилларда ҳам бундай натижага эришилмаган эди.

Биргина саноат соҳасига умумий қиймати 11 миллиард бўлган лойиҳалар ишга туширилди, яъни инвестициялар ўзлаштирилди. Шу жумладан, халқаро аҳамиятга эга бўлган, энг етук технологияларни ўзига қамраб олган янги Тошкент металлургия заводини оладиган бўлсак, бу, пандемия шароитида амалга оширилган муҳим иқтисодий ютуқларни ҳам кўрсатади.

Илгари мамлакатимиз фақат пахта хомашёсини сотиб, йилига энг кўпи билан бир миллиард доллар даромад қилган бўлса, бугунги кунга келиб, биз енгил саноат маҳсулотлари экспортдан уч миллиард доллар даромад қиляпмиз. Яқин келажакда бу кўрсаткич етти миллиард долларга қадар ортиши кутилмоқда.

Мустақиллик тантаналари арафасида ҳаммамиз гувоҳ бўлдик, пойтахтимиз Тошкентда янги метро линияларининг очилиши, янги технопаркларнинг ишга туширилиши — мамлакатимизда бошидан кўйилган асосий масала — ҳам одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, ҳам

иктисодиётимизнинг қулашига йўл қўймаслик сиёсати муваффақиятли олиб борилганидан далолатдир.

Президентимизнинг маърузасини ҳаммамиз диққат билан эшитдик. Менинг юрагимга қадар етиб келган бир жиҳати шу бўлдики, бизда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” даъваткор ғоя илгари сурилди. Бунда ниҳоятда чуқур маъно бор. Миллий тикланиш, ўзлигимизни англаш, миллий давлатчилигимизнинг асосларини барпо қилиш даври ўтди, бу масалалар олдинги 29 йил мобайнида муваффақиятли амалга оширилди. Энди миллий юксалиш — Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторида бўлиши масаласи қўйилмоқда. Бу фақатгина шиор ёки умумий даъват эмас, бунинг аниқ йўналишлари ҳам кўрсатилди. Шу жумладан, Ўзбекистонда учинчи Ренессанс, яъни янги Уйғониш даври деган улуғвор мақсад илгари сурилди.

Ҳаммамиз биламиз, тарихда иккита Ренессанс даври бўлган. Биринчиси IX-XII асрларда, кейингиси теурийлар сулоласи билан боғлиқ бўлган. Ана шу даврларда айнан ўлкамиз дунёнинг энг ривожланган ва мавқеи жуда баланд давлат эди. Чунки унинг сиёсий, ҳарбий, илмий салоҳияти билан ўша даврдаги ҳеч бир давлат тенглаша олмаган.

Шу ўринда бир мисолни келтирмоқчиман. Афсуски, буни билганлар орамизда жуда кам. Айнан шу Ренессанс даври, яъни IX-X асрларда Самарқандда зарб этилган дирҳам тангаси бутун Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги муомалада бўлган пул маблағларининг учдан бирини ташкил этган. Ҳатто скандинавиялик викинглар ҳам ўзларининг улушларини сомонийлар даврида зарб этилган дирҳамларга алмаштиришга ҳаракат қилган. Яъни бугун бутун дунёда АҚШ доллари қандай роль ўйнаган бўлса, айнан Самарқанд дирҳами ўша пайтда кучли қийматга эга бўлган. Бунинг замирида ўша давлатнинг мавқеи, потенциали, унга бўлган ишонч, унинг иқтисодий салоҳияти ва қуввати намоёндыр.

Биз ҳаммамиз бугун ўзимиз учун хулоса қилишимиз керак, ўз олдимизга савол қўйишимиз жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоялар, улуғвор мақсадлар биздан нимани талаб қилади? Чунки бу ишларни ҳар биримиз ўз жойимизда, ўз жамоамизда амалга оширишимиз зарур. Ўйлайманки, биринчи навбатда, биз, парламент вакиллари мамлакатда парламент ролини янада юксалтиришимиз, нафақат марказ, балки ҳудудларда ҳам маҳаллий Кенгашларнинг ролини ошириш билан машғул бўлишимиз керак. Чунки бу биз учун ҳал қилувчи масаладыр. Қандай муаммо бўлмасин, бу иқтисодий юксалишга оидми, таълим тизимини такомиллаштиришга алоқадорми, коррупцияга қарши кураш масаласи бўладими, буларнинг барчаси, аввало, қонунларга боғлиқ. Қонунларни, қонун ижодкорлиги жараёнларини яхшиламасдан туриб, жамиятимиз олдида турган мақсадларга эриша олмаймиз. Бугун ҳаммамизга шу нарса равшан бўлиши керакки, ҳам сенаторлар, ҳам депутатларнинг биринчи вазифаси жамиятимизда вакиллик органларининг тутган ўрнини барча жабҳада янги поғонага кўтаришдан иборатдыр.

Шахсан мен учун жамиятимиз, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда, илгари суришда ва олдимизга қўйган мақсадларга эришишимизда ташқи сиёсат, ташқи иқтисодий алоқалар роли ниҳоятда катта. Умуман, Ренессанс, Уйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, учинчи Ренессансни олдимизга мақсад сифатида қўйган эканмиз, бир нарсани ёдда тутишимиз керакки, бу даврларга олиб келувчи ҳамда унинг муваффақиятини таъминловчи ўзининг омиллари бор. Улардан бири очиклик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлилиги. Айнан узоқ масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида ҳамда гуллаб-яшнашида катта роль ўйнайди. Мана шундай халқаро савдонинг бўғини сифатида йўқолишимиз Ўрта асрларда мамлакатимизнинг қолоқ бир диёрга айланишига сабаб бўлган.

Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очиклик ва ташқи алоқаларнинг ҳамма йўналишида, Фарбу Шарқ, Жанубу Шимол, барчасини бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг бутун дунёдаги қиёфаси ўзгарди. Янги Ўзбекистон пайдо бўлди. Юртимизнинг обрўси бугун мисли кўрилмаган даражада юксалди.

Эътибор беринг, пандемия шароитида юртимизга энг яқин дўстларимиз томонидан халқаро кўмак ҳамда ёрдам кўлами кенг бўлди. Бизга берилган ёрдам, биринчи навбатда, халқаро молиявий ташкилотлардан келган молиявий маблағлар билан боғлиқ. Бу борада биз бир нарсани билишимиз керак. Кредитлар ҳаммага ҳам берилмайди. У фақат ишонч қозонган ва обрўси, нуфузи катта бўлган давлатларга берилади. Айнан пандемия даврида мамлакатимиз қарийб 3 миллиард долларлик имтиёзли кредит ҳамда грантларни жалб этди. Ҳозирги кунда уларни ўзлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда.

Бу катта маблағ, албатта. Унинг етти юз миллиони ишбилармон доиралар ва банкларни қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ишбилармонлар кимлар? Иш ўрнини яратаётганлар, одамларнинг ойлик маошини тўлаётганлардир. Бу маблағлар янги ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга қаратилади. 300 миллиони коммунал хўжалик ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлашга -йўналтирилди. Булар нимадан далолат беради? Олинган маблағлар бежиз сарфланаётгани йўқ. Аввало, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган.

Биз бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларини янада ривожлантириш ва халқаро миқёсда ўзимизнинг миллий манфаатларимизни илгари суришга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттираемиз.

Шу халқнинг фарзанди сифатида бу ҳар биримизнинг бурчимиздир.

МУВАФФАҚИЯТЛИ МИЛЛИЙ ИСЛОҲОТЛАРДАН ГЛОБАЛ РИВОЖЛАНИШГА ЧОРЛОВ

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири,
академик



Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқи янгиланаётган Ўзбекистонда кейинги тўрт йил давомида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, улар натижасида эзгулик ва маърифатга асосланган жамият барпо этиш йўлидаги ҳаракатларни глобаллаштиришга қаратилган муҳим қадамдир. Ушбу нутқ она тилимизда янграгани барчамизнинг кўнглимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Президентимизнинг ҳар бир гапи ва таклифи янги Ўзбекистонимизда меҳнат қилаётган, ислохотларга камарбаста бўлган халқимиз учун тарихий воқеа бўлди.

Мазкур тарихий нутқда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ҳаётий мисолларда қайд этилди. Шунингдек, дунё ҳамжамияти кун тартибида турган долзарб масала ва муаммолар хусусида сўз юритилиб, уларни оқилона ҳал қилиш борасида конструктив ечим ва таклифлар билдирилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган таклифларнинг барчаси замирида, аввало, ўзбек халқининг асрий анъана ва фазилатлари, қолаверса, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларни глобаллаштириш масаласи ўрин олган. Давлатимиз раҳбари минтақани ривожлантириш орқали нафақат Ўзбекистон ва қўшни давлатлар, балки дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ўсишини таъминлаш мумкинлигига урғу берди.

Ҳар қандай оғир шароитда ҳам, жумладан, ҳозиргидек пандемия даврида ҳам дунё халқлари вужудга келган муаммога имконият деб қараса, уларни ҳал этишга астойдил бел боғласа, барча қийинчиликлардан талафотсиз ўтишимиз мумкинлигини нуфузли минбарда қайд этаркан, давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятини бир ёқадан бош чиқариб ишлаш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этишга чорлади. Ҳар қандай инқирозни имконият майдонига айлантириш мумкинлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклифини билдираркан, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш бош масала эканига алоҳида урғу берди. Коронавирусга қарши курашда турли давлатлар томонидан тўпланган тажрибани бирлаштириш, айти кунларда айрича фойдаланилаётган меъёрларни дунё мамлакатларида жорий этиладиган ягона норматив мажмуага айлантириш ҳақиқатан ҳам ўта долзарб масаладир. Бу

келажакда такрорланиши мумкин бўлган биологик офатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича -Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш масаласи мамлакатимизда юритилаётган ёшлар сиёсатининг узвий давомидир. Барчамиз Президентимизнинг ёшларга ишончи юксаклиги, айнан улардан умиди катталигини биламиз. Ўзбек ўғил-қизларининг сифатли билим олиши, зақо қувватини мамлакатлар тараққиёти йўлида сарфлаши учун кенг имконият яратиш орқали давлатимиз янги марраларга эришиши кўзланмоқда. Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилган эди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати шу тариқа глобал қамров касб этаётгани, айниқса, эътиборга молик. Чунки ёшларнинг ғайрати, иқтидори, яратувчан фикрлаши, қийин ишларга-да иккиланмай бел боғлаши тез ўзгарувчан, янгиликларга бой, инновацияларга эҳтиёж юқори бўлган давримизнинг нажоти дарвозаси, десак сира муболаға бўлмайди.

Мамлакатларнинг ривожини уларнинг транспорт коммуникацияларига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Президентимизнинг транспорт коммуникациясини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш сифати ва тезлигини оширади. Йўловчи ва юкларни ташиш жараёнини мўътадиллаштириб, минтақанинг транзит имкониятини кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва хавфсизлик масалаларининг ижобий ўзгаришига олиб келади. Давлат раҳбаримизнинг ушбу таклифи минтақамизда кўп йиллардан бери шаклланган ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик анъаналарини давом эттирибгина қолмай, уларни янада кучайтиради. Қон-қардошлик, тақдирдошлик, елкадошлик тамойилларини янги босқичга олиб чиқади.

Ушбу таклиф БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси доирасида минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференция ҳамда “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусидаги халқаро форум ўтказилиши билан чамбарчас боғлиқ. Тарихан Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг марказида жойлашган юртимиз уларнинг бир-бирига интеграцияси, ўзаро фойдали муносабатлари, ҳамжиҳат ривожланиш ва асрий тинчлик-тотувликни сақлаш тамойилларида етакчи роль ўйнагани маълум.

Халқимизда “Ён қўшни — жон қўшни” деган мақол бор. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг БМТ хузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш фикри қўшни Афғонистонда тинчлик, барқарорлик, фаровонликни таъминлашга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини жалб этишга қаратилган. Неча ўн йиллардан бери уруш, зўравонлик, хурофот ичида яшаётган ён қўшнимизнинг бугуни ва эртасининг ёруғ бўлиши биз учун ўта муҳим масаладир. Қўшнимиз тиниб-тинчиб яшамас экан, бизга бир бурда нон ҳам татимайди. Давлатимиз

рахбарининг “Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир”, деган таъкиди қадимдан шаклланган, тинчликпарварликка йўғрилган анъаналаримизга уйғундир.

Шу ўринда қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясидаги асосий мавзулардан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш ҳам дунёдаги энг долзарб масалалардандир. Камбағалликни қисқартириш бўйича иқтисодий ва гуманитар чоратадбирларни амалга ошириш инсониятдан заковат, меҳр ва ирода кучининг бирлашувини талаб этади.

Қашшоқлик ва камбағаллик ҳозирги кунда экологик муаммолар билан боғлиқлигини, айниқса, сув танқислиги озик-овқат хавфсизлигига дахл қилишини танамизда ҳис этишимиз. 1965 йилга қадар дунёдаги тўртинчи катта кўл бўлган Орол денгизининг қуриши собиқ иттифоқ даврида сув ресурсларини нотўғри бошқариш ва фойдаланиш натижасида юзага келган энг катта экологик фалокатлардан биридир. Орол денгизи сувининг қуриши оқибатида экологик, иқлимий, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар инқирознинг юзага келгани Ўзбекистон ва Орол денгизи минтақаларининг барқарор ривожланишига жиддий тўсқинлик қилди. Ер майдонининг таназзулга учраши ва чўлланиши, сув ва ер ресурсларининг ифлосланиши ҳамда шўрланиши, ичимлик сувининг етишмаслиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камайиши ва йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Орол денгизидан ҳар йили 100 миллион тоннадан ортиқ чанг ва заҳарли туз атмосферага 1000 км.гача радиусда тарқалади. Шунингдек, биз қурғоқчилик, қум ва тузли бўронлар каби ҳодисалар интенсивлиги ҳамда такрорланиш тезлигининг босқичма-босқич ўсиб боришини кузатмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият эътиборини Орол денгизидан юзага келаётган муаммоларга қаратмоқда. 2017 йил -19 сентябрда Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиқиб, ушбу муаммога минтақанинги барча мамлакатлари манфаатини инобатга олган ҳолда БМТ ҳомийлигида мурасага келиш зарурлигини таъкидлаган эди. Орол денгизини тўлиқ тиклаш мумкин бўлмаса-да, унинг салбий оқибатларини юмшатиш мумкин. Ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаси — Орол денгизи инқирозининг атроф-муҳитга ва Орол денгизи минтақасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига зарарли таъсирини камайтириш.

Мамлакатимиз ташаббуси билан Орол денгизи минтақасини ривожлантириш бўйича БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст фонди ташкил этилди. У барча манфаатдор томонлар учун ягона платформани тақдим этиш, ривожланиш бўйича ҳамкорлар, халқаро молия институтлари, фуқаролик жамияти, икки томонлама ва кўп қиррали донорлар Орол денгизи инқирозининг салбий экологик ва ижтимоий-

иқтисодий оқибатларини юмшатиш бўйича самарали чораларни кўриб чиқишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида Орол денгизи ва унинг атрофида амалга оширилаётган ижобий ишлар хусусида тўхталиб, Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш, бу бўйича махсус резолюция қабул қилиб, ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани Экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш халқаро куни сифатида нишонлаш таклифини илгари сурди. Бу ташаббус миллатимиз, юртимиз ва минтақадаги экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ҳозир “Оролбўйи — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепцияси лойиҳасини Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури, шунингдек, республикамиз вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда тайёрлаш ишлари якунига етмоқда.

Президентимизнинг жаҳон мамлакатларига билдирган таклифлари замирида меҳнаткаш халқимизнинг асрий анъаналари, эзгу ниятлари, маънавий-маърифий қарашлари намоён бўлиб турибди. Шунингдек, бу таклифларда ҳамдардлик ва жонкуярлик, минтақа халқлари тақдирига бефарқ бўлмаслик, барчага яхши муносабатда бўлиш каби мусаффо ниятлар ҳам акс этган. Бошқа жиҳатдан, мазкур нутқдаги фикрлар бундан бир неча йил аввал юртни муқаррар бўҳрондан қутқариб, юксалишига сабабчи бўлган улут мақсадлар, некбин ғояларнинг мамлакатимиздан минтақага ва ундан бутун оламга эзгулик ва яхшилик чорлови, халқ маънавияти ва маърифатининг гултожи сифатида тақдим этилгани билан алоҳида диққатга лойиқ.

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан кейинги ўйлар

Наполеон Бонапартнинг бир гапи мени кўп мулоҳазаларга чорлагани билан ёдимда муҳрланиб қолган. У тахминан шундай деган эди: дунёда икки куч бор — қилич ва ақл-идрок. Улар доим маҳорабада, бироқ мени хайратга соладигани шуки, охир-оқибат мудом ақл қилич устидан ғолиб келади...

Бундай хулосага келган одам умри қилич кўтариб жанг-у жадалларда ўтган, музаффарият ва шон-шараф байроғига бурканган машҳур саркарда эканини ҳисобга олсак, ўша ҳикматомуз гапнинг мағзи тўқ, чуқур ҳаётий маънога эга экани янада ойдинлашади. Дарвоқе, қилич қанчалик кучли бўлмасин, яратувчилик қудратига эга эмас, вайронкорлик ва талафотдан бўлак берадиган нарсаси ҳам йўқ...

**Қудратилла РАФИҚОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
сиёсатшунос**

Бонапартнинг гапига басма-бас келадиган яна бир фикр бор. Инсоният тарихи урушлар тарихидир, дейишади муаррихлар. Ўтмишга тийран назар солсангиз, бу гап бекор айтилмаганига гувоҳ бўласиз. Бироқ дунёда бир куч борки, у фақат инсоният ҳаётини роҳат ва фароғат, тинчлик-хотиржамлик, юксалиш ҳамда тараққиётга ундаб келган. Уруш ва қирғинбаротлар кулфатлари-ю култепаларини боғу бўстонга айлантирган, ер юзида ҳаёт чироғини қайта нурлантирган. Бу — илм-маърифат зиёси!

Лекин тарих чархпалаги бардавомлигини таъмин этувчи ким, унинг қуриб-қақшаб қолаётган тегирмонига сув қуйиб, унга илҳом ва шавқ бераётган куч қандай куч?! Эҳтимол, айнан мана шу ҳаёлий сахна Наполеонни хайратга солгандир...

Ҳа, илм-маърифат ва жаҳолат дунё бунёд бўлибдики, ёнма-ён юради. Бири бузади, иккинчиси ҳаёт эликсири каби жонларга қувват ва шавқ олиб киради, дунёни, инсоният ҳаётини гулларга буркайди... Тарихдаги бундай ўзгариш-у юксалишлар, тараққиётлар ва ниҳоят тамаддунлар хронологиясини ўргансангиз улар бошида жўмард, ўз ҳаётини ўша эзгу мақсадларга бахшида этган фидойи шахслар турганига гувоҳ бўласиз. Бундай одамлар бутун фаолиятини, умрини, ва ҳатто, ширин жонини шу маслак билан боғлайдилар, ўзларига буни шараф деб биладилар. Лекин ҳаёт шундайки, доим ҳам қўл узатган, кўзлаган маррани осонликча олиб бўлмайди. Бунинг машаққатлари, синовлари кўп.

Шу маънода бугун биз яшаётган кунларимиз, таҳликали ва нотинч асримиз ҳам қайсидир маънода илм-маърифатга, зиёга эҳтиёж сезаётгандек.

Зотан, таракқиётнинг чўққисига чикдик, дейилаётган айни дамларда ҳам ер юзининг баъзи нуқталарида уруш олови кўзга кўринади.

Иркчилик, миллатчилик, диний радикализм балолари бот-бот сахнага чиқади. Албатта, бундай таҳликали замонда тўғри йўлни топиш, мамлакат ва халқ фаровонлигини ўйлаб, ҳузур-ҳаловатдан кечиш, инсонга муносиб ҳаёт барпо этиш ва бу йўлда одамларни ўз ортидан эргаштира олиш кишидан катта масъулият, билим ва фидойилик талаб этади. Зотан, замоннинг бунёдкори — инсоннинг ўзи.

Бу ўринда бир вақтлар “Биз замоннинг наинки жону дили, балки байроғидирмиз” деган Мавлоно Румий мутлақ ҳақ эди. Қарангки, буюк бобомиз қарийб минг йил олдин айтиб кетган гап ҳамон ўз долзарблигини йўқотган эмас. Мавлононинг ушбу сўзидан чиқадиган ҳикмат битта — замоннинг жонига айланиш, элнинг корига яраш, жонфидолик ва бу йўлда байроқдай собит бўлиш.

Юқорида қисқагина тўхталганимиздек, инсоният тарихидан хабардор киши одамзод бугунги кунларга ўз ўтмиши давомида кечирган минглаб кийинчиликлар, урушлар, очарчиликлар, қақшатқич ўлатлар гирдобидан омон чиқиб келганини яхши англайди ҳамда бундан ҳайратланади. Агар ўша солномаларни жиддий ўргансангиз, машъум офатлардан омон қолиш йўлида жонфидолик қилган қаҳрамонларнинг сурати-ю сийрати тафаккурингизда балқиб чиқади...

Бугун мамлакатимиз ва халқимиз кечираётган оғир ва синовли кунлар ҳақида гапириб ўтириш, менимча ортиқча. Чунки буни ҳаммамиз кўриб турибмиз. Қисқа бир давр — 9-10 ой ичида бошдан ўтказган оғир кўргуликлар, албатта, ҳаммамизнинг қалбимизни яралади. Бироқ дилда умид, ишонч, қатъият ва жасорат бор экан, ирода букилмайди, балки тобора тобланади. Биз бугун шуни ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Президентимизнинг 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини тинглаб, ҳаёлимдан беихтиёр шу ўйлар кечди. Қалтис замон, мураккаб шароитлар, оғир синовлар ва уларга басма-бас букилмас бир ирода, эртанги кунга комил ишонч, байроқдай мўътабар ва собит бир эътиқод...

Бугунги оғир кунларда бундайин улуғ мақсадларни кўзлаш, эртанги порлоқ кунлар ҳақида гапириш баъзи одамлар ҳаёлида ноқеракдай туюлган бўлиши ҳам мумкин. Нафсиламрини айтганда, ҳақиқатан ҳам бу — моҳиятан парадоксал бир сахна. Назаримда, буни Президентимиз ҳам пайкаган. Бироқ у ўз эътиқодига содиқ қолиб, бундай ўй-фикрларга қарши қарашларини қатъий тарзда баён этди:

“Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янглишади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эртами-кечми, албатта, тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа

қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуғ аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: “Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”.

Чиндан ҳам, бугун биз улуғ ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуғ ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз”.

Шавкат Мирзиёев бугунгача давлат раҳбари, Президент сифатида ўнлаб маърузалар қилди. Бироқ бу галги нутқ моҳият-эътибори билан илгаригиларидан кескин фарқ қилади. Гап шундаки, айнан мана шу нутқда янги Ўзбекистоннинг миллий мафқурасига тамал тоши қўйилди, десам хато қилмаган бўламан. Зотан, янги давлатчилигимизда биз миллий жамият ва давлат барпо этиш, мамлакат устунларини миллий идентитет — соф ўзлик платформалари устига қуриш ва бир давлат ўлароқ миллий ва руҳоний орнаментларимизни очиқ-ошкор унинг асоси этиб белгилашга ҳеч қачон бундай яқин келган эмасмиз. Мен бу ўринда МИЛЛИЙ МАФКУРА сўзини алоҳида бўрттириб ёзишни истар эдим. Негаки, бугунгача биз амал қилган мафқуралар, “Миллий ғоялар” қайсидир маънода умуминсоний деб бўрттирилган ва байналмилал чимматга ўралгани учун ҳам соф эмас ва эҳтимол, шунинг учун ҳам сиёсий “дахлиз”ларда бору жамиятда маргинал эди. Миллийлик феноменидан қўрқув, халққа ўзлигини танитишдан тайсаллаш ва керагидан ортиқ эҳтиёткорлик миллий жамиятда икки хавфли тенденция томир отишига замин яратди. Булар узоқ йиллар онгу шууримиз, дунёқарашимиз ва ҳатто ахлоқимизга сингиб кетган колониал сиёсат таъсири бўлса, иккинчиси, неоколониал-глобаллашган, маданият ва қадриятлар қоришиб кетаётган учинчи минг йиллик “ахлоқи” — “оммавий маданият” хуружи билан боғлиқ эврилишлардир. Айтиш мумкинки, жамиятимиз узоқ йиллар мана шу уч унсур — колониал, неоколониал ва иккаласининг ўртасида пажмурда бўлиб қолган анъанавий ахлоқ-одоб доирасида яшади. Ва таассуфки, улар чатишувидан янги бир гибрид қадрият “ўсиб” чиқди. Биз бугун бунинг ҳисобини тўлаяпмиз. Биз бугун бу кучларнинг, таъсирларнинг миллий ўзлигимизга, келажагимизга ва миллат сифатида яшаб қолишимизга хавф туғдиришини англаб етдик. Биз худди боболаримиздай дунёни ақлу заковатимиз, юксак маънавият ва маданиятимиз билангина лол қила олишимиз мумкинлигини тушундик...

Президентимизнинг мазкур, айтиш мумкин бўлса, тарихий, инқилобий руҳдаги нутқи шу жиҳатдан миллий давлатчилигимиз тарихида ҳам, жамиятимиз ҳаётида ҳам тарихий ҳодиса бўлди, десам адашмаган бўламан. Давлатимиз раҳбари маърузасида: “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устунни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар”, дея масалани кескин ва узил-кесил қўяр экан, бу Ўзбекистоннинг чин маънода янги йўлга кирганини, мамлакатда давлатчилик ва ҳукмрон сиёсат миллий ва тарихий-анъанавий ўзанларга бурилаётганини, мухтасар айтганда, азиз Ватанимиз замонавий дунёга постсовет бир ўлка эмас, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бўлиб юзланаётганидан дарак беради.

Кеча ва бугун: бизга мафкура керакми?

Моҳиятан олиб қараганда, Президентимиз стратегик вазифа сифатида ўртага қўяётган миллий ғоя концепцияси ўтган замонда ҳам бор эди. Хўш, у мавжуд экан, бунинг нимаси тарихий, унинг қай жиҳати инқилобий, деган ҳақли эътирозлар туғилиши табиий, албатта.

Буни изоҳлашдан олдин, узоқ йиллар хаёлларимизда айланиб юрган, ўзига жавоб излаётган мана бу мулоҳазаларга тўхталсак ўринли бўлади. Яъни янгиланаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими, умуман, маданиятлар қоришиб кетаётган бугунги глобал дунёда мафкуранинг ўзи керакми? Умуммиллий тараққиётимизда мафкуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафкура нима? Мамлакатимизда миллий мафкурани шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?..

Бу саволлар моҳият эътибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни “қутқаришда” муҳим аҳамият касб этади. Кечаётган 30 йилга яқин вақт ичида жамият “сийрат”и ўзгариши қийин кечди. Бу бир томондан ўтиш давридаги маҳдудлик билан баҳоланса, иккинчи томондан, юқорида айтганимиздай, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди.

Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозиликни эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутди. Зотан, жамиятни ҳукумат, ҳукмрон сиёсат истак-хоҳишига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш кўзланаётган мақсад —

давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалага мана шу жиҳатдан ёндашсак, давлатимиз раҳбарининг Миллий ғоя масаласига нега қайта мурожаат қилгани ойдинлашади.

Албатта, ўтган даврни қоралаш, ҳаммаси нотўғри бўлган, дея уни инкор қилиш адолатдан эмас. Қолаверса, бугун ҳеч ким ундай деяётгани ҳам йўқ. Бироқ хатолардан сабоқ чиқариш, турли сабаб ва ваз-қорсонлар туфайли ёпиқлигича қолиб кетган муаммолар, давлат ва миллат тараққиётига тушов бўлиб турган ижтимоий-сиёсий омилларга ечим топиш бугунги ривожланган ва мудом тараққий этаётган замонавий дунёда бекаму кўст яшаб қолишнинг муҳим шартидир.

Мафкура масаласи, энг аввало, илм-фанда, маорифда шаклланади ва палак ёйди. Шу маънода, Президентимиз мазкур маърузасида янги Ўзбекистоннинг миллий мафкурасига ҳам пойдевор қўйди, десам адашмайман. Бугун Учинчи Ренессанс дея олқишланаётган концепция соф этнолингвистик, мустабидлик таъсирларидан холи, ривожланган дунё илм-фани, маданияти ва санъати дурдоналарини ўзида жо қилган МИЛЛИЙ ЖАМИЯТ ва ДАВЛАТ барпо этишимизда муҳим платформа вазифасини ўтайди. Зотан, Шавкат Мирзиёев бу борада замонавий илм-фан ва дунё тажрибалари билан бирга, ўз ўтмишимиз, анъаналаримиз ва юз йиллардан буён эътибор қилинмаган тарихий қадриятларимизга юз бурди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бу борада шундай деди:

“Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.

Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи — ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-иждодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

“Ислом маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улут

уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Бехзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аجدодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар”.

Президентимиз маърузасида бир халқона иборани жуда ўрнида кўллаган: “Оққан дарё оқаверади”. Йиллар давомида ўз исботини топавериб, деярли ҳикматга айланиб кетган ушбу калом азиз тупроғимизда Учинчи Ренессанс, албатта, юз беражагини, баъзи валломатларнинг “ўзбек ёки бу минтақада яшовчилар фақат қора меҳнату мол боқишга ярайди, илм-фану ҳисоб-китобни уларга ишониб бўлмайди” деган таҳқиромуз хитобларига тортилган бир чизикдай тез орада бўртиб чиқса ажаб эмас. Зотан, бизга беписанд қараётган қавм аслида тараққиётни қайдан олганини, ўрганганини мудом бекитиб келади. Бу борада Умумтурк дунёсининг етук мутафаккири, жади́дчи зиёлиларимизнинг маънавий пири, Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб-маорифида чинакам инқилоб ясаган, “усули -жадид” номи билан тарихга кирган “усули савтия”ни бошлаб берган, XX аср Шарқининг энг машхур, энг тараққийпарвар ҳаракатчилигига — жади́дчиликка асос солган Исмоилбек Ғаспратининг фикрлари ғоят ўринлидир. Жумладан, у “Бир халқ(н)инг ё бир қавм(н)инг ахлоқ касб этмаса истеъдоду ақлиясиндан туғар. Ноқис ақлдан мақбул ахлоқ ва адаб туғмас”, деб ёзади. Сўнг мисолларга ўтади: “Олами исломиятда машхур ва Оврупо Фарангистон уламосина маълум “муаллими соний” номини касб этмиш Абу Наср Форобий ҳазратлари турк ўғли туркдирки, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳукамодандир. Али Ҳусайн Ибн Сино ҳазратлари Оврупода Ави-Сена номи ила машхур ўлан экан. Турк ўғли туркдир. Юнон қавми Буқрот каби табиб ва Арасту каби филўсўф ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, ҳам табиби машхур, ҳам филўсўфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг акси дагил эди ва лекин Арастунинг шогирди ўлмаюб ўзининг истеъдоди ақлия ва зехнияси ила Арастуя баробар келмишдир. Ибн Сино Бухоро мевасидир... Ғазнавийларинг

ва Темурийларинг саройлари уламо ва ҳукамо жамиятлари ила шарафландиги тарихларда ёзилмишдир...”, дейди.

Албатта, бу фикрлар “бизда қанақа ренессанс бўлиши мумкин” дея бурун жийирувчи, тафаккур доираси тор, ичи ғараз ва хусуматга тўлиб кетган ёки ғарбпараст ва космополит одамлар учун етарли бўлади, деб ўйлайман. Нима бўлганда ҳам, мазкур концепция умумий фабуласи, мазмун-моҳияти, ғоя ва ечимига кўра, мутлақо МИЛЛИЙ бир дастурдир. Айниқса, механизм “иш мурватлари” сифатида бизда шу пайтгача тўлиқ тан олинмай, тан олинса-да, бегонасираб, хуркиб қараб келинган жадидчи боболаримизнинг қарашлари, методикалари асос қилиб белгилангани буни яққол тасдиқлайди. Зотан, Президентимиз бу иш билан жаҳолат ва қабоҳат, қатағон сиёсат сабаб қарийб бир аср ортга сурилиб кетган Уйғониш даври пойдевориغا қайта ғишт қўйиб, орзулари армонга айланиб, шаҳид кетган жадид боболаримизнинг муборак руҳи покларини ҳам шод қилгани шубҳасиздир.

Президентимиз аини шу борада маърузасида ичкин бир дард билан гапириб ўтди:

“Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг тухмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга”.

Ўтган аср бошларида замонавий мактаб ғояларини тарғиб қилиш, кенг омма олдига олиб чиқиш анчайин мушкул замонда Маҳмудхўжа Бехбудий сингари жадиждаримиз ўз ҳисобларидан мактаблар очди. Ёш авлодни саводли қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини билиш, дунё ҳамжамияти сахнасига олиб чиқиш йўлида хизмат қилди.

Айтишларича, кўҳна Самарқанднинг Намозгоҳ жоме масжиди атрофида Маҳмудхўжа Бехбудий аждодларига қарашли кенг ва обод боғ бўлган. Катта ҳудуддаги олмазор ва токзорга, албатта, Самарқанднинг иқлими ижобий таъсир кўрсатган. Боғдан келган даромадни Маҳмудхўжа самарқандлик болалар учун дарсликлар олиш, янги мактаб қурилиши ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун сарф қилган.

“Усули жаид”, “Усули савтия” номлари билан шуҳрат топган мактаблар учун адабиёт, жуғрофия, ислом тарихи каби дарсликлар ёзган. Мактабларда шеър ва мақолалар, сахна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришга уриндилар. Замон талабига мос равишда Туркистон мусулмонларининг шаъну шарафини ҳимоя қилдилар...

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанали йиғилишда жаид боболаримиздан уч киши — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунаввар-қори Абдурашидхоновни “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганини эълон қилгани, айниқса, бу борадаги йўл ва қараш собит эканига яна бир ишорадир.

Миллият йўли тараққиёт йўлидир

“...Ҳозирги мадрасалар илмхона эмас, қорихона. Мақсад ҳам, усул ҳам қорилик, кўр қорилик. Унинг зах хужраларида 15-20 йилда олинадиган билимни замонавий ўқув юртларида 3-4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу қадар қадрсизми?”

Бу иқтибос XVIII асрда яшаб ўтган машҳур тарихчи олим Шихобиддин Маржонийга тегишли. Инсоний кадр-қиммат, шаън ва ор-номус учун кураш, эҳтимолки, жаидчилик ҳаракатга келишига сабаб бўлган. Ўша маҳаллар Чор ҳукумати истилосида бўлган Шарқ халқлари, хусусан, туркий қавмлар жамиятлари таълиму маориф, умуман, илм соҳасидаги консерватив қарашлар, онгдаги ақидавий стереотиплар туфайли таназзул ёқасига келганини тарихдан хабари бор одамлар яхши билади. Албатта, тафаккур ва миллий онгдаги бундай фалажлик истилочилар учун айтилган муддао бўлган. Агар биз жаидчи боболаримиз фаолияти ва ҳаётига шу ракурсдан қарасак, улар миллат ва ватан учун нақадар керакли ва зарур ишга қўл урганини осонроқ пайқаймиз. Бироқ таълим-тарбия ва маориф соҳасидаги концептуал ёндашув бу ўлкалар жиловли ҳаммага жаннат ваъда қилган коммунистлар қўлига ўтгач ҳам ўзгаришсиз қолди. Айниқса, миллий масалаларда. Жаидлар таърифи билан айтганда, “социализм меҳнатда синалган қардошлиқдан бошқа на динни, на иркни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг қоидаси ва мақсади: “Бутун дунё

пролетарлари, бирлашингиз!”. “Социалистлар” ва “социал демократ”ларнинг “адолат”, “мусовийлик” ҳақидаги шиорлари ташқаридан жуда жимжимадор, кишини маҳлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш тутади... инқилобий курашга, қон тўкишга чакиради...”.

Мен меҳнат фаолиятим давомида педагогика-муаллимлик соҳасида ҳам ишлаганман. Шу боис, мактаб ҳаёти, ўқитиш дастурлари ва услубидан бирмунча хабардорман. Мени ҳайрон қолдирадиган жиҳат шуки, мустақил бўлганимизга 30 йил бўлаётган бўлса-да, кўплаб дарсликлар мундарижаси, ўқитиш методологияси ҳамон эскича давом этмоқда. Бунга мен невараларим дарсларини, вазифаларини назорат қилиш давомида кўп бор дуч келганман. Қаранг, барибир қизиқ-да, эркинликка чиққанингга 30 йил бўлаётган бўлса-ю, ҳамон совет методологияси “миллий таълим” деб аталмиш маориф соҳамизни “гуллатиб” турса...

Мен фурсатдан фойдаланиб, бу борада яна шуларни кўшимча қилмоқчиманки, бу фикрларим Президентимиз илгари сурган ғояга ҳамоҳанг. Назаримда, мактаб дастурларини тўлиқ қайта кўриш, бугун муҳимдир. Зеро, дарсликлар савияси, сифати ва мазмун-моҳияти кескин ислоҳга муҳтож. Айниқса, болаларимизга ўқитилаётган тарих, она тили ва адабиёт китоблари мундарижаси ва дарс соатларини ўйлаб кўриш, хусусан, адабиёт дарсликларини қадимги туркий халқлар оғзаки ижоди ва фольклори, ёзма адабиёти намуналари билан янада бойитиш, туркий халқлар тарихини, тилини изчил ўргатиш лозим. Негаки, бизнинг аجدодларимиз шу заминда палак ёйган. Бизнинг чин тарихимиз умумтуркийлар тарихидир. Биз энди туркий халқ ва давлат эканимизни баралла айтишимиз, бундан чўчимаслигимиз керак. Болаларимизга биз “кўпмиллатли” ягона совет оиласида етишган қурама бир қавм эмас, балки ботирлари дунёнинг ярмини измига бўйсундирган буюк бир миллатнинг ворислари эканимизни уқтиришимиз зарур. Шундагина миллий онг, миллий ғурур, ватанпарварлик ва миллатпарварлик деган туйғулар шаклланади, болаларимиз тафаккурида, қалбида томир ёяди.

Биз нима қиляпмиз? Афсуски, ҳали-ҳамон кўрқиб-писиб ўтирибмиз. Энг ачинарлиси, бугунги мактаб дарслиklarининг аксарияти совет даври педагогикаси методологиясидан тўла воз кечолгани йўқ. Ваҳоланки, бу методологиянинг бош мақсади миллат болаларини миллийликдан бегоналаштириш эди... Юқорида келтирганим, тарихчи Шихобиддин Маржонийнинг фикрлари бекорга эмас эди. Зотан, ҳаракатсизликка учраган ҳар қандай жараён таназзулга маҳкумдир.

Таассуфки, мустақиллик йилларида бизда таълим соҳаси шундай тушкунликни бошидан кечирди. Замон шиддат билан ривожланаётган, илм-фан соат сайин тараққий этаётган бир пайтда биз ўзимизга маҳлиё бўлиб ва аждодларимиз тарихий мероси билан ғурурланиб шундай ботқоққа ботиб қолдик. Ҳолбуки, бугун биз энг аъло, деб қараётган таълим дастурлари ҳам кун сайин янгиланиб бораётир. Хусусан, “Alibaba” корпорацияси асосчиси Жек Ма Москва давлат университетида ўқиган маърузасида шундай деган эди:

“Замонавий таълим бугунги куннинг асосий муаммоларидан биридир. Ўқитиш усулларини ўзгартириш керак, акс ҳолда, келажакда бизни жиддий муаммолар кутмоқда. Икки юз йил олдин бизга ҳозиргидай ўргатилган.

Бу билимга асосланган усул. Аммо болаларга машиналар билан рақобатлаша оладиган жуда кўп маълумот бера олмаймиз. Шунинг учун, биз уларга ҳеч қандай машина қила олмайдиган нарсаларни ўргатишимиз керак...

Дунё ITдан DTга қараб ҳаракатланмоқда. Кўпчилик DT нима эканини тушунмайди (худди шундай IT нима эканини кўпчилик билмайди). Ахборот технологиялари (IT) аста-секин маълумотлар технологияси (data technology, DT) томон илдам кетмоқда. Гап энди бошқа технологик янгиланишлар ҳақида кетмаяпти, гап фалсафа ҳақида, вазифаларни бажаришга бўлган ёндашувимиз ҳақида кетмоқда...

Агар келажакка тайёрланмоқчи бўлсангиз, кечаги ўқув методларидан воз кечинг: кўр-кўрона ёдлаб олишга уринманг — компьютер барибир кўпроқ нарсани эслаб қолади. Тезроқ ҳисоблашга уринманг — сиз учун буни компьютер амалга оширади. Ижодкор ва конструктив бўлишни ўрганинг”

...Дарвоқе, шундай. Бу гапларни мен эмас, ахборот ва технологиялар асри, деб бонг урадиган бугунимиз ҳақида шу соҳанинг энг олд мутахассиси айтаётир. Афсуски, бизда кейинги йигирма беш йил ичида нафақат Жек Ма айтаётган истиқболдаги режаларга яқин ўйлаш, балки, ривожланган дунё амал қилаётган таълим стандартларидан ҳам бир неча ўн йил ортда қолиб кетдик. Йиллар давомида бебаҳо меросимиз бўлган, Шарқшунослик институтида сақланаётган боболаримиздан қолган нодир қўлёмалардан етарли даражада фойдалана олмаётганимиз эса юракда бир дарддир. Айни шу масалани давлатимиз раҳбари ҳам ўз маърузаларида ўкинч билан тилга олди:

“Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёмаларга дунё аҳли ҳавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”.

Таълим ва илм соҳасига бундай ёндашув, албатта, мамлакат ҳаёти ва турмушимизда ўз изини қолдирди. Бунинг таъсирини ҳаётимизда, кундалик турмушимизда кўриб турибмиз. Шу маънода, бугун Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистон келажagini маориф ва таълим ҳамда илму

фанда кўраётгани, Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтараётгани мамлакатимиз том маънода янги йўлга ўтаётганини, тарихий шавкати оламни ларзага солган тупроқларимизда яна қудратли бир давлат ва дунё сахнасида ўз сўзини айта оладиган, жаҳон аҳлини ўзига қарата оладиган буюк бир миллат камол топишида қўйилган дадил қадам бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз...

Тарихнинг изми шахслар қўлидадир

Тарих шундай тилсимли, ажойибки, боши берк кўчага кириб қолган, кишилик жамияти жоҳилият ёки таназулга юз бураётган бир пайтда унинг гилдирагини тўғри йўлга солиб юборадиган куч доим ўртага чиққан.

Буни тарихчилар соддагина қилиб “тарихий зарурат” дейди. Ньютоннинг қарийб афоризмга айланиб кетган эллинлар даврига оид “Агар Клеопатранинг бурни озгина қийшиқ бўлганида тарих тамоман бошқа йўлдан кетарди”, деган ҳазиломуз таъкиди тагматнида ҳам ўша “тарихий зарурат” зоҳир эканини кўриш мумкин.

Бу ўринда Ньютонни инкор қилиб бўлмайди. Зотан, маликанинг ақл-идроки дунё тарихига Рим ва Миср тамаддуни деган қўш марваридни бергани айни ҳақиқатдир. Албатта, бу каби буюк уйғониш ва цивилизациялар оёқланишига бундай енгил ва юзаки қараш, ёндашиш хурматсизликдай бўлиши мумкин. Бироқ ҳақиқат шундаки, аксарият ҳолларда дунёни ўзгартирган, унга тартиб ва фасоҳат берган, қуриб бораётган ниҳолга сув қуйиб, унга жон берган “тарихий зарурат” ҳам худди биз унга қараётганимиз каби содда, самимий ва таъмасиз бўлади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “ренессанс” масаласига фавқулодда бугун юзланиб қолгани йўқ. Бу масала, яъни таълим ва илму фанни мамлакат ва жамият тараққиётининг лейтмотиви (асосий ҳаракатлантирувчиси) этиб белгилаш фикри унда азалдан бўлган. Хусусан, у давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлари, 2016 йилнинг 30 декабрида мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашуви айнан шунга ишора эди. Қолаверса, бунинг тарихий асослари ҳам бор. Президентимиз ўз нутқларида келтирган XII ва XV асрларда порлаган икки ренессанс — Уйғониш даври ҳам айнан шу тупроқ — бизнинг ватанимизда бўй кўрсатганини эътироф этган эди.

Амир Темур эл-улусни мўғул истилосидан халос этиб, одил ва беқиёс салтанат тузгани, салоҳиятли ҳарбий мактаб яратгани, бутун бир Уйғонишни бошлаб бергани, шунингдек, Европа тамаддунига йўл очгани ҳам жаҳон муаррихлари томонидан бирдек эътироф этилади.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” XII асрда Европа тилларига таржима қилинганини, университетларда табобат илми беш юз йил давомида шу китоб асосида ўқитилганини ким инкор эта олади?

Хилда Хукхэм “Етти иқлим соҳиби” китобида ёзишича, Британияда XVII асрда қиролнинг биринчи мунажжими иш бошлаган. У Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” асарига таянган ҳолда тадқиқот олиб борган...

Бундай мисоллар кўпдан-кўп.

Фаробий, Беруний, Хоразмий заковати ўша замондаёқ бутун бир оламга ёруғлик улашган. Ёки бўлмаса, Илом оламининг устунлари бўлган Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбандни эсга олайлик. Бу ёқда — Термизий, Мотуридий, Марғиноний... Шоирлар султони ҳазрат Навоий...

Бу мўътабар сиймолар кишилиқ жамияти бешигини тебратиб, тарих ғилдирагини тўғри йўлга солиш учун дунё юзини кўрган, десак, хўш, буним ким рад эта олади?! Шу маънода, бугун дунё Ўзбекистонни том маънода “янги Ўзбекистон” деб атаётгани, Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган сиёсат ва ислохотларни тан олаётгани, олқишлаётгани ва ҳатто ундан улғу олишга интилаётгани одамни хурсанд қилади, албатта.

Юқорида айтганимиздай, тарихни худди сизу бизга ўхшаган оддий одамлар қурган, ўзгартирган. Бундай шахслар, одатда, қатъиятли, фидойи, миллат ва юрт ори, бахту саодати учун, керак бўлса, ширин жонидан кеча оладиган мард ўғлонлар бўлгани равшанлашади тарих китобларини варақлаганингизда.

Бугунги серташвиш ва долғали кунларимизда ҳаётимизга ўша олис ўтмишдаги буюқ уйғониш насимлари эсмоқда, миллатнинг мард бир фарзанди муборак байроғимизни кўтариб, дунё сахнасига чиқмоқда, дейилса, мен бунга ишонаман. Зеро, ҳар бир қаричи бир азиз-авлиёнинг, бир улғу алломанинг, ёки бўлмаса, Тўмарису Широқдай ёвқур ватанпарварларнинг хокипойини бағрига босган шу мўътабар замин ва улғу миллатимиз минг бора бунга ҳақлидир!

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАФФОФЛИГИ ЗАРУР

Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси



Декабрь ойида ўтаётган йил натижаларини сарҳисоб қилиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, янги мақсадларни белгилаб олиш одат тусига кирган. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ислохотлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва инновациялар соҳасида салмоқли натижаларга эришди. Мухтасар айтганда, барча тармоқларда миллий манфаатлар ва халқ фикрини инобатга олган ҳолда изчил ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш жараёнида давлат ҳокимияти органларининг фаолияти қайта кўриб чиқилди. Қонун ҳужжатларига маҳаллий ижро этувчи органлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилди. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ кўрсаткичлар бўйича фаолиятини баҳолаш чоралари кўрилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришганидан буён 90 дан ортиқ давлат муассасаси, жумладан, Транспорт, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш хўжалиги, Мактабгача таълим, Инновацион ривожланиш, Энергетика вазирликлари ташкил этилди ва ислох қилинди. Давлат хизматларини ривожлантириш, Ёшлар ишлари, Коррупцияга қарши курашиш агентликлари иш бошлади.

“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”

Тубдан модернизациялаш ҳақида гапирганда, демократлаштириш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқларни алоҳида тилга олиш жоиз. Бугунги кунда аҳоли ва жаҳон ҳамжамиятини ислохотларнинг бориши тўғрисида кенг хабардор этиш, уларнинг ижроси устидан парламент назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг давлат ва жамиятни ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этиши ўзгаришлар самарадорлигининг гарови бўлмоқда. Шундай

килиб, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида жамоатчилик мурожаатлари институтини ривожлантириш бошланди. Сўнги тўрт йил мобайнида ушбу ноёб механизм орқали фуқаролардан турли йўналишлар бўйича 3,7 миллиондан ортиқ мурожаат қабул қилинди. Президентимизнинг жойлардаги Халқ қабулхоналари аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг фаол тизимига ўтди, ҳудудларда ҳам шундай ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар кучайтирилмоқда.

Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинди ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди. Халқаро экспертлар, хорижий ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳар икки йилда бир марта инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказишга келишиб олинди. 2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон тарихда биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси этиб сайланди. 169 мамлакат республикамизга овоз берди. Айни пайтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро шартномага, жумладан, БМТнинг олтинчи асосий шартномаси ва тўртта факультатив протоколига аъзо.

Давлат қурилиши соҳасидаги таркибий ўзгаришлар Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати самарасидир. Давлатимиз раҳбари фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, дея таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари мансабдорларни очикликка, фуқаролар билан ҳамкорлик қилишга ва юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда уларни қўллаб-қувватлашга чақирди. Зеро, демократлаштириш шароитида давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги зарур бўлиб, бу кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва қуришнинг энг муҳим шартидир. Ҳокимият вакиллари аҳоли билан мулоқоти фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини шакллантиришга ёрдам беради, уларнинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканини асослайди ва бунга ишонтиради.

Демократиянинг муҳим рамзи ҳисобланган сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган жиддий қадамлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Жумладан, 2015 йилда Ўзбекистонда 1400 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, 2020 йилга келиб, улар сони қарийб 1800 тага етди. Бундан ташқари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари ва ташкилотларда олти юзга яқин матбуот хизмати ташкил этилди. Расмийларнинг ижтимоий тармоқлардаги фикр-мулоҳазалар ва аҳоли қўяётган долзарб масалаларга мунтазам муносабат билдириб бориши биз учун одатий ҳолга айланди. Бу эса демократлаштириш соҳасида бошланган ўзгаришларнинг натижасидир. Масалан, ўтган йили Британиянинг нуфузли “The Economist” нашри Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, дея эътироф этди. Шунингдек, республикамиз БМТнинг электрон ҳукумат бўйича рейтингда 87-ўринни эгаллади.

Сўнги йилларда жамиятимизда эришилган яна бир муҳим натижа мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилганидир. Халқаро меҳнат

ташкilotи ҳисоботига кўра, 2019 йилда пахта ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида мажбурий ва болалар меҳнатидан мунтазам фойдаланиш ҳолатлари қайд этилмаган. Ҳосил йиғим-теримида 94 фоиздан зиёд ёлланма ишчи ихтиёрий равишда иштирок этди, талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар ва ҳамшираларни жалб қилиш эса бутунлай тўхтатилди. Шуниси эътиборга лойиқки, бугунги кунда 200 га яқин ННТ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этмоқда.

Коррупция бутун инсониятнинг барқарор ривожланиши учун катта хатардир. Шу боис, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда бу глобал муаммога қарши жиддий кураш бошланди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Таркибига республика олий ва марказий органлари раҳбарлари киритилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига ҳисобот берувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолият бошлади. Муассаса коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ривожланиш йўналишини бошлаб берган стратегия

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2017 йил февраль ойида қабул қилиниши ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки ва ўта муҳим босқичи бўлди. Биз амалда демократик ва ҳуқуқий шаклланишнинг, ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилишнинг янги босқичига ўтдик. Ҳаракатлар стратегияси нафақат ўзгариш ва модернизация қилиш, балки инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга ҳам замин яратди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини юзага чиқариш бўйича Ўзбекистоннинг “йўл харитаси”га айланди ва ҳар бири беш босқичда амалга оширилмоқда ҳамда ҳар бири эълон қилинган йил номига мувофиқ уни амалга ошириш бўйича алоҳида йиллик давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутди. Жорий 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди ва тегишли давлат дастури асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Президентимиз томонидан белгилаб берилган стратегик муҳим дастур ва режалар асосида мамлакатимиз илм-фани рақобатбардошлигини ошириш ва 2030 йилга келиб “Глобал инновацион индекс” рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириш чоралари кўрилмоқда.

Биз бу борада мамлакатимизда минтақанинг таълим марказини шакллантириш вазифасини илгари сурдик ва бир қатор ижобий натижаларга эришдик. Жумладан, педагог касбининг мавқеи ва нуфузи сезиларли даражада

ошди, илмий тадқиқот муассасалари ходимларининг иш ҳақи кўтарилди, ўқув дастурлари такомиллаштирилмоқда, халқаро тажриба ўрганилмоқда. Жорий йилнинг 24 январида Президентимиз парламентга йўллаган мурожаатномасида бундай деди: “Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз”.

Таъкидлаш жоизки, илгарига нисбатан бугунги ёшлар кучлироқ, муносиб таълим олишга интилади. Бу йил, масалан, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олиш учун бакалавриятга 162 364 та ва магистратурага 10 425 та ўрин ажратилди. Олий ўқув юртларида 1 миллион 484 минг абитуриентдан бакалавриятга кириш учун ҳужжатлар қабул қилинди. Магистратурага кириш учун 2019 йилдагига қараганда уч барабар кўп, яъни 78 720 киши ҳужжат топширди. Бу рақамлар ҳақиқий вазиятни акс эттиради: бугун ўғил-қизларимиз олий маълумот олишга, илмли бўлишга кўпроқ интилмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенгайди. Бу мамлакатнинг демократлаштириш, ошкоралик ва очиқлик йўлидан боришга интилишини акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, биз яқин истиқболга мўлжаллаган устувор мақсадимиз — Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кўшишнинг муҳим омилidir. Сўнги тўрт йил давомида нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик жамғармалари ташкил этилди. 2019 йилдан бошлаб келгусида уларнинг фаолиятини амалга ошириш учун маҳаллий бюджетлардан маблағлар ажратилмоқда. Биз хабар бериш тартибини жорий этиш орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар тадбирларини адлия органлари билан келишиш тартибининг бекор қилинишига эришдик, ҳисобот турлари қисқартирилди, НТТ фаолияти мониторинги тартибга солиниб, аниқ муддатлари ва даврийлиги белгиланди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида мустақил Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг янги асослари яратилди, бу эса келгусида юртимизнинг янада равнақ топишига замин ҳозирлайди. Давлат ва жамият ўртасидаги самарали ҳамкорлик ижтимоий-сиёсий фаолиятни фаоллаштиришга ёрдам беради. Ҳозирданок ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятни ҳукумат вакиллари билан муаммоларни очиқ муҳокама қилишга тайёрлашга эришдик. Ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг ўзларини қизиқтирган масалалар ҳақида қанчалик эркин гапираётганига мунтазам гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳар бир оилада мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, мавжуд муаммолар ва уларни ҳукумат қандай ҳал этаётгани фаол муҳокама қилинмоқда. Бу халқнинг ислохотларни амалга оширишда иштирок этишни исташини акс эттирмайдими?

Иқтисодиётни либераллаштириш

Давлатимиз раҳбари бошчилигида сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар билан бир қаторда мамлакатни иқтисодий изоляциядан халос этиш ва миллий иқтисодиётни янада либераллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бунда валюта бозорини либераллаштириш, халқаро иқтисодий тизимлар билан интеграцияни кучайтириш, иқтисодиёт секторида давлат иштирокини камайтириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соғлом рақобатни таъминлашга устуворлик берилди. Ушбу йўналишдаги биринчи қадам 2017 йил 5 сентябридан бошлаб миллий валюта — сўмни эркин айирбошлашни жорий этиш бўлди. Валюта эркинлашувининг амалга ошиши натижасида тадбиркорлар “қўлдан” валюта сотиб олишдан қутилди. Бугунга қадар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи чекловларни олиб ташлаш ишлари давом этмоқда. Шундай қилиб, 2019 йилдан кўчма савдо рухсатномаларини олиш талаби бекор қилинди ва хусусий компаниялар ўртасида битимлар тузиш жараёни сезиларли даражада осонлашди. Бундан ташқари, чет элдан инвестициялар жалб этилмоқда.

Хусусий тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга ёндашув такомиллашмоқда. Масалан, Ўзбекистон ҳудудларида тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари тармоғи пайдо бўлди. Барча вилоятлар марказларида, шунингдек, Нукус ва Тошкентда ҳам, Савдо-саноат палатаси таркибида янги ташкилотлар ташкил этилди. Вазифа эса зарур шарт-шароитлар яратиш ва барча турдаги хизматларни олиш имкониятини тақдим этиш орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни таъминлашдир. Кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда: 2019 йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорлар сони икки баробар, хорижий инвестициялар оқими эса тўрт баробар ошди.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга давлат бўлиб, МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Шундай қилиб, республикамиз нафақат истеъмол бозори ҳажми, балки катта ишлаб чиқариш қувватлари билан ҳам ажралиб туради. Ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун инвестицияларни жалб қилиш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва географиясини кенгайтириш, маҳсулот импортини соддалаштириш бўйича амалий чоралар кўрилди. Натижада ташқи савдо ҳажми тўхтовсиз ўсиб бормоқда, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун шароитлар яратилмоқда. Ташқи савдони либераллаштириш ва самарали бозор иқтисодиётини яратиш мақсадида эса ички бозор учун зарур бўлган саккиз мингдан ортиқ турдаги импорт товарга божхона тўлови ставкалари камайтирилди.

Учинчи Ренессанс пойдевори

Давлатимиз раҳбари замон талабларига жавоб берадиган, шу билан бирга, катта ҳажмдаги сармояларни кўзда тутадиган кенг кўламли вазифаларни белгилаб бермоқда. Ютуқларимиз ҳақида дунё аллақачон билади. Халқаро даражадаги саммитларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нуфузли халқаро ташкилотларнинг юксак минбаридан туриб таклиф қилган ғоялари жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг кучли ва барқарор иқтисодиётга эга замонавий, ривожланган давлатлар қаторига кириш ниятини намойиш этади. Бунинг учун таълим, илм-фан ва инновация соҳасида ислоҳотлар жадал кечмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастури ижроси доирасида Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида жамият ҳаётининг ушбу соҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Болалар боғчалари, мактаблар, шу жумладан, ихтисослашган университетлар билан бирга, хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари сони ортапти. Бунда эртага Ўзбекистон фаровонлигига муносиб ҳисса қўшадиган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб тарбиялашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда таълим соҳасидаги ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Президентимиз ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдеворини қўйди. Бунда биринчи ва энг муҳим янгиликлардан бири 11 йиллик мактаб таълим тизимига қайтилиши бўлди. Бир неча йил ичида мамлакатимиз таълим муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланиб, педагогларнинг илмий салоҳияти ўсди. Бундан ташқари, ўқув жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологиялари фаол жорий этилмоқда. Ҳозирги замонавий мактабни компьютер синфисиз, қизиқарли интерфаол машғулотлар ўтказиш учун гаджетлар билан жиҳозланган кабинетларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Соҳадаги ўзгаришлар ўзининг комплекс ёндашуви билан ажралиб туради, илғор хорижий тажрибалар қўлланилмоқда. Биз, шунингдек, мамлакатда ўқитувчилар меҳнати қанчалик юқори баҳолана бошлаганини кўрамиз. Таълим тизими ходимлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. 2017-2020 йилларда

3056 та умумтаълим мактабида 6 триллион 346 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, 130 та мактаб қурилди, 1383 таси реконструкция қилинди, 1543 таси капитал таъмирланди, 264 мингта ўрин яратилди.

Мактаб таълимидаги ислоҳотлар ўқитувчиларнинг жамиятдаги мақомини ошириш билан бошланди. Бунда уларнинг ишларини оптималлаштириш, иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш, ўқув жараёнига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобига юкламани камайтириш режалаштириляпти.

Давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсатиغا катта эътибор қаратмоқда.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган нутқида: “Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади”, дея таъкидлади. Бунинг эътиборга молик жиҳати яна шундаки, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи лавозимида имзоланган биринчи ҳужжат соҳада давлат бошқарувини такомиллаштиришга, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, уларни мамлакат иқтисодий ўсишининг локомотивига айланган хусусий тадбиркорликка жалб этилишини таъминлайдиган тартибни кенгайтиришга ва ўрнатишга йўналтирилган 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бўлди.

Миллат соғломлиги — юксак ютуқлар гарови

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш ҳам устувор аҳамиятга эга.

Жумладан, сўнгги тўрт йил ичида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини сезиларли даражада ошириш, соҳага илғор ечим, инновация ва технологияларни татбиқ этиш имконини берди. Тиббиёт энг жадал ривожланаётган соҳа ҳисоблангани боис, айнан соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар давлатимиз раҳбари томонидан келгуси йилларда республикамизни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Соҳани тўлиқ рақамлаштириш ва АКТни кенг жорий этиш бошланди, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, мажбурий тиббий суғуртани жорий этишга тайёргарлик кўриш, -касаллик хавф омилларини эрта аниқлаш ва самарали профилактика қилиш бўйича кенг кўламли ишлар давом этмоқда.

Шундай қилиб, биз янги -Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар жадал суръатларда амалга оширилаётганини кўраемиз. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари туфайли мамлакатимиз тиббиёти даражаси сезиларли даражада ошди, чет элда ҳам тан олинаётган натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда патронаж хизмати ҳам янгича ёндашув асосида ташкил этилди. Хусусан, ёлғиз кексалар, имконияти чекланган, сурункали касалликларга чалинган шахслар, бўлажак оналар ва болаларни патронаж хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Оилаларда касалликларнинг олдини олиш ва тиббий маданиятни

юксалтириш борасида салмоқли ўсишга эришилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда нафақат Тошкентда, балки Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро ва бошқа вилоятларда ҳам юрак бўйича мураккаб операциялар, буйрак, жигар трансплантациялари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусий сектордаги шифохоналар сони давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, хусусий секторнинг тиббиётдаги улушини оширишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмлари ҳисобига

5300 дан ошди. Жумладан, ўтган даврда мамлакатимизда Россия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Исроил мутахассислари билан ҳамкорликда 100 дан ортиқ замонавий хусусий клиника ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги етти та университет ва уларнинг тўртта филиали, шунингдек, жаҳоннинг етакчи тиббиёт ва илмий марказлари билан ҳамкорликда очилган 22 та халқаро факультет тиббиёт соҳаси учун малакали кадрлар тайёрламоқда. Ўзбекистон фармацевтика саноати ҳам барқарор ривожланыпти. Истеъмолчиларга арзон нархларда сифатли дори-дармонлар етказиб берилмоқда.

Ҳар йили соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажмининг кўпайиб бориши ислохотлар самарадорлигига хизмат қилмоқда. Масалан, 2017 йилда тармоққа 7,1 триллион сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 12,1 триллион сўмга етди, бу ўтган йиллардагига нисбатан 1,6 баробар кўп дегани.

Шундай қилиб, қисқа давр ичида мамлакатимизда эркин бизнес юритиш учун янги иқтисодий муҳит шаклланди. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган жиддий силжишлар яққол намоён бўлмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсмоқда, фикрлар хилма-хиллиги ва халқ билан мулоқот мустақил Ўзбекистонни изчил ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу, айниқса, инсон ҳуқуқлари, диний эркинликларни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари мавқеини мустаҳкамлаш соҳаларида сезилади. Ушбу жараёнларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, улкан вазифалар ижросини изчиллик билан давом эттириш ва келажак авлод фаровонлиги йўлида амалга ошириш олдимизда турган муҳим вазифадир. Шубҳасиз, бу борада ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган режалар ва белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур салоҳият ва ресурслар етарли. Бизнинг вазифамиз ана шу мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, кўзланган маррага эришиш ва халқимиз орзу қилганидек, юксак тараққий этган янги Ўзбекистонни барпо этишдир.

ХАЛҚИМИЗ МАТОНАТИ, ЁШЛАРИМИЗ ШИЖОАТИ – МАҚСАДЛАРИМИЗГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА АСОСИЙ КУЧ

Салим ДОНИЁРОВ



Ҳар куннинг ўз ҳикмати, қадри ва нуқси бор. Ҳар тонгни яхши ният, эзгу мақсад билан бошлаймиз. Кун сайин улғайиб борамиз. Шу зайл ўз-ўзимизга ҳисобдорлигимиз ортаверади, оила, ватан олдидаги бурчимизни сезинамиз. Эришган ютуқларимиздан руҳланиб, хатолардан хулоса чиқариб яшаймиз. Инсоният учун синовли келган 2020 йил якунида хаёлимиздан шундай ўйлар кечар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида матонатли халқимиз эришган ютуқлар бир-бир кўз олдимиздан ўта бошлайди.

Бу ҳақда сўз борганида, аввало, юртдошларимиз давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини интиқ кутишини айтиш ўринли. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар биримиз йиллик фаолиятимизни, режаларимизни, ҳаёт тарзимизни шу Мурожаатнома асосида белгилаб оламиз.

Кун кеча Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномаси тақдим этилди. Унда 2020 йилда бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, 2021 йил учун устувор вазифалар белгиланди. Поёнига етаётган йилимиз аввалида ҳам анъанага айланган Мурожаатнома йўлланган эди. 2020 йил қанчалик синовли, оғир келган бўлмасин, ютуқларимиз кўплиги барчамизни қувонтиради, албатта.

Ипни ипга қўшсанг, арқон бўлар

Давлатимиз раҳбари 2020 йил бошида Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида “Халқимиз шунга яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, деган эди. Бугун ўзимиз ҳам, дунё халқлари ҳам Ўзбекистондаги хайрли ўзгаришлар гувоҳи бўлиб турибмиз. Гапни қайси соҳадан бошламайлик, барча жабҳада халқчил тизим яратилгани барчамизга кундек равшан.

Айрим мисолларни санаб ўтсак. Мамлакатимизда валюта бозори эркинлашганига 3 йилдан ошди. Ўзбекистонда валютани эркин айирбошлаш йўлга қўйилибди, деган хабар тарқалганида кўпчилик ишончсизлик билдиргани ҳам бор гап. Чунки узоқ йиллар юртимизда валюта сиёсати либераллашмаган, аҳоли “қорабозордан бозор қилиш”га ўрганган, бошқа иложи ҳам йўқ эди. Банклар долларни арзон сотиб олар, фуқароларга деярли

сотмасди. Бугун эса иқтисодиётимизни, умуман, ҳаётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини камайтиришга киришдик.

Яна бир иқтисодий ислоҳот борки, у халқимиз ҳаётига “тоза ҳаво” олиб кирди. Тўрт йил олдин банк пластик карточкамизга тушган пулни нақдлаштириш учун сарсон юрганларимиз эсингиздами?! Пластикда пул бўлса-ю бозор қилолмасангиз, транспортда юролмасангиз, ошхоналарда овқатланишга қимтиниб турсангиз... Шу кунлар ҳам ортда қолди. Ҳозир вазият қандай эканини изоҳлаш ортиқча, бу борада барча муаммолар ечилди.

Гапни ўтаётган йилимиз сарҳисоби ҳақида бошлаб, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгараётгани ҳақидаги ўзанга бурдик. Аслида мамлакатимизда ҳаёт манзаралари йилдан-йил яшнаб бормоқда. Бу ҳақда узок ва мароқ билан гапириш мумкин. Шу боис, биргина Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида эришган ютуқларимиз, синовли кунларимиз ҳикмати ҳақида ўртоқлашсак.

Фарзандларимиз, ёшларимиз — буюк келажагимиз, дейишни қанда қилмадик, лекин уларнинг соғлиғи, таълим-тарбияси, маънавий камолига беъътибор бўлдик. Боғчалар қурилмади, мактаб таълимига беписанд қарадик, ўқитувчи-мураббийларни “зўр бериб” ҳурматсизлантирдик, кўча супуришгача мажбурладик. Шу тариқа келажагимизни, мамлакатимизни жар ёқасига судраб кетаётганимизни, минг афсуски, билмадик ёки кўз юмдик.

Бу кунлар ҳам тарихга айланди. Президентимиз 2020 йил бошидаги Мурожаатномасида болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини 60 фоизга етказиш вазифасини қўйган эди. Шунга эришдик, яъни бу кўрсаткич ўтган 4 йилда 2 баробар ортиб, мўлжалдаги фоизга етди. Нафақат етди, балки боғчалар, умуман, таълим-тарбия муассасалари сони ва сифати ошди, фаолияти тубдан ўзгарди. Жамиятда ўқитувчи нуфузи тикланди. Бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари аввал бошданок иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларни белгилаб берган эди. 2020 йилда эса макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш бу ислоҳотларнинг бош мезонига айланди. Албатта, ютуқларимиз кўп бўлди. Улар ҳақида гапиришдан олдин эса ҳамон дунёни ларзага солиб турган коронавирус пандемияси билан боғлиқ манзараларга тўхталиш ўринли.

Инсоният ғоят синовли йилни яшаб ўтди. Коронавирус энг ривожланган, қудратли давлатларни ҳам шошириб қўйгани айни ҳақиқат. Миллионлаб одамлар бу касалликни юқтириб олди, минг-минглаб кишилар ҳалок бўлди, иқтисодиётга жиддий зарар етди, ишсизлар сони кескин ошди.

Мамлакатимизга коронавирус инфекцияси кириб келган дастлабки кунларни яхши эслаймиз. Юртдошларимиз таҳликага тушиб, ваҳимага берилиш ҳолатлари кузатилди. Озиқ-овқат нархи кескин ошармиш, тақчиллик бўлармиш қабилдаги асоссиз миш-мишлар урчиди. Бундай вазиятда оқил-она, узокни кўзлаб, энг мақбул қарор қабул қилиш фуқаролар тақдирини, мамлакат келажагини белгилаши аниқ эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев

шундай истиқболли йўлни танлади. Донишманд халқимиз ҳам оғир кунларда бирлашди, ҳамжихатлигини, меҳр-оқибатли, саховатли эканини намоён этди.

Албатта, ҳеч кимга осон бўлмади, лекин саноқли давлатлар қаторида бу синовларни енгиб ўтаётганимиз бизга куч-қувват бағишляпти. Таъкидлаш жоизки, шундай оғир кунларда ҳам давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик сиёсати туфайли хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошимиз юртга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди. “Меҳр-3” инсонпарварлик операцияси доирасида Сурия давлатидан 98 юртдошимиз, асосан, аёллар ва болалар Ватанга қайтарилди. Бу ҳамюртларимиз бугун Ўзбекистондек тафтли давлат ҳимоясида, шу юртнинг фуқароси бўлганидан фахрланиб яшаётган бўлса, не ажаб.

2020 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг сарҳисобига қайтсак, пандемия аввалида бошланган хавотирлар асоссиз эканига яна ишонамиз.

Аввало, еврооблигациялар ҳақида. Экспертлар мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари тобора яхшиланиб бораётгани ҳақида айтмоқда. Бунда еврооблигациялар муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз топшириғи асосида биринчи марта Ўзбекистон ҳукумати 1 миллиард долларга тенг қийматли суверен еврооблигацияларни 2019 йил февралда Лондон фонд биржасига жойлаштирган эди. 2020 йил 20 ноябрь куни эса иккинчи марта 10 йиллик муддат билан 555 миллион АҚШ доллари ва 3 йиллик муддатга 2 триллион сўмлик еврооблигациялар муомалага киритилди. Бу билан -Ўзбекистон қимматли қоғозлар ва қоғоз пул чиқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат сифатида дунёга очилди, инвестицион лойиҳаларни молиялаш, барқарор иқтисодий сиёсат юритиш учун замин яратилди.

Оғир пандемия шароити бўлишига қарамай, 2020 йилда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар, инфратузилма объектлари барпо этилди. Яқинда иш бошлаган Тошкент металлургия заводининг ўзида 700 га яқин юртдошимиз меҳнат қилади. Турдош тармоқлар билан ҳисоблаганда эса

5 мингга янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин. Бу заводда йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси, ер усти метроси фойдаланишга топширилиши ҳам иқтисодий барқарорлигимиз тимсоли бўлди. Бу нафақат ҳамюртларимиз, балки чет элликларда ҳам ҳавас уйғотди. Пандемия шароити бўлишига қарамасдан юртимизда амалга оширилган бу каби курилиш, бунёдкорлик ишлари

2020 йилдаги кудратимиз рамзи бўлиб қолиши шубҳасиз.

Янги ҳаёт — янги орзулар сари йўл

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га — уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, яратган ҳам рози бўлади, деган эди Президентимиз 2020 йил учун тақдим этган Мурожаатномасида.

Мустақил ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистонда аҳоли учун бугунгидек арзон ва сифатли кўп қаватли уйлар қурилмагани гувоҳи бўлиб келдик. Аслида муқим бошпанасиз, ижарама-ижара сарсон, мудом хавотирда яшашнинг нақадар оғир эканини кейинги тўрт йилда қурилган файзли уйларда яшаётган юртдошларимиздан сўраш керак.

Бугун минглаб ана шундай оилалар “кичик ватанли” бўлди. Уларнинг қалби ёришди, ғуборлар кетди. Юрт учун, тараққиётимиз учун ёниб меҳнат қилмоқда, хавотирсиз яшамоқда.

Фуқаролик бериш тизимидаги ислохотларни ҳам эслайлик. -Президентимиз 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, хусусан, мамлакатимизда узоқ вақтдан буён яшаб келаётган, лекин

Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган юртдошларимизнинг бу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 октябрдаги “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам бу масалага эътибор қаратилганди.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилга қадар 482 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга фуқаролик берилган бўлса, 2016 йил декабрь ойидан буён Президентимизнинг тегишли фармонлари билан 16 мингдан ортиқ юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди.

1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга 2020 йилдан Ўзбекистон фуқаролигини тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланди. Бу билан юртимизда яшаб келаётган 50 минг нафардан ортиқ юртдошларимизга фуқаролик олиш имконияти яратилди.

Президентимиз 2021 йил учун тақдим этган Мурожаатномасида бу борадаги ишларни давом эттириш вазифасини қўйди. Эндиликда 2005 йилгача мамлакатимизга кириб келиб, доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш таклифи билдирилди. Бу ўзгариш билан 20 минг киши Ўзбекистон фуқароси бўлиш шарафига муяссар бўлади. Шунингдек, бундан буён юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини беришнинг доимий тартиби жорий этилади.

Бу ислохотлар, биринчидан, Ўзбекистон бағрикенглик тамойили асосида ривожланаётгани далили бўлса, иккинчидан, ва энг муҳими, неча-неча йиллардан буён юртимизда фуқаролик олиш орзуси билан яшаб келаётган минглаб шахсларнинг янги ҳаётга умидини шуълалантиради. Қолаверса, узоқ

йиллардан буён ватанимизда яшаб, фуқаролик ололмаган юртдошларимизнинг асосан Марказий Осиё давлатларидан келганини ҳисобга олсак, қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Президентимиз шунга уйқаш яна бир бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилини бошлаб берди. Бу — билиб-билмай жиноят йўлига кирган фуқароларни афв этиш. Кечиримлилик намунасининг мамлакатимиздаги янги кўриниши ҳар бир шахс билан алоҳида ишлаш механизми жорий этилаётанидан далолат. Бу орқали вақтида адашиб, кейинчалик тузалиш йўлига ўтган, лекин жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган кўплаб фуқаролар, айниқса, аёллар ва ёшлар яна соғлом ҳаётга қайтмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг ўзида 616 нафар фуқаро афв этилди. Улар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаяпти. Ҳар бири маҳалла, ички ишлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари эътиборида бўлиб, ишга жойлаштириш, ҳаётга мослашиши назоратга олинган.

Ёшлик завқи, саломатлик қуввати билан...

Давлатимиз раҳбари аввалги Мурожаатномаларида ҳам, ҳудудларга ташрифлари, аҳоли билан учрашувлари чоғида ҳам, йиғилишларда ҳам доим тилга оладиган, куюнчаклик билан тарғиб этадиган масала — бу, ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг соғлом камолоти, аҳолининг соғлиғини сақлаш муаммолари бўлиб келади.

Мамлакатимизда 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шу олий мақсадлар ҳикмати мужассам.

2020 йилда бу жабҳада мутлақо янги тизимлар иш бошлади. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратамиз. Бу орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Боғчалар сони 14 мингдан ошди, янги мактаблар қурилди, янги олий ўқув юртлари очилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида квота асосида қабул қилинди.

Жойларда Президент ва ижод мактаблари фаолият бошлади. Уларда таҳсил олаётган иқтидорли йигит-қизларимиз бугун дунёга ўз сўзини айтмоқда.

Президентимизнинг яқинда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ҳам бу жиҳатлар алоҳида тилга олинди.

Ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлашини айтиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов, Темур Сулаймонов, Намангандаги мактабдан Мироншоҳ Иномжонов ва Азимжон Алижонов ҳамда бошқа кўплаб ўқувчилар муваффақиятларини эътироф этиб, уларнинг устозлари ва ота-онасига миннатдорлик билдиргани ҳам тенгдошларига фахр бағишлади.

Айтиш жоизки, айна форумда Президентимизнинг йигит-қизларимизга ишончи, уларни қўллаб-қувватлаш борасида билдирган фикрлари Ўзбекистон ёшлари ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Бу барчамизда “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...” деган ҳавас уйғотди.

Пандемия сабоқлари асосида аҳоли саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича ҳам самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг учун катта миқдорда бюджет ва ҳомийлик маблағлари жалб этилди. Қишлоқ жойларда тиббий хизмат кўрсатиш тизими ислохотлари кўр олган. Тиббиёт ходимларини рағбатлантиришнинг янги механизми жорий этилди ва янада такомиллашмоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги нуфузи ҳам юксалиб бормоқда. 2020 йилда Президентимиз илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслар хорижий давлатлар раҳбарлари, халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлагани бутун дунё ўзбеклари учун ҳам фахрли ҳодиса сифатида тарихга муҳрланди.

Бу сессияда давлатимиз раҳбари ёшлар, хотин-қизлар масалаларига доир таклифларни илгари сурди. Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, пандемия шароитида дунё мамлакатлари билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш, глобал иқлим ўзгаришлари, камбағалликка қарши курашиш каби йўналишларда қатор таклиф ва ташаббусларни билдирди. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин маъқулланди.

Маълумки, Ўзбекистон 2020 йилда МДҲга раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олди. Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабрь куни бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ўзбекистон етакчиси томонидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида илгари сурилган қатор таклифларга иштирокчи Президентлар илиқ фикрлар билдирди.

Янги йил остонасида турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида бу йилда ҳам катта марраларни кўзлаганмиз. Бу ёшлар сиёсати, соғлиқни сақлаш, маданий-маърифий йўналишдаги ишларни давом эттириш, маҳалла, суд-ҳуқуқ, мудофаа тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, коррупцияга барҳам бериш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Энг асосийси, пандемия шароитида барча йўналишда қандай ишлаш кераклиги бўйича яхши тажрибага эга бўлдик. Буёғига

Президентимизнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни аҳиллик, ҳамжихатликда, мақсадимиздан ҳеч оғишмай кўтаринки руҳда бажарсак кифоя.

ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАСИЗ

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОЕВА** билан ушбу жараёндаги ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— **Танзила Камоловна, аввало сизни қутлуғ байрамимиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Қисқа фурсатларда Сенат Раиси сифатида сенатни уйғота олганингиз, ҳар бир масалага жиддий ёндашувингиз юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлган.**

— Раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларни ушбу айём билан -табриклайман. Аёл қачон байрам қилади? Оиласи тинч, фарзандлари соғлом бўлиб, ишхонасидаги ҳамкасблари уни тушунса... Ҳа, бугунги замонавий ўзбек аёлининг нафақат оиласи, балки иш жойи ҳам кўнгилдагидек бўлиши зарур. Ахир, ўтган йилнинг ўзида ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида катта ишлар амалга оширилди.

— **Дарҳақиқат, 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши жуда муҳим воқеа бўлди. Энди бу қонунларнинг ижросини таъминлаш лозим. Шундай эмасми?**

— Аввало, ушбу қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш жараёни қизгин тортишувлар ва муҳокамаларга бой бўлди. Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти қурилишида, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланишида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш энг муҳим омилдир. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтда давлат бошқарувида аёлларнинг салмоғи етарли эмас. Бу салоҳиятли аёллар сони камлигидан эмас, балки уларнинг кўпчилиги оиласидан ортиб ўзини кўрсата олмаётганидандир.

Яна бир муҳим масала, бу жамиятимизда, афсуски, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар учраб турибди. Бунинг асосий сабаби оилада тарбияга ва маънавиятга эътиборсизлик, ишсизлик. Шуни айтиб ўтишим лозимки, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган айнан шу икки қонуннинг ижро этилиши Сенатнинг доимий диққат марказида бўлади. Мазкур қонунларнинг ижросини таъминлашда парламент назоратини ўрнатиш жуда муҳим. Биз бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга, муурожаатларни қабул қилишни осонлаштиришга катта эътибор қаратяпмиз.

Ўзбекистон 1995 йили Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (CEDAW) қўшилди. Ушбу конвенциянинг бешинчи моддасида гендер стереотиплари, яъни

жамиятда аёллар ва эркекларнинг ўрни тўғрисидаги қолип тушунчалар билан курашиш зарурати алоҳида қайд этилган. Бунинг учун эса аҳолининг турли қатламлари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, қонунларнинг асл моҳиятини одамларга етказиш зарур.

Бу йўналишдаги кейинги қадамларимизга келсак, ҳозир Ўзбекистон Респуб-ликасида Гендер тенг-ликка эришиш 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси устида иш олиб бориляпти. Бу ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик орасида ҳам кенг муҳокама этилмоқда. Унинг қабул қилиниши бу борада самарали натижаларга эришишга хизмат қилади.

Қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар ҳануз талаб даражасида эмас. Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳар бир юртдошимиз, у ким бўлишидан қатъи назар, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросининг тўғри ташкил этилиши учун курашиши керак.

— Хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлардан кўнглингиз тўляптими?

— Чекка жойлардаги хотин-қизларимизнинг аксарияти бошига не-не машаққатлар тушган бўлса-да, мушкулини осон қилиш учун, биринчи ўринда, ўзида ҳуқуқий саводхонлик кучли бўлиши кераклигини ҳали тўлиқ англаб етганлари йўқ. Шу боис улар оддий муаммолар қаршисида эсанкираб қолишмоқда. Ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини билмайди. Ҳуқуқий саводхонлик ҳозирги кунда энг оғриқли мавзу бўлиб қолаётгани барчамизни ташвишлантириши зарур. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласида барча соҳаларнинг, айниқса янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Бундан ташқари, халқ қабулхоналарига мурожаат қилаётган хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида уларнинг муаммоларини сансалорликка солмай, кўз олдимизга ўз онамиз, опасингилларимизни келтириб, юракдан, албатта, қонунлар доирасида кўриб чиқишимиз зарур.

— Сенат Раиси сифатида иш бошлаган илк кунларингизданок сизни журналист ва блогерлар муаммоларни дадил айта оладиган раҳбар сифатида тилга ола бошлашди. Муаммоли вазиятларда ҳар доим ҳам ўзимда жасорат топа олганман, дея оласизми?

— Бу жараёнда инсон жасоратли бўлиши учун ўша вазиятни чуқур ҳис қила олиши керак. Айнан раҳбарлик фаолиятим давомида ўзим англаб етган масаланинг ечимини топишда ҳеч қандай тўсиқ ва қаршиликлардан ҳайикмай қадам ташлаганман. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб юрган пайтларим эди. Бир куни ижтимоий тармоқдан бир журналист

менга шундай муносабат билдирибди: “Танзила опа, сиз ўзингиз муҳим деб билган кадамни ташлашда тепадаги раҳбарлар фикрини эмас, ҳаёт чиғириқларида адашган шу оддийгина ва айна пайт-да ҳимоясиз қолган аёлни қўллаб-қувватлашни муҳим деб билдингиз”. Биласизми, шу биргина эътироф бутун фаолиятимдаги ютуқларимдан қадрли десам, адашмаган бўламан. Тўғри таъкид-ладингиз, мен доим ижтимоий тармоқлардан бохабар бўлишга ҳаракат қиламан. Блогерларнинг фикрларини ҳам ҳурмат қиламан. Ҳатто уларнинг танқидларидан куч оламан. Чунки бу эътирозлар, шикоятлар юртимизда яшайдиган фуқаронинг фикри эканлиги билан мен учун эътиборга молик ҳисобланади.

Сенат Раиси сифатида гоҳида бир нарса мени қийнайди. У ҳам бўлса, айрим инсонлардаги эскича фикрлаш тарзи ва ишга бўлган муносабат. Ҳозир бизда аввалгилар билан солиштириб бўлмайдиган даражада имкониятлар кўп. Бу нафақат раҳбарлар, балки ҳар бир юртдошимизга тегишли. Барчамиз яхши англашимиз керакки, ҳеч кимнинг меҳнати сояда қолиб кетмайди. Мен касбий маҳоратга эга ва виждонли инсонларни қадрлайман. Ҳар қандай йўналишдаги муваффақият ходимларнинг интилиши ва жамоадаги муҳитга боғлиқ. Жамоа бўлиб фаолият кўрсатиш жараёнида мус-тақил фикрини билдириб, ўз позицияси учун астойдил курашадиган ходимларни рағбатлантиришга ҳаракат қиламан.

Тан олишимиз керак, Ўзбекистонда сиёсий йўналишда ишлашга қарор қилган аёл кишининг йўли осон эмас. Жамиятимизда ҳокимият идораларида раҳбарлик қилиш фақат эркекларнинг иши деган эскича фикр илдиз отган. Қандай лавозимни эгалламай, мени ҳеч қачон “аёл киши” деб сийлаб ўтиришмаган. Аксинча, аёл киши бу лавозимга муносиб эканлигини исботлаш учун икки ҳисса кўпроқ ишлашимга тўғри келган. Сиёсат майдонида бу яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Сиёсатчи бўлиш масъулиятни чуқур англаб етган ҳолда доим мукамалликка интилишни, мулоқотда муросали бўлишни, бажараётган ишингизда сифат ва натижадорликни таъминлашни талаб қилади.

— **Кўйлик бозоридаги мардикор аёллар бўйича Сиз бошчилигингизда ўтказилган тадбирда мен ҳам қатнашган эдим. У пайтда Сиз Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлар эдингиз. Тўғриси айтсам, тадбир бошидаёқ муҳим йиғилиш борлигини баҳона қилиб кетиб қолсангиз керак, деб ўйлагандим. Бироқ сиз минбарга ҳам чиқмай, улар билан яқиндан суҳбатлашиб, охириги мардикор аёлнинг муаммоси ҳал бўлгунича ўша ерда бўлдингиз. Уйсиз, ишсиз ва эътиборсиз қолган хотин-қизлар билан суҳбатлашганингизда нималарни ҳис қилдингиз? Бундай аёлларнинг муаммолари тўлалигича барҳам топиши учун яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?**

— Аёл билимли, заковатли ва тадбирли бўлса, ўша жойда муҳит ўз-ўзидан изга тушиб кетаверади. Бундай аёлларимизни қийнаган барча муаммоларнинг илдизи, биринчидан, уларнинг ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишлари учун журъати етарли эмаслиги, иккинчидан, жойларда уларга

етарли имкониятлар, шароитлар яратиб берилмаётганлигидандир. Бирор хунар ёки касбни ўрганиш учун ҳам укув, кимнингдир далдаси керак. Майли, тақдир туфайли улар қийинчиликка учради, дейлик, лекин ўша аёлларнинг атрофида биз бормиз-ку! Нега бунчалар бепарво бўлиб кетганмиз. Куни кеча телеканалларимиздан бирида эри уриб ўлдирган аёлнинг отаси, қизимнинг оиласи бузилмасин деб урса ҳам эрининг уйига ташлаб келган эдим, деб интервью беряпти. Агар ўша аёл билимли, касб-корли, ишлаб рўзғорни тебратишда фаол бўлиб, керак бўлганда, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олганида бундай фожиали воқеа бўлмасиди. Шунинг учун ҳам биз қизларимизни болалигидан бошлаб ҳуқуқий ва иқтисодий мустақил бўлишга ўргатиб боришимиз керак.

Мардикор аёллар мени ҳамиша безовта қилиб келган. “Аёл йиғлаган юртда ор йиғлайди ҳамиша”, дея бежиз айтилмаган. Хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топиши, қадрли ва азиз бўлиши учун уларни ор-номусли, ғурурли эркаклар ва маҳалла-қўй қўллаб-қувватлаши керак. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз нутқларида кўп бора таъкидлаб ўтганлар. Биз жойлардаги муаммоларни ўрганишда шуни аниқладикки, ҳозирда ишсиз аёллар бандлик хизматлари келтирган рақамлардан уч баробар кўп. Шу сабаб муаммоларни ҳал қилишда, асосан, аёлларни иш билан таъминлашга кўпроқ аҳамият беряпмиз. Уларни иш билан таъминлаш жараёни тўрт йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчи йўналишга кўра, давлатимиз томонидан ажратилган бандлик бўйича алоҳида дастурлар бор. Ушбу дастурларда аёллар учун махсус ажратилган иш ўринлари мавжуд. Иккинчидан, ҳар бир корхона ва ташкилотларда бўш ўринлар бўлади. Мана шу иш ўринлари ишсиз аёлларга тавсия қилинмоқда. Учинчидан, корхона ва ташкилотларда давлатимиз томонидан квоталанган иш ўринлари бор. Бу квоталанган иш ўринлари одатда кўп болали аёллар, ногиронлиги бор фуқаролар, жазони ўташ жойларидан қайтганлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун ажратилган бўлади. Ушбу иш ўринларига ҳам аёлларимиз ишга жойлаштирилмоқда.

— Президентимиз шу йилнинг 2 март куни “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унда 2020 йилда Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятига фуқаролар мурожаатлари асосида Интернет тармоғида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш амалиёти ҳамда сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизимини жорий этиш белгиланган. Бу каби имкониятлар замирида халқимиз учун қанчалар енгиллик ва имкониятлар борлиги ҳозирданок бизни қувонтирмоқда...

— Албатта, бу янгиликлар барчамиз учун қувонарлидир. Бу дегани, оддий қилиб айтганимизда, мурожаатлар ва муаммолар сониялар ичида мутасадди ходимлар эътиборида бўлади.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи “Электрон парламент” тизими жорий этилади. Ушбу тизим орқали Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти йўлга қўйилади.

Давлат дастурида Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини “намунали Кенгаш” сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилиши ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилиниши ҳам белгиланган. Хўш, бу нима беради? Бу, аввало, маҳаллий Кенгашнинг ижро ҳокимиятидан айро ишлашига замин яратади. Маҳаллий кенгаш ижро ҳокимиятидан холи ишлаганда ҳар бир депутат мавқеи, вазифалари, масъулияти нимадан иборат эканлиги бўйича қўшимча билим ва таж-риба талаб этилади. Бу жараёнларга тайёргарлик ишлари Мурожаатнома эълон қилинганидан сўнг сенаторлар томонидан бошлаб юборилган.

Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан сенаторлар шаҳар ва туманларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар комиссиялари раислари билан ўқув-семинарлар ўтказиши йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Жорий йилнинг август ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими ҳам белгиланган. 2020 йил 1 июлга қадар ишга туширилаётган “Mening fikrim” веб-порталининг мобиль иловаси келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётгани ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолининг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришиш муҳим эканлигини бежиз таъкидламади. Зеро, “Электрон парламент” мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Ушбу тизим парламент ва сайловчилар ўртасида самарали -мулоқотни йўлга қўйишга, жойларда вакиллик органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ижро ҳокимияти органлари устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга имкон яратади. Шу билан бирга, у парламент фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, унинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутаяди.

— **Тарихимизда кўплаб жасоратли, матонатли ва билимли ўзбек аёллари ном қолдирган. Уларнинг қайси бирига ҳавас қиласиз?**

— Шу ўринда Нодирабегимнинг мана бу мисраларига эътиборингизни қаратмоқчиман:

Мақсад на эди жаҳона келдинг,

Кайфиятингни баён этиб кет!

Бизнинг момоларимиз ана шундай юксак мақсадли, баланд шахдли ва билимли аёллар бўлишган. Айниқса, Нодирабегим нафақат ўзбек мумтоз адабиётида ўчмас из қолдирган шоира, балки доно сиёсат арбоби сифатида ҳам ном қозонган. Ўттиз ёшида бева қолиб, тахтга ўтирган 12 ёшли ўғлининг асосий маслаҳатчиси бўлган бу иродали ва қатъиятли аёл сиёсат майдонидаги йигирма йиллик фаолияти мобайнида Қўқон хонлигининг гуллаб-яшнашига сабабчи бўлган.

Ўзбек аёлига тимсол бўла оладиган аёлларимизнинг ҳар бирига ҳавас қиламан. Тарих саҳифаларини варақлаганимда Тўмариснинг жасорати, Бибихонимнинг заковати, Увайсийнинг халқпарварлиги, Анбар отиннинг маърифатпарварлиги, Гулбаданбегимнинг нафосати мени ҳамиша лол қолдиради. Олима аёлларимиздан Музайяна Алавия, Суюма Ғаниевалар олиб борган илмий тадқиқотларни жуда юксак баҳолайман. Айни пайтда ўзбек кизларининг ичидан дунё ҳамжамияти эътирофидаги билимли вакиллар етишиб чиқа бошлаганидан ниҳоятда хурсандман. Ўзбеклар орасида биринчи бор Колумбия университетининг tenure track позицияси, яъни умрбод профессорлик лавозимиغا Азиза Шоназарованинг қабул қилинганлиги барчамизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. У “Ўрта асрлардаги Марказий Осиёда гендерлик тарихи ва аёллар диндорлиги” мавзусида АҚШнинг Индиана – Блумингтон университетида докторлик диссертациясини ёқлаган. Иккита йўналишда (диншунослик ва Марказий Осиё тарихи) PhD — фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олган.

Ёки бошқа мисол. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2-босқич докторанти саналувчи Нигора Ҳақимова 2019 йил сентябрь ойидан буён Буюк Британиянинг Chevening дастури асосида Оксфорд исломшунослик марказида илмий изланиш олиб борапти. У Тошкент ислом университетида ислом ҳуқуқи йўналишида бакалаврият ва магистратурада таҳсил олиб, сўнг университетнинг Ислом ҳуқуқи кафедрасида ўқитувчи, Исломшунослик илмий-тадқиқот марказида илмий ходим, Хадичаи Кубро аёл-кизлар ўрта махсус билим юртида ўқитувчи сифатида фаолият олиб борган.

Аслида ўзбек оиласида камол топаётган ҳар бир қизимиз ана шундай юксак марраларни забт этиш салоҳиятига эга. Фақатгина уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун, аввало, ота-оналар, қолаверса, бутун жамиятимиз қўллаб-қувватлаши керак. Давлатимиз гендер сиёстисининг асосий мақсади ҳам айна шу эзгу мақсадга қаратилган.

Суҳбатимиз сўнгида яна бир бора баҳор айёми, гўзаллик тантанаси бўлмиш 8 март халқаро хотин-қизлар куни билан юртимизга тинчлик-омонлик сўраб дуога қўл очган момоларимизни, фарзандлари камолини кўриш орзусида сидқидилдан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз, илм-маърифат йўлида изланаётган оқила, ташаббускор ва меҳнатсевар қизларимизни самимий муборакбод этаман.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА
суҳбатлашди.**

ЗИЁЛИЛАР ОРЗИҚИБ КУТГАН ҲУЖЖАТ

Жаббор РАЗЗОҚОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Дунё тамаддунида китобнинг ўрни ва роли катта. Инсоният тарихи, бугунги ҳаёти ва келажаги ҳақидаги фантастик саргузаштлар ҳам китобларда мужассам. Жаҳон ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига чиқаётгани ва электрон технология юксалаётгани сари китоблар ҳам ўзининг аҳамиятини турли кўринишда намоён этмоқда. Юртимизда бундан қарийб 150 йил муқаддам тошбосма (литография) орқали илк замонавий китоблар чоп этилган бўлса-да, унинг аҳамияти бир сония ҳам сўнганича йўқ. Энг қадимий қўлёзма китоблар орқали дунё тамаддунида алоҳида ўринга эга бўлган бу муқаддас замин ХХI асрга келиб янада ўзининг бўй-бабини кўрсата бошлади.

Мустақилликдан сўнг ўтган қарийб 30 йил давомида китобат соҳасига — ноширликка жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин бозор иқтисодиётининг кескин талабларими ёки маънавият соҳасига бўлган эътиборсизликданми — соҳа қашшоқлашиб, жар ёқасига келиб қолган эди. Тўғри, китобларни замонавий дизайн талаблари асосида чоп этишга хизмат қиладиган матбаа ашёлари, техника воситалари бирмунча яхшиланди. Кўзга ташланадиган китоблар ҳам нашр қилинди. Лекин китоблар оммалашмади, республиканинг барча ҳудудига етиб бормади, китоб савдоси тизими батамом издан чиқди. Шу сабабли китобларнинг адади тубдан пасайиб кетди. Бир пайтлар китоблар 3–5 минг нусхада чоп этилганда харидоргир бўлмаслиги эътироф қилинган бўлса, эндиликда улар ҳатто 100–200 нусхада чиқадиган бўлиб қолди. Натижада китоблар нархи жуда ошди. Эндиликда китоб дўконларида бир неча юз минг сўмдан сотилаётган китоблар одатий ҳолга айланди. Китоб сотиб олишга ҳар кимнинг ҳам қурби етмай қолди. Бир пайтлар китобнинг асосий харидори ва тарғиботчиси бўлган ўқитувчиларнинг қарийб 70–80 фоизи китоб сотиб олмаяпти. Улар, асосан, фақат дарсликларга боғланиб қолгани оқибатида халқ таълими тизимида ўқитиш услуби замон талабларидан анча орқада қолди.

Бундай салбий оқибатларни бартараф этиш, китоблар нашр этишни тубдан яхшилаш ва бу муҳим соҳани ислоҳ қилиш мақсадида Ўзбекистон Президенти “Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривож-лантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарор соҳада ҳозирги кундаги ишлар аҳволи, матбаа ва ноширлик ташкилотлари ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш, муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини чеклаш, дарсликлар ва

Ўқув-методик мажмуаларни чоп этиш тартибини қайта кўриб чиқишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ушбу қарор билан ноширлик ва матбаа соҳасида давлат аралашувини кескин камайтириш, нашриёт ва матбаа соҳасида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, таълим муассасалари учун сифатли дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар етказилишини таъминлаш мақсадида белгиланган бир қатор чекловлар бекор қилинмоқда. Масалан, республика бюджети ва мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар нашр этишда нархларни давлат томонидан тартибга солиш (рентабелликни чеклаш даражаси) бекор қилиниши нашриётларнинг иқтисодини анча кўтаришга хизмат қилади ва бу оммавий китоблар нашр этилишига жиддий ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ноширлик фаолиятини лицензиялаш ҳамда матбаа фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиблари бекор қилиниб, ноширлик ва матбаа фаолиятини бошлаганлиги ҳақида ваколатли давлат органини хабардор этиш тизими жорий этилиши ушбу субъектлар зиммасига ўта жиддий масъулият юклайди. Эркинлик бериш яхши, лекин китоб нашр этиш катта тажриба ва маҳоратни, талабчанликни талаб этади. Бу, айниқса, хусусий нашриётларга тегишли. Улар зиммаларида -нақадар -катта вазифа, масъулият турганини ҳис қилишлари керак.

Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” фондига ажратмаларнинг бекор қилиниши ҳам катта ҳажмда фаолият юритадиган нашриётларнинг иқтисодини мустаҳкамлайди.

“Ўзбекистон” НМИУ, Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, “Ўқитувчи” матбаа уйи каби давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши давр талабидир.

Дарҳақиқат, энди ноширлик ва матбаачилик билан жиддий шуғулланишга тўғри келади. Бу касбни мукамал эгаллаш учун, аввало, етук журналистика мактабини ўташ керак. Илгарилари шундай бўлган. Кўпгина устоз ноширлар газета ва журналларда 4-5 йил ишлаб, тажриба орттириб, ўзбек тилининг имло қоидаларини амалда синовдан ўтказиб, ижодда қайнаб-тошиб ишлаб, газетачиликнинг бутун синовларини бошидан ўтказиб, кейин нашриётларга ишлаш учун келганлар. Ҳозирги кунда ўзбек адабиётида тан олинган етук адабиётшунослар, ёзувчи-шоирлар ана шу мактабни тўла-тўқис ўтаганлар. Ўткир Ҳошимов, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Ғофуров, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуф каби устоз ижодкорларни тилга олиш кифоя. Улар кейинчалик ўз ижодий ва меҳнат фаолиятларини нашриётлар билан боғлаганлар. Уларнинг ноширлик ишларидаги муваффақиятларини кўпчилик фахр билан тилга олади.

Эндиликда кўп йиллар орзу бўлиб келган хусусий ноширликка имконият эшиклари очилди. Мустақилликкача республикамизда бармоқ билан санарли давлат нашриётлари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 150 дан ошди. Лекин ноширликка кенг йўл очилди-ю, ўта масъулиятли бу соҳанинг ишлари замон талаблари даражасига кўтарила олмади. “Ўзбекистон” НМИУ, “Шарқ” НМАК, Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, “Ўқитувчи” матбаа уйи ҳамда “Академнашр”, “Истиқлол”, “Янги аср авлоди”, “Ҳилол нашр” сингари айрим хусусий нашриётларни тилга олмаганда ишлар анча сусайиб кетди. Бу соҳага ўта масъулиятсиз, фақат фойдани ўйлайдиган, ноширлик ишидан батамом беҳабар кимсаларнинг кириб келиши сабабли ноширлик таназзулга йўл тутди. Мазмунан саёз, миллий урф-одатларимизга ёт, олди-қочди воқеаларга бой Ғарб ҳаётини тарғиб қилувчи китобларнинг ғиж-ғиж хатолар билан нашр этилиши ҳақиқий муштарийларни адабиётдан, мутолаадан бездириб қўйди.

Президентимиз қарори ношир ва матбаачиларга замон талаблари даражасида фаолият юритиш учун кенг имкониятлар яратди. Эндиги вазифа соҳага хорижий ҳамкорларни жалб қилиб, матбаачиликни ривожлантириш, халққа арзон ва сифатли китобларни нашр этиш, хорижий сайёҳларга кўплаб ихчам ва совғабоп нашрларни турли тилларда чоп этиш даркор.

Биз кўшни давлатлар билан асрлар оша бирга ҳамжиҳат яшаб келганмиз. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан ўзаро кўшничилик алоқалари кенг йўлга қўйилди. Ана шу хайрли ишларни янада мустаҳкамлаш учун биргаликда маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш керак. Кўшни республикалар марказларида “Дўстлик китоблари” дўконларини ташкил қилиш энг долзарб вазифа.

Матбаа корхоналаримиз асосий хом-ашёни Россиядан олади. Соҳани ривож-лантириш учун кўшма корхоналар тузиш айна муддаодир. Айниқса, қоғоз хомашёси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Президентимиз қарори ўз вақтида ва кўпчилик зиёлилар орзиқиб кутган энг мақбул ишлардан бири бўлди. Бу мус-тақилликдан сўнг ноширлик соҳасида давлат аҳамиятига молик энг муҳим ҳужжатдир. Чунки кўпгина нашриётлар ҳам маънавий, ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий жиҳатлардан ўз “араваси”ни торта олмай аросатда қолганди. Ноширлик ишини биладиган фидойи муҳаррирлар бармоқ билан санарли бўлиб, уларнинг елкасидаги юк тобора оғирлашиб бораётганди. Энди -кадрлар масаласини мустаҳкамлаб чинакам ишлаш даври келди.

“Оққан дарё оқмай қолмас”, деганларидек, нашриётлар бирлашиб, янада қаддини баланд кўтарадиган давр остонасида турибмиз. “Ўқитувчи”, “Давлат бадиий адабиёт нашриёти”, “Медицина”, “Ёш гвардия” каби нашриётлар ўтган асрда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида “Ўздавнашр” (1964 йилдан “Ўзбекистон” нашриёти) га бирлаштирилиб, сўнг босқичма-босқич алоҳида-алоҳида учирма бўлиб кетганди. Улар яна ўзларининг она даргоҳига қайтмоқда.

Эндиги вазифа фақат ишлаш, мустақил Ўзбекис-тонимиз тараққиётига, халқимиз маънавиятига хизмат қиладиган, мамлакатимизнинг бой меросини, қадимий шаҳарларини, улуғ алломаларини хорижий халқларга тарғиб қиладиган китоблар ва бошқа босма маҳсулотларини чоп этишдан иборатдир.


Кейинги йилларда нашриётларимизда оммабоп ижтимоий-сиёсий китоблар анча камайиб кетган эди. Бу кемтикни яқинда “Ўзбекистон” НМИУда чоп этилган илк журналист-дипломат Аброр Ғуломовнинг “Истанбул дафтари” китоби тўлдирди, деб бемалол айтиш мумкин. Оддий ижодкор сифатида бу китобни мириқиб ўқидим ва муаллифга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдирдим. Бу китоб менинг Туркия ҳақидаги тасаввуримни янада бойитди. Ўзбекистон билан боғлиқ тарихий воқеалар, фактлар чуқур таассурот қолдирди. Бизнинг дипломатларимиз хорижий хизмат сафарлари давомида ўз бурчларини сидқидилдан адо этиш билан бирга, халқимиз маънавиятини бойитиш, Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини янада юксалтириш учун ҳам фидойилик кўрсатаётганликларининг амалдаги ифодасидир.

Яқинда 32 ёшида тарих ва диншунослик бўйича фан доктори, АҚШнинг Колумбия университети профессори бўлган ҳамюртимиз Азиза Шоназарованинг дунёнинг Оксфорд, Стэнфорд каби энг нуфузли олийгоҳларида талабаларга сабоқ бераётгани ҳақида ўқиб ҳайратландик. Ёш олима қизимизнинг Тошкент давлат шарқшунослик институтида таълим олиб, юксак даражага эришгани, халқимизнинг келажаги бўлган ёш авлод орасида истиқболи порлоқ ана шундай ўғил-қизлар борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бундай истеъдодли ёшларимизнинг ҳаёт йўли, интилишлари, орзу-умидлари ҳақида китоблар нашр этиш бугунги ноширларнинг бурчидир.

Ноширлик соҳасига 20 йилдан ошиқ умрини сарфлаган бир ношир сифатида Президентимизнинг ушбу соҳани ривож-лантириш ва ислоҳ қилиш бўйича қабул қилган қарорлари муносабати билан жонкуяр китобсевар зиёли сифатида ўз фикрларимизни билдирдик. Уларни айтишдан мақсад, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни нашр қилишни яхшилашга озгина бўлса-да, ҳисса қўшишдир. Чунки китоб — бу маънавиятимизнинг икки қаноти, билимга қон буюк хазина, келажак авлоднинг йўлчи юлдузи, мангуликка дахлдор тарихимизнинг йилномаси.

ТАҲДИДЛАРНИ ДАФ ҚИЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби



2020 йилнинг баҳори Ўзбекистон учун ниҳоятда қулай келди. Боғлар, бўстонлар беталафот гуллаб-яшнаб олди. Олди ғўра мевалар қинидан чиқа бошлади. Еримиз офтобда кўпириб, увоқ-увоқ бўлиб, уваланиб, уруғларни қабул қилишга шай бўлиб турибди.

Ундан: “Экинингни эк! Вақтингни бой берма, келажак орзу-аъмолларингнинг тамал тошини қўй! Бугунги сочган уруғинг эртанги йиғиштириб оладиган олтинларингдир”, деган тарзда ўзбек деҳқонига бугун тонгдан тонггача нидолар келиб турибди. Деҳқон бу нидоларни тушунади, уни ўз ҳаётига чорлов деб қабул қилади. Ернинг бу ҳаёт чақириғи ҳаммамиз учун асос чақириқ.

Офатлар эса ўткинчи!

Одамзод бошида азалдан офат, талафот бор.

Инсоният азалдан уларга қарши курашиб, кучли, оқил, матонатли бўлди. Тарихлар қаърида гоҳ енгди, гоҳ енгилди офатлардан. Ваҳшиёна урушларда ўз қаторларидан 50, 100 миллионлаб тирик жонларни қурбон берди. Шу қурбонлар эвазига Заҳдоки Моронлардан кутулди. Келажagini уларсиз куришга муяссар бўлди. Аммо... Дунё доим фожиали зиддиятда, неча йиллардирки, ер юзида ўрмонлар пайдар-пай ёнмоқда, ер қутбларини омон сақлаб келган азалий музликлар тубидан эримокда. Ҳаёт манбаи бўлмиш сув-ҳаво ўзини табиий тозалаб улгуролмай қолмоқда.

Кеча-бугун эбола, коронавирус каби бир-биридан хавфли касалликлар ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмларида инсоният тақдирини фожиали таҳдид остига қўймоқда.

Миқёсига кўра бу глобализм билан чамбарчас боғлиқ офат, касалликдир. Бошдаёқ глобализмнинг бир томони хатарли, иккинчи томони хайрли эди. -Зиёнли томони экологик талафотларнинг тобора кучайиб, кенг маконларни эгаллаб бораётгани билан боғлиқ. Вирусларнинг Ер юзида тарқалиши, тирикликни мислсиз тарзда маҳв этиши — бу дунёда авж олаётган табиий офатларнинг узвий бир қисми. Бунда инсон сўнгги жаҳон урушида фашизм офатидан ғолиб чиққани каби ғолиб чиқа олармикин? Шу машъум вирус — “Аҳриман” устидан тўла-тўқис ғалаба қозонишга ўз илм-маърифати, ирода-матонати билан қодирмикин? Инсоният орзу қилаётган бу ғалаба нималарга боғлиқ?

Инсоният нима қилса, қайси йўлдан борса ғалабага эришади. Айтиш қийин. Тобора қийин.

Ҳозир Ер юзида 7 миллиарддан зиёд онг ва номаълум вирусларнинг чек-чекгарасиз кўшинлари рўбарў турибди. Вируслар инсониятнинг юраги, мияси, вужудига кириб олиб, уни маҳв этиш учун сон-саноксиз кўшинларини ташлаган. Инсоният бунга қарши респираторлар тақиб олди.

Инсоният таҳликада! Ваҳимали сиреналар, ҳувиллаган буюк шаҳарлар — бугун дунёнинг кўриниши шундай.

Болалик чоғларимда, 40-йилларнинг ўрталарида кўчаларда безгак тутиб қолган, силласи қуриб, шақиллаб титраб-қалтираган, деворлар тагида, ариқлар ичида думалаган одамларни кўрардим. Трахомалар одамларнинг кўзларини ўйиб ерди. Сил таёқчалари неча-неча ширин жонларни қора тупроқларга тикарди. “Хинин”, “Стрептоцид”, “Пенициллин” деган ғалати овозалар, шов-шувлар халқ ичида юрарди. Безгаклар куриди, трахомаларга даво топилди. Сил эса ҳамон асоратларини қолдириб, инсониятни безовта қилади. Бола бўлсак ҳам ўшанда шундай дориларни топган илм-фан қудрати мурғак ақл-идрокимизни лол қилар эди ва илм умр бўйи оҳанрабо каби бизни ўзига тортарди. Бугун “диабет”, “вирус” деб вужудимизга кўрқув, ваҳима соладилар. Нима, инсониятни қутқарган “пенициллин”ларни яратган буюк олимлар энди йўқми? Биз энди ёш қизча — Греталарнинг экологик ваъзларини оғзимизни очиб тинглаб ўтиришга ўрганиб қолмадикми? Энди ким инсониятни оммавий касалликлар, оммавий гулгулалардан ҳимоя қилади? Ҳимоя борми энди? Маърифатли Европада энди фантазияси кўкларга парвоз қилган Мюнхаузенлар йўқолиб кетдимми?

Бир неча ҳафтадирки, дунё баногоҳ ўзини карантин билан қамраб олди. Дунё ўз ҳаёти, борлиғига омонсиз хавф солаётган даҳшатли балони аниқлаб олиш, илдизини топиш, тобора кўпайиб, яна инсониятга ҳужум қилишининг олдини олишга қатъият билан чоралар кўришга киришди. Бу осон бўлаётгани йўқ. Мамлакатлар кунда триллионлаб зарар кўрмоқда. Мислсиз маблағлар соврилиб кетмоқда. Бизни уйимизда ўтиришга мажбур қилган вирус вақтни ҳам енгишга уринмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Президент ва ҳукуратимиз жаҳон миқёсидаги бундай оғир вазиятда энг илғор мамлакатларга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ғайрат, шижоаткорлик, билимдонлик, зудлик билан эпидемияга қарши зарур чоралар кўрмоқда. Эпидемиянинг тарқалиш йўллари мустаҳкам тўсиқ қўймоқда. Узоқ эртани кўзлаб, ҳисобли илмий, оқил режа асосида амалий ишларни катта миқёсда олиб бормоқда. Халқимиз эса кўрсатилаётган ана шу ғамхўрлик, меҳр-оқибатга яраша бағирдошлик анъаналари, удумларига риоя этипти. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туманда том маънода ҳозиржавоблик қилмоқда.

Барчамиз сидқидилдан аҳволни тушунган ҳолда уйда ўтирган бўлсак ҳам бутун сезгиларимиз, жонимиз, ақлу уқувларимиз баробарида бу улугвор ва зарур саъй-ҳаракатларга бардам қўшилмоқдамиз. Элу юрт омонлиги йўлида ҳаммамиз доим жону дилдан биргамиз. Юртдошларим каби мен ҳам уйда ўтириб, ўзимни бошқа пайтларга қараганда ҳар томондан қаттиқ йиғиштириб олишим кераклигини, айниқса, теран сезаман. Аввал бошдан мен кўп уйда ўтириб, ҳеч қачон зериккан одам эмасман. Олдимда ҳамиша менга тикилиб, мени тамомила ўзига ром қилиб тонгдай оппоқ бир варақ қоғоз туради. Фикринг борми, ёз, дейди. Айтар сўзинг бўлса, юрагингни халқингга оч, дейди. Ён-атрофларимда эса бутун дунёдан келган неча юзлаб, балки неча минглаб китоблар — елкадошларим менга ҳар дамда мунтазир. Қўлингга ол, дейди, менинг ҳикматларимни ўқи, ахир сен ҳам ҳикматназир халқнинг фарзандисан-ку, дейди. Хоҳласам, Аъжоб — Беҳбудий ҳазратларининг китобларини қўлимга оламан. Янги аср Туркистонда миллий мактаблар қуриш устидаги унинг нола-

фарёдларига қўшилиб, тарихнинг аёвсиз воқелиги олдида япроқ каби титраб тураман. Нега шундай? Нега шундай ожизлик дея Чўлпон, Қодирий, Фитрат ўртана-ўртана ечолмаган оғриқ саволлар ичида қоврилиб ёнаман. Ахир Чўлпон йигирма уч ёшида “Ёркиной”дек буюк романтик асарни ёзиб халқининг руҳини кўтарди-ку? Биз-чи? Нима қиялпмиз, дейман.

Мен уйда ўтириб зерикаманми? Ёшим саксон учга етиб, бир фикрни кашф қилдим: дунёга яшаш учун келган одам жуда узоқ орзу қилиши керак экан. Шунда уфқлар очилар экан, ҳаёт уфқлари лозор каби инсон олдида ястаниб ётар экан. Мен карантин кунларидан салгина илгари “Ака-ука Карамазовлар”нинг ўзбекча таржимасини тугатдим. Уни ўзбекчага ағдараман деб, 50 йил илгари чин ният қилган эдим. 50 йил Фёдор Достоевскийнинг инсон изтиробларига тўла оламларида ўртаниб, тентираб юрдим. 50 йил ичида ниҳоят ёруғ кун келди. Ўзбек китобхонларининг китоб тоқчалари дунёнинг яна бир хайратомуз, буюк асари билан бойиди.

Нима, мен уйда зерикар эканманми? Мен зерикиб ўтирсам, ким ўқийди жавонларимдаги нолакор Эврипидларни, Аристофанларни, Форобийларни, Хоразмийларни? Ким ўқийди менинг жондан азиз замондошларим Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевларни? Ким ўқийди унда зўр адибларим, академикларим Неъматулла Мўминов, Азиз Қаюмов, Аҳмадали Асқаров, Ашраф Аҳмедов, Наим Каримовларни?

Мен уйда зерикаманми? Билмас эканманми қилар ишимни? Ахир биламан-ку, ҳар қандай одамни ҳеч қачон зериктирмайдиган учта соҳа бор: булар — ҳунар, санъат, илм-фан. Бир йигитга қирқ хунар оз. Бу шундай соҳаларки, ҳар бири ҳар қандай ўзига муҳаббатли одамни олижаноб, зариф, обрўли қилишга қодир. Уйда ўтирган барча замондошларимга ҳавасим келади. Улар ноёб бир дамлар ичида ҳозир, шу дамларда бир ёки бир неча тилларни ўрганиб олишлари мумкин. Ахборотлаштириш сирлари, техника ва кибернетика тилсимларини, машинасозлик тафаккурини, автоматлаштириш ва ҳисоблаш бошқарув техникаларини. Бугунги замоннинг юзлаб бошқа соҳалари ичига кириб боришлари, шу соҳаларнинг моҳир, ғайратли мутахассисларига айланишлари мумкин.

Мен сиздан сўрайман, шунча ажойиб уфқлар олдингизда туриб, уйда яна зерикиш мумкинми? Умрида биринчи марта ўз вақтининг эгаси бўлаётганидан қувонмаслик мумкинми? Аксинча, шу ноёб вақтлардан фойдаланиб, қилни қирқ ёрадиган фозил (фозила) инсонга айланмайдими? Шундай инсон бўлишни хоҳламайдими?

Оҳ, қанчалар ишлар кўп асримиз одамига! Қанчалар тарихлар кўп замондошимиз қошида. Уларга ўз тарихингни ярат, замондошим, дегим келади. Энди соғлом ақл билан ўйлайлик, замон шундай: бу вирус бўлмаса, бошқа вирус пайдо бўлиши мумкин-ку. Зеро, кечаги кунларнинг даҳшатли чиқиндилари ҳали ер юзидан йўқолган эмас. Биз энди барча масалага соғлом кўз, соғлом назар билан қарайлик. Юртимизнинг жонкуяр фуқароси бўлиб, келажагимизга боқайлик. Аввало, ерларимизнинг тозалиги ва дахлсизлиги, барча ноёб сув ҳавзаларимизнинг ҳарбий мақомда мунтазам ва қаттиқ кўрикланиши, саҳро, чўлларимиз, тоғларимиз, конларимизга ёт балолар, ёт оёқлар ораламаслиги учун тадбиркор бўлишимиз керак. Ахлоқимиз, хулқимизнинг ҳеч қандай шароитда ифлосланмаслиги, булғанмаслиги,

айнимаслиги ва ҳар қандай қийин шароитда ҳам ҳамият, виждон, имон бизга ёр бўлмоғи учун курашмоғимиз лозим бўлади. Шунда юртимиз, жамики юртдошларимиз эмин-эркин яшаб, мустақкам замин куради.

Албатта, турли-туман шароитлардаги оилалар, хонадонлар атрофимизни қуршаган: аъзолари кўп, аъзолари кам. Ёруғ дунёга чақалоқлари келаётган, касал боқаётган, кексаларни авайлаётган, ёрдамга муҳтож оилалар оз эмас. Шу турли-туман, осон бўлмаган жараёнларда онгли, тушунчали, иродали, тартиб-интизомли оилалар, хонадонлар, уларнинг аъзолари, албатта, ютади. Ақл-заковатимиз машаққатларни, турли фожиаларни енгиб ўтишга қодир. Бундай оилалар, хонадонларда катталар кичикларга мададкор, кичиклар эса катталарга илҳомкор, ҳамма бир-бирини қўллаган. Сенинг ёнингда сени тушунадиган, меҳр кўрсатадиган жонқуярларнинг борлигини ҳис қилиб турсанг, қандай яхши! Одамнинг қанчалар яшагиси келади! Эртага, албатта, яхши кунлар келади, деб ишонасан, ўзинг ҳам шундай кунларни яқинлаштириш учун куч-ғайратингни аямайсан. Албатта, ҳар дамда Аллоҳ мададкор. Ота-она қарвонбоши. Улар парвардигор каби оилада муҳит яратади, инсонни инсон қилади, фарзандларининг пешонасини силаб, келажакка узатади. Фарзанд-лар эса худди кўк япроқ каби меҳрга, нурга, зиёга, эътиборга муҳтож. Ҳукумат ҳеч кимни унутгани йўқ. Ҳеч кимни назардан қочиргани йўқ. Буни бутун халқ сезиб турибди. Халқ ўз раҳбарларига, ўз додхоҳларига ишонади. Уларга эргашади, изларидан боришни истайди. Бу эса халқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам чексиз куч-қувват манбаидир.

Ақлу ҳушимиз жойида бўла туриб, ўзимизни дунёга соғлом миллат тарзида танита туриб, ушбу умуммиллий вазифаларни адо этиш қўлимиздан келмайдими? Келади.

Бундай кейинги барча соғлом ҳаёт кечириш манфаатларимиз шуларнинг барчасини аъло даражада бажаришимизга боғлиқ. Худо бизни ўзимизга эга қилсин. Сўзимнинг охирида бугун ҳаммамиз такрорлаётган, шиоримизга айланган, ҳаммамиз учун зарур бўлган даъватни такрорламоқчиман: Уйда қолинг! Уйда қолинг!

ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ОДИМЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН

Шавкат АЮПОВ,
ЎзР ФА В. И. Романовский номидаги
Математика институти директори,
академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси



Куни кеча Калифорния университети профессори, математика соҳасида энг юксак мукофот бўлмиш Филдс медали лауреати Е.Зельманов менга кўнғироқ қилди. У Ўзбекистонда вирусдан касалланиш даражасининг нисбатан озлиги, тузалиш жараёнининг бошланиши, пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига таъсирини камайтириш борасида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар келгусида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани билан оптимал бошқариш назариясининг ўзгинаси экани ва бу илмий янгилик ҳисобланишини алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, оптимал бошқариш назарияси салбий ҳолатларнинг олдини олиш орқали келгуси ривожланишнинг истиқболлини белгилашга қаратилгани билан аҳамиятли. Президентимизнинг шу йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларини мазкур илмий назариянинг амалдаги инъикоси, дейиш мумкин.

Масалан, Президентимизнинг 3 апрелдаги фармонида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 триллион сўм ҳажмдаги қарздорлик кечиктирилгани, молиявий қи-йинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича -реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 триллион сўмни, жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан шу йилнинг навбатдаги 6 ойи мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 триллион сўмни ташкил этиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пандемия сабабли иқтисодий қийинчиликлардан енгил чиқиб олишига ижобий ёрдам беради.

Масаланинг иккинчи жиҳати мавжуд. Коронавирус тўлиқ бартараф этилгач, тижорат банкларининг кредит сиёсати дастлабки натижанинг самарадорлигини таъминлаши керак. Бунинг учун бугун берилган имтиёзлар эртага аҳоли ва тадбиркорлар елкасига қўшимча юк бўлмаслиги зарур.

Истиқболда инфляция ва миллий валюта девальвацияси ҳисобида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли қарздорликларининг муайян қисмини тижорат банклари бухгалтерия балансидан ташқарида ҳисоблашга ўтказмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Аксарият олимлар мазкур фармонларга кутилажак жаҳон инқирози олдидан кўрилган чора-тадбирлар сифатида таъриф берди. Чиндан ҳам молиявий масалалар, айниқса, пул-кредит соҳасидаги янгиликлар иқтисодиётимиз ривожланиши учун зарур тадбирдир. Буларнинг бажарилиши ҳужжатларда келтирилган талаблар даражасида амалга оширилса, республикамиз иқтисодий ривожланиши ва аҳолининг яшаш даражаси 2019 йилга нисбатан кам бўлмаслиги шубҳасиз.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳузурида юридик мақомга эга бўлмаган Инқирозга қарши жамғармадан қилинадиган харажатлар тўғридан-тўғри иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган. Жамғарма маблағидан 2,2 триллион сўми иқтисодий-ижтимоий соҳаларни, 1,4 триллион сўми инфратузилмалар ва йўл таъмирлашнинг молиялаштиришга йўналтирилиши кўзда тутилди.

Молия вазирлигига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг олинмай қолинадиган даромадлари ўрнини Инқирозга қарши жамғармасидан ҳар ойда қоплашни таъминлаш топшириғи берилган. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

Шунингдек, 2020 йил 3 апрель куни коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилишини таъкидлади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб беради. Энди кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди.

Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафилик бериши бўйича чеклов ҳам энди бекор қилинади.

Жамғарма интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига кафилик беради (бугунги кунда 50 фоиз). Кафилик суммасининг юқори чегараси ҳам 8 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилади, деб таъкидлади.

Қабул қилинган иккала фармонга кўра, берилган солиқ тўловларидан имтиёзлар асосида юзлаб миллиард маблағлар корхона, ташкилотларда айланма маблағ сифатида қолдирилади.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги фармонида Марказий банк томонидан берилган пул-кредит сиёсати дастакларини актив қўллаш орқали пул бозорининг ҳар ойлик ликвидлиги 1 триллион сўм ҳажмида бўлишини таъминлаш таклифининг маъқулланиши макроиқтисодиёт учун жуда катта ёрдам. Бу дегани тижорат банкларида маблағ тақчиллиги бўлмайди. Уларда маблағ етмай қолганда, ликвид ҳолда фаолият юритаётган пул бозоридан вақтинчалик харид этиб туриш имконияти юзага келади. Бир сўз билан айтганда, молия бозори жонланади ва пул-кредит механизми фаолияти янада тезлашади.

Бу каби имтиёзлар яратиладиган ЯИМга нисбатан салмоқли ўрин тутади. Аслини олганда, сўнгги уч йилда ҳукумат томонидан ажратиладиган маблағлардан тўлиқ мақсадли фойдаланилса ва коррупция бўлмаганда эди, иқтисодиётимиз бугунгидан-да ривожланарди. Афсус, жамиятимизда бундай иллатлар мавжуд экан, маблағ самарадорлиги тўғрисидаги савол доимо бўлади. Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги фармонида коронавирус инфекцияси тарқалишидан зарар кўрган иқтисодиёт тармоқлари ва кредит портфелининг сифати пасайган тижорат банкларига фоизсиз уч йилгача муддат билан бюджет ссудалари ажратилиши кўрсатилган. Мазкур имтиёз назорат остида бўлмаса, Марказий банкнинг “ҳар қандай имтиёз бор жойда коррупция пайдо бўлади”, деган хулосаси тўғри бўлади. Бу борада фармонда кўрсатилганидек, Инқирозга қарши республика комиссияси, мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар ва Ҳисоб палатаси доимий назорат ўрнатишлари зарур. Акс ҳолда, Инқирозга қарши жамғарма иқтисодни ривожлантиришга эмас, балки тижорат банкларининг қайтарилмай қолган кредитларини ёпишга сарфланиши мумкин.

Пандемиянинг даври қисқа бўлса-да, унинг асоратлари халқаро ҳисоб-китобларда узоқ сақланиши мумкин. Масалан, 2020 йил 19 мартдаги фармонда олдин экспорт билан шуғулланиб, муддати ўтган 10 фоиздан кўп дебиторлик қарздорлиги бўлмаган тадбиркорлик субъектларига қатъий тўловни талаб қилмаган ҳолда товарларини экспорт қилишга рухсат берилмоқда. Шу ўринда таклиф қилардикки, ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишловчи республика комиссияси мутасадди вазирликлар ва кўмиталар билан ҳамкорликда экспорт шартнома шартларини қайта кўриб чиқишлари шарт. Унда “форс-мажор” бандида “коронавирус инфекцияси” масаласи учун муайян чегара ёки талаб қўйилмаса, келажакда ўзаро молиявий келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Марказий банкнинг пул бозори ликвидлигини таъминлаб туриш тадбири фақат инқироз даврида эмас, балки доимий асосга қўйилса, бугунги макроиқтисодиётда мавжуд бўлган пул етишмовчилигининг олди олинар эди.

Жамиятда инфляция мавжуд экан, бозорда бирламчи истеъмол товарларига талаб ортади. Шунинг учун фармонда Марказий банк таклифи асосида тижорат банклари томонидан бирламчи заруриятли товарлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига револьвер кредитларнинг берилиши фақат инқироз ҳолатида амалга оширилмай, ундан кейин ҳам бу усулда кредитлаш давом эттирилиши керак.

Республикамиз иқтисодиёти глобал инқироз оқибатидан талофат кўриши аниқ бўлган бир пайтда ички манба ва захираларимиздан унумли фойдаланишни ўрганмоғимиз шарт. Масалан, 2020 йил 3 апрелдаги фармонда тижорат банкларининг ликвидлигини ошириш мақсадида уларнинг вакиллик ҳисоб-рақамларига олдиндан ташкил этилган мажбурий захира талаб-ларини енгиллаштириш орқали 2,6 триллион сўм маблағ йўналтирилиши таъкидланган. Демак, пул-кредит сиёсатини самарали бошқариш орқали шунча маблағдан бошқа мақсадларга фойдаланиш мумкин экан. Шундай захираларимиз бошқа соҳаларда ҳам бўлиши керак. Уларни топиш ва фойдаланиш шароитларини аниқлашнинг ягона ва тўғри йўли иқтисодий илм хулосаларидан унумли фойдаланишда. Бунинг учун республикадаги иқтисодчи олимларимиз истиқболдаги вазифаларимиз тўғрисида ўзларининг аниқ таклифларини ёзма равишда Математика институтига топширишлари ва математик олимлар билан биргаликда ҳар бир таклифнинг самарадорлигини ҳисоблаб, иқтисодиётимизнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш комплекс моделини тайёрлаш мумкин. Яъни инс-титутимиз жамоаси доимий равишда мулоқот ва мунозаларга тайёр.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги жаҳон иқтисодий инқирозининг макроиқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва бу ҳолатдан тезроқ чиқиб кетишни ташкил этишга барчамиз масъулмиз. Мабодо, ўзимиз янги бир таклиф билан чиқмас эканмиз, ҳеч бўлмаса, давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан топширилган вазифаларни сўзсиз бажаришимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини унутмайлик.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БУГУНГИ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Акром НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
директорининг биринчи ўринбосари



Бугунги кунда дунё Sars-CoV-2 коронавирус пандемияси оқибатида мисли кўрилмаган инқирозга рўбарў келди. Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар трансформацияси шиддат билан кечаётган шароитда, шунингдек, вируснинг табиати, уни даволашнинг самарали усуллари, эмлаш, тарқалиши ва такрорланиш хусусиятлари ҳақида аниқ, ишончли маълумотлар йўқлиги сабабли келажакка нисбатан ишончли прогнозлар қилиш қийин кечади.

Ана шундай бир вазиятда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш учун дунёда мисли кўрилмаган чоралар қўлланилмоқда, жумладан, одамлар ва товарлар ҳаракатига муайян чекловлар ўрнатиш, бутун бошли тармоқлар ва корхоналар фаолиятини тўхтатиб туриш йўлидан борилмоқда.

Буларнинг барчаси дунёнинг барча мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмининг кескин пасайишига, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо-сотик алоқаларининг бузилишига, товар хом-ашёси нархларининг пасайишига ва жаҳон молия бозорларида конъюнктуранинг ёмонлашувига олиб келди.

Воқеаларнинг бундай ривожланиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг жаҳон хўжалиги конъюктурасига қарамлигини оширадиган глобаллашув жараёнларининг юқори даражаси билан изоҳланади. Буни биз истеъмол қилаётган ҳар бешинчи калориянинг ҳеч бўлмаганда камида биттаси халқаро чегарани кесиб ўтиши мисолида кўришимиз мумкин. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ҳеч шубҳасиз, шуни айтиш мумкинки, пандемиянинг салбий оқибатларидан ҳеч бир давлат четда қолмайди ва инқироз оқибатлари муқаррар равишда барчага таъсир қилади. Қолаверса, ҳозирги инқироз нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам молик эканлигини англаш лозим. Бундан ташқари, уни бошқа инқирозлардан ажратиб турувчи хусусияти (2008-2009 йиллардаги халқаро молиявий инқироз, 1997-1998 йиллардаги “Осиё инқироzi”) нафақат бутун дунёда кузатилаётган талабнинг, балки таклифнинг ҳам йўқлигидадир. Халқаро валюта жамғармаси прогнозларига кўра, агар 2008-2009 йиллардаги молиявий инқироз ЯИМ ўсиш даражасини 0,1%га камайтирган бўлса, ҳозирги пандемия унинг 3%га пасайтириш билан таҳдид қилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, жаҳон иқтисодиётида халқаро савдо-сотик алоқаларининг асосий элементи ҳисобланган ўзаро ҳамжиҳатлик тамойили бузилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти 2020 йилда ижобий сценарий бўйича дунёда савдо-сотик ҳажмининг қисқариши 13%, ўта салбий ҳолатда 32% бўлишини прогноз қилмоқда.

Бундай шароитда халқаро ташкилотлар инфекция тарқалишининг олдини олиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва пандемия шароитида фуқароларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатъий чораларни кўришни тавсия

қилмоқда. Шу билан бирга, мазкур жараёнда давлатларнинг ўзи асосий роль ўйнаши лозимлиги таъкидланмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ана шундай конструктив ёндашувга мисол бўла олади. Ўзбекистон Президентининг мамлакат ҳудудида касаллик аниқланишидан олдинроқ ишга киришиш имконини берган қатъий ҳаракати эпидемиологик вазиятни назорат остига олишга имкон яратди, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича комплекс стратегияни ишлаб чиқиш учун қимматли вақтдан ютишга сабаб бўлди.

Хусусан, қисқа муддат ичида барча давлат ресурслари сафарбар этилди ва жамоатчилик кучлари бирлаштирилди, давлат ва хўжалик бош-қарувининг барча бўғинлари ўртасида жипс ва мувофиқлаштирилган ўзаро алоқалар таъминланди ҳамда глобал эпидемиологик вазият бўйича халқаро ҳамжамият билан самарали мулоқот ўрнатилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан, халқаро тажрибани ҳар томонлама ҳисобга олиш асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари барқарорлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий мажбуриятларни амалга ошириш, коронавирус инфекцияси ва бошқа глобал хавфларнинг тарқалишига қарши кураш даврида аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар даромадларининг кескин пасайишига йўл қўймаслик борасида муҳим қарорлар қабул қилинди.

Инфекция билан касалланган аҳолининг нисбатан камлиги қўрилган чоратadbирлар самарасидан далолат бўлса, инқироз даврида мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорлиги қабул қилинаётган қарорларнинг нечоғлиқ тўғрилигини кўрсатмоқда. Бу, ўз навбатида, бугунги кунда Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият давлатнинг тўлиқ назоратида эканини ишонч билан айтиш имконини беради.

“Covid-19”га қарши курашиш бўйича дунёда олиб борилаётган чоратadbирларни шарҳлай туриб, Германиянинг “Public Diplomacy” ташкилоти раиси Гюнтар Кайзер “Ўзбекистонда коронавируснинг олдини олишнинг самарали чоралари кўрилди, натижада касаллик кенг тарқалишининг олди олинди, бироқ бундан дунёнинг ривожланган давлатлари қочиб қутула олмади”, дея таъкид-лади. Бу борада таниқли “The Diplomat” нашри бош муҳаррири Кэтрин Путц шундай дейди: “Бутун -дунёда халқаро ҳамкорлик тўхтаб турган бир пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсати стратегик самарали мулоқот ва ҳамкорликнинг ажойиб намунаси бўлди”.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг муҳим миссияси ва ҳар бир давлатнинг ушбу мураккаб даврдаги долзарб вазифаси халқаро ҳамжамиятда алоҳида хавотир ва ташвиш уйғотувчи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга масъулият билан ёндашишдир. Мутахассисларнинг фикрича, пандемия натижасида очарчиликка дуч келадиган аҳоли сони 2 баробар кўпайиши ва 1,6 миллиард кишини ташкил қилиши мумкин.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали бошқа мамлакатларнинг озиқ-овқат таъминотига ҳам ҳисса қўшмоқда. Бу, айниқса, кўплаб давлатларнинг протекционистик чораларни қўллаётган бир пайтда яққол намоён бўлмоқда.

Уч халқаро ташкилот — Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Жаҳон соғлиқни сақлаш ва Жаҳон савдо ташкилотлари ўзининг кўшма баёнотида глобал савдотик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таҳдид остига қўядиган пандемияга қарши курашга йўналтирилган чораларнинг хавфли экани ҳақида огоҳлантирди. Таъкидланишича, етарлича озиқ-овқат таъминотига ишончнинг йўқлиги экспорт чекловларининг ошишига, жаҳон бозорида тақчилликнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу ташкилотлар экспертлари озиқ-овқатга нисбатан таклиф ва талаб ўртасидаги мувозанатнинг ўзгариши нархларнинг кескин ўсишига ва нарх ўзгарувчанлигининг кучайишига олиб келади, дея огоҳлантирмоқда.

Хўш, “Covid-19” коронавирус пандемияси шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари кучайиб кетишининг асосий сабаблари нимада ва унинг чуқурлашиб кетиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Бунда қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

БИРИНЧИДАН, озиқ-овқат етказиб беришнинг глобал занжирининг узилиб қолиши. Дунё мамлакатлари томонидан қабул қилинган қатъий изоляция чоралари аллақачон озиқ-овқат таъминоти занжирларига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу узилиш-ларнинг салбий оқибатлари, айниқса, логистика соҳасида келгуси бир неча ой ичида юзага қалқиб чиқиши мумкин. Транспорт чекловлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун зарур ресурс-ларни (уруғлар, ўғитлар, қишлоқ хўжалиги техникаси) тақсимлашга таҳдид солади ва қатор мамлакатларда баҳорги дала ишлари бошланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ИККИНЧИДАН, “озиқ-овқат миллатчилиги”нинг ўсиши. Экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг оз сонли мамлакатларда жамланганлиги ва улар томонидан қўлланадиган ҳимоя чоралари дунёдаги таклиф бозорини янада заифлаштириши мумкин. Шу билан бирга, давлатларнинг “озиқ-овқат миллатчилиги” ва “агрессив жамғариш” сиёсатига мурожаат қилишга интилиши нафақат глобал, балки шу давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам зарба беради.

УЧИНЧИДАН, инфляциянинг тезлашиши ва бир қатор асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши. Савдодаги узилишлар, айниқса, экспорт чекловларининг жорий этилиши 2020 йилда бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари, асосан, ғалла нархининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Халқаро дон кенгаши (IGC) маълумотига кўра, жорий йилнинг март ойида Чикаго фонд биржасида буғдойнинг фьючерс нархи 12%га ошиб, бир тоннаси сўнгги йилларда кузатилмаган энг юқори нарх – 240 долларга кўтарилган. Халқаро савдо учун мезон ҳисобланган Таиланд гуручининг нархи 20,4% гача, яъни бир тоннаси 530 долларгача қимматлашган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори нархлари, камбағаллар сони ошиши хавфи билан бирга, жиддий ижтимоий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

ТҲҲТИНЧИДАН, қишлоқ хўжалигида мавсумий меҳнат ресурсларининг етишмаслиги. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат муҳожирларининг йиллик сони 200 миллион кишидан ошади. Ўрим-йиғим мавсумида, айниқса, тез етиладиган ва бузиладиган ҳосиллар йиғиштириладиган пайт-да чегараларнинг ёпилиши жуда мураккаб ҳолатни вужудга келтиради. Қатор мамлакатларда меҳнат ресурсларининг йўқлиги сабаб, баҳорги дала ишларида жиддий узилишлар хавфи юзага келган.

Шак-шубҳасиз, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатлар миллий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг муваффақияти, ҳар қандай халқаро вазиятдан қатъи назар, аҳолининг барча қатламларини фаол ва соғлом ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган миқдорда хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш салоҳиятига боғлиқ.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим сектори ҳисобланган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — бу ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқариш соҳасида мустақилликка эришиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида агросаноат мажмуаси соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ва сифатли ўзгаришлар амалга оширилди, замонавий институционал база яратилди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, Ўзбекистон Респуб-ликаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини худудлаштириш сиёсати, кластер тизимини жорий этиш, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик каби муҳим йўналишларни жадал ривожлантириш, замонавий иссиқхона хўжаликларини яратиш, сабзавот экинларини такрорий кузги экиш, томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш нафақат ҳосилдорликни, балки қишлоқда аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Буларнинг барчаси давлат ва хўжалик бошқарувида улкан амалий тажрибага эга Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида ҳар томонлама пухта ўйланган ва узоқни кўзлаган сиёсати, кенг кўламли ислоҳотлари, юртдошларимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган давлат дастурларининг самарасидир.

Шу билан бирга, глобал таҳдидлар ортиб бораётган бугунги шароитда, эришилган ютуқларда тўхтаб қолмаслик, агросаноат комплексини ривож-лантириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 14 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини ошириш борасида аниқ ва равшан вазифалар қўйилди. Улар нималардан иборат?

БИРИНЧИ. Ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажминини ошириш ва хилма-хиллигини таъминлаш. Бунинг учун давлатимиз Раҳбари таъкидлаганидек, 2020 йилда мева-саб-завотчилик ва чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини 2 баробар ошириш -зарур.

Бу борада мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туман, 86 та кластер ва 125 та кооператив етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди. Боғ ва токзорларда қатор

оралари, такрорий майдонларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, 2-3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Маҳсулот ҳажмини ошириш учун жорий йилда 124 минг гектар оборотдан чиққан ерларни тўлиқ ўзлаштириш лозим. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда балиқ етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага, асал етиштиришни 5 мартага кўпайтириш, 382 минг кути ипак куртини боқиш бўйича топшириқлар берилди, бу камида 750 минг одамни иш билан банд қилиш дегани.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва унумдорлигини ошириш, ирригация ва сувни тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланиш борасида замонавий агротехнологияларни жорий этиш муҳимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини зарур захиралар билан таъминлаш, юқори ҳосилдорликка эришиш учун селекция ва уруғчилик ишларини аввалдан режалаштирган ҳолда ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бундай маҳсулотлар танқислигига йўл қўймаслик ва улар нархлари ўсишининг олдини олиш, аҳолини коронавирус пандемияси, глобал рецессия, озиқ-овқат инқирози каби ташқи омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш учун ўзига хос “хавфсизлик ёстиғи” ни яратиш имконини беради.

Республикамизда охириги йилларда олиб борилган кенг қўламли ислохотларни инобатга олсак, юқоридаги вазифаларни амалга ошириш, фермер ва деҳқонларнинг мўл ҳосил олишлари учун бугун мамлакатимизда зарур барча шароитлар яратилган. Хусусан: а) пахтага давлат буюртмаси тизими бекор қилинди, бу фермерларга янада даромадлироқ бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш имкониятини беради; б) қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50% га камайтирилди; в) жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йилнинг 15 октябрга қадар узайтирилди; г) ирригация ва мелиорация тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ қопланади; д) боғдорчилик ва узумчилик жамғармаларига бўш ва лалми ерларни ўзлаштириш учун 300 миллиард сўм ажратилди. Бунда ўзлаштирилган ернинг ижара ҳуқуқини аниқ озиқ-овқат турини етиштириш шарти билан 5-10 йилга сотиш белгиланган; е) республиканинг 55 та туманида жорий йилда ўғитларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконларни очиш -режалаштирилган;

ж) зотдор йирик шохли қорамоллар учун 2 миллион сўмгача, насли қўй ва эчкига 400 минг сўмдан субсидия ажратиш механизми жорий этилди;

з) чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тижорат банклари томонидан берилаётган 20 миллиард сўмгача бўлган кредит миқдорининг 50 фоизигача кафил бўлиши механизми белгиланди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда барча тадбирларни молиялаштириш манбалари тўлиқ ҳал этилиб, олдинги йилларда мавжуд бўлмаган рағбатлантириш механизми -жорий қилинди.

ИККИНЧИ. Томорқалардан самарали фойдаланиш ва ҳосил йўқотишнинг олдини олиш. Томорқада қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш нафақат

мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади, балки аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳам бўлади.

Хусусан, ушбу мақсадларда: а) “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камида 100 хонадонга 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташкил этиш назарда тутилмоқда; б) давлат бюджетидан томорқа ерларида янги лойиҳаларни амалга ошириш учун 350 миллиард сўм ажратилди, Фермерлар кенгаши ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди; в) сув етиб бориши қийин бўлган маҳаллаларда артезиан қудуқларини қуриш режалаштирилди; г) кам таъминланган ва боқувчиси бўлмаган оилаларга мевали дарахт кўчатлари, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилади; е) томорқада етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга етказиб беришнинг самарали тизими яратилади.

УЧИНЧИ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш. Жаҳон бозорларида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари рақобатбардошлиги билан ажралиб туради ва юқори талабга эга ҳақиқий брендга айланиб улгурган. Биз дунёнинг 66 мамлакатига янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қиламиз. Хусусан, Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа қатор мева-сабзавотлар экспорти ҳажми бўйича дунёдаги энг етакчи етказиб берувчилар ўнталигидан ишончли ўрин эгаллаган.

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур вазифаларни амалга ошириш учун экспортчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарима санкциялари қўллаш тўхтатилади, уларнинг автотранспортда юк ташиш харажатларининг 50 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилган. Бундан ташқари, ушбу жамғармани қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилган. Чегара божхона постлари орқали юкларнинг тезроқ ўтказилишини, уларнинг божхона ҳужжатларини узлуксиз расмийлаштиришни, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларни беришни таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши мамлакатимизга нафақат экспорт салоҳиятини ошириш, янги бозорларни очиш, валюта тушумини кўпайтириш имконини беради, балки ушбу мураккаб даврда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг масъулиятли аъзоси сифатида дунё глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёрлигини билдиради. “Fitch Solutions” халқаро рейтинг агентлиги таъкидлаганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг тезлашиши, айниқса, қўшни давлатлар билан глобал таъминот занжирларининг узилиши шароитида ўзига хос “яширин имконият” дир.

Айни вақтда, давлат қабул қилинган чора-тадбирлар билан чегараланиб қолмайди ва конъюнктуранинг ўзгаришига қараб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган қишлоқ хўжалиги тармоғини қўшимча қўллаб-қувватлаш имкониятини кўриб чиқади. Жумладан, бугунги кунда қабул қилиниши олдидан кенг муҳокама қилинаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида янада жадалликни таъминловчи Президент қарорига мувофиқ, фойдаланилмаётган ерларни самарали ўзлаштириш ҳамда уларда мева-сабзавот етиштириш учун имтиёзли лизинг асосида аҳолига бериш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мева-сабзавот маҳсулотларини

экспорт қилиш билан шуғуланувчи корхоналарга 2 триллион сўм миқдорида кредит ажратилиши режалаштирилмоқда, 2020 йил 1 декабрга қадар минерал ўғитлар импорти билан боғлиқ барча чекловларнинг бекор қилиниши, паррандачилик, пиллачиликни ривожлантириш ва бошқа чора-тадбирларни моддий рағбатлантириш, шубҳасиз, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Хулоса сифатида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бутун дунёда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ички талабни қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистон -Президенти томонидан иқтисодий тараққиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўйилган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ҳокимиятнинг барча бўғинлари ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ташаббус кўрсатиш ҳамда жонбозлик билан меҳнат қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Фақатгина яқдил ва ҳамжиҳат бўлиб, мамлакат олдидаги замонавий таҳдид ва хатарларни самарали ҳал эта олишимиз мумкин.

ЭЗГУЛИК ҒАЛАБАСИ ВА ТАРИХИЙ АДОЛАТ

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
федерацияси раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



“Инсоният тарихи урушлар тарихидир”, деган эди муаррихлардан бири. Гарчи бу сўзларда андак қочирим ва киноя бўлса-да, моҳиятан олганда, тарихчининг фикрини дастаклаш мумкин. Зотан, кузатсангиз тарих ғаладонидаги таназзуллар, инсоният дучор бўлган мислсиз фожеаларнинг аксарияти урушлар ҳисобига тўғри келганига гувоҳ бўласиз.

Албатта, урушлар тарихи инсониятнинг ўз тарихи каби кўҳна. Бирок нисбатан янги тарих, деб қарайдиганимиз ҳозиргидан олдинги асрларда юз берган икки жаҳон уруши кўлами ва талафоти жиҳатдан мислсиз, дейилади. Мана, тугаганига 75 йил бўлаётган Иккинчи жаҳон урушининг дарду ситамлари, одамлар қалбидаги оғриқлари унутилди, деб ким айта олади? Ким айта оладики, фашизм даҳшатлари олис тарих, оддий бир чўпчак, деб. Аксинча, унинг жароҳатлари ҳамон дилларни ўртайди, ўз фожеавий кулфатлари ва кўлами билан инсониятни мудҳиш хатолардан тийиб туришга хизмат қилади... Иккинчи жаҳон урушида ўша замон дунёсидаги мустақил 73 та давлатнинг 62 таси иштирок этган эди. Уруш ер шари аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган. Жанговар ҳаракатлар 40 та давлат, уч қитъа ва тўрт уммонда олиб борилган. 110 миллион аскар иштирок этган бу урушда, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион, баъзи маълумотларга кўра эса 85 миллион нафаргача инсон ҳалок бўлган. Уруш ортидаги ўлгандан баттар азоб тортган инсонлар тақдири бу олтига ноли бор рақамга киритилган эмас. Аслида эса бу уруш инсониятни нафақат жисман, балки руҳан ҳам мавҳ этган. Урушда ғолиб бўлмайди, деган пурмаъно гап мана шу ерда асқотиши мумкин. Зотан, бу уруш инсониятга миллионлаб жасадлар билан бирга, синиқ қалблар, мумсик дийдалар, оғир йўқотишлар азоби — фироқни мерос қолдирди...

Шу ўринда мен бугун ижтимоий тармоқларда бу мавзуларда айтилаётган кўп мулоҳазаларга қўшилолмаيمانки, блогосферадаги кўп қарашларда бир томонламалик, тарихни билмаслик, баъзи кучларга кўр-кўрона эргашиш таъсирлари сезилиб турибди. Кимдир бу санани “Ғалаба куни” деса, кимдир “Хотира куни”, яна кимдир эса уни “бизга алоқаси йўқ ўтмиш”, дея умуман эсламасликни тарғиб қилган... Яна кимлардир сиёсийлаштириш ҳаракатида.

Айни дамда кўри сўнган кулни ковлашдан — мавзуга қайтмоқдан не наф дерсиз? Назаримда, бу керак! Шунинг учун ҳам керакки, гурунлар гап-гаштақдан виртуал оламга кўчган, ғийбатлар ҳам маҳалладан чиқиб, “ўргимчак тўрлари”да кезаётир ва бундай вақтда бефарқ қараб бўлмайди. Айни шу мулоҳазалар мени, бир неча кундирки, тинч қўймайди. Тизгинсиз саволларга

эса донишманд замондошим фаолиятдан, кўрсатаётган йўриқларидан ва фикрларидан жавоб топаман. Уларни қайта-қайта таҳлил қилар эканман, бу ишларда ўша даврнинг сўнмас бир руҳини — инсоннинг бетакрор ватанпарварлигини кўраман.

Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тинглар эканман, кўнг-лимдан ўтган кўплаб саволларга жавоб топдим. Қалбимни илиқ бир туйғу қамраб олди.

Ўзбекистон Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага улкан ҳисса қўшган. Баъзи бир тарихчиларнинг битмишларига кирмаган яна бир жиҳатни ёддан чиқармаслик керак бунда. Бу - фронторти жанглари, қаҳрамонликлари, фидойиликлари...

Давлатимиз раҳбарининг ватанпарварлиги, халқимизга, ўтмишимизга бўлган чексиз муҳаббати яна бир ташаббусда ёрқин намоён бўлди: 9 май кuni очилиши бўлган пойтахтимиздаги Ғалаба боғи.

Ўтган йили Президентимиз дилидаги гапларни айтди – аждодлар матонати ва жасоратини кўрсатиб берадиган яхлит бир мажмуа бўлса ва у бугунги авлоди учун сабоқ майдонига айланса...

Бу ташаббус ғоялигича қолмади. Мажмуанинг кичик деталигача давлатимиз раҳбарининг синчков нигоҳидан ўтди, бойитилди, ўзига хос композиция яратилди.

Ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат – бири ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги ҳаёт акс этган композицияда халқимиз қаҳрамонлиги тўлиқ ифода этилди.

Юқорида бошлаган мулоҳазаларимизни давом эттириб шуни айтаманки, ушбу ғояга ўзгача қараётганлар, аввало, бир нафас юзакиликдан тўхтаб, мавзуга чуқурроқ киришсин, ушбу боғдаги ҳар бир детални синчиклаб кузатишсин. Боғдаги бадий композиция, мотив ва тасвирларга сингдирилган ўша давр руҳияти машъум уруш ва ғалабанинг бизга ҳам жуда-жуда алоқаси бор эканидан ҳикоя қилади. Яъни боғдаги тарихнинг ҳақиқий суратлари, чин туйғулари ҳар қандай сиёсий ўйлардан юқорироқ ва самимийроқдир. Мен шу маънода айтаманки, Иккинчи жаҳон урушидаги фашистлар устидан қозонилган ғалаба коммунистларнинг эмас, тинчликсевар инсониятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг, халқимизнинг ҳам ғалабасидир. Бунини сиёсийлаштириш тарихга, ота-боболар руҳига хиёнатдир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидлаб келардики, Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган ҳиссасини чуқурроқ ўрганиш зарур... Бу гапнинг тагида катта асос бор экан... Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатди. Тарихий ҳужжатлар чуқур ўрганилди. Натижада эса бизга шу кунгача номаълум бўлиб келган яна юзлаб қаҳрамон аждодларимиз номи кашф этилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги

топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилган.

Тасаввур қияпсизми? Салкам 500 минг нафар инсон — ярим миллион ўзбекистонлик уруш қатнашчиси рўйхатлардан “тушиб” -қолган...

Ўша вақтда Ўзбекистонда 6,5 миллиондан ошиқ аҳоли яшаганини инобатга олсак, демак мамлакатда истиқомат қилган ҳар уч кишидан бири урушга жалб этилган. Юртда қолганларнинг аксарияти эса аёллар, кексалар ва болалар бўлган. Улар ҳам фронт ортида тинимсиз меҳнат қилган. Яна минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган. Мана шу факт ва рақамлардан кейин ҳам Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабада бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор десак, хўш, бунга ким қарши чиқади ёки инкор эта олади?!

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бундай рақамларни келтирди: “Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шу вақтгача бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 нафар экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди”.

Бу фидойилик ва ватанпарварлик билан тарихий адолат тикланмоқда. Ўзбек халқининг жасорати қанчалик буюк эканини тарих исботламоқда. “Шон-шараф” музейида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Шу ўринда Президентимиз сўзларидан иқтибос келтираемиз:

“Бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан йўқ эди. Бу ишлардан мақсад-муддаомиз — халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган буюк ҳиссасини тарихга муҳраб қўйиши, ёш авлодларга етказиши. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик қадрини билиши керак”.

“Халқ қаҳрамонларини унутмайди”, деган нақл бор. Аммо аввал ўша қаҳрамонлар кимлигини ҳам билиш керак. Бугунги авлод эса уларни унута бошлаганди, назаримда. Бу эса аслида тарих илмига, маънавият ва маърифат, тарбия соҳаларидаги аҳволимиз ҳаминқадарлигини кўрсатади. Биргина мисол, афсуски, менинг невараларим бугун Иккинчи жаҳон урушининг ўзбек қаҳрамонлари кимлар эканини яхши билмайди. Очиги, кейинги йилларда атай мум тишлаганимиз, бу урушнинг тафсилотларидан кўз юмганимиз бор гап. Ҳатто ўзимизнинг қаҳрамонларни ҳам гапирмай келганимизнинг аччиқ хосиласи бу.

Президентимизнинг яна бир фазилатини эслаб ўтишни жоиз деб билдим: бу кенгфёъллик ва кенгфикрлилик. Айтиш жоизки, узоқ ва сирли тортишувлар

ортидан Иккинчи жаҳон урушининг буюк ва жасоратли қаҳрамони Собир Раҳимов номи юртимизда тилга олинмай қолган, ҳатто унинг пойтахтдаги ҳайкали ҳам олиб ташлангани кўпчиликнинг ёдида. Албатта, бу тарихга, тарихий хотирага нисбатан ҳурматсизлик эди. Шавкат Мирзиёев яқин ўтмишдаги шу хатони тўғрилади. Собир Раҳимов номи юртимизга қайтди.

“Мангу жасорат” монументи тимсолида мен ана шуларни англадим. Бу монументни кўрган киши афсонавий генерал Собир Раҳимов каби ҳарбий кўмондонларимиз, ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг хотираси эл учун сўнмас бўлишини тушуниб етиши аниқ.

Албатта, бу — тарих. Уни қўлда чизиш, бўй-бастидан уриб қолиш ёки бўрттиришнинг салбий оқибатларини одамзод кўп кўрган. Жумладан, жамиятимизда Иккинчи жаҳон урушига нисбатан кейинги пайтларда шаклланган қарашлар ҳам шундай хатолардан холи, деб бўлмайди. Ўзбекистондаги холислик ва тарихий адолатни тиклаш йўлидаги бугунги ишлар ана шундай ҳақиқатга суяниши билан аҳамиятлидир. Назаримда, бундай ишларни ўз Ватанини чин дилдан севган, миллати билан ғурур туядиган одамгина қила олади!

Гап тарихий адолат хусусида кетар экан, бир ҳақиқатни тан олишимиз даркор: уруш йилларида халқимиз “Ҳамма нарса – фронт учун”, дея бор-будини жангга жўнатди – ўзи оч ва юпун бўлса-да, “Ҳамма нарса ғалаба учун!” деган эътиқод билан тинимсиз меҳнат қилди. Бу улкан матонат эди. Эрлар урушга кетган, аёллар садоқат билан уларни кутди, вафо туйғусини улуғ билди. Халқини севган, унинг тарихини ва дардини чуқур англаган давлатимиз раҳбари ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, “Матонат мадҳияси” деган монумент барпо этишни таклиф қилган эди. Ушбу монумент ва ундаги образлар ҳақида ўйлар экансиз, ўзбек халқи яна бир Зулфиясини топганини кўрасиз.

Ҳар иккиси – ҳаётий образ. Ҳар иккиси бардош ва ирода, матонат тимсоли! Бу, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишланган “Илҳақ” фильмида таъсирли кўринди, моҳият элга, хоссатан, бугунги авлодга тўлиқ очиб берилди.

Фильмни томоша қиларканман, ўзим ҳам олис болалигимга қайтгандек бўлдим. Ўтган асрнинг 50-йилларида барча жойлардаги каби Тошкентнинг эски маҳаллалари кўчаларида ҳам оғир бир ғамгинлик, чарчоқ ва дард ҳали кезиб юрарди. Ҳеч ким тилига чиқариб айтмайдиган, биров бировга зорланмайдиган, миннат қилмайдиган бу айтиб ва тасвирлаб бўлмас кайфиятни қўлтиқтаёққа суянганча папирос тутатаётиб олис--олисларга тикилаётган собиқ жангчи кўзларидан, отасининг ўлганини англаувчи “қора хат” келган бўлса-да, ҳамон кўзи эшикка жавдираб боқаётган мурғак етимлар юзидан, боласини кутиб мунғайган оналар ажинларидан билса бўларди... Айнан болаликдаги шу тасвир-хотиралар менинг ҳаёт ҳақидаги қарашларимни шакллантирган эди.

Фильмдаги Зулфия аянинг тимсолида шу хотираларим яна жонланди. Онамни эсладим. Уруш давридаги ғамгин ҳикояларини – йўқотилган яқинлар ва йўқотилган умрни, армонга айланган орзуларни...

Яна ёдимда қолгани онамнинг ҳикоялари: 1942 йили 18 ёшида акамни урушга кузатадилар. Аммо уруш тугаса ҳам акам қайтмайди. Хат-хабар ҳам онда-сонда келиб туради. “Кўп шубҳага борардим. Нега уруш тугаса ҳам ўғлим келмайди. Фироқ жонимдан ўтганида дардимни сувга айтардим...” Зулфия онанинг сувга айтган фарёдини кўрдингизми? Мен каби бундай хотиралар билан яшаётган яна қанча одам ўз онасини кўрди экан бу фильмда?..

Уруш тугагач, акам келдилар, аммо онамнинг кўзидаги ўша мунг, ўша ҳар тонг эшикка тикилган кўзларга хос бўлган ғам, ғусса изсиз йўқолиб кетмади. Мана, қанчалар қимматга тушган биз учун бу ғалаба!?

“Матонат” монументи ана шундай ўзбек оналарининг бардошига, ўзбек аёлларининг вафо ва садоқатига қўйилган... Унда ҳаёт ва ҳақиқат, ўзбеклар сиймоси акс этган...

Ана энди айтинг-чи, бундай урушнинг ғалабаси биз учун қанчалик зарур эди?

Ана энди яна айтинг-чи, бу Ғалабани биз нега нишонламаслигимиз керак?!

Бу ғалаба аждодларимизнинг Ватанга садоқати, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлик учун фидо қилганларнинг ўлмас жасоратидан бизга ҳикоя қилмоқда. Бугунги осойишта кунларга шукрона айтишга ундамоқда. Бу бизга аждодлардан қолган сўнмас хотира...

Биз шуни англасак бас!

Алишер Усмонов: КЕЛАЖАК МЕЪМОРИНИНГ ЙЎЛИ



Яқинда Буюк Британиянинг BNE IntelliNews ахборот агентлигининг Интернетдаги саҳифасида муҳтарам ватандошимиз, кенг миқёсдаги жамоатчилик ишлари ва хайрия тадбирларини олиб бораётган машҳур бизнесмен, маданият ва санъат ҳомийси Алишер Усмонов ҳақида мақола эълон қилинди. Мақола “The Daily Telegraph” газетасининг Москвадаги, “The Guardian”нинг Берлиндаги бюроси асосчиси ва бош муҳаррири ҳамда собиқ раҳбари Бен Арис томонидан ёзилган. Қуйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Россиялик миллиардер Алишер Усмонов ўзининг Facebook ва Alibabadaги шов-шувли инвестициялари, “Арсенал”нинг узоқ муддатли акцияларига эгаллик қилиши, шунингдек, Жеймс Уотсоннинг Нобель медалини сотиб олиши ва Римдаги маданий ёдгорликларни реставрация қилиши каби кўплаб хайрия ишлари билан -бутун дунёда машҳур.

Шу йил февраль ойида Алишер Усмонов томонидан Пьер Кубертеннинг Олимпия манифести Халқаро олимпия қўмитаси музейига ҳадя қилингани ҳақидаги хабар жаҳонга тарқалди, баҳорда эса бизнесмен коронавирусга ва Ўрта Осиёдаги сув тошқинларига қарши кураш учун кўп миллионлик хайрия қилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон фарзанди бўлган Алишер Усмонов инсонийлик, шарқона донишмандлик ва ҳақиқий ишбилармонликни ноёб бир тарзда ўзида мужассам этганки, бу унга глобал дунёга хос жараёнларни барчадан олдин кўриш имконини беради. Унинг учун бизнес ҳам бутун жаҳон бўйлаб хайрия ишларига оид лойиҳаларга сармоя киритиш усулидир.

Алишер Усмоновнинг кейинги пайтдаги инвес-тиция лойиҳалари орасида алоҳида ажралиб турадиган ташаббуси — маҳсулотларни рақамли маркировка қилиш борасидаги инқилобий тизим яратиш ҳақидаги ғояси Россия учун ўз бозорида товарлар ҳаракатини кузатиб туриш соҳасида биринчилардан бўлиш имконини беради.

Россия ҳукумати бир неча йил муқаддам, энг ривожланган мамлакатлар билан ўртадаги тафовутни қисқартиришга уринган ҳолда, иқтисодиётни рақамлаштириш ҳақидаги ғояни чин дилдан қўллаб-қувватлади. Бу ғоя онлайн тартибида давлат хизматларини кўрсатиш ва илғор солиқ тизимини яратишни ҳам кўзда тутар эди.

Ҳукумат Алишер Усмоновни технологиялар соҳасидаги энг нуфузли ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган инвесторлардан бири сифатида рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳани биргаликда амалга ошириш учун таклиф этди. Шу тариқа тез орада ахборот технологиялари соҳасида энг йирик давлат-хусусий шериклик муносабатлари вужудга келди.

Маркировка тизими ҳар қандай товарни барча фуқаролар фойдаланиши мумкин бўлган махсус илова орқали кузатиб туриш имконини беради. Маҳсулотларни етказиб беришнинг бутун занжирини — ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган жараёни кузатиб бориш мумкин бўлади. Ушбу тизим Россия бозорига улкан зарар етказётган товарларнинг ноқонуний савдосини ва қалбаки маҳсулотлар оқимини тўхтатишга ёрдам беради.

Лойиҳага катта миқдордаги пул — 220 миллиард рубль (3 миллиард доллар) маблағни сармоя сифатида киритишни режалаштираётган қўшма компаниянинг 50 фоиз улуши Алишер Усмоновга тегишлидир. Лойиҳани амалга ошириш ҳал қилувчи паллага кириши билан Россия яқин орада чакана савдони реал вақт режимида таҳлил этишга қодир бўлган жаҳондаги биринчи давлатга айланади. Ҳозирги вақтда шунга ўхшаш тизимлар фақат Жанубий Корея ва Сингапурда фаолият кўрсатмоқда.

Барчаси қандай бошланган эди?

Алишер Усмоновнинг бизнес оламига кириб келиши ва катта нуфузга эга бўлиши узоқ ва давомли йўл бўлиб, у доим янги имкониятлар топишнинг урдасидан чиқар эди. Бизнеснинг қандайдир битта тури ёки тармоғи билан кифояланмасдан, у истикболи бор деб билган соҳаларга сармоя киритарди.

Алишер Усмонов 1953 йили Ўзбекистоннинг Чуст шаҳрида туғилган. У Москвадаги нуфузли олий ўқув юрти бўлган Халқаро муносабатлар институтида ўқиб, юрист дипломини олди. Бу — совет даври элитасига хос анъанавий бир босқич эди. Алишер Усмонов ёшлигида профессионал даражада қиличбоз-лик билан шуғулланган. Бундан ташқари, унда дипломатия соҳасида муваффақиятли равишда ўсиш имконияти бор эди, лекин Михаил Горбачёв давридаги қайта қуриш сиё-сати вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. СССРнинг қулаш даврида бошбошдоқлик ҳукм сураб, айна вақтда тадбиркорлик қобилияти ва ишбилармонлик ғайрат-шижоатига эга бўлганлар учун мислсиз имкониятлар ҳам очилар эди.

Алишер Усмонов ўз бойлигининг катта қисмини 90-йилларда ишлаб топган, аммо Совет Иттифоқи тугаб кетишидан бир неча йил олдин долларлик миллионер даражасига кўтарилган эди.

Унинг бизнес оламидаги тарихи қайта қуриш авжига чиққан паллада бошланди. Алишер Усмонов оёғи синган ҳолда шифохонага тушиб, вақтини беҳуда ўтказмаслик учун дўстидан полимерлар кимёси ҳақидаги китобни олиб -ўқийди.

У кейинчалик бу ҳақда “Юқори зичликдаги полиэтилен, пенополиуретан деган нарсалар -аллақандай ғаройиб бўлиб туюларди”, деб эслайди.

Лекин уни кимё эмас, 30 000 дона елим халтачани — ўша пайтда уларга талаб катта эди — 1 рублдан сотиш мумкинлиги, уларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган бир тонна хомашё эса 437 рублга тушиши -қизиқтирар эди.

Алишер Усмонов касалхонадан соғайиб чиққанидан сўнг тижорат ташкилотининг советча муқобили бўлган кооператив-ширкат тузди. Бундай тузилмалар Горбачёвнинг 80-йиллар охиридаги иқтисодий ислохотлари доирасида таъсис этилар эди.

Алишер Усмонов шитоб билан ўзининг тадбиркорлик қобилиятини намоён этди. У Россиядаги пластикка ихтисослашган ишлаб чиқарувчиларнинг “қизил директорлари” билан келишишнинг урдасидан чиқди ва Ғарбий Германиядаги корхона (Кельбергдаги Plastik-Mashinenbau) билан ҳам асбоб-ускуналарни анчагина арзон нархда сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Ҳозирги вақтда елим халталар ишлаб чиқариш ҳақидаги гаплар унчалик ҳам қизиқ туюлмади, бироқ Совет Иттифоқининг сўнгги йилларида ва шўролар давридан кейинги Россияда ғарбона услубдаги ранг-баранг бичимга эга, сиртига ёзувлар туширилган елим халталар эркин бозор сари ташланган биринчи қадам эди. Бирор нарса олиш учун дўконга борган одам албатта, елим халтача харид қиларди.

Бизнес гуллаб-яшнади. 300 миллионлик аҳолига эга бўлган совет бозорида Алишер Усмонов ва унинг шериклари долларлик миллионерларга айланишди. 1992 йилга, бизнес янги босқичга кўтарилган даврга келиб, у аллақачон бадавлат инсон бўлиб улгурган эди.

Алишер Усмонов 90-йилларда катта бойлик тўплаган кўплаб россиялик миллиардерлар орасида алоҳида ажралиб туради. У ўз бойлигини очиқ бозордаги активлар — мол-мулк ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни сотиб олиш йўли билан тўплади, бу жараёнда янги бизнес турларини, масалан, технология-лар соҳасидаги ишини дастлабки нуқтадан -бошлади.

“Мен ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда, кимлардир ўйлагандек, олигарх бўлмаганман. Барча активлар ўзим ва шерикларим томонидан иккиламчи бозордан сотиб олинган, уларнинг хусусийлаштириш жараёнига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Менга ҳеч ким ҳеч нарса совға қилмаган”, — деб баёнот берди яқинда Алишер Усмонов Financial Timesга берган интервьюсида.

Ғарчи Алишер Усмоновни тез-тез ваучерлар шаклидаги хусусийлаштириш давомида ҳамда 1995-96 йиллардаги машҳур “гаров асосидаги аукционлар” даврида шиддат билан бадавлат бўлиб кетган, “биринчи тўлқин”га мансуб россиялик энг нуфузли олигархлардан бири, деб ҳисобласалар-да, аслида унинг бойиш сари олиб борадиган йўли бутунлай бошқача -бўлган.

Янги имкониятлар

Россия 1992 йилгача бошбошдоқлик домига тортилган эди. СССР тарқалиб кетганидан сўнг иқтисодиётнинг емирилиши бошланди. Лекин ҳатто эски тузум вайроналари остида ҳам фойда олиш учун кўплаб имкониятлар топиш мумкин эди.

Айнан 1992 йили Роман Абрамович нефтни чет элга сотиш учун маҳсулот юкланган темир йўл составини Латвиядаги портга жўнатишни ўйлаб топди. Ана шу ишдан кейин унинг капитали шакллана бошлади.

Бу банк спекуляциялари даври эди. Озгина пули бор ҳар қандай одам ўз банкни ташкил этиши ва гиперинфляциядан фойда олган ҳолда, арбитраж ишлари орқали миллионлаб рубль пул ишлаб олиши мумкин эди. Бунинг учун банклар қарз мажбуриятларини, масалан, компанияларнинг иш ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятларини рубль ҳисобида қабул қилар, лекин уларни долларда ўтказар ва ҳисоб-китобларни имкон қадар кўпроқ кечиктиришга ҳаракат қилар эди. Вақти келиб, ниҳоят банклар тўловларни амалга оширганида улар тегишли маблағни яна қайта доллардан рублга ўтказар (рубль бу пайтга келиб сезиларли равишда арзонлашган бўларди), ҳисоб-китобдан кейин қолган (доллардаги) пулни эса ўзлаштириб олишар ва шу тариқа каттагина фойдага эга бўлишар эди. Ўша даврда йиллик инфляция кўрсаткичи 1000 фоиздан юқори ёки кунига қарийб 5 фоизни ташкил этар эди. Кўплаб бойликлар ана шундай ишлар орқали қўлга киритилган.

Алишер Усмонов бошқа йўлдан борди. Ғанимат фурсатдан эпчиллик билан фойдаланиб қоладиганлар учун улкан имкониятлар очиб берган бошбошдоқлик шароитида у инвестиция фаолияти билан шуғулланди. Ўзининг эски шериги ва дўс-ти, асли келиб чиқиши эронлик бўлган британиялик Фарҳод Моширий билан биргаликда Алишер Усмонов халқаро бозорларда сармоя сарфлай бошлади ва бу борада кўп нарсага эришди.

Унга 90-йилларнинг охирида газ соҳасида Россияда яқка ҳукмрон бўлган “Газпром” давлат компанияси раиси Рем Вяхирев ўз эътиборини қаратди. Вяхирев Алишер Усмоновни газ соҳасидаги улкан тузилманинг инвестиция лойиҳалари билан шуғулладиган шўъба корхонаси — “Газпром инвестхолдинг” компанияси раҳбари этиб тайинлади.

“Газпром” учун бу олтин давр эди. Газ экспорти давлат учун унча кўп бўлмаган ишонч-ли манбалардан бири эди ва юз минглаб ходимларга эга бўлган компания — уни кўпинча “давлат ичидаги давлат” деб аташарди — мамлакатнинг деярли барча минтақаларида ўз тузилмаларига, бинобарин, ўз таъсирига эга эди. “Газпром” бутун-бутун шаҳарларда ижтимоий соҳани — мактаблардан тортиб пенсионерларни қўллаб-қувватлашгача — тўлиқ таъминлаб келарди. Алишер Усмонов -Вяхиревга ушбу салтанатни бошқаришда ёрдам берадиган молиявий маслаҳатчилардан бирига айланди. Россия Федерацияси Президенти -Владимир Путин 2001 йилда Вяхиревни истеъфога чиқарди. Бу қадам Президент томонидан ундан олдин мамлакатни бошқарган Ельцин даврида шаклланган бетартиб тизимни назоратга олиш учун йўналтирилган чора-тадбирлардан бири бўлди. Лекин ҳатто “Газпром”ни Алексей Миллер бошқаргандан кейин ҳам Алишер Усмонов яна узоқ вақт “Газпром инвестхолдинг”нинг раҳбари бўлиб ишлади.

Металлургия соҳаси магнати

Алишер Усмонов “Газпром”га келган вақтида яқиндагина харид қилган металлургия корхонаси капиталидаги улушини компанияга сотди. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ҳам шундай қилди. Кейинчалик у бозор нархида ҳақ тўлаб, “Газпром”дан ушбу улушни қайта сотиб олди.

Ана шу воқеадан сўнг металлургия тармоғидаги фаолияти бошланди. Россияда 2002 йилда олти йиллик иқтисодий юксалиш бошланди. Шу даврда иқтисодиёт 6-8 фоизга, фонд бозори даромадлари эса 50 фоизгача ўсди. Россия компаниялари ўз активларини уларнинг халқаро муқобилларга яқин адолатли қийматини белгилаш мақсадида қайтадан баҳолай бошлади ва шундан сўнг маҳаллий хомашё ишлаб чиқарувчилар етакчилар қаторига кўтарилди.

Алишер Усмонов ўз капиталини металлургия компанияларига қўя бошлади. У бир қатор тоғ-кон ва пўлат қуйиш корхоналарини сотиб олди ҳамда Россиянинг етакчи металлургия компанияларидан бири бўлган “Металлоинвест” гуруҳини ташкил этди. Ушбу компания ҳозирги кунга қадар унинг бизнес салтанатида ғоят муҳим ўрин эгаллаб -келмоқда.

Алишер Усмонов зарар билан ишлаб келаётган Corusa Steel Англия-Голландия қўшма корхонасига маблағ сарфлаганида, юқорида эсга олганимиз — иқтисодий юксалиш энди-энди бошланган эди. Алишер Усмоновнинг шериклари ўзининг энг нохуш даврини бошидан кечираётган пўлат қуйиш компанияларини сотиб олиш бутунлай ақлсиз иш эканини айтишади. Лекин у ўз ҳамкорларини танланган йўлдан қайтмасликка кўндиради. Икки йилдан сўнг Corusнинг акциялари нархи кескин ошиб кетганида Алишер Усмонов ўз бойлигини сезиларли равишда оширишга эришади.

Замонавий технологиялар

Иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ривож-ланиши мамлакатни тубдан ўзгартириб юборди. Ялпи ички маҳсулот икки баробар кўпайди. Ўрта синф пайдо бўлди. Иш ҳақи миқдорининг ўн йил давомида 10 фоизга ўсиши хусусий секторда ишлаётганлар билан давлат хизматида ишлаётганлар ёки ҳеч бўлмаганда, у билан боғлиқ бўлган кишилар, яъни мамлакат аҳолисининг қарийб ярми ўртасидаги тафовутни йўқ қилди.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли россияликлар олдида янги имкониятлар дунёси очилди. 90-йилларда асосий капитал хомашё билан боғлиқ компаниялар кўлида эди, аммо 2000-йилларга келиб, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ишлайдиган корхоналар катта даромад келтира бошлади. Охир-оқибатда Россия аҳоли сони бўйича Европадаги ҳар қандай мамлакатдан устун бўлган йирик истеъмол бозорига айланди. Алишер Усмонов замонавий технологияларнинг катта имкониятларига кўпчиликдан илгари эътибор қаратди.

Глобал молиявий инқироз авжига чиққан бир пайтда, 2009 йилда Усмонов Facebook акцияларини сотиб олиш учун бир миллиард доллар ажратишга қарор қилганида ушбу қизиқиш авж нуқтасига етди.

Бундай хатарли таклифни эшитиб, унинг бизнес ҳамкорлари Алишер Усмоновга яна, сен эсингдан оғиб қолибсан, деб айтишди. Чунки у инқироз даврида бошқалар каби жуда кўп пул йўқотган эди.

Facebook акцияларини сотиб олиш ҳақидаги ғояни Алишер Усмоновга Юрий Мильнер берган ва ушбу компаниянинг капиталидаги чоғроқ улушни сотиб олишни таклиф қилган эди. Усмонов бу пайтда Facebook тез орада мутлақо мустақил феноменга айланишини тушуниб етган эди. “Мильнер акцияларнинг 0,5 фоизидан 1 фоизигача сотиб олишни режа қилар эди, аммо мен бу соҳага кирар эканмиз, кўпроқ улушга эга бўлишимиз кераклигини айтдим”, деб эслайди Алишер Усмонов. Натижада Алишер Усмонов ва унинг шериклари Facebook акциялари оммавий жойлаштирилишидан бир неча йил аввал компания акцияларининг қарийб 8 фоизини ўз қўлларида тўпладилар.

Мильнер глобал молиявий инқироз авжига чиққан пайтда Facebook эгаси Марк Цукерберг билан музокараларни бошлади. Кейинги воқеалар тарих саҳифаларига айланиб бўлган.

Баъзи маълумотларга кўра, Усмонов Facebookга ўзининг USM компанияси орқали тўғридан-тўғри 460 миллион доллар, шунинг-дек, ўзи ва Мильнер шериклигида тузилган ва -Россиядаги бир нечта йирик технологик компаниялар акциялари эгаси бўлган DST венчур фонди орқали эса яна 420 миллион доллар инвестиция киритди.

Алишер Усмонов бу битим қанчалик муваффақиятли бўлгани ҳақида ҳеч нарса демайди. Аммо Financial Times мухбири ундан олинган фойда киритилган сармоядан қанча ошганини сўраганида, у “беш баробардан ортиқ”, деб жавоб берди.

Алишер Усмонов кўп йиллар давомида технологик компанияларга сармоя киритишда -давом этди. Россияда у “МегаФон” уяли алоқа компаниясида, Mail.ru почта хизматида ва Facebook тармоғининг Россиядаги муқобили бўлган “ВКонтакте” ижтимоий тармоғида акцияларни сотиб олди.

“ВКонтакте” қисман Мильнернинг фонди DSTга тегишли эди, фонднинг акциядори Усмонов эди. IntelliNewsга берган шарҳида Мильнер: “Бу инсон кенг дунёқараш, ишбилармонлик салоҳияти ва принципларга содиқликни ноёб тарзда ўзида мужассам этган”, — дейди.

Алишер Усмоновнинг замонавий технологияларга бўлган алоҳида қизиқиши унинг Apple, шунингдек, дунёнинг кўплаб технологик етакчиларига, жумладан, JD.com, Twitter, Spotify, Uber ва бошқа компанияларга муваффақиятли инвестиция киритганида ўз аксини топди.

Хайрия фаолияти

Шу йил май ойининг бошида Ўзбекистон ва -Қозоғистоннинг чегарадош ҳудудларида тошқин ва тўғоннинг бузилиши оқибатида 100 мингдан ортиқ одам

жабр кўрди. Алишер Усмонов зудлик билан офат оқибатларини бартараф этиш учун ҳар икки мамлакатга 15 миллион доллар маблағ йўналтирди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубида у: “Ҳожиа ҳақидаги хабарни қалбимда оғриқ билан қабул қилдим” ва “мен халқимизнинг тақдирига бефарқ -қараб тура олмайман”, деб ёзди.

Шу йилнинг бошида Алишер Усмонов она юртини ҳам четлаб ўтмаган Covid-19 пандемиясига қарши курашиш доирасида Ўзбекистон шифохоналарини жиҳозлаш учун 25 миллион доллар ажратди.

“Россияда миллиардер ва унинг шериклари тиббиёт муассасаларига ёрдам бериш учун ўз маб-лағларининг 26 миллион долларини ва назорати остидаги компаниялари орқали молиявий кўмак ва турли имтиёзлар шаклида 100 миллион доллар ажратди”, деб хабар қилди Алишер -Усмоновнинг матбуот хизмати IntelliNewsга.

Forbes журналининг халқаро рейтингда Алишер Усмонов пандемияга қарши курашишга энг кўп хайрия маблағлари йўналтирган россиялик филантропга айланди ва хайр-эҳсоннинг умумий миқдори бўйича Жек Дорси ва Билл Гейтс билан биргаликда ҳозирги инқироз шароитида дунёдаги уч нафар етакчи саховатпеша бизнесменлар қаторига кирди.

Алишер Усмонов кўп йиллар давомида Россиядаги энг бой тадбиркорлардан бири бўлиб келган: унинг бойлиги 13,4 миллиард доллар қийматида баҳоланмоқда. Икки йил аввал Forbes экспертлари Алишер Усмоновни йилнинг энг яхши бизнесмени деб эътироф этган эди, лекин 60 ёшга тўлганидан сўнг у аксарият компанияларини бош-қарадиган USM холдингдаги улушини камайтира бошлади. Алишер Усмонов Жорж Сорос, Уоррен Баффет ва Билл Гейтснинг изидан бормоқда: улар ўз капиталининг жуда катта қисмини ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга хайрия сифатида сарфлаганлар. Айни пайтда Алишер Усмонов хайрия ишларини ўз фаолиятининг асосий йўналишига айлантирган илк россиялик миллиардер бўлди.

Ўзига тегишли маблағни чангаллаб, бизнеси устидан назоратни қўлдан чиқаришни истамайдиган аксарият россиялик олигархлардан фарқли ўлароқ, Алишер Усмонов бир неча йил аввал аста-секин бизнес билан боғлиқ ишлардан узоқлашаётганини айтди.

Шу йилнинг январь ойида Алишер Усмонов Россиядаги бизнесга доир активларнинг катта қисмини бирлаштириш мақсадида саккиз йил олдин ташкил этилган USM холдингдаги акцияларини оила аъзолари ва топ-менежерлари ўртасида тақсимлаш ниятида эканини маълум қилди.

“Менга ёрдам берганлар кўп. Шунинг учун мен ҳам ўз акцияларимни бериш орқали оилам ва менежерларимга ёрдам кўрсатишни хоҳлайман”, деди Алишер Усмонов.

Энди Алишер Усмонов, ўзининг айтишича, вақтининг асосий қисмини ўзи чиндан ҳам севадиган ишга, яъни спорт ва хайрия ишлари билан боғлиқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга бағишламоқда. У узоқ вақтдан буён Халқаро қиличбозлик федерациясининг президенти бўлиб келмоқда. У “Қиличбозлик келажаги учун” хайрия жамғармаси асосчиси ҳамдир.

Жорий йилнинг бошида Алишер Усмонов Олимпия манифестининг асл нусхасини сотиб олди, бунинг учун тарихда спорт билан боғлиқ ёдгорлик учун тўланган энг юқори маблағ — 8,8 миллион доллар тўлади ва уни Халқаро қиличбозлик федерациясининг бош қароргоҳи жойлашган Лозанна шаҳридаги Олимпия музейига совға қилди.

Спорт мавзуси ҳатто Усмоновнинг шахсий ҳаётида ҳам билинади: мана, 28 йилдирки, бадий гимнастика бўйича Россия терма жамоасининг афсонавий бош мураббийи ва Бутунроссия бадий гимнастика федерацияси президенти бўлиб келаётган Ирина Винер унинг рафиқасидир.

Алишер Усмонов мустаҳкам иймон-этиқодли инсон экани билан ажралиб туради ва 60 ёшдан кейинги умр мусулмон учун жуда муҳим давр, деб ҳисоблайди.

“Мусулмон учун 63 ёш — пайғамбар ёши. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом 63 йил умр кўрганлар. Ушбу табаррук ёшга етгач, инсонда фойда топиш билан шуғулланиш истаги йўқолади. Шунинг учун 63 ёшимда бизнес оламидаги саёхатни тугатаман, — деган эди Алишер Усмонов. — Энди ўзимни бизнесмендек ҳис қилмаяпман. Мен кўпроқ хайрия ишлари билан шуғулланадиган жамоат арбобиман ва бу мени жуда руҳлантиради. Ва бу жуда катта маблағни талаб қилар экан, мен бир қатор компанияларда акциядор бўлиб -қоламан”.

Forbes маълумотларига кўра, Усмонов сўнг-ги ўн беш йилда 2,6 миллиард доллар маблағни хайрия қилган. Ўтган йил давомида эса — 400 миллион доллар, жумладан, Ўзбекистонга бир неча юз миллион доллар ўтказилди.

Шунингдек, Алишер Усмонов Тошкентда йирик Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш учун ҳам маблағ ажратди. У Жаҳон банки кўмагида Ўзбекистоннинг бир қатор ҳудудларида уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда иштирок этмоқда ва ўзбек спортини қўллаб-қувватламоқда.

Россияда Алишер Усмонов Мстислав Ростропович ва Галина Вишневскаянинг санъат асарлари тўпламларини ушбу мамлакатга қайтаргани, Россиянинг етакчи музейи учун Франс Халснинг машҳур “Авлиё Марк” картинасини сотиб олгани, совет мультфильмлари тўпламини топиб олиб келгани ва бошқа кўплаб ана шундай олижаноб ишлари билан танилган.

Айни пайтда Алишер Усмоновнинг саховатидан нафақат Россия ва Ўзбекистон баҳраманд бўлди, балки у бутун дунё бўйлаб маданий меросни қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшди. Ульпия Базиликаси, Гораційлар ва Куриацийлар залини ва Римдаги Пьяцца дель Квиринале майдонидаги фавворани реставрация қилиш, шунингдек, Лондондаги чой ташийдиган “Катти сарк” кемасини қайта тиклаш лойиҳалари — буларнинг барчаси Алишер -Усмоновнинг фаол иштироки туфайли рўёбга чиқди.

“Менимча, агар бирор киши Оллоҳ таолодан ва тақдирдан нимадир олган бўлса, демак, уни бошқалар билан баҳам кўриши керак, — дейди Алишер Усмонов. — Хайрия ишларига келсак, сиз бор-будингизни ўнгу сўлга тарқатаверишингиз шарт эмас. Қуръони каримда буюрилганидек, даромаднинг бешдан бири хайр-эҳсон қилиниши жоиз. Хайрия фаолиятининг иккинчи

босқичи — бу оилангиз ва дўстларингизнинг бахтли-саодатли бўлишлари учун уларга ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришдан иборат. Ва учинчи даража — бордию ўзингиз кутганингиздан кўпроқ бойликка эга бўлсангиз, топганингизнинг ярмини эҳсон қиласиз".

Алишер Усмоновни яхши биладиган одамларнинг айтишларича, "хайр-эҳсон қилиб яшаш унинг қон-қонига сингиб кетган". Жеймс Уотсоннинг Нобель мукофоти медали билан боғлиқ ҳикояси Алишер Усмоновнинг ҳомийлик борасидаги ёндашувининг ажойиб намунасидир. 1962 йилда Френсис Крик ва Маурис Уилкинс билан биргаликда ДНКнинг икки қаторлик тузилишини кашф этгани учун тиббиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлган Уотсон ўзи узоқ вақт ишлаган Лонг-Айленддаги "Колд Спрингс Харбор" лабораторияси учун пул топиш мақсадида ўз медалини сотишга тайёр эди. Медаль Нью-Йоркдаги "Кристис" кимошди савдолари уйида номаълум харидорга 4,1 миллион доллар эвазига сотилди. Кейинчалик бу Алишер Усмонов экани маълум бўлди. Саховатли бизнесмен "таниқли олим ўз ютуқлари учун олинган медални сотадиган ҳолатга тушишига йўл қўйиб бўлмайди... ва ДНК тузилишини кашф этгани учун мукофот унинг ўзида қолиши керак", деб медални олижаноблик билан Уотсонга қайтариб берди.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, Алишер Усмоновни жуда бой-бадавлат қилиб турган яна бир жиҳат бор. Катта оилада туғилиб-ўсган Алишер Усмонов ўндан зиёд жиянлари ва набираларини ардоқлайди, унинг меҳр тўла улкан қалбида улар муҳим жой эгаллаб, энг бебаҳо бойлиги бўлиб келмоқда.

ФАРҒОНА ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бозори чакқон ипак гиламлар

Марғилон Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий кент. Шу боис, минг йиллардан буён бу шаҳарда ҳунармандчилик ривожланиб келган. Энг муҳими, бугун ҳам у рес-публикамизнинг ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб турибди. Шу маънода, бу ерда мамлакатимизда ҳозирча ягона Ҳунарманд-чилик маркази ташкил этилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган пресс-тур шу марказга ташриф билан бошланди. Марғилонга сўнгги бор борганимга уч-тўрт йил бўлганди. Шаҳар кейинги йилларда мутлақо янгича қиёфа касб этиб, янада чирой очибди, обод бўлибди. Одамларнинг юзида, кўзида ҳам сўнгги йиллар ислохотлари акс-садо бериб тургандек гўё. Пандемия шароити бўлса-да, барчанинг кайфияти кўтаринки, руҳи баланд. Марғилондан Фарғонага борадиган катта йўлнинг чап тарафида қад ростлаган Ҳунармандлар марказига кирганимда улуғ ва севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирланган Марғилонни эсладим.

Икки қаватли марказнинг қуйи қаватида атлас, адрас, шойи, бахмал, беқасам каби миллий матолар тўқилади. Шунингдек, тайёр маҳсулотлар кўرғазмаси, чевархона ҳам ўрин олган. Бу ердаги дўконда матога гул чизиш, боғлаш ва бошқа жараёнлар кўрғазмали тарзда намойиш этилади.

Бинонинг иккинчи қаватида юз-юз эллик чоғли қиз ўрмакда гилам тўқияпти. Ҳаммасининг нигоҳи ёнида турган суратга қаратилган. Бир суратга қарайди, бир чакқон кўллари билан керакли рангдаги шойи ипни олиб, гилам тўқийди. Улар ўша суратдаги манзарани гиламга кўчиришмоқда. Зални айлана туриб, бир тўқувчи олдида тўхтадим. Ўзини Рўзихон Аҳмадалиева деб таништирган қиздан бу ерда уларга яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўрадим.

— Ҳунармандлар марказига келиб кам бўлмадим, — дейди Рўзихон. — Аввало, ҳунар ўргандим, ишли бўлдим. Ипакдан гилам тўқиш жуда мураккаб иш, катта сабр-тоқат талаб қилади. Кичкинагина гиламни баъзан икки-уч ой тўқиймиз. Бу иш менинг иродамни тобляпти, -сабр-тоқатли бўлишга ўргатапти. Ойлигим ҳам ёмон эмас, ишга корхона автобуси олиб келиб, олиб кетади, тушлигимиз марказ ҳисобидан. Касал бўлиб қолсак, даволананиш пулимизни ҳам ишхонамиз тўлайди. Хуллас, бу ерда ишлаётганимдан жуда хурсандман.

Бу маскан моҳир уста Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида қурилган. Иброҳимжон ака тўқувчининг фарзанди. Болалиги тўқув ускунаси ёнида ўтган. Кейинчалик ўзи ҳам узоқ йиллар шу иш билан шуғулланган. Олий Мажлис Сенати аъзоси, марказ раҳбари бўлса-да, ҳозир ҳам гилам тўқишни канда қилмайди. Бўш вақт топди дегунча, ўрмакка ўтириб, севимли иши билан банд бўлади.

Иброҳимжон аканинг таъкидлашича, марказда 50 турдан зиёд гиламлар 100 фоиз тоза ипакдан қўлда тўқилади. Шунинг учун унинг дунё бозорида харидорлари кўпа-йиб бормоқда. Ҳозир бу гиламлар, асосан, Туркияга экспорт-қилиняпти, лекин сўнгги йилларда Европа мамлакаларида ҳам тоза ипакдан қўлда тўқилган ўзбек гиламига қизиқиш ортиб борапти.

Аслида ҳамиша ҳам табиий, экологик тоза маҳсулотларга талаб кучли бўлган. Сўнгги йилларда сунъий товарлар, айниқса, сунъий озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиб кетгач, жаҳоннинг ривожланган давлатларида табиий маҳсулотларга талаб янада кучайди. Юз фоиз табиий бўлгани учун Ҳунармандлар марказида ишлаб чиқарилаётган атлас, адрас каби матолар АҚШ, Италия, Франция, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилиняпти. Тасаввур қилиясизми, дунёнинг манаман деган мамлакатлари бизнинг маҳсулотларга харидор.

— Энг қиммат гиламни неча пулга сотгансиз? — дея савол бердик Иброҳимжон акага.

— Ўтган йили битта 3,5х4,5 метр ўлчамли гиламимизни 61 минг, 3х4 метр ўлчамли гиламимизни эса 59 минг АҚШ долларига сотдик. Майда гиламларимизга ҳам ҳамиша харидор топилади. Шаҳримиз водийнинг сайёҳлик манзилларидан бири. Марказимиз шаҳримизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилипти. Осори-атиқалар билан танишган сайёҳлар бу ерга келиб атлас, адрас тўқиш жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлади, ҳам ўзи хоҳлаган маҳсулотни харид қилади. Шу ердаги чевархонада ўз дидига мос либос тиктириб кийиб кетаверади. Айримлари гиламларимиз билан қизиқади. Ўтган йили 1,5 миллион АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилгандик. Бу йил пандемия туфайли мижозларимиз бироз камайди. Лекин йил охиригача ўтган йилги кўрсаткичга эришишга ҳаракат қиламиз.

Корхонанинг 11 та цехида 600 нафар хотин-қиз ишлайди, яна 1300 аёл касаначилик асосида уйда ўтириб меҳнат қилади. Шунингдек, вилоятнинг бир неча аҳоли пунктларида марказнинг филиаллари бор. Бу филиалларда ишлайдиган аёлларнинг фарзандлари учун махсус боғчалар очилган. Энг асосийси, бу мактабгача таълим муассасаларида тўқувчиларнинг болалари бепул тарбияланади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Ҳунармандлар марказида бўлиб, бу ерда амалга

оширилаётган ишлар билан танишди. Марказда ишлаётган аёллар билан суҳбатлашар экан, бундай деди:

— Менинг энг катта ислоҳотим – ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш. Сизларнинг кўзингиздаги ишончни, умидни кўриб бахтиёр инсонман. Аёлларни қанча рози қилсак, Яратган бизга куч-қудрат, юртимизга тинчлик-осойишталик беради. Бутун дунё пандемия оқибатида катта қийинчиликка учрапти. Ҳеч ким ишонмагани, шу шароитда мана шундай корхоналар ишга тушира оламиз деб. Бу – Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, натижаларимиз бундан-да юқори бўлади. Буни марказнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани ҳам исботлаб -турибди.

Рақамли технология – тараққиёт технологияси

Бугун дунёни, ҳар бир ташлаган қадамимизни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Аслида замон талаби ҳам шу. Юртимизнинг энг чекка қишлоқларига ҳам бориб кўринг, мобил телефонсиз бирорта одамни, хонадонни топасизми? Бекорга давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича белгилаб берилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилмаган.

Марғилон шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган Рақамли технологиялар марказида бўлганимизда хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Бугун бу ерда электрон ахборот-ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видеостудия рақамли технологиялар мутахассислари ихтиёрида. Бинонинг алоҳида хоналарини эгаллаган ёшлар компьютерда турли дастурлар тайёрлаш билан банд.

— Мен телеграм учун махсус каналлар яратяпман, — дейди ўзини Темурмалик Матризаев деб таништирган йигит. — “Ўзмесенжер”, “Ёз – ўтмоқда соз” каналларимиз бор. Бу каналлар орқали халқимиз коронавирус даврида зерикмаслиги учун ҳар хил савол-жавоб викториналари ташкил этишимиз. Шунингдек, ўқувчилар ёзги таътилни қандай ўтказаяётгани ҳақида ҳам қизиқарли материаллар тарқатамиз. Ҳар куни бир марта савол-жавоб викторинаси ўтказаман.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Темурмаликка ўхшаган ёшлар бугун Марғилонда кўплаб топилади. Улар замонавий рақамли технологияларни мукамал ўрганиб, келгусида мамлакатимиз тараққиётига ўз хиссаларини қўшишга астойдил бел боғлаган.

Марказни ташкил этишдан мақсад ёшларга дастурлаш, ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик,

робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратишдан иборат эди. Ҳозир бу ерда дастурлаш, мобил илова, веб-дизайн, робототехника, киберспорт, стартап маркази, фрилансерлар мактаби, дизайн каби йўналишларда дарслар олиб борилмоқда.

Маҳаллий бюджетдан 14 миллиард сўм маблағ сарфланган замонавий марказ 2,5 гектар майдонни эгаллаган. У рақамли технологиялар ва иқтисодиёт бўйича ягона марказлашган комплекс тизим яратиш ҳамда хизматлар тақдим этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Марказ фаолиятини йўлга қўйишда Жанубий Корея ва Россия Федерациясидаги технопарклар тажрибасига таяндик, — дейди марказ раҳбари Баҳромжон Жалолов. — Ходимларимиз 24 соат ишлайди. Улар саноат корхоналарини автоматлаштириш борасида изланишлар олиб борапти. Ҳозир бу ерда 150 нафар ёш дастурлаш сирларини ўрганмоқда. 2022 йилга келиб 1000 та иш ўрни яратилади. Бошқача айтганда, бу ерда ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш учун барча имкониятлар бор.

Илғор ғояларга – кенг йўл

Эътибор берганмисиз, ўзимизда ишлаб чиқарилган кўплаб костюм ва шимларни кийганингиздан сўнг бир-икки ой ўтгач, питиғи чиқиб кетади. Марғилон шаҳридаги “UZWOOLENTEX” кўшма корхонасига борганимизда бунинг сабабини тушунгандек бўлдим. Бу ерда тайёрланаётган жунли матолар уч марта назоратдан ўтказилиб, питиғидан тозаланади. Шундан сўнг матога алоҳида дастур асосида ишлов бериларкан.

Президентимиз 2018 йилнинг июнь ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида “Наримтекс” МЧЖ фаолияти билан танишиб, ички ва ташқи бозордан ўрин эгаллаш учун хориж технологияларини жалб этиш, ишчи-хизматчилар малакасини доимий ошириб бориш борасида топшириқлар берган эди.

“UZWOOLENTEX” кўшма корхонасининг ташкил этилиши мазкур топшириқни бажариш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Корхона узоқ вақт қаровсиз ётган собиқ “Атлас” фирмаси негизида ишга тушди. Уни барпо этишга 7,9 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ҳозир бу ерда 300 нафар маҳаллий ёш меҳнат қил-япти. Тўқув, сифатни назорат қилиш, пардозлаш ва лаборатория цехлари юқори унум билан ишламоқда. Италия ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлардан олиб келинган сўнгги русумдаги ишлаб чиқариш ускуналарини маҳаллий ёшлар маҳорат билан бошқармоқда.

— Австралиянинг меринос кўйлари жунидан хизмат кийимлари учун жун аралашмали матолар ишлаб чиқариладиган корхонамиз Марказий Осиё-да ягона, — дейди “UZWOOLENTEX” раҳбари Наргиза Аминова. — Бу мато пахтадан анча сифатли бўлиб, қуёш нуридан сақлайди, ҳаво

Ўтказувчанлиги юқори, антибактериал хусусиятга эга, ҳидсиз. Энг муҳими, маҳсулотларимизга дунё бозорида талаб юқори. Айни кунларда ишлаб чиқараётган матоларимизнинг асосий қисми Россия, Беларусь сингари яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхонамизда ишчилар малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Европадан келтирилган ускуналарни бошқаришнинг ўзи бўлмайди, ахир. Яқинда 10 та аёл ишчимиз Хитойда малакасини ошириб қайтди.

Айни кунда истиқболли лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун корхонага 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари олиб келинди. Янги тармоқ ишга тушгач, ҳар йили 6,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежаб қолинади. Мато учун буюртмаларнинг ишлаб чиқариш муддати икки баравар қисқаради. Маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида 400 нафардан зиёд маҳаллий ёш ишли бўлади.

— Шу корхонада ишлаётганимдан жуда хурсандман, — дейди назорат бўлими ишчиси Юлдузхон Мўминова. — Корхонада қулай меҳнат шароити яратилган. Ишга келганимда жамоа илиқ кутиб олди. Шу боис, тезда ишга ўрганиб кетдим. Ҳар ойда 1,5 ва 2 миллион сўм маош оляпман.

Ўзингда бор – оламда бор

Бугун Ўзбекистон катта қурилиш майдонига айланган. Албатта, бунинг учун жуда кўп қурилиш материаллари – ғишт, цемент, арматура, ёғоч, гипс, турли хил сантехника маҳсулотлари керак бўляпти. Бу маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилса яхши, аммо ишлаб чиқарилмасачи? Албатта, хориждан валютага олиб келамиз. Бу эса уйларнинг таннархи қимматлашишига сабаб бўлади. Қиммат уйни эса ҳамма ҳам сотиб ололмайди.

Шунинг учун кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш материалларини ўзимизда, маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиляпти. Бундай маҳсулот ишлаб чиқарганлар рағбатлантириляпти.

Маълумотларга қараганда, юртимизга ҳар йили қарийб 650 минг дона сантехника товарлари хориждан олиб келинади. Хўш, бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқарсак бўладими? Албатта, бўлади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган барча хомаш ўзимизнинг заминимизда бор. Масалан, Андижон вилоятида кальцит, Самарқандда кварц, Тошкент вилоятида каолин, Қашқадарёда дала шпати ва Фарғонада доломит хомашёси мавжуд. Демак, ўзимизда бу маҳсулотларни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш учун ишчи кучи ҳам, имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Давлатимиз раҳбари шу ой бошида Фарғона вилоятига сафари чоғида вилоятнинг Фарғона туманида қурилиб битказилган “Экокерама” масъулияти чекланган жамияти очилишида иштирок этди ва юртимиз фойдали

казилмаларга бойлиги, лекин улар асосида тайёрланадиган материаллар катта миқдорда четдан келтириляётганига эътибор қаратди.

— Шунча имконият бўла туриб, биз кимни боқяпмиз? Халқимизни боқсак бўлмайдами? — дея ҳақли савол қўйди Президент. — Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир бойлиги аҳоли жон бошига даромадни кўпайтиришга хизмат қилиши керак.

Лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ доллари бўлган “Экокерама” МЧЖ йилига 500 минг дона 20 турдаги сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бошқача айтганда, айти пайтда хориждан келтириляётган маҳсулотлар катта қисмининг ўрнини қоп-лайди. Бундан ташқари, минтақамиз давлатларида 50 миллион долларлик бозор бор. Демокчиманки, Туркия, Хитой ёки бошқа узоқ давлатлардан сантехника буюмларини олиб келишдан манфаатдор эмас. Хуллас, корхонанинг келажаги порлоқ. Фақат ишни тезроқ бутунлай йўлга қўйиш, хорижникидан қолишмайдиган, керак бўлса уларникидан ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш лозим.

Катта майдонни эгаллаган “Экокерама” масъулияти чекланган жамиятига кириб борганимизда иш авжида эканлигига гувоҳ бўлдик. Бир томонда унитазлар, яна бир жойда роковиналар қолипларга қуйилмоқда. Маълум жараёндан сўнг улар пишириш цехига ўтказиляпти...

— Режаларимиз улкан, — дейди корхона раҳбари Муҳаммадсодиқ Зикриллахон ўғли. — Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулотларимизнинг 60 фоизини экспортга йўналтиришни мўлжаллаб турибмиз. Шунини алоҳида таъкидлашим лозимки, 100 фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланиши ҳамда уларни ишлаб чиқаришда энергия тежовчи технологиялар қўлланилиши туфайли бизнинг маҳсулотларимиз хорижий муқобилларига нисбатан анча арзон.

Корхонага 11 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилган. Айти дамда бу ерда 500 киши иш билан банд, тест режимида дастлабки буюмлар тайёрланмоқда. Июль ойидан маҳсулот сотувга чиқарилади.

Шу ўринда яна бир қулайликка тўхталиб ўтсак. Корхона жойлашган худуд яқинида янги замонавий уйлар қурилган. Бу дегани ишчилар ҳам шу ернинг ўзидан чиқади. Автобус билан атрофдан ишчиларни йиғиб келиш ҳам шарт эмас. Хуллас, корхонанинг ишга тушиши, бир томондан мамлакатимизда сантехника маҳсулотларига бўлган талабни қондирса, иккинчи томондан, шу атрофдаги аҳолини иш билан таъминляпти.

Президентимиз тақдимот маросимида вилоят ва туман раҳбарларига келгусида бу корхонани кластерга айлантириш, тадбиркорга карьерлар ажратиб бериб, камида 30 йиллик хомашё захираси билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Корхонага маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш, хусусан, қурилиш материаллари бозорларида дўконларини ташкил этиш,

давлат томонидан қурилаётган объектларда бу сантехника буюмларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўз навбатида, компания раҳбариятига маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, бошқа вилоятларда ҳам шундай корхоналар очиб, янада кўп ёшларни иш билан таъминлаш тавсия қилинди.

Билимли мингни енгади

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси мамлакатда билимли одамлар кўп бўлса, ўша мамлакатда тараққиёт, ривожланиш бўлади, халқ фаровон яшайди. Шу боис сўнгги йилларда республикамизда ҳам халқ таълими ва олий таълимга катта эътибор қаратиляпти. Ихтисослашган махсус мактаблар, -дун-ё-нинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари, бўлимлари очилияпти. Бу билан бизга дунё таълим тизимидаги ютуқлар, ўзига хосликлар кириб келяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ, Фарғонада ташкил этилган Ўзбекистон — Корея халқаро университети ҳам ёшларимизни дунё фани ютуқларидан баҳраманд қилиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири бўлди. Бу ерда ўқитиш тўлов-контракт асосида илғор ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўзбек, корейс ва инглиз тилларида олиб борилади.

Тугаётган ўқув йилида университетнинг биринчи курсида 720 нафар йигит-қиз таълим олди. Ўқув юрти 4000 талабани қабул қилиш имкониятига эга. Ёшларга таълим бериш учун Жанубий Кореядан 11 нафар тажрибали педагог жалб қилинган. Яқин йилларда улар сони 43 нафарга етиши кутиляпти.

Жорий йилда 10 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция эвазига мазкур халқаро таълим даргоҳи учун янги бино қурилди. Президентимиз Фарғонага сафари чоғида бу ерга ташриф буюриб, университет ректори Пак Жун Ху ва корейлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ўқув дастури ва мазмуни, ёшларнинг фанларни ўзлаштириши билан қизиқди.

Мазкур халқаро университетда ўзбекистонлик ёшлар машинасозлик муҳандислиги, келажак автомобилсозлиги инжиниринги, электротехника ва электроника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва кимё муҳандислиги бўйича малакали мутахассис бўлиб етишади. Шунингдек, туризм менежменти, мактабгача таълим, менежмент ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корейс тили ва адабиёти фанларини ҳам ўрганишади.

Фарғона вилоятида 4 миллион нафарга яқин аҳоли яшайди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда қарийб 44 триллион сўмга яқинлашиши кутиляпти. Хунармандлар билан кўшиб ҳисоблаганда,
211

бугун фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони 59 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Вилоятдаги ижтимоий фаол аҳоли 1,7 миллион нафар атрофида, йилига меҳнат бозорига ўртача 62-63 минг нафар ёш кириб келяпти. Уларни иш билан таъминлаш учун кўплаб янги корхоналар очиш, иш ўринлари ташкил этиш лозим.

Илгари вилоятда жами 80 миллион долларлик пахта толаси хомашё сифатида сотилган бўлса, бу йил қарийб 314 миллион долларлик шундай маҳсулот экспорт қилинади. Бу кўрсаткични 2021 йилда 540 миллион долларга, келгусида 1 миллиард долларга етказиш режаслаштирилган.

Пресс-тур якунида вилоят ҳокими Шухрат Ғаниев журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гапирди.

Фарғонада ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Пресс-тур давомида биз бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

ИНСОН ҲУҚУҚИ, ШАЪНИ ВА ҚАДРИ

ҳимояси билан боғлиқ янги таклифлар, ташаббуслар, талаблар

Сафар ОСТОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Президентимиз раҳбарлигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифаларга бағишлаб 30 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадри ҳимоя-си билан боғлиқ бўлди. Шу боис, йиғилишда билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғояларни кенг жамоатчилик катта мамнуният билан қўллаб-қувватламоқда.

Аввало, ўзимизга бир саволни бериб, ўйлаб, хулоса чиқариб олишга ҳаракат қилайлик. Президентимиз одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масаласини нега яна кун тартибига бунчалик кескин қилиб қўймоқда?

Ҳаёт тажрибасидан кўриниб турибдики, жамиятда одил судлов бўлмаса, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмаса, кўзланган юксак марраларга етишимиз қийин. Суднинг сўзи одил бўлмаса, аҳолининг норозилиги кўпайиб бораверади. Одамлар хотиржам ишлаш, ташаббус кўрсатиш, яратиш ўрнига асоссиз поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш учун ойлаб, йиллаб овораю сарсон бўлиб юради, жамиятда носоғлом муҳит юзага келади. Бундай адолатсизликлар қандай оғир оқибатларга олиб келганини совет замонида ҳам, яқин ўтмишда ҳам кўрдик, жабрини тортдик.

Бугун инсон ҳуқуқи, тақдирига ёндашув тамоман бошқача: инсон ҳуқуқи ҳимоясига ҳеч қачон ҳозиргидек катта эътибор берилмаган, халқимиз ҳеч қачон ҳозиргидек кадр топмаган. Бундан беш-ўн йил олдин айрим ҳуқуқ-тартибот идораларида пайдо бўлган инсофсиз, имонсиз ходимлар одамларга қанча зиён-заҳмат етказди. Суд-ҳуқуқ соҳасида зўравонликлар, қонунни писанд қилмаслик, одамларга менсимай қараш, порахўрлик, коррупция каби жоҳилликлар томир ота бошлаган эди. Ҳар қанча қийин ва мураккаб бўлмасин, одамларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини амалда таъминлаш учун, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солиш керак эди. Чунки одамларни адолат борлигига ишонтирмай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Сўз билан эмас, балки амалий ишлар билан ишонтириш мумкин эди. Кейинги уч-тўрт йилда бу мақсад йўлида қатъий кураш олиб борилди, кураш осон бўлмади.

Ўйлаб кўрилса, янги Ўзбекистонни қуриш, аввало, одамлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишдан, уларнинг иззат-хурматини жойига қўйишдан, халқимизни чинакамига қадрлашдан бошланганини англаймиз.

Суд-ҳуқуқ тизимини кескин ислоҳ қилиш чора-тадбирлари натижасини бугун кўриб турибмиз. Масалан, жиноят ишларини терговга қайтариб, йиллаб чўзишларга барҳам берилди, судга тазйиқ ўтказишларга чек қўйилди. Судларда оқлов амалиёти қўлланила бошланди. Инсон ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди, турли кодексларга кўплаб ўзгартиришлар киритилди, жиноий жазолар янада либераллаштирилди, амнистия ва авф институтларини қўллаш кенгайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, аҳолидан тушаётган мурожаатлар, суд-ҳуқуқ идоралари фаолияти таҳлили натижаларидан маълум бўляптики, ҳали-ҳануз хато-камчиликлар, муаммолар оз эмас. Йиғилишда айтилган маълумотларга эътибор қаратайлик: жорий йилнинг ўтган 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Яна бир мисол келтирилди: 2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган.

Бу рақамлар ортида қанча одамлар, оилалар нотинчлиги, оворагарчиликлар, руҳий азоблар турибди. Энг ёмони, терговчи ва судьянинг малакасизлиги, масъулиятсизлиги ёки ноҳолислиги одамларда қонун устуворлигига, жамиятда адолат борлигига ишончни сўндиради, давлатга нисбатан норозилик кайфиятини уйғотади.

Суд-ҳуқуқ тизимида ҳамон асоссиз айбловларга йўл қўйилаётган экан, демак, терговчи ва судьялар орасида билимсизлик, тажрибасизлик муаммоси бор. Иккинчидан, уларни билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш, ҳалолликка, бурчга садоқатга ўргатиш ишлари қониқарли эмас.

Йиғилишда айнан ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклифлар билдирилди. Хусусан, терговчиларни тайёрлаш, танлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Асоссиз айбловлар, биринчи навбатда, тергов хатоси экани таъкидлаб ўтилди. Айниқса, Тергов инс-титутини ташкил этиш, терговчиларни тайёрлашга мутлақо янгича талаблар қўйилгани, табиийки, кўплаб адолатсизликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Гап тергов ишлари замон талабларига, ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек улуғ мақсадларимизга муносиб бўлиши устида бормоқда.

Бугун ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳар бир ходимидан ўзини одамлар устидан ҳукмрон ҳис этишдек эски иллатдан воз кечиши талаб этилмоқда. Улар ўзларини халқнинг ҳимоячиси, хизматкори ҳисоблаб, сидқидилдан меҳнат қилишса, шунга яраша ҳурмат-иззат кўришади.

Терговчи ва суднинг хатоси ҳақида гап кетганда, кўп айтиб келинаётган бир савол яна кўндаланг бўлади: терговчи ва судьянинг хатоси ёки масъулиятсизлиги билан қамалганлар оқланса, уларга етказилган моддий ва

маънавий зиён давлат бюджетидан тўланади. Йиғилишда айтилди, оқланганлар учун миллиардлаб сўм маблағ тўланибди.

Қаранг, одамлар ноҳақликка учраб азоб тортяпти, давлат уларга етказилган зарарни қоп-лаяпти, буларнинг барчасига айбдор бўлган терговчи ва судья деярли жазо олмайди. Бундай ҳолатларда етказилган моддий зиённинг ҳеч бўлмаса бир қисмини қоплаш терговчи ва судья зиммасига юклатилса тўғри бўлмайдами? Ўшанда терговчи ва судья қонунни бузса, тўлови борлигини ўйларди, уларда ўз ишига масъулият ошарди, кимнингдир, ниманингдир таъсирига берилиш ҳолларининг олди олинарди.

Йиғилишда одил судловни таъминлаш, жамиятда адолат ўрнатилишида парламент назоратини қаттиқ олиб бориш кераклиги таъкидланди. Бу дегани парламент аъзолари суд ишига аралашади, деган маънони билдирмайди, албатта. Парламент жойларда қонунлар ижроси таъминланишини назорат қилади, суд мустақиллигига эришиш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ масалаларни ўрганади, таклифлар билдиради, қонунчилик асосларини мустаҳкамлайди.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш кучайди. Аммо уни бартараф этиш осон эмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Шунинг учун бўлса керак, коррупция тўғрисида давлатимиз раҳбари яна ташвиш билан куйиниб гапирди. Республикамиз бўйича 1 565 нафар мансабдор шахс коррупция билан боғлиқ ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани айтилди. Қанча-қанча огоҳлантиришлардан сўнг ҳам катта-кичик раҳбар шахслар ўз манфаатини кўзлаб, коррупцион ишларга аралашаётгани ташвишли ҳол, албатта.

Коррупция — жамиятнинг, давлатнинг ички душмани, катта хавф-хатарга эга, унча-мунча бало-қазодан кўпроқ зиён-заҳмат етказадиган душман. Қуни кеча Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги фармон ҳам бекорга қабул қилингани йўқ. Йиғилишда коррупциянинг олдини олишда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Олий Мажлис палаталари ҳар йили Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳисоботини эшитиб бориши ва унга муносабат билдириши масаланинг бир жиҳати. Аммо коррупцияни келтириб чиқариш сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳаётий таклифлар бериш муҳим аҳамиятга эга. Аслида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ ҳаракатларига фавқулодда воқеа сифатида қаралмоғи ва кенг муҳокама этилмоғи керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, мансабдор шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфи катта жиноятлар сабаблари таҳлил этилиши ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказиб борилиши лозим. Бу тартиб, биринчидан, ошкораликни таъминлайди, иккинчидан, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади. Коррупция нафақат оғир жиноят, балки бурчга,

ишончга, халққа ва давлатга хиёнатдир. Жиноят кечирилиши, унутилиши мумкин, аммо хиёнат бир умр сени таъқиб қилиб юради.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама этилган барча масалалар бевосита парламент фаолиятига дахлдор ва депутатлар зиммасига катта вазифалар юклайди. У ерда билдирилган фикрлар замирида улкан, кенг қамровли вазифалар мужассамлигини яхши англаб турибмиз. Одил судлов — инсон ҳуқуқи ҳимояси, дегани. Коррупцияга қарши курашиш маъно-мазмунида ҳам инсон ҳуқуқи масаласи ётибди.

Демак, бу борада жойлардаги ҳуқуқий ҳолатни ўрганиш, парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиш ишларини қўйилган талаб даражасига кўтариш керак бўлади. Бунинг учун, аввало, бир ҳақиқатни англаб олишимиз муҳим аҳамиятга эга. Инсон жисми учун жони, кадр-қиммати учун эса ҳуқуқи бебаҳо неъмат ҳисобланади. Жон — инсоннинг тириклиги, ҳаёти манбаи. Лекин инсон ўз ҳуқуқи, кадр-қиммати учун жонидан ҳам кечади. Демак, ҳуқуқ жондан ҳам азиз, бебаҳо неъмат. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқи ҳимояси энг олий масъулиятни талаб этади.

Президентимиз таъкидлаб айтди, талаб қилиб айтди: — Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак.

Агар англаган бўлсак, бу сўзлар нафақат суд идораларига, балки барча идораларга, каттаю кичик раҳбарларга қарата айтилмоқда. Ҳар бир инсон давлатнинг бирор идорасидан норози бўлиб чиқмаслиги керак. Ҳар бир инсон бу ҳаётда адолат борлигига ишониб яшаши керак. Бу — Президент талаби!

Гендер тенглик

АЁЛГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Гулрух АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты



Гендер тенглик инсон ривожланиши концепцияси билан боғлиқ ҳолда барча одамларга моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда тенг имкониятлар яратилишини кўзда тутлади. Бу, аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларига тааллуқлидир.

Имкониятлар тенглиги, биринчи навбатда, моддий фаровонлик даражаси, ижтимоий мавқеи, эътиқоди, жинси ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қайд этилганидек, инсон кадр-қиммати озодлик, адолатлилик ва умумий тинчлик асосидир. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқлиги инсон ва жамият таназзулига олиб келиши, ижтимоий ва сиёсий тартибсизлик-лар, зўравонликнинг ёйилиши ва ихтилоф-лар туғилиши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

Гендер тенглик ХХI асрда ривожланиш соҳасида БМТ мақсадларига эришиш борасида принципиал жиҳатдан аҳамиятли омилдир. Шунга мувофиқ тарзда гендер ёндашувларнинг такомиллаштирилиши ва жорий этилиши ижтимоий адолат, инсон ривожланишининг тенг ҳуқуқчилиги ва барқарорлигига эришиш йўлида асосий масала бўлиб қолмоқда. БМТ томонидан қўйилган масалаларни самарали тарзда ижро этиш йўллари излаш янги гендер ёндашувларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Аҳолининг турли гуруҳлари ўзининг ижтимоий роли ва ўзига хос талабларига мос равишда ривожланиш бўйича фаолиятда иштирок этишига нисбатан гендер ёндашувнинг қўлланилиши ривожланишнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берди. Унга хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим масалалар қамраб олинди.

Гендер тенглик аёллар ва эркеклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижалардир. Гендер тенглик фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан, у эркеклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Гендер тенглик аёлларнинг ҳам, эркекларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Конституцияда хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Юртимизда аёллар, оилалар, фарзандлар манфаати ҳамisha устувор бўлиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги орқали ўз ифодасини топаётганлиги ҳам айна ҳақиқат.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тадбирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияни (CEDAW) ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди. Шу муносабат билан жинслар тенглигига эришиш бўйича тегишли дас-турни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб масалага айланмоқда. Бу узоқ муддатли мақсад бўлиб маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий меъёрларда жиддий принципиал ўзгаришларни ва мутлақо янги тафаккурнинг шаклланишини тақозо этади.

Ўзбекистонда хотин-қизларини эъозлаш, жамиятдаги ролини ошириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан. Аёлларга кўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бу борада Ўзбекистон Президентининг жорий йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони гендер тенгликнинг амалий дастури бўлишига шубҳа йўқ. Фармон билан беш бўлимдан иборат Миллий стратегиянинг ҳамда 78 банддан иборат “йўл харитаси”нинг тасдиқланиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишнинг аниқ мақсад ва манзилларини тизимли чоралар билан белгилаб берди.

Жумладан, давлат органларида, нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлаш сиёсатини такомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркаклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар икки тоифа вакилларининг ҳуқуқларини тенг-лаштириб, ғурурларини -юксалтиради.

Аёл кадрини қанчалик юқорига кўтаришга муяссар бўлсак, миллий ғуруримиз, маънавият ва маданиятимиз шу қадар юксалади, оилаларимиз барқарорлиги таъминланади, жамиятимизда тараққиёт бардавом бўлади. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёллар ўзининг самарали фаолияти билан нафақат оиласи, балки бутун жамият ривожига муносиб улуш кўшади. Жумладан, бугун биз қураётган замонавий демократик

жамиятни барпо этишда эркаклар билан тенгма-тенг меҳнат қилаётган фаол ва фидойи опа-сингилларимизнинг меҳнати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар эса хотин-қизларнинг бу борадаги сазй-харакатларини кенгайтириш, жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва Ватанимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАШАББУСКОРИГА АЙЛАНМОҚДА

Бекзод НАРИМОНОВ,

ҳуқуқшунос



Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган ҳар бир инсон шу бугун муносиб яшашни, дарду ташвишлари давлат ва жамият томонидан эшитилиши ва ҳал этилишини, шунингдек, фарзандлар камолини кўришни истайди. Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат сиёсий-ҳуқуқий институт сифатида мазкур вазифаларни бевосита жамоатчилик иштироки билан амалга ошириш бўйича мутлақо янги кадамларни ташламоқда. Аввало, жамоатчилик назоратининг янги ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликни ташвишга солаётган муаммоларни кузатиб бормоқдамиз. Бу жараёнда кўпчилигимиз нафақат четдан туриб кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчисига ҳам айландик. Ижтимоий тармоқлар ва ОАВда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чекламаган ҳолда ўз фикр-ривизни эркин билдиришга ҳаракат қилишимиз.

Аҳоли ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашган раҳбарларни ва улар томонидан қабул қилинган ноқонуний қарорларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилмоқда. Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда одамларнинг муаммоларини ҳал этишга у ёки бу тарзда кўмаклашиб, ўз фаолиятини “трансформация” қилаётган айрим фаол депутатларимиз ва ижро ҳокимияти органлари вакилларининг эзгу ишлари ҳам эътирофга лойиқ.

Шу кунларда турли кўнгилини хира қиладиган ишларни кўриб, “биринчи ўринда халқнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш керак” қабилида фикр билдирадиганлар ҳам учраб турибди. Ҳақли савол туғилади. Ундан кўра, оммавий бошқарув ваколатига эга шахслар ўз мажбуриятларини тўлиқ ва тўғри адо этиши муҳим эмасми? Албатта, ҳа. Бунда, шак-шубҳасиз, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб давлат институтлари билан “мулоқот ва ҳамкорлик платформаси” ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши кундай равшан.

Боиси, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида очик ва самарали мулоқотгина вакиллик ҳамда ижро органларида фуқаролар манфаатлари ифода этиб борилишида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хўш, хорижий мамлакатларда давлат ва жамоатчилик мулоқоти институционал жиҳатдан қай тарзда ўрнатилган?

Жамоатчилик палаталарининг ташкил этилиши ҳар бир давлатнинг ўзига хос тарихи, халқининг асрий урф-одат ва қадриятларидан келиб чиққан.

Бугунги кунда 80 дан ортиқ мамлакатда жамоатчилик палатаси ёхуд мазкур тузилмага ўхшаш институт фаолият юритади.

Масалан, Францияда Иқтисодий, ижтимоий ва экологик кенгаш конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга. Кенгаш аъзолари 233 нафардан иборат бўлиб, улар жамиятнинг турли соҳалари вакиллари дир. Шундан 163 нафари нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан сайланади. Кенгаш доимий равишда конструктив ташаббусларни илгари суришда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали мулоқотини йўлга қўйишга ҳаракат қилади.

Финляндияда Фуқаролик жамияти сиёсати бўйича маслаҳат кенгаши институти фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик асосида давлат бошқарувини амалга оширишда жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатларини ифода этишга интилади.

Германия, Жанубий Корея ва Япония сингари дунёнинг етакчи давлатларида ҳам мазкур институт давлат ва жамият муносабатларининг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

Юртимизда Президентимизнинг жорий йил 16 апрелда қабул қилинган “Ўзбекис-тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони давлат ва жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Жамоатчилик палатаси Президент ҳузуридаги доимий фаолият юритувчи маслаҳат кенгаши сифатида қуйидаги муҳим функцияларни амалга оширади:

биринчидан, шахс-жамият-давлат ўр-тасида мамлакатимизни жадал ривож-лантиришга қаратилган ташаббусларини бирлаштиришга қаратилган мулоқот майдонини шакллантириш;

иккинчидан, халқимизнинг дарду ташвишлари ва фуқаролик жамияти инс-титутлари муаммоларни муҳокама қилиб, уларни ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар бериб бориш;

учинчидан, жамоатчилик назоратининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизимини шакллантириш ва рўёбга чиқариш;

тўртинчидан, фуқаролик жамияти инс-титутларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жис-моний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқиш орқали мазкур соҳадаги сўнгги тенденциялардан жамоатчиликни бохабар қилиш;

бешинчидан, нодавлат сектори, журналист ва блогерлар иштирокида сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашнинг устувор вазифалари бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, “Халқ дипломатияси” инс-титутини ривожлантириш, фуқаролик жамия-ти институтларининг ролини ошириш ва уларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш;

етгинчидан, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш вазифаларини бажаради.

Дунёда кенг жамоатчилик иштирокисиз ва жамоатчилик назоратини йўлга қўймасдан ўз мақсадига эришган бирор ривож-ланган давлат йўқ.

Шу ўринда айтиш лозимки, мамлакатимизда долзарб қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёни тобора кенгаймоқда. Қонун лойиҳалари парламент қўйи палатасига киритилгунига қадар турли интернет порталларида халқ муҳокамасига қўйиляпти ва улар юзасидан халқимизнинг фикри, муносабати ўрганилиб, қайта ишланмоқда, маромига етказилмоқда. Хориж тажрибасида ҳам жамоат манфаатларига тааллуқли ҳар қандай қонун жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши лозим. Ҳатто қўйи палаталарда қонунни депутатлар муҳокама қилишдан олдин жамоатчилик кенгашлари муҳокамасидан ўтказиш зарурий шарт қонунчилик билан мустаҳкамланган.

Маълумки, давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши шу орган раҳбарияти томонидан шакллантирилар эди. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик кенгашларининг раҳбарият устидан жамоатчилик назоратини адолатли, мустақил ва холис амалга оширишига тўсқинлик қиларди. Энди Жамоатчилик палатаси ҳар бир давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари таркибини шакл-лантиришда иштирок этадиган бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамоатчиликни бир қатор муаммолар ташвиш-лантираётир. Улар қаторида камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва бошқа муаммоларни санаб ўтиш лозим. Жумладан, сўнгги пайтларда ички ишлар идоралари билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан жамоатчилик назоратини мувофиқлаштириш заруриятини кўрсатмоқда.

Шунингдек, пандемия даврида саховатпеша юртдошларимизнинг хайрия маблағларини масъул шахслар томонидан шахсий эҳтиёжга ишлатиб юбориш ҳолатлари ҳам жамоатчилик назорати ҳар бир ҳудудда ва соҳада йўлга қўйилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Шу каби ишларда Жамоатчилик палатаси мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар салоҳияти ва имкониятидан фойдаланиши талаб этилади.

Энг муҳими, Жамоатчилик палатаси шу каби муаммоларни ҳал этиш учун ижтимоий муҳим ташаббусларни бирлаштириши, сабъ-ҳаракатларни давлат ва жамият манфаати йўлида тизимли ҳолда тўғри йўналтириши, жамиятни издан чиқарадиган турли бўлинишларнинг олдини олишга қаратилган тизимни йўлга қўйишига ҳуқуқий асос ҳам, шароит ҳам етарли. Бу эса мамлакатимиздаги демократик ислохотларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, Жамоатчилик палатасининг ташкил этилиши аксарият ривож-ланган хорижий мамлакатларда бўлгани каби давлат — фуқаролик жамияти самарали мулоқотининг ҳуқуқий механизмини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатишга замин яратади. Энг асосийси, мазкур ислохот янги Ўзбекистонда “Жамият — ислохотлар ташаббускори” ғояси асосида халқчил давлат сиёсати юритилишини таъминлайди.

БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори



“Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда давлат институтлари ва сиёсатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқилган. Ҳозирги даврда одил судлов тизимида амалга оширилаётган ислоҳот ана шу дастурнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади”.

Ушбу фикрларни БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси **Диего Гарсия-Саян** БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Женевада бўлиб ўтаётган 44-сессияси минбаридан туриб айтди. Сессия иши доирасида 13 июль куни ўтказилган видеоконференцияда БМТ махсус маърузачисининг 2019 йили Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи якунларига доир маърузаси кўриб чиқилди.

Авваламбор, БМТ махсус маърузачисининг давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакат одил судлов тизимида амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларга берган холис баҳосидан -миннатдормиз.

Диего Гарсия-Саяннинг маърузасида бугунги кунда Ўзбекистонда суд ҳокимияти -мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқшуносларнинг ўз касбий фаолиятини янада эркин бажаришини таъминлаш борасида бир қатор амалий натижаларга эришилгани ижобий баҳоланди.

Бу ўринда суд тизими қайта тузилгани, хусусан, Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани ҳақида сўз бормокда. Бундан ташқари, -судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилгани ҳамда судьялар алмаштирилмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш бўйича амалий чоралар кўрилганига алоҳида эътибор қаратилди.

БМТ махсус маърузачиси ушбу амалий чора-тадбирларни том маънода мустақил ва холис одил судлов тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки ижобий қадамлар, дея қайд этди.

Биз, шунингдек, Д.Гарсия-Саяннинг **“Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидан ҳақиқатан ҳам мустақил бўлишига эришиш ҳамда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар ўз касбий фаолиятини ҳеч қандай асоссиз аралашувлар ва босимларсиз амалга оширишларини таъминлаш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиш керак”**, деган нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, биз унинг **“суд тизими ислоҳоти судларнинг мустақиллиги ва холислигини мустаҳкамлашга йўналтирилиши зарур”**, деган фикрига ҳам тўла -қўшиламиз.

Ўз навбатида, Д.Гарсия-Саян маърузаси якунида Ўзбекистонда судьялар ва прокурорлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқшунослар ўз касбий фаолиятини эркин амалга оширишларини таъминлашга қаратилган бир қатор тавсиялар ҳам берди.

БМТ махсус маърузачисининг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш истиқболларига тааллуқли тавсиялари ҳақида сўз борганда, **биринчидан**, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, **иккинчидан**, адвокатларнинг мақоми ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, **учинчидан**, барчанинг одил судлов имкониятлари ва малакали юридик ёрдамдан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратишга доир муҳим амалий таклиф ҳамда тавсиялар тақдим этилганини таъкидлаш лозим.

Д.Гарсия-Саян тавсияларининг аксарияти мамлакатимиз томонидан ўтган қисқа даврда бажарилган бўлса, қолган қисми ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шундай экан, бу борада эришилган натижалар хусусида мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, Ўзбекистон БМТ махсус маърузачисининг тавсияларини амалга оширишга устувор аҳамият бермоқда. **Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва одил судлов сифатини ошириш масалалари давлат раҳбарининг 3 та маърузасида алоҳида таъкидлангани буни яққол тасдиқлайди.**

Бу ўринда Президентимизнинг Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлаб 2019 йил декабрида ўтказилган тантанали маросимдаги маърузаси, 2020 йил январида Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва жорий йил 30 июнда судьялар корпуси билан учрашувда сўзлаган нутқи кўзда тутилмоқда.

Иккинчидан, барқарор ривожланиш соҳасида 2030 йилгача даврга белгиланган кун тартибининг 16-мақсадига эришиш доирасида **кейинги уч йилда Ўзбекистон Президенти томонидан суд тизимининг устувор масалаларига тааллуқли 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар** имзоланди.

Ҳаракатлар стратегиясини 2020 йил — “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастурида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш соҳасида бир қанча қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқиши белгиланган. Янги таҳрирда “Судлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга соладиган қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Айни вақтда бешта янги кодекс, яъни Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия, Фуқаролик ва Маъмурий жавобгарлик кодексларини тайёрлаш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Энг муҳими, суд тизимини илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида, **“Бир суд — бир инстанция”** принципи бўйича такомиллаштиришга қаратилган янгиланиш-лар амалга оширилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистонда юридик таълим имкониятларини кенгайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги фармонида, жумладан, адвокатура учун кадрлар тайёрлашни ривожлантириш йўналиши белгилаб берилган. Шу асосда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида ҳуқуқшунослик факультетлари очилди.

Мамлакатимизда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва малака тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу дас-тур изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази доимий равишда судьялар, прокурорлар ва адвокатлар билан одил судлов соҳасидаги халқаро стандартларни миллий амалиётга имплементация қилиш масалалари бўйича турли тадбирлар — семинар ва тренинглар, учрашув ва мунозаралар ўтказиб келмоқда.

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мамлакатимиз позицияси БМТ низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари, улардан келиб чиқадиган халқаро шартномаларга асосланади. Айниқса, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси** тасдиқлангани мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини яратишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Яқинда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТнинг олти тилида нашр этилгани ва Бош Ассамблеянинг 74-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Миллий стратегия Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда халқаро экспертлар тавсиялари ҳисобга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясида, жумладан, қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган:

- судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида умумэтироф этилган принциплар ҳамда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси кўшилган халқаро шартномалар нормаларининг кенг қўлланишини таъминлайдиган самарали механизм яратиш;
- “Хабеас корпус” институтини янада такомиллаштириш орқали судларнинг мустақиллиги ва холислигини ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида суд ҳокимиятининг ролини тубдан ошириш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш;

- суд жараёнларида тенглик ва тортишув принцип-ларини татбиқ этиш, адвокатурани ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мустақил ва ишончли институтга айлантириш, профессионал юридик ёрдам сифати ва адвокат касби нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасига ихтисослашган юристлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- прокуратура органлари фаолиятини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, прокуратура органларининг фаолияти шаффофлигини ва жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, прокуратура бошқарув тизимида коллегиял органлар ролини кучайтириш.

Бешинчидан, БМТ шартномавий кўмиталари ва устав органлари, биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари кенгаши тавсиялари ва қарорларини кўриб чиқиш бўйича давлат органларининг ҳамкорликдаги фаолияти тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Олтинчидан, айти пайтда “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири тайёрланди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Бизнес омбудсман ва Болалар омбудсманининг мазкур судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилмоқда. Фуқароларнинг конституциявий шикоят қилиш институти ҳам татбиқ этилмоқда.

Еттинчидан, адвокатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, адвокатларга низоларни суд-гача ҳал этиш ва томонларни яраштириш юзасидан амалий чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьялари сифатида иш олиб бориш ҳуқуқи берилди.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этиш бекор қилиниб, талабалиқдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартиби жорий этилмоқда. Юридик олий ўқув юртларида “адвокатлик фаолияти” мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туши-риляпти. Бундан ташқари, ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, шунингдек, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиладиган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокининг мажбурийлиги белгилаб қўйилади.

Адвокатлик фаолияти жозибдорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ва кафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилиб, кенг муҳокама учун эълон қилинади. Бу ўринда, аввало, **Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясининг** лойиҳаси тайёрланганига эътибор қаратиш даркор.

Ушбу лойиҳада адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган. Янги **“Адвокатура ва адвокатлик фаолияти тўғрисида”**ги ҳамда **“Бепул юридик ёрдам тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Саккизинчидан, инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, одил судлов соҳасида мутлақо янги тизим жорий этилди. Кейинги уч йилда жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафилигига олинган. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган.

Мамлакатимизни ҳар томонлама ва шиддатли ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини тубдан ошириш доимий эътиборда турибди. Айни чоғда, Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекс лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган.

Фуқаролар ҳуқуқларига риоя этилиши ва ушбу ҳуқуқлар ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишдир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси амалга оширилмоқда. Айни пайтда Pro bone тизими яратилмоқда, бепул юридик ёрдам кўрсатадиган “**Мадад**” ННТ ўз ишини бошлади, Advice.uz веб-портали фаолият юритмоқда.

Тўққизинчидан, судьялар, умуман, юристларнинг халқаро ҳуқуқ соҳаси бўйича билими пастлиги энг катта муаммолардан эканини афсус билан тан олишга мажбурмиз. Шу маънода, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Омбудсман ва Тошкент давлат юридик университети билан бирга “**Инсон кадр-қиммати – энг олий қадрият**” махсус ўқув модулини ишлаб чиқди. Судьялар олий мактабида эса инсон **ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ** кафедрасини очишга ҳозирлик кўрилмоқда. Зеро, инсон ҳуқуқларини ўқитиш нафақат халқаро мажбуриятларни бажариш, балки демократик, инсонпарвар ва халқпарвар суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўнинчидан, Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларига доир халқаро мажбуриятларга амал қилиш бўйича **парламент комиссияси** тузилмоқда. Комиссия БМТ махсус маърузачисининг тавсиялари қандай бажарилаётгани устидан парламент мониторингини амалга оширади.

Мухтасар айтганда, БМТ махсус маърузачисининг тавсиялари ўз мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясига ҳар томонлама уйғун ва мутаносибдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда БМТ Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат режаси (“Йўл харитаси”) лойиҳаси тайёрланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан БМТнинг шартномавий кўмиталари ва устав органлари ўртасида мустаҳкам ривожланиб бораётган кенг тармоқли ҳамда ҳар томонлама самарали ҳамкорлик муносабатлари ишонч, ҳурмат ва ўзаро манфаатларга таянишидан далолат беради.

МИЛЛАТ ТАРБИЯЛОВЧИСИ

Мухтабар ҲУСАНОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты



Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида мушоҳада юритганда жаҳонда турлича ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳар бир ёндашувда жамият ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, анъана ва урф-одатлар, диний эътиқод, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси таъсирлари мужассам.

Мени хамиша Шарқ аёлларига муносабатдаги ўзига хослик жалб этиб келган. Аёл кишига, энг аввало, она, авлодлар ва қадриятлар давомийлигини таъминловчи азиз зот, миллат тарбиячиси, оилада тотувлик, иноқлик, осойишталик муҳитини яратувчи шахс сифатида қаралган ва улуғланган. Тарихимиздаги Бибиҳоним, Нодирабегим каби аёлларимизнинг оиласига, Ватанига садоқати, донолиги ва зукколиги ўша даврнинг ўзидаёқ эътироф этилган ҳамда бугунги хотин-қизларимизга кўп жиҳатдан ўрнаклар.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар хотин-қизларнинг нафақат оилада, балки жамият ва давлат ишларида, иқтисодиётда, илмий доираларда ҳам фаол бўлиш-ларини тақозо қилиб борди. Энг қизиқарли жиҳати, дунёга машҳур сиёсатчи аёлларнинг аксари томонидан илгари сурилган масалалар баҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик, илм-маърифат, иқтисодий раванқ, оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардир. Яна бир муҳим томони, лидер аёллар томонидан илгари сурилган ғоя ва таклифлар, албатта, оилага йўналтирилгани билан ўзига хосдир. Индира Ганди, Беназир Бхутто, Маргарет Тэтчер, Ангела Меркель каби ўнлаб лидер аёллар томонидан илгари сурилган асосий ғоялар бунга ёрқин мисол бўла олади. Шу ўринда номлари келтирилган аёллар ўз даврларида мамлакатларининг сиёсий қудратини оширишда, иқтисодий раванқини юксалтиришда, маърифатнинг чўққига чиқишига жон-танлари билан курашгани эътирофга моликдир.

Оила, аёллар, болалар масалалари давлатчилик тажрибамизда энг эътиборли масалалардан. Ҳуқуқий нуқтаи назардан халқаро стандарт ва талабларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасига эгамиз. Айниқса, янги демократик ислохотлар шароитида ҳуқуқий база билан бир қаторда самарали институционал база ҳам шакллантирилди, халқаро стандартларни ўз ичига олган қонунлар қабул қилинди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан бўлиб, уларда гендер тенгликка эришиш соҳасидаги тизимни такомиллаштириш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланди.

Сўнги уч йилда хотин-қизлар, оила, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига эътибор мутлақо янги босқичга кўтарилди, ҳаётда амалий натижаларни кўриб оддий ўзбек аёли сифатида, ҳам халқ вакили сифатида кўнглим тоғдек кўтарилади.

Зеро, шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатлар хотин-қизларнинг нафақат оилада, балки жамият ва давлат ишларида, иқтисодиётда ҳам фаол бўлишларини тақозо қилиб бормоқда. Аёл ўзининг амалий жиҳатдан ҳимояланганини ич-ичидан ҳис этиб яшаса, оиласида тотувлик, ишида барака, фарзандларини тарбиялашда кўтаринкилик жўш уради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда унинг доирасида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда аёлларнинг меҳнат ва пенсия соҳасидаги ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлаш бўйича мутлақо янги қафолатлар белгилаб берилган.

Аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш, бизнес ғояларини тайёрлашда ёрдам бериш, узоқ вақт давомида бола тарбияси билан банд бўлган, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган аёлларни талаб катта бўлган касбга тайёрлаш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш каби бир қанча долзарб масалаларнинг ҳал этилиши хотин-қизларни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, жамиятда ўз ўринларини эгаллашларига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йили тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизлар сони 42 минг 401 нафардан иборат бўлиб, улар томонидан 62 минг 407 та янги иш ўрни яратилган. Ҳозир эса 72 752 аёл тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Фермер аёлларимизнинг сони 8 105 тани ташкил қилади. Улар боғдорчилик, узумчилик, пахтачилик, сабзавотчилик, чорва моллари йўналишларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, дунё мамлакатлари хотин-қизларига ҳам ибрат бўлмоқда.

Энг асосийси, мамлакатимизда аёллар, оила масалалари парламент даражасида муҳокама қилинадиган бўлди. Сенатда алоҳида қўмита, Қонунчилик палатасида эса комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Гендер тенгликни таъминлаш бўйича республика комиссияси фаолият юритмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг минбарларида аёллар ўз сўзларини баралла айта олаётгани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бугунги кунда Олий Мажлис Сенати аъзоларининг қарийб 25 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи хотин-қизлардан иборатдир. Аёллар орасидан ҳокимлар тайинланмоқда. Бу эса ўша эски мавжуд бўлган стереотипларнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Зеро, мамлакатимизда жамият ва давлат ишларини бош-қариш, сайлов жараёни, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, шунингдек, давлат ва жамият

хаётининг бошқа соҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенг иштироки ҳуқуқий асослар билан кафолатланган.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”.

Шу нуқтаи назардан, йилимизнинг номланиши, илм-маърифатга берилаётган бугунги эътибор янги тараққиётни бошлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг миллат тарбиячиси, жамият фаоли, гоёлар ташаббускори сифатида илм билан шуғулланишларини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш соҳасида жамоат бирлашмаларининг ўрни бекиёс. Хусусан, Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси, Ўзбекистон ихтирочи аёллар маркази, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ва бошқалар илм билан шуғулланувчи аёлларнинг бошини қовуштирмоқда.

Аёлларнинг илм-фан билан шуғулланишларини янада рағбатлантириш мақсадида, энг аввало, шунга иқтидори, салоҳияти бор хотин-қизлар иштирокида тузилган жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кредит бериш тизимини жорий қилиш зарурати мавжуд. Зеро, игна билан кудуқ қазишдек фаолият илм ҳисобланади. Илмли аёл оиладаги, жамият ва давлат ҳокимиятини бош-қаришдаги иштироки жамиятнинг етакчи ва таянч кучи ҳисобланади. Илмли аёл, авваламбор ҳаётий қарорлар қабул қилишда, у хоҳ фарзандлар тарбияси, хоҳ касбий камолоти бўлсин масалаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини мушоҳада қилади, тажриба ўрганади ва хулоса қилади.

Лекин шу билан бирга таъкидлаш жоизки, глобализация, шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар миллий қадриятларнинг тобора нурсизланишига таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Гоҳида иқтисодий танқислик сабаб, гоҳида маънавий-руҳий бўшлиқ сабаб оилалардаги носоғлом муҳит, келин-куёвнинг оилага масъулиятсизларча ёндашиши, оила тақдири қайнона(қайнота)лар томонидан ҳал этилиши оилаларнинг бузилиб кетиши, вояга етмаган фарзандларнинг ота ёки она меҳридан айри ҳолда ўсиши, ҳеч қайси турар жойга рўйхатга олинмай танг ҳолда қолаётгани — ҳам она, ҳам ҳуқуқшунос-депутат сифатида мени жуда кўп ташвишга солади.

Фикримча, бу соҳадаги муаммоларни ечишда қонунлар билан тартибга солишнинг ўзи етарли бўлмайди, барча ижтимоий инс-титутларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали ечиш самаралироқ бўлади деб ҳисоблайман. Хотин-қизларимизнинг илмий фаолият билан шуғулланишларини кенг қўллаб-қувватлашга қаратилган бундай жамоат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, иқтидори ва салоҳияти юксак қизларни топиш ва уларни мамлакат ва дунё тараққиёти учун долзарб бўлган соҳаларда илмий тадқиқот олиб

боришларига йўналтириш ҳамда, энг муҳими, бу ишларни амалга оширишларида оилавий муҳитларини ўрганиб бориш ҳам ниҳоятда долзарб масалалардандир. Оилавий шароит сабаб яқунига етказила олинмай қолинган қанчадан қанча хотин-қизларимизнинг тадқиқотлари жамиятимиз ривожига ҳисса бўлиб қўшилиши мумкинлигини инкор этиб -бўлмайди.

Хусусан, ёшларни оилага тайёрлашда уй муҳитидан бошлаб, таълимнинг барча босқичларида оиланинг муқаддаслиги, ота-она ва фарзандлар олдидаги масъулият ва жавобгарликнинг мавжудлиги, турмуш қураётган шахсларнинг боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ўзи, оиласи келажаги ва тақдири учун масъулиятни зиммасига оладиган даражада камол топтириш тизими яратилиши мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда элчи аёл тайинланиши ҳам хотин-қизларга давлат ва жамият томонидан ишончнинг янада мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, янги ва жонажон Ўзбекис-тонимизнинг келажак авлодини бағрида ўстирадиган, тарбияладиган аёлларни бугун илму зиёсини қанчалик оширсак, барқарор тараққиётга эришишимизнинг заминини мустаҳкамлаган бўламиз. Зеро, оналари илм-маърифатли юртдагина ватанпарвар ва фозил авлодлар вояга етади.

СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Дилшод АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби директори
ўринбосари,
юримдик фанлар номзоди, доцент



Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, давлатимизнинг иқтисодий қудратини кучайтириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг эртанги кунига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш судлар томонидан одил судловнинг юксак даражада амалга оширилишига бевосита боғлиқдир.

Шу боис, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосига “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ”, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ҳаётбахш тамойиллар кўйилди. Ўтган қисқа даврда мамлакатимизда давлат идоралари халққа хизмат қиладиган, уларнинг фаолиятига халқ баҳо берадиган тизим яратилди. Ҳаётимизнинг турли соҳаларига доир қарорлар халқимиз билан бевосита мулоқот, одамларнинг хоҳиш-истаклари асосида қабул қилинмоқда. Барча даражадаги раҳбарлар халқ олдида ҳисоб бермоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Жумладан, сўнги йилларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, судьяларнинг “халқчил” қарорлар қабул қилишига эришишга қаратилган тизимли ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу давр суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш ва уни янада кучайтириш бўйича кафолатларни белгилаш, суд органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, судьялар мустақиллигининг конституциявий принципларини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ислохотлар даври сифатида эътироф этилмоқда.

Жумладан, ўтган тўрт йил мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштиришга қаратилган 10 дан ортиқ қонун ҳамда 15 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Фармонга мувофиқ, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда судьяларнинг мустақиллигини амалда таъминловчи судьялар ҳамжамияти органи — Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, уларнинг мустақиллигини таъминловчи кафолатлар янада кучайтирилиб, судьялик лавозимиغا муддатсиз даврга тайинлаш тартиби жорий этилди.

Суд ҳокимиятининг амалда чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланиши оқибатида судлар томонидан сўнгги уч йилда 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилиб, жиноят йўлига адашиб кириб қолган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан маҳалла, ёшлар ташкилотлари каби жамоатчилик кафиллиги қўлланилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чоралари тайинланди.

Амалга оширилган тарихий ислоҳотлар нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки нуфузли халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ҳам ижобий эътирофларга сабаб бўлди. Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичлари мунтазам равишда ижобий томонга ўзгариб бормоқда.

The World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилоти дунё бўйича ҳар йили махсус “Қонун устуворлиги” индексини юритади. Ушбу индекс 44 кўрсаткичдан иборат бўлиб, муайян давлатда ҳуқуқий муҳитнинг ривожланганлик даражаси ва қонунчилик амалиёти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш имконини яратади.

2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексида 128 мамлакат ичида 92-ўринни, шундан “Фуқаролик одил судлов” индикатори бўйича 72-ўринни, “Жиноий одил судлов” индикатори бўйича эса 66-ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, “Бизнесни юритиш” индекси бўйича Ўзбекистон 190 та мамлакат орасида контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичи бўйича 2018 йилда 41-ўринни эгаллаган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда янада яхшиланиб, 22-ўринга кўтарилган, низоларни суд томонидан тезкор ҳал этишнинг вақт кўрсаткичи бўйича 190 та давлат ичида 225 кунлик натижа билан 3-ўриндан, низоларни суд йўли билан ҳал этишда кетадиган харажат кўрсаткичи бўйича эса МДХ мамлакатлари орасида 4-поғонадан жой олган.

Албатта, бу ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Лекин халқимизнинг суд-ҳуқуқ тизимидан рози, дейишга ҳали эрта.

Жумладан, суд амалиётининг таҳлили кўрсатяптики, суд ҳимоясини таъминлашда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва суд тизимида бир қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, жорий йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизи судлар фаолиятдан норозилик мазмунидаги ариза ва шикоятларни ташкил этган. Иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5

мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Демак, куйи судларнинг қарорлари юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилмаётгани, ягона суд амалиётининг тўлиқ шакллантирилмагани билан бир қаторда, фуқаролар ва тадбиркорларнинг судлар оstonасида сарсон бўлаётганидан ҳам далолат беради.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июль куни қабул қилинган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони айнан мана шу камчилик-ларнинг бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фармонда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши суд органлари фаолиятини бугунги замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга асос бўлади.

Фармонда фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммога алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят даражасидаги ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Вилоят судларининг амалдаги тарқоқ тузилмаси бир хил мазмундаги ишлар бўйича турлича қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиб, ягона суд амалиётини шакллантиришга, қонунларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишига тўсқинлик қилмоқда. Бу эса фуқароларнинг судларга бўлган ишончи пасайишига ва суд қарорларидан ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Биргина 2019 йилнинг ўзида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркор судлардаги сарсонгарчиликларга нисбатан ўз эътироз-ларини билдирганлар.

Вилоят даражасидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар бирлаштирилиб, ягона умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиши билан бирга илғор хорижий давлатлар амалиётига ҳам монанддир. Масалан, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умумюрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида фаолият юритади.

Фармонда яна бир муҳим масала — маъмурий судлар тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Бундан бир неча йил илгари мамлакатимиз тарихида илк маротаба маъмурий судлар ташкил этилиб, улар зиммасига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришдек ғоятда муҳим ва масъулиятли вазифа юкланган эди. Зеро, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, фуқароларнинг давлат органларидан, қолаверса, бутун ҳукуматдан розилигини таъминлаш айнан маъмурий судларнинг адолатли ва самарали ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Биргина маъмурий судлар томонидан охирги бир йил давомида ҳокимларнинг 2 мингдан ортиқ қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Маъмурий судларнинг ташкил этилганига эндигина уч йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ушбу давр мобайнида уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга зарурат вужудга келди. Жумладан, туман миқёсида маъмурий судлар шу туман ҳудудидаги маҳаллий ҳокимият органларидан мустақил фаолият юритишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Оммавий-ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга ўз табиатига кўра жиноят ишига ўхшаш маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган бўлиб, бу ўз навбатида, уларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни атрофлича ва сифатли кўриб чиқиш имконини чекламоқда. Хусусан, маъмурий судларда 2020 йилнинг 6 ойида маъмурий ҳуқуқбузарликка оид 183 минг (2019 йилда — 412 минг) иш кўрилган.

Қайд этилган масалаларни ҳал этиш мақсадида фармонда маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган самарали маъмурий одил судлов тизимини яратиш вазифаси белгиланди. Хусусан, туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Бунда асосий эътибор нафақат судларга бўлган ташқи таъсир ва аралашувларни бартараф этишга, балки мазкур тоифадаги ишларнинг ҳаж-мидан келиб чиқиб, бутун респуб-лика бўйича судьялар ўртасида адолатли иш ҳажмини тақсимлашга ҳам қаратилган. Жумладан, 2020 йилнинг 6 ойида 6,9 минг (2019 йилда — 16 минг) оммавий ҳуқуқий низо кўрилган бўлиб, бу умумий ишларнинг атиги 4 фоизини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Шу муносабат билан 203 та туман (шаҳар) маъмурий судини мақбуллаштириб, уларнинг негизида вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий суд ташкил этилади ҳамда мақбуллаштириш натижасида бўшаётган 150 та судья ва 150 та суд ходими штат бирликлари иш ҳажми юқори бўлган бошқа судларни тўлдиришга йўналтирилиши назарда тутилган.

Жиноят процессида суд қарорларининг барқарорлиги (*res judicata* принципи) ва қуйи судлар томонидан йўл қўйилган жиддий қонун бузилишини бартараф этишнинг мақбул мувозанат тизимини яратиш суд соҳасидаги ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар суд тизими фаолияти ишларнинг юқори инстанцияларда қайта-қайта кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта қайта кўриш билан унга тугал нуқта қўйишга қаратилган. Зеро, суд қарорининг фактик ҳолатларини чекланмаган тарзда текшириш имконияти, назорат инстанциясида ҳам қисман суд тергови ўтказилиши суд қарорларининг барқарорлигига, бу эса, ўз навбатида суднинг мустақиллигига таъсир ўтказади.

Айниқса, бутун дунёда тан олинган апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриш амалиёти кенг қўлланиладиган бир даврда мамлакатимизда “собик иттифоқ давридан қолиб кетган” назорат деб аталмиш яна бир инстанциянинг фаолият кўрсатиши, умуман, суд ислохотларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган ҳолат эди.

Шунга кўра, фармонда Олий суд томонидан ҳар қандай ишни назорат тартибида кўриб, қуйи судларга таъсир кўрсатишдек номақбул амалиётдан тўлиқ воз кечилиши назарда тутилиб, судьялар мустақиллигини таъминлаш, уларга адолатли қарор қабул қилишда босим ўтказишга йўл қўймаслик, ишларнинг йиллаб қайта-қайта кўрилишига барҳам бериш мақсадида Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқи бекор қилинди. Қайд этиш лозимки, БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, судларда ишларни “назорат тартибида кўриш” институтини бекор қилиш бўйича ўз тавсиясини билдирган.

Фармон билан суд тергови жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишувчанлиги тамойилини амалда рўёбга чиқариш мақсадида жиноят судларида дастлабки эшитув босқичи жорий этилмоқда.

Мазкур институт нафақат англо-саксон (АҚШ, Буюк Британия ва ҳ.к.), балки романо-герман суд тизимида (Германия, Франция ва ҳ.к), шу жумладан, МДХ мамлакатларида (Россия Федерацияси, Қозоғистон ва ҳ.к.) ҳам жорий этилган.

Дастлабки эшитув — суд томонидан алоҳида процессуал тартибда амалга ошириладиган муқобил суд муҳокамаси шакли бўлиб, мазкур институтнинг суд амалиётига татбиқ этилиши жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида процесс иштирокчиларининг фаол иштироки орқали тортишув принципи реал таъминланишига хизмат қилади. Хусусан, айнан дастлабки эшитув жараёнида ҳимоя тарафининг процессуал ваколатлари кучайтирилиб, судда айблов моҳиятидан номақбул далилларни чиқариш имкони реал кафолатланади.

Амалдаги қонунчилигимизда судга келиб тушган жиноят иши бўйича терговда йўл қўйилган хато ва камчилик-ларни суд тергови бошлангунга қадар аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг самарали механизмлари назарда тутилмаган. Натижада 2019 йилда 469 та иш судда бир неча ой кўрилгандан кейин дастлабки терговдаги камчилик-ларни бартараф этиш учун прокурорга қайтарилган.

Дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши дастлабки тергов устидан суд назорати функциясини янада мустаҳкамлашга, натижада эса суд, суриштирув ва тергов органлари ҳамда фуқароларнинг вақти ва саъй-ҳаракатларининг тежалиши, жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тез фурсатда тикланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, суд тизимига 2021 йил 1 январдан бошлаб ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд — бир инстанция” тамойили жорий этилмоқда. Бунга асосий сабаб бир суднинг ўзида биринчи инстанция-да кўрилган ишлар шу суднинг ўзида кейинги инстанция сифатида такроран кўрилиши фуқароларнинг судларга бўлган ишончи сусайишини бартараф этиш билан бирга, ишларни юқори инс-танцияларда холис, сифатли ва адолатли қайта кўриб якуний тўхтамга келишини таъминлашдир.

Шунга кўра, фармонда суд қарорларининг сифатини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш, ҳар бир инстанция судида муайян иш бўйича якуний тўхтамга келиш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорларнинг сарсон бўлишининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят судлари ҳамда Олий суд ваколатларининг аниқ чегарасини белгилаш, бунда туман(шаҳар) судида ишлар фақат биринчи босқичда, вилоятда — апелляция, Олий судда эса кассация тартибида кўрилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Мамлакат иқтисодиётида инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатимизнинг инвестициявий жозибардорлигини оширишда инвес-торларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай инвестор бирор давлатга инвес-тиция киритишидан аввал унинг мулки шу давлатда қай даражада ҳимоя қилиниши мумкинлигига, қонунчиликда белгиланган кафолатлар ва уларни амалда таъминловчи судлар фаолиятига баҳо беради. Шу нуқтаи назардан, инвесторлар билан боғлиқ низоларни судларда кўришнинг алоҳида тизимини яратиш давр талабига айланган.

2019 йилнинг ўзида иқтисодий судлар томонидан чет эл инвесторлари билан боғлиқ 3 мингга яқин, рақобатга оид 30 дан ортиқ иш кўрилган.

Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, фармонда Олий суд тузилмасида -йирик инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби — инвестициявий таркиб тузилиши белгиланиб, унинг зиммасига йирик инвесторлар (20 миллион АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритган), давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

Бунда йирик инвесторлар ўз хоҳишига кўра, бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш, бош-қа инвесторлар эса ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри судига ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Инвестициявий таркибнинг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низоларнинг бир суд даражасида қисқа муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инс-танцияларида бир неча ойлаб сарсон бўлмасликларини таъминлайди.

Фармонда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши суд органлари фаолиятини бугунги замон талаб-лари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга тўлиқ асос бўлади.

БОҚИМАНДАЛИК БАЛОСИ

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



Бошқа йўл қолмади. Бугун кутилмаган бало Ер шарининг қай бир бурчагидан келган-келмаганини таҳлил қилиш бефойда, аксинча, халқ бўлиб, эл-улус бўлиб давлат раҳбари, ҳукумат атрофида бирлашиб, ҳамжиҳатликда курашмасак, эртага кеч бўлиши муқаррар. Президентимиз раислигида ўтказилаётган видеоселектор йиғилишлари кун тартибидаги биринчи масала пандемия мавзуси бўлаётгани бежиз эмас. Сабаби, вазият биз кутган ва ўйлагандан ҳам кўра жиддийроқ, ҳатто айтиш мумкинки, анча қалтис.

Аммо имконият борича тегишли чора-тадбирлар кўриляпти. ОАВ, ижтимоий тармоқлар бир лаҳза тингани йўқ. Эътиборлиси, барча телеканаллар COVID-19 га бағишланган махсус кўрсатувларни намо-йиш қилмоқда. Лекин биз бугун сўз юритаётган боқимандалик балоси ҳам ижтимоий хавфлилиги жиҳатидан пандемиядан кам эмаслиги боис барчамизни ҳар лаҳза ҳушёр тортириши лозим.

Яширмаймиз, боқимандаликни даволаб бўлмайди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлариям рост. Авваллари ҳам бор эди шундай тоифа одамлар, нима бўлсаям давлат мени боқиши, таъминлаши керак, деган номаъқул даъво уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳой оғайничалиш, тўрт мучанг соппа-соғ бўлса, бирор касб-хунарнинг бошини тутиб ишла, деб кўрингчи, балога қоласиз, ёқангизга ёпишади.

Ўтган йил бошлари эди, Қашқадарёга бордим. Омон-омон, осойишталик замони эди. Шанба Китоб тумани ҳокими қабули куни экан. Ижодга қизиқувчан дўстим ҳокимликда ишларди. Сиз ҳам бир кузатинг, кимлар қандай муаммо-масалалар билан мурожаат этишини кўрасиз, балки бирор нарса қораларсиз, деди. Рўйхатга юз чоғли одам ёзилган экан. Аввал ёши кексароқ, ногирон кишиларни қабулга чорлашди. Бир чеккада кузатиб ўтирибман. Деярли ҳамма ташкилот раҳбарлари ҳозир нозир. Бирин-кетин савол-жавоблар бошланди. Йигирматача одамдан тахминан ўнга яқини уй-жой масаласида, қолганлари эса саломатлигини тиклаш, оилавий ва маҳалла ҳолидан хабар олмаётганидан нолиди. Ҳоким ҳам аввалига босиқлик билан ҳаммани эшитди ва амалий кўмак кўрсатиш бўйича тегишли раҳбарларга топшириқлар берди.

Ҳаммаси кейин бошланди. Бир маҳал ташқарида ғала-ғовур кучайди, аввал бир эркак бақирди, кейин аёл кишининг йиғиси эшитилди. “Ҳар ҳафта аҳвол шу, менам ҳасса кўтариб келайинми энди, айбим соғлом эканимми, бошқа проблемам бор, нима, ёш боласи бўлса шохи борми буларнинг, касалми, ана уйда ётсин...” Ҳайрон бўлиб ҳалиги қадрдонимга қарадим. У секин пичирлади: “Ҳозир томошани кўрасиз, энди кунда-шундаларга навбат келяпти,

Худонинг берган куни, қаерда қабул бўлса ўша, беш-олти “штатний”лар етиб боради. Тошкентдан, бирор юқорироқ идорадан вакил келиб қолган бўлса, тамом, ўзларини шу даражада жабрланган, қийналган қилиб кўрсатишадики.... Ана, бирови келди, эшитинг-да”.

Ҳалиги мурожаатчи аввалига ҳамма билан сўрашиб чиқди. Кейин тўрға қараб гап бошлади: “Ҳурматли ҳоким бова, мен ўтган дафъа ҳам келувдим, ҳал бўлмади, масалан, ўғилларим онаси тараф, уйга қўймапти, икки қизим чиқиб кетган, кудалар ҳолинг не деб сўрамайди, оқсоқол ҳайдаб солади идорадан, энди, ўзингиз бир бормасангиз бўлмайди-ёв, буларингиз алдайди”. Ҳоким савол берди: “Ака, узр, қабулимга бугун нечанчи марта келишингиз, шуни биласизми?” Маҳаллага -масъул оқсоч киши “ўнинчи марта”, деб изоҳ берувди, ҳалиги арзгўй унга қараб бақира кетди: “Керак бўлса ҳокимликнинг олдига ётволаман, уйим йўқ, тушундингизми, оқсоқолингиз ёрдам бермаса, хотиним билан ажратиб қўйишмаяпти, нуқул ўзининг танишларини қўллайди, ана, кечаям ун тарқатди, болаларимга берди, менга йўқ”.

Қабулга келиб, ҳали муаммосини дастурхон қилишга улгурмаган оппоқ рўмолли онахон унинг гапларини эшитиб чидаб туrolмади: “Элликка кириб эсингиз кирмапти, укажон, ўзингиз айтяпсиз ахир, беш фарзандингизнинг ҳаммаси уйли-жойли экан, қизлар бировнинг хасми, улардан нега домангир бўласиз, ана, уч ўғлингиз ишласа, ўзингиз уста экансиз. Бир маҳаллани айблайсиз, бир болаларингизни, ўзи нима керак сизга, одам деганам шунақа ноинсоф бўладими, буям камлик қилгандай, шунча йил бирга яшаган аёлингиз билан ажрашаман дейишга уялмайсизми? Шуми ўзбекчилик, суф-е!”

Ичкарида ҳаво етмай қолди. Секин чиқдим. Ортимдан ҳалиги танишим эргашди. “Ҳа, сабрингиз чидамадими? Ўлмаган бизнинг жонимиз, ошна. Ҳар куни шу аҳвол, ўн киши келса, ярмидан кўпи боқимандаликка ўрганиб қолган. Ҳозир қаранг, юз одамни кечгача қабул қиламиз. Албатта, хастаҳол, эҳтиёжманд, муаммоси оғир инсонларга қўлдан келгунича ёрдам берамиз. Бу табиий ҳол. Лекин кейинги пайтда юзимнинг қаттиғи, жонимнинг хузури дейдиганлар кўпайиб кетяпти. Нечтасиникига бордик. Ишонасизми, ҳайҳотдай ҳовли, камида 15-30 сотих чиқади, кудуғидан сув тўхтамайди, аммо томорқасида на битта дарахт, на тўртта гиёҳ бор. Гапларини арава тортолмайди, ҳа, мени кам таъминланганлар рўйхатига киритишмаяпти, нима эмиш, болаларим ишлармиш, иккита машинамиз бор, тўртта қорамол, нима бўпти, бизга берса давлат ғазнаси тугаб қолмас энди...”

Шунинг учун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, фаоллари орасида виждонли, иймонли инсонлар кўпайсагина, бундай текинхўр, фақат бер-берга ўрганганлар пайи қирқилиши мумкин, акси бўлса, юкини маҳаллага ташлаб, ётволиб ёза-ёздан бўшамайдиганлар камаймайди”. Бу ҳаётий мисолни бежиз келтирмадим. Сабаби, бутун дунёда пандемия хавфи кучайиб бораётган, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу хатарли офатга қарши кураш олиб борилаётган, қатор муаммолар ўртага чиқаётган, иқтисодий инқироз хавфи ошаётган бир паллада, бугунги оғир ва машаққатли дамларда ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан, халқимизни ижтимоий

жихатдан ҳимоя қилиш йўлида тегишли чора-тадбирлар кўриляётгани хайрли ишдир.

Лекин... халқ бир мушт бўлиб бирикиб, ҳамжихатликда кўринмас ёвга қарши кураш олиб бораётган ғанимат дамларда, ишонинг, ёзиш тугул, айтишга тили бормайди одамнинг, коронавирус балосини енгиш учун сув ва ҳаводек зарур бўлган воситалар — дори-дармон, тиббий жиҳоз ва бошқа заруратлар учун ажратилган маблағларни талон-тарож қилганларга нисбатан 10 та жиноят иши кўзғатилгани ҳақидаги кўнгилсиз маълумотни ўтган ҳафтада ўтказилган брифингда Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари Ҳаёт Шамсиддинов келтирганида этлари жунжикиб кетади ақли бутун кишининг. Бизга нима бўляпти ўзи, нега шунча қирғинбарот, талотумларни мардона енгиб ўтган миллат одамзот тўкин, фаровон, тинчгина ҳаёт кечириётган даврга келиб нафсини жиловлай олмаёпти?

Ҳар қанча аламли бўлмасин, қуйидаги далил ва рақамларга бир назар ташлайлик: *Бухоро вилояти санитария ва эпидемиологик осойишталик маркази мансабдор шахслари 395 миллион сўмлик 15 тонна гипохлорид кальций дезинфекция воситасини 600 миллион сўмга сотиб олиб, 205 миллион сўм бюджет маблағини талон-тарож қилган. Ёки бўлмаса, Навоий вилоятида худди шу марказнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағлардан 509 миллион сўмлик товар моддий бойликларни мақсадсиз сарфлаб юборган. Тергов жараёнида марказ бош врачлари ва омбор мудирига нисбатан Жиноят кодексининг учта моддаси билан айб эълон қилиниб, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган...*

Ёки бошқа бир рўйхатдаги шармандали ҳолатни қаранг: *Қашқадарёда 917,8 миллион сўм, Паркент туманида 397,6 миллион сўм, Наманганда 248,9 миллион сўм, Навоийда 222,3 миллион сўм, Бухорода 204,6 миллион сўм, Андижонда эса 159,3 миллион сўм талон-тарож қилинган!* Доно халқимизнинг ўғри бўл, муттаҳам бўл, инсоф билан бўл-да, деган истехзоли ибораси қачонлар пайдо бўлгани номаълум. Хўш, энди, мамлакат бошига мусибат тушиб турган энг қалтис онларда улуснинг нонини туя қилиб юрган каламушсифат амалдорларни ким деб атаймиз?

Тўғри, уларга қонун доирасида чораям кўрилар, келтирилган зарарни (бу рақамлар ортида ҳазилакам давлат маблағи ётгани йўқ) қаппайиб қолган чўнтақларидан тўлар ҳам дейлик. Эртага-чи, ҳозирги тожсимон вирус дегани чекинар, лекин бу муттаҳамлар эл-улус ўртасида қандай бош кўтариб юраркин? Юзлаб қурбонларнинг ўлимида ўзларини айбдор деб ҳисоблармикин? Бундай кассларни тўдаси билан телевидение орқали элга кўрсатиш керак эмасми? Матбуотда номма-ном эълон қилиш зарур! Албатта, тергов-суриштирув тугагач, суд ҳукми ўқигандан сўнг!

Бу танганинг бир тарафи. Иккинчи томони янада аянчли. Мақоламиз мавзусини бежиз боқимандаликка боғламаяпмиз. Боиси, қарийб беш ойлик маънавий ва иқтисодий синовлар одамларни ғалвирдан ўтказаяпти. Айниқса, маҳалла-қўйдаги ҳақиқий инсонпарварлик ёрдамига муҳтожлар ва

хўжақўрсинга, оқсоқолнинг “темир дафтар”и рўйхатига тиркалувчи доимий танишлар ҳақида ижтимоий тармоқларда бежиз бонг урилмаяпти. Тўғри, “Саховат ва кўмак” жамғармаси пандемия шароитида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакиллари хайрия маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлашга баҳоли қудрат ҳаракат қилаётганини ҳеч ким инкор қилолмайди. Бу маблағлар “Маҳалла” фонди Васийлик кенгаши, Қорақалпоғис-тон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар кенгашларининг тасдиқланган қарор ва рўйхатлари асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзанд-ли оилалар, ногиронлиги бўлган, ёлғиз яшовчи, шунингдек, вақтинча ишсиз фуқароларни пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ҳамда бошқа турдаги зарур маҳсулотлар билан таъминлаш учун сарфланяпти. Бу Худоба ҳам, бандасига ҳам аён.

Яна савол туғилади: хўш, махсус қарорларга кўра эҳтиёжмандлик мақомига лойиқ деб кўрилган оилалар рўйхати қандай шакллантириляпти? Бу жиддий масала. Чунки бизда ҚФЙ ёки МФЙ деган тузилма ўз худудида яшовчи аҳоли ҳақида тўлиқ маълумот-тасаввурга эга, деган нотўғри қараш шаклланиб қолган. Лекин бир ҳақиқатни очиқ тан олиш керак, сони ўн мингни қоралаб бораётган маҳалла институтига кейинги бир-икки йил ичида жуда катта имкониятлар яратишга ҳаракат қилинаётган бир пайтда ушбу тизимга масъулларнинг саъй-ҳаракатлари ҳозирча ўзини оқлаётими-йўқми, деган ҳаётий савол кўпчиликни ўйлантиряпти. Аввало, маҳалла раислари мақоми масаласи чуқур мониторинг қилиниши зарур. Кадрлар захираси шакллантирилишида шахснинг маълумоти олийлигидан кўра унинг инсонийлиги, жамоатчилик ўртасидаги нуфузи алоҳида эътиборга олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, аксарият оқсоқоллар ҳали-ҳануз ибтидоий бошқарув усули, яъни маҳаллий ҳокимият чангалидан қутулиб, эркин фаолият юритолмас экан, тизимда ишлар илгари силжимади.

Асл манзара бундай: рўйхатга киритилган бирор оилага ижтимоий ёрдам шаклларида бири бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағлардан фуқаронинг номига очилган банк картасига муайян миқдорда маблағ ўтказиб берилади. Жуда оқилона йўл, деб ўйлардим мен ҳам. Аммо шу йил баҳор ўрталарида кўшни маҳалла раисининг қуйидаги сўзларини эшитгач, фикрим ўзгарди: “Ака, безор бўлдим буйруқбоз-ликдан. Масалан, биз комиссия иштирокида кўриб чиқиб, ўрганиб, қатъий тартибда ҳокимликка эҳтиёжманд оилалар рўйхатини тақдим этамиз. Қизиғи, шундай одамлар ҳам борки, улар ўзига тўқ, ҳаммаси ишли, кўшша-қўшша машина, уйларигача бор, лекин азалдан маҳалла ё ҳокимликка қари ота-онасини етаклаб бориб, ҳеч кимимиз йўқ деб рўйхатларга ҳам кириб олишган. Ёки яна бир тоифа бор, тўғри ҳокимликка шикоят кўтариб боради, баҳоналари мингта, улар нима қилади, оппа-осон қутула қолайлик, дейди-да, илтимос, шунгаям ёрдам берворинг”, дейди. Ўтироз билдирсангиз, тамом, муаммодан бошингиз чикмайди. Яхшиси, оч қулоғим, тинч қулоғим деймиз-да”.

Ажабо, кўнгилни хира қилгувчи бундай воқеаларни кўриб, кузатиб ёқасини тутати одам. Нега денгда, баъзан ёнгинамизда шундай ҳокисор, содда, бирор маҳкама ёки порталнинг манзили, телефонини ҳам билмайдиган кишилар ҳам борки, аслида шундайларни излаб, топиб, кўлимиздан келса кўмак берсак осмон узилиб ерга тушмайди. Яқинда Қибрай туманидан таҳририятга ёзилган бир хатни ўқиб, очиғи, музлаб кетдим. Ҳали элликкаям бормаган муштипар аёл минг бир истиҳола билан хат ёзибди: *“Турмуш ўртоғим уч йил бурун тўсатдан юрак хасталиги туфайли қазо қилди. У кишининг исми-шарифини айтолмайман, сабаби, кўпчилик танирди, вазирлик ва бир қанча нуфузли идораларда ишлаганди. Ёлғиз ўғлим билан оғир аҳволга тушиб қолганимиздан кейин Тошкентдаги -уйимизни сотиб, Қибрайдаги кўп қаватли уйдан бир хонали хонадон олиб кўчиб ўтдик. Ўзим боғчада тарбиячи эдим, шаҳарга қатнаш қи-йинлиги боис бўшашимдан аввал малака ошириш институтида ўқиб, махсус сертификат ҳам олдим. Аввал уйимга яқин атрофдан иш қидирдим. Ҳаммаси ваъда беришдан нарига ўтмади. Ўғлим контракт асосида институтда таҳсил олади, спортчи, Ўзбекистон чемпиони. Рўзгор тебратиш оғирлаша бошлагач, ўқишини сиртқига ўтқазиб, қурилишга ишга кирди. Ойлик маошиям ўртача, устига устак контракт пули, коммунал тўловлар қийнаб қўйди. Баъзан ўғлимга сездирмай, ошхоналарда идиш-товоқ ювиб юрдим. У ҳам отасига ўхшаб полвонлиги боис бирор марта нолимади, йигитлик гурури йўл қўймади шекилли, бирор жойга ёрдам сўра боришдан ор қилди. Онажон, иш топилса топилар, бўлмаса ҳеч кимга ялинманг, Худо-йим ўзи меҳрибон, деб мени юпатарди. Икки йилдан бери отангга бор, онангга бор, дейишларидан чарчадим. Охири кам таъминланганлигимиз, биламан, ўзим яшаётган МФЙда расман қайд этилмагани аниқ, ҳеч бўлмаса ёлғиз оналигимни инобатга олиб, ўғлимнинг контракт пулини тўлашга амалий ёрдам беришларини сўраб, вилоят ҳокими номига ёзма равишда мурожаат жўнатдим. Ёлгон бўлмасин, шундан кейин бир-икки идорадан шикоятингизни ўрганяпмиз, албатта кўмак берилади, деган мазмундаги қўнғироқлар бўлди. Лекин ҳозиргача бирор масъул ташкилот вакили ёки раҳбар келиб сўрагани йўқ.*

Ниҳоят баҳорда коронавирус балоси оқибатида карантин бошланиб кетди. Она-бола уйда қолдик. Ўғлим ҳам ишидан айрилди. Шу боис, баъзан дастурхонни ўйлаган пайтларимиз ҳам бўляпти. Хайриятки, савобталаб одамлар баҳоли қудрат кўмак бериб турибди. Аммо ўзим яшаётган туман ҳокимлигида ишсиз эканлигим ҳақидаги аризам бўлатуриб, пандемия даврида ҳеч ким бизга ҳолинг не, қандай ёрдам керак, деб бирор марта сўраб келгани йўқ. Энди кимдан нажот кутайлик? Бу ёзганларимни шикоят ёки нолиш, ношукрлик деб қабул қилманг, насиб этса бу синовли кунлар ҳам ўтиб кетар, муҳими, соғ-омонмиз-ку! Фақат илтимос, мурожаат қилганимни ўғлим билмасин, хафа бўлади”...

Эътибор беряпсизми, ёлғиз онаизор бошидан кечаётган шунча қийинчилик-ларга қарамасдан, кўнглидаги аламли изтиробларни йўллаётиб ҳам эндигина катта ҳаёт остонасидан ҳатлаётган ўғлининг ориятини ўйлаб,

“мурожаат қилганимни у билмасин”, дея қимтиниб, истиҳолага бораётганининг ўзи ҳар томонлама таъминланган, тўқис, рўзғори бут яшаётган бўлса ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари ёки “Саховат ва кўмак” жамғармаси вакиллари гоҳ телефон орқали, гоҳ юзма-юз безовта қилишдан уялмаётган, керак бўлса давлат боқсин-да бизни, дея маломат тошини отиб, боқимандаликни касбга айлантириб олганлар учун аччиқ сабоқ эмасми? Тўғриси, сизу бизнинг чин маънода ҳам моддий, ҳам маънавий кўмагимизга муҳтож бўлмиш ёлғизгина аёлнинг аниқ манзили ва исми-шарифини атайин ёзмадим. Негаки, ушбу хат эгаси тақдири билан тегишли идора ва масъуллар шуғулланишяпти, умид қиламизки, бу масала хайрли ниҳоя топажак.

Шу ўринда тан олиш керак, биздаги маҳалла институти тажрибалари бутун дунё миқёсида катта қизиқиш билан ўрганиляпти. Бу каби миллий, ўзига хос қадим қадриятлар руҳи сингдирилган тизим манаман деган ривожланган давлатларда ҳам йўқлиги рост. Оддий мисол, кўни-кўшничилик муносабатлари, оилавий борди-келдилар, хайр-саховат бобидаги ўлмас удумлар, хуллас, ҳавас қилса арзигулик анъаналаримиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айнан халқимизнинг шу каби беқиёс одамийлик фазилатлари пандемия шароитида ҳам ўзини тўла тўқис оқлаётганига шубҳамиз йўқ. Фақат жамоатчилик назорати бундай пайт-да бор бўйи билан кўринишини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СИЁСАТ: ТИЗИМЛИ “ҚАЙТА ЮКЛАШ” ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Элдор АРИПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
директори



Коронавирус пандемияси глобал даражада жаҳон соғлиқни сақлаш тизими ва иқтисодиётига катта зарба бўлди. Ижтимоий соҳа ҳам ана шундай зарбани қабул қилиб олди ва бунда кўплаб ечилмаган тизимли муаммолар юзага қалқиб чиқди. Дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ҳимоясиз қолди. Шу билан бирга, инқироз иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни ҳам қамраб олди.

БМТ экспертлари коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши камбағалликни қисқартириш учун сўнгги йилларда эришилган барча ютуқларга таҳдид солаётганига ишора қилиб, бонг урмоқда. Глобал камбағаллик даражаси 1998 йилдан бери биринчи марта кўтарилиб кетди, дея баёнот берди.

ХМТ прогнозига кўра, иқтисодиёт ва меҳнат бозоридаги инқироз глобал ишсизликнинг қарийб 25 миллион кишига кўпайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда ишсизлик, ҳатто, буюк депрессия давридан ҳам ошиб кетиши кутилмоқда.

Иш билан бандликнинг пасайиши, табиийки, одамлар даромадининг сезиларли йўқотилишига ҳам олиб келади. ХМТнинг баҳолашича, 2020 йилнинг охирига келиб, улар 860 млрд. дан 3,4 трлн. долларгачани ташкил этади.

Коронавирус пандемияси оқибатлари Марказий Осиё учун олдиндан кутилганидан анча жиддий бўлди. Жаҳон банки йил охирига қадар минтақада ялпи ички маҳсулотнинг 1,7 фоизга камайишини истисно этмаяпти. Қирғизистонда ЯИМнинг энг катта пасайиши кутилмоқда — минус 4 фоиз. Қозоғистонда пасайиш минус 3 фоиздан биров камроқ бўлади. Тожикистонда — минус 2 фоиз.

Бу йил минтақада иқтисодиёти ўсиши мумкин бўлган ягона мамлакат — Ўзбекистон бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари 1,5 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда.

Карантин Марказий Осиё давлатларидан келган юз минглаб меҳнат муҳожирларини ҳам даромадсиз қолдирди. Пандемия туфайли бутун дунё бўйлаб пул ўтказмалари 20 фоиз га қисқарса, Марказий Осиёда деярли 28 фоизга пасаяди.

Шу аснода Жаҳон банки 2,6 миллионга яқин Марказий осиеликлар камбағаллик чизиғидан пастга тушиб кетиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Бундай муҳим шароитларда ҳукуматларнинг асосий вазифаси нафақат касалликнинг тарқалишини жиловлаш, балки аҳолининг заиф қатламларини ҳамда иш ва даромад манбаисиз қолганларни қандай қўллаб-қувватлашдан ҳам иборатдир.

Ўзбекистонда аҳвол қандай?

Тан олиш керак, бу муаммоларнинг барчаси мамлакатимиз олдида жиддий масалаларни кўйди. Бундан ташқари, пандемик инқироз ҳукумат бутун эътиборини муҳтож фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, камбағалликка қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришнинг ҳозирги тизими ислоҳотларига қаратган бир пайтда юз берди.

Давлат тарихида биринчи марта Президент мамлакатда камбағаллик муаммосини очиқ тан олди. Илгари тақиқланган мавзу бугун нафақат муҳокамага айланди, балки ушбу муаммонинг ҳақиқий кўлами, балки кеча имконсиз туюлган мамлакатдаги камбағаллар сони бўйича аниқ рақамлар ошкор этилди.

Бундан ташқари, камбағаллик даражасини камайтириш вазифаси кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди. Узоқ муддатга мўлжалланган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш стратегиясининг бош мақсади қилиб кўйилди. Президентнинг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш — биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади”, дея аниқ айтилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги камбағалликни қисқартириш жараёнларини тартибга солиш учун махсус ташкил этилди. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, 2030 йилгача Камбағалликни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқишга қарор қилинди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш борасидаги ишлар самарадорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда ҳаёт сифатини ошириш ва ободонлаштириш борасида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” каби дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда биринчи марта аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг интеграциялашган, замонавий тизими босқичма-босқич ва изчил ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, у халқ билан “ижтимоий мулоқот”ни амалга оширишнинг тубдан янги механизмларига асосланади. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кўп жихатдан аллақачон ўз самарадорлигини исботлаган Хитойнинг камбағалликни бартараф этиш стратегия-си билан таққослаш мумкин.

Одатда Хитойнинг қашшоқликка қарши курашдаги муваффақияти манзилли ёрдам, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, камбағал аҳолини маълум кўникмаларга ўргатиш, инфратузилма ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби асосий таянч устунларга асосланган, дея эътироф этилади.

Бундай ёндашув туфайли, бугунги кунда Хитой — қашшоқликни қисқартиришнинг рекорд суръатларини намойиш этаётган ва биринчи марта “Қашшоқликни камайтириш бўйича БМТ мингйиллик ривожланиш мақсадлари”га эришган мамлакат ҳисобланади. Ўтган 40 йил мобайнида ХХР 740 миллиондан ортиқ кишини қашшоқликдан олиб чиқди. Бундай ютуқлар, аввало, жойларда изчил ишларни амалга ошириш, қатъий маъмурий назорат ўрнатиш орқали таъминланган.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш вазифаси секторлар бўйича ишлар модели ёрдамида ҳал этилмоқда. Ҳар бир сектор ҳокимият, прокуратура, ички ишлар органлари ва солиқ хизмати вакилларида, яъни жойлардаги вазият ҳақида барча маълумотларга эга бўлган шахслардан ташкил топади. Бундай ёндашув қуйи даражаларда ишларни йўлга қўйиш имконини беради, шунингдек, ҳар бир тумандаги фаолият учун сектор раҳбарининг шахсий масъулиятини оширади. Худди Хитойдаги каби Ўзбекистонда ҳам “манзилли ёндашув” — ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий элементларидан биридир. Ёрдамга муҳтож барча фуқаролар тармоқлар ва маҳалла йиғинлари раҳбарлари тавсияси билан “Темир дафтар”га киритилади. Аслида, бу “SAXOVAT.ARGOS.UZ” электрон дастури бўлиб, унга киритилган фуқароларга давлатнинг мақсадли ёрдам кўрсатиши “қатъий қафолатланади”.

“Темир дафтар”га иш ўринлари ва даромад манбаларини йўқотганларнинг барчаси, шунингдек, ногиронлиги бўлган кишилар, якка-ёлғиз қариялар ва кам таъминланганлар киритилади.

“Темир дафтар”даги оилаларни танлаш кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган категориал баҳолаш усулига асосланади. Бунда аҳолининг айрим гуруҳларига ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар сифатида қаралади. Бизнинг ҳолатда “Темир дафтар”ни юритиш 5 та тоифадаги оилаларни назарда тутди: 1) эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтож оилалар; 2) ногиронлиги бўлган ва сурункали касалликка чалинган кишилар; 3) 5 ва ундан кўп фарзанди бор оилалар; 4) якка-ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қарамоғига муҳтожлар; 5) карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган оилалар.

Бугунги кунда “Темир дафтар”га киритишнинг асосий мезони — даромад ва ишлаб пул топиш воситаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда меҳнатга лаёқатлилиқнинг чекланганидир.

Туман ёки шаҳар секторлари раҳбарлари маҳалла раислари билан биргаликда оилаларнинг моддий ва уй-жой шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш учун уйма-уй юрмоқда, агар мақсадга мувофиқ, деб топилса, янги аниқланган эҳтиёжмандлар ҳам дастурга киритилади.

Таъкидлаш жоиз, Европа мамлакатларида нафақа тайинлашдан олдин ижтимоий хизматлар кам таъминланган фуқаронинг молиявий вазиятини ўрганади. Масалан, Германияда манзилли ёрдам ёки ижтимоий нафақалар тўлаш қарорига фақат ижтимоий соҳа ходимлари фуқаронинг чиндан ҳам қийин молиявий вазиятда эканига ишонч ҳосил қилганидан кейингина келинади.

“Темир дафтар”га муҳтож оила сектор котиби томонидан киритилади. Қайд этишда, қабул қилувчининг маълумотларидан ташқари, дастурда кўрсатиладиган ёрдам тури ҳақида ҳам маълумотлар жой олади.

Ушбу дастурнинг афзаллиги шундаки, ундан туман, вилоят ва умуман, республикадаги мавжуд ижтимоий вазият ҳақида аниқроқ тасаввур юзага келади. Яъни, туман ҳокимидан тортиб, Президентгача ишлар кўлами ва эришилган натижалар борасида, реал ёрдам кўрсатилаётган оилалар ва исм-шарифларгача, аниқ ва яхлит тасаввурга эга бўлади.

Оддий қилиб айтганда, “Темир дафтар”да умумий кўрсаткичлар эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммолари ва уларнинг ечимлари акс этади. Буларнинг барчаси ҳар бир фуқаронинг ижтимоий муаммоларига, унинг ўта зарурий муаммоларини ҳал этишга ёрдам берадиган йўл ва воситаларга эътибор қаратиш имконини беради.

“Темир дафтар” рўйхатлари асосида эпидемияга қарши курашнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда қўллаб-қувватлаш чоралари, худди баъзилар тасдиқлашга ўрганиб қолгандай, оддийгина ижтимоий пакетларни тарқатиш билангина чекланиб қолинмайди.

Аввало, муҳтож оилаларга кўрсатилаётган молиявий ёрдамнинг аҳамиятли эканини таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда биринчи марта қийин аҳволда қолган барча кишиларни тўғридан-тўғри моддий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди.

Қурбон Ҳайити арафасида аъзолари қарийб 700 минг кишини ташкил этадиган 182 мингдан зиёд оилага 1 миллион сўмгача миқдоридagi тўловлар амалга оширилди. Айтиш керакки, ёрдам тўғридан-тўғри ва нақд пулларда кўрсатилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг сўнгги фармонида асосан, “Темир дафтар”га киритилган муҳтож оилаларнинг ҳар бир аъзоси учун 220 минг сўмдан тўловлар амалга оширилди. 2020 йилга мўлжалланган бюджетда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун жами 8 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Пандемия даврида ижтимоий ёрдам олувчилар базаси ҳам сезиларли даражада кенгайди. 14 ёшга тўлмаган болали эҳтиёжманд оилалар сони йил охирига келиб 2 бараварга кўпаяди. 2 ёшгача бола парвариши бўйича нафақа олишга муҳтож оналар сони 20 фоизга ўсади. Моддий ёрдам олаётган кам таъминланган оилалар сони 100 мингга оширилади. 2020 йилнинг охирига қадар ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,2 миллионга, 2021 йилда эса 1,5 миллион га етиши кутилмоқда.

Камбағал оилалар мамлакатдаги аҳоли умумий сонининг 12-15 фоизни ташкил этишини ҳисобга олсак, ижтимоий нафақалар механизми жорий йил охиригача ҳар бир эҳтиёжманд оилани қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Ҳудудлар кесимига назар ташласак, Қорақалпоғистонда декабрь ойига қадар ижтимоий ҳимоя механизми ҳар тўртинчи оилани, Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида — ҳар бешинчисини қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, ҳар тўртинчи ёки бешинчи оила ўртача 300 минг сўм қўшимча ойлик даромад олади.

Ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатда эҳтиёжмандларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг кенг қамровли механизми йўлга қўйилмоқда. Бироқ тан олиш керакки, унга берилган ижобий салоҳият сабаб бундай механизм етарлича мослашувчан ва максимал даражада шаффоф бўла олмайди. Айрим объектив ва субъектив омиллар бутун тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Маҳалла вакилларининг аҳолига ажратилаётган маблағларни тақсимлаши борасидаги масъулиятларини виждонан ва очиқ адо этишаётганларига кўпчиликда шубҳа бор. Ажратилган ижтимоий ёрдам барча муҳтожларга ва ўз манзилига етиб бормаяпти, деган хавотир ҳам йўқ эмас.

“Темир дафтар”га киритиш учун оилаларни адолатли танлаш масаласи ҳам очиқ қолмоқда. Кўпчилик амалий мезонларнинг объективлиги ҳақида ўйлайди, ҳақли равишда инсон омилига ишора қилади. Ижтимоий ёрдамнинг бутун тақсимотида ошкораликни таъминлаш зарурати ойдинлашиб бормоқда. Оилаларга ижтимоий ёрдам ажратишда йўл қўйилган хатолар эҳтимоли етарлича юқорилигини ҳам эътироф этиш жоиз. Бундай тарздаги тақсимотда тизимда носозликлар юз беради. Яқинда Тошкентнинг Сергели туманида содир бўлган воқеа буни яққол кўрсатди.

Бироқ сўнгги қарорлар ҳукумат мавжуд бўшлиқларни кўриб, уларни бартараф этишга интилаётганини ишонч билан айтиш имконини бермоқда. Бунда юзага келувчи камчиликларни ҳисобга олиб, тизимни созлашга қаратилган ҳамда вақти-вақти билан киритилаётган тузатишлар шу билан изоҳланади.

Президент фармонида мувофиқ, ижтимоий ёрдамнинг барча турларини бир хил мезон ва бир хил ҳужжатга мувофиқ тақдим этиш имконини берадиган Ягона ижтимоий реестр яратилмоқда. Йил охирига қадар тизим барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этилади.

Маълумотларни тизимлаштириш ҳар бир ижтимоий ёрдам олувчининг эҳтиёж даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. У оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки, банк ҳисоблари, олинган кредитлар ва автомобиллар тўғрисидаги турли идораларнинг тегишли базаларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида аниқланади.

Истикболда “Ягона ижтимоий реестр” дастурининг тўлик ишга туширилиши инсон омилини сезиларли даражада минималлаштиради ва натижада ижтимоий ёрдамни тақсимлашдаги коррупция ҳолатларини имкон қадар бартараф этади.

Муносиб даромад, ёрдам пули эмас

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аҳолининг энг камбағал қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати эҳтиёжманд оилаларга бериладиган ёрдам пуллари билан чекланиб қолмайди. Асосий мақсад — аҳолининг иқтисодий фаровонлиги даражасини ошириш учун шароит яратиш. Одатда камбағалликка тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиш анчайин мушкул ҳисобланади. Шу боис давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш “аввало, “тўр беланчак” эмас, балки “зина” вазифасини ўташи лозим” — бошқача айтганда, одамларни ана шу ҳолатда тутиб туришдан кўра, камбағаллар тоифасидан чиқариш воситаси сифатида кўпроқ ўзини кўрсатиши зарур.

Масалан, Шимолий Европа мамлакатларида (Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания) умумий бандликка эришиш ва фуқароларнинг барча тоифалари орасида даромад даражаларини тенглаштириш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Бу борада Президентимиз томонидан белгиланган мақсад “камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаш” ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Бундай ёндашувнинг долзарблиги кўплаб мутахассислар томонидан ҳам тасдиқланган. Шундай қилиб, Ижтимоий сиёсат институти ИОМ иқтисодчиларининг фикрича, “ҳукумат саъй-ҳаракатларни йўналтириши керак бўлган асосий соҳа — бу меҳнат бозоридир, чунки у инқирознинг асосий зарбасини ўзига қабул қилади”.

Қайд этиш керакки, инқирозга қарши дастур доирасида, коронавирус пандемияси сабабли ишсиз ёки хорижга ишлашга кета олмай қолган 415 мингдан ортиқ киши аллақачон иш билан таъминланган. Иш ўринлари яратиш билан бирга, кам таъминланганларга истикболда узоқ муддатга ва моддий аҳолини ўз кучи билан яхшилашга имкон берадиган шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилмоқда.

Бошқача айтганда, бунда эътибор эҳтиёжманд қатламга ёрдам пули беришга эмас, балки ишлаб пул топиш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишга қаратилади. Иқтисодий истикбол ва камбағалликни бартараф этиш нуқтаи назаридан бундай ёндашув энг оқилона ва ўринли ҳисобланади.

Иш ўринлари яратиш билан бир вақтда, фуқароларнинг тадбиркорлик борасидаги фаоллиги ҳам рағбатлантирилади. Мамлакатимизда аҳоли, аввало, меҳнатга лаёқатли одамлар сонини ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш фуқаролар фаровонлигини оширишдаги кўп-лаб масалаларни ҳал этади.

Ўзбекистонда оилавий бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тадбиркорликка бўлган қизиқишни оширишнинг энг оммавий воситаларидан

бирига айланди. Бу мақсадлар учун жуда салмоқли миқдордаги маблағлар йўналтирилган. Биргина “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун қўшимча 2 трлн. сўм ажратилган. Умуман, жорий йилда оилавий бизнес дастурлари учун 4 трлн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилмоқда.

Ушбу ёндашувга талаб мавжудлиги ва унинг ишлашидан манфаатдорликни тадбиркорлик фаолияти учун 5 мингдан ортиқ кишининг қарийб 6 млрд. сўм субсидия олгани ҳам далолат беради. Йил охирига қадар бундай субсидияларни олувчилар сони 13 минг кишига етиши, ажратилган маблағ эса 11,5 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Кам таъминланган оилаларни иш ва даромад манбаи билан таъминлаш нафақат уларни инқироз даврида ушлаб туришга, балки юз минглаб одамларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишига имкон беради. Барқарор даромадга ва оиласини таъминлай олиш имконига эга бўлиши натижасида, инсонлар қандай ва қанақа воситалар ҳисобига яшаш ҳақида бош қотирмай кўяди. Эл қатори яшай бошлайдилар, келажакка ишонч билан боқадилар ва фарзандларини тарбиялаш, илмли қилиш борасида фикрлайдилар. Бундай кўринишдаги турмуш тарзида одатда “ҳар бир кейинги авлод олдингисидан муваффақиятлироқ ва бойроқ” қоидаси ишлаб кетади.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, эҳтиёжманд фуқароларнинг бандлигини таъминлаш имкониятларини яратиш билан бирга, мақсадли ва тўғридан-тўғри моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари мажмуининг бирлаштирилиши танланган стратегиянинг халқ турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш борасидаги самарадорлигини бир неча бараварга оширади.

Ана шу ёндашув туфайли “қашшоқлик тузоғига” тушиб қолган минглаб умидсиз фуқаролар ўзини ўнглаш ва аҳволини яхшилаш учун самарали иқтисодий рағбатга эга бўлдилар.

Камбағаллик муаммосини бутунлай ва қисқа вақт ичида бартараф этиб бўлмаслиги табиий. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу жуда узоқ вақт ва машаққатли меҳнатни талаб этадиган жараён. Бироқ айнан ўша халқаро тажриба бу муаммога ҳар томонлама ва изчил ёндашилса, тўғри амалга оширилса, кутилган натижани беришини тасдиқлайди.

Буни “Темир дафтар” амалиёти ҳам тасдиқлайди. Биргина тўрт ой ичида доимий даромад билан таъминланиши туфайли эҳтиёжманд оилаларнинг 159 мингтаси ёки 40 фоиздан ортиғи “темир дафтар” рўйхатидан чиқарилди. Тошкент ва Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич янада юқори — мос равишда 55 фоиз ва 58 фоиз. Келажакда камида ана шундай иш суръатини сақлаб қолиш мамлакатда қашшоқликни қисқартириш йўлида илдам одимлаш имконини беради.

Белгиланган режаларни амалга ошириш натижасида, аҳолининг камбағал қатлами нафақат иқтисодий ўсишдан фойда кўриши, балки ўзи ҳам иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатдаги бутун ижтимоий-иқтисодий вазиятга ижобий мультипликатив таъсир кўрсатади.

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН ҚУВЛАЙДИ ТУННИ

XX аср бошларида жаид адабиёти сифатида дунёга келган янги ўзбек адабиёти юз йилдан зиёдроқ тарихи мобайнида жуда кўплаб улуғ шоир ва ёзувчиларни етиштириб бердики, уларнинг асарлари ва эришган ижодий ютуқлари нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тарихига ҳам улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов ўша даврдаги ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ижодини миллий ғоя мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берган адабиётшунос олим. “Чўлпон”, “Ойбек”, “Ҳамид Олимжон”, “Шайхзода”, “Миртемир”, “Усмон Носир”, “Зулфия” сингари маърифий-биографик романлар муаллифи. Унинг илмий раҳбарлиги ва иштирокида Ҳамза, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжоннинг алоҳида-алоҳида кўпжилдлик “Мукамал асарлар тўплами” нашр этилган.

Олим билан суҳбатимиз дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган жаидчиларнинг илмий мероси, ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги ўрни хусусида кечди.

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида: **“Биз жаидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”,** деб таъкидлаганди. Жаидчилик соҳасини чуқур ўрганган олим сифатида бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— XIX аср охири — XX аср бошларида майдонга келган жаидчилик ҳаракати ва адабиёти намояндалари, Президентимиз айтганидек, бизнинг маърифатпарвар боболаримиздир. Афсуски, уларнинг миллий уйғониш ғоялари билан йўғрилган ҳаёти ва фаолияти, бир томондан, Чор Россияси, иккинчи томондан, совет давлатининг қаттиқ тазйиқи остида кечди ва улар ҳаёти фожеа билан тугади. “Халқ душмани” сифатида отиб ташланган бу улуғ зотларнинг адабий-педагогик мероси бизгача тўла етиб келмади.

Бу меросни ташкил этган асарлар куйдириб ташланди. Шунга қарамай, масалан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўнлаб мақолалари “Самарқанд” газетаси ва “Ойина” журнали саҳифаларидагина эмас, балки Туркистондан ташқари Афғонистон, Россия ва Кавказда нашр этилган 10 дан зиёд газета ва журналда ҳам чоп этилганки, уларни тўплаб, нашр этиш ишлари эндигина бошланди. Ҳатто Фитрат ва Чўлпон сингари буюк ёзувчиларнинг адабий мероси ҳам ҳалигача халққа тўла етиб келмаган. Аммо миллий уйғониш даври намояндалари асарларининг ҳозир бизга етиб келган муайян қисмининг ўзиёқ маданий меросимизнинг олтин фонди сифатида эъзозланиб, ўрганилиб, тарғиб этиб келинади.

Камина мустақиллик йилларида берилган бахтли имкониятдан фойдаланиб, Мунавварқори Абдурашидхонов, Боту сингари жабрдийдаларнинг кўп жилдлик “дело”лари билан танишганимда, улардаги катта тарихий аҳамиятга молик ноёб материалларни кўриб, уларни “Мутлақо махфий” грифи остида “Ўзбекистон тарихи учун материаллар” туркум китобларини тайёрлаш ва нашр этиш орзуси билан яшадим. Афсуски, совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам бунинг имконияти бўлмади. Агар Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил этилиб, унинг ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати хузуридаги институт вакиллари билан бирга шу олижаноб ишга киришсалар, тарихимизнинг кўпгина номаълум ва қоронғи саҳифалари нурланган ва Ўзбекистоннинг XX асрдаги мураккаб ва қонли тарихи майдонга келган бўлар эди.

Жадид мутафаккирлари меросининг чуқур ўрганилиб, Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Тавалло сингари олим ва шоирлар “Тўла асарлар тўпламлари”нинг, шунингдек, “Ўзбекистоннинг XX асрдаги қонли тарихи” кўп жилдлик китоби нашр этилса, биринчидан, уларнинг Беруний, Ибн Сино даражасидаги сиймолар бўлганини, иккинчидан, ўта фожиали даврда, қўл-оёқлари кишанланган ҳолда яшаб ижод қилганларини кўрсатиш имконияти туғилган бўларди.

Амир Темур даврида дунёнинг энг қуд-ратли давлатларидан бири бўлган салтанат секин-аста емирилиб, айниқса, XVIII аср охири — XIX аср бошларида шундай ҳолга тушган эдики, унинг Чор Россияси кўшинлари томонидан забт этилиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Шу даврда Туркистоннинг нафақат давлат сифатидаги мавқеи, балки халқининг ҳам аҳволи оғир бўлган. Шу даврда Туркистон халқининг қандай аянчли аҳволга тушгани жадид шоирларининг ижодида яққол акс этган.

Чўлпон “Туркистонли қардошларимизга” (1914) шеърда бундай ёзган:

*Илму маориф ҳам хунардан
қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига
йўлиққан бизни халқ.*

*Бир киши миллатпараст
ўлса, деюрлар “дахрий” деб,
Бир киши миллатни сўкса,
иззат айлар бизни халқ.*

*Мактаб ўрнига очилди
ҳар маҳалда майхона,
Нафрат этмак нари турсин,
шоду хандон бизни халқ.*

**Мактабга йўқ бир тийини,
тўйга минг сўмлаб берур,
Чорасиз мушкул касалга
мубталодур бизни халқ...**

Ўзбек халқининг ўша йиллардаги аянчли ҳолати Тавалло ва бошқа шоирларнинг шеърларида ҳам ҳаққоний тасвирланган.

— **Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти одамларнинг оғир ҳаётига чек қўйиш, уларни ёруғ ва фаровон кунларга олиб чиқиш, ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволини тубдан яхшилаш мақсадида бошланган...**

— Албатта, жадидлар назарида, бундай эзгу мақсадга эришиш учун халқнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онгини ўстириш, бошқа илғор халқлар сингари эмин-эркин яшаши учун, аввало, уни маърифатлаштириш, эскирган таълим усулини янгилаш, Европа типдаги мактабларни очиш лозим эди. Ўзбек халқи бахтига, шундай мактаблар очила бошлади. Тошкентда биринчи бўлиб “янги усул” мактабини очган ва қувончли натижаларга эришган муаллим Мунавварқори эди. У ўз тажрибасининг ёйилиши ва ота-оналарда жадид мактабининг афзаллигига ишонч уйғотиш мақсадида 1907 йил 15 мартда мактабининг битирув имтиҳонларига нафақат Тошкент, балки Наманган, Қўқон сингари шаҳарлардаги таниқли муаллимларни ҳам таклиф этади. Мунавварқори педагогик тажрибасининг илк самараларини кўрган Исҳоқхон Ибрат сингари муаллимлар ҳайратга тушадилар. Аммо ўзбек болаларининг ўрис болаларидек парталарда ўтирганини кўрган, муаллимларнинг деворга харита илиб, ер юзининг думалоқ шаклда бўлгани ҳақидаги сўзларини эшитган мутаассиб кишилар жадид мактабларига қарши кураш бош-лайдилар. Ўқувчиларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан очилган рус-тузем мактабларига эмас, балки жадид мактабларида таълим ола бошлаганини кўрган генерал-губернаторлик ҳам ташвишга тушади ва мазкур мактабларнинг ҳукумат рухсатисиз очилганини пеш қилиб, ёпишга уринади.

— **Ўша йилларда жадид мактабларидан ташқари, жадид газеталари ҳам чиқа бошлаган, дин арбобларининг қаршилигига қарамай, фотография билан ҳам шуғулланиш бошланган экан, шундайми?**

— Ҳа, мактаблардан ташқари, газеталар чоп этилиб, Тошкент, Хива ва Қўқон шаҳарларида суратхоналар ҳам очилган. Тошкентда Илҳом самоварчи томонидан очилган суратхона ҳақида Мўминжон Муҳаммаджонов бундай ажабтовур сўзларни ёзган: “Илҳом самоварчи катта созанда ва ашулачилардан бўлиб, акалари билан бирга созларини чалиб, ашула айтар эди. *Илҳом самоварчининг чойхонаси бозорнинг ўрта бир ерида (эски Бўйра бозорининг тўғрисида) эди. Бу Илҳом самоварчи 1905 йиллардан кейин газеталар ўқий бошлаб, фикри очилиб, сурат олишни ўрганиб, ўзи ўрганибгина қолмай, укаларига ҳам ўргатди. Бир томонга*

устол-устулар қўйиб, ёвруполиклар келса, шунда ўтқузуб, истаконда қандлик чойлар берар эди. Чойхонасининг юқори томонига нобур (набор — ҳарфлар солинган қути — Н.К.) олиб келиб, кичикроқ босмахона очиб, майда-чуйда эълонлар, визитний карточкалар боса бошлади. Буни ҳам (ҳарф теришни ва босишни ҳам — Н.К.) укаларига ўргатди. Ўша вақтларда Богчасаройда “Таржимон”, Қозонда “Юлдузи”, Санкт-Петербургда “Улфат” ва арабча “Тилмиз”, Ўрунбургда “Вақи” газетаси билан “Шўро” журнали, Бокуда “Иқбол” газетаси, Тифлисда “Мулла -Насриддин” кулги журнали чиқар эди.

Тошкентда 1905 йилдан бошлаб Исмоил Обидуф таҳрири (муҳаррирлиги) остида “Тараққий”, Абдулло Авлоний муҳаррирлиги остида “Шухрат”, Аҳмаджон Бектемируф муҳаррирлиги остида “Осиё” ва Мунавварқори муҳаррирлиги остида “Хурийд” газеталари чиқди. Газеталарнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида эмас, биттаси чор ҳукумати томонидан ёпилганда, иккинчиси турди. Бу газеталар чор чиновниклари ва палитсасининг сиқиги остида бир йил ҳам давом этолмасдан, кетма-кет ётилдилар. Булар ўша вақтнинг зиёлилари ва тараққийпарварлари томонидан чиқарилар эди. Ўша вақт диндор мутаассиб муллалари ва уларга эргашувчи фанатиклар: “Газета ва журнал ўқувчилар, ўрусча ўқувчилар ҳам устулда ўтируб овқат егувчилар кофир ва хотунлари талоқ”, деб фатво берар эдилар”.

Мўминжон Муҳаммадҷонов давом этиб, бундай “қувончбахш” маълумотни беради: “Шундай бўлса-да, газета ўқувчилари кўпая бошлади. 1. Бешоғоч даҳа “Ўзбек” маҳаллалик Шоҳидоят бойнинг ўғли Шоисматулло. 2. Раис кўчалик Тангриқул ҳожи. 3. Илҳом самоварчи. 4. “Тўқли жаллоб” маҳаллалик Убайдуллоҳ соатсоз ва Шайхованд таҳур даҳада бир қанча одамлар газета олиб ўқуб фикрлари очила -бошлади”.

Мўминжон Муҳаммадҷонов бу сўнгги сўзларини қанчалик ғурур билан ёзган бўлса-да, жадид газеталаридан бирига бор-йўғи беш-олти кишининг обуна бўлгани ўзбек халқининг, жумладан, зиёлиларининг маданий савияси қандай бўлгани ҳақида тасаввур беради.

Мен Мўминжон Тошқиннинг бу сўзларини ўқиганимда Бехбудийнинг рус журналисти ва ёзувчиси Гр. Андреевга айтган қуйидаги гаплари ёдимга тушади. “Менинг газеталарим, — деган эди у, — мусулмонларимизнинг зулматли муҳитига маърифат нурларини олиб кирди. Мен хон даврининг, куллик ва жаҳолат даврининг бир умрга етгани ҳақида ёздим. Энди ҳар бир киши нима билан шуғулланишни хоҳласа, ўша билан шуғулланади. Ҳар бир киши Худога қандай хоҳласа, шундай эркин сиғинади. Мен русларни бизни қисқа муддатга эмас, мангуга бўйсундирганлари ҳақида ёздим. Шунинг учун ўлкада рус давлати тилини ўрганиш лозим, уни ўрганмай туриб яшаш мумкин эмас. Мен куч кийим-кечакда эмас, балки моҳиятда, дедим. Ёвропоча либос кийиш мумкин, аммо шу билан бирга ҳақиқий мусулмон бўлиб қолиш мумкин, зеро, кийим-кечак уни кийган кишининг эътиқодини ўзгартириши асло мумкин эмас.

Аммо хон даврининг барча анъаналари асосида тарбияланган муллалар ва кекса авлод менинг лоқайд мусулмон оммасини уйғотишга қаратилган интилишим учун мени руспарастликда, ота-боболаримиз эъзозлаган шарият ва муқаддас ўтмиш асосларини бузишга интилишда мутаассибларча айбладилар. Обуначилар сони оз бўлганлиги сабабли бир йилдан кейин газетани ёпишга мажбур бўлдим”.

Жадидлар ана шундай оғир шароитда ишладилар. Ҳатто газеталар, китоб, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўз ҳисобларидан чоп этиб, иқтисодий жиҳатдан мушкул кунларни бошларидан кечирдилар. Улар халқ ва жамият ҳаётини чирмаб ташлаган зулматни маърифат нури билан қувмоқчи бўлдилар.

— **Кўп йиллар давомида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳам иш олиб боргансиз. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуига ва Қатағон қурбонлари хотираси музейига асос солинишига ҳисса қўшгансиз.**

— Мен адабиётшуносликдек ҳеч ким миннатдор бўлмайдиган соҳага кириб қолганимни омад деб биламан. Агар елкамга шу соҳанинг омад куши қўнмаганида мус-тамлакачилик даврида қурбон бўлган улуғлар тўғрисида китоб ва мақолалар ёзиб, эл назарига тушмаган, бинобарин, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ишига яқинлаштирилмаган бўлардим.

1999 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг фармони билан мен дастлаб Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини адабийлаштириш комиссиясига раис этиб тайинландим. Кўп ўтмай, бу лавозим ёнига “Шаҳидлар хотираси” хайрия фонди раиси, яна бир оздан кейин Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори лавозимлари қўшилди. Шу вақтгача “халқ душманлари”нинг фарзанд-лари ҳисобланиб, арз-додларини ҳеч ким эшитмаган кишилар дастлаб комиссияга, кейин фонд ва музейга келиб, бизга азиз кишиларидан қутлуғ хотира бўлиб қолган газета мақоласи ёки юзига “Х” чизиқлари тортилиб эскирган фотосуратларни олиб кела бошладилар. Биз уларнинг илтимослари билан дастлаб КГБ, кейин МХХ деб аталган идора архиви ходимларига буюртманома бериб, бир қанча жабрдийдаларнинг фожиали тақдири тўғрисида маълумотномалар бера бошладик. Кейин олган материалларимиз асосида газета ва журнал мақолалари, рисола ва китобларни эълон қила бошладик. Тошкентда, бизнинг комиссияда мендан ташқари Шерали Турдиев, Собир Мирвалиев, Сирожиддин Аҳмедов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Холида Аҳророва, Сотимхон Холбоев сингари фидойи адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчилар бўлишган. Вилоятларда ташкил этилган комиссиялардан фақат биттаси — профессор Рустам Шамсиддинов раҳбарлигидаги андижонлик тарихчилар хайрли ишга бел боғлаб киришдилар. Биз қарийб барча вилоятларда Чўлпон (Андижон), Ҳусайнхон Ниёзий (Тошкент), Обиджон Маҳмудов (Қўқон), Рафиқ Мўмин (Наманган) каби таниқли шахсларга, шунингдек, “қулоқлаштириш” кампанияси

қурбонларига бағишланган 20 дан ортиқ хотира кечасини ўтказдик. Ҳар биримиз улар ва бошқаларга бағишланган ўнлаб мақолалар, рисоалар, китоблар эълон қилдик. Рустам Шамсиддинов шоғирдлари билан бирга Москва, Боку сингари шаҳарларга экспедиция билан бориб, бир ўзи 20 га яқин китоб ва рисола яратди. Бу изланишларимиз натижалари Қатағон қурбонлари хотираси музейининг барпо бўлишида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, бизнинг ташаббусимиз билан қатағон қурбонлари ҳақида бир неча хужжатли ва телевизион фильм майдонга келди.

— **Аждодларимиз ўғити ёшларимизнинг комил инсонлар бўлиб улғайишида йўлчи юлдуз ўлароқ машъала ва маёқ вазифасини ўтайди. Шу ўринда эртаниз эгаларига салкам 90 ёшли нуроний бобо сифатида нима деб насиҳат қилган бўлардингиз?**

— Дарҳақиқат, илм-фан, маданият ривожига, инсоният маънавияти такомилга улкан ҳисса қўшган алломаларнинг бебаҳо меросини ўрганиш, уларнинг ибратли ҳаёти ҳамда беназир кашфиётларининг жаҳоншумул аҳамиятини келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Ёшларимиз юрт учун, халқ учун, шу ёруғ кунлар учун курашган, жонидан кечган, ўлимга маҳкум этилиб, ўзини мардона фидо қилган маърифатпарварларимизнинг беназир ижодини ўқиб, кенг ўрганиб, ўзларининг онг ва тафаккурини янада бойитишлари -керак.

Шу ўринда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Адиблар хиёбони ёшларимизни эзгуликка етакловчи, яхшиликка ундовчи, маърифат нурини таратувчи маънавият сарчашмаси, эзгулик гулдастаси бўлган муқаддас гўша, улуғ бир даргоҳга айланди.

Бу хиёбон адибларимизнинг бой тарихимизни ўрганишда, маънавий меросимизни асрашда, кадриятларимизни кадрлашда, энг асосийси, ёшларимиз она Ватанимизга садоқатли инсонлар бўлиб улғайишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: **“Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қураимиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”**, дея таъкидлаган. Бу сўзлар келажак авлодга билдирилган катта ишончдир. Катта орзуси ва мақсади бор, бироқ уни амалга оширишда иккиланиб, бир оз қийналиб турган миллионлаб ёшларга эса ўз нияти сари юксалишига қанот бўлди.

Мен шу юртнинг икболи порлоқ, бахтиёр ёшларига қарата: “Ҳар бир куннинг кадрига етинг, айнан шу синовли даврда давлатимиз раҳбарининг юқоридаги пурмаъно сўзларининг маъзини янада теранроқ англаш. Сизларга билдирилган чексиз ишончини оқлашга, шу муқаддас она заминнинг ҳақиқий ва муносиб эгалари, самодаги ёруғ юлдузлари, ердаги яратувчилари бўлишга ҳаракат қилинг”, деган бўлардим.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Гуличехра ДУРДИЕВА
суҳбатлашди.**

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор



Мустақиллик байрамини алоҳида шиор остида нишонлаш анъанага айланиб қолди. Шиорлар одатда бутун жамиятни, ижтимоий фикрни ўзида жамлагандагина фуқароларни ягона мақсад йўлида бирлаштириши ва янги зафарларга йўналтира олгандагина реал кучга айланиши мумкин. Шу маънода ҳар қандай шиор миллатнинг манфаатига мос келиши лозим.

Бу йил мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллик муқаддас байрами **“Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!”** деган эзгу ғоя сингдирилган шиор остида нишонланади. Ғоя, шубҳасиз, ўта жозибали, серқирра. У ҳар бир ўзбекистонликни руҳлантира олади. Айни пайтда мазкур шиор мамлакатимизнинг бугунги кундаги ҳолатига ҳам мос.

Мамлакатимиз ва халқимиз шу йилнинг бошида ўз олдига улкан мақсадлар қўйган эди. Бироқ Бухоро вилоятидаги қаттиқ шамол, Сардобадаги сув тошқини, кейинчалик бутун дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси март ойида юртимизга кириб келди-ю, барча режаларимиз ўзгариб кетди. Бугун тождор вирус Ўзбекистон халқини қийин синовдан ўтказмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу қи-йинчиликлар олдида халқимиз довдираб қолмади. Аксинча, ана шундай оғир синовлар даврида жасорат, аҳиллик ва бирликнинг том маънодаги намунасини кўрсатди.

Бу бежиз эмас эди. Чунки халқимиз узоқ минг йилликлар даврида қанчадан-қанча қийинчиликлару оғир синовларни кўрмади, дейсиз! Айниқса, миллий мустақиллик, ўз озодлиги, ор-номуси йўлидаги курашлари бунга далилдир.

Халқимизнинг бугунги кундаги куч-қуд-рати, шижоати, матонати, қаҳрамонлик манбаи, шубҳасиз, мустақиллик деган феномен ҳодиса билан боғлиқ. Бугун мус-тақиллигимизнинг муаззам байрамини муносиб равишда нишонлаш арафасида барчамиз Ватанимиз ва халқимизнинг узоқ ва яқин тарихига, унинг истиқлол каби муқаддас туйғу учун минг йиллар давомида олиб борган курашлари тарихига назар ташлашимиз аслида бугунги дориломон кунлар учун ўз жони ва қонидан кечган минглаб юртпарварлар руҳини шод қилиш билан баробардир.

Юртимиз ҳудудида бундан 1,5 миллион йиллар аввал энг қадимги инсон фаолиятининг маданий изларини Жанубий Фарғона(Селунғур ғори)дан топилган ёдгорлик-лар яққол кўрсатиб турганини, бундан 4,5 минг йиллар олдин бу ерда сунъий суғориш ва шудгорлаб экишга асосланган деҳқончилик маданияти шаклланиганини, 5 минг йиллар бурун аждодларимиз металл эритиш технологиясини ўзлаштирганини, Бактрия, Хоразм, Сўғдда узунлиги

15-20 километрга етадиган каналлар қазилганини билмасдан бу Ватанни севиш, ундан фахрланиш мумкинми?

Маданиятли, ўз Ватани олдида масъулиятини сезган ҳар бир юртдошимиз 2750-2500 йиллар аввал Бақтрия, Хоразм, Сўғд каби подшоликлар, 2100-1800 йиллар олдин қудратли Кушон салтанати, IX-XII асрларда қорахонийлар, хоразмшоҳлар сулоалари, XIV-XV асрларда буюк Амир Темур салтанати ва XX аср сўнгида мустақил Ўзбекистон давлати юзага келган бу заминдан ифтихор қилиши табиий.

Мамлакатимиз аллақачон қадимги цивилизациялар маскани эканига бутун маърифатли дунё тан берган. Шарқ Уйғониш даври сифатида тарихга кирган буюк цивилизациянинг маркази ҳам бизнинг юртимиз бўлган. Бунга бугунги кунда мамлакатимиз архивлари, китоб фондларида сақланаётган ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг 100 мингдан зиёд нодир қўлёзма асарлар ҳам шоҳид.

Шубҳасиз, ер ости ва ер усти бойликлари бисёр, меҳнатқаш, ўз ишининг устаси бўлган халқ устидан ҳукмронлик қилиш ҳар доим ҳам узоқ ва яқин мустамлакачиларнинг орзуси бўлган. Шунинг учун юртимиз тинимсиз равишда ўзга давлатлар ва халқларнинг тажовузларига дуч келган.

Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихимиз давомида халқимиз қандай йўқотишлару қийинчиликларни кўрмади, дейсиз! Ана шу буюк тарихимиз давомида халқимиз 900 йилга яқин давр мобайнида мустамлакачилик азобларини бошидан ўтказди.

Эрон аҳмонийлари, грек-македонлар, араблар, мўғуллар истилолари, сўнги 130 йилга яқин даврдаги мустабид тузум ҳукмронлиги — буларнинг бари Ватанимиз тарихининг энг оғриқли саҳифалари, армонларда ўтказилган кунлар ҳисобланади. Ватан тарихи шундан далолат берадики, ота-боболаримиз неча минг йиллар давомида қанчалик оғир бўлмасин юрт тақдирини, миллат ор-номусини ҳар нарсадан баланд қўйдилар.

Биз бугун Ўзбекистон тарихини мус-тақиллик учун курашлар тарихи, яратиш ва бунёд этиш тарихи, дейишга ҳақлимиз. Шу ўринда буюк маърифатпарвар Чўлпоннинг “Турон” газетасининг 1917 йил 22 апрелдаги сониде ёзган қуйидаги юракларни ўртовчи фикрига қулоқ тутайлик: “Биз мактаб очдик, бекитдилар. Мадрасаларимизни ислоҳ қилишга йўл бермадилар. Тилимизга “бало” аралашдирмоқчи бўлдилар. Музикамизни тараққий қилдиришга йўл бермадилар. “Падаркуш” деган театр ўйнаганларни “охран”ларга судрадилар, ҳосили миллий ва маданий ўсишимизга оғир зарбалар туширдилар”.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик учун курашлар ҳеч қачон тўхтамаган. Келинг, яхшиси, фикримизнинг исботи учун яқин тарихимиздан айрим мисоллар келтирайлик. 1918 йилнинг 18 февралда биргина Қўқон шаҳрининг ўзида Туркистон мухториятининг мустақиллик ғоялари учун 10 минг нафар аҳоли ўлдирилди. Қирғин шу билан тугамади. 1918 йилнинг биринчи ярмида Марғилонда 7000, Наманганда 2000,

Андижонда 6000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқда 4500 нафар фуқаро қатл этилди, 180 қишлоққа ўт -қўйилди.

Биз бугун мустақиллигимизнинг муаззам йигирма тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик қўрар эканмиз, ҳали тарихимизда ўқилмаган, ўрганилмаган саҳифалар кўп эканини ҳам унутмаслигимиз керак. Шубҳасиз, юртимиздан жуда катта ҳажмдаги моддий бойликлар ташиб кетилди, талон-тарож қилинди. Мисли қўрилмаган миллий-маданий бойликлар вайрон қилинганини, минглаб, ўн минглаб нодир қўлёзма ёндирилиб, кул қилинганини, хориж давлатларига ташиб кетилганини ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Шу ўринда куйидаги мисолларга эътибор бериш керак, деб ўйлаймиз. XIX асрнинг иккинчи ярмида Хивага қарши юришда генерал Кауфманга ҳамроҳлик қилган А.Л.Кун Туркистон маданияти, санъатини ўрганиш, тўплаш ва сақлаб қолиш баҳонасида юртимиз маданий бойликларини ташиб кетишни йўлга қўяди. 1873 йилда Шарқ қўлёмаларидан иборат 300 китоб, 20 муаллифнинг 30 жилдли асарлари, ҳуқуқшунослик ва илоҳият масалалари бўйича 50 жилддан иборат 40 асар, 18 нусха Қуръон ва 50 та турли дарслик А.Л. Кун томонидан император кутубхонасига топширилади.

Туркистонда иш олиб борган ва ўзини ҳаваскор археолог деб таништирган Ж.Кастанье ўлкамизнинг жуда катта миқдордаги осори-атикалари, миллий-маданий бойликларини талон-тарож қилган. У ўзи тўплаган бойлик-ларнинг катта қисмини Эрмитажга, 500 та буюмни Туркистон музейига топширган. Унинг томонидан ўлкамиздан тўпланган энг катта ва сара, қимматбаҳо моддий-маънавий бойликлар Парижга олиб кетилган. Петербургдаги СССР халқлари этнографияси музейига 8 йил давомида 4000 дан ортиқ осори-атика “тортиқ қилинди”. Москвадаги Шарқ маданияти музейи ҳам 1918 йилда Марказий Осиёдан ташиб кетилган нодир ёдгорликлар асосида тузилган.

Хўш, биз нима учун юқоридаги каби мисолларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз? Гап шундаки, биз ҳали ўз тарихимизни, айниқса, халқимизнинг мустамлакачиликлар давридаги реал аҳволини унчалик ҳам яхши билавермаймиз. Мус-тақилликнинг том маънодаги мазмун-моҳиятини англашимиз учун эса юртдошларимиз Ватанимиз ва халқимизнинг нафақат шонли, муваффақиятларга тўла саҳифаларини, айти пайтда юқоридаги каби изтиробларга тўла, тушкунликлардан иборат ҳолатларни ҳам билишлари, уларни онгли равишда англ-лашлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллик учун кураш, айниқса, мус-табид совет тузуми шароитида янада кучайди. Сиёсий-мафкуравий зуғумларга қарамай, миллий зиёлиларимиз юртимиз, халқимиз озодлиги йўлида тиним билмай курашдилар. Шунинг учун бу даврда тўхтовсиз равишда қатағон сиёсати давом этди. Қатағон йилларида миллат манфа-атини ҳимоя қилган, озодлик, ҳурликни тараннум этган ҳар қандай шахсга нисбатан турли бўҳтонлар уюштирилди, улар турли баҳоналар билан йўқ қилиб юбориларди.

“Қосимовчилик”, “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Иноғомовчилик” каби уйдирмалар айнан ўша мақсадларда ташкил этилган эди.

Тарихий ҳужжатларга мурожаат қилсангиз гувоҳи бўласизки, ким миллат, мамлакат манфаатини ҳимоя қилган, юрт озодлиги ва халқимиз келажаги учун қайғурган бўлса, уларга дарҳол “халқ душмани” ёрлиғи ёпиштирилаверди, қувғинга олинди, турли баҳона ҳамда бўхтонлар билан йўқ қилинаверди. Фикрларимиз исботи сифатида қуйидаги мисолларни келтиришни лозим топдик. 1937-1939 йилларда жами 41 минг киши қамалди, уларнинг 37 минг нафари жазоланди, 6920 нафари отиб ташланди. 1936 йилнинг охиридан 1940 йилгача -Ўзбекистон бўйича 5758 нафар зиёли — ёзувчи, олимлар, раҳбарлар, маданият ва санъат арбоблари қамокқа олинди. Уларнинг 4811 нафари “халқ душмани” сифатида отиб ташланди. Отилганларнинг бари ўзбек халқининг минг йиллар давомида орзу қилиб келган озодлик, ҳурлик каби феномен ҳодиса учун жон бердилар. Шу маънода мустақиллик учун жон фидо қилган том маънодаги ватандошларимизни, шубҳасиз, “миллат гуллари”, дейишга тўла ҳақлимиз.

Бугун муқаддас байрамимизни нишонлар эканмиз, албатта, биз уларнинг мамлакат ва миллат олдидаги хизматлари олдида бош эгиб таъзим қилишимиз, уларнинг руҳи покларига дуолар йўллашимиз лозим, деб ўйлаймиз. “Миллат гуллари”нинг ўртача ёши 25 ёшдан 45 ёшгача бўлиб, улар энди кучга тўлган, Ватан тақдири учун ўзларининг масъуллик ҳиссини тўлақонли равишда англаган ватандошларимиз, миллатпарварлар эди.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги эълон қилиниши, шубҳасиз, Ватан тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган саҳифа бўлди. Аммо совет мустабид тузуми бизга жуда оғир мерос қолдирди. Келинг, ўша таҳликали даврларни, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларию 90-йиллар бошларидаги яқин тарихни эслаб кўрайлик. Ўша даврда одамларимизни иккита нарса қийнар эди. Биринчиси, қоринни тўйдириш ғами бўлса, иккинчиси, Ўзбекистонда барқарор тинчлик, одамлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Чунки мазкур даврда миллатлараро муносабатлар тобора кескинлаша борди, аҳо-лининг иқтисодий аҳволи ўта оғирлашди, халқнинг ҳақли норозилиги кучая бошлади.

Бунинг устига, ижтимоий муаммолар қалашиб ётарди. Барчани эртанги кун ташвиши эзарди. Одамларда тушкун кайфият кучайиб борарди. Касалликлар, болалар ўлими, инсон кадр-қимматининг тобора пасайиб бориши авж олди. Болаларда мактабда ўқишга қизиқиш камайди. Ана шундай шароитда миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши аслида халқимизнинг минг йиллар давомидаги орзу-умидларининг реал ҳолатдаги рўёби эди.

Энди Ўзбекистон олдида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, одамларда демократик қадриятлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, мамлакатимизга мос, унинг миллий, ҳудудий, демографик хусусиятларига тўғри келадиган йўлни танлашдан иборат буюк вазифалар турарди. Биз ҳеч иккиланмасдан ўз олдимизга энг тараққий этган демократик

давлатлар қаторига кўтарилиш, фаровон ва бадавлат ҳаёт кечириш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдан иборат вазифани қўйдик.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқаро ҳамжа-миятнинг тўлақонли субъектига айланди. Мамлакатда демократик жамиятни барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди. Иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳаларда, маънавий-маърифий жабҳада ислохотларга киришилди.

Мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам 2016 йилдан бошланди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бошқача айтганда, биз бугун барчамиз энгни шимариб, янги Ўзбекистонни барпо этишга киришдик, унинг мустаҳкам пойдеворини ярата бошладик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда бир неча ўн йиллар давомида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар бажарилди. Ўзбекистон том маънода миллий тикланишдан миллий юксалиш сари юз тутди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақилликни мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонни фақат ва фақат ўз кучимиз билан, меҳнаткаш, заҳматкаш, фидойи халқимиз билан бирга қура олишимиз, бунинг учун нимаики зарур бўлса, барчаси мавжудлигини бот-бот таъкидламоқда. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдимизда турган улкан вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари хусусида жуда куюнчаклик билан гапирганини ҳам доимо эсда тутиш лозим. Хусусан, Президентимизнинг: “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, шундай. Мустақиллик йўли текис, равон эмас. Унга эришиш жуда қийин. Мустақилликни мустаҳкамлаш эса ундан ҳам мураккаб. Биз ҳозир ана шу мураккаб, айни пайтда ўта масъулиятли вазифани бажармоқдамиз. Энг муҳими, бугун барча ватандошларимиз буюк ва муқаддас туйғу бўлган мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлмоқда. Бу йўлда барчамиз елкама-елка бўлиб, янада жипслаша олсаккина мазкур феномен ходиса учун жон фидо қилган миллатпарварларимиз, истиқлолчиларимиз руҳи шод бўлади, бугунги авлод биздан рози бўлади, келажак учун, миллий тараққиётимиз учун эса мустаҳкам пойдевор қурган бўламиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИ АВЛОД БИЛАН БАРПО ЭТАМИЗ!

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва
спорт масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари



Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар келажагига бериладиган эътибор даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, келажак учун киритилган энг яхши инвестиция ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоядир.

Шу маънода, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққий этиши, дунёнинг энг пешқадам давлатлари қаторидан муносиб жой эгаллаши ва жаҳон рейтингларида юқори мавқеларга эга бўлиши замонавий инновацион билимларни эгаллаган, инсон капитали соҳиби бўлган бугунги ёшларимизнинг қўлида. Зеро, тадқиқотларнинг далолат беришича, шахснинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 баробар кўп фойда беради.

Шунинг учун ҳам Президентимиз “Ўзбекистонга жадал ислохотлар суръатига мос илғор кадрлар керак” номли маърузасида замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратиб, “Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз”, деб алоҳида таъкидлаган эди. Айни вақтда Ўзбекистон демографик ўтишнинг дивиденд олди босқичида турибди, яъни демографик тенденцияларга кўра, аҳолининг таркибида ёшлар улуши юқори. Уларга сифатли таълим берилса ва қулай тадбиркорлик муҳити яратилса, яқин истиқболда ушбу демографик дивиденддан юртимизнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда самарали фойдаланиш мумкин.

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаб, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда давом эттирилиши баробарида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрлар захираси шакллантирилиб, уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тайинлаш амалиёти изчил йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар ўтказилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди,

аммо қанчалик оғир бўлмасин, юртимизда бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда.

Шу мақсадда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятларда янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада оширилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичида 15 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди.

Тарихимизда илк бора 30 июнь Ёшлар куни сифатида нишонлана бошланди. Турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётган, фидойи ёшларни рағбатлантириш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали, йигитлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтириш, уларда мардлик, жасорат, садоқат каби фазилатларни шакллантириш учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти таъсис этилди.

“Ёш китобхон” танлови эса ёшлар ўртасида мутолаа маданияти, китобхонликни кенг тарғиб этиш, юксак интеллектуал салоҳиятли, китобга ошно, билимли авлодни вояга етказиш ишларига хизмат қилмоқда. Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғис-тон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармалари ва туман(шаҳар) бўлимлари ташкил этилиши бу йўналишдаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Агентликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ёшлар сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш белгиланди. Шунингдек, мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Президентимизнинг ўтган йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашув чоғида “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”, деган сўзлари исботини яқинда Олий Мажлис Сенати ҳузурида ташкил этилган ёшлар парламенти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчидан, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган, эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш саъй-ҳаракатларига ёшларни фаол жалб этиш бўлса,

иккинчидан, ёшларнинг миллий ва ҳудудий миқёсда ўз ҳаётлари тўғрисида қарорлар қабул қилишда уларнинг самарали иштироки учун ягона платформа яратиш, учинчидан эса, ёшлар парламентаризми орқали ёш фуқароларнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардаги ваколатини ошириш ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштирокини кучайтиришдан иборат.

Албатта, Ёшлар парламентини ташкил этиш жараёнида, энг аввало, ривожланган давлатларнинг тажрибаси чуқур ўрганилиб, таҳлил этилди. Маълум бўлдики, дунёда ёшлар парламентларининг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, бу тузилмага илк бор 1950 йилда АҚШда асос солинган. Бу ғоя 1987 йилда Европага кўчиб, 1992 йилда Европа Кенгаши ёшларнинг маҳаллий ва минтақавий тузилмалар ҳаётидаги иштироки тўғрисидаги Европа хартиясини қабул қилди. Ҳозир унга ёшларнинг тадбирларда фаол иштирок этадиган, 16 ёшдан 22 ёшгача бўлган 50 минг нафар вакили киради. Европа ёшлар парламенти баҳс-мунозаралар майдончаси шаклида тузилган бўлиб, у мунтазам равишда турли давлатлар ҳудудларида сиёсат, иқтисодиёт ва экология муаммоларини муҳокама қилиш учун мажлислар ўтказди. Буюк Британия ёшлар парламенти эса 2000 йилда фаолият бошлаган бўлиб, унинг 369 нафар аъзоси жамоатчилик асосида фаолият юритади. Ҳиндистон ёшлар парламентида 13 ёшдан 28 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўз ҳаётлари тўғрисида қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиб келмоқда. Россияда ёшлар парламенти 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, у Давлат думаси ҳузурида фаолият юритади. Шунингдек, Грузия, Беларусь, Германия ва бошқа давлатларда аҳолининг 16-30 ёш бўлган қатлами орасидан ёшлар парламенти аъзолари шакллантирилган ва улар ёшлар муаммоларини парламент даражасига олиб чиқади.

Мамлакатимизда жамоатчилик асосидаги консултатив орган ҳисобланувчи ёшлар парламентининг асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни ва таъсирини амалда таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини оширишдан иборат.

Ёшлар парламенти фаолиятининг йўлга қўйилиши, келгусида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг қонунчилик асосларини мукамал билишлари, ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш баробарида, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини ёшларнинг вакиллари иштирокида муҳокама қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга оид таклифлар ишлаб чиқишда устувор аҳамият касб этади.

Зеро, бугунги кундаги энг глобал масала ёшларнинг бандлигини таъминлашдир. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 520 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. Улар етарли тажриба ва билимга эга бўлмаганликлари сабабли иш топиш ҳамда рақобат

қилишда муайян қийинчиликларга дуч келишмоқда. 2018 йилнинг июль ойида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамиз бўйича 1 700 дан зиёд ярмарка ўтказилганига қарамай, иштирокчиларнинг фақатгина 5 фоизи иш билан таъминлангани, 509 минг нафар ёш эса хорижга пул ишлаш учун чиқиб кетгани танқид остига олинганди.

Бу фикрни “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигидаги 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 4,5 минг нафар йигит-қиз иштирок этган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлади.

Хусусан, сўровномада иштирок этган ёшларнинг деярли ярми ижтимоий ҳимоя, бандлик, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби соҳалар яхшиланишга муҳтож эканини таъкидлаган. Шунга қарамай, иштирокчиларнинг деярли 70 фоизи ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекис-тонни тарқ этишни истамаётганликларини билдиришган. Айни пайтда, ёшлар ўзлари учун муносиб иш топишда қийинчиликларга дуч келаётганликларини маълум қилишган.

Ёки биргина ўтган 2019 йилда юртимиздан тахминан 2,5 миллион киши ёки аҳолимизнинг 7 фоиздан кўпроғи ишлаш мақсадида чет элларга кетган. Жуда катта қисми ёшлар бўлган бу мигрантларимизнинг 95 фоизи, афсуски, ташкиллаштирилмаган, ҳимояланмаган, ноқонуний меҳнат муҳожирлари ҳисобланади. Шундай бўлса-да, уларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солувчи бирорта яхлит қонун ҳужжати ҳанузгача қабул -қилинмаган.

Бундан кўриниб турибдики, ташқи ва ички меҳнат миграцияси бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу билан бирга, миграция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Ўз навбатида, бугун бутун дунёни қамраб олган коронавирус пандемияси ижтимоий-иқтисодий вазиятни инқирозга солиб қўйган бир даврда бу бало ёшлар ҳаётига ҳам ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти.

Шу масалага бағишлаб жорий йил апрель ойининг охирида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташаббуси билан БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) халқаро лойиҳасининг ёшлар учун U-Report рақамли платформаси орқали 10 420 нафар йигит-қиз орасида онлайн сўровнома ўтказилди.

Онлайн сўровноманинг ўзини ўзи изоляция қилиш вақтида ёшлар нима билан банд, деган саволига иштирокчи-ёшларнинг 10 фоизи одатдагидек ишлашни давом эттираётганини, 18 фоизи масофадан туриб интернет орқали ишлаётганини, 10 фоизи шахсий томорқасидаги юмушлар, 16 фоизи уйидаги маиший муаммолар билан бандлигини, шунингдек, 25 фоизи мустақил таълим, китоб ўқиш ва спорт билан шуғулланаётганини, 11 фоизи интернет ва

ижтимоий тармоқларда мулоқот қилаётганини, 2 фоизи телевизор кўраётганини маълум қилган.

Умуман олганда, онлайн сўровнома 2-3 ҳафта ичида 52 фоиз ёшнинг эмоционал ҳолати барқарор ва яхшилигини, 4 фоизи оилавий шароит туфайли стрессни бошидан кечираётгани, шулардан 15 фоизи молиявий қийинчиликларга дуч келганини кўрсатди. Шу билан бирга, сўровда қатнашган ёшларнинг 28 фоизи молиявий ёрдамга, 13 фоизи психологик ва 3 фоизи ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож экани маълум бўлди. Улардан 10 фоизи масофавий ишлаш учун АКТни ўрганишни, 9 фоизи касбий маҳоратини масофадан туриб оширишни, 4 фоизи уйдаги ишлар билан шуғулланишни истайди.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, фавқулодда юз берган пандемия шароити ёшларимизни эрта улғайишга мажбур қилди, иш ва ўқишнинг замонавий, инновацион усулларини тезроқ ўзлаштиришга, ўз навбатида, ўзи ва яқинларининг соғлиғи тўғрисида қайғуришга ўргатди.

Шу маънода, ёшлар парламентининг фаолият бошлаши юқоридаги каби қатор муаммолар ечимини топишда муҳим ўрин тутди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси бу борада ёшларимиз билан ҳамшиша ҳамкор ва ҳамнафас бўлишини алоҳида таъкидлаш ўринли. Биз келгусида ёшлар парламенти аъзолари билан ҳамкорликда мамлакатимиз навқирон авлодининг барча қатламлари ҳуқуқ-манфаатлари тўлиқ таъминланиши йўлида изчил фаолият юритамиз.

Умуман, Ўзбекистонда янги институт сифатида жорий этилган ёшлар парламенти келгусида профессионал парламент ишида ёшлар иштирокини таъминлаш ва тажрибасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг қонун лойиҳалари устида мустақил ишлай олиш кўникмаларини шакллантириш, ўз фикрлари ва таклифларини дадил билдириш салоҳиятини кучайтириш, пировардида ёшлар орасидан зукко ва ҳар томонлама етук бўлажак депутат ва сенаторлар, сиёсатчиларни тайёрлаш ишларига пухта замин яратади.

Яна бир муҳим янгилик — шу кунларда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастурида белгиланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ташкил этишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. 12-13 август кунлари видеоконференция шаклида ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур нуфузли тадбирда Ўзбекистон таклифи билан БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ишлаб чиқилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция лойиҳаси атрофлича муҳокама этилади. Шунингдек, ёшлар муаммоларига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади. Ушбу форумда ёшлар парламенти аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишлари назарда тутилмоқда.

Демак, Ўзбекистонда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшларга давлатнинг стратегик ресурси, юрт равнақини таъминловчи

катта куч сифатида эътибор қаратилиб, бу йўналишда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар изчил давом этаверади.

ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ ТАРАҚҚИЁТ – ТАРИХИЙ ЗАРУРАТ

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
Навоий кон-металлургия
комбинати бош директори



Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида глобал инқирозни вужудга келтирди. Миллиардлаб одамлар ўз уйида қамалиб қолди. Кичик ва ўрта бизнес сезиларли зарар кўраётган бўлса, жаҳоннинг йирик корпорациялари ишлаб чиқаришни қисқартирди. Бу миллионлаб инсонларнинг ишсиз қолишига олиб келди. Мамлакатимизда пандемиянинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирига барҳам бериш ва юмшатиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бу глобал балои қазо кооперацион алоқаларнинг бузилиши, маҳсулотга талабнинг қисқариши оқибатида қатор тармоқ ва соҳалардаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаоллигига чекловчи таъсир ўтказётгани ҳам бор гап.

Президентимиз шу йил 21 август куни ҳудудларда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи бўйича ўтказган йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро кооперация бўлмас экан, қўшилган қиймат занжирини ва янги индустриал тараққиётни тасаввур ҳам қилиб бўлмаслигини таъкидлади. Мавжуд имкониятларни ишга солиш, қўшилган қиймат яратиш юзасидан топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, эндиликда давлат харидларида юртимизда тайёрланган маҳсулотларга устуворлик берилиб, ишлаб чиқариш янада рағбатлантирилади. Жумладан, тендерда иккитадан кўп ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи мавжуд бўлганда, фақат уларнинг маҳсулоти қатнашади. Шунинг-дек, маҳаллий маҳсулотларга импорт товарларга нисбатан 15 фоизлик нарх преференцияси берилади.

Маҳаллийлаштириш — иқтисодий ривожланиш таянчи

Пандемия давлатлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларга ҳам салбий таъсирини кўрсатяпти. Бу вазиятда маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясига алоҳида эътибор берилиши, шубҳасиз, юксалишнинг яна бир стратегик йўли ҳисобланади.

Навоий кон-металлургия комбинати маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича республиканинг энг йирик корхоналардан биридир. 2020-2021 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури комбинатда тайёр маҳсулотлар, бутловчи

буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш орқали импортни 76,2 миллион АҚШ долларига қисқартириш имконини беради.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида комбинатнинг маҳаллийлаштириш дастури доирасида 109 та лойиҳа бўйича 188,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробар кўпдир. Бу борадаги чора-тадбирлар натижасида кон-металлургия соҳасида ишлатиладиган технологик ускуналар, карьер автосамосваллари ва механизмлари учун эҳтиёт қисмлар, гидроциклон қурилма каби 16,8 миллиард сўмлик 32 та янги турдаги маҳсулот ўзлаштирилди. Биринчидан, бу маҳсулотлар комбинатнинг бир маромда ишлашига катта ёрдам берди. Иккинчидан, инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар учун зарур бутловчи ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни қондирмоқда.

Навоий машинасозлик заводи маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича комбинатнинг энг асосий тармоғи саналади. Жорий йилда заводда 309 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи, комбинатнинг технологик ускуналари, кон-шахталари техникаси эҳтиёт қисмлари ва технологик жиҳатдан мураккаб бошқа ускуналар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бугунги кунда комбинат томонидан кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Албатта, уларни жорий этиш учун зарур мураккаб техника ва ускуналарнинг кўпи шу вақтгача четдан олиб келинарди. Бунга катта миқдорда валюта сарфланарди. Тажрибали мутахассисларимизнинг ноёб истеъдодлари ва изланишлари билан уларнинг кўплаб турлари таркибий бўлинмалар ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши туфайли кейинги йилларда салмоқли натижаларга эришяпмиз. Икки йил олдин ишга туширилган Тахиатош металл конс-трукциялар заводи бунинг яққол мисоли. Мазкур завод жорий йилда 35 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда жадал суръатларда барпо этилаётган 5-гидрометаллургия заводи инвестиция лойиҳаси учун 2,1х3 метр ўлчамли тўлиқ жиҳозланган шарли тегирмон, технологик сиғимли қориштиргич, бошоқли, ёйли, барабанли ва инерцияли майдалаш қурилмалари ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, айтиб ўтилган тегирмондан янада йирикроқ ўлчамлисини тайёрлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Завод мураккаб тизимли дастгоҳларни ҳам ишлаб чиқаради. Улар мамлакатимиз ички талабларини қондириш баробарида бошқа давлатларга экспорт ҳам қилинмоқда. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, завод муҳандислари томонидан янги турдаги металл кесувчи дастгоҳларни ҳам тайёрлаш режалаштирилмоқда. Юқори технологияли вертикал-токарлик дастгоҳи улардан бири бўлади.

Заводнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида жорий йилнинг февраль ойида қуюв цехида йилига 2000 тонна маҳсулотни тайёрлаш имконини берадиган янги қолиплаш участкаси ишга туширилди. Шунингдек,

ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берадиган механика-йиғиш цехининг пайвандлаш-йиғиш участкаси кенгайтирилди.

Комбинат ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармасининг кучи билан 7-гидрометаллургия заводидаги ишларини тўлиқ бажариш режалаштирилган. Бу орқали 300 минг АҚШ доллари миқдориди валюта иқтисод қилинади. Йил якунига қадар инвес-тиция дастури доирасида электр тақсимлаш ва бош-қаришда фойдаланиладиган 800 дан ортиқ шкаф ҳамда импорт ўрнини босувчи бошқа янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Пандемия шароитида комбинат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга импорт ўрнини -босувчи 97 турдаги маҳсулот ва хизматлар таклиф этилиб, улар республика электрон кооперацияси порталига жойлаштирилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида саноат кооперацияси доирасида 25 та корхона ва тадбиркорлик субъекти эҳтиёжлари учун 9,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди. Демак, бу борадаги ишларимизни янада кенгайтириш, биринчидан, валютани тежайди, иккинчидан, маҳсулот етказиб берувчиларнинг янгидан-янги маҳсулотларни ўзлаштиришига имкон яратади, учинчидан, янги инновацион ишланмалар жорий этилади, тўртинчидан, янги иш ўринлари ва даромад манбаи кўпаяди.

Шунингдек, комбинатга четдан олиб келинаётган маҳсулотлар импортини қисқартириш бўйича маҳаллий корхоналар ва тармоқлараро саноат кооперацияси доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида республика электрон кооперация портали орқали маҳаллий корхоналардан импорт ўрнини босувчи 1 триллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар харид қилиш бўйича шартномалар тузилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига катта туртки бериш билан бир қаторда уларнинг янги маҳсулотларни ўзлаштириш жараёнида илм-фан ва инновацион ғоялар билан доимий равишда шуғулланишларига, малакали кадр ва тажрибали муҳандисларни жалб этишига рағбатлантиради, меҳнат бозорида юқори малакали кадрларга бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Комбинатда республикамизнинг йирик корхоналаридан импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар харид қилиш давом этмоқда. Жумладан “Навоийазот” АЖдан поливинилхлорид ва каустик сода, “Birinchii Rezinatexnika zavodi” МЧЖдан резина-тросли конвейер тасмалари ва енгил автомобиль шиналари, “SDK Group And” ХКдан филтрлаш элементлари, “Chilon Lubricants” МЧЖдан композит мойлар ва парафин, Навоий вилоятидаги корхоналар — “Navpromlitmash” МЧЖдан иссиқлик алмаштирувчи ускуна, “Gidro Stanko Servis” ИЧТКдан вибрацияли таъминлагич, ўзиюлар бурғилаш қурилмалари, “Aziya Gormash” МЧЖдан бурғилаш воситалари, шунингдек, “Reduktor Technology” МЧЖ, “NewTrustWorld” МЧЖ, “Karmana GoldMine” ХК ва “Kimyo-Servis-Navoiy” МЧЖдан турли маҳсулотлар харид қилиш бўйича ҳамкорлик -ўрнатилган.

Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш қувватини тўғри тақсимлаш мақсадида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-лари билан ғояларни шакллантиришдан то импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг сотувини йўлга қўйишгача бўлган барча босқичларни қамраган шатакка олиш механизми жорий этилди.

Ҳозирги кунда “Навоийазот” АЖда праэстол флокулянти, “Carbide Imprex” МЧЖда ферроқотишмалар, “Ihlas Elektrik” МЧЖда графитланган электродлар, “Navpromlitmash” МЧЖда технологик ғалвирлар, “SDK Group And” ХКда филтрлаш элементларининг янги турларини маҳаллийлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Комбинат экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларимизга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, уларни хорижий корхоналарга ҳам етказиб бериш бўйича амалий ишлар давом этяпти. Хитойнинг “ARMET International Limited” компанияси билан тузилган шартномага асосан, мус-тахкам оқ чўяндан тайёрланган насосларнинг эҳтиёт қисмлари етказиб берилди. Шунингдек, Беларусь Республикасининг “Гомель станок узеллари заводи” АЖ билан эса 1М63 моделдаги дастгоҳ учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича имзоланган шартнома асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Президентимизнинг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори комбинатимиз учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш, тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш борасида янги имкониятларни кенгроқ жалб этишга рағбатлантиради. Чунки унда стратегик аҳамиятга эга корхоналар учун ҳам замонавий тамойиллар асосида ишлашнинг янги тартиблари ва преференциялар кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришнинг жон томири

Бугунги кунда йирик ишлаб чиқариш корхоналари қатори Навоий кон-металлургия комбинати ҳам жиддий синовни бошдан ўтказмоқда. Комбинатда коронавирус пандемияси салбий таъсирининг олдини олиш, корхоналарнинг бир маромда ишлашини ташкил этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар изчил амалга ошириляпти. Тизимли ишлар натижасида комбинатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 21,2 триллион сўмликни, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,3 фоизни ташкил қилди. Олтин ишлаб чиқариш режаси 102,5, кумуш 100,3 ва уран 100 фоиз бажарилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи 321,3 миллиард сўм ёки 5,2 фоиз камайтирилди.

Комбинат жамоасининг пандемия таъсирида юзага келган салбий оқибатларни камайтириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, улкан

лойихаларни амалга ошириш борасида эришаётган ютуқларининг омили нимада?

Синовли кунларда комбинат жамоаси йил охиригача мамлакатимиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча 3,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Илм-фан ва инновация ютуқларидан кенг фойдаланишни давр-нинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, бу корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва янада ривож-лантиришнинг жон томири ҳисобланади.

Корхонамизда илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва ишланмалар ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этилмоқда. Оддий қилиб айтганда, бугунги кунда бу соҳада бир қадам олдинда юрмасангиз, кўп нарсадан беҳабар қоласиз. Бунинг учун бизга замон билан ҳамнафас малакали муҳандис ва иқтидорли ёшлар керак. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, инновацион ва рационализаторлик ишланмалари билан ютуқларга эришаётган муҳандислар ўз соҳасининг устаси бўлишлари лозим. Давр бошқа тармоқлар қатори кон-металлургия соҳасида ҳам кенг тафаккур ва чуқур билимга эга ёшлар сафини янада кенгайтиришни талаб этмоқда. Биз бу вазифани ижобий ҳал этиб боряпмиз. Шу боис, комбинатнинг бугунги ютуқларида ёшларнинг ўрни катта бўлмоқда. Жамоа аъзоларининг ўртача ёши 37 ёшда. Раҳбар ва мутахассислар орасида 30 ёшгача бўлганларнинг улуши 32 фоизга тўғри келади. Комбинат раҳбарияти ҳеч иккиланмасдан йирик завод ва корхоналар бошқарувини иқтидорли, креатив фикрлайдиган, шижоатли ёшларга ишониб топширмоқда. Улардаги қатъият, билим ва ғайратни кўриб, ҳавасингиз келади!

Комбинат жамоаси пандемия шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаслик учун инновацион ютуқларни кенг жорий этишдек тўғри йўлни танлади. Хўш, бу нима дегани? Инновация бу бозор талабидан келиб чиққан ҳолда жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликдир.

Комбинат замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналари, илмий салоҳияти юқори бўлган йирик мажмуадир. Ноёблиги шундаки, унда қазилма бойликларни геологик қидириш, уларни қазиб олиш, қайта ишлаб, сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар амалга оширилади. Замонавий иқтисодий тилда айтадиган бўлсак, саноат кластери дейилади. Комбинатнинг Инновация маркази ва илмий тадқиқот лабораторияларида маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг кўплаб йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар қилинмоқда.

Германиядан олинган патент асосида “Engineering Dobersek GmbH” инжиниринг фирмаси билан ҳамкорликда 3-гидрометаллургия заводида қиймати 114 миллион долларлик сорбциялаш жараёни чиқиндиларини юқори самарали куйдириш технологиясига асосланган янги мажмуа ишга туширилди. Бу технология жорий этилиши билан хомашёдан фойдаланиш самарадорлиги 8 фоиз, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 11 фоиз ошди.

Кейинги йилларда илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга самарали татбиқ этиш туфайли комбинатда

барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Масалан, 2018 йилда комбинат корхоналарида илмий ишланмалар учун олинган 15 та патент 87 миллиард сўм, 2019 йилда 16 та патент 100 миллиард сўм иқтисодий самара берган бўлса, жорий йилда 17 та патентдан олинган иқтисодий самарани 120 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, янги ишланма ва ғояларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ва харажатларни камайтиришга олиб келади. Шу боис, комбинат томонидан кўплаб инновацион ишланмалар бўйича дунёнинг етакчи компаниялари ва юртимизнинг илмий тадқиқот институтлари билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Инвестициявий лойиҳалар самараси

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Комбинатда 2026 йилга қадар 3,1 миллиард АҚШ доллари қийматидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ишлари олиб бориляпти.

Жорий йилда комбинатда инвестиция дастури доирасида 646,5 миллион долларлик маблағни ўзлаштириш изчил давом этмоқда. Жамоанинг фидокорона меҳнати эвазига жорий йилнинг январь–июль ойларида белгиланган 370,5 миллион доллар капитал қўйилмаларни ўзлаштириш прогноз кўрсаткичлари 373,5 миллион доллар қилиб бажарилди.

Лойиҳаларни ишга тушириш муддатини тезлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриляпти. Жумладан, 2-гидрометаллургия заводида муддатдан олдин 29-тегирмон блоки, 7-гидрометаллургия заводида маъданни қайта ишлайдиган, йиллик қуввати 5 миллион тонна бўлган 1-тегирмон ишга туширилди ҳамда 1 092 та янги иш ўрни яратилди, 30-тегирмон блоки эса сентябрь ойида ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Бундай кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари пандемия шароитида карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда бажариляпти. Яна бир муҳим жихати, металл конструкциялар ва ностандарт ускуналарнинг асосий қисми комбинат корхоналарида ишлаб чиқарилди.

Республикамиздаги корхоналар билан кооперация алоқалари ҳисобига ускуна ва бутловчи қисмлар маҳаллийлаштирилмоқда. Айти пайтда 30 турдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари, жумладан, темир-бетон, металл конструкциялар, ғишт, қурилиш қуми, оҳак, шағал, замонавий эшик-деразалар, полиэтилен қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Натижада 2019 йилда жами 407 миллиард сўмлик қурилиш материаллари тайёрланган бўлса, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 400 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Комбинат томонидан 2019 йилда “Уюмда эритмага ўтказиш цеҳи техноген чиқиндиларини қайта ишлаш мажмуаси қуриш” лойиҳаси доирасида Россия Федерациясининг “Иргиредмет” АЖ билан сорбция ва десорбциянинг биринчи босқичи учун 8,3 миллион долларлик технологик ускуналар етказиб

бериш ва ўрнатиш бўйича шартнома имзоланди. Комбинат муҳандислари томонидан бу масала атрофлича ўрганиб чиқилди ва уни маҳаллийлаштириш юзасидан таклифлар берилди. Натижада унинг иккинчи босқичи учун зарур бўлган технологик ускуналар тўлиқ маҳаллийлаштирилди. Маҳаллий “Navpromlitmash” МЧЖ билан 25,1 миллиард сўмлик 18 дона MPS-400 (P) оралик фильтр-грохот ва “Gidro Stanko Servis” МЧЖ билан 13,9 миллиард сўмлик 18 дона аралаштиргич етказиб беришга шартнома тузилди. Ускуналарнинг қолган қисмлари ўзимизнинг цехларда тайёрланмоқда.

Комбинат бугунги кунда экспорт хизматларни ҳам йўлга қўймоқда. Жумладан, “Ауминзо-Амантой маъданли майдонида олтин маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш конини қуриш” лойиҳаси доирасида янги технология — кислородли-оҳакли оксидлаш учун технологик жиҳозларни ўрнатишга “Иргиредмет” АЖ билан қиймати 23,04 миллион долларлик шартнома имзоланди. Унга кўра, НКМК 7,1 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, ностандарт ускуналар тайёрлаб беради.

Янги давр талаби

Пандемия шароитида ва ундан кейин дунёда кўп нарса ўзгаради. Бу шароитда ҳар бир корхона замонавий иқтисодий усуллар ёрдамидагина ривожланиши мумкин. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш керак?

Биринчидан, фан, инновацион ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иккинчидан, йирик корхоналар билан ҳамкорлик қиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун бизнес инновацияларига ўтишда талабларни кучайтириш орқали тадқиқотлар ва ишланмалар буюртмаларини шакллантириш, уларни бу соҳага кенг жалб этиш борасида институт, университетлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур. Юқори технологик билимга эга бўлган мутахассисларни жалб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, бугунги кунда комбинатда маҳаллийлаштириш дас-туридаги лойиҳаларнинг ўртача маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бу мавжуд маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланаётганимизни билдиради. Аммо бу борадаги ишларимизни янада яхшилаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун импорт қилинаётган металл прокати ва листлар, чоксиз қувурлар, темир қотишмаларини “Ўзметкомбинат” АЖ, “Тошкент қувур заводи” АЖ ва “Тошкент металлургия заводи” ҚК, ион алмашинув смолаларини “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар, ер ости техникалари учун шиналарни “Birinchі Rezinatexnika zavodi” МЧЖ каби корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали импорт ҳажмини янада камайитишга эришиш мумкин.

Комбинатда пандемия шароитида вужудга келган муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди. Эндиликда инновацион ишланмаларни ўзлаштиришга, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларнинг татбиқ этилишига катта эътибор қаратилади, асосий фаолият

учун импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни комбинатнинг ўз қувватларида ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи, тадбиркорлик субъектлари билан саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундай чора-тадбирлар натижасида комбинат жамоасининг фидокорона меҳнатлари туфайли барча мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари пандемия шароитига қарамай, нафақат бир маромда ишлади, балки белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришга эришди.

Коронавирус бизни нимага ўргатди ва қандай сабоқ чиқардик? Ҳар қандай шароитда инновацион ишланмаларни жорий этиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштиришни янада кўпайтириш, энг муҳими, аҳил жамоа ва тажрибали муҳандис-техникларни мавжуд муаммоларни ҳал этишга сафарбар этиш орқали муваффақиятга эришиш мумкин. Бу каби вазифаларни бажариш учун пандемия шароитида корхоналарни инновацион ривожлантириш заруратдир.

Комбинат жамоаси қўлга киритаётган ютуқларнинг барчаси пандемия даврида синовлардан муваффақиятли ўтаётган янги Ўзбекистон иқтисодиётини мус-таҳкамлашга қаратилган. Жорий этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар билан пандемиядан кейинги даврга янгича ёндашувлар, янгича қарашлар билан кириб борамиз. Зеро, комбинатнинг аҳил жамоаси ўзининг улкан салоҳияти билан келгусида ҳам янада кучли ва замонавийлашган, ўз соҳасида халқаро мавқеи янада ошган корхона сифатида катта муваффақиятларни қўлга киритиш йўлидаги дадил одимларини давом эттиради.

ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КУН ТАРТИБИ

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
Абдулазиз Комилов билан юртимизнинг ташқи сиёсатдаги ютуқлари ва
устувор йўналишлари юзасидан суҳбатлашдик.**

— Ҳозирги замонда глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда кучларнинг янги нисбати шаклланмоқда. Шу билан бирга, халқаро майдонда янги таҳликалар пайдо бўлмоқда ва бу ҳолат дунё давлатларини юзага келаётган муаммоларга муносиб ечим топиш, сиёсий ва иқтисодий стратегияларни янгилашга мажбур қилмоқда.

Ушбу жараёнлар Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонга ҳам дахл қилмай қолмайди. Айтинг-чи, бу ўзгаришлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор жиҳатларининг барқарорлиги ва босқичма-босқичлиги, унинг асосий йўналишларини ўз ўрнига қў-йишга қандай таъсир этмоқда?

— XXI аср глобал тенденция-ларининг мамлакатимиз ташқи сиёсати устувор йўналишларига таъсири муҳим масала бўлиб, шубҳасиз, у Ўзбекистон дипломатиясининг кун тартибида доимо долзарбдир.

Албатта, дунёдаги жараёнлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий курсини белгилаш ва амалга оширишда чуқур таҳлил қилинмоқда ҳамда инobatга олинмоқда. Халқаро майдондаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳликадан қатъи назар, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда барча фуқароларимиз фаровонлиги ишончли тарзда таъминланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллигини изчил ички ислоҳотлар ва янгиланган ташқи сиёсат билан кутиб олмоқда. Мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган очиқлик, инновация ва янгиланиш-лар, шунингдек, иқтисодий либераллаштириш, бозорни ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, таълим ва маърифат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор — буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига таъсир ўтказмоқда.

Аксарият халқаро экспертлар ва хорижий сиёсатчилар фикрича, бугун Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очиқлиги ва жадаллиги билан ажралиб турган изчил, аниқ ва конс-труктив сиёсат юритмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий очиқлиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммоли масалаларни яқдиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиш, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиш, сиёсий ишонч ва халқаро ҳуқуққа риоя этилиши асосидаги ўзаро ҳамкорликка интилиш — бизнинг хорижий шерикларимиз Ўзбекистон Президенти Шавкат

Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курсни айнан ана шундай тавсифламоқда.

Ташқи сиёсатнинг аниқ жабҳалари ҳақида сўз юритишдан олдин мамлакатимизнинг устувор ташқи сиёсий йўналишлари амалда қандай шаклланиши ҳақида тўхталмоқчиман.

Устувор йўналишлар ҳақида фикр билдирилганда, дунёнинг турли мамлакатлари билан икки томонлама алоқалар назарда тутилади. Бунда салмоқли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа салоҳиятга эга етакчи давлатларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу табиий ва мутлақо адолатлидир. Аммо ташқи сиёсат қандай асосий вазифаларга ечим топиш кераклигидан ҳам келиб чиқиш лозим. Улардан энг муҳими давлат ва жамиятнинг муваффақиятли ички ривожланиши, ислоҳотларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишини таъминлаш, ҳаёт сифатини кўтариш учун қулай ташқи шароитни яратиш ҳисобланади.

Иккинчи вазифа — Ўзбекистон атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш. Айнан мамлакатимиз жойлашган минтақадаги хавфсизлик барқарор ривожланишнинг энг асосий шартидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари — бизнинг бевосита қўшниларимиз билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Ўзбекистон раҳбари ташаббуси асосида сўнгги уч йилда минтақанинг барча мамлакатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашинуви амалга оширилди. Минтақа давлатлари етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Бундай мулоқотлар давомида Марказий Осиё давлатларини қизиқтирадиган хавфсизлик, иқтисодиёт, инвес-тиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим қўшма қарорлар қабул қилинмоқда.

Натижада тарихан қисқа вақтда Ўзбекис-тоннинг минтақадаги барча давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Давлат раҳбарлари ўртасида очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотнинг мустаҳкамланиши натижасида минтақадаги қўшнилари билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган кўплаб мураккаб муаммоларга ечим топилди. -Президентлар ўртасидаги ўзаро ишонч мус-таҳкамланди.

Қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, саноат ишлаб чиқариши соҳаларидаги алоқаларимиз изчил ривожланиб бормоқда. 2019 йил якунига кўра, улар билан савдо айланмаси ҳажми 5,2 миллиард долларга кўтарилди. Пандемия шароитига қарамай, 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 2,17 миллиард долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, биз яқин кўшнилариимиз ҳақида гапирганимизда, нафақат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни, балки Афғонистонни ҳам назарда тутамиз.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланади, “Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган”. Афғонистон ҳудудида Беруний, Навоий, Бобур каби кўплаб мутафаккир олимларимиз яшаган ва ўзидан улкан мерос қолдирган.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда. Афғонистон хавфсизлигини мамлакатимиз хавфсизлиги ва бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги кафолати, деб қабул қилмоқдамиз.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг замонавий устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик алоқалари ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон тараққиётнинг тарихий ва ҳал этувчи босқичидан ўтиб бормоқда. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мисли кўрилмаган кенг кўламли дастури амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, 2035 йилга келиб Ўзбекистоннинг дунёнинг 50 та иқтисодий ривожланган мамлакати қаторига киришига хизмат қилади.

Ушбу мақсадга фақат жаҳон иқтисодий ва молиявий тизимида муваффақиятли ва изчил интеграциялашув орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон учун дунёнинг Россия, АҚШ ва Хитой каби етакчи давлатлари, Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси ва Япония, Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи, араб-мусулмон ҳамда туркий тилли давлатлар билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, қайд этилган устувор йўналишлар тартибига муайян тузатишлар киритиш мумкин. Ташқи сиёсат нафақат пухта ўйланган, вазмин, балки бир вақтнинг ўзида илдам ва қулай бўлиши ҳамда ҳозирги тез ўзгарувчан, дунёда юзага келишини олдиндан айтиб бўлмайдиган янги муаммо ва таҳликаларга ўз вақтида ва муносиб жавоб бериши керак.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларида қандай ишлар амалга оширилгани тўғрисида батафсил сўзлаб беришингизни истардик.

— Кўп ишлар қилинди ва Ўзбекистон раҳбарияти ташқи сиёсатнинг белгиланган устувор йўналишларини самарали амалга оширишга катта аҳамият бермоқда.

Биринчидан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим халқаро ташаббусларидан бири — БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илк марта эълон қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги таклиф амалга ошди. Ушбу ташаббус

халқаро миқёсда кенг тан олинди ва минтақа давлатларининг барча раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ана шундай шаклдаги биринчи учрашув 2018 йил Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат саммити эса 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Ушбу тадбирнинг яқунлари бўйича Маслаҳат учрашуви қатнашчиларининг тарихий аҳамиятга эга бўлган қўшма баёноти қабул қилинди. Унда алоҳида таъкидланганидек: “Марказий Осиёда минтақавий яқинлашувнинг ҳозирги тенденцияси — тарихий воқелик. Сиёсат, хавфсизлик, барқарорликни сақлаш ва тараққиёт соҳаларида минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш қўшни мамлакатлар халқларининг туб манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги биродарлик ришталарининг янада мустаҳкамланиши, Марказий Осиёнинг улкан иқтисодий ва цивилизацион салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади”.

Ҳозирги вақтда минтақа мамлакатлари XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги беш томонлама давлатлараро ҳужжатни биргаликда тайёрламоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон томонлар ўртасидаги мулоқотга кўмаклашиб, Афғонистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришда фаол иштирок этмоқда, шунинг-дек, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга жалб қилишга ёрдам берадиган муҳим иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқлигини англашга асосланади.

Таъкидлаш жоиз, Афғонистондаги тинчлик жараёни узок вақт давомида боши берк кўчада қолиб кетди. Бундан ҳам ачинарлиси шундаки, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги бошқа инқирозли вазиятлар фонида Афғонистондаги уруш жаҳон ҳамжамияти эътиборидан бутунлай четда қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан дунё миқёсидаги ушбу ўткир муаммони халқаро ҳамжамият кун тартибига қайта киритишга эришилди.

2018 йил 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражали халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини, БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо давлатлар вакиллари иштирок этди. Афғонистон муаммосини ҳал қилишга бағишланган бундай кенг қамровли форум биринчи марта ана шундай юқори даражада ўтказилди.

Тошкент конференцияси чиндан ҳам муваффақиятли ўтгани тўғрисида гапириш учун бир қанча сабаб бор.

Аввало, Афғонистондаги можарони ҳал қилишга кўмаклашиш, кўшни давлатлар билан яхши кўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи ва афғон муаммосини ҳал этишдаги стратегик қарашларига, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини аниқ белгилаб олинганга асосланади.

Амалий жиҳатдан Тошкент форуми бош-ланиши арафасида Президентимизнинг АҚШ, Россия, Хитой раҳбарлари, минтақа мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Эрон ҳамда Марказий Осиё давлатлари ва, табиийки, Афғонистон етакчилари билан муҳим шахсий учрашувлари ва маслаҳатлашувлари бўлиб ўтди.

Тошкент конференциясининг асосий натижаси ва муваффақияти афғон инқирозини ҳал қилиш масаласида умумий халқаро ёндашув-ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга эришилганидир. Буларнинг барчаси афғон мулоқотига алоқадор давлатларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан тан олинган Тошкент декларациясида ўз аксини топди.

Тошкент конференцияси ва, умуман, Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати афғон можаросини ҳал қилиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларнинг фаоллашишига, тинч-лик жараёнини илгари суришга қаратилган минтақавий савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга ушбу мамлакатни жалб қилишга олиб келди.

Шу кунларда Афғонистон қатор давлатлар, жумладан, Ўзбекистоннинг фаол кўмагида Қатар пойтахти Доҳада кенг қамровли афғонлараро музокараларни бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Қирқ йиллик энг шафқатсиз ва ҳалокатли урушдан кейин биринчи марта афғон халқи ўз мамлакатининг тинч келажагига ҳақиқатан умид қилмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг турли қитъалардаги кўплаб давлатлар ва давлат уюшмалари билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Аввало, сўнги йилларда Россия билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. Очқлик ҳамда ўзаро ишончга асосланган биргаликдаги -саъй-ҳаракатлар натижасида савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт, агросаноат, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга эришилди.

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. 2019 йил якунига кўра, РФнинг мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 15,7 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон Россиянинг турли минтақаларига тўқимачилик, озик-овқат ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни кескин оширди.

Иқтисодий ривожланишнинг устувор соҳаларида қатор йирик лойиҳалар ва дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Россиянинг атом энергетикаси мутахассислари Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи атом электр станциясини қуришга тайёргарлик ишларини бошлади.

Агар Ўзбекистон — Россия муносабатларининг муҳим йўналишларидан бирига айланган маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда Россиянинг ўнлаб етакчи университетлари филиаллари очилганини таъкидлаш ўринли бўлади. Миллий технологик тадқиқотлар университети (МИСиС), Миллий ядровий тадқиқот университети (МИФИ) ҳамда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг биринчи хорижий филиали шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик мустаҳкам пойдеворга эга экани ва келажакка йўналтирилганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар билан муносабатлари ҳам жадал ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон -Президентининг 2018 йил май ойида -Вашингтонга расмий ташрифи Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Икки давлат раҳбарлари “Стратегик шерикликнинг янги даври бошланиши тўғрисида”ги қўшма баёнотни қабул қилдилар ва ўз саъй-ҳаракатларини ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирдилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий баҳоланди ва қўллаб-қувватланди. Бу Ўзбекистоннинг рейтинги ва халқаро имижига ижобий таъсир кўрсатди.

2017 йилдан буён икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор АҚШнинг юқори мартабали иқтисодий делегациялари — савдо вазири У.Росс, Миссисипи штати губернатори Ф.Брайант, АҚШнинг сертификатланган савдо миссияси (2019 йил) ташрифлари амалга оширилди. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажми икки баравар ошди. Америкалик сайёҳларнинг Ўзбекистонга оқими эса 50 фоиз кўпайди.

АҚШ Конгрессида нуфузли “Ўзбекистон бўйича кокус”, яъни республиканинг норасмий дўстлари гуруҳи тузилди.

Тошкентда кенг қамровли, жумладан, маркетинг ва тадбиркорлик, компьютер фанлари, медиа индустрияси, соғлиқни сақлаш бошқаруви каби академик дастурларни ўз ичига олган Вебстер университетининг филиали очилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи билан муносабатлари деярли барча соҳаларда сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Франция (2018 й.), Германия (2019 й.) ва Туркияга (2017 й. ва 2020 й.) самарали расмий ташрифлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, Туркия билан алоқалар анъанага кўра Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади. Мазкур ташрифлар натижасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда натижадор келишувларга эришилди. Германия Президенти Ф. Штайнмайер (2019 й.) ва Туркия Президенти Р. Эрдоғоннинг (2018 й.) юртимизга жавоб ташрифлари муваффақиятли амалга оширилди.

Умумий эътирофга кўра, Европа билан кўп томонлама муносабатларда муҳим натижаларга эришилди. 2019 йил май ойида Европа кенгаши Президенти Д.Туск Ўзбекистонга биринчи маротаба ташриф буюрди. 2017 ва 2018 йилларда Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Ф.Могерини юртимизга келди. Европа томони иқтисодиёт, савдо, инновация, инвестиция, транспорт, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди. Бу Ўзбекистон — Европа ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳақидаги тасаввуримизга тўлиқ мос келади.

2019 йил якуни бўйича Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми ундан олдинги йилга нисбатан 60 фоиз ошди ва 4 миллиард долларни ташкил этди. Ўзбекистон маҳсулотларини Европага экспорт қилиш 580 миллион долларга етиб, бир ярим баравар кўпайди. Аниқки, бу соҳада томонлар ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятга эга. Шу сабабли Тошкент ва Брюсселда 2019 йилдан бери муҳокама қилинаётган кенг қамровли Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги келишув доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Фикримча, ушбу муносабатларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, Тошкентнинг Марказий Осиёда юритаётган очик ва конструктив ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда Брюссель минтақамизга нисбатан ўз сиёсатини тубдан қайта кўриб чикди. Бу ЕИнинг 2019 йилда қабул қилинган Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегиясида ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатда минтақалараро ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий барқарорлиги ва изчил тараққиётини Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди.

Сўнги уч йилда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги интеграция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштирди. Ҳамдўстлик давлатлари билан тарихий, биродарлик алоқаларимизга таяниб, Тошкент МДХ доирасида кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг 84 органидан мақсад-вазифалари миллий манфаатларга жавоб берадиган 40 дан ортиғида иштирок этмоқда. Сўнги уч йил давомида Ўзбекистон МДХ Иқтисодий кенгаши, Ҳамдўстлик Парламентлараро Ассамблеяси ва МДХнинг 18 та соҳавий органига қўшилди. 2020 йилда Ўзбекистон МДХ ташкил топганидан буён биринчи маротаба Ҳамдўстлик раислигини қабул қилгани ва уни муваффақиятли амалга ошираётгани кўп нарсадан далолат беради.

Ташаббускорлиги ва прагматизми билан ажралиб турадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фаолиятида ҳам Ўзбекистон фаол иштирок этмоқда. Тошкентнинг ташкилотдаги янги фаол курси шарофати билан 2017 йилдан буён Ўзбекистоннинг ШХТдаги хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, илм-фан, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган 10 дан ортиқ ташаббуси амалга оширилди.

Ўзбекистон ШХТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббускорга айланди. ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” халқаро туризм университетини ташкил этиш шулар жумласидандир.

Ташқи сиёсатнинг яна бир йўналиши —Осиё — Тинч океани минтақаси Ўзбекистон учун инвестициявий ва иқтисодий ҳамкорлик ва янги бозорларни ўзлаштириш нуқтаи назаридан муҳимдир. Сир эмаски, айнан ушбу минтақа жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган маркази бўлиб, бу ерда юқори технологияларнинг йирик экспорт ва импорт қилувчилари жойлашган. Бугунги кунда Хитой билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, маданий, кишлок хўжалиги, қурилиш, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлигимиз жадал ва ўзаро манфаатли асосда ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашувлар, шу жумладан, давлат раҳбарларининг 2017-2020 йиллардаги музокаралари натижасида Ўзбекистон-Хитой стратегик шерикчилиги сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. 2019 йилда Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвес-тициялари ҳажми 9,8 миллиард доллардан ошди, 100 миллион долларга яқин миқдорда турли грантлар жалб этилди.

Корея Республикаси билан ҳамкорлигимиз ҳам эътиборга лойиқдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги Сеулга ҳамда Президент Мун Чжэ Иннинг 2019 йилдаги -Ўзбекистонга қилган давлат ташрифлари якунида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамловчи 20 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди. 2019 йилда ўзаро муносабатлар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди, бу эса томонларнинг дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатларига содиқлиги тасдиғидир.

Ўзбекистондаги 13 та университет, 48 та мактаб ва лицейда корейс тили ўргатилаётгани ҳам бунинг далилидир.

Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг Инха, Пучон, Йожу ва Корея халқаро университети каби машҳур олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият юритмоқда, яна иккитаси очилиши кутилмоқда.

Япония Осиёдаги анъанавий ва ишонч-ли шерикларимиздан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга биринчи расмий ташрифи ушбу мамлакат билан сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, технологик, илмий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга янгича руҳ бағишлади. Мен Афғонистон ҳақида гапирганда, Ўзбекистоннинг стратегик муҳим минтақа — Жанубий Осиёдаги ташқи сиёсий фаоллиги тўғрисида эслатиб ўтган эдим. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ушбу минтақанинг асосий факторлари бўлган Ҳиндистон ва Покистон билан алоқалари жадаллашаётгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу давлатлар Ўзбекистоннинг икки томонлама ҳамда -Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги муҳим шерикларидир.

Ўзбекистон Президентининг 2018-2020 йилларда Ҳиндистонга ташкил қилинган давлат ва амалий ташрифлари, уларнинг якунлари бўйича имзоланган 20 та шартнома, шубҳасиз, салмоқли аҳамиятга эга бўлди. Бугун яна 20 га яқин ҳужжат имзолаш учун тайёрланмоқда. Ҳиндистоннинг ўсиб бораётган иқтисодий ва технологик салоҳиятини инобатга олган ҳолда, мазкур давлат билан соғлиқни сақлаш, фармацевтика, таълим, туризм, қурилиш соҳаларида, шунингдек, минтақанинг транспорт-логистика имкониятларини ривожлантиришда ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари мавжуд.

Ҳиндистон учун Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари бозорларига чиқиш жуда муҳим. Биз эса, ўз навбатида, экспорт имкониятларимизни кенгайтириш, янги ташқи бозорларга чиқишдан манфаатдормиз. Бундай саъй-ҳаракатларсиз замонавий дунёда ҳеч бир минтақа ёки мамлакат ривожлана олмайди.

Ҳиндистон билан анъанавий яқин муносабатлар халқаро майдонда БМТ ва бошқа кўп томонлама форматларда, шу жумладан “Марказий Осиё — Ҳиндистон” мулоқоти доирасида ҳам ривожлантирилмоқда. Ушбу форматдаги биринчи вазирлар учрашуви 2019 йил январь ойида Самарқандда бўлиб ўтди.

Шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон очиқ ташқи сиёсатини жадал илгари суришни бошлаши билан мамлакатимиз етакчи давлатлар билан “Марказий Осиё + Россия Федерацияси”, “Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси”, “С5 + 1” (АҚШ), “Марказий Осиё + Япония”, “Марказий Осиё + Корея Республикаси”, “Марказий Осиё + Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги доирасида минтақавий мулоқотнинг турли форматларини ривож-лантиришда сермахсул иштирок этмоқда. Бундай форматларнинг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар архитектураси, сиёсий ва иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг глобал жараёнлари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимини шакллантиришда Марказий Осиё-нинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг Покистон билан муносабатлари ҳам сезиларли даражада илгариледи. 2017-2019 йилларда Президент Шавкат Мирзиёев кўп томонлама анжуманлар доирасида Покистон Ислом Республикаси Президенти ва Бош вазири билан тўрт мартаба учрашди. Мазкур мулоқотлар доирасида иқтисодиёт, инвестиция, сиёсат ва хавфсизлик соҳаларида муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон араб-мусулмон дунёси давлатлари билан ҳам ишончли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Эътиборлиси, ушбу давлатлар мамлакатимизга истиқболли инвестиция бозори сифатида катта қизиқиш билдирмоқда. 2011 йил 25 апрель куни Ашхободда Туркманистон, Ўзбекистон, Эрон ва Ўмон томонидан Форс кўрфази ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида транспорт коридорини барпо этиш бўйича тўрт

томонлама битимнинг имзоланиши иқтисодий ўзаро ҳамкорлик борасида энг муҳим ютуқларидан бири бўлди.

Ўзбекистон ва Яқин Шарқни географик яқинлик, умумий тарихий, маданий ва маънавий қадриятлар бирлаштириб туради. Сўнгги йилларда араб мамлакатлари билан ҳамкорлигимиз барча йўналишларда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил май ойида Саудия Арабистони, 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрди. Ўз навбатида, Миср Президенти А. ас-Сиси 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Олий даражадаги музокаралар доирасида томонлар барча йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, банк ва молия, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар, туризм ва бошқа соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди. Президентнинг БААга ташрифи давомида қиймати 10 миллиард доллар бўлган 10 та муҳим ва 11 та инвестицион ҳужжат имзоланди. Миср Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида қиймати 500 миллион долларга яқин 4 та ҳукуматлараро, 7 та идоралараро ва 11 та инвестицион битим тузилди.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида, жумладан, 2017-2020 йилларда Саудия -Арабистони, Кувайт, БАА, Исроил, Мароқаш, Иордания ва Миср билан сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан инвестицион ҳамкорлиги ҳозирги вақтда қиймати қарийб 1,9 миллиард доллар бўлган 60 дан ортиқ лойиҳани қамраб олади. Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан алоқаларга қисқа тўхталиб ўтмоқчиман. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-мажлисида иштирок этди ва Ўзбекистон раислиги даврида ташкилот билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, 2017 йил 10 сентябрь куни Остона (Нур-Султон) шаҳрида ўтказилган ИХТнинг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида аъзо давлатлар Президентимизнинг илм-фан, маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш бўйича амалий ташаббусларини олқишлади.

— Сиз Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти учун ўта долзарб бўлган мавзу — мамлакатга хорижий инвестициялар, технологияларни жалб этиш, хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантириш масаласини кўтардингиз. ТИВ ва мамлакатимизнинг халқаро фаолиятида иштирок этаётган бошқа вазирлик ва идоралар олдига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган ушбу энг биринчи даражали вазифа қандай бажарилмоқда?

— Инвестиция ва технологияларни жалб этиш, маҳаллий экспортни кенгайтириш, ташқи бозорларда миллий компаниялар брендини илгари суриш, юртимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, туризмни ривожлантириш иқтисодий дипломатиянинг энг асосий

вазифасидир. Бугунги кунда ушбу йўналиш иш фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланган.

Сўнги йилларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг топшириқ ва кўрсатмаларига мувофиқ, ягона ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ТИВнинг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ўзаро алоқалари кучайтирилди. Иккала вазирликнинг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун тегишли тузилмалар ташкил қилинди. Маҳсулот ва хизматлар экспортини диверсификациялаш, республикага инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида вазирлик ва Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари иш услуби ва тизимига янги ёндашувлар жорий қилинмоқда.

ТИВ тизимида Иқтисодий дипломатия департаменти ташкил этилиб, у бевосита мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, хорижий инвестициялар ва молиявий-техник кўмакни жалб этиш, туризм соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан шуғулланади.

Халқаро ишбилармон доиралари билан алоқаларни фаоллаштириш, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни жадаллаштириш иқтисодий дипломатиянинг муҳим йўналишларига айланди.

2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳукумати ва компаниялари расмий делегацияларининг дунёнинг 48 давлатига ташрифлари ташкил этилди. Хорижий давлатларнинг савдо-иқтисодий идоралари раҳбарлари ва вакиллари билан 250 дан ортиқ учрашув ва бизнес форум ўтказилди. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдирот маросимлари уюштирилди.

Ўтган ярим йил ичида республикада қиш-лоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, тиббиёт, фармацевтика, таълим, маданият ва бошқа тармоқларга 3,154 миллиард доллар миқдоридаги инвестициялар ва кредитлар жалб этилди ва ўзлаштирилди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш учун хорижий давлатлардан 11,6 миллион доллар миқдоридаги инсонпарварлик ёрдами, молиявий-техник кўмак ва грантлар жалб қилинди.

— Раҳмат, Сиз иқтисодий дипломатия масалаларини батафсил баён қилиб бердингиз. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятида янги йўналишларни ривож-лантириш истиқболлари ҳақида ҳам фикрларингизни билдирсангиз. Маълумки, авваллари бу масалага кам эътибор берилган.

— Ҳа, албатта, бундай йўналишлар мавжуд. Улардан бири маънавий кадриятлари ва тарихи муштарак бўлган турк дунёси мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларимиздир. Ўзбекистоннинг 2019 йил 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига (ТДХК, Туркий кенгаш) аъзо бўлиши туркий

цивилизациянинг ривожланишида юртимизнинг тарихий роли ҳамда Тошкентнинг кўп томонлама дипломатияси фаоллашуви нуқтаи назаридан муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон ўтган қисқа даврда Туркий кенгашдаги иштироки доирасида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширишга эришди. Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди, ТДХКнинг COVID-19 пандемиясига қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳи ва Транспорт соҳасида ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилинди. ТДХК ва ЖССТ ўртасида меморандум лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мамлакатимизнинг Туркий кенгашда иштироки нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ ва Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайтиришга хизмат қилади. Бу билан мазкур минтақалар транспорт-логистика йўналишларини ўзаро боғлаш учун янги истиқболлар яратилмоқда, ҳудудлараро савдони ривожлантириш билан бирга мамлакатларга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш имкони яратилмоқда.

Биз, шунингдек, Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо давлатлар, хусусан, Саудия Арабистони, БАА, Қатар ва Ўмон билан савдо-иқтисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш -ниятидамиз.

— **Бугунги кунда республикада ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тарбияси ва маърифати, шунингдек, барча даражаларда таълим олиш ва малака ошириш имкониятларини кенгайтириш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Ушбу ташаббуслар халқаро майдонда қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб берсангиз. Бундан ташқари, ўзбек дипломатияси тизимида ёшларни рағбатлантириш, ёш кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш масалалари қандай ҳал қилинаётгани ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ушбу долзарб саволингиз учун миннатдорлик билдираман. Давлатимиз раҳбари кенг маънода мамлакатимиз келажагининг эгалари бўлган ёш авлодга улкан эътибор қаратмоқда.

Аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган, қайси соҳага тегишли бўлишидан қатъи назар, амалга оширилаётган барча ислохотларда ёш авлод, фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Президентимиз томонидан устувор йўналиш этиб белгиланган Ўзбекистон учун айниқса муҳимдир.

Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Президентининг ёшларни ислохотлар ва модернизация жараёнларига жалб қилмасдан, давлатларни ривожлантириш, хусусан, инсоният дуч келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояси кенг эътироф этилди. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, иқлим ўзгариши салбий таъсирини камайтириш, пандемия ва бошқа табиий офатлар билан курашиш шулар жумласидандир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу масалаларнинг барчаси “ўзаро келишилган глобал

хамкорликни ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш жараёнларига ёшларни фаол жалб қилишни талаб этмоқда”.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ доирасида илгари сурилган юқорида зикр қилинган таклифлардан бошлаб, ёшларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалаларига бевосита алоқадор бўлган бугунги кунда барчага маълум қатор халқаро ташаббуслар -Ўзбекистон раҳбарига тегишлидир. Мен яқинда бўлиб ўтган “Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд онлайн форумини назарда тутмоқдаман. Унда таниқли хорижий олимлар, жамоат арбоблари, БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ШХТ, МДХ, ИХТ вакиллари ва бошқа шерикларимиз иштирок этди.

Кенг доирадаги ушбу форум қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусини бир овоздан маъқуллади. Ушбу таклиф, асосан, инсониятнинг ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, унинг эркин бўлиши ва барча соҳаларда ўз қобилият ва имкониятларини қонуний рўёбга чиқариши учун шароит яратишга қаратилган.

БМТ, Венеция комиссияси, ЕХХТ раҳбарлари, халқаро омбудсманлар ва форумнинг бошқа таниқли иштирокчилари таъкидлаганидек, Самарқанд форумининг натижалари “келажак учун ҳуқуқий воситалар”ни ишлаб чиқиш ва илгари суришда ёшларни жалб қилишга ҳамда “барқарор ривожланиш лойиҳаларида улар фаоллигини оширишга қаратилган 2030 йилгача БМТнинг ёшлар стратегияси барқарорлигини таъминлаш”га хизмат қилади.

Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши эса ҳозирги замонда ёшларнинг қонуний манфаатларини эътироф этиш ва инобатга олиш, дунёда ёш авлоднинг ҳар томонлама шахсий ва касбий ривожланишига имкон яратади.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, республикамиз раҳбарияти томонидан кадрлар тайёрлашнинг барча тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган ва -Ўзбекистоннинг дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторида мустақил изчил ривож-ланиши учун зарур бўлган катта миқдордаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу борада асосий эътибор давлатимиз манфаатларини халқаро майдонда фаол ва муваффақиятли илгари сура оладиган халқаро муносабатлар соҳасида ёш мутахассислар ҳамда ўзбек дипломатияси учун профессионал кадрларни тайёрлашга қаратилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини кенгайтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ва ролини мустаҳкамлаш бўйича янги вазифаларни самарали бажара оладиган дипломатик хизмат учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш чоралари кўрилди.

Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Президентининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда ЖИДУ халқаро иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ва сиёсий фанлар, халқаро ҳуқуқ соҳаларида мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги асосий олий таълим муассасаси, таъбир жоиз бўлса, етакчи университет ҳисобланади.

ЖИДУни ўз тизимига олган ташқи сиёсий маҳкама раҳбари сифатида шунини тасдиқлашим мумкинки, кейинги йилларда республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти соҳасидаги халқаро мутахассисларни тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқишга эришилди. Бунда, шу жумладан, чет эл тажрибасидан фойдаланилди ҳамда университетнинг ўз илмий ва амалий тадқиқотлари янада ривожлантирилди.

Содда қилиб айтганда, университетнинг муносиб профессор-ўқитувчилари таркиби шакллантирилди, мураккаб ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган касб малакаси, чуқур билим ва таҳлилий кўникмаларга эга бўлган ўзбек дипломатиясининг ёш билимли кадрлари тарбияланди. Бугунги кунда ЖИДУ битирувчилари Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари, республиканинг халқаро ташкилотлардаги вакиллари, ташқи ишлар вазирининг ўринбосарлари сифатида, шунинг-дек, мамлакатнинг бошқа муҳим вазирлик ва идораларида масъул лавозимларда фаолият юритмоқда.

Биз Ўзбекистон дипломатиясини замонавий талабларга жавоб берадиган, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат манфаатларини масъулиятли ва самарали ҳимоя қиладиган даражада такомиллаштириш бўйича ишларни давом -эттираммиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ
суҳбатлашди.**

Акмал САИДОВ,
академик



Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ, **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Бу фикрлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида янгради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига кадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Шарқ Ренессанси ва Марказий Осиё Бугун мамлакатимизда таълим-тарбия соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, илм-фан, маърифат соҳаси вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, интеллектуал бойликнинг кадр топаётгани халқимизнинг тарихи, тийнати, менталитети, асрий қадриятлари, орзу-умидлари билан бевосита боғлиқ.

Президентимизнинг “Дунёда энг катта бойлик — ёшлиқда олинган билим ва эгалланган касб-хунардир”, деган фикри бежиз эмас. Тарихий мисолларга мурожаат қилайлик.

Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино 4 ёшида Қуръонни тўла ёд олган. Бугунги кунда Қуръони каримдан ке-йинги муборак китоб дея тан олинган “Саҳиҳи Бухорий”ни тузган алломаимиз Имом Бухорий 11 ёшида устози ад-Дохийнинг илмидаги хатони тузатган. Улуғ шоир ва мутафаккир -Алишер Навоий 6 ёшида шеърлар ёза бошлаган ва Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ёддан билган. Ҳассос шоир ва шоҳ бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса 12 ёшида тахтга ўтирган.

Аждодларимиз нима учун бу қадар етук олиму шоир, аллома-ю маърифатпарвар, бир сўз билан айт-ганда, буюк инсонлар бўлган?

Чунки, аввало, улар жаҳолатга берилмаган, кимнидир ғийбат қилиб, олтидан қиммат вақтини зое қилмаган. Ўзининг идрокини, азму қудратини илмга сарфлаган, билимини муттасил бойитган. Янада муҳими,

аждодларимизнинг маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” бўлган. Зеро, улар бир эмас, иккита Ренессанс маърифатининг қаймоғидан баҳраманд бўлганлар.

“Ренессанс” (renaitre) — французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, деган луғавий маъноларни англатади. Ўзбек тилидаги “Уйғониш даври” тушунчаси ушбу атаманинг синоними, яъни маънодоши ҳисобланади.

Ренессанснинг асосий аломатлари тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизгин куйлаш, инсон эрки, хурфикрлилик учун курашиш мисолида ёрқин намоён бўлади. Натижада ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоёниш этадиган улуғвор бадиий асарлар яратилади, мухташам меъморий иншоотлар бунёд этилади, илм-фан ривожланади.

Марказий Осиё минтақаси, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда илм-фан, маданият ва санъатнинг қадимий бешиги сифатида мавжуд бўлиб келган. Бу ҳақда исломга қадар мавжуд манбаларда ҳам маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Авесто”да маънавий муҳит, илм-фан ва таълим-тарбия хусусида ўз даври учун илғор ғоялар илгари сурилган.

Ўзбекистон ҳудудлари тарихан **Буюк ипак йўли**нинг маркази ва унинг турли тармоқлари кесишган нуқтада жойлашган. Шунинг учун Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар ҳаминша Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Насаф (Қарши), Кеш (Шаҳрисабз), Тошкент, Фарғона каби кўҳна маданият марказларига интилганлар. Бу ҳудудларда қадимги замонлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган, дейиш мумкин.

Биринчи Шарқ Уйғониш даври IX-XII асрларда минтақамизда юз берган Мусулмон Ренессанси ҳисоб-ланади. Бу даврда улуғ алломалар, комусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий асарлари башарият тафаккур хазинасини бойитди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, X асрнинг охирига келиб Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган. Бу мадрасаларда ислом таълимоти билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Ўз даврида ҳатто нафақат шоир, балки файласуф ва фалакиётшунос сифатида ҳам дунё микёсда танилган Умар Ҳайём Самарқандда таҳсил олган.

Иккинчи шарқ Уйғониш даври — XIV-XVI асрлардаги иккинчи Темурийлар Ренессансидир. Бунда Амир Темур бунёд этган улуғ салтанатнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Чунки буюк Соҳибқирон дунёнинг турли минтақаларидан олимۇ адиблар ва меъмору хунарамандларни ўз салтанати

пойтахти Самарқанд шаҳрида жамлаган. Илму маърифат ва касб-хунар соҳибларини рағбатлантирган, бой кутубхона, расадхона ва мадрасалар бунёд эттирган.

Жумладан, Мирзо Улуғбек мадрасасида математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиёт каби ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши иккинчи Шарқ Ренессансининг вужудга келишига туртки бўлган.

Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Али Қушчи сингари кўплаб мутафаккирларимизнинг боқий номи ва бой мероси нафақат минтақамизнинг маънавий ривожига, айтилиши вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутди.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанси ана шу буюк ажодларимизнинг илм-маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

“Нур Шарқдан таралади”, деган эди немис файласуфи Георг Гегель. Бинобарин, Шарқ Уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври, хусусан, XIV-XVI асрлардаги Италия Ренессансига бевосита таъсир кўрсатган. Айтилиши, туташ чегара мамлакатлари: Қурдуба (Испания), Кавказ, Болқон яриморотида бу жараён кучли бўлган. Европаликлар Шарқ олимларининг асарларини латин, испан, яҳудий тилларига қилинган таржималар орқали ёхуд бевосита араб тилида ўқиб-ўрганганлар.

Яна бир масалага алоҳида тўхталишни истардик. Гап шундаки, Президентимиз 2018 йил 8 октябрь куни Францияга биринчи расмий ташрифи доирасида Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашуви асносида “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” номли 6 жилдли асарни ўзбек тилига таржима қилиш ташаббусини илгари сурганди. ЮНЕСКО раҳбари Ўзбекистон Президентининг бу ғоясини маъқуллаган.

Ушбу салмоқли асарни ёзишда таниқли ўзбек олимлари ҳам иштирок этган. Шунингдек, асарнинг тўртинчи жилдида Амир Темур салтанати ва темурийлар даври тарихи, маданияти, санъатига катта ўрин берилган. Шунинг учун мазкур китобларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги тўрт йилда маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

Бу, ўз навбатида, ҳар биримизга, бир томондан, чексиз фахру ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон янги Ренессанс марказига айланмоқда

Юртимизда инсоннинг таълим олишига ижобий муносабат узоқ йиллик анъаналарга эга. Катта-кичик шаҳарларимизда IX-X асрлардан бошлаб кўплаб мактабу мадрасалар фаолият кўрсатган. Илк бор очилган олий ўқув юртининг тарихи ҳам асрларга туташ.

Кейинги даврда тарихчи олимлар, илм-фан намояндалари, халқаро экспертлар ҳозирги Самарқанд давлат университети тамал тоши ўрта асрларда кў-йилгани, у Мирзо Улуғбек мадрасаи олиясининг вориси эканини қайд этмоқдалар.

Ана шу мадрасаларда таҳсил олган аждодларимиздан 100 мингга яқин қўлэзма ва тошбосма асар бизга мерос қолган. Президентимиз ташаббуси билан кейинги 2-3 йилда яна юзлаб қўлэзмалар юртимизга қайтарилди. Бундан ташқари, маърифатпарвар боболаримизнинг қанчадан-қанча китоблари топилиб, тегишли илмий муассасаларга топшириляпти.

Агар бу қўлэзмаларни яхшилаб таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг кўпи илмий асосларга таянган, яъни фундаментал илмлар — чизмалар, риёзиёт машқлари, ҳайвонот олами, анатомия, шунингдек, фикҳга доир эканини кўрамиз.

Ўрта асрларнинг илк даврида улуғ аждодларимиз томонидан математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратилган буюк илмий ғоя ва кашфиётлар жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига кескин бурилиш ясади.

Жадид боболаримиз ҳам мадраса кўрган зиёлилар бўлиб, истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка фақат маърифат, демакки, билим олиш ва илм-фанни чуқур ўрганиш орқали эришилади, деб ҳисоблаганлар. Маҳмудхўжа Бехбудий шунинг учун: “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир”, дея таъкидлаган. Абдулла Авлонийнинг мана бу чорлови бугун ҳам ниҳоятда долзарб:

***“Эй миллат, ухлама, илм олур чоғи,
Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи”.***

Биз эса, афсуски, узоқ йиллар ғафлатда бўлдик. Бу бой меросни ўрганмадик, буюк алломаларимиз бошлаган кашфиётларни такомилга етказмадик.

Шу ўринда айтиш жоизки, аждодларимиз қолдирган илмий меросни бугун Европа мамлакатлари, -дунёнинг бошқа юртлари олимлари ҳам қизгин ўрганмоқда. Улар мероси асосида кашфиётлар қилишга интилишлар бўляпти. Бу ҳақда сўз борганда, 1994 йили Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ташаббуси билан мазкур халқаро ташкилотнинг Париж шаҳридаги бош қароргоҳида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақилликнинг илк давридаги дастлабки энг йирик халқаро илмий анжуман ҳисобланган ушбу нуфузли тадбир мисолида

хам улуғ аждодимизнинг илмий мероси дунё миқёсида қанчалик юксак даражада эътироф этилишига амин бўлиш мумкин.

Ўз давридаги барча қийинчилик ва оғир синовларга қарамасдан, аллома ва мутафаккир аждодларимиз илму фан равнақи йўлидаги ўз бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига ҳамиша содиқ қолиб, ҳақиқий маънавий жасорат намунасини кўрсатганлар. Уларнинг халқимиз ва башарият олдидаги буюк хизматлари, айниқса, мустақиллик йилларида муносиб ҳурмат ва эътибор топиб келмоқда.

Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Тарихий ҳақиқат шуки, бирон-бир мамлакатнинг дунё цивилизациясига ҳисса қўшган олимлари сони Ўзбекистон заминида етишиб чикқан олимларчалик кўп эмас. Буни гапиришга, бундан фахрланишга бизнинг маънавий ҳаққимиз бор.

Мамлакат салоҳиятини юксалтириш локомотиви

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда дунё миқёсидаги жами бойликнинг 16 фоизи ишлаб чиқариш воситалари, 20 фоизи табиий ресурслар ҳиссасига тўғри келади. Инсоният эга бўлган барча бойликнинг қолган 64 фоизи, яъни учдан икки қисми эса бевосита инсон салоҳияти, унинг билими ва тажрибаси эвазига орттирилган.

Шу маънода, барча соҳада илғор тараққиёт йўлидан бораётган ва юксак марраларни забт этаётган юртимиз учун билимли ва тажрибали, ҳар томонлама етук кадрлар керак. Сўнгги йилларда қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бунинг учун мустаҳкам замин яратилди. Мактабгача таълим, умумтаълим ва олий таълим тизими мазмунан ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, хусусан, Ўзбекистон -Президенти 2017 йил сентябрь ойида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқида айтилган вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганига эътибор қаратганини алоҳида қайд этиш лозим.

Масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасаси жаҳоннинг 500 та энг яхши университети рейтингидан ўрин олган, холос. Ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги 1,9 фоизни ташкил этган.

Ўша анжуманда давлатимиз раҳбари Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 2016-2025 йилларга мўлжалланган Ўн йиллик ҳаракатлар дастурини тўла қўллаб-қувватлаб, бу борада бир қатор ташаббусларни илгари сурганди. Бугунги кунда ушбу ташаббусларнинг аксарияти рўёбга чиқарилди.

Хусусан, ёш олимларга билим ва тажриба алмашиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган Мусулмон олами ёш олимлари халқаро марказини тузиш, Ўзбекистонда ал-Хоразмий хотирасига бағишлаб ёш математиклар ўртасида халқаро олимпиада ташкил этиш, мусулмон дунёсида эришилаётган илм-фан ютуқларини муносиб тақдирлаш ҳамда уларни халқаро миқёсда оммалаштириш учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг махсус мукофотини таъсис этишга доир амалий тақлифлар шулар жумласидандир.

Мамлакатда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуруидий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида калом илми, ақида илми, тасаввуф илми, ислом ҳуқуқи (фиқҳ) ва ҳадис илми мактаблари иш бошлади.

Ўзбекистонда кейинги тўрт йил давомида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтилаётгани бежиз эмас. Чунки инновация — бу келажак дегани. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда фақат янги фикр, янги ғояга, демакки, инновацияга таянган давлатгина ютади.

Эндиликда юрт тараққиётини, жумладан, барқарор инновацион, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган янги қонунлар, давлат дастурлари ва “йўл хариталари” худди шу долзарб даъватни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган қисқа даврда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ва тижоратлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинган ҳам буни тасдиқлайди. **Айни чоғда 2017-2021 йилларда республикада илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** амалга оширилмоқда.

2017 йили Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу вазирликка Тошкентда, илм-фан ва таълим соҳасининг ўчоғи — Талабалар шаҳарчасида янги, илмий-техникавий ижод учун ҳар томонлама қулай шароитларга эга бўлган ноёб бино қуриб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида мамлакатимизда 2019 йил 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ўзбекистон илм-фани дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт

Давлатимиз раҳбарининг Президент сифатидаги биринчи учрашуви 2016 йил 30 декабрда юртимиз академиклари билан бўлиб ўтган. Ўз навбатида, Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, Фанлар академиясининг 32 нафар янги ҳақиқий аъзоси тасдиқланди.

Янги академиклар сафидан юртимизнинг физика-математика, кимё, биология, техника, қишлоқ хўжалиғи, тарих, иқтисодиёт, филология, ҳуқуқшунослик, педагогика, тиббиёт фанлари ҳамда санъатшунослик соҳаларида кўзга кўринган олимлари ўрин олди.

Эътибор беринг, бунга қадар Ўзбекистон Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғига охирги сайловлар 1995 йилда ўтказилган. Бунинг оқибатида ўтган давр мобайнида юртимизда академикларнинг сони икки баробардан кўпроққа қисқариб, Фанлар академиясининг атиғи 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди, холос.

Мамлакатимиз фундаментал фанининг етакчиси сифатида ҳақли равишда алоҳида ўрин тутадиган Фанлар академияси таркибида бир қанча илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тиклангани буни яққол тасдиқлайди. Хусусан, Фанлар академияси таркибига 9 та илмий-тадқиқот муассасаси қайтарилди ва қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди. Фанлар академиясининг фан йўналиш-лари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди.

Иккинчи томондан эса илмий-амалий фаолияти йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун сўниб, тугаб бораётган Ўзбекистон Фанлар академиясига қайтадан “жон” ато этилди. Шундай экан, қисқа вақт ичида Фанлар академиясини, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариш ва соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш йўлида ниҳоятда муҳим амалий чоралар кўрилгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илғор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”.

Маърифатли ёшлар — Ўзбекистоннинг “олтин фонди”

Президентимиз томонидан 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш -чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шу ва кейинчалик қабул қилинган бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масаласига жиддий аҳамият берилди.

Бунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта

кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланди.

Натижада сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Жорий йилда олий ўқув юр்தларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшлар хужжат топширди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, “Замонавий мактаб” дастурини жорий этиш борасидаги ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Жорий ўқув йилидан мактабларда “Тарбия” фанидан дарс ўтилади.

Мактаб — бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи, дейди мамлакатимиз раҳбари. Бу масалани давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Мактабни ўзгартирмасдан туриб одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Атоқли француз адиби Виктор Гюгонинг: “Мактаб очган одам бамисоли қамоқхонани ёпгандек гап”, деган ҳикматли ибораси бунга яққол мисолдир. Яъни мактаб, таълим, тарбия бор жойда болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурият қолмайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда 11 йиллик мактаб таълими тиклангани алоҳида диққатга лойиқ. Энг асосийси, юртимизда **“мактабгача таълим — мактаб таълими — олий таълим”** силсиласи тимсолида миллий таълимнинг узлуксиз тизими яратилди.

Кейинги тўрт йилда Наманганда Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қаршида Абдулла Орипов, Марғилонда Эркин Воҳидов, Нукусда Ибройим Юсупов, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Гулистонда Ҳалима Худойбердиеванинг махсус ижод мактабларига асос солинди. Ўз навбатида, иқтидорли болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда ташкил этилган Президент мактаблари янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим асос бўлиши шубҳасиз. Чунки бу ўқув масканлари иқтидорли болаларни аниқлаш, илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларга сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизимга айланди. Таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган. Юртимизда аввалдан шаклланган илмий мактаблар салоҳиятини ҳисобга олиб, ҳозирги босқичдаги миллий манфаатларимиз ва тараққиётимиз йўналишларидан

келиб чиққан ҳолда бу йил математика, кимё, биология, геология фан ва соҳаларини ривожлантириш танлаб олинган.

Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистоннинг математика фани бўйича салоҳияти дунё миқёсида тан олинган. Қолаверса, функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишлари бўйича нуфузли мактаб-ларимиз шаклланган бўлиб, айти пайтда самарали фаолият юритмоқда. Етти нафар математик олимимиз Жаҳон фанлар академияси аъзоси -ҳисоб-ланади.

Кўплаб хорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирик шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда кўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда. -Президентимизнинг математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришга оид 2019 йил 9 июлдаги қарори ижроси доирасида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институти учун замонавий талаблар асосида янги бино барпо этилмоқда.

Ана шундай янги турдаги, энг замонавий таълим муассасаларида таҳсил оладиган ёшларимиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг “олтин фонди” ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз борлигидан, демакки, Ўзбекистонда том маънода янги Уйғониш даврининг пойдевори кўйилганидан далолат беради.

Энг асосийси, фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг бош мақсади бўлиб қолади.

ОҚ ТОНГЛАР КУЙЧИСИ

Шухрат РИЗАЕВ,
адабиётшунос



Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатагон қилинмаганида Ватанимиз ривожини учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкентнинг Миробод бозорини кўрган бўлсангиз керак. Шу бозорга туташ кўчалардан бири Сапёрлар (ҳозирги Миробод) номи билан аталар эди. У темир йўл вокзали билан Тупроққўрғондаги ҳарбий гарнизонни бир-бирига боғлаган. Бу ерларда кўпроқ темир йўл ишчилари ҳамда аскарлар истиқомат қилган.

XX аср бошларида бу ер инқилобий воқеаларнинг қайнаган жойларидан эди. Ана шу кўчадаги 74-уйда халқимизнинг атоқли фарзанди, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний яшаган. Сақланиб қолган табаррук дастхатлар, юзлаб китоб ва ҳужжатлар гувоҳлик беришича, Абдулла Авлоний ўзбек болалар адабиёти, ўзбек миллий театри, драматургияси, педагогика ва матбаачилигининг асосчиларидандир. Авлоний Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар харакатининг кўзга кўринган намояндаларидан эди.

XX аср бошларида Марказий Осиё ва Кавказнинг марказий шаҳарлари ҳамда Қозонда юзлаб зиёли кишилар хурофот ва чор Россиясининг истибдодидан қоқоқ аҳволга тушиб қолган ўз халқларининг ижтимоий-маданий турмушини, онг-савиясини кўтариш, тараққий эттириш мақсадида ниҳоятда катта маърифатчилик ишларини олиб бордилар. Европача усулдаги театр тўғараклари туздилар, турли газета ва журналлар чиқардилар. Театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган “усули жадид”, яъни янгича, илғор усулдаги мактаблар очдилар ва бу мактабларда маҳаллий халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг замонавий, билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни

озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва шу йўлда фидойилик кўрсатдилар.

Абдулла Авлоний ҳам шу мақсадда яшади ва фаолият кўрсатди. 1907 йили Мирободдаги ўша уйда “Шухрат” номли газета нашр эттирди. Ўз маҳалласида мактаб очди, усули жаид мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Мактаб гулистони”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Мактаб-маориф ишларига кўмак кўрсатувчи “Жамияти хайрия” ташкил этди. “Нашриёт” ширкати тузиб, Хадрада “Мактаб кутубхонаси” китоб дўконини очди.

Абдулла Авлонийнинг Октябрь тўнтаришига қадар кўрсатган фаолиятида театрчилик соҳасидаги хизматлари алоҳида аҳамиятга молик. Унинг 1913 йилда ташкил этган “Турон” номли театр тўғараги Туркистондаги биринчи театр труппаси эди. “Турон” театр тўғараги кейинчалик Ҳамза тузган труппа билан қўшилиб, Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий) академик драма театрига асос бўлди. Авлоний труппасида кейинроқ машҳур давлат ва маданият арбоблари бўлиб танилган Низомиддин Хўжаев, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Шамсиддин Шарафиддинов (Хуршид), Маннон Уйғур каби ёшлар қатнашар эдилар. Улар Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Бадрий, Абдулла Қодирийнинг пьесаларини ҳамда ўзлари оригинал сахна асарлари ёзиб сахналаштирар ва ролларни ҳам ўзлари ижро этар эдилар. 1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Рухилло Тошкентга келиб, “Турон” труппаси билан бирга “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Авлоний бу спектаклда Қайснинг отаси Малую ролини ижро этади. Шу даврда Авлоний ўз театри учун “Пинак”, “Адвокатлик осонми?”, “Сиз ва биз” номли пьесалар ҳам ёзиб, сахнага қўяди, татар ҳамда озарбайжон жаид драматургларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилади. Труппа аъзолари билан 1914-1916 йиллар давомида Фарғона водийсида гастролларда бўлади.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Абдулла Авлоний янада қизғинроқ ижтимоий фаолият билан машғул бўлади. Турли ташкилотлар тадбирларида қатнашади, маҳаллий муаллимлардан иборат “Ўқитувчилар союзи”ни тузиб, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради, “Турон” исмида газета нашр этиб, унда илғор қарашларни олға суради. Бироқ Авлонийнинг ҳаёти текис кечмади. Миллатнинг таракқиёти йўлида нимаики хайрли ишга бош қўшмасин, курашларсиз бўлмади. Авлоний нашр эттирган биринчи газета “Шухрат”нинг ўнта сони чиқар-чиқмас ҳукумат томонидан тақиқланди. “Турон” газетасининг тақдири ҳам шундай кечди. Ҳатто Авлоний “кофир” деб эълон қилиниб, ўлимга маҳкум этилди. Фақат матбуот орқали “тавба-тазарру” уни ўлимдан сақлаб қолди.

Авлоний кўпгина хур фикрли кишилар қатори Октябрь инқилобига умид билан қаради, унинг ғалаба қилишига, ғалабалари мустақамланишига имкони қадар ҳисса қўшди. Биринчилардан бўлиб фирқа аъзолигига ўтди. Туркистон коммунистларининг II съезида Марказий Комитет аъзолигига сайланди.

Биринчи бўлиб Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг “Коммунистик партия манифести”ни ўзбек тилига ўгирди, “Иштирокиюн” (ҳозирги -“Ўзбекистон овози”) газетасига муҳаррирлик қилди. Бироқ инқилобнинг, советлар ҳокимиятининг халқ манфаатига тобора зид йўлдан бораётганини ҳам англай олди. 1919 йилда “Хафалик соатда” деган шеър ёзди. Унда бундай сатрлар бор эди:

*Дерларки ой(н)инг ярми қаро, ярмиси равшан,
Ўттиз кунни ҳам бизга букун қоп-қародур кўраман.*
(“Иштирокиюн” газетаси, 13-сон)

1919-1920 йилларда Авлоний Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Совет элчихонасида бош консул бўлиб ишлади. Халқларимиз ўртасида биродарликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Афғонистон подшоси Омонуллохон томонидан кумуш соат билан тақдирланди. Булар Авлоний шахсиятининг тарихимиздаги ўрни қанчалик муҳим эканлигидан далолат.

Минг тўққиз юз йигирманчи йилларда Авлоний турли ижтимоий вазифалар билан бирга муаллимлик касбини ҳам давом эттирди. Ҳарбий мактабда, Ўрта Осиё давлат университетида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, илмий-методик ишлар билан машғул бўлди. Авлоний ўзбек зиёлилари орасида биринчилар қатори профессорлик даражасига ва “Меҳнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Абдулла Авлоний 1934 йил августда Тошкентда вафот этди. Мамлакатимизда минг тўққиз юз ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида бошланган ялпи таъқиб, ҳалол, диёнатли кишилар номига ножоиз айблар ёғдириш оқибатида Авлоний мансуб авлод шафқатсиз қатағонга учради. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Ҳамза, Тавалло, Чўлпон, Фитрат, Сиддиқий-Ажзий, Сидқий Хондайлиқий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Мирмулла Шермуҳамедов, Сўфизода, Садриддин Айний ва яна ўнлаб маърифатчи зиёлилар номи билан боғлиқ жадиличлик ҳаракати ноҳақ қораланди, уларнинг номлари ҳам, асарлари ҳам (айримларини истисно қилганда) узоқ йиллар тилга олинмади. Миллатнинг истиқболи йўлида ҳаётини бағишлаган жадид зиёлилари қаторида Абдулла Авлоний асарлари ҳам узоқ вақт нашр этилмади. Фақат 1960-йиллар охири ва 1970-йилларга келиб унинг асарларини чоп этишга муваффақ бўлинди. Бу Авлоний асарларига қизиқишнинг йиллар ўтиб сусайганлигидан эмас, балки айрим эҳтиёткор кимсаларнинг журъатсизлиги туфайли амалга оширилмади. Зеро, Авлонийнинг қуйидаги фикрлари унинг аксарият асарлари каби бугунги кунимизга ғоят ҳамоҳанг:

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур... Ёху, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук! Яхши қўшнингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етушгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак ва охтарсак, йўқолганларини ҳам топармиз. Йўқолса йўқолсун, ўзи бошимга тор эди, деб Ёвропо қалпоғини киюб, кулгу бўлмак зўр айб ва уётдур”.

Мазкур сўзлар она тилимиз ва миллий тарихий хотирамиз қайта тикланаётган шу кунларда Абдулла Авлониёни бизга замондош этади ва биз, набираларидан авлониёлар даври тарихи ва адабиётига эътиборлироқ, синчковроқ бўлишни тақозо қилади.

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси



БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбарининг она тилимизда чиқиш қилгани улкан тарихий воқеа ўлароқ, ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотди. Халқимиз гурурини юксалтирди, кўнглимизни тоғдек кўтарди. Зеро, ўз замонларида Амир Темур, Навоий, Бобур каби улуғ ватандошларимиз сўзлаган, унинг ривожини йўлида қайғурган она тилимиз жаҳоннинг энг нуфузли минбаридан жаранг сочиши Ватанимизнинг бой ўтмиши, бугуни ва фаровон келажагини ифода этувчи муҳим воқеликдир.

Шу боис, бу воқеа бутун халқимиз, кенг жамоатчилигимиз қалбида юксак акс-садо берди. Буни биз ижтимоий тармоқларда бўлаётган қизгин муҳокама ва чиқишлардан ҳам кўриб-билиб турибмиз. Жамоатчилик, зиёлилар билдираётган фикрлар ва муносабатлар фикримизга исботдир.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлган дастлабки кунлардан халқаро ҳамжамият билан тенг ҳуқуқли, суверен ҳамкорлик олиб бориш йўлидан бормоқда. Хусусан, 1992 йил 2 март куни жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТга аъзо бўлган мамлакатимиз ўзаро кўп томонлама шерикликнинг устувор йўналиш-лари бўйича ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017 йил 19 сентябрда Президентимизнинг БМТнинг 72-сессиясидаги иштироки ва сўзлаган нутқи -Ўзбекистоннинг мазкур тузилма доирасидаги халқаро ташаббусларида янги тенденцияларни намоён қилди.

Шу ўринда 72-сессиядан кейинги қисқа даврни таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбари кўтарган Афғонистон муаммоси, ушбу мамлакатда тинчлик, осойишталикни таъминлаш ва мавжуд вазиятни барқарорлаштириш борасида ижобий силжишлар кўзга ташланаётганлигини айтиш зарур. Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича йирик халқаро анжуман ўтказилди. Ушбу халқаро тадбирдан кейин Афғонистонга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Яъни унга хавф-хатар туғдирадиган, уруш бўлиб ўтаётган мамлакат сифатида эмас, балки энг яқин кўшни ва ишончли ҳамкор сифатида қараш анъанаси шакллана бош-лади. Бугунги кунда афғон заминида жуда катта лойиҳалар, дастурлар татбиқ қилинмоқдаки, бу ушбу давлатнинг иқтисодий тиклаш, савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

72-сессиядаги нутқда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муаммолар, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳам тилга олинган эди. Йиллар давомида чегара, сув таъминоти, савдо-сотиқ йўналишларидаги ишларда бир қатор муаммолар йиғилиб қолган эдики, давлатимиз раҳбари томонидан уларни баҳамжиҳат ҳал қилишга қаратилган Маслаҳат кенгашларини ўтказиш ташаббуси илгари сурилганди. Натижада минтақамизда мутлақо янги муҳит шаклланди. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ўзининг тарихий ўзанларига қайтди, борди-келдимиз яхшиланди ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Учинчи йўналишдаги масала бу — Орол денгизининг қуриши муносабати билан юзага келган фожеанинг оқибатларини бартараф этиш бўйича илгари сурилган ташаббус. Бугунги кунда бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Траст фонди ташкил этилди. Энг етакчи мамлакатлар, халқаро ташкилотлар кўмагида маблағлар сафарбар қилин-япти. Бу чора-тадбирлар туфайли Оролбўйи аҳолисининг турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда.

Бундан ташқари, Маърифат ва диний бағрикенг-лик тўғрисидаги БМТ резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган эди. 2018 йилда ушбу резолюция қабул қилинди. Шунинг алоҳида қайд этишимиз лозимки, давлатимиз раҳбарининг БМТда, яъни дунёнинг энг юқори минбарида айтган деярли барча ташаббуслари бугунги кунда тўлиқ қўллаб-қувватланиб, амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг инсоният бошига оғир ташвиш солган бугунги глобал пандемия-га қарши кураш жараёнида эришадиган натижалари ҳам халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда COVID-19 инфекцияси қайд этилган илк кунларданок хавfli юқумли инфекция тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббиёт тизимларини кучайтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Глобал пандемия нафақат тиббий-ижтимоий соҳага, балки иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш ривожига ҳам жиддий зарар етказди. Шундай вазиятда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим чоралар кўрилди, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзлар берилди. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга тушиши кутилаётган бир вазиятда Ўзбекистонда бу борада 1,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришилиши кутилаётгани мамлакатимизда пандемия оқибатларини юмшатиш бўйича нечоғли тўғри йўл танланганининг яққол ифодасидир. Айнан пандемия даврида мамлакатимиз қарийб 3 миллиард долларлик имтиёзли кредит ҳамда грантларни жалб этди. Ҳозирги кунда уларни ўзлаштириш дастурлари амалга оширилмоқда. Унинг етти юз миллиони ишбилармон доиралар ва банкларни қўллаб-қувватлашга қаратилди. 300 миллиони коммунал хўжалик ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлашга йўналтирилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида “Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастурига кўшимча 1 триллион сўм маблағ ажратилди. Умуман олганда эса оилавий тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм маблағ кафолатланган иш ўринлари яратадиган кичик ишлаб чиқариш ло-йиҳаларига йўналтирилади. Албатта, бу чора-тадбирлар бугунги мураккаб шароитда мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий муҳит барқарорлигини сақлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ҳам жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида бўлди. Президентимиз сессия ялпи мажлисида сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди ҳамда -Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, концептуал жиҳатдан мутлақо янги 10 дан ортиқ ташаббус илгари сурилди.

Муҳокамаларнинг энг асосий мавзусини ҳисобга олиб, коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашиш ва касаллик салбий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига кенг урғу берилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Хусусан, глобал муаммога ҳар бир давлат ўз ҳолича ёндашгани, ягона стратегия йўқлиги намоён бўлди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади. Шу жиҳатдан Президентимиз томонидан БМТ шафелигида пандемия-лар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Айтиш керакки, ушбу таклиф 2020 йил 8 июлда бўлиб ўтган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг COVID-19 ва меҳнат масалаларига бағишланган Глобал саммитида халқаро жамоатчилик эътиборига илк бор ҳавола этилган эди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур таклифининг ўзига хос аҳамияти шундаки, унда аввало, пандемияга қарши курашиш бўйича жаҳон тажрибасига асосланиб инсоният учун бундай таҳдидни барча давлатларнинг биргаликдаги фаол саъй-ҳаракатлари ва ҳамкорлиги орқали енгиш ғояси илгари сурилади.

Афсуски, пандемия сабабли чеклов чораларини қўллаш жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтирди. Шу жиҳатдан қараганда, таклиф этилаётган ташаббус, биринчи навбатда, пандемия даврида давлат сиёсатининг асосий тамойилларини аниқлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, пандемия туфайли давлатларнинг турли соҳалар, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажаришдаги долзарб вазифалари яққол намоён бўлди. Бу муаммоларга самарали ечим топиш учун нафақат барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг тизимлилигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

мажбуриятларини аниқ англаши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, мазкур Халқаро кодекс пандемия пайтида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлаш бўйича давлатлар томонидан бажариладиган минимал шартлар ва мажбуриятларни белгилашга қаратилган.

Қолаверса, Халқаро кодекс барча соҳаларда барқарор ривожланишга эришиш учун ҳамма иштирокчиларнинг — ҳукуматлар, бизнес, фуқаролик жамияти институтларининг пандемияга қарши зарур чораларни кўриши бўйича ихтиёрий мажбуриятларини жамлашга йўналтирил-гандир.

Шу жиҳатдан қараганда, бу жуда муҳим ташаббусдир. Чунки бундай кодекс, аввало, ҳар бир мамлакатда аҳолининг офат қаршисида ночор бўлиб қолган энг заиф қатламларини ҳимоялаш, қолаверса, ривожланишнинг қуйи босқичида бўлган давлатларга ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда кўмак бериш ва умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўйлаймизки, -Ўзбекистон Президентининг ушбу муҳим ва ўринли ташаббуси ҳам бутун жаҳон аҳли томонидан қўллаб-қувватланади.

Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган яна бир ташаббус — барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилишдан иборат бўлди. Бу жуда муҳим, чунки аксарият давлатларда қонун чиқарувчи органлар аъзолари БРМга эришишни қўллаб-қувватлаш ҳамда мониторинг қилишда Конституция билан кўзда тутилган имконият ва ваколатларга эга. Миллий парламентларнинг қонунларни қабул қилиш ва бюджетларни тасдиқлаш билан боғлиқ муҳим роли БРМ борасида мамлакатлар томонидан олинган мажбуриятлар самарали бажарилишига хизмат қилади.

Шу жиҳатдан, Олий Мажлис палаталари ҳам кейинги йилларда қатор ваколатларга эга бўлди. Хусусан, шу йилда ташкил этилган парламент комиссияси томонидан ушбу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда Барқарор ривожланиш миллий мақсадларининг ҳам умумдавлат, ҳам вилоят ва туманлар кесимида бажарилиши устидан назорат олиб борилмоқда. Бу борада комиссия ишига маҳаллий кенгашлар депутатлари, кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВлар кенг жалб этилмоқда.

Ўйлаймизки, Президентимиз ташаббусига кўра, БМТ Бош Ассамблеясининг барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилиниши катта маънавий ва сиёсий таъсирга эга бўлиб, бу йўналишда жаҳон миқёсида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш ҳамда унга янгича суръат бағишлашда айни муддаодир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида глобал хавфсизликни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Жумладан, -Ўзбекистон БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси доирасидаги минтақавий кўш-ма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тарафдори экани таъкидланди. Шу ўринда айтиш

керакки, Ўзбекистон БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлади ва ўтган даврда терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бўйича 14 та халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилди. Унинг доирасидаги минтақавий қўшма режа Марказий Осиё минтақаси учун терроризмга қарши кураш бўйича умумий кўрсатмаларни белгилайдиган ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу ҳужжат нималар қилиниши кераклиги тўғрисида аниқ бўлимларни ўз ичига қамраб олгани, узоқ вақт давомида терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари белгилангани, эришиладиган умумий мақсадларни белгилаб бергани ҳамда у ҳукуматлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган мавжуд таклифлар асосида ишлаб чиқилган ташаббусларни амалга оширишда юзага келадиган мавжуд бўшлиқлар ва муаммоларни баҳолаш имконини бериши билан ҳам катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан мазкур халқаро конференцияни ўтказиш ўтган давр мобайнида эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олишда катта аҳамиятга эга.

БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш — бу давлатимиз раҳбари дунёнинг энг нуфузли минбарида сўзлаган нутқида урғу берган яна бир ташаббусдир.

БМТ ҳузурида Афғонистон бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этилса, бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётини таъминлаш борасидаги жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда афғон заминида кечаётган тинчлик ўрнатиш жараёнлари қатъий назоратга олинишини таъминлаш имконини беради. Бундан нафақат афғон халқининг ўзи, балки биз каби қўшни мамлакатлар ҳам, бутун дунё давлатлари ҳам наф кўради.

Президентимиз ўз маърузасида дунё миқёсида долзарб бўлиб турган муаммолардан бири — глобал иқлим ўзгариш-ларига алоҳида тўхталди. Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатлари бундай ўзгаришларнинг Марказий Осиё тараққиётига ҳам хавф солаётганига бир мисол бўла олади. Шу ўринда айтишни истардимки, Ўзбекистон ушбу экологик фожеани бартараф этиш учун барча имконият ва ресурсларни сафарбар этмоқда. Жумладан, сўнгги бир неча йил давомида Оролбўйи ҳудудида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Денгизнинг қуриб қолган ҳудудида умумий майдони икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. 2018-2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича давлат дастури қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақидаги махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш

халқаро куни сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Бу бизга нима беради? Аввало, Оролбўйи минтақаси экологиясини ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган биргаликдаги чораларни амалга оширишга инвестициялар жалб қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга эришилади. Бунда, айниқса, экологик соф технологияларни жорий этиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга комплекс татбиқ этиш мумкин бўлади. Қолаверса, иқлим ўзгариши оқибатларини Оролбўйи ҳудуди учун юмшатиш, энергия ва сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ва экотуризмни ривожлантириш ҳам таъмин-ланади.

Яна бир муҳим ташаббус — БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз. Зеро, глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига чуқур интеграциялашув масаласи нафақат денгиз йўлларида олисда жойлашган минтақамиз, балки тараққиётнинг турли босқичларида турган ҳар бир давлат учун муҳим. Қолаверса, Марказий Осиёнинг табиий-географик жойлашуви ва салоҳияти минтақамизга Европа ва Осиё ўртасидаги транспорт кўпригига айланиш имконини беради. Шу маънода бизга қўшни барча давлатлар мавжуд транзит-транспорт йўлакларини диверсификация қилиш ва ривожлантиришдан манфаатдор. Ушбу муҳим стратегик вазифанинг ҳал қилиниши Марказий Осиё мамлакатлари қаторида бошқа ҳудудларнинг ҳам жадал ривожланишини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан она тилимизда қилган чиқишида минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий меросини тарғиб қилишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Президентимиз Ўзбекистоннинг “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуида халқаро форумни ўтказишга тайёрлигини билдирди. Кўҳна заминимиз Буюк ипак йўлидаги қулай географик жойлашуви туфайли халқаро савдо, маданий, илмий ва ақл-заковат алмашинувида муҳим бўғин бўлиб хизмат қилган. Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги мулоқот ривожига беқиёс ҳисса қўшган. Бироқ Марказий Осиё халқларининг бугунги жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса, Ўзбекистонимизнинг бебаҳо маданий меросини дунё аҳли учун деярли очилмаган хазина сифатида баҳолаш мумкин. Шу жиҳатдан мазкур халқаро форум ана шу хазинани дунёга танитишда муҳим омил бўлади.

Ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш — бу Президентимизнинг нутқида эътибор қаратилган яна бир долзарб масала. Давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб яна бир бор барча-барчани БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича -Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди. Бугунги кунда бу конвенция ло-йиҳаси бутун дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътироф этиляпти. Хусусан, яқиндагина ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида бу конвенция бўйича ижобий фикрлар билдирилди. Кези келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон нафақат ушбу конвенция ло-йиҳасини тайёрлаш

ташаббуси билан чиқди, балки ёшлар масаласини бугун давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарди. Ёшлар ишлари бўйича агентлик ташкил этилди, фондлар тузилди, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, нутқда гендер тенглик масаласи ҳам кўтарилди. Шу пайтгача биз учун гендер тенглик масаласи устувор эмасдек туюларди. Лекин мазкур масала таҳлил қилинганда, аниқ бўлдики, биз бу борада анча ортда қолиб кетган эканмиз. Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва нуфузи, уларнинг бошқарув идораларидаги иштироки мутлақо қониқарсиз аҳволда экани аён бўлди. Шу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида охириги 4 йилда мамлакатимизда 2 та муҳим ҳужжат — “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Шулар асосида кенг кўламли ишлар бажарилди ва натижада бугунги кунда опа-сингилларимиз давлат бошқаруви идораларида самарали фаолият юритмоқда. Парламентда уларнинг сони икки баробар ошганидан ҳам бу борадаги вазият ижобий томонга ўзгарганини билиш мумкин.

Одатда бу каби юксак минбарлардан туриб сўзлаган нотиклар энг асосий урғу бермоқчи бўлган масалани чиқиш охирига олиб кўядилар. Давлатимиз раҳбари ҳам ўз чиқиши якунида замонавий хатарлардан бири — қашшоқлик ва камбағаллик глобал муаммоларни кучайтираётганига алоҳида эътибор қаратди. Бу муаммолар, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида янада кескин тус олаётгани, тобора ташвишли кўриниш касб этаётган қашшоқлик овози бутун дунё ҳамжамятини, барчамизни безовта қилиши зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессия-сининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш таклиф этилди. Шунинг ўзиёқ бу муаммо Президентимизни, умуман, бутун халқимизни қанчалик ўйлантираётганидан далолат беради. Ваҳоланки, бир неча йил аввал бу муаммо мавжудлиги тан олинмас, қашшоқлик ёки камбағаллик сўзлари давлат даражасида ҳатто тилга олинмас эди. Биргина ўтган тўрт йил мобайнида мамлакатимизда бу йўналишда изчил ва кўламдор ишлар амалга оширилдики, бунинг самарасини ҳатто пандемия ҳам йўққа чиқаролмади.

Аминмизки, бугун глобал даражадаги муаммога айланган камбағалликни фақат бутун жаҳон ҳамжамятининг бирлашган саъй-ҳаракатлари эвазига бартараф этиш мумкин. Унга урғу бераркан, давлатимиз раҳбари хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарурлигини яна бир бор уқтирди. Ўз навбатида, -Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, БМТ ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёрлиги таъкидланди. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар бир давлатнинг вазифаси ўз фуқароларига муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратиб

беришдан иборатдир. Шу маънода, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар яқин келажакда нафақат ўзининг кутилган самарасини бериши, балки дунёнинг бошқа давлатлари учун ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР:

Учинчи Ренессансга элтадиган юксак салоҳиятли янги авлод бешиги

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари хусусида кенг қамровли таҳлилга асосланган, салмоқли фикр-мулоҳазаларини билдирди, соҳага доир мақсад ва вазифаларни белгилаб берди. Ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича мутасаддилар олдида турган долзарб масалалар хусусида сўз юритиб, жумладан, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини кучайтириш бўйича ҳам танқидий фикрлар ва қатор таклифларини баён этди.

Мухбиримиз агентлик раҳбари Ҳилола УМАРОВА билан суҳбатлашиб, давлатимиз раҳбари нутқида илгари сурилган таклифлар ижроси, тизимдаги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ўқув жараёни кечишига доир саволларга жавоб олди.

— Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Уни ташкил этишдан асосий мақсад иқтидорли ёшлар билан ишлаш, уларнинг чуқур таълим олиши учун муносиб шарт-шароит яратиш ва барча умумтаълим мактаблари учун ўрناк ва андоза вазифасини ўташига эришишдир, — дейди Ҳилола Умарова. — Ҳозир тизимда 16 та таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Жумладан, 4 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби ва 3 та ихтисослаштирилган мактабда 3095 нафар ўқувчи турли фан йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган таълим олмоқда.

Айни пайтда агентлигимиз ва унинг тасарруфидаги мактаблар шаклланиш жараёнида. Дарҳақиқат, ҳали олдимизда бажарилиши керак бўлган вазифалар талайгина. Давлатимиз раҳбари буларни яна бир бор эслатиб ўтди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия масаласига, айниқса, охириги уч-тўрт йил давомида эътибор тубдан ўзгарди. Олдимизга янги вазифалар қўйилди. Таълим сифати ва ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Таълим сифатини ўқитувчилар белгилайди. Шундай экан, уларнинг илмий салоҳиятини, тажрибасини ошириш керак. Шу маънода, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги баъзи мактабларга хорижлик педагогларни жалб қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш амалиёти йўлга қўйилгани ижобий натижа бер-япти. Бу тажрибани келгусида ҳам оммалаштиришда давом этамиз. Фақат шунинг ўзигина эмас, педагогларни малака ошириш учун хорижга юбориш ҳам юртимизда ўқитиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

Президент мактаблари базасида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларини очишни режалаштиряпмиз. Таклиф қилинган

юқори малакали чет эллик ўқитувчилар тажрибасини ўрганиб, маҳаллий муаллимлар малакасини босқичма-босқич оширамиз. Шунингдек, педагогларимизнинг Кембриж таълим дастури асосида хорижда малака ошириши ва қайта тайёрловдан ўтиши учун шароит яратамиз.

Таълим жараёнини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш мақсад қилинганди. Шу ниятда Президент мактаблари учун хориждан замонавий дарсликлар ва ўқув дастурлари олиб келинди. Олдимизда мазкур дастурларни маҳаллий мутахассислар билан ўрганиб, улар асосида янги авлод дарслиklarини яратиш вазифаси турибди. Албатта, бу жараёнда буюк аждодларимизнинг меросини ҳам чуқур ўрганишимиз, улардан дарслиklarимизда тегишли мавзулар бўйича фойдаланишимиз лозим.

— Ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари тармоғини ривожлантириш бўйича агентлик томонидан қандай ишлар бажариляпти?

— Айтганимдек, ҳозир мамлакатимизда 4 та Президент мактаби фаолият юритмоқда. Айни пайтда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги Президент мактабларининг қурилиш ишлари якунланмоқда. 2021 йилда юртимизнинг қолган ҳудудларида ҳам мана шундай нуфузли таълим муассасалари барпо этилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг шу йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, юртимизнинг барча ҳудудида кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 та таянч мактаби босқичма-босқич ташкил этилади. Таянч мактаб бўлиши учун таълим муассасалари минимал талабларга жавоб бериши керак. Масалан, ўқув масканларида мазкур фанлар бўйича малакали ўқитувчилар бўлиши зарур. Қолаверса, лабораториялар ташкил этиш масаласи ҳам бор.

Ҳозир тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мактабларнинг имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, таянч мактаблар рўйхати шакллантирилади.

Агентлик тасарруфида Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолият юритмоқда. Табиий фанларга ихтисослашган таянч мактабларни ташкил этишда мазкур таълим муассасаси тажрибаси ўрганилади. Шу билан бирга, ўқув масканлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилади.

Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ижод мактаблари мавжуд эмас. 2021 йилда Бухоро вилоятида Мухтор Ашрафий, Сурхондарё вилоятида Рўзи Чориев номидаги ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилади.

Келгусида Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳам ижод мактабларини ташкил этиш орқали ушбу ҳудудларнинг иқтидорли, ижодкор ўқувчилари учун замонавий шарт-шароитларда она тили ва адабиёт ҳамда хорижий тиллар бўйича чуқур билим олиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, ҳудудларда аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Агентлигимиз янги ижод ва ихтисослашган мактабларни очиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Агентлик ўқитиш самарадорлиги юқори бўлган ихтисослаштирилган мактаб-ларнинг тажрибасини ўрганиш борасида ҳам изчил ҳамкорлик олиб борапти. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби Қоракўл “Халқаро математика мактаби” билан 2019 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келади. Бу йилдан шериклик кўлами яна ҳам кенгайди. Октябрь ойининг сўнгги ҳафтасида мазкур мактаб вакилларининг Президент мактабига келиши кутилмоқда.

2020-2021 ўқув йилининг иккинчи чорагидан Қоракўл “Халқаро математика мактаби”нинг олий тоифали математика фани ўқитувчилари ва Президент мактабининг хорижлик педагоглари ўртасида ўзаро тажриба алмашувни йўлга йўлга қўйиш учун онлайн дарс ва тренинглари ташкиллаштириш, халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллаб келаётган ўқувчилар ўртасида ҳам мулоқотни йўлга қўйиш режалаштирилган. IELTS IDP вакиллари билан ҳам ҳамкорлик бошладик. Энди ўқувчиларимиз 9-синфдан бошлаб IELTS имтиҳонини топшириши мумкин.

— **Давлатимиз раҳбари байрам нутқида ўғил-қизларнинг ахборот технологияларга қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун зарур шароит яратиш, шу йўналишда янги мактаблар очиш зарурати ҳақида ҳам сўз юритди. Бу борада агентлик олдида қандай вазифалар турибди?**

— Ахборот технологиялари ҳаётимизда муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатимиз бу соҳада жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши учун “ай-ти” бўйича малакали мутахассислар керак. Шу мақсадда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб очилган эди. У Тошкент шаҳрида фаолият юритяпти. Президентимиз бундай мактабларни ҳудудларда ҳам ташкил қилиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Ҳозир тегишли ташкилотлар бу мактабларни ташкил этиш бўйича керакли чора-тадбирларни кўрмоқда. Агентлик ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб бу жараёнда ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр.

Агентлик тасарруфидаги мактабларда ҳам ахборот технологияларини ўқитишни ривожлантириш ниятимиз бор. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда барча ўқувчининг дастурлаш тилини ўрганиши учун тизимли ишлар бажарилади. Муассаса айни пайтда хорижнинг ЕРАМ ва Microsoft компаниялари билан ҳамкорлик қилмоқда.

ЕРАМ компанияси ўқитувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш ва баҳолашга қаратилган бўлса, Microsoft компанияси билан “Hour of code” дастури доирасида ёшларни дас-турлашга ўргатиш бўйича иш олиб борилади. Бундай ҳамкорлик бошқа компания-лар билан ҳам

йўлга қўйилади ҳамда агентлик тизимидаги бошқа мактабларда кенг жорий этилади.

— Пандемия туфайли таълим жараёнининг онлайн тизимга ўтказилгани агентлик тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчилари билимига қай даражада таъсир этади? Келгусида ўқувчилар билимида кузатилиши мумкин бўлган бўшлиқларни тўлдириш бўйича бирор чоратадбирлар белгиланганми?

— Коронавирус инфекциясининг тарқалиши ҳаёт тарзимиз, жумладан, ўқитиш тизимига ҳам талай ўзгартиришлар киритди. Онлайн таълим пандемия даврида фарзандларимизга билим беришнинг асосий воситасига айланди. Бундай шароитда таълим беришнинг бошқа оптимал йўли йўқ эди, назаримда. Ҳозир пандемия туфайли видеодарс-лардан хорижий мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, Youtube ёки таълим сайтларига кирсангиз, турли мавзулардаги видеодарслар мавжуд. Улар ёрдамида билим олиш, дастурлашни ёки чет тилини ўрганиш мумкин. Айни пайтда фарзандларимизга мустақил билим олиш кўникмаси етишмаяпти. Улар мустақил билим олиши ва маълумот қидиришни ўрганиши керак.

Тизимимиздаги таълим муассасаларида ҳам ҳозир таълим онлайн олиб борилмоқда. Ўқитувчиларимиз ўқувчиларнинг пухта билим олишини қатъий назорат қиляпти. Педагоглар фарзандларимизга ўзлаштиришга қийналган мавзулари бўйича қўшимча тушунча бериш ҳамда кўмаклашишга доим тайёр. Анъанавий таълим тизимида ўтганимиздан кейин ўқувчиларнинг билими яна бир баҳоланади. Қўшимча дарслар ёрдамида билимида кузатилган бўшлиқлар тўлдирилади.

— Ўзбекистон Учинчи Ренессанс бўсағасида экани ҳақида кўп айтиляпти. Янги даврда мамлакатимиз илм-фанини юқори босқичга олиб чиқадиган бўлғуси олимлар, замонавий мутахассислар, шубҳасиз, агентлик тасарруфидаги таълим масканларидан чиқиши кутиляпти. Бу мақсадга эришиш учун Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ўқитиш жараёнига қандай янги технология ёки методлар жорий этилиши режалаштирилган?

— Президентимиз байрам нутқида “Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади” деган ғояни ҳар биримиз ўзимиз учун шиор қилиб олишимиз зарурлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас. Қайд этганингиздек, янги даврда мамлакатимиз илм-фанини юқори босқичга олиб чиқадиган бўлғуси олимлар, замонавий мутахассислар ва дунё илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган боболаримизга муносиб авлодни тарбиялаш бўйича агентлик бир неча йўналишда иш олиб бормоқда.

Жумладан, Президент мактабларидаги таълим дастурларини ўқитишнинг фанлараро ёндашувига — интеграциялашувига асосланиб, ўқувчилар эгаллаган билимларни баҳолашнинг замонавий услубларини амалиётга жорий этдик. Келгусида Президент мактабларида фаолият юритаётган хорижий ҳамда маҳаллий ўқитувчилар иштирокида ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини ҳаётга татбиқ этиш

имконини бера оладиган миллий ўқув дастурини яратиш ва такомиллаштириш ниятимиз бор.

2020-2021 ўқув йилида ўқув фанларининг сони ўртача 11 тагача камайтирилди. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган фанлар ўзаро интеграциялаштирилиб, ўқув фанларининг сони оптималлаштирилмоқда. Натижада ўқувчиларга ортиқча юкламанинг олди олинди.

Баҳолаш тизими шаффофлигини таъминлаш ҳамда баҳо учун ўқиш тушунчасини йўқотишга ҳаракат қиляпмиз. Шу мақсадда STEM фанларида мавжуд бўлганидек, маҳаллий фанлардан ҳам кучли ва самарали назорат ишлари базаси яратилмоқда. Бу жараёнда болаларнинг билимини баҳолашда ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш учун жорий (кунлик) баҳолаш ва рейтинг тизимидан воз кечилмоқда. Ўғил-қизларнинг чораклик баҳолари жорий ва оралик назорат ишлари натижаларига асосланиб чиқарилади. Шунингдек, фоизларда ифодаланади. Натижада ўқувчиларнинг келажакда A-Level, IGCSE ва давлат имтиҳонларини топшириш бўйича тажрибаси ошади.

Президент мактабларида STEM йўналишидаги фанларни ўқитиш учун маҳаллий ўқитувчиларнинг кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида чет эллик ўқитувчилар томонидан мунтазам касбий ривожлантириш дарслари олиб -борилади.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривож-ланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, шу жумладан, барча ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттирамиз.

Ўқувчиларимизда ижодий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, STEAM фанларини хориж тажрибаси асосида ўқитиш тизимини такомиллаштиришни режалаштирганмиз. Бунинг асосида таҳлилий кўникмалар, танқидий фикрлаш қобилияти, эгалланган билимларни амалда қўллаш лаёқатини шакллантиришга қаратилган STEAM фанларини ўқитиш методикаси таълим муассасалари шарт-шароитларига мослаштирилади.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ҳужжат доирасида агентлик ходимлари ривожланган мамлакатларда малака ошириш, тизимда фаолият юритувчи ўқитувчилар эса қисқа муддатли стажировкаларда билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Хайридинмурод АБУЛФАЙЗОВ суҳбатлашди.**

ТРАНСПОРТ ДИПЛОМАТИЯСИ

Сифатли таълим ва амалиёт уйғунлигидан қувват олади

**Одил АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент давлат транспорт университети
ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори**



Мамлакатимизнинг очиклик ва шаффофликка асосланган яхши қўшничилик сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан муносабатлардаги ўзаро самимийлик ва тенглик руҳи Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли чорраҳасидаги муҳим мамлакат сифатидаги тарихий мақомини тиклашни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Афғонистонда Мозори Шариф–Кобул–Пешовар йўналиши бўйича қурилаётган темир йўл тармоғи, “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ишлар юртимизнинг транспорт-логистика соҳасидаги салоҳиятини максимал даражада оширишга хизмат қилади. Бу жараёнда транспорт соҳаси бўйича малакали миллий кадрларга эҳтиёж юқори бўлиши табиий.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 майдаги “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Тошкент давлат транспорт университетининг ташкил этилиши республикада мазкур соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тизимни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнини ўқитишнинг инновацион услублари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда илмий салоҳиятни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мақсадларни рўёбга чиқариш учун Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида Тошкент давлат транспорт университети ташкил этилди. Янги олий таълим муассасасининг ташкил этилиши олдимизга янги давр талабларига мос равишда фаолият юритиш вазифасини қўйди.

Зиммамизга юкланган вазифалар ўта масъулиятли ва залворли. Кузатувларга кўра, ҳар бир янги очилган ташкилотнинг драйвери бўлиши керак. Бусиз иложи йўқ. Биз ҳам, биринчи навбатда, олий таълим муассасамизнинг ўзига хос драйвери бўлган йўналишни такомиллаштириш устида изланаямиз. Бу жараёнда мамлакатимиз олий таълим тизими олдида турган тўрт масала бизга ҳам бегона эмас. Булар: таълим сифати, илм-фан ривожланиши учун етарли шароит, янги технологиялар трансфери ҳамда моддий-техник база.

Мана шу тўртта масалани ҳал этиш ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбарининг асосий мажбурияти, кундалик ўй-ташвиши бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда таълим сифатига эътибор кучайди, илм-фан ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Энди натижадорликка қараб интилишимиз керак. Юртимизда хориждаги олий таълим муассасалари филиалларининг очилиши, стажировка ва академик алмашувлар профессор ўқитувчиларимизга чет эллик ҳамкасбларининг фаолиятини ўз илмий-педагогик иш жараёни билан таққослаб, ютуқ ва камчиликларини ўрганиш имконини беради.

Янги тажрибалар сари йўл

Олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, халқаро тажрибани ўрганиш муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Хитой, Япония, Корея ва бошқа етакчи хорижий университетлар билан халқаро шериклик муносабатларини ривожлантириш, таълим жараёнига хорижлик илғор мутахассис ва ўқитувчиларни жалб қилишга интиляпмиз. Яқин кунларда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, жумладан, Германиянинг Кюне логистика университети, Франциянинг Фуқаролик авиацияси миллий мактаби ҳамда Тулуза бизнес мактаби билан ҳамкорлик ўрнатдик. Шу ўринда Франциянинг Фуқаролик авиацияси миллий мактаби билан ҳамкорлик хусусида алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман.

Жорий йилнинг 16 октябрь куни Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси шафелигида Тошкент давлат транспорт университети ва Европа авиацияси соҳасидаги энг йирик ўқув юрти ҳисобланган Франциянинг Фуқаролик авиацияси миллий мактаби (ENAC – École nationale de l'aviation civile) ўртасида мамлакатимиз фуқаро авиацияси учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича стратегик ҳамкорлик юзасидан видеомулоқот ташкил этилди. Мулоқот якунларига кўра икки таълим муассасаси ўртасида англашув меморандум имзоланди.

Меморандум доирасида томонлар Франция олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий тадқиқот лойиҳаларини жорий қилишда ENAC — École nationale de l'aviation civile воситасида миллий фуқаро авиацияси учун учувчиларни тайёрлаш юзасидан бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма дастурлар тузиш ва ўқув базасини яратиш, халқаро таж-рибасини ўртоқлашиш ва инновациялар трансферини қўллаб-қувватлаш, Тошкент давлат транспорт университети профессор-ўқитувчиларининг стажировкаларини ташкил этиш, таълимни рақамлаштириш ва бошқа бир қатор йўналишларда ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Мазкур меморандум ENAC ўқув дастурларини Тошкент давлат транспорти университетида авиация мутахассислари тайёрлаш жараёнига жорий қилиш, шунингдек, Марказий Осиёда илк учувчиларни тайёрлаш миллий

мактабини яратиш, фуқаро авиация мутахассислари ва илмий тадқиқотчиларининг келгусида лойиҳалар таҳлилини шакллантиришга кўмаклашади.

Бундан ташқари, айни пайтда, университетимиз Россия Федерациясининг йигирмадан ортиқ нуфузли олий таълим муассасаси, Беларусь Республикасининг Беларусь давлат транспорт университети, Корея Республикасининг Корея миллий транспорт университети, Польшанинг Силезия политехника ва Гданск технология университетлари, Австрия-нинг Клагенфурт университети ҳамда Гвинея Республикасининг Олий архитектура ва шаҳарсозлик институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозир ушбу давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларида университетимизнинг 390 нафар талабаси таҳсил оляпти.

Талабга қараб мутахассис тайёрланади

Айрим ишлаб чиқарувчилар “Институтни тугатиб келаётган ёшлар ҳеч нарсани билмайди”, дейди. Шу ўринда савол туғилади: хўш, ўзи қай даражада билади? Иш берувчи ростдан ҳам малакали ходимга талабгор бўлса, олий таълим муассасасини тамомлаб келаётганлар учун талаб қўйсин. Менга олий маълумотли, мана шундай компетенцияга эга мутахассис керак, деган талаб, биринчи навбатда иш берувчилардан чиқиши керак. Битирувчи ва иш берувчи ўртасида юзага келаётган асосий муаммо шу — олий таълим ва ишлаб чиқаришда интеграция йўқлиги.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар битта лавозимнинг малака талаби бўлади. Малака талабига кўчада юрган одам ҳам жавоб бера олади. Чунки у бошдан охир жимжимадор сўзлар билан ёзилади. Муайян компетенция кўрсатилади. Оқибатда ўқишни тугатиб борган мутахассис “яроқсиз”га чиқиб қолади. Шу боис, биринчи навбатда, ўқув дастури пишиқ пухта бўлиши керак. Малака талабини вазирлик ва идоралар аниқ ифодалай олмас экан, меҳнат бозори талабига мос мутахассис тайёрлаш жуда қийин кечади. Чунки таълим стандарти шундан келиб чиқиб тайёрланади ва мос равишда ўқув дастури ишлаб чиқилади.

Масалан, биз авиация соҳасида малака талабини Тулузадан оламиз. Тулуза битирувчиларига компаниялар томонидан қўйиладиган талабни фаолиятимизга мослаймиз. Чунки учувчилик халқаро даражадаги соҳа бўлгани учун қийинчилик бўлмайди. Университетимизда ўқитиладиган йўналишлар бўйича малака талабини топиш мураккаб эмас. Лекин бошқа йўналишлар муаммо-да.

Илгари темир йўл соҳасида республика бўйича қанча кадрга эҳтиёж бўлса, шунча одам ўқитилган. Ортиқча одам қабул қилинмаган. Бунақада ривожланиш бўладими? Нима учун биз Урал вагонсозлик заводи учун мутахассислар тайёрлай олмаслигимиз керак? Ёки нима учун Қирғизистон темир йўл соҳаси учун мутахассис ўқитолмаймиз?

Яқинда Урал вагонсозлик заводи билан мулоқот қилдик. Германиянинг Дойчебанки билан ҳам йўлсозларимиз хусусида келишув арафасидамиз. Биз уларга мутахассисларимизни ишга олишни таклиф этяпмиз. Улар Ўзбекистонга кириб келяпти. Табиийки, бу корхоналарнинг мамлакатимизга кириб келишдан мақсади — бизнес қилиш, пул орттириш. Шундай экан, чет эл инвесторлари нега бизнинг мутахассисларимизни ишга олмаслиги керак?! Кадрлар тайёрлаш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, олий таълим муассасаси фаолиятида тармоқ корхоналари иштирокини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Унга кўра, олий таълим жараёнида назария ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг малакавий амалиётини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказишни самарали ташкил этиш, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадр-лар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги иштирокини янада ошириш ҳамда олий таълим дас-турларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилиши келтирилган.

Шу маънода, университетда олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида асосий кадр буюртмачилари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳузуридаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ўқув жараёнига соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб этиш, давлат аттестацияларидаги иштирокини таъминлаш, корхоналарда педагогларнинг стажировкаларини ташкил этиш ҳамда талабаларнинг малакавий амалиётини ўтказиш бўйича ҳамкорликда амалий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳафтада бир кунни талабаларнинг амалиёт куни сифатида корхона ва ташкилотларда тўлиқ банд қилиш ҳам белгилаб қўйилган.

Мутахассисликка оид фанларнинг дарс соати кўпайтирилди

Олий таълим муассасаларида мутахассисликдан ташқари фанларнинг ҳаддан зиёд кўп ўқитилиши узоқ йиллар талабаларни чалғитиб келди. Ўзи болаликдан орзу қилган касб бўйича етук кадр бўлишни мақсад қилган абитуриент университет ёки институтга киргач, соҳасига деярли алоқасиз фанларни кўриб ҳафсаласи пир бўлгани ҳақиқат. Шу боис, бу хатони такрорламаслик мақсадида олий таълим муассасамизда транспорт соҳасидаги кадрларни тайёрлаш таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ўқув фанлари ва юкламаларини мақбуллаштирдик.

Жумладан, ривожланган хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси ҳамда асосий кадр сўровчилар талабидан келиб чиқиб, 2020-2021 ўқув йили қабул квотаси бўйича ажратилган қирқ битта таълим йўналиши ва ўттиз бешта магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилган. Ўқув режаларида мутахассисликка оид фанлар сони кўпайтирилди. Улар сони ўттиз олтитадан ўттизтагача, ҳафталик юклама ҳажми эса ўттиз соатдан йигирма олти соатга камайтирилди. Шунингдек, амалиёт ҳафталари ҳам йигирма олти ҳафтагача оширилган.

Бу талабаларнинг ўз соҳасига тааллуқли фанларни мукамал ўзлаштириши, аудитория соатлари камайиши ҳисобига мустақил таълимга эътиборни ошириши, ўз устида ишлаши учун кўпроқ вақт ажратишига имкон беради. Амалиётга кўпроқ жалб этилиши эса соҳадаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда, керакли кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 23 ноябрь куни Тошкент транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида университетимиз фаолиятини янада такомиллаштириш хусусида ҳам сўз юритди. Айти пайтда белгиланган вазифалар юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлашга киришганмиз.

Илмий салоҳият ва ишланмалар — университет кўзгуси

Бугун мавжуд илмий салоҳият ва самарали ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши олий таълим муассасалари рейтингини аниқлашнинг муҳим мезонларидан бири вазифасини ўтамоқда. Шу маънода, ҳозирги кунда университетнинг асосий штатида 733 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Улардан 237 нафари илмий салоҳиятга эга педагог бўлиб, бир нафари академик, эллик уч нафари фан доктори, эллик тўрт нафари фалсафа доктори (PhD), 129 нафари эса фан номзоди. Илмий салоҳият 32,3 фоизни ташкил этмоқда.

Университет илмий салоҳиятини ошириш мақсадида ёш педагогларнинг илмий тадқиқот олиб бориши учун керакли шароитлар яратилган. Муассаса таркибидаги саккизта илмий тадқиқот лабораторияси, замонавий ахборот-ресурс маркази ҳамда компьютер синфлари ёш илмий тадқиқотчиларга хизмат кўрсатмоқда. Тўққизта ихтисосликни қамраб олган илмий даражалар берувчи учта илмий кенгаш мавжуд.

Университетимиз Туркиянинг Raylı Sistemler Mühendislik Müşavirlik A.Ş. ташкилоти билан ҳамкорликда “Line Control and touring Vehicle” ўлчаш-назорат ва туристлар учун мўлжалланган махсус ўзиюрар ҳаракат таркиби стартап лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Ўлчаш-назорат ва туристлар учун мўлжалланган махсус ўзиюрар ҳаракат таркибининг моделини (эскизини) Raylı Sistemler Mühendislik Müşavirlik A.Ş. билан ҳамкорликда дастурий воситалар ёрдамида яратиш бўйича изланишлар олиб борилаётир. Лойиҳа доирасида бажарилган ишлар юзасидан якуний таклифлар

жамланиб, ўлчаш-назорат ва туристлар учун мўлжалланган махсус ўзиюрар ҳаракат таркиби жорий этишга тайёрланади.

Бундан ташқари, “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ буюртмасига асосан, университет олимлари томонидан икки қаватли янги йўловчи вагонини яратиш устида изланиш-лар олиб борилмоқда. Юк вагонларини ишлаб чиқаришда юқори мус-тахкамликка эга бўлган пўлатлардан фойдаланиш бўйича техник таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Таълимдаги узвийлик — касбий маҳорат асоси

Таълим тизимида узвийликни таъминлаш ҳар бир ривожланган мамлакат сиёсатининг энг катта мақсадларидан биридир. Меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳоланишнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди.

Фармонга биноан, 2020–2021 ўқув йилидан профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлаштирилиб, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилиши, тайёрланадиган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш мақсад қилинган.

Бугунги кунда узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжини қондирувчи устувор соҳадир. Бу йил университетимиз тасарруфида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти академик лицейлари негизида Тошкент давлат транспорт университети академик лицейи ташкил қилинди.

Академик лицей бугунги кунда учта йўналиш бўйича таълим фаолиятини йўлга қўйган. Ундаги фан кафедралари университетдаги тегишли фан кафедраларига бириктирилган. Университет профессор-ўқитувчилари бевосита академик лицейдаги мутахассис ўқитувчилар билан доимий мулоқот ўрнатган. Педагоглар таълим-тарбия жараёнида замонавий фан-техникани интеграциялаш ҳамда ўқитиш жараёнини рақамли иқтисодиёт талаблари билан узвий боғлашга эътибор қаратиб келмоқда. Шу сабабли академик лицейда аниқ фанларни мукамал ва мақсадли ўргатиш мақсадида

чуқурлаштирилган фанлардан тўғарак-лар ва факультатив курслар ташкил қилинапти. Бу тўғаракларда ўқувчилар билимини оширишни назарда тутган ҳолда, роботатехника ва мехатроникани ривож-лантириш курслари ташкил қилиниши кўзда тутилган.

Бу курслар, асосан, университет профессор-ўқитувчилари ва академик лицей ўқитувчилари ҳамкорлигида олиб борилади. Ўқувчилар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билим ва савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганиш, махсус касб-ҳунар кўникмаларини шакл-лантириш имкониятига эга бўлади. Бу кўникмаларни эгаллаган ўқувчилар таълимни муайян олий ўқув муассасаларида давом эттириши мумкин.

Университет академик лицейдаги таълим тизимини молиявий, моддий-техникавий ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакл-лантириш ҳамда уларни доимий ривожлантириб, янгилаб боришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, академик лицейнинг иқтидорли битирувчи ўқувчилари кейинчалик университетимизда имтиёзли равишда таълимнинг кейинги босқичларини давом эттириш имкониятига эга бўлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШИНING МЕЪМОРИ

Акмал САИДОВ,
Академик



Юртимизнинг янги тарихида янги Ўзбекистон қурилишига замин яратган тарихий ҳодиса — Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига тайинланганига 4 йил тўлди.

2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 92-моддасига мувофиқ, Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга” тантанали қасамёд қилди. Унга қадар мамлакатнинг Асосий қонуни нормаларига мувофиқ, 2016 йил 6 сентябрдан 5 декабргача Президент вазифасини бажарувчи, 5 декабрдан 14 декабргача эса Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти сифатида фаолият юритди.

Шу қисқа давр мобайнида мамлакатимизда “**Янги Ўзбекистон**”ни қуришга ёрдам берадиган миқёсига кўра улкан ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар амалга оширилди, **халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир Уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор шакллантирилмоқда.**

Кўришиб турибдики, янги босқичнинг бошланиши ва мамлакат тараққиётининг жадал динамикасини белгилаб бераётган кенг кўламли ислоҳотларнинг барча жабҳаларини биргина кичик мақолада тўлиқ қамраб олиш мумкин эмас. Бу ҳақда замонавий Ўзбекистоннинг кўп-лаб олим ва тадқиқотчилари монографиялар ва илмий асарлар ёзадилар, деб ўйлайман.

Шу ўринда Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат раҳбарлигига келиши билан жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, янги Ўзбекистонни қуриш борасида бошлаган улкан ишларидан фақат айрим чизгиларни тилга олгинг келади.

Биринчидан, Ҳаракатлар стратегияси — янги Ўзбекистонни қуриш учун пойдевордир. Бугунги жадал суръатларда ривожланаётган дунёда фақат замон билан ҳамнафас одимлаётган, жамият ва давлатни модернизация қилиш учун зарур ислоҳотларни амалга ошираётган давлатларгина рақобатбардош бўла олишини англашдан келиб чиқиб, **янги Ўзбекистон учун янги сиёсат ва мамлакат тараққиёти учун узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.**

Қисқа вақт ичида Шавкат Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида туб ва жадал демократик ислохотларнинг мутлақо янги босқичи бошланишини белгилаб берувчи **Ўзбекистон Рес-публикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси — жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси** ишлаб чиқилди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида сиёсий тизимни модернизация қилиш, чуқур маъмурий ислохотлар ўтказиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, қулай бизнес ва инвестицион муҳитни яратиш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни таъминлаш бўйича тезкор ва тизимли, ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси асосида, хусусан, **30 дан ортиқ стратегия ва миллий дастур, 5 та кодекс, 250 га яқин қонун, Президентнинг 3 200 дан зиёд фармон ва қарорлари** ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-техник, суд-ҳуқуқ, гуманитар ва бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича яна кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иккинчидан, янги Ўзбекистон давлати — халқники. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари фаолияти инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Конституция ва қонунларнинг инсон ҳуқуқлари кафолати сифатида Шавкат -Мирзиёевнинг мамлакат Президенти лавозимига киришганидан кейин имзолаган дастлабки ҳужжатларидан бири доирасида яратилганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Унинг ташаббуси билан амалга оширилган биринчи давлат дастури ҳам **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили** вазифаларини бажаришга бағишланган эди.

Юртбошимиз ташаббуси билан - **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Рес-публикасининг миллий стратегия-си** қабул қилиниб, амалга оширила бошланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислохотларнинг асосий мезонига айланди. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-лари соҳасида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатдаги ҳолатлар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топган.

Энг муҳими, кенг кўламли ислохотлар халқ ҳаётини, дунёқарашини, турмуш тарзини ўзгартирмоқда. **Жамиятда “Янги Ўзбекистонни**

биргаликда қурамыз” деган юксак мақсад шакллантирилган ва “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги тамойил кундалик фаолиятнинг асосига айланди.

Учинчидан, янги Ўзбекистон кучли парламентаризм институти амалда бўлган ва “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойили амалга ошириладиган давлатдир.

Мамлакатимизда парламентаризм-ни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат ва парламент назорати тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳисобдорлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқ депутатлари кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда ва, энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даромадларнинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш масъулияти кучайтирилмоқда. “Электрон парламент” ва “Электрон халқ депутатлари кенгаши” тамойиллари ҳаётга татбиқ этилмоқда. **Қонуннинг ягона манбаи ва яратувчиси халқдир,** деган эзгу ғояни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қонунлар инсонлар ва жамият ҳаётини яхшилаш, қонун ижодкорлиги сифатини тубдан ошириш, қонунчиликни тизимлаштириш ва кодлаштириш, қонуности ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ва “ақлли тартибга солиш” модели элементларини жорий этиш учун қабул қилинади.

Тўртинчидан, янги Ўзбекистон — инсоннинг ривожланиши ва истеъдоди кадрланадиган мамлакат. Бугунги кунда илм-фан, таълим, инновация, технология ва кадрлар замонавий демократик жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Мамлакат тараққиётини замон талабларига мос равишда илм-фансиз тасаввур этиш қийин.

Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги илк учрашуви 2016 йил 30 декабрда академик фан вакиллари билан бўлганида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам. Унда ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, зиёлилар, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш, таълим тизимини, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, илм-фан ривожини янги босқичга кўтаришга катта эътибор қаратди. Илм-фан ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг интеллектуал, илмий ва маърифий салоҳиятини ошириш, илм-фаннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини мустаҳкамлаш, олим ва ўқитувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бу борадаги ишлар изчил ва тизимли тарзда давом этмоқда. Мазкур соҳада **“Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”**ги, **“Инновацион фаолият тўғрисида”**ги ва **“Таълим тўғрисида”**ги қонунлар, Президентнинг 170 дан ортиқ ҳужжати қабул қилинди, -**Ўзбекистон Республикасини инновацион ривож-лантириш стратегияси**, шунингдек, узоқ муддатли (2030 йилгача) **Илм-фан, олий таълим тизими, давлат ва мактабгача таълим тизимларини ривожлантириш бўйича концепция** тасдиқланди ва амалга оширилмоқда. Энг муҳим мақсадга эришиш йўлида инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилган, Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб **“Глобал инновацион индекс”** рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига кириш стратегик режаси қабул қилинди.

Илм-фаннинг ўзини ривожлантиришда фундаментал тадқиқотлар муҳим роль ўйнайди. Айнан улар орқали янги билимлар эгалланади ва назариялар шаклланади ҳамда истиқболли амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Натижада бугунги кунда мамлакатимиздаги юздан ортиқ академик ва соҳавий илмий муассасадан иборат илмий секторда 65 та илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртлари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари фаолиятини ташкил этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш асосида олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоиздан зиёдга ошириш вазифаси қўйилган. Бугунги кунда республикада 114 дан ортиқ олий ўқув муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий, 21 таси хорижий олий ўқув муассасаси ва уларнинг филиалларидир. Хусусан, сўнгги 3 йил ичида 6 та олий ўқув муассасаси ва 17 та филиал, шунингдек, хорижий олий ўқув муассасаларининг 14 та филиали ташкил этилди.

Бешинчидан, янги Ўзбекистон — бу давлат фаолияти, аввало, халқ тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга, жамиятда адолат ғоялари ва тамойилларининг тантана қилишига қаратилган мамлакатдир.

Биргина мисол келтирсак. Дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини чуқур ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматларни дунёда етакчи ўринга олиб чиқиш, мамлакатимизда замонавий жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланган юқори технологик ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг илмий, услубий ва таълим бериш салоҳиятини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий тиббий асбоб-ускуналар, диагностика воситалари ва усулларидан кенг фойдаланиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширган қадамлари ва ташаббуслари қанчалик ўз вақтида қўйилгани ҳамда ҳаётий эканини кўрсатди. Пандемия миллий соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам жиддий синов ва катта тажриба мактабига айланди. Мамлакатда бу хавфли касалликка қарши

курашиш учун мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўплаб янги шифохоналар ва карантин зоналари фойдаланишга топширилди. Кўп-лаб кўшимча тиббий асбоб-ускуналар ва тез ёрдам машиналари харид қилинди. Илғор хорижий амалиёт ва миллий тажрибани ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари такомиллаштирилмоқда. Коронавирусга қарши курашаётган шифокорлар ишини муносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бу ишлар натижасида минглаб беморлар соғайиб, оилаларига қайтмоқда.

Ҳар бир инсон давлат раҳбарининг **“Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”**, деган қатъий иродаси ва принципига гувоҳ бўлмоқда. Пандемия даврида нафақат аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, балки ишини йўқотган фуқароларга ва тадбиркорларга ёрдам беришга ҳам биринчи даражали аҳамият қаратилмоқда. Маблағлари Соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий инфратузилма, аҳоли ва тадбиркорлик субъект-ларини молиявий кўллаб-қувватлашга йўналтириладиган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан ортиқ фуқарога қарийб 34 триллион сўм миқдорида имтиёзлар берилиб, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам миқдорини кўпайтириш ва аҳоли бандлиги даражасини ошириш учун кўшимча равишда 2,6 триллион сўм ажратилди.

Конституциявий адолат тамойилини амалда таъминлаш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий кўллаб-қувватлашнинг янги самарали механизмлари жорий этиляпти. 590 мингдан зиёд оилани кўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қарийб 300 минг оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари бандлиги таъминланди. Энг муҳими, одамларда ўз-ўзини иш билан таъминлаш, ишбилармонлик қобилияти ва тадбиркорлик орқали камбағалликдан чиқиш борасидаги тажрибаси ва кўникмалари шаклланмоқда.

Олтинчидан, янги Ўзбекистон — ўз халқаро мажбуриятларига содиқ давлат, ишончли ташқи иқтисодий шерикдир. Ўзгариб бораётган Ўзбекистон бизнес ва сармоядорлар учун иқтисодий очиклиги ва жозибадорлиги билан тавсифланади, устувор вектори Марказий Осиё бўлган давлатнинг самарали ташқи сиёсати унинг қўшнилар билан алоқаларни йўлга қўйишига, Афғонистон билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга, минтақавий ва жаҳон давлатлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашига ёрдам беради. Турли халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг мавқеи яхшиланмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг прагматик ташқи сиёсий ташаббуслари бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Кўплаб халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий экспертларнинг баҳолашича, **Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев минтақадаги таракқиёт “локомотиви”** ҳисобланади. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда сўнгги йилларда Ўзбекистондаги каби кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмаган. Тошкентнинг яхши қўшничилик сиёсати туфайли Марказий Осиё давлатлари

илк бор бугунги кунда долзарб бўлган минтақавий масалаларни бу қадар очик ва самимий муҳокама қила бошлади.

Мамлакатимизда “меъмори” Шавкат -Мирзиёев ҳисобланадиган янги Ўзбекистонни қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга доир кўплаб мисоллар келтиришда яна давом этиш мумкин. Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳонда нуфузи ўсиб бораётгани — бу нафақат давлатнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, қатъий ва мустақил ташки сиёсати натижасидир, балки мамлакатда демократик ва бозор ислохотларини амалга оширишда эришилаётган ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши ҳамдир.

Янги Ўзбекистон раҳбари — ўз йўлидан бориш ҳуқуқини изчил ҳимоя қилаётган замонамизнинг санокли сиёсатчиларидан биридир. Унинг моҳияти эса:

биринчидан, жамиятнинг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг миллий, диний ва маданий хусусиятлари пухталиқ билан ҳисобга олинганида;

иккинчидан, иқтисодий ривожланиш ҳамда тараққиётнинг анъанавий ахлоқий ва маданий қадриятлар билан уйғунлигида;

учинчидан, эски соғлом фикрнинг тажрибага асосланмаган назариялардан устунлигида;

тўртинчидан, мафкуралашган концепциялар устидан ватанпарварлик, прагматизм ва ижодий амалиётнинг устунлигида.

Янги Ўзбекистонда бундай ёндашувни амалга оширишнинг амалий натижалари ҳам кўзга ташланмоқда. Тажрибали ўқувчи асосийсини осонгина кўради, яъни ўз мамлакати ва халқига садоқат, соғлом фикр, юксак ахлоқ, теран фикрловчи давлат арбоби, ўз стратегик йўналиши тўғрилигига ишончи комил сиёсатчининг амалий заковати ва темир иродасини.

Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор бўлади, миллий тараққиётимизнинг янги даври, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” миллий ғоясини амалга оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, бугун биз ушбу ғоялар атрофида халқимиз, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес уюшмаларнинг бирлашаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу эса олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришиш гаровидир.

ЯНГИ РЕНЕССАНС:

Тарих сабоқлари ва тараққиётнинг замонавий тамойиллари

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи
ўринбосари



Сўнгги бир неча йил давомида, тарих нуқтаи назаридан ўта қисқа вақт мобайнида дунё янги кўринишдаги Ўзбекистон вужудга келганини эътироф этмоқда.

Аввал совет тоталитар тузумининг сақланиб қолган охириги оролчаларидан бири сифатида таърифланган, инсоният тараққиёти шоҳқўчаларидан четда қолиб, иложи борича ўзгаришлар, чинакам ислохотлардан воз кечиб, ривожланишнинг “ўзининг алоҳида модели” сифатида паллеатив ярим чораларни танлаган давлат бирданига дунёдаги ислохотларнинг етакчиларидан бирига айланди. Халқаро миқёсда батамом ўзга қиёфага эга бўлган Ўзбекистон пайдо бўлди. Мамлакатнинг жаҳондаги обрўси ва таъсири мисли кўрилмаган даражада кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган дадил ўзгаришлар жамиятимиз, давлатимиз ривожланишининг янги мафкураси, ўзгача парадигмасини белгилади.

Кўп йиллар мобайнида мамлакат ривожига хос бўлган сусткашлик, турғунлик, кўндаланг турган вазифаларни бажармасдан, уларни пайсалга солиш, муаммолар ва зиддиятларни беркитиш сиёсатига барҳам берилди. Меъдага теккан “босқичма-босқич, аста-секин” деган гаплар унутилиб, бугун жадаллик билан чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Жамиятда янги муҳит яратилди. Илгари деярли бўлмаган ижтимоий, сиёсий ҳаёт пайдо бўлди, оммавий ахборот воситалари жонланди, фуқаролик жамияти фаоллашмоқда. Энг муҳими, одамлар ўз эркинлиги ва ҳуқуқларини англамоқда, уларда дахлдорлик ҳисси ва жамият тақдири учун масъулият ошмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” даъваткор ғоясини илгари сурди. Бунда ниҳоятда чуқур маъно бор. Миллий тикланиш, ўзлигимизни англаш, миллий давлатчилигимизнинг асосларини қайтадан барпо этиш босқичи тугади. Энди Ўзбекистонни ўз тарихий, цивилизацион ўрнини янгидан тиклаш, ўзбек халқининг генетик инсоний салоҳиятига монанд тараққиёт даражасини таъминлаш, учинчи Ренессанс барқ уриш даври келди.

Бу фақатгина шиор ёки умумий даъват эмас. Унинг аниқ йўналишлари, муайян дастурлари мавжуд. Биринчи навбатда, биз тарихга назар ташлаб, илгариги Ренессанслар сабоқларидан хулоса чиқариб, ҳаракатларимизни замонамиз талаблари, давр императивлари билан уйғунлаштирмоғимиз лозим.

Аввалги иккита Ренессанс даврида ўлкамиз дунё мамлакатлари орасида ривожланишнинг энг юқори чўққисига чикди. Сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий салоҳият бобида ўша йилларда ҳеч бир бошқа мамлакат ўлкамизга тенглаша олмас эди.

Манбаларга қараганда, биринчи Ренессанс даври, яъни 9-10 асрларда Самарқандда зарб этилган дирҳам тангаси бутун Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган пул маблағларининг учдан бирини ташкил этган. Ҳаттоки скандинавиялик викинг-лар ҳам ўз улушларини дирҳамларга алмаштиришга ҳаракат қилган. Яъни айнан Самарқанд дирҳами ўша пайтда кучли қийматга эга, умумэътироф этилган халқаро айирбошлов воситаси, халқаро валюта функциясини бажарган. Бунда ўша давлатнинг маъқеи, салоҳияти, унга бўлган ишонч, унинг иқтисодий салоҳияти ва қуввати -намоён эди.

Табиийки, бугун биз учун муҳим савол — ўша даврдаги залворли ютуқлар заминидан нима ётган? Қайси омиллар Марказий Осиё Ренессанслари вужудга келишини таъминлади? Уларнинг тугашига нима сабаб бўлди?

Биринчидан, инсоният кўрган барча Ренессансларга — Европа, Ислон, Марказий Осиёдаги уйғониш даврларининг барчасига бирдек хос бўлган хусусият антропоцентризмдир. Уларнинг барчасида фан, таълим ва маданият гуманистик ғояларга таяниб, авваламбор, дунёвий характерга, рационал мазмунга эга бўлган. Илмий изланиш, маданият ва санъат ижоди марказида ҳазрати инсон, унинг ҳаёти ва фаолияти, фикр ва ҳиссиётлар, умид ва истаклар, муаммо ва зиддиятлар гавдаланган. Бундан хулоса шуки, Ренессанс инсон эҳтиёжлари, эркинлик-лари ва ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади.

Бежиз эмаски, сўнгги тўрт йил мобайнида бу соҳага мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия изчил амалга оширилмоқда. Диний -эркинликни таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ва институционал чоралар кўрилди. Суд-ҳуқуқ тизимида инсонпарварлик жараёни илдиз отмоқда. Энди у фақатгина жазолаш эмас, балки, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муассасасига айланмоқда. Мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларини тугатиш бўйича амалий натижаларга эришилди.

Гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди. Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди. Октябрь -ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзо бўлди.

Иккинчидан, Марказий Осиёдаги биринчи Ренессанс маърифатпарварлик, диний кадриятлар гуллаган даврга тўғри келади. Ўша пайтда фан ва санъатнинг мислсиз юксалиши бу юртда билим, маърифатга юксак эътибор муҳити қарор топгани билан боғлиқ.

“Алақ” сурасида ҳар бир мусулмонга илмга тинмай интилиш буюрилган. Унинг биринчи оятларидаёқ қуйидаги сўзлар нозил: “Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз инсониятга қаламни ўргатган ўта қарамли зотдир!”.

Ислом динининг бундай эзгу ўғитларидан озикланган илм-маърифатга интилиш қадриятлари бугун жамиятимизда янада янгича маъно-мазмун касб этмоқда. Китобга бўлган иштиёқ қайта тикланмоқда. “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” ғояси асосида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнги тўрт йил мобайнида бир-ярим баробар ортди, 15 минг эркак ўқитувчи мактабга қайтди. Жамиятда ўқитувчи мақоми ва обрўсини юксалтириш мақсадида аниқ чоралар кўрилмоқда.

Мактаблар замонавийлаштирилмоқда. Уларнинг қарийб 6 минги ўта тез интернетга уланди. Замон талабига монанд, табиий фанларга ихтисос-лашган мактаблар сони кўпаймоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида математик йўналишда 56 та ва кимё-биологик йўналишда 27 та мактаб барпо этилди. Келгуси йили 82 та информация-коммуникация мактаби очилади.

Таълим тизими диверсификациялашмоқда: уч йил мобайнида хусусий мактаблар сони 6 баробар ортди.

Учинчидан, Марказий Осиёда маърифат даври пайдо бўлиши жамиятда юқори иқтидорли, илмга интилган, эркин фикр юритувчи ва давлат томонидан эъзозланган ҳамда рағбатланган шахслар мужассамлангани билан боғлиқ.

Фан, инновация ҳар бир Ренессанснинг пойдеворидир.

Бугунги дунёда рақобат тобора кес-кин тус олмоқда. Тўртинчи саноат инқилоби даврида рақобатбардош бўлиш фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш билан боғлиқ.

Инновация — бу бугун хоҳишга боғлиқ ихтиёрий қарор эмас. Бу — зарурият, давр талаби, мамлакат, жамиятнинг тақдирини ҳал қилувчи, ҳаёт-мамонт масаласидир.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 125 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёш ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпдир.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш, уни тўлақонли замонавий фан ва олий таълим тилига айлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади.

Ўз даврида Марказий Осиёда фаннинг гуллаши шаҳар цивилизациясидан келиб чиққан. Юнон жуғрофи Страбон эрамизнинг биринчи асрида минтақани “1 минг шаҳар ўлкаси” деб таърифлагани маълум.

Бежиз эмаски, Ўзбекистонда урбанизация дастури ҳукумат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Илмий изланишларнинг самарадорлиги фаннинг амалиётга яқинлиги билан боғлиқ. Минтақа кўпгина тадқиқотчилар томонидан “гидравлик

цивилизация” сифатида таърифланган ва ҳаётий эҳтиёжларнинг ўзи, яъни мураккаб сув иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар қатор табиий фанлар ривожини таъминлаган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Тўртинчидан, биринчи ва иккинчи Ренессанслар жамиятда эркин фикр юритиш маҳсули бўлган. Яратилган бетакрор илмий ва маданий дурдона асарлар айнан жўшқин интеллектуал ҳаёт натижасидир.

Ибн Сино, Беруний ва бошқа мутаазилитлар илмий ҳамжамият олдида энг қалтис саволлар беришдан ҳайиқмаган. Улар довюрраклик билан ақидапараст, аксилрационал оқимлар вакиллари билан очиқ баҳс қила билган ва шунинг эвазига илм чўққиларини забт этган.

Уйғониш даври, Ренессанс — фикр монополиясига зид. У ғоялар хилма-хиллигини талаб қилади.

Бугун жамиятимизда тобора эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари илдиз отмоқда. Бу ортга қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Оммавий ахборот воситалари ҳукумат фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилиш ва айни вақтда унга халқ фикри, орзу-умидлари, норозилигини етказиш, ҳокимият шаффофлигини таъминлашда тобора фаол роль ўйнамоқда. Бу ҳам давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, ҳам жамият барқарор ривожининг омилidir.

Бешинчидан, Ренессанс, уйғониш даври ҳақида гапирар эканмиз, унинг ҳал қилувчи омилларидан бири — бу дунёга очиқлик ва ташқи алоқаларнинг кенг қамровлигидир.

Аввалги Ренессанслар йирик мак-роминтақада муштарак маданий, гуманитар макон вужудга келгани билан изоҳланади. Минтақамизга азал-азалдан хос бўлган доимий халқаро мулоқот, маданий алмашинув халқимизда ўзига хос менталитет шаклланишига сабаб бўлди. Унинг белгилари сифатида бағрикенглик, ксенофобия ва диний фанатизм деярли йўқлиги, ўзга маданият, дунёқараш ва янгиликларга очиқликни кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, узоқ масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида ва гуллаб-яшнашида катта роль ўйнаган. Буюк ипак йўли нафақат товарлар, балки маданият, ғоя, илмий кашфиётлар айирбошлаш воситаси бўлган. Мана шундай халқаро савдо бўғини сифатидаги мавқенинг йўқотилиши кейинги ўрта асрларда Ўзбекистон ҳудудининг қолақ бир юртга айланишига сабаб эди. Бугун янгиланган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати айнан очиқлик руҳида ва ташқи алоқаларни барча йўналиш-ларда — Ғарбу Шарқ, Жанубу Шимол йўналишида бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас.

БМТнинг 75-Бош Ассамблеясида сўзга чиқиб, Ўзбекистон лидери минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга эканини қайд этиб, келаси йил ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида

“Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуида халқаро форум ўтказиш таклифини киритди.

Олтинчидан, тарих шуни исботлайдики, жамият тараққиёти, илм ва фан ривожини мамлакатдаги сиёсий муҳит, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси, дунёқараши, ёндашуви ва шахсий позициясига боғлиқ.

Охириги йиллар мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида асосий сиёсий платформаси ва бош мақсади Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш ва бунга жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эришишдир.

Бу эса Ўзбекистоннинг мавқеини кўтариш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг энг муҳим омилidir.

Хулоса шуки, Ўзбекистонда бугун жадаллик билан кечаётган ана шундай ислохотлар, жамиятдаги янгиланишлар мамлакатда кезаётган уйғониш руҳидан далолатдир. Учинчи Ренессанс узок истиқбол масаласи эмас. У бугун, ушбу онда жамиятимиз, унинг ҳар бир жабҳасида муттасил етилиб келаётган реал воқелиқдир. Ишончимиз комилки, юртимизда бошланган бу янгиланиш-лар изчил давом этади ва халқимиз орзу қилган буюк давлат, фаровон келажак барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлади.

ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИ МИЛЛИЙ ҚИЁФАСИНИНГ АСОСЧИСИ

Гулшаной ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси “Муסיқа тарихи ва танқиди”
кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

Тарихда шундай даврлар борки, миллий санъатнинг тараққиёт йўли маълум шахсларнинг ўрни ва мавқеи билан белгиланади. Атоқли санъаткор, серкирра ижодкор Ботир Зокиров айнан шундай шахслар қаторига киради. Унинг феномени том маънода XX аср замонавий ўзбек муסיқа санъатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Ўзбекистонда эстрада санъатининг камол топиб, юқори профессионалик рутбасига кўтарилиши, хонанда номи билан боғлиқ. Ижодкор истеъдодининг кенг қамровлиги ўзига хос бетакрор эстрада талқинчилиги мактабининг шаклланишига, шунингдек, мураккаблиги жиҳатидан республикада “Мюзик-холл” каби етук эстрада жамоасининг туғилишига асос бўлди.

Ботир Зокиров халққа, авваламбор, етук эстрада хонандаси сифатида танилган. Унинг қисқа ҳаёти давомида драматургия, режиссура, кино, проза, тасвирий санъатда ёзиб қолдирган асарларига ҳам катта истеъдод тамғаси босилган.

Хонанда яратган бетакрор талқин ва ижро услуби Шарқ ва Ғарб кўшиқчилиги анъаналарининг муштараклигини акс эттиради. Эстрада жанридаги дастлабки тажрибалари учун Ботир Зокиров Европа ва собиқ СССР эстрада кўшиқчилигида орттирилган кўникмаларни Шарқ ижрочилигининг бадий услублари, уларнинг умумий ва индивидуал хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш ва омухталигини топиш каби мураккаб йўлни танлайди. Кўп йиллик ижодий жараён давомида эришилган хулосалар замирида Ботир Зокировга хос “шахсий” эстрада кўшиқчилигининг *миллий қиёфаси* шакллана бориб, хонанда талқин этган ҳар бир асар қалбан ҳис этилиб, “дардли” овозда самимий ифодасини топган.

Ягона оҳанг, муайян куй чизгиси орқали кўшиқларни саҳналаштира олиш қобилиятига эга бўлган хонанда, ўз навбатида саҳнада оркестр билан уйғунлаша билиш маҳоратига эга эди. Хонанда кўшиқларининг ифодавий таъсирчанлик кучини оширишда оркестр чолғуларининг хилма-хил тембр жилоларига монанд нозик тенор овозининг тембр ранглари топа олган. Ботир Зокиров ижро услубининг муҳим томони юксак бадий дид ва маданияти билан фарқланиб, талқин нуктаи назаридан халқаро миқёсда эътиборни ўзига жалб этади.

Ўзбекистонда эстрада санъатига эътибор ортиб бораётгани сари композиторлар, ижрочилар, муסיқашунослар ва умуман, кенг тингловчилар доирасида Ботир Зокиров феноменига қизиқиш ҳам кучаймоқда. Бунинг сирини нимада?

Атоқли шоир Э.Межелайтиснинг “Илдизлар билан ер қаърига, ниҳоллар билан самога” нақлидан келиб чиққан ҳолда ва юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида Ботир Зокировнинг ижрочилик анъаналари, шу билан бирга кенг камровли ижодий фаолиятига мурожаат қилмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек эстрада мусиқаси нисбатан навқиронлигига қарамай, муайян (тахминан олтмиш йиллик) тарихий асосга эга. Унинг шаклланиши ва дастлабки давр тараққиётида ҳал қилувчи улушларини қўшган санъаткорлар хизматини бирма-бир ўрганиб, уларга алоҳида муносабат билдирган ҳолда таҳлил ва тадқиқ этиш лозим. Илк эстрада санъаткорларининг ёрқин ижрочилик салоҳияти, бой ва сермахсул фаолият камрови замонавий ўзбек кўшиқчилигининг асос заминини ташкил этиб, мазкур оммавий санъат қатламининг камол топишида муҳим омилларга айланиб қолган. Бу борада XX аср жаҳон эстрадаси юлдузи, ўзбек эстрада кўшиқчилигининг асосчиларидан бири Ботир Зокиров анъаналари ниҳоятда улкан мавқега эга.

Ҳозирги замон эстрада мусиқаси мураккаб жараёнларни кечираётган бир пайт-да миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва ибратли анъаналарни тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

XX аср фан-техникаси тараққиёти ва сиёсий-ижтимоий омилларининг мафкуравий ва таъсирчан кучи барча оммавий санъатлар қатори эстрада кўшиқчилиги соҳасини олдинга суриб чиқарди. Мазкур санъатнинг ниҳоятда ҳозиржавоблиги ва ҳамиша ўзгарувчанлиги — замон талаб-ларига мосланувчан табиати, ижобий ютуқлари билан бир қаторда мустақиллик даври санъати тизимига путур етказувчи салбий ҳодисаларни ҳам ўз ортидан етаклаб келди. Хусусан, бозор муносабатларига ўтиш жараёни маълум маънода эстраданинг “шоу-бизнес” тизимига айланишига сабаб бўлиб, мазкур санъатнинг асл моҳиятини акс эттирувчи профессионал ижрочилик мезонларининг деярли йўқолишига олиб келди. Давлатимиз томонидан охирги йилларда эстрада санъатига кўрсатилаётган катта эътибор, унинг олдида узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган ижодий ва назарий муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар самара бериб улгурмай, амалда турли мунозаралар пайдо бўлиб, ушбу масала хануз мураккаблигича қолмоқда. Бундай масъулиятли ва мушкул вазиятда яқин тарихимизда миллий ғурурга айланган ноёб ва юқори бадиий ижрочилик мактабини яратишга муваффақ бўлган Ботир Зокировнинг ижрочилик анъанаси ва феномени намуна сифатида қайд этилиши бежиз эмас.

Хонанданинг ранг-баранг репертуаридан Р.Ҳамзатов шеърига (Н. Гребнев таржимасида) В.Шаинский яратган “Бахт ҳақидаги кўшиқ” Ботир Зокиров ва унинг синглиси Луиза Зокирова билан илк бор биргаликда ижро этилган бўлиб, у қадар шуҳрат қозонмаган бўлса-да, маълум маънода хонанда ҳаётига ҳамоҳангдек туюлади. “Бахт ҳақидаги кўшиқ” гўё унинг бутун умри давомида эзгу мақсади ва ижодий изланишларини ифодаловчи бир рамзга айланди.

Ботир Зокировнинг мураккаб ҳаёти, бир вақтнинг ўзидаги кенг камровли фаолияти ҳамда қисмати бир томондан гўё порлоқ, иккинчи томондан ниҳоятда оғир бўлган. Хонанда ёшлик чоғларидан то умрининг сўнгги дамларигача йўл-йўлакай ёзиб қолдирган кундаликлари, серфаол ижодий борлиғи, маънавий меросимизда ва ҳозирги санъатимизда муносиб ўрин эгаллаши бежиз эмас. Зеро, унинг номи наинки Ўзбекистон, балки жаҳоннинг XX асрга мансуб сара хонандалари қаторида “ўзбек юлдузи” сифатида машхур бўлиб, ижро маҳорати тан олиниб келинган.

Хонанданинг таржимаи ҳолидан маълумки, унинг болалик чоғлари XX аср аксар ўзбек санъаткорлари фарзандлари ҳаётига ўхшаш кечган. У Москвада таваллуд топди. Ука-сингиллари каби ёшлигидан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали театрлари спектакллари бевосита таъсирида ўсиб-улғайди. Ҳар доим хонадонларида янграган куй-қўшиқлар, отаси Карим Зокиров ва онаси Шохиста Саидованинг теран машқлари ёш Ботирда санъат эҳромига, театр ва қўшиққа бўлган чексиз муҳаббат чўғини солди.

Бу ҳақда хонанданинг “Кундаликлар”ида қуйидаги сатрлар мавжуд: “...Театр, бу сўз мен учун бениҳоят катта аҳамиятга эга. Менинг бутун болалигим ва ёшлик чоғларим ушбу гўзал санъат билан чамбарчас боғлиқликда кечган. Бунга иштиёқ ҳаётимнинг қайси даврида туғилди, билмайман. Назаримда, туғилишимдан олдин ошуфта бўлганман гўё... Эсимда, кичик синглим Луиза билан биргаликда онамиз ишлаган Муқимий театри спектакларида кўрган актёрларимиз ижросига тақлидан мўъжазгина болалар спектакллари уюштирар эдик. Онамиз хоналарига яширинча кириб, гримларини деярли тугатиб, қўлбола костюмлар ўйлаб топардик. Биз, ҳатто, катта кўғирчоқ спектакллари кў-йишга ҳам уринганмиз. Кўғирчоқлардан тортиб то сахна безакларигача ўз қўлларимиз билан ясар эдик. Умуман, ҳар нарса ва ҳамиша гўё театрдек эди”.

Зокировлар оиласида тез-тез бўлиб ўтадиган қизиқарли учрашувлар, таниқли шоирлар, актёрлар, хонандалар ва рассомлар билан бевосита мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар -Ботир Зокировда санъатга чуқур профессионал нуқтаи назаридан ёндашиш, ва, муҳими, ижрочилик дидининг шаклланишида замин бўлди. Шу боис, мактабнинг 9-синфини тугатмай, у ўз ҳаёти мақсадини англаган ҳолда Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсига киришга қарор қилади. Зеро, у тезроқ отаси Карим Зокиров билан сахнада ёнма-ён роль ижро этишни орзу қилар эди.

1952 йили Ботир Зокиров консерваториянинг вокал бўлими талабасига айланди. Бу даргоҳда у Тошкентга Ленинграддан келган вокал мактаби устаси — Евгения Ивановна Бузанская синфида таҳсил олишдан бошлайди. 1952 йилнинг 20 августида хонанда “Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан — болалигимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади. Ўша куни мен Тошкент Давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли

имтиҳон топширдим. Ўша кунлардан бошлаб, мен муסיқа эҳроми — Консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севимли машғулотиمنىнг тубсиз уммонига шўнғидим”, деб ёзади.

Бўлажак хонанда талабалик давридаёқ опера, умуман, вокал санъати асосларини пухта ўзлаштиришга бор шижоати билан киришиб кетади. Овозни ижро палласига қўйиш, уни “очиш”, нафасни тўғри тақсимлаш ва йўналтириш каби муҳим вокал ижрочилиги асосларини ўзлаштириб келаётган Ботир Зокиров, ўз навбатида, Шарқ ижрочилик анъаналари билан уйғунликни топишга астойдил ҳаракат қилади. Дарсдан ташқари вақтларини Ғарб ва Шарқ кўшиқларини ўрганишга бағишлайди.

Бир неча йиллар давомида Ботир Зокиров ва Луиза Зокирова сахнада озарбайжон, тожик, туркман, қирғиз, ҳинд, эрон, афғон, араб ашулаларини маромига етказиб, бадий таъсирчан дуэтлар ижро этадилар. Бироқ, хонанданинг 1955 йили беҳос қўзғалган оғир ўпка хасталиги келажакдаги кенг қамровли орзу-умидларини қатъий чеклашни тақозо этди. Сув ва ҳаводек зарур бўлган соғлом вокал аппаратидан жудо бўлиш Ботир Зокиров учун ўлим билан тенг эди.

Бир замонлар машҳур рус тенори, ноёб овоз соҳиби С.А.Лемешевнинг худди шундай хасталикка гирифторм бўлгани ва муҳими, дардни енгиб, соғайиб кетганлиги хонанда қалбида келажакка умид учқунларини пайдо қилди. Нафас олиш тобора қийинлашиб боришига қарамай, у тинимсиз меҳнат ва кучли ирода билан куйлаш учун курашни давом эттирди.

Бешафқат тақдирга тан бергиси келмаган санъаткор жами олти марта жарроҳлик столига ётиб, мураккаблиги жиҳатидан “Қатта тиббиёт энциклопедияси”га кирган операцияларни ўтказди. Операциялар орасидаги қисқа муддатли танаффуслар-да у улгуролмаётган ишларини амалга оширишга бор шижоати билан киришиб кетарди. Унинг машҳур кўшиқлари айни шу дамларда тасмага туширилди, суратлари чизилди, шеърлари битилди, асарлари таржима қилинди, либреттоси яратилди, “Мюзик-холл”-нинг дастури тайёрланди, тарғиботчилик фаолияти амалга оширилди.

Ботир Зокиров учун жисмоний оғриқлар эмас, ҳаёти давомида рўбарў келган тўсиқлар ва зиддиятларни енгиш, муҳими — руҳий тетикликни сақлаб туриш мураккаброқ эди. “Наҳотки, ҳаммаси тугаган бўлса!”. Кундаликдаги аянчли бу хитоб хонанданинг Москва давлат консерваториясида таҳсилни давом эттириш учун топширган имтиҳонидан сўнг ёзиб қолдирилган. Маълум бўлишича, вокал факультетининг нуфузли мударрислари ёш хонанданинг овозини истиқболи йўқ, деб топадилар.

Ўшанда Ботир Зокиров таассуф билан Тошкентдаги устози — Евгения Ивановна Бузанскаяга йўллаган мактубига куйидагича жавоб олади: “Қадрдоним Ботир! Барча ёзганларинг ниҳоят аламли... Сен, албатта, хонанда бўлишинг керак! ..”

Афсуски, Ботир Зокиров консерва-тория-да ўқишни тугатолмади. “Ёшлик” ансамблига раҳбарлик қилган таниқли режиссёр Александр

Гинзбург хонанданинг режиссёрлик қобилиятини пайқаб, санъатдан, кўшиқдан йироқлаб кетмаслиги ниятида Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик факультетида ўқишни таклиф қилади. 1951 йилдан бошлаб, хонанда А.Гинзбург синфида таҳсил олади. 1958 йили Ўзбекистонда биринчи эстрада-симфоник оркестри ташкил этилиб, Ботир Зокиров синглиси Луиза билан оркестр яккахонларига айланади. Айнан ушбу эстрада-симфоник оркестрида, сўнг эса хонанда ташкил этган “Мюзик-холл” фаолиятида Ботир Зокировнинг ижрочилик салоҳияти такомиллашди.

Эстрададаги фаолиятидан ташқари, -Ботир Зокиров адабиётда қалам тебратди, жозибали суратлар чизиб қолдирди, бир неча кинофильмларда суратга тушди. Уларда юқори профессионал маҳоратдан ташқари, ижодкорнинг ижтимоий дунёқараши, идеаллари ва касбий талаблари, қалб руҳиятининг нозик ва чуқур қирралари, кизиқишлари доираси акс эттирилган бўлиб, Ботир Зокиров феноменини яратишда асос бўлади.

Ботир Зокировнинг опера жанридаги илк тажрибаси Икром Акбаровнинг “Сўғд элининг қоплони” операсига либретто яратиш билан бошланди. Унда либретточининг сахна ва мусиқий драматургия қонуниятларидан воқиф бўлгани, композицион тузилиш, ғоявий мантиғи нуқтаи назаридан етук опера андозалари билан қиёсланиши Ботир Зокиров истеъдодининг кенг ва теранлигидан далолат беради. Бироқ, ижодкорнинг ҳаёт мазмунини белгилаган ижрочилик санъати, бевосита эстрада санъатидаги кўшиқчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Айнан кўшиқ хонанда ижодини белгиловчи бош омиллардан бирига айланди. Ижодкор репертуаридан ўрин олган кўшиқларнинг деярли ҳар бири дард туғғени, юқори профессионаллик маҳорати билан ижро этилган бўлиб, бадиий-эстетик таъсирчанлиги билан тингловчига завқ-шавқ бахш этади.

Карим Зокиров ва Шоҳиста Саидоваларнинг тўнғич фарзанди — Ботирга туғма (ирсий) равишда онадан майин ва назокатли, отадан драматик, ширадор, баъзида димоғда ифодаланувчи бетакрор тембр хусусиятли овоз насиб этган эди.

Ёшлик дамларидаёқ Ботир ўзини ниҳоятда кучли хотира ва нозик мусиқий дид эгаси сифатида намоён этган. Таниқли Шарқ хонандаларининг ижросидан завқланиб, тақлидан маромида хиргойи қилиш салоҳияти билан ён-атрофидагиларнинг диққат-эътиборини тортар эди. У ўша давр-ларда жаҳонга доврўғи таралган Италия “Ла Скала” театрининг машҳур хонандалари Энрико Карузо, Беньямино Жильи, Титто Руффо ижоди билан қизиқар, улар ҳаётдан эшитган ё ўқиган айрим во-қеаларни ҳикоя қилар, кўшиқларини айтиб берарди.

Ботир Зокиров тинглаб, хиргойи қилиб юрган Шарқ ва Ғарбнинг етук опера намояндалари асарлари, граммпластинкалардан эшитган, ён-атрофда қулоғига чалинган мароқли кўшиқлар болалик чоғларидаёқ уни ошуфта этиб, келажagini белгилаб берди. Тошкент давлат консерваториясининг талабаси бўлгунига қадар Ботир Зокиров маълум маънода Шарқона ва Ғарбга хос ижро

усуллари ва йўлларидан хабардор эди. У сахна ижрочилиги бўйича камтарин тажриба ва ширали овоз диапазониغا эга эди.

Консерваторияда ўқиётган пайтида Ботир Зокиров ўзбек, рус, ва чет эл муаллифлари романслари, опералардан арияларни ўрганиш жараёнида ижро услубини такомиллаштириб боради. Шу йиллардаёқ у “Ёшлик” (“Юность”) эстрада гуруҳида қатнашиб, янги замонавий эстрада йўналиш-ларида яратилган кўшиқларини ижро эта бошлайди. Мазкур ансамбль Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон талаба-ёшлари фестивалида (1957 й.) бронза мукофотининг совриндори бўлди.

Фестивалга тайёрланган кўшиқлар қаторида Шоҳиста опа Саидова қаламига мансуб “Ўзбекистон — менинг диёрим” кўшиғи ҳам ўрин олган эди. Уни Ботир Зокиров синглиси Луиза Зокирова билан биргаликда ижро этиб, қатнашчилар ва ҳакамлар ҳайъати таҳсинига сазовор бўлди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, оркестрда ўша вақтда таниқли композиторлар Ян Френкель, Альберт Малаховлар (оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри) фаолият кўрсатиб, Ботир Зокиров репертуарида кейинчалик энг сара мумтоз асарларга айланган кўшиқларининг сайқал берувчилари бўлдилар.

Ботир Зокиров Ўзбекистон эстрада-симфоник оркестри билан ишлаган пайтида нафақат эстрада жанридаги асарлар, балки таниқли ўзбек композиторлари қаламига мансуб “мумтоз” кўшиқ ва романсларни ҳам маромига етказиб куйлаган. Бу Мутал Бурхоновнинг “Мафтун бўлдим” (номдош фильм-даги) кўшиғи ва “Намедонам, чи ном дорад” романи, Сайфи Жалилнинг “Мажнун монологи”, “Кечалар юлдуз санаб” вокал асарларидир.

Композиторлар хонанданинг овозига махсус мўлжалланган кўшиқлар яратганлари маълум. Ботир Зокиров ижро репертуаридан ўрин олган асарлари таҳлил қилинар экан, биз кўплаб таниқли муаллифларнинг номларини учратамиз: Е.Шварц (“Яхшимисиз”), Т.Бобоев (“Қиз ва хум”, “Тақдир ҳақида кўшиқ”, “Учрашув кўчаси”, “Кекса муҳаббат”), Э.Қаландаров (“Купола”), А.Муҳаммедов (“Бир оқшом”, “Сени эслайман”) Э.Солиҳов (“Ҳеч ким айбдор эмас”, “Соғинди жон”), С.Юдаков (“Ўзбек тангоси”), В.Шаинский (“Песня о счастье”) ва -бошқалар.

Хонанданинг репертуаридан ўрин олган турли халқлар кўшиқларининг аксарият қисми оригинал (ҳинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, югослав, рус, француз) тилларида ижро этилган. Буларнинг барчаси Ботир Зокиров талқинларининг ҳақиқатан байналминал моҳиятидан далолат бериб, хонанданинг нафақат Ўзбекистон-тон, балки *умумжаҳон* мусиқа маданиятида тутган мавқеини аниқ белгилайди.

Бугунги кунда юзага келаётган эстрада мусикамиз муаммоларини ижобий ҳал этиш жараёнида Ботир Зокировдан мерос бўлиб қолган анъаналарни эъозлаш, ўрганиш ва тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Юксак истеъдод соҳибининг ибратли ижрочилик санъати ва ижтимоий-маънавий фаолияти ўсиб келаётган ёш хонандалар учун намуна бўлибгина қолмай, том маънода санъат бобидаги фидойилик рамзини гавдалантиради.

Президентимиз томонидан 2021 йилда хонанданинг 85 йиллигини юртимизда кенг нишонлаш ҳақида эълон қилинган қарор ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.

МУНДАРИЖА

“Янги Ўзбекистон” газетаси жамоасига.....	5
Энг буюк ишонч.....	6
Маънавият хиёбони.....	8
Ўзбек диёрининг забардаст куйчиси.....	11
Аёл бахти жамиятнинг бахтидир.....	18
Биз ғалаба ниятида йўлга чиқдик.....	24
Урф-одатларимиз яқин, анъаналаримиз уйғун.....	29
Бу ерларда осмон йўқ эди... ..	32
Янги Ўзбекистон иқтисодиёти баҳори.....	38
Ҳалоллик вакцинаси: тўғри таълим ва тарбияда намоён бўлади.....	42
Мўйноқ: ҳаёт яна қайтмоқда.....	46
Пахтачиликда тарихий бурилиш.....	50
От чоптирса гумбурлайди тоғнинг дараси.....	54
Илм-фан тараққиёти — бугун ва истиқболни белгиловчи куч.....	57
Ватанга эҳтиром ва садоқат ифодаси.....	61
Мудроқ тафаккурлар уйғонмоғи керак.....	64
Ғоят кўхна ва барҳаёт тилимиз тантанаси.....	66
Тинч ва фаровон ҳаёт болаларга энг яхши тухфа.....	69
Инсон эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши керак.....	74
Ҳар кимнинг ўз ватани бўлсин.....	78
Ўзбекистон ва Европа: ҳамкорликнинг янги даври бошланди.....	82
Халқаро рейтинг ва индекслар.....	91
Ҳар бир замон ўз тарихини яратади.....	99
Ўзбек шеърятининг тонг юлдузи.....	103
Тизимда янги даврни бошлаб берган концепция.....	110
Ҳидоятга бошловчи янги илму урфон маркази.....	114
Ер, сув ва қуёш.....	117
Қорақалпоғистон Республикаси: ҳар бир инсоннинг ҳаёт	

даражасини янада яхшилаш — устувор вазифа.....	124
Миллат сардорининг мурожаати юракларимизда акс садо берди.....	131
Муваффақиятли миллий ислоҳотлардан глобал ривожланишга чорлов.....	135
Ватан ва миллат қайғуси.....	139
Демократлаштириш шароитида давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги зарур.....	151
Халқимиз матонати, ёшларимиз шижоати – мақсадларимизга эришиш йўлида асосий куч.....	159
Ҳамиша эъзоз ва эҳтиромдасиз.....	165
Зиёлилар орзиқиб кутган хужжат.....	172
Таҳдидларни даф қилиш ўз қўлимизда.....	176
Ўзбекистонда ривожланишнинг истиқболли одимлари белгиланган.....	180
Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — бугунги куннинг энг муҳим талаби.....	184
Эзгулик ғалабаси ва тарихий адолат.....	191
Алишер Усмонов: келажак меъморининг йўли.....	196
Фарғона юксалиш ва тараққиёт одимлари.....	205
Инсон ҳуқуқи, шаъни ва кадри: ҳимояси билан боғлиқ янги тақлифлар, ташаббуслар, талаблар.....	213
Гендер тенглик: аёлга эътибор – келажакка эътибор.....	217
Жамият янгиланишларнинг асосий ташаббускорига айланмоқда.....	220
БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлади.....	224
Миллат тарбияловчиси	229
Судлар мустақиллиги — конун устуворлиги ва барқарор ривожланиш кафолати.....	233
Боқимандалик балоси.....	239
Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат: тизимли “қайта юклаш” ва янги имкониятлар.....	245
Юлдузлар самодан қувлайди тунни.....	252

Миллий тараққиёт пойдевори.....	258
Янги Ўзбекистонни янги авлод билан барпо этамиз!.....	263
Янги индустриал тараққиёт — тарихий зарурат.....	269
Замонавий дунёда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кун тартиби.....	277
Янги Ўзбекистон ва учинчи ренессанс.....	291
Оқ тонглар куйчиси.....	300
Дунё эътироф этаётган Ўзбекистон.....	304
Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар: учинчи ренессансга элтадиган юксак салоҳиятли янги авлод бешиги.....	312
Транспорт дипломатияси: сифатли таълим ва амалиёт уйғунлигидан қувват олади.....	317
Янги Ўзбекистон қурилишининг меъмори.....	324
Янги ренессанс: тарих сабоқлари ва тараққиётнинг замонавий тамойиллари.....	330
Ўзбек эстрадаси миллий қиёфасининг асосчиси.....	335

Публицистик нашр

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ:
МУҲТАШАМ СОЛНОМА**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Салим Дониёров

Абубакир Уразов

Улуғбек Асроров

Носир Жўраев

Авазбек Худайкулов

Дилшод Улуғмуродов

Башорат Юнусова

Боборавшан Ғозиддинов

Юнус Бўронов

Газетада нашр этилган мақолалар таҳрир хайъати томонидан сараланиб,
нашрга тавсия қилинди. Расмлар интернет очиқ манбаларидан олинган.